


ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти

ҒАЙБУЛЛА САЛОМОВ
тил
ва
таржима

(Бадий таржиманинг умумфилологик
ва баъзи лингвистик масалалари)



Ўзбекистон ССР „ФАН“ нашриёти. Тошкент—1966

*Марҳум мураббий Аҳмаджон Еқубовнинг
хотирасига бағишлайман*

Автор.

Ғайбулла Саломовнинг ушбу монографиясида рус тилидан ўзбекчага таржима қилишнинг бир қанча лингвистик масалалари ёритилган. Унда таржиманинг асосий «қурилиш материали» бўлган сўз, унинг фонетик либоси, семантик ва услуб хусусиятлари ҳамда таржима жараёнида синонимлардан фойдаланиш каби масалалар муфассал текширилган.

Китобда бадий таржимада автор услубини акс эттириш масаласига доир маълумотлар берилган. Шунингдек, унда миллий колоритни акс эттиришга доир муҳим фикрларни ҳам топиш мумкин.

Турли-туман таржималарни, фактларни чоғиштириш асосида яратилган бу асарда автор бадий таржиманинг бир қанча лингвистик «сир»ларини очишга ҳаракат қилган. У ҳозиргача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган кўпгина таржима назариясига оид асарларни ва таржималарни қидириб топган ва уларни таҳлил қилган.

Ғ. Саломовнинг «Тил ва таржима» асари илмий ходимлар, таржимонлар, тил ва адабиёт ўқитувчилари, журналистлар ва студентларга мўлжалланган.

*Филология фанлари кандидатлари
ОЛИМ УСМОН ва ЖУМАНИЕЗ ШАРИПОВ
таҳрири остида*

АВТОРДАН

Санъат кошонасининг шинам ва гўзаллиги бино чизмасининг қанчалик пухта ва аниқлигига, безакларнинг бежиримлигига, меъморнинг маҳорати ва қурувчиларнинг меҳнатига боғлиқ. Аммо бунда бинонинг қандай материалдан қурилганлиги, қурилиш материалининг сифати ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Бадий таржимада эса асосий «қурилиш материали», таржиманинг биринчи ва энг зарур элементи бўлган сўзнинг ўрни беқиёс каттадир. Бир тилдан бошқа тилга таржима қилишнинг ҳамма проблемалари — бадийлик ҳосил қилиш, услуб яратиш, миллий колоритни акс эттириш сўз проблемаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Бас, шундай экан, бадий таржима соҳасида яратилган хоҳ катта ва хоҳ кичик ҳажмдаги ҳар қандай назарий иш биринчи галда сўзни таҳлил қилишга бағишланади.

Бизда бадий таржимада сўз танлаш проблемасини ўрганишда икки асосий камчиликка йўл қўйиб келинди: 1) таржиманинг сифати яхши ёки ёмон эканлигини исботлаш учун асл нусхадаги сўзнинг фақат асосий, тўғри маъносига мос ўзбекча дубликати асос қилиб олингани ҳолда, унинг кўчма, мажозий ва идиоматик маънолари назардан соқит қилинади; 2) аксинча, мавҳумиятга берилиб кетиб, биринчи планга бадийликни қўйган ҳолда, ҳар қандай бадийликнинг тағзаминини сўзнинг маъзидан қидириш кераклиги инкор қилинади.

Гарчи бу икки йўналиш расмий суратда шаклланмаган бўлса-да (улар ўргасига хитой девори қўйиб бўлмайди, албатта), аммо қилинган ишлар таржимачилик практикасида ҳам, назария соҳасида ҳам шу икки концепция «ғайри расмий тарзда» ҳукм суриб келаётганидан дарак беради.

Биз сўзга таржима назарияси соҳасида махсус проблема деб қарар эканмиз, уни шунчаки лексик элементгина эмас, балки, шу билан бирга, ҳар қандай бадий асар яратишнинг биринчи шarti бўлган бадийликни рўёбга чиқаришнинг асосий воситаларидан бири деб талқин қиламиз.

Авторнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади бадий таржимада сўз танлаш ҳамда энг кам ўрганилган, шу билан бирга энг муҳим масалалардан услуб ва миллий колоритни акс эттириш проблемаларини ёритишдан иборат.

Китобнинг вазифаси бадий таржимачилик практикасининг тараққиёт жараёнини кўрсатиш, таржиманинг асосий назарий-лингвистик муаммоларини тадқиқ этиш, бадий таржима маҳорати масалаларини ўрганишдан иборат.

Ушбу асарни яратишда республикамизнинг таниқли зиёдиларидан бири, кекса коммунист марҳум Аҳмаджон Ёқубовнинг бизга кўрсатган моддий ва маънавий кўмаги бениҳоядир. Шунинг учун автор бу ҳурматли зотнинг хотирасини зўр миннатдорлик билан эслайди. Ишни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари И. М. Мўминов, Т. Н. Қориниёзов, В. А. Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори Қ. Х. Хонназаров, филология фанлари докторлари, проф. А. В. Федоров, Э. В. Севортян, Н. А. Баскаков, В. М. Насилов, В. С. Расторгуева, А. Ф. Ғуломов, О. А. Азизов, Ҳ. С. Сулаймонов, В. В. Решетов, С. Иброҳимов, проф. У. Т. Турсунов ҳамда филология фанлари кандидатлари О. Усмонов, О. Икромов, Ҳ. Бердиёров, З. Маъруфов, Х. Дониёров, Н. Шукуров, Ж. Ҳамдамов, Р. Орзибековларнинг, хусусан муҳтарама Александра Федоровна Боровкованинг яқиндан ёрдам берганликларини автор самимият билан қайд этади.

Шунингдек, автор иш билан батафсил танишиб, лутфан ўзларининг қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирган таржимонлардан Р. Абдураҳмонов, Ж. Шарипов, З. Аминов, В. Рўзиматов, қўлёзмани таҳрир қилишда холисона кўмаклашган Ю. Эшонқулов ўртоқлардан ўзининг мамнун эканлигини билдиради. Ниҳоят, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ходимаси Ҳамида опа Назарова ишнинг сифатини яхшилаш борасида жонкуярлик билан ҳормай ишлаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қўлёзманинг биринчи вариантини кенг муҳокамадан ўтказиб, уни нашр этишга қарор қилган Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Ўзбекистонда рус адабиёти ҳамда Терминология ва таржима назарияси секторлари ходимлари, А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ўзбек ва тожик филология-

си факультетининг тилшунослиги кафедраси аъзолари, Улугбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедраси ходимлари билдирган таклиф ва истакларини автор ҳисобга олишга ҳаракат қилди.

* * *

*

Китобнинг тузилиши ҳақида қуйидагиларни айтиш лозим.

Бир неча марта мурожаат қилишга тўғри келган айрим бадий, илмий асарлар, тўпламлар ва шу кабиларнинг номлари шартли қисқартма шаклида берилди. Бунда, асосан, асар номларининг бош ҳарфларини қисқартириш тартиби қабул қилинди. Масалан, АҚ — Л. Н. Толстойнинг «Анна Каренина» номли романи, ВФ — «Вопросы фразеологии» мақолалар тўплами эканини билдиради ва ҳоказо. Шартли қисқартмадан кейин рақам келади. Масалан, Б, 1946, 5 ёки Б, 1953, 38. Бунда ҳарфдан кейинги биринчи рақам асар (айни ҳолда Б. Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» повести)нинг нечанчи йилги таржимаси эканини, ундан кейинги рақам эса саҳифани билдиради. Русча-ўзбекча луғатларга мурожаат қилинганда иш бошқачароқ. Бунда шартли қисқартмадан кейинги биринчи рақам луғатнинг нечанчи томи эканини билдиради. Масалан, РЎЛ, V, 92 — русча-ўзбекча луғат, V том, 92-бет. Бу тартиб айрим бадий асарлар қисқартмасига ҳам тегишли. Чунончи, АҚ, 2, 15 — «Анна Каренина» романининг иккинчи китобидан олинганини англатади.

Айрим бетларда саҳифанинг тагига тушириб ёзиладиган сўзларга ҳавола қилувчи рақамлардан ташқари юлдузча (*)ни учратиш мумкин. Бу юлдузча ўша текстга тааллуқли изоҳли шарҳ, ҳавсла ёки қўшимча, тўлдирувчи материал борлигини билдирадигани, булар ҳаммаси асарнинг охирига тиркалган.

Таржима назарияси бўйича илмий иш ёзганда *таржима* сўзини жуда кўп ишлатишга тўғри келади. Бу эса услуб ғализлигини туғдиради. Хусусан, «таржимон... таржима қилди» мақомидаги жумлаларнинг кўп учраши китобхоннинг ғашини келтиради. Ана шундай кўнгилсиз ҳодисанинг юз беришидан иложи борича қутулиш мақсадида таржима қилмоқ сўзининг тилимизда азалдан ишлатиб келинган, ammo кейинги вақтларда анча пассивлашиб қолган *ағдармоқ*, *ўғирмоқ* каби синонимларини ҳам кенг қўллашга журъат қилинди.

КИРИШ

Ўзбекистонда таржима тарихи минг йиллик даврни қамраб олади. Фаннинг турли-туман соҳаларига доир жуда кўп асарлар араб, форс, рус тилларидан ва жаҳондаги бошқа халқлар тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган. Ўзбек олимлари ва ёзувчиларининг сон-саноқсиз асарлари ҳам араб ва форс тиллари орқали жаҳондаги бошқа кўп халқлар тилларига ағдарилган. Филология фанлари кандидати Жуманиёз Шарипов ўзининг яқинда босилиб чиққан «Ўзбекистонда таржима тарихидан» номли монографиясида ана шу таржималарни тавсифлаб берган.

Ўзбек таржимачилик тарихи турли-туман услубларга, жанрларга, мавзуларга, йўналишларга бой. Бу таржималарда ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топган. Гарчи таржима жараёнида тўпланган бой фактик материал ўз даврида илмий томондан махсус ўрганилмаган бўлса-да, бу — таржимоўларнинг муайян принципларга таяниб иш кўрганликларини рад этмайди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда таржима тарихини илмий томондан умумлаштириб, чуқур таҳлил қилиш ва таржима тарихининг этаплари ва асосий принципларини аниқлаш алоҳида илмий тадқиқот ишларининг мавзуи бўлиб қолади.

Биз таржимачилик соҳасида узоқ асрларга бориб тақалувчи тарихий тажриба ва катта ижодий анъаналар ворисимиз. Аммо таржима назариясининг мустақил фан сифатида шаклланиш жараёни Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин бошланди. Бунда рус классик ва революцион-демократ ёзувчиларининг, хусусан, жаҳон афкор оммасининг йўлбошчилари, пролетар доҳийлари К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг таржима ҳақида айтган қимматли фикрлари, А. М. Горький асос солган кўпмиллатли социалистик реализм адабиётининг яратилиши катта аҳамиятга эга.

Реалистик таржима принципларининг қарор топиши ва таржима назариясининг фан сифатида шаклланиш жараёнини ўрганишда фақат муайян бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш практикасининггина ўрганиш методологик томондан тўғри бўлмайди. Чунки фанда умумий, типик ҳолатлар олинади ва умумлаштирилади. «Ҳар бир маърифатли халқ фанни ҳамма халқлар учун ҳам ҳақиқат бўлиб қоладиган ҳақиқатлар билан бойитганидагина фан учун аҳамиятга молик бўлади. Аксинча, бошқа халқлар учун тушунарли бўлмаган, бир ўзига махсус фан яратиб олган халқ фанга қандай ҳам фойда келтира олар эди дейсиз? Хуллас, агар ҳар бир халқ ўтмишда эришилган ва замондошлари эришган илмий натижаларни ўзлаштирмай туриб, бир ўзига махсус фан яратиб ола берса, фан тараққий қилармиди? Французча математика, инглизча тортилиш қонуни, немисча кимёвий яқиндошлик деган ибораларни тушуниб бўлмаганидек: русча фан деган ибора ҳам, башарти бу ибора предмети Россия, унинг табиати ёки унинг тарихи бўлган фанни ифодаламас экан, маза-матрасиз иборатга айланиб қолади»¹.

Шундай қилиб, биз Ўзбекистонда таржима назариясининг фан сифатида шаклланиш жараёнини кузатар эканмиз, бу билан рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг қандайдир «махсус» назарияси мавжуд деб даъво қилмоқчи эмасмиз. Аксинча, мақсадимиз таржима назариясининг марксизм-ленинизм методологиясига асосланган фан эканлигини кўрсатиш билан бирга, таржима назариясининг бир қанча асосий категориялари ва тушунчаларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш материали асосида ёритишдан иборат.

¹ К. Д. Ушинский, Танланган педагогик асарлар, Ўзқувпеддавнашр, Тошкент, 1959, 26-бет.

БИРИНЧИ ҚИСМ

БАДИИЙ ТАРЖИМАНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
МАСАЛАЛАРИ

ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ БИРИНЧИ САҲИФАЛАРИНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Рус ёзувчилари таржима ҳақида Совет даврида таржима назариясининг мустақил филологик фан сифатида шаклланишида рус классик адабиёти буюк намояндалари ва совет ёзувчиларининг таржима санъати, таржима принциплари ва ўз асарларининг бошқа тилларга қилинган таржималари ҳақида билдирган фикр ва мулоҳазалари ғоят катта аҳамиятга эга.

Тараққийпарвар рус ёзувчилари таржимачилик ишини жамиятнинг умумий маданий ҳаёти, даврнинг сиёсий вазифалари ва оригинал адабиёт тараққиёти вазифалари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб қарар эдилар. Уларнинг бадний таржима ҳақида баён қилган кўп фикрлари таржимачилик иши беқиёс даражада тараққий этган бизнинг кўпмиллатли мамлакатимиз шароитида жуда муҳим маъно касб этади.

Киев ва Москва Русида таржимачилик иши кенг қанот ёзган эди. Бироқ таржима ҳақидаги танқидий фикрлар ва назарий мулоҳазалар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Шу сабабли Россияда таржима назарияси тарихи XVIII асрдан бошланади².

XVIII аср рус таржимачилиги тарихида баракали даврлардан бири ҳисобланади. Пётр I даврида Россия давлатининг ташқи сиёсатида жиддий бурилиш юз беради, бунинг

² Қаранг: «Русские писатели о переводе» (XVIII—XX вв.), под редакцией Ю. Д. Левина и А. В. Федорова, вступительная статья А. В. Федорова, «Советский писатель», Л., 1960. Рус ёзувчиларининг таржима ҳақида баён қилган фикрлари ҳақида қисқача маълумот беришда, бу асардан ташқари, яна қуйидаги манбаларга таянамиз: А. В. Фёдоров, Внимание в теорию перевода (Лингвистические проблемы), издание второе, переработанное, Изд-во лит. на иностр. яз., М., 1958, стр.41—80; В. Топер, Традиции реализма (Русские писатели XIX века о художественном переводе), «Вопросы художественного перевода» (Сборник статей), «Советский писатель», М., 1955, стр. 45—96.

натижасида хорижий Ғарб давлатлари билан иқтисодий ва маданий алоқалар тобора кенгая бошлайди. Бу эса янги-янги илмий ва бадий асарларни рус тилига таржима қилишни талаб этар эди. Шу муносабат билан таржимачилик ишини кенг йўлга қўйиш мақсадида 1768 йилда хорижий китобларни таржима этувчи махсус жамият («Собрание, старающееся о переводе иностранных книг») ташкил қилиниб, унда 114 таржимон уюшган эди (таржимонлар орасида А. Н. Радищевнинг номи ҳам учрайди). Таржима жамиятининг фаолияти 15 йил давом этади.

XVIII аср рус таржимачилиги ҳаракатида диққатга сазовор бўлган маданий воқеалардан бири шу эдики, бир нечта таржимон ўртасида муайян бир асарни мукамал таржима қилиш учун ижодий мусобақалар бўлиб турар, сўнгра ўша асарнинг барча таржималари тўплам ҳолида ёхуд ҳар бири алоҳида нашр этиларди. Масалан, 1743 йилда М. В. Ломоносов ва А. П. Сумароков, Ж. Б. Руссонинг «Бахт» номли қасидасини рус тилига ўгирадilar. Бу материаллар таржимонларнинг муайян назарий қондаларга асосланиб иш кўрганликларидан дарак беради.

XVIII асрда яшаб ижод этган рус ёзувчиларининг таржима назариясига доир фикрлари диққатга сазовор. Хусусан, уларнинг бадий таржимага чинакам ижодий иш деб қараганликлари жуда муҳим. Чунончи, В. К. Тредиаковскийнинг «Муҳаббат оролига сафар» асарига ёзган кириш сўзида ўз таржималарига ёзган шарҳлари ва назарий мулоҳазалари орасида «Таржимон ижодкордан фақат ўз номи билангина фарқ қилади, холос» деган сўзларни учратамиз.

Бу даврда яратилган таржималарнинг яна бир хусусиятини қайд этишга тўғри келади. Чунончи, асарни русларнинг таъб-дидига «мослаштириш» майли ҳукм сурар эди: китобда учраган номлар ва хорижий турмуш тахлитига доир тушунчалар русча номлар ва рус миллий тушунчаларини акс эттирувчи сўзлар билан алмаштирилди. Бундай усул барча Ғарбий Европа давлатлари адабиётида, хусусан, француз адабиётида ҳукмрон эди.

XVIII асрда фақат таржимачилик иши билан шуғулланувчи мутахассис адилблар ҳам етишдилар (С. Волчков, Гамалов-Чураев, Кондратович ва бошқалар).

Бироқ XVIII асрда яратилган таржималар ўзининг эстетик ва тарбиявий аҳамиятини ҳозир йўқотиб, фақат илмий нуқтан назардангина ўрганишга ярарлик бир аҳволга келиб қолган дейиш мумкин. Бунинг сабаби шуки, таржималарнинг тили ниҳоятда эскириб, айримлариники ҳатто айни асарларнинг асл нусхалари тилига қараганда ҳам анча архаиклашиб

қолган. Бунинг сабаби шуки, «уч штиль», яъни юқори, ўрта ва паст услубда ижод қилиш таржимонларнинг ҳам имкониятларини ниҳоятда чегаралаб қўйган эди. Уч услуб принципига мувофиқ, уларнинг ҳар бири адабиётнинг муайян тури ёки соҳасидагина ишлатилар эди. Чунончи, қасида, трагедия ва лирикани паст услубга хос лексик, фразеологик ва синтактик воситалар билан ёзишга рухсат қилинмас, юқори услуб эса асосан эскирган бадий воситалардан иборат эди. Шундай қилиб, ёзувчилар, бинобарин, таржимонлар ҳам таржима қилинаётган асарнинг хусусиятига қараб ўз имкониятларини чегаралашга мажбур бўлар эдилар.

XIX асрда яратилган бадий таржима намуналарининг аксари қисми то ҳозиргача ўз эстетик қимматини деярли сақлаган. Масалан, Гётенинг «Ўрмон подшоси», Байроннинг «Шильон бандиси» ва Шиллернинг бир қанча балладалари (В. А. Жуковский таржималари), Мицкевичнинг «Будрис ва унинг ўғлонлари» ҳамда «Саркарда» асарлари (А. С. Пушкин таржималари), Бёрнс ва Гейне шеърлари (М. Михайлов таржималари), Гётенинг «Коринф қайлиғи» (А. К. Толстой таржимаси) рус шеърятининг ажойиб намуналари бўлиб қолган. Д. Е. Мин Дантенинг «Илоҳий комедия»си таржимасини яратишга ўзининг бутун умрини сарф қилди.

Рус ёзувчилари бадий проза намуналарини таржима қилдилар. Масалан, Ф. М. Достоевский Бальзакнинг «Евгения Гранде» асарини, И. С. Тургенев Флобернинг икки повестини, Л. Н. Толстой Мопассаннинг «Порт» номли новелласини («Франсуаза» номи билан) таржима қилдилар. Жумладан, бир қанча адиблар ўзларининг ижодий фаолиятларини бутунлай бадий таржима ишига бағишладилар. Мисол тариқасида В. С. Лихачев, А. И. Кронеберг, Н. В. Гербель, Н. Х. Кетчер, Н. А. Холодковский, М. А. Шишмарева, П. И. Вейнберларнинг номларини кўрсатиш мумкин. Булар орасида Ирнарх Введенскийнинг номини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. У инглиз реалист ёзувчилари Теккерей билан Диккенснинг асарларини рус тилига ўгиришда жонбозлик кўрсатди. Унинг таржималарига хос жиддий камчилик асл нусха текстини ўзи истаганича ўзгартиришида ва асарга ўзидан яхлит бадий тасвир парчаларини киритишида намоён бўлади.

Маълумки, бу даврда рус адабиётида кучли ғоявий ва сиёсий кураш давом этар эди. Бу кураш бадий таржима соҳасида ҳам ўз аксини топди. Чунончи, қайси ёзувчи ва шоирнинг асарини таржима қилиш ёхуд айни асарнинг қайси ўрнини қандай талқин этиш сиёсий вазият, ғоявий мақсад ва эътиқод тақозоси билан белгиланар эди. Масалан, А. С. Пушкин поляк шоири Адам Мицкевичнинг ҳаётбахш «Конрад

Валленрод» асарининг бир қисмини ҳамда унинг икки балладасини, А. С. Грибоедов Гётенинг катта ижтимоий мазмунга эга бўлган «Фауст»ни, В. А. Жуковский бўлса Соути ва Уланданинг ўрта аср фантастикаси билан суғорилган балладаларини таржима қилиш учун танлаган эканлар, бу тамомила тушунарли бир ҳолдир.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яратилган шеърий таржималарда ҳам хорижий ёзувчининг асарини рус миллий турмуш тахлитига мослаштиришга уриниш кайфияти сезилиб туради. Масалан, Буалонинг ҳажвий асарларини таржима қилганда Парижни Москва билан алмаштириш ҳодисасини кўрамиз. Дунёқарашлари бир-бирдан жиддий фарқ қилган икки шоир — В. А. Жуковский ва П. А. Катенин Бюргернинг «Ленора» номли балладасини таржима қилар эканлар, асарда тасвирланган воқеаларни Жуковский XVI аср Россияси шаронтига, Катенин эса Петр I замонига кўчиради. Бунда ҳатто асарнинг номи ҳам ўзгариб кетган: дастлаб «Людмила» деб олинган бўлса (1808 йил), сўнгра «Ольга» деб таржима қилинган (1816 йил). Асар воқеаларини бу тариқа ўзгартиришдан ҳар икки шоирнинг ҳам мақсади уларга русча маъно бериш ва ёзувчининг ғоясини рус воқелигига кўчиришдан иборат эди. Таржимонларнинг бундан бўлак бирон махсус сиёсий муддаоли бўлмаган, албатта. Аммо В. С. Курочкин француз демократ шоири Беранже қўшиқларини таржима қилганда уларга русча ном ва русларнинг турмушига хос баъзи «тафсилот»ларни қўшар экан, бундан унинг муайян сиёсий мақсади борлиги сезилади: В. С. Курочкин бу билан Беранже қўшиқларига шунчаки русча колорит бахш этиш эмас, балки француз шоирининг асарларидан келиб чиқадиган ғоявий хулосаларни рус турмушига татбиқ қилишга интилган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида таржима адабиётининг ҳажми яна ҳам оша борди. Бу даврда Шекспир, Гейне, Гёте, Шиллер ва бошқа буюк адибларнинг шеърий асарлар тўплamlари нашр қилинди. Бу даврда, айниқса, инглиз, француз ва немис тилларидан таржима қилиш кенг қулоч ёйди. Айрим ёзувчиларнинг асарлари бир даврда ҳатто бир неча кишилар томонидан мустақил суратда таржима қилиб босилар эди. Масалан, «Современник» ва «Отечественные записки» журналлари Диккенс ва Теккерейнинг айна бир романини деярли бир вақтнинг ўзида турли адиблар таржимасида босиб чиқара бошладилар.

Шуниси диққатга сазоворки, XIX асрда рус ёзувчиларининг асарлари ҳам хорижий тилларга кўплаб таржима қилина бошлади. Масалан, XVIII аср ва XIX асрнинг бошларида

яратилган рус лирикаси намуналари ва «Ревизор» комедияси немис тилига, Н. В. Гоголнинг бир қанча насрий асарлари француз тилига ўғирилди. Кўпчилик рус ёзувчилари инглиз, немис ва француз тилларини билганликлари сабабли улар ўз ҳамкасабаларининг китобларини шу тилларга таржима қилар ёки ўз асарларининг таржималарини чуқур таҳлил қила олар эдилар. Масалан, И. С. Тургенев Луи Виардо билан ҳамкорликда Н. В. Гоголнинг «Диканька қишлоғи оқшомлари» ва «Миргород» асарларининг бир қисмини француз тилига таржима қилган эди.

XIX асрда таржима танқиди беқиёс даражада тараққий топди. Бу ўринда В. А. Жуковскийнинг «Криловнинг масали ва масаллари ҳақида» (1809) ҳамда Кребильённинг С. Висковатов таржима қилган «Радамист ва Зенобия» трагедияси таҳлили» (1810) номли мақолалари ва Бюргернинг «Ленора» балладасининг икки эркин таржимаси ҳақида авж олган мунозарани акс эттирувчи Н. И. Гнедич, А. С. Грибоедов, П. А. Катенин, А. С. Пушкин томонидан ёзилган мақола ва шу муносабат билан билдирилган мулоҳазалар катта аҳамиятга эга (РПП, 99—107, 109—118, 127—128, 161).

Бадий таржима назариясининг энг гуллаган даври В. Г. Белинскийнинг номи билан боғлиқдир. Унинг таржима назарияси соҳасида ёзган катта-кичик ажойиб асарлари турли даврларда, турли мавзуларда, турли жанрларда ва турли таржимонлар томонидан яратилган таржима асарлари таҳлилга бағишланган. XIX асрнинг 50—60 йилларида ҳам таржима назарияси соҳасида жиддий жонланиш юз берди. Бу даврда Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов ва М. Михайловларнинг таржима назариясига доир сермазмун мақолалари босилиб чиқади.

Рус ёзувчилари ўзларининг таржима санъати ҳақида ёзган мақолаларида бадий таржимачилик ишининг ғоят катта аҳамиятга молик эканлигини кўрсатиш орқали унинг обрўсини кўтаришга ва таржимонларнинг фаолиятига эътиборни оширишга ҳаракат қилар эдилар.

XIX асрда бунёд қилинган бир қанча насрий таржималарда ҳижжалаб таржима қилишга мойиллик кўзга ташланади. Ҳижжалаб таржима қилишни талаб этувчилар асарнинг ҳамма икир-чикирларини сақлашга интиладилар, аммо, ҳақиқатда эса, асл нусханинг умумий вужудига лат берган ҳолда, айрим формал белгиларни кўр-кўрона акс эттириш тарафдори бўлиб чиқадилар. Рус ёзувчиларидан П. А. Вяземский ва А. А. Фет ҳижжалаб таржима қилишнинг талаб этувчиларнинг вакиллари эдилар. Гарчи бу икки адибнинг ҳар иккаласи ҳам, тилни чуқур билганлари ҳолда, бадий таржимага нисбатан

юксак талаблар қўйсалар-да, таржимада асл нусха тилига хос бўлган ҳамма ва ҳар қандай белгиларни ҳам кўчиришни талаб этиш билан жиддий хатога йўл қўйган эдилар.

Аммо, шуни қайд этиш лозимки, рус ёзувчилари бадий таржимага умидсизлик назари билан қарамадилар. Чунончи, уларнинг асарларида бир тилдан иккинчи тилга ҳар қандай асарни ҳам таржима қилса бўлади деган қатъий ишонч ўз аксини топган эди. Бу эса жуда муҳим воқеадир. Чунки бадий таржима иши анча юксак даражада ривожланган айрим Фарбий Европа давлатларида ҳам бу ажойиб санъатнинг назарий замини заиф эди. Масалан, Германияда бу даврда кўплаб бадий мукамал таржималар яратилган бўлса-да, аммо А. Шлегель ва В. Гумбольдтнинг таржима — ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо, деган хулосаси кенг тарқалган эди. Аммо рус ёзувчиларининг ижодий фаолиятида бундай умидсизлик кайфиятларини деярли учратмаймиз.

Қуйида рус классик адабиётининг кўзга кўринган бир қанча намояндалари, талантли таржимонлар ва революцион-демократ танқидчиларининг таржимонлик фаолияти ва бадий таржима ҳақида айтган қимматли фикрлари билан танишиб чиқамиз.

Машҳур рус романтик шоири Василий Андреевич Жуковский (1783—1852) XIX асрнинг йирик таржимон шоирларидан биридир. У лотин, инглиз, француз, немис ва қадимги рус тилларидан таржима қилар эди. У ўз таржималари билан Гёте, Шиллер, Бюргер, Гебель, Цедлиц ва бошқа шоирларнинг ажойиб баллада ва шеърларини, Мур, Байрон, В. Скоттнинг поэмаларини рус тилида қайта тиклашга ҳамда уларни унутилмас тарихий ёдгорлик қилиб қолдиришга муяссар бўлди. 1830—1840 йилларда В. А. Жуковский Мерименинг «Матео Фальконе», Ламот Фукенинг «Ундина» повестларини, Перро ва ака-ука Гриммларнинг эртакларини ўз таржималарида насрий асосдан шеърӣй заминга кўчирди. В. А. Жуковский умрининг охириги йилларида Гомернинг «Одиссея» достонини тўла таржима қилиб тугатишга мушарраф бўлди (РПП, 77). Худди ана шу даврда у «Нол ва Домоянти» номли йирик ҳинд достонини Рюккерт томонидан қилинган немисча таржимасидан рус тилига ағдарди.

Гарчи В. А. Жуковский ғоявий томондан чегараланган, реакцион романтизмга мойил бўлиб, инқилобга душманлик назари билан қаровчи шоир сифатида реакцион фантастик асарларни таржима қилишга интилса-да, шу билан бирга, Фарбий Европа поэзиясининг тараққийпарварлик ғояларини ҳам тарғиб қилди ва социал норозилик кайфиятларини акс


этирувчи асарларни рус китобхонларига тақдим этди (масалан, Байроннинг «Шильон бандиси»).

А. С. Пушкин В. А. Жуковскийнинг таржимачилик фаолиятига юксак баҳо бериб, уни «таржима даҳоси» деб атаган эди. Шоир таржима қилган асарлар унинг ижодининг ярмидан кўпрогини ташкил этади.

В. А. Жуковский таржима назариясига доир қимматли фикрларни баён этган эди. Чунончи, унинг фикрича, шеърый асарни таржима қилганда грамматикадан хабардор бўлиш, асар қандай тилдан қайси тилга таржима қилинаётган бўлса, ҳар икки тилни ҳам билиш зарур; бундан ташқари, таржимон шеър ёзиш заковатига ҳам эга бўлиши лозим. Бинобарин, таржимоннинг истеъдоди шоирнинг бадий камолот даражасига қанчалик яқин бўлса, шунча яхши.

Асарни таржима қилишга киришишдан олдин таржимон ўз-ўзидан: шоирнинг қалбида алангаланиб ётган оташни мен ҳам ўз қалбимда ҳис этаманми; асл нусхада акс этган маъно нозикликларини мен ҳам таржимада бера оламанми; грамматикани биламанми; шеър тузилишидан хабардорманми; нафосат билан қўполликни фарқлай оладиган қулоқ менда борми?— деб сўраши керак. Ана шу саволларга таржимоннинг виждони ижобий жавоб қайтарган тақдирдагина у ишни кўлга олиши мумкин.

В. А. Жуковский 1848 йилда П. А. Плетневга ёзган хатида шуҳрат қозониш учун эмас, балки ватанга маданий ёдгорлик қолдириш мақсадида таржима қилишини айтади. Худди шу фикрни у Гомернинг «Одиссея» дostonи таржимасига кириш сўз ўрнида ёзган мақоласида ҳам такрорлайди. «Ҳозирча менинг асосий мақсадим амалга ошди,— деб ёзади у,— Гомернинг илҳом париси кекса умримнинг кўпгина соатларини зар билан бегади. Гомернинг содиқ вакили бўлиш... аммо қандай қилиб, Гомер тилини билмаган ҳолда, унинг номидан русча гапириш мумкин, деб сўрарсиз»... Шундан сўнг таржимон бу ажойиб дostonни, юнон тилини билмаган ҳолда, рус тилига ўгирганини ҳикоя қилади. Чунончи, у Дюссельдорфда яшаган вақтида Гомер асарларини шарҳлаш иши билан шуғулланувчи қадимги юнон тили ва адабиёти мутахассиси бўлган профессор Грасгоф билан танишади. Грасгоф бутун дostonни асл нусхасида қўлдан кўчириб, ҳар бир юнонча сўзнинг остига унинг немисча маъносини ёзиб чиқади ва, ўз навбатида, ҳар бир немисча сўзнинг остига юнонча сўзнинг грамматик маъносини қайд этади. Бунинг натижасида «Одиссея» дostonининг тўла сўзма-сўз маъноси акс этирилган таржимаси яратилади. Таржимоннинг кўз ўнгида бионинг барча материаллари муҳайё бўлиб, энди уларни яхлит,



бир бутун ва гўзал бир шаклга келтириш лозим эди, холос. Бошқача айтганда, сўзма-сўз ағдарилган мисраларнинг остидан шоирона дид билан нафосатни қидириб топиш, қулоққа қўпол эшитиладиган товушлар мажмуидан муסיқий оҳанг кашф этиши даркор эди. В. А. Жуковский бу мушкул муаммони шараф билан бажара олди (РПП, 78, 88, 89).

Н. В. Гоголь бу таржима ҳақида гапирар экан, у шунчаки таржима эмас, балки Гомернинг қайта яратилиши, тикланиши ва тирилишидир, деб баҳо берган эди.

Рус адабий тилининг асосчиси, гениал рус шоири Александр Сергеевич Пушкин (1799—1837) ижодида баддий таржима миқдор жиҳатдан гарчи у қадар катта ўрин тутмаса-да, аммо унинг таржимачилик ишига ажойиб сўз санъати деб қараши ва бу санъатнинг ажойиб намуналарини яратганлиги жуда муҳимдир.

А. С. Пушкин 1810—1820 йиллар орасида Вольтер, Парни, А. Шенье каби француз шоирларининг асарларини таржима қилади. Кейинчалик у қуръон ва инжилнинг айрим парчаларини шеърга айлантириб ўгиради, Ариосто ва Альфиери каби италян шоирларининг шеърлари ҳамда поляк шоири Адам Мицкевичнинг поэма ва балладаларини таржима қилади. Уттизинчи йилларга келиб, қадимги юнон шоирлари Анакреонт, Ксенофан Колофонский, Иоан Хиосский, Гедил асарларини француз тилидан, латин шоирлари Катулла, Гораций ва Ювеналнинг шеърларини асл нухасидан ағдаради.

А. С. Пушкиннинг инглиз адабиётидан қилган таржималари ҳам бор. Масалан, у Дж. Вильсоннинг «Вабо шаҳри» трагедиясининг бир кўринишини эркин таржима қилган ҳолда «Вабо вақтида базм» трагедиясини яратди. Шунингдек, В. Шекспир, С. Колриж ва Б. Корнуол асарларининг бир қанча русча таржималари ҳам Пушкин қаламига мансубдир. Умрининг охириги йилларида у тарихий-мемуар ва этнографик мазмундаги бир қанча насрий асарларни ҳам таржима қилган эди. Буюк адиб ўзининг «Мильтон ва «Йўқолган жаннат» асарининг Шатобриан таржимаси» номли тугалланмаган мақоласида таржима санъатига доир жуда муҳим фикрларни баён қилган.

А. С. Пушкин ҳижжалаб таржима қилишнинг душмани эди. «Подстрочник орқали таржима қилиш ҳеч қачон тўғри бўлиши мумкин эмас,— деб ёзади у юқоридаги мақоласида.— Ҳар бир тил ўзига хос жумлаларга, шартли мажозий жимжимадорликка, ўз ибораларига эгаки, уларни бошқа тилга айнан мувофиқ сўзлар билан бериб бўлмайди. [Қуйидаги] ... жумлаларни олайлик: *Со mment vous porter vous* [Соғлигингиз яхшими? Айнан: «Ўзингизни қандай кўтариб юрибсиз?»];

How do you do [Салом. Айнан: «Қандай қиласиз?»]. Буларни рус тилига сўзма-сўз таржима қилиб кўринг-чи» (РПП, 155).

А. С. Пушкиннинг айрим таржимонлар фаолиятига берган баҳоси ҳам унинг бадий таржимага катта маърифатпарварлик иши деб қараганидан далолат беради. Чунончи, у В. А. Жуковскийнинг таржимонлик фаолияти ҳақида гапириб: «Агар Жуковский камроқ таржима қилганида, унинг ўзини ҳамма тилларга таржима қилган бўлар эдилар»,— деб ёзган эди.

Буюк рус адиби Пушкин «Боқчасарой фонтани» асарини рус тилидан французчага таржима қилишни ваъда қилган князь Н. Б. Гольцинга йўллаган мактубида: «...Адабиётнинг Сиз ўзингизни бағишлаётган соҳаси — менга маълум бўлганлари орасида энг қийин ва энг кам қадрланадиган соҳадир» деб зорланган эди.

Буюк рус революцион-демократлари В. Г. Белинский, Н. Г. Чернышевский ва Н. А. Добролюбовлар бадий таржима соҳасида А. С. Пушкин анъаналарининг давомчилари эдилар. Уларнинг бадий таржима асарларининг мундарижаси ва сифатига қўйган талаби ҳамда улар белгилаб берган таржима принциплари ҳозирга қадар ўз аҳамиятини тўла сақлаб келмоқда.

Виссарион Григорьевич Белинский (1811—1848) ёшлик йилларида Поль де Кокнинг «Маъдалина» номли романини ҳамда бир нечта мақолани француз тилидан таржима қилган. Ўзи шахсан таржимачилик иши билан шуғулланишидан ташқари, мунтазам суратда Россияда таржима адабиётини кузатиб, уни назарий томондан умумлаштириб борар эди. У таржима назариясига доир ўнлаб мақола ва юзлаб тақризлар ёзиб қолдирди. Ажойиб революционер-демократ танқидчи ўз замонасининг сермахсул таржимонлари бўлган Кетчер, Кронеберг, Струговшчиков, Вронченко ва бошқаларнинг ижодини кузатиб, уларнинг таржималари ҳақида ҳам ўзининг принципиал танқидий мулоҳазаларини баён этиб борди.

Буюк революцион-демократ танқидчи таржимачилик практикасида XVIII аср классицизмидан мерос бўлиб қолган ярамас бир ҳол, яъни таржима жараёнида асарни ўзи истаганича ўзгартириб юбориш тажрибасига қақшатғич зарба берди. У хорижий мамлакат ёзувчиларининг тамомила бошқа халқлар руҳи билан суғорилган китобларини русларнинг миллий андазасига солиб қайта бичишни қаттиқ танқид қилди. Уша даврда айниқса театр соҳасида бундай ҳоллар ҳукмрон бўлганидан, В. Г. Белинский ўз танқидининг тигини ана шу томонга қаратади. Унинг кўрсатишича, саҳна томошала-

рида немислар билан французларга рус либосини кийгилади-
лар ва рус тилини узоқдан эслатувчи сохта сўзларни унинг
тилидан гапиртирадилар. Кийимлар-у сўзлар русча-ю, қилиқ
ва фикрлар тахлити немисча ёки французча бўлиб чиқади.
Буларни у сермазмун ва мукамал образ эмас, балки образ-
нинг соялари, ватансиз ва тилсиз космополитлар деб айтган
эди³.

В. Г. Белинскийнинг таржима ҳақидаги қарашлари кон-
крет вазият ва шароитга қараб ўзгариб борди. Бошқача айт-
ганда, агар у ўзининг бирон асариди бадий таржима ҳақи-
да бир фикрни баён қилган бўлса, бошқа бир асариди ўз
фикрини тасдиқлар ёки рад қилар эди. Масалан, агар даст-
лабки вақтларда Н. В. Гоголь асарларининг бошдан-оёқ
миллий хусусиятлар билан суғорилганлигини қайд этган ҳол-
да, уларни бошқа тилларга таржима қилиб бўлмайди, деган
фикрни илгари сурган бўлса, 1846 йилда Н. В. Гоголь по-
вестларини француз тилига муваффақият билан таржима
қилган И. С. Тургенев ва Луи Виардоннинг хизматига юсак
баҳо беради ва ғоят оғир ижодий мушкулот катта бадий
маҳорат билан бартараф этилганини алоҳида таъкидлайди.

В. Г. Белинский жаҳон адабиётининг ажойиб дурдоналари,
масалан «Гамлет» каби асарларнинг бир неча марталаб тар-
жима қилиниши сўз санъати учун жуда катта аҳамиятга
молик эканлигини қайд этган эди. Аммо ҳар бир янги тар-
жима олдингисидан кўчирилган нусха ёки унинг бир вариан-
ти бўлиб қолмаслиги лозим.

Буюк танқидчи В. Г. Белинский «Қувғин, тарихий роман...»
номли мақоласида чор Русияси шароитида таржимонларнинг
шарафли меҳнати етарли даражада қадрланмаслигидан ши-
коят қилади. У ўша даврда рус тилида юсак бадий дидни
тарбиялайдиган мукамал асарлар жуда кам эканлигини
айтар экан, бу даврда бадий таржималарга ҳар қачонгидан
ҳам кўпроқ эътибор берилиши лозимлигини тушунтиради ва
«...айни ҳозирги давр бизнинг адабиётимиз учун таржима
даври бўлиши керак эди» (таъкид бизники — *F. C.*) деб
такрор-такрор уқтиради. «...Бизга кўпроқ соф илмий ва бадий
таржималар керак,— деб ёзади у.— Бунинг фойдаси тўғ-
рисида гапиришнинг ўзи ортиқча, зотан, бу шундай равшан
бир нарсаки, ҳеч ким шубҳаланмайди ҳам; бадий таржима-
ларнинг асосий фойдаси шундаки, улар *чинакам* нафосатдан
баҳра беришдан ташқари, эстетик ҳиссиётни ўстириш, дид
ҳосил қилиш ва нафосат тўғрисида тўғри тушунчаларнинг
тарқалишига хизмат қилади. Кимки Вальтер Скотт ёки Ку-

³ В. Г. Белинский, Полное собрание сочинений, т. 6, СПб., 1907,
стр. 434.

пернинг лоақал биронта романини ўқиса ва уни тушунса, у қандайдир бир «Сохта Димитрий» ёки аллақандай «Барзанги аёл» [асарлари]га бемалол баҳо бера оладиган бўлади, зотан, ҳаммадан кўра таққослаш орқали нарсаларнинг афзаллиги тўғрироқ аниқланади ва белгиланади.

Шундай: таққослаш — нафосатнинг энг мақбул системаси ва танқиди демакдир... .. Фақат таржималар туфайлигина тилда инсон тафаккурининг саноқсиз ва ранг-баранг вариацияларини тараннум этувчи бир орган яратиш мумкин».

В. Г. Белинский ўзининг «Ҳамлет, даниялик шаҳзода». Саҳна томошаси. Виллиам Шекспир асари. Инглиз тилидан Николай Полевой таржимаси» номли мақоласида бадий таржима принципини аниқлаб беради. Унинг фикрича, «Бадий таржиманинг битта қоидаси бор: бу — таржима қилинаётган асарнинг руҳини беришдан иборат, бунинг учун эса асарни, агар автор башарти рус бўлганида, ўзи ҳам шундай ёзган бўлар эди, деган мақомда таржима қилиш керак. Бадий асарларни бундай ўгириш учун туғма санъаткор бўлиш даркор» (РПП, 195, 197). Аммо у ўзининг «Александр Струговщиковнинг Гёте ва Шиллердан олган шеърлари» номли бошқа бир мақоласида юқоридаги фикрни фақат таржиманинг тилига нисбатан айтгандагина тўғри бўлади, деб ҳисоблайди. Чунончи, у Струговщиковнинг: «хорижий ёзувчининг асарини таржима қилиш — башарти у рус бўлганида, ўзи ҳам шундай ёзган бўларди дейдиган мақомда ижод қилишга мажбур этиш демакдир» деб ёзган сўзларига изоҳ тариқасида юқоридаги таъкидни келтиргандан сўнг, давом этади: «Гётенинг рус тилида қандай ёзган бўлиши мумкинлигини ким била олар эди? Бунинг учун шу жумбоқни ҳал қилувчи киши Гётенинг ўзи бўлиши керак... Таржима қилишдан мақсад нима? — Хорижий асар тўғрисида, у қандай ёзилган бўлса, худди шунга жуда яқин тушунча беришдан иборат»⁴.

Шундай қилиб, В. Г. Белинскийнинг фикрича, бадий таржимада асарга бирон нарса қўшиш, ундан бирон нарсани олиб ташлаш ёки уни ўзгартириш мумкин эмас. Таржима қилишдан мақсад — тилни билмаслик натижасида китобни ўқишга муяссар бўлмаган кишиларга уларнинг ўз она тилларида ўқиб баҳра олишлари учун мумкин қадар асл нусха ўрнини босадиган асар яратишдан иборат, токи ана шу таржима орқали китобхон асардан баҳраманд бўлсин ва у тўғрида фикр юрита олсин.

⁴ В. Г. Белинский, Полное собрание сочинений, т. IX, Изд-во АН СССР, М., 1955, стр. 276.

Бадий таржима, танқидчининг ажойиб ўхшатиши билан айтганда, бир нечта кишига эмас, балки бутун китобхонлар оммасига мўлжалланади, бинобарин, саҳна фақат партер ва ложанинг биринчи қаторларигагина эмас, балки бутун амфитеатрга мўлжалланган бўлиши зарур. Демак, таржимон халқнинг диди, савияси, характери ва талабини қатъий суратда ҳисобга олган ҳолда таржима қилиши лозим.

Истеъдодли ёзувчи Иван Сергеевич Тургенев (1818—1883) ҳам В. Г. Белинскийнинг бадий таржима ҳақидаги фикрлари таъсири остида ёзган («Фауст» асарининг М. Вронченко таржимаси ҳақида) мақоласида бадий таржима асарнинг асл нусхасини билмайдиган кишиларга мўлжалланади, деб кўрсатади. Таржимоннинг вазифаси асл нусхани билувчи кишилар учун асарнинг фалон жойи ёки фалон шеър тўғри ёки нотўғри ўгирилганини таққослаб кўришлари учун бир восита яратишдан иборат эмас, у омма учун таржима қилиши керак.

И. С. Тургеневнинг таржимонлик фаолияти кенг ва хилма-хил эди. У «Фауст» асарининг биринчи қисми ва Гётеннинг бир қанча лирик шеърлари, Байроннинг «Зулмат» асари, украин ёзувчиси Марко Вовчокнинг эртаклари, Флобернинг «Иродиада» ва «Марҳаматли Юлиан ҳақида афсона» асарларини ва бошқа бир қанча китобларни рус тилига таржима қилди. Унинг рус тилидан француз тилига таржима қилган асарлари ҳам оз эмас. Бунда у Луи Виардо ёки Мериме каби француз адиблари билан ҳамкорликда ишлар эди. Шу замида у А. С. Пушкиннинг саҳна асарлари ва «Евгений Онегин» шеърий романини ҳамда М. Ю. Лермонтовнинг «Мцири» достонини насрий йўл билан французчага ўгирди.

Шу ўринда шеърий асарларни насрий йўл билан таржима қилиш масаласига рус адибларининг қандай қараганликлари ҳақида тўхташга тўғри келади.

В. Г. Белинскийнинг айтишича, «Европадаги деярли барча адабиётларда драмаларнинг ярим улуши назм ва ярим улуши наср билан ёзилган Шекспирнинггина эмас, балки фақат шеърий йўл билан ижод қилган барча классик авторлар асарларининг аниқ насрий таржималари мавжуд» (РПП, 214). — Бироқ бу билан биз назми нуқул наср билан ўгириш зарур деб айтмаймиз, — изоҳ беради адиб. Аксинча, фақат шеърий таржималаргина уларнинг асл нусхалари ҳақида тўғри тасаввур туғдириши мумкин. Аммо бунинг учун шундай таржимонлар керакки, улар ноёб истеъдодли шоир бўлсинлар. Автор В. А. Жуковскийни ана шундай таржимоншоир деб ҳисоблайди. Чунки унинг таржималари таржимадан кўра кўпроқ оригинал асарни эслатади. Лекин шундай

ҳолда ҳам, немис ва инглиз тилларини билмаган китобхон Шиллер ва Байроннинг шеърӣ таржималарини ўқиганида таржимон асл нусханинг қайси жойларини тўғри ва яхши чиқара олгани ёки бунинг уддасидан чиқмаганини чоғиштириб кўриши учун уларнинг насрий таржималарига ҳам эга бўлса, бу жуда кўнгилли ва ибратли иш бўлади. Бундай чоғиштириш китобхоннинг асар билан чуқурроқ танишиши ва уни ўрганишига қулайлик туғдиради.

И. С. Тургенев Шиллернинг «Вильгельм Телль» асарининг таржимаси ҳақида ёзган мақоласида таржимачилик ишига доир муҳим фикрларни баён қилади. Унинг кўрсатишича, мукаммал таржималарнинг жуда кам яратилишига сабаб шуки, таржимонлар орасида В. А. Жуковский каби чинакам туғма талант соҳиблари камдан-кам учрайди. «Чала талант-ли» таржимонлар (бундайлар умуман истеъдодсиз, нўноқ таржимонларга қараганда кўпчиликни ташкил этади) таржима деб тақдим этаётган нарса тақлиднинг худди ўзгинаси. Жумладан, жаноб Миллернинг таржимаси ҳам гарчи бутунлай фойдасиз бўлмаса-да, уни *балиқ йўғида қисқичбақа ҳам балиқ* деб қабул қилиш мумкин. Зотан, бу таржимада қўпол луғавий хатоларга йўл қўйилишидан ташқари (масалан, у немисча Heerd — *йочоқ* билан Heerde — *пода* сўзларини фарқлай олмайди), энг муҳими, китобхон олдида маънавий томондан ҳам қарздор бўлиб қолган — у Шиллернинг ўзини ҳам бера олмаган: шоир тасвирларининг бўёқлари қириб олинган, нутқида эса шира қолмаган.

И. С. Тургенев «Вильгельм Телль» асарининг жаноб Миллер таржимасига берган баҳосини яқунлар экан, шундай ёзди: ўрта миёна китобхонлар Миллер таржимасидан мамнун бўлишлари мумкин, аммо ҳақиқатда эса, бу билан дидсизлик ва ғализлик маъбудасига қурбон берилган экан, гўзаллик ва нафосат маъбудаси бундан муносиброқ қурбонликларни кутишга ҳақли.

Умуман, ёзувчи И. С. Тургенев ўртача савиядаги таржималарнинг кўплигини қаттиқ танқид қилади. Унинг заҳарханда қилиб айтишича, у қадар нўноқ кишиларгина эмас, балки истеъдодсиз кишилар ҳам бадий таржималарга қўл уриш билан оригинал бирон нарса ёзиш азобидан қутулиш мақсадида ўзларини шу соҳага урадилар. Натижада улар тайёр материалга эга бўлган ҳолда, ўзларини гўё бирон нарса яратаётган ва ижод қилаётган ижодкорлар қилиб кўрсатадилар. И. С. Тургенев бошқа таржимонларгагина эмас, балки ўзига нисбатан ҳам жуда талабчан эди. У ёзувчининг мулкига катта масъулият билан қараш лозимлигини уқтирарди. Унинг 1837 йил 26 мартда А. В. Никитенкога ёзган хатида

шундай сўзлар бор: «Бултурги йил Шекспирнинг «Отелло» сини таржима қилиш (уни тугатолмадим, фақат 2-кўринишнинг ярмигача таржима қилолдим), «Қирол Лир» (анча жойини қисқартирган ҳолда) ва «Манфред»ни таржима қилиш билан ўтди. Олдинги икки таржимамни йўқ қилиб ташладим, чунки Вронченко ва Панаев таржималаридан сўнг меникилар жуда ғариб бўлиб кўринди... Мен нотўғри йўлдан борган эканман — таржимонликка мутлақо ярамайман» (РПП, 274).

Ўз таржималари орқали рус адабиёти асарларини жаҳон миқёсида тарғиб қилишда ва рус китобхонларини жаҳон адабиёти намояндаларининг ижодлари билан таништиришда И. С. Тургеневнинг хизмати катта.

Оташн революционер-демократ танқидчи Николай Гаврилович Чернишевский (1828—1889) бутун умр бўйи инглиз, немис ва француз тилларидан таржима қилиш билан шуғулланди. У, асосан, тарих, фалсафа, сиёсий иқтисод, тилшунослик, этнография, табиатшуносликка доир илмий адабиётларни таржима қилди. Булар орасида: Г. Гервинуснинг «XIX аср тарихига кириш», Д.-С. Миллнинг «Сиёсий иқтисод асослари», О. Шрадернинг «Қиёсий тилшунослик ва ибтидоий тарих», Г. Вебернинг «Умумий тарих» (II том) каби йирик асарларини кўрсатиш мумкин.

1850 йилларнинг ўрталарига келиб у (сабаби тирикчилик юзасидан) бир қанча асарларни рус тилига ўгириб, «Отечественные записки» журналида нашр эттирди. Булар: Ч. Ливернинг «Додлар оиласи чет элда», Ч. Диккенснинг «Етти абгор йўловчи тарихи» асарлари эди. Қамоқда ётган даврида Н. Г. Чернишевский Руссо ва Беранженинг айрим китобларини, сургунда юрган даврида эса Брет-Гартнинг «Мигельз» номли ҳикоясини таржима қилди.

Н. Г. Чернишевскийнинг мақолалари, айрим таржималарга ёзган тақризлари ва хатларида таржима адабиётининг катта сиёсий ва тарбиявий аҳамияти чуқур фалсафий мулоҳазалар билан очиб берилган. Масалан, у «Шиллер асарлари рус шоирларининг таржимасида» номли ажойиб мақоласида адабиёт тарихида фақат оригинал адабиёт ўрганилиши, унда таржима адабиёти тарихига эътибор берилмаслиги қаттиқ танқид қилинади. Ҳолбуки, Н. Г. Чернишевский сўзлари билан айтганда, адабиёт тарихи халқнинг адабий тушунчалари тараққиёти ҳақида ҳикоя қилишни эмас, балки маълум бир миллатнинг адабиётда донг чиқарган кишилари рўйхатини беришни асосий мақсад қилиб олган бўлсагина, бундай ҳолни қандайдир оқлаш мумкин бўларди.

Н. Г. Чернишевскийнинг фикрича, эҳтимол адабиёт тарихида ҳамма таржимонларни номма-ном тилга олиш шарт

эмасдир,— бунинг устига, камдан-кам таржимонлар шуҳрат қозонадилар,— бироқ унда бадий таржималар ва уларнинг аҳамияти ёритилиши зарур, зотан, фаннинг предмети факдир, бинобарин, «адабий фактни бошлаб берган киши, у қайси бир мамлакатга, қайси бир халққа мансуб бўлмасин, турмуши ва тушунчаларида шу факт акс этган халқ ўз тарихида ана шу факт ҳақида гапириши керак».

Автор ўз даъвосини асослаш учун ижтимоий турмушдан олинган қизиқ мисолларни келтиради. Чунончи, пароходни америкаликлар кашф қилган, аммо инглиз статистикасида ҳам бу ҳақда гапирилади, чунки пароход инглизларнинг турмушига ҳам кириб кетди; паровозни эса инглизлар кашф қилган, лекин бу тўғрида француз статистикасида ҳам гапирилади. Худди шунингдек, агар француз халқига Шатобриан ёки Ламартин асарлари билан бир қаторда, Байрон асарларининг таржималари ҳам таъсир ўтказган бўлса, у француз адабиёти тарихида Ламартин ёки Шатобриандан кам ўрин эгалламаслиги зарур. Бунда Н. Г. Чернишевский Байронга тақлид қилиб ёзган ёки унга эргашган француз шоирларини эмас, балки Байроннинг француз тилига таржима қилинган ўз асарларини назарда тутди.

Хуллас, авторнинг уқтиришича, «таржима адабиёти янги европа халқларининг ҳар бирида халқ онги тараққиётида, ...маърифати ва эстетик дидининг ўсишида жуда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли таржима адабиётига янада кўпроқ эътибор қилинган тақдирдагина тарихий-адабий асарлар кўзга яққол ташланиб турадиган бир ёқламаликдан халос бўла оладилар» (РПП, 366—367).

Н. Г. Чернишевский халқнинг бадий дидини тарбиялашда чет эл адабиёти бевосита бадий таржималар орқали таъсир ўтказганини айтади. Мустасно тариқасида у Байрон билан Вальтер Скоттни тилга олади. Чунончи, Байрон асарлари рус тилига гарчи жуда кам таржима қилинган бўлса-да, А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтов ижодига у кучли таъсир ўтказган, уларнинг ижодида Байрон йўналиши чуқур из қолдирган эди. Аммо қолган ёзувчиларнинг ҳаммаси — Монтескье, Вольтер, Руссо, Шиллер, Гёте, Диккенс ва бошқалар, юқоридаги каби билвосита эмас, балки бевосита, яъни фақат ўз асарларининг таржималари орқали ақлий ҳаёт тараққиётига кучли таъсир ўтказиб келмоқда.

Автор Шиллер асарларини таржима қилишда В. А. Жуковскийдан кейин жаноб Гербелнинг хизмати катта эканлигини эслатар экан, шу таржималар туфайли бу немис адиби русларнинг ақлий ҳаёти тараққиётида иштирок этган ўз шоири бўлиб қолганлигини асослаб беради.

Н. Г. Чернишевский 1877 йил 30 августда О. С. Чернишевскаяга ёзган хатида ўша давр рус илмий таржима адабиётининг кўрimsиз аҳволда эканини айтади.— Чунончи, бизда француз, немис, инглиз тилларидан қилинган таржималар сони кўп. Дарҳақиқат, бизнинг кўрimsиз ҳисоб ўлчовимиз билан ўлчаганда, бу китобларнинг миқдори кўп бўлиб кўринади,— деб кўрсатади у.— Аммо бизнинг ўлчов андазамиз жуда ҳам кичик. Таржима китобларининг сони бизнинг эҳтиёжларимизга қараганда ниҳоятда оз. Хуллас, илмий таржима адабиётининг аҳволи хароб. Бунинг устига, Ғарбий Европада илмий китоблар сони йил сайин ошиб бормоқда. Аммо чор Россиясида илмий асарлар таржимаси сони тобора камаймоқда. Демак, биз Ғарбий Европада фан тараққийотини қувиб бораётганимиз йўқ, балки ундан орқада қолмоқдамиз.

Буюк рус революционер-демократ танқидчисининг ачиқ фактлардан чиқарган хулосаси шу эди. Демак, у таржима адабиётига шунчаки хорижий ёзувчилар ва олимларнинг асарлари билан мунтазам танишиб бориш учун керак бўладиган бир восита эмас, балки халқнинг маърифати, эстетик диди, ақлий фаолиятини тараққий эттириш, илми ва маданиятини юксалтиришнинг мислсиз қуроли деб қарар эди.

Н. Г. Чернишевскийнинг қандай асарларни таржима қилиш учун танлаш ҳамда бадний таржиманинг тили қандай бўлиши кераклиги борасида баён қилган фикрлари ҳам гоят муҳим аҳамиятга эга. У Н. Берг тўплаган турли халқлар қўшиқлари тўплами ва таржимасининг мундарижаси торлигини танқид қилади. Чунончи, Н. Берг тўпламга халқ қўшиқларини эмас, балки ноёб қўшиқларни киритишга зўр берган. Ҳолбуки, авторнинг фикрича, таржима қилиш учун асар танлаганда унинг қанчалик ноёблигини эмас (чунки таржима ноёб асарлар коллекцияси эмас), муҳимлиги, мукамаллиги, гоёвий чуқурлиги ва эстетик гўзаллигини асос қилиб олиш зарур.

Бундан ташқари, жаноб Берг турли халқларнинг қўшиқларини таржима қилганда мумкин қадар уларда «бегоналик» аломатлари қолмаслиги ва уларнинг соф русча қўшиқ бўлиб чиқишига эришиш учун интилган. Бундай интилиш оқибати ўлароқ, тўпламга кирган қўшиқларнинг қайси миллатники эканини аниқлаш ҳам мушкул бўлиб, улар рус қўшиқлари ҳам, бошқа халқларнинг қўшиқлари ҳам бўлмай қолган. Шундай қилиб, у ўз тўпламига кирган халқ қўшиқларининг фазилати, нафосати ва ҳароратини қўлидан келганича пучга чиқаришга интилган.

Н. Г. Чернишевский қадимги юнон файласуфи Арастунинг

«Шеър санъати ҳақида» асарининг. Б. Ординский томонидан қилинган таржимасига бағишлаб ёзган «Поэзия ҳақида» сарлавҳали мақоласида асосий эътиборни тил масалаларига қаратади. Жаноб Ординский бу асарга ёзган сўз бошида уни мумкин қадар асл нусхасига мувофиқ этиб таржима қилганини айтган. Бу жуда яхши ният, деб маъқуллайди буюк танқидчи. Бироқ тилнинг аниқ ва тўғри бўлишига хилоф етказган ҳолда ҳижжалаб ағдаришга интилиш аниқлик тушунчасининг ўзига хилофдир, чунки асл нусхада равшан бўлган нарса таржимада ҳам равшан бўлиши керак. Акс ҳолда, таржима қилиб ўтиришнинг нима ҳожати ҳам бор.

Автор бу мақоласида таржимада содда услуб яратаман деб эскирган ёки кам ишлатиладиган сўзларни қўллашни қоралар экан, «Прописен» номли мақолалар тўпламида жаноб Катковнинг «Гомер асарларини содда тил билан таржима қилишга уриниш ҳақида икки оғиз сўз» номли мақоласи муносабати билан ёзган бошқа бир мақоласида таржимада тилнинг шеваларидан олинган сўзларни ишлатиш ҳам номақбул эканини айтади. Масалан, Аристофан комедияларида тасвирланган спарта элчиларининг ўзига хос лаҳжа хусусиятларини малорус ёки Кострома мужикларининг шеваларига хос сўзлар билан алмаштириш асарга хос бўлмаган хусусият бағишлаш, яъни сохта таржима яратиш бўлар эди. Шунингдек, Гомер асарларини ўгирганда эски славян ва кўҳна йилнома-ларнинг тил элементларини ишлатиш уларга сохта колоритни пайванд қилишга уриниш бўлар эди. Зотан, Гомернинг Агамемнони бизнинг Димитрий Донскойимизга айланиб қолишдан эҳтиёт бўлиш лозим, деб таъкидлайди Н. Г. Чернишевский.

Николай Александрович Добролюбов (1836—1861) йигирма ёшидан бошлаб бир неча йил давомида Гейненинг лирик шеърларини ҳамда Фейербахнинг айрим асарларини таржима қилиш билан машғул бўлди. Бир қанча илмий асарларни ҳам у рус тилига ўгирган эди.

Н. А. Добролюбов студентлик йилларидаёқ таржима санъати ва таржима назарияси масалаларига катта қизиқиш билан қаради. У ўз даврида яратилган ҳамма муҳим таржима асарларини мунтазам суратда кузатиб борар эди.

Н. А. Добролюбов ҳам, Н. Г. Чернишевский сингари, таржима қилиш учун — ёзувчиларнинг энг муҳим ва катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарларини танлаш зарур, деб ўқтирар эди. Унинг бадий таржиманинг тили ҳақида баён қилган фикрлари ҳам биз учун жуда муҳимдир.

Н. А. Добролюбов И. Шершеневич ўгирган «Энеида» асари таржимасининг сифати ҳақида гапириб, қадимий классик

адабиётдан таржима қилувчи киши, биринчи навбатда, шоир бўлиши керак, дейди. Унинг бадий диди юксак бўлиши, айна асарни ёзган шоирнинг ички дунёсини яхши билмоғи, унинг ижодини тўлиқ ҳис қилмоғи керак. Бугина эмас, классик асарларни таржима қилувчи киши олим ҳам бўлиши зарур. У ўша халқнинг қадимий турмуш шароитларини, ўша даврлардаги урф-одатларини, хусусан, уларнинг тилини мукамал билмоғи даркор. Ҳар бир сўзнинг энг нозик маъноларини, ҳатто кўз илғамас бир кўмакчининг маъносини ҳам яхши билиши керак. Хусусан, у асарни қайси тилга таржима қилаётган бўлса, ўша тилни жуда яхши билиши зарур. У зўрма-зўракилик билан таржима қилмаслик, ўз тилининг бутун бойлигидан тўла фойдалана олиш, биронта ҳам сунъий жумлага, гализ иборага йўл қўймаслик, асарда тасвирланган фикрни мумкин қадар тўлароқ акс эттириш учун ўз тилида тўғри ва чиройлигина эмас, балки энгил ва эркин ёза билмоғи лозим⁵.

Бу истеъдодли революцион-демократ танқидчи бадий таржима асарларининг таҳлилига бағишланган сермазмун мақола ва тақризларида масалага ўзи юқоридаги ишида илгари сурган талаблар юзасидан ёндашди. Бошқача айтганда, у таржималарнинг сифати ҳақида гапирганда умумий мулоҳазалар юритиш билан чекланмай, балки конкрет таҳлил намуналарини кўрсатди. Масалан, у жаноб Мейнинг «Игорь жангномаси» дostonини таржима қилганини катта маданий воқеа деб баҳолаш билан бирга, таржиманинг айрим нуқсонларини ҳам жуда тўғри кўрсатади. Мана у келтирган бир мисол:

«Для чего на легких крыльях.	«Нега энгил қанотларингда Хоннинг ўқчиларин олиб
Ты стрелков наносишь ханских	учасан Меҳрибон ёру жонимнинг Жасур лашкарлари
На уда́лую дружину Моего мило́го друга?»	Истиқболигами элтасан?»

Бу парча Ярославнанинг шамолга қилган мурожаатидан олинган бўлиб, асл нусхадаги *стрелкы* [*стрела* (ёй ўқи)] сўзининг кичрайтирилган шакли] сўзи *стрелкѣ* (ўқчилар) сўзи билан чалкаштирилгани натижасида қипчоқларнинг ўқчилари шамол қанстида Игорь лашкари истиқболига учириб юборилган! Шамол ҳам гўё ёвуз Тугарин Змеевич бўлиб қолган!— деб хитоб қилади танқидчи.

⁵ Қаранг: Н. А. Добролюбов, Полное собрание сочинений, т. 5, Госполитиздат, М., 1941, стр. 453—454.

«Шиллер асарлари рус ёзувчилари таржималарида» номли бошқа бир мақоласида эса у «Дон Карлос» драмасида жуда кўп учрайдиган немисча Herz [юрак] сўзини М. Достоевский гоҳ *сердце* (юрак), гоҳ *душа* (жон), гоҳ *грудь* (кўкрак), баъзан эса ҳатто *пульс* деб ҳар хил таржима қилишини қоралайди, негаки, баъзан бу кўпол хато келиб чиқишига ҳам сабаб бўлган. Масалан, *открой мне свое сердце* (менга қалбингни оч) сўzlари *открой мне грудь свою* (оч менга кўкрагингни) бўлиб қолган (РПП, 401, 398).

Рус ёзувчилари ва революцион-демократ танқидчиларининг асарларида бадий таржимада мазмун ва форма бирлиги, таржима асарлари мундарижаси, тил ва услуб масалалари чуқур ёритилган. Уларнинг фикрлари таржимачилик практикаси беқиёс даражада кенг авж олиб бораётган бизнинг кўпмиллатли мамлакатимиз шароитида яна ҳам муҳим ва актуал бўлиб қолди.

Марксизм - ленинизм классиклари таржима ҳақида Пролетариатнинг буюк доҳийлари Карл Маркс, Фридрих Энгельс ва Владимир Ильич Лениннинг ҳаётбахш таълимоти энциклопедик характерга эгадир. Уларнинг асарларидан инсоният фаолиятининг барча мураккаб масалаларига доир энг зарурий маълумотларни топиш мумкин. Бу асарларда, жумладан, таржима назариясига доир ғоят қимматли фикрларни ҳам учратамиз. К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг таржима ҳақидаги фикрларини ўрганар эканмиз, икки ҳолни қайд этиш лозим.

Биринчидан, марксча-ленинча таълимот таржима назариясининг ҳам методологик асосини ташкил этади. Хусусан, доҳийларимиз яратган билиш назарияси, инъикос назарияси, тил билан тафаккурнинг диалектик бирлиги, мазмун билан форманинг ўзаро узвий боғлиқлиги тўғрисидаги таълимотлари таржима назариясига бевосита алоқадордир. Бундан ташқари, К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг адабиёт, санъат ва эстетика тўғрисидаги асарлари ҳам таржима назарияси муаммоларини ёритишда ғоят катта аҳамиятга молик.

Иккинчидан, марксизм-ленинизм классиклари ўз амалий фаолиятларида бевосита таржимачилик иши билан шуғулланган эдилар. Шу муносабат билан улар ўз асарларида сиёсий ва, қисман, бадий асарлар таржимасига доир жуда муҳим фикрларни баён қилганлар.

Таржима проблемаларини ўрганишда ва таржима назарияси асосларини ишлаб чиқишда ана шу икки ҳолга эътибор қилмаслик мумкин эмас.

К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг таржимонлик фаолиятини ва уларнинг таржима санъати ҳақида айтган қимматли фикрларини ўрганиш ва бу масалани ёритишнинг ўзи бир олам. Биз ўз олдимизга бу масалани мукамал ёритишни мақсад қилиб қўйганимиз йўқ. Истагимиз — марксизм-ленинизм классикларининг таржимонлик фаолияти ва, асосан, таржиманинг тил ва услуб проблемаларига доир айтган фикрлари билан китобхонларни қисқача таништиришдан иборат⁶.

К. Маркс ва Ф. Энгельс, асосан, ижтимоий-сиёсий адабиёт асарларини таржима қилганлар ҳамда уларнинг таржима ҳақидаги фикрлари ҳам сиёсий адабиётлар таржимасига тааллуқлидир. Бироқ бу фикрлар бадий таржимага ҳам бевосита алоқадордир, негаки, ижтимоий-сиёсий ва бадий асарлар таржимасида тил маҳорати катта ва асосий роль ўйнайди.

Карл Маркс жуда кўп тилларни билар эди. Поль Лафарг Маркс ҳақида ёзган эсдаликларида унинг барча европа тилларида ўқий олганлиги, жумладан, немис, француз ва инглиз тилларида жуда эркин ёза олганлигидан хабар беради. Унинг айтишича, К. Маркс 50 ёшида рус тилини ўрганишга киришган ва олти ой деганда рус ёзувчи ва шоирларнинг асарларини ўз асл нусхасида бемалол ўқийдиган бўлган.

Фридрих Энгельс учун немис тили она тили ҳисобланар эди. У француз ва инглиз тилларини мукамал билар, испан, португал ва италян тилларида ёза олар эди.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг тил ҳақида яратган таълимоти, тил билан тафаккурнинг бир-бири билан узвий боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрлари ҳамда тилнинг кишилар ўртасидаги алоқа воситаси эканлиги ва меҳнат жараёнида эҳтиёж туфайли туғилганлиги ҳақида айтган сўзлари бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишнинг бир қанча муаммоларини ҳал қилиш учун жуда яхши назарий замин яратади.

Инсониятнинг бу икки буюк доҳийси жуда кўп тилларни билиш ва улар ҳақида мулоҳаза юритишдан ташқари, тилшуносликка доир махсус асар ҳам яратганлар. Бу ўринда

⁶ Бунда биз қуйидаги манбаларга таяндик: «К. Маркс и Ф. Энгельс об искусстве» (в двух томах), том первый, составил Мих. Лифшиц, Госиздат «Искусство», М., 1957, стр. 10, 76, 83—86; том второй, стр. 387; А. В. Федоров, Введение в теорию перевода (Лингвистические проблемы), М., 1958, стр. 81—100; Б. Яковлев, Ленинская школа, МП, 1962, 22—70; К. Ханазаров, Роль рецензирования опубликованных переводов трудов классиков марксизма-ленинизма в улучшении качества переводов: МРС, 179—199; З. Аминов, Об опыте перевода на узбекский язык 1 тома «Капитала» К. Маркса, МРС, 136—149.

Ф. Энгельснинг «Франк диалекти» номли асарини эслатиш мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг айрим асарлари дастлаб уларнинг ўз она тилида эмас, балки хорижий тилда яратилган бўлиб, сўнгра улар томонидан немис тилига авторлаштирилиб ўгирилган. Масалан, К. Маркснинг француз тилида ёзилган «Фалсафа қашшоқлиги» ҳамда Ф. Энгельснинг инглиз тилида нашр қилинган «Социализмнинг утопиядан фанга тараққиёти» асарига ёзилган кириш сўзини кўрсатса бўлади. Бундан ташқари, баъзан улар ўз асарларининг таржималарини таҳрир қилар эдилар. Масалан, К. Маркс «Капитал»нинг французча таржимасига, Ф. Энгельс эса «Коммунистик партия манифести»нинг инглизча таржимасига муҳаррирлик қилган эдилар.

Ф. Энгельс Шарль Фурьенинг бир асарини таржима қилган эди. Шунингдек, у А. С. Пушкиннинг «Мис чавандоз» ва «Евгений Онегин» асарларига муҳим лугавий ишоралар қилган ҳамда бу ажойиб шеърини дostonнинг I бобини насрий йўл билан ағдарган. Ф. Энгельс «Қирол Пар» ва «Барин Тидман» асарларининг шеърини таржималарини ҳам яратган⁷.

1877 йилда К. Маркс Лиссагаренинг «1871 йил Коммунасининг тарихи» номли асари таржимасини таҳрир қилади. Бу асарни ношир Изольде Курц ағдарган эди. Ана шу таржима юзасидан К. Маркснинг айтган мулоҳазалари диққатга сазовор. Улардан айримларини келтирамыз.

Таржиманинг 17-бетида *marche de Ferriers* сўзлари «Ферриернинг юриши» деб берилган. Ҳақиқатда эса бу сўзлар Жюль Фаврининг Бисмарк турган Ферриер деган жойга борганлигини билдиради. Бошқача айтганда, Ферриер деган *жой* таржимада *одамга* айланиб қолган.

Асарнинг 51-бетидаги *intrigants bourgeois qui courent apres la diputation* сўзлари буржуа ивгогарларининг депутатлик ўринларини эгаллаш учун уринишларини англади. Буни ҳам Курц „депутация орқасидан қувиш“ деб ағдарган.

54-бетдаги *permanence* сўзлари «перманент мажлиси» деб ўгирилган. Ваҳолонки, бу *перманент комитет* деб берилиши лозим эди⁸.

⁷ Қаранг: А. В. Федоров, Введение в теорию перевода (Лингвистические проблемы), М., 1958, стр. 83—84; М. П. Алексеев, Словарные записи Ф. Энгельса к «Евгению Онегину» и «Медному всаднику» («Пушкин: Исследования и материалы», Труды третьей Всесоюзной пушкинской конференции), Изд-во АН СССР, М.—Л., 1953.

⁸ К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинение, том XXVI, стр. 461—462 (1871 йил 21 апрелда Браккега ёзилган хатдан).

К. Маркснинг бу мулоҳазаларидан шу нарса яққол кўри-
ниб турибдики, у таржимондан асарда баён қилинаётган
воқеаларнинг мазмунини чуқур билишни, кўр-кўрона кўчир-
мачилик ўрнига онгли суратда иш қилишни, сўзларнинг фа-
қат муайян бир конкрет маъносинигина эмас, балки турли-
туман кўчма маънолари ва синонимларини ҳам билишини
талаб этади.

Ф. Энгельснинг «Маркс асарларини қандай таржима қил-
маслик керак» номли ажойиб мақоласида таржима назария-
сининг тил ва услуб масалаларига доир жуда муҳим фикр-
ларни учратамиз.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг ўз асарлари таржималарига
киритган тузатишлари, таржималарни таҳрир қилиш наму-
налари, таржима санъати ҳақида айтган фикрлари ва ўзла-
рининг таржималари совет таржима мактаби учун ғоят қим-
матли амалий ва назарий аҳамиятга эга.

Владимир Ильич Лениннинг кўп сонли таржималари ва
унинг таржима ҳақида айтган қимматли фикрлари ҳам тар-
жима санъати «сир»ларини ўрганишда жуда муҳимдир.

В. И. Ленин немис, инглиз, француз тилларини билар,
поляк, итальян, швед, чех ҳамда юнон ва лотин тилларидан
яхши хабардор эди.

В. И. Ленин асарларида унинг элликка яқин тил билан
қизиққанлигини кўрсатувчи лексик ва фразеологик материал-
ларни ҳамда ҳужжатларни учратиш мумкин. Булар: юнон,
лотин, қадимги славян; немис, инглиз, швед, дания, голланд,
фламанд; француз, итальян, провансаль, испан, португал;
поляк, булғор, чех, украин, белорус; латиш, литва; фин, эстон;
венгер, карель, коми (зирян), мансий (вогул), хантий; арман,
грузин; форс, тожик, осетин; турк, озарбайжон, туркман, қо-
зоқ, қирғиз, татар, бошқирд, ўзбек, чуваш, ёқут; хитой, араб,
ҳинди, циган тилларидир⁹.

Б. Яковлев ўзининг «Ленин яратган мактаб» номли ма-
қоласида доҳийнинг таржима адабиётининг назариячиси, тан-
қидчиси, муҳаррири, ташкилотчиси ва раҳбари бўлишдан
ташқари, ажойиб таржимон ҳам бўлганлигини кўрсатиб
беради.

В. И. Ленин К. Маркс ва Ф. Энгельснинг икки юзга яқин
асарини (айримларини тўла ва баъзиларидан катта-кичик
парчалар) таржима қилган. Бундан ташқари, у Гегель, Фейер-
бах, Жорж Беркли, Карл Клаузевиц, Фердинанд Лассаль,
Сен-Симон ва бошқа шу каби, жами юздан ортиқ олимлар-
нинг тарих, фалсафа ва экономикага доир асарларидан рус

⁹ Б. Яковлев, Ленинская школа, МП, 1962, стр. 23.

тилига таржима қилган. Шунингдек, унинг таржималари орасида Гёте, Гейне, Гервег, Потье ва бошқа кўплаб хорижий шоирларнинг ҳикматли сўзлари ва ибораларини учратамиз.

В. И. Лениннинг таржималарини тўплаш иши билан махсус шуғулланувчи Б. Яковлевнинг берган маълумотларига қараганда, бу таржималарнинг ҳажми юзлаб босма листдан иборат ва булар тўғрисида махсус илмий-текшириш иши олиб бориш зарур.

В. И. Ленин таржималари орасида К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести», Ф. Энгельснинг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» (айрим парчалар), «Франция ва Германияда деҳқонлар масаласи», С. ва Б. Веббларнинг «Инглиз тред-юнионизми назарияси ва практикаси» (Н. К. Крупская билан ҳамкорликда), Клара Цеткиннинг «Штутгартда бўлиб ўтган халқаро социалистик конгресс» (тўплам), Гайндманнинг «Социализм, тред-юнионизм ва сиёсий кураш», К. Каутскийнинг «Социал революция», Гобсоннинг «Импеариализм» асарлари ва бошқа кўпгина китоблар бор. Афсуски, бу таржималарнинг бир қисми қўлёзма ҳолида қолиб йўқолиб кетган, айримларигина сақланган. Булардан ташқари, В. И. Ленин К. Маркснинг «Францияда граждандар уруши» асари, унинг Л. Кугельманга ёзган хатлари, Париж Коммунасининг генерали Кюзе ёзган китобнинг «Кўча жанглари» номли боби, Ф. Энгельснинг «Бакунистлар иш устида» ва бошқа шу каби асарларнинг таржималарини таҳрир қилиб чиқаради.

Маълумки, К. Маркс ва Ф. Энгельс яратган ажойиб «Коммунистик партия манифести» В. И. Ленинга қадар бир қанча арбоблар томонидан таржима қилинган эди. Аммо бу асарнинг В. И. Ленин қилган таржимаси бошқа таржималардан ўзининг мукамаллиги билан яққол ажралиб туради. Афсуски, манифестнинг В. И. Ленин таржимаси йўқолган (унинг йўқолиш тарихи Б. Яковлевнинг «Ленин яратган мактаб» номли мақоласида муфассал ҳикоя қилинади).

В. И. Лениннинг моҳир таржимон бўлганлиги, таржима жараёнида ҳар бир сўз, термин ва иборанинг маъносини тўла рўёбга чиқариш учун астойдил меҳнат қилганлиги, марксистик таъриф ва таъбирларнинг сиёсий ўткирлигини сақлаш борасида жуда зийрак турганлигини кўрсатиш мақсадида Коммунистик партия манифестнинг бир қанча таржималари билан В. И. Ленин таржимасининг айрим парчаларини муқояса қилиб кўрсатиш мумкин.

Поссе таржимаси:

Находились друг с другом в постоянном противоречии (бир-бирлари билан доим зид ҳолатда эдилар).

Алексеев таржимаси:

Питали друг к другу вечную вражду (бир-бирлари билан абадий душманлик қасдида эдилар).

Козман нашрида:

Являлись всегда антиподами (ҳамма вақт мухолиф эдилар).

Воровский таржимаси:

Находились в постоянном противоречии друг к другу (доим бир-бирлари билан зид ҳолатда эдилар).

«Коммунистик партия манифести»нинг биринчи бобида Jeder Klassenkampf ist ein politischer Kampf сўзларини учратамизки, бу таъриф афоризм бўлиб қолган. Бу ҳам таржимонлар томонидан ҳар хил берилган.

Бакунин таржимаси:

Каждая сословная борьба есть вместе с тем и борьба политическая (табақалар орасидаги ҳар бир кураш айни вақтда сиёсий кураш ҳамдир).

Плеханов таржимаси:

Каждая классовая борьба есть борьба политическая (ҳар бир синфий кураш сиёсий курашдир).

Ленин таржимасини унинг «Фридрих Энгельс» номли таъзия мақоласида ҳамда «Бизнинг яқин орадаги вазифамиз», «Социал демократия ва вақтли революцион ҳокимият», «Синфий курашни либералларча ва марксистик маънода тушуниш» ва бошқа шу каби мақолаларида учратамиз:

Ленин таржимаси:

Всякая классовая борьба есть борьба политическая (ҳар қандай синфий кураш сиёсий курашдир).

Бакунин Klassenkampf сўзини *сословная борьба* деб ногўғри берган ва юқоридаги таъриф ҳам унинг таржимасида ўз ихчамлигини йўқотган. Плеханов *jeder сўзини каждая* (ҳар бир) деб ағдарса, Ленин уни *всякая* (ҳар қандай) олмоши

билан бериш орқали таржиманинг мантиқан мукамал ва сиёсий томондан тўғри бўлишига эришган.

Маълумки, Комманифест *Пролетарии всех стран, соединяйтесь!* сўзлари билан тугайди. Бакунинг таржимасида бу: «Пролетарии всех стран, соединитесь!» деб берилган эди. Бу билан Бакунинг бутун дунё пролетарларининг бирлашувини бирданига ва бир йўла бўладиган бир механик ҳаракатга айлантириб қўйган эди (рус тилида *соединитесь* феъли ҳаракатнинг бирданига содир бўлишини англатади). Бошқача айтганда, Бакунинг таржимасида ҳам унинг анархистик эътиқоди ўз аксини топганди. Ленин эса буни *соединяйтесь* сўзи билан ўгириш орқали пролетариатнинг мунтазам суратда бирлашиш томон боришига хитоб қилади.

Алексеев ва Таубман таржималарида бу хитоб умуман тушиб қолган, негаки чор цензураси бундай хитобга рухсат этмаган эди.

Совет ҳокимияти йилларида СССРда «Коммунистик партия манифести» ўн икки миллион тиражда уч юз мартадан ортиқ нашр қилинди. Унинг 1939 йилдан кейин чиққан барча нашрларида Лениннинг таржима намуналари, таъриф ва терминлари асос қилиб олинган (МП, 1962, 40, 65—66).

Ҳар бир сўзнинг маъносини тўғри акс эттириш, терминларнинг аниқ бўлишига эришиш, асл нусханинг нозик индивидуал услуб хусусиятларини бутун мукамаллиги билан сақлаб қолишни В. И. Ленин таржималаридан ўрганиш керак.

Совет адабиёти кўпмиллатли адабиёт

В. Г. Белинский ўзининг «1846 йил рус адабиётига муносабат» номли ажойиб мақоласида миллат ҳақида шундай сўзларни айтган эди: «Инсоният миллатларсиз ўлик бир мантиқий мавҳумиятга, мазмунсиз бир сўзга, маъносиз бир товушга айланиб қолган бўлар эди»¹¹.

Буржуа мафкурачилари: социализм миллатларни йўқ қилиб юборади ва миллий маданиятларнинг томирига болта уради деб бутун жаҳонга айюҳаннос солган эдилар. Марксизм-ленинизм классиклари эса бутун дунё пролетарларининг бирлашиши ва ягона умуминсоний маданият яратиш ғоясини бу тариқа сийқалаштирувчи буржуа яловбардорларига қақшатғич зарба бериб, социализм даврида миллатлар ва миллий маданиятларнинг йўқ бўлиб кетиши у ёқда турсин, аксинча, уларнинг мисли кўрилмаган даражада равнақ топиши ва гуллаб-яшнашини олдиндан айтиб бердилар.

¹¹ В. Г. Белинский, Полное собрание сочинений, Санкт-Петербург, 1914, том X, стр. 408.

Кекса совет адабиётшуносларидан К. Зелинский «СССР халқлари адабиёти» номли мақолалар тўпламининг «Факт ва рақамлар» бўлимида жуда қизиқ маълумотларни келтиради¹².

Ёзувчи А. Фадеев «Сўнгги удэгелардан бири» номли романида Жанубий Усурия ўлкасида яшовчи кичик бир халқнинг ҳаётини тасвирлайди. Бу романни ўттизинчи йилларнинг бошларида ёзишга киришган А. Фадеев удэгеларни ижтимоий тараққиётдан бир неча аср орқада қолган бир аҳволда кўрган ва уларни халқ сифатида мустақил бўлиб қоллолмайдиган, деб ўйлаган эди. Аммо удэгелар бошқа халқларга қўшилиб кетиш у ёқда турсин, совет даврида ўзларининг мустақил ҳаёт йўлига эга бўлдилар ва ўз адабиётларини яратдилар. Масалан, уларнинг мустақил ҳаёт йўлига кириш манзараси удэге ёзувчиси Жанси Кимонконинг «Ўрмонлар устида нур» номли аса-рида яхши тасвирланган.

Фенимор Купер деган ажнабий ёзувчи ҳам «Сўнгги моги-канлардан бири» номли роман яратиб, унда АҚШда яшовчи қабилалардан бирининг ҳаётини тасвирлаган. Ҳозирги вақтда Америкада могиқанлар ҳақиқатан ҳам йўқ бўлиб кетганлар, аммо удэгелар эса, совет воқелиги шароитида, янги ҳаёт қур-дилар.

Ана шу мисолданоқ кичик халқлар ва миллатлар социал-лизмда эмас, капитализм шароитида йўқ бўлиб кетишини яққол кўриш мумкин.

Аммо ҳозирги вақтда ҳам буржуазия муртадлари социал-лизм шароитида миллатлар ва миллий маданиятларнинг гуллаб-яшнашини эътироф этмасликка ёки «пайқамасликка» ҳа-ракат қиладилар. Масалан, 1936 йилда босилиб чиққан Бри-тания катта энциклопедиясида СССРдаги кўпчилик халқлар саводсиз ва жоҳил халқлар деб кўрсатилган эди. Ҳолбуки, Британия энциклопедияси босилиб чиққан худди ўша 1936 йили Совет Иттифоқидаги ўттиз учдан ортиқ халқ А. С. Пуш-кин асарларини ўз она тилига таржима қилди.

Бир замонлар рус шоири А. А. Фет «Зирияларга келмас Тютчев» деб айтган бўлса, совет ҳокимияти йилларида Тю-чев ҳам, Пушкин ҳам коми-зирияларнинг ҳузурига «келди-лар», яъни бу шоирларнинг асарлари уларнинг тилларига таржима қилинди. Шу билан бирга, фақат рус шоирлари ко-ми-зирияларгагина эмас, ўз навбатида, коми-зирияларнинг шоир ва ёзувчилари ҳам рус халқига ва улар орқали жаҳон-даги бошқа халқларга «ташриф буюрдилар», яъни уларнинг

¹² Қаранг: К. Зелинский, Литература народов СССР (статья), ГИХЛ, М., 1957, стр. 61—69, 94.

Ўзларидан чиққан ажойиб адибларнинг асарлари бошқа тилларга таржима қилина бошланди.

Чунончи, коми-зирян шоири Иван Куратовнинг ижодини революциядан илгари ҳатто коми-зирянларнинг ўзлари ҳам билмас эдилар, негаки унинг инқилобдан илгари ёзилган асарлари фақат совет ҳокимияти йилларидагина босилиб чиқди ва рус тилига ва у орқали бошқа халқларнинг тилларига таржима қилинди.

1929 йилда Сибирда яшовчи кичик халқлардан бири бўлган шор тилида биринчи китоб нашр қилинди. 1941 йилга келиб бу тилда 221 минг нусхада 158 та китоб босилди. Жами 25 минг кишидан иборат эвенк тилида (булар ҳам Сибирда яшайдилар) 1928—1956 йиллар мобайнида 610 минг нусхада 177 та китоб нашр қилинди. Шимол халқларидан бири — нанай тилида 1932—1956 йиллар ичида 300 минг нусхада 109 та китоб босилиб чиқди.

Шундай қилиб, 100 кишидан ташкил топган керекилардан тортиб бир неча юз, минг ва миллион кишилик кичик халқлар ҳам фақат совет ҳокимияти йилларидагина ўзларининг инсоний ҳуқуқларини танидилар. Уларнинг турмушига янги маданият, янги ижтимоий муносабатлар, тушунчалар ва янги-ча дунёқараш билан бирга, тилларига янги-янги сўз ва терминлар келиб кирди.

Капитализм шаронтида йирик империалистик миллатлар кичик ва заиф халқлар ҳамда миллатларни ютиб, маҳв қилиб юборсалар, социализм шаронтида, аксинча, катта ижтимоий тараққиёт босқичига кўтарилган йирик миллатлар кичик халқларга дўстлик ҳамда ҳамкорлик қўлини чўзадилар. Натижада социализм даврида кичик халқлар ҳам аста-секин социалистик миллат бўлиб уюша бошлайдилар.

Совет Иттифоқида 130 миллат, халқ ва элат яшайди. Шунлардан 60 миллат ва халқ ўзининг мустақил ёзувига эга¹³. Ана шу халқларнинг ҳаммаси ҳам бир хил маданий ва иқтисодий тараққиёт босқичига эга бўлмаганлиги табиий бир ҳолдир. Чунки улар социалистик революцияга турли тараққиёт жараёнида турган ҳолда етиб келганлар. Масалан, революция арафасида уларнинг айримлари шаклланган капиталистик тузум даврида яшаган бўлсалар, баъзилари феодалпатриархал шаронтида, бошқалари ҳатто мутлақо шаклланмаган ва ўз миллий қиёфасига ҳам эга эмас эдилар.

¹³ Қаранг: К. М. Мусаев, Алфавиты языков народов СССР, Изд-во «Наука», М., 1965, стр. 5.

Бироқ доҳиймиз В. И. Лениннинг таълим беришича, тараққий этган маданий миллат пролетариатининг ёрдами билан иқтисодий тараққиётдан орқада қолган халқлар ҳам, капиталистик тараққиёт босқичига кирмай туриб, тўғридан-тўғри социалистик тараққиёт йўлига ўтишлари мумкин. Кўпмиллатли Совет Иттифоқининг миллий масала соҳасидаги тарихий тажрибаси В. И. Лениннинг бу доно сўзлари ва орзуи тўла амалга ошганлигини кўрсатади.

Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бегараз ёрдами туфайли бир вақтлар номини ҳеч ким билмаган ёки энциклопедияларда «жоҳил халқ» деб танилган айрим кичик миллат ва халқлар ҳозирги вақтда фақат иқтисодий тараққиёт соҳасидагина беқиёс катта ютуқларга эришиб қолмай, адабиёт ва санъат соҳасида ҳам жаҳон маданиятига салмоқдор ҳисса қўшмоқда. Утмишда ўз ёзуви ва ёзма адабиётига эга бўлмаган кичик халқлар ҳам мустақил катта адабиёт яратиб, жаҳоннинг илғор халқлари маданияти ва адабиёти билан беллаша олишдек юксакликка кўтарилди.

«Совет адабиёти,— деган эди А. М. Горький,— фақат рус тилидагина яратилаётган адабиётдан иборат эмас, бу — Бутуниттифоқ адабиётидир. Утмишда бизнинг Пушкин каби буюк даҳомиз бўлган экан, бу — арманлар, грузинлар, татарлар, украинлар ва бошқа элатлар адабиёт, музыка, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик соҳасида буюк соҳибкорлар чиқара олмайдилар деган маънони англатмайди»¹⁴.

Совет адабиёти шаклан миллий, мазмунан социалистик хусусиятга эга. Бошқача айтганда, совет адабиёти арбоблари ягона социалистик реализм методи асосида ижод қилсалар ҳам, улар турли-туман миллий формалардан фойдаланадилар.

Совет адабиётининг кўпмиллатлилиги ҳақида гапирганда унинг қуйидаги хусусиятларини қайд этиш мумкин.

Ҳар бир миллий совет адабиётининг ютуғи айна вақтда умумсовет адабиётининг ҳам ютуғи ҳисобланади. Масалан, қирғиз совет ёзувчиси Чингиз Айтматов ўзининг ажойиб асарлари билан фақат қирғиз халқининггина эмас, балки Иттифоқимиздаги ҳамма китобхонларнинг ҳам қалб тўридан ўрин олди. Бугина эмас, унинг повесть ва ҳикоялари чет эл ўқувчиларининг ҳам таҳсинига сазовор бўлди. Демак, ёзувчининг ютуғи фақат қирғиз адабиётининг эмас, шу билан бирга, бутун совет адабиётининг ҳам катта ютуғидир.

Умумсовет адабиётининг ютуғи бўлиб қолган асарлар муқаррар суратда рус тилига таржима қилинади. Демак, улар

¹⁴ «М. Горький о литературе», «Советский писатель», М., 1937, стр. 467.

фақат рус халқининггина эмас, балки, шу билан бирга, рус тилида ўқувчи кўпмиллионли китобхонларнинг ҳам мулкига айланади. Бугина эмас, ана шу асарлар рус тилига қилинган таржималаридан жуда кўп қардош социалистик республикалар ҳамда хорижий халқлар тилларига ўгирилади. Шундай қилиб, миллий совет ёзувчисининг асарлари Бутуниттифоқ ва жаҳон адабиёти майдонига чиқади. Садриддин Айний, Самад Вурғун, Вилис Лацис, Мухтор Авезов ҳамда М. Шолохов, А. Корнейчук, Ойбек, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор, Берди Қербобоев, Мирзо Турсунзода, Г. Леонидзе, А. Исаакян, Мирза Иброҳимов, Меҳди Ҳусайн каби ёзувчиларнинг роман, повесть, поэма ва шеърлари фақат миллий адабиётларнинггина эмас, балки Бутуниттифоқ адабиётининг ҳам жиддий ютуғидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг КПСС XXIII съезидига ҳисоботида маданий ҳаётимиздаги бу ҳодиса зўр мамнуният билан қайд қилинди: «Кейинги йилларда иттифоқдош республикалар санъати арбобларининг талантли кўпгина янги асарлари Бутуниттифоқ миқёсидаги кенг майдонга чиқди. Бутуниттифоқ миқёсидаги майдон у ёқда турсин, ҳаттоки халқаро майдонга ҳам чиқди. Бизда ҳеч бир республика йўқки, у санъат ва адабиётнинг у ёки бу соҳасидаги ажойиб муваффақиятлари, жуда катта талантлари билан фахрланмаётган бўлсин. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қардош оиласида бирлашган халқларнинг шаклан миллий ва шу сабабли ғоят хилма-хил маданияти айни вақтда ўзининг социалистик мазмуни жиҳатидан яхлит, коммунистик қурилиш пафоси билан, улуг кўпмиллатли Ватанимизнинг бахт-саодати ва равақ топиши тўғрисида биргаликда қилинаётган ғамхўрлик билан суғорилган маданиятни ташкил қилади»¹⁵.

Миллий адабиётлар ёзувчиларининг асарлари рус тилига ва бошқа қардош республикалар халқларининг тилларига таржима қилиниши натижасида миллий республикаларда яшовчи китобхонлар фақат айни республикада ёки муайян тилда ижод қилувчи адибларнинггина эмас, балки бутун совет адабиёти намояндаларининг эътиборга лойиқ асарларини ўқиб борадилар. Масалан, ўзбек китобхонлари латиш адабиётини, латиш китобхонлари татар адабиётини, татар китобхонлари қирғиз адабиётини, қирғиз китобхонлари молдаван адабиётини биладилар ва ҳоказо. Бу эса халқларнинг бир-бирларини яна ҳам яқиндан танишга ва улар ўртасидаги бузилмас дўстликни янада мустақкамлашга хизмат қилади.

¹⁵ «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1966 йил 30 март.

«Бизнинг мамлакатимизда фан ва санъат асарлари жуда кенг халқ оmmasининг мулки бўлиб қолди,— деган ажойиб сўзлар айтилди КПСС XXIII съезди минбаридан.— ...Адабиёт ва санъатнинг энг яхши асарлари фақат совет классикасининг хазинасинигина бойитиб қолмасдан, шу билан бирга жаҳон санъатининг, бутун инсоният прогрессив маданиятининг хизинасини ҳам бойитмоқда»¹⁶.

Бир миллий республикада бошқа қардош республика адабиётларининг декадалари, адабий ҳафталиклари ўтказилиши ҳамда ёзувчилар юбилейларининг нишонланиши бир миллий адабиётдаги прогрессив анъаналарнинг бошқа адабиётлар томонидан қабул қилиниши ҳамда халқлар ва адабиётлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига жуда қулай шароит яратиб беради.

Миллий совет ёзувчиларининг вакиллари бир-бирларининг ижодларини кузатиб ва улардан ўрганиб борадилар. «Мен Якуб Колас, Вилис Лацис, Андрей Упит, Мухтор Авезов, Гумер Баширов ижодини билмай туриб қандай ёза олардим,— дейди ўзбек ёзувчиси Шароф Рашидов. — Буни тасаввур қилиш осон эмас... Бизнинг ёш ёзувчиларимиз фақат ўзларининг етук адабиётчиларидангина ўрганиб қолмайдилар, улар барча СССР халқлари адабиётлари тўплаган хазинадан фойдаланадилар»¹⁷. К. Зелинский «СССР халқлари адабиёти» номли асарида турли миллат ёзувчиларининг А. М. Горький ижодидан не тариқа ўрганганликлари ҳақида айтган қимматли фикрларини келтиради (152—153-бетлар).

Миллий республикалардаги бир қанча ёзувчиларнинг бир нечта тилда ижод қилишлари ҳодисаси ҳам диққатга сазовор. Масалан, ёзувчи Садриддин Айний ўз асарларини ўзбек ва тожик тилларида яратган ва айрим роман ва повестларини ўзи таржима қилган. Ёш совет ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳам ўз асарларини қирғиз ва рус тилларида ёзади ва, кўпинча, ўзи таржима қилади. Саккиз грузин, тўрт украин, беш арман ҳамда бир қанча татар, белорус ва қozoқ адиблари ўз асарларини рус тилида ва ўзларининг она тилларида ёзадилар.

Ҳар бир миллий совет адабиётида бошқа қардош халқлар вакиллари образларининг яратилиши ҳам эътиборга лойиқ бир ҳолдир. Бу қардош халқлар адабиётларининг тор миллий андаза ичида қолмасдан, балки халқлар дўстлиги ва интернационализм гояларини тараннум қилувчи кенг йўлга чиқиб олганлигидан далолат беради.

¹⁶ «Совет Ўзбекистони» газетасининг ўша сонидан.

¹⁷ «Литературная газета», 1 января 1956 года.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиётларни бир-бири билан боғловчи, пайвандловчи, уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсирини таъминловчи асосий воситалардан бири бадий таржимадир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездида мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни тинмай мустаҳкамлаб бориш тўғрисида ғоят муҳим кўрсатмалар берилдики, бу сўзларни шарҳлаб ўтиргандан кўра, уларнинг ўзига ҳавола қилиш маъқул: «Бизнинг Ватанимиз — Улуғ Совет Иттифоқи мамлакатдаги барча халқларнинг биродарлигига, дўстлигига ва ҳамкорлигига, социал-иқтисодий тузумнинг, сиёсий системанинг, бир бутун социалистик идеологиянинг умумий бирлигига асосланган. СССР халқларининг иқтисодий ва маданий алоқалари тобора маҳкамроқ ва хилма-хилроқ бўлиб бормоқда. Халқларнинг бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг, бирлик ва жипсликнинг узилмас иплари мустаҳкамланаётганлиги каби бу юк процесс давом этмоқда.

Партия қарийб ярим аср давомида бу иттифоқни тинмасдан мустаҳкамлаб, чиниқтириб, такомиллаштириб келди ва натижада бу иттифоқ давлатимизнинг энгилмас ва қудратли кучига айландики, у ҳам бўлса ҳозирги вақтдаги Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва қардошлигидир».

Таржима ана шу улуғвор мақсадларни реаллаштиришнинг энг қулай воситаларидан биридир.

Совет адабиётида социалистик тузумга ва Коммунистик партияга садоқат, халқлар дўстлиги ва интернационализм ғоялари тобора кучлироқ тараннум қилинмоқда. Бадий таржима арбоблари олдида турган бош вазифа ғоявий юксак, бадий мукамал ана шу асарларни биринчи навбатда таржима қилиб, Бутуниттифоқ китобхоналарининг мулкига айлантиришдан иборат.

Совет таржима мактабининг ташкил топиш тарихи ва тараққиёт йўли (қисқача очерк)

Социалистик реализм адабиётининг асосчиси Алексей Максимович Горький (1868—1936) совет таржима мактабининг ҳам раҳбари ва йирик намояндаларидан бири эди. Гарчи унинг таржимонлик фаолияти иккита шеърни таржима қилиш билан чегараланган бўлса-да (у 1896 йилда хорват тилидан «Хорват уйи» ҳамда 1911 йилда белорус тилидан

Янка Купаланинг «Ботқоқ ва ўрмонлардан борадир ким» номли шеърини ўгирган), бадий таржима адабиётини уюштиришда фаол иш олиб борди.

А. М. Горький 1890 йиллардаёқ татар, грузин ва яҳудий адаблари асарларини рус тилига таржима қилиб чиқариш

ташаббусини бошлаган бўлса-да, фақат 1916—1917 йилларга келиб «Парус» нашриётида арман, латиш ва фин адабиётлари намуналари тўпламларини босиб чиқаришга муяссар бўлди.

1918 йилда А. М. Горькийнинг ташаббуси ва иштироки билан Петроградда «Всемирная литература» («Жаҳон адабиёти») нашриёти ташкил қилинди (РПП, 583). Бу нашриёт Фарб ва Шарқ адабиётининг йирик намуналарини, шунингдек қардош халқлар адабиётидаги кўзга кўринган асарларни рус тилига таржима қилиб босишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Китобларни икки серияда чиқариш мўлжалланган эди: асосий серияда ҳар бири 20 босма листдан иборат 1500 том ва халқ кутубхонаси сериясида ҳар бири 2—4 босма листдан иборат 2500 китоб чиқариш кўзда тутилган. Нашриёт ишига ўз даврининг йирик шоир, ёзувчи ва олимлари жалб қилинган (булар орасида А. А. Блок, В. Я. Брюсов, М. Л. Лозинский, К. И. Чуковский, Ф. Д. Батюшков, А. А. Смирнов, академиклардан С. Ф. Ольденбург, В. М. Алексеев ва бошқаларни кўрсатиш мумкин).

«Всемирная литература» нашриёти 1927 йилгача ўз фаолиятини давом эттириб, сўнгра ўз даврининг катта моддий қийинчиликлари туфайли ёпилиб қолди. Натижада мўлжалланган китобларнинг кичик бир қисминигина таржима қилиб нашр эттиришга эришилди, холос: жами 120 та китоб чиқарилди. Булар орасида Бальзак, Вольтер, Гюго, Беранже, Флобер, Мопассан, Доде, Анатолий Франс, Ромен Роллан, Гейне, Шиллер, Байрон, Диккенс, Вальтер Скотт, Марк Твен, Бернард Шоу, Г. Д. Уэллс, Жек Лондон ва бошқа хорижий ёзувчи ва шоирларнинг асарларини кўрамиз.

«Всемирная литература» нашриёти ҳаммаси бўлиб 8 йил ишлаб турган бўлса-да, аммо у совет таржима мактабининг пойдеворини яратди. Унинг тарихий тажрибаси катта ижодий мактаб бўлиб қолди. Совет Иттифоқида таржима назарияси соҳасида яратилган биринчи китоб — «Бадний таржима принциплари» брошюраси ҳам ана шу нашриёт томонидан чиқарилган эди.

Бу нашриёт фаолияти совет таржима мактабининг ташкил топиш тарихида катта ўрин эгаллаган бўлса-да, ўша даврда таржима қилиб чиқарилган китобларнинг бир қисми, формализм иллатига дучор бўлганлиги туфайли, ҳозирги вақтда ўз аҳамиятини йўқотди.

1930 йилларнинг бошларида «Academia» нашриётидан чиққан Гётеннинг «Лирика» тўплами (1932 йил), «Роланд ҳақида қўшиқ» ҳамда Диккенс романлари таржималарида формализм жуда кучли эди. Аммо бу тилни билмасликдан

келиб чиққан ҳижжалаб таржима қилиш оқибати бўлмай, балки таржимонларнинг асл нусханинг ҳар бир ҳарфини ҳам таржимада айнан акс эттириш зарур деган формалистик эътиқоди натижасида йўл қўйилган иллат эди.

Бироқ, умуман олганда, ўттизинчи йилларда таржима санъати соҳасида олдинга қараб катта қадам қўйилган эди. Бу даврда В. Шекспирнинг «Ҳамлет», «Ун иккинчи тун», А. Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Лопе де Веганинг «Ит ўзи ҳам емайди, бировга ҳам бермайди», «Валенсияли тул аёл», Р. Ролланнинг «Кола Брюньон», Корнелнинг «Сид» ҳамда Дантенинг «Илоҳий комедия»сидан бир қисми М. А. Лозинский таржимасида босилиб чиқди. Шунингдек, С. Маршак Бернсинг лирик шеърларини, Ю. Н. Тинянов Гейненинг бир қанча шеър ва поэмасини, Т. Л. Щепкина-Куперник Шекспирнинг айрим асарларини рус тилига ўгирдилар. Ғарбий Европа адабиётидан бошқа кўпгина роман, повесть, поэма, шеър ва новеллалар ҳам таржима қилинди.

Ўттизинчи йилларда фақат хорижий тиллардангина эмас, балки қардош халқлар тилларидан таржима қилиш иши ҳам кенг йўлга қўйилди. Чунки, «...Бадий адабиёт,— А. М. Горькийнинг сўзлари билан айтганда,— кишиларнинг бир-бирларини тушуниб олишларига ёрдам беради; Советлар Социалистик Иттифоқининг ишчи ва деҳқонлари ўзларининг бошқа тилда сўзловчи қўшнилари яхши билишлари лозим, манфаат бирлиги — янги давлат формаларини яратиш мақсади уларни ана шунга даъват этади. Турли элатларнинг кишилари бир-бирларининг психикаси — «дилини» қанчалик яхшироқ билсалар, шунчалик яқдил бўлиб, тез ва муваффақият билан белгиланган улуг мақсад сари олга интиладилар»¹⁸.

1934—1941 йиллар мобайнида Шота Руставелининг «Қоплон териси ёпинган паҳлавон» достони икки марта таржима қилинди, қозоқ халқ достони «Қиз Жибек», арман халқ достони «Сосунли Довуд» рус тилида босилди. Шунингдек, украин адабиётидан Т. Г. Шевченко ва Иван Франконинг ҳамда бир қанча грузин ва арман шоирларининг шеърлар тўпламлари ҳам таржима қилинди.

Улуг Ватан урушидан кейин, хусусан, 1950 йилдан бошлаб бадий таржима практикаси бекиёс даражада қулоч ёйди. Бу даврда қирғиз достони «Манас», карел-фин достони «Калевала», эстон достони «Калевипоэг» ҳамда миллий республикалар адабиётларининг классиклари Низомий, На-

¹⁸ М. Горький, Собрание сочинений, том 24, Гослитиздат, М., 1953, стр. 423 (цитата А. В. Федоровнинг «Введение в теорию перевода» асарининг 1958 йил нашри, 106-бетидан олинди).

вой, Махтумқули, Леся Украинка ва бошқа шоирларнинг асарлари рус тилига таржима қилинди.

Ғарбий Европа адабиётидан қилинган таржималар сони ҳам ошиб кетди. Бунда М. Л. Лозинский Дантенинг «Илоҳий комедия» асари таржимасини интиҳосига етказди, у В. Шекспирнинг «Макбет», «Отелло» трагедияларини ва бир қанча комедияларни, Б. Л. Пастернак ҳам Шекспир трагедиялари ва Гётенинг «Фауст» асарини, Н. М. Любимов Сервантеснинг «Дон Кихот» романини таржима қилдилар. Таржимонлардан С. Маршак, С. В. Шервинский, И. А. Кашкин, Н. Л. Дарузес, Н. Ман, Н. А. Волжина, Е. Д. Қалашникова, В. В. Левик ва бошқалар ҳам бадний таржима адабиётини ўзларининг янги, сермазмун таржималари билан бойитдилар. Кейинги йилларда В. Гюго, О. Бальзак, Т. Драйзер ва Р. Тагорнинг кўп томли таржима асарлари нашр қилиб тугатилганлиги ҳамда Гейне, Шиллер ва Анатолий Франснинг сайланма таржима асарлари чиқара бошланганлиги маданий ҳаётимизда катта воқеадир.

Рус тилида таржима назарияси соҳасида йирик монографик асарлар ва мақолалар тўплamlарни яратилган. Айниқса шуниси қувонарлики, эътиборли рус таржимонлари кўпинча таржима практикасини назарий томондан кузатиб ва умумлаштириб борадилар — улар махсус назарий асарлар яратдилар ёхуд ўз таржималарига турли изоҳлар, шарҳлар, кириш сўзлар ёзиб, ўз назарий принциплари ёинки маълум илмий эътиқодларини баён қиладилар¹⁹.

¹⁹ Қаранг: «Принципы художественного перевода», издание второе, Петербург, 1920; К. И. Чуковский и А. В. Федоров, Искусство перевода, Изд-во «Academia», Л., 1930; К. И. Чуковский, Искусство перевода, Изд-во «Academia», М.—Л., 1936; К. И. Чуковский, Высокое искусство, Гослитиздат, М., 1941; К. Чуковский, Образ и слово, «Литературная газета», 13 октября 1962 года; К. И. Чуковский, Мой ответ, «Литературная газета», 29 октября 1963 года; М. М. Морозов, Избранные статьи и переводы, Гослитиздат, М., 1954; М. М. Морозов, Пособие по переводу русской художественной прозы на английский язык, Изд-во лит. на иностр. яз., М., 1956; Б. Л. Пастернак, Заметки переводчика, журн. «Знамя», 1944, № 1—2; М. Л. Лозинский, К переводу «Гамлета» (В. Шекспир, Трагедия о Гамлете, принце датском), Изд-во «Academia», М.—Л., 1937; М. Л. Лозинский, Искусство стихотворного перевода, журн. «Дружба народов», 1955, № 7; И. А. Кашкин, Мистер Пиквин и другие, «Литературный критик», 1936, № 5; И. А. Кашкин, Ложный принцип и неприемлемые результаты, журн. «Иностранные языки в школе», 1952, № 2; И. А. Кашкин, Традиция и эпигонство, журн. «Новый мир», 1952, № 12; И. А. Кашкин, О языке перевода, «Литературная газета», 1 декабря 1951 года; И. А. Кашкин, О реализме в советском художественном переводе, журн. «Дружба народов», 1954, № 4; И. А. Кашкин, О методе и школе советского художественного перевода, журн. «Знамя», 1954, № 10; М. А. Салъе, Книга тысячи и одной ночи (всту-

Рус тилида таржимага доир назарий адабиёт, хусусан, Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда жиддий тараққиёт босқичига кўтарилди. Бу даврда бадий таржимага доир ўнлаб монографиялар, мақолалар тўпламлари нашр этилди, бир нечта докторлик ва кўплаб кандидатлик диссертациялари ёқланди²⁰.

Таржимашунослик соҳасида 1955 йилда чиқарилган «Вопросы художественного перевода» («Бадий таржима масалалари»), 1959 йилда нашр этилган ва 1962 йилдан бошлаб то ҳозиргача мунтазам суратда чиқарила бошлаган «Мастерство перевода» («Таржима маҳорати») ҳамда 1964 йилдан нашр этила бошлаган «Тетради переводчика» («Таржимон дафтарлари») мақолалар тўпламлари, 1960 йилда юзага келган «Русские писатели о переводе» («Рус ёзувчилари таржима ҳақида») тўплами ғоят катта аҳамиятга эгадир.

«Таржима маҳорати» тўламида мақолалар «Назария ва танқид», «Таржимоннинг ижодий тажрибасидан», «Мерос», «Чет элларда таржима масалаларининг ўрганилиши», «Маҳорат мактаби», «Совет республикаларида», «Таржимон хотираси», «Назарий мунозаралар», «Хроника» бўлимлари бўйича берилади. Ҳар бир тўламнинг охирига тиркаладиган библиографияда Совет Иттифоқида ва чет элларда таржима назарияси бўйича қилинган катта-кичик ҳамма асарлар, мақола ва тақризлар акс эттирилади.

«Таржима маҳорати» тўламлирида С. Маршак, И. Қашкин, М. Лозинский, П. Антокольский, А. Курелла (ГДР), К. Федин, С. Липкин, Н. Любимов, М. П. Алексеев каби таржима санъати усталари ҳамда А. В. Федоров, О. Кундзич, Г. Гачечиладзе, Е. Эткинд, Аг. Гатов, П. Топер, Вл. Россельс, В. Левик, М. Қоратоев каби кўзга кўринган таржимашуносларнинг таржима санъати ва назариясига доир ғоят муҳим, сермазмун мақолалари ўз ўрнини топган.

«Таржимон дафтарлари» тўламида эса мақолалар «Бадий таржима проблемалари», «Таржиманинг лингвистик проблемалари», «Таржима назарияси ва тарихи масалалари», «Таржимадан дарс бериш методикаси масалалари», «Лексикография масалалари» бўлимлари бўйича берилади. Бу тўлам филология фанлари доктори Л. С. Бархударовнинг таҳрири остида чиқади. Унда А. В. Кунин, Т. Р. Левицкая,

пительная статья); — «Книга тысячи и одной ночи», том первый, Изд-во «Academia», Л., 1929 и т. д.

²⁰ Бу масалалар бўйича А. В. Федоровнинг «Введение в теорию перевода» (Лингвистические проблемы) асарининг 1958 йил нашри, 101—134 бетларида мукамал маълумот берилган. Биз ҳам, асосан, ана шу маълумотларга таянмиз.

А. М. Фитерман, Я. Рецкер ва бошқа кўп таржимашунос мутахассисларнинг мақолаларини ўқиш мумкин.

Рус тилида бундай мақолалар тўпламларининг мунтазам суратда нашр қилиниши жаҳондаги жуда кўп хорижий ва қардош халқлар тилларидан рус тилига ва рус тилидан дунё тилларига узлуксиз таржима қилинаётган бағоят катта материални назарий ва танқидий ўрганиб умумлаштириш ҳамда китобхонларни жаҳоннинг ва Совет Иттифоқининг турли районларида таржима назарияси бўйича турли-туман тилларда яратилаётган, салмоғи кундан-кунга ошиб бораётган таржима назариясига доир янги асарлар билан таништириб боришда катта роль ўйнайди.

Кейинги вақтларда бир системага мансуб бўлган қардош тилларга таржима қилиш бўйича кенгашлар чақирилиши одат тусига кириб қолди. Чунончи, 1958 йилда Олмаота шаҳрида рус тилидан Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон халқлари тилларига таржима қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган региональ кенгаш рус тилидан туркий тилларга сиёсий, бадий ва, қисман, илмий асарларни таржима қилишнинг бир қанча ташкилий, амалий ва назарий проблемаларини аниқлашга ёрдам қилди. Кенгаш материаллари алоҳида тўплам шаклида нашр қилинди²¹. Бу тўпламга М. Жанғалин, А. Ражабов, Асқад Мухтор, Қ. Х. Хонназаров, Жумшуд Азимов, Муҳаммаджон Қоратоев, Т. Сувонбердиев, Зиё Аминов, С. Маликов, Қ. Соғиндиқов, Жуманиёз Шарипов, Чори Маталов, М. Абдуллаев, Ж. Мамедов, Ш. Толибов, А. Афандиев, Р. Сулаймонқулов, А. Сиддиқов, А. Ҳразаев ўртоқларнинг ва ушбу сатрларни ёзиб турган кишининг, жами йиғирмадан ортиқ докладлари киритилган. Бу докладларда рус тилидан тегишли миллий тилларга таржима қилиш принциплари, таржиманинг тил ва терминология масалалари, марксизм-ленинизм классиклари асарларини миллий тилларга таржима қилиш тажрибалари, дарсликлар ва болалар адабиётини таржима қилиш машаққати, физика-математика, тарих ва география дарсликларини таржима қилиш хусусиятлари ҳамда бошқа шу каби кўп проблемалар таҳлил қилинган.

Совет адабиётининг кўзга кўринган вакили, ажойиб таржимон, марҳум Мухтор Аvezов, йирик тилшунос олим Н. А. Баскаков, Қозоғистон Фанлар академиясининг академиги С. Кенесбоев ва бошқа кўпчилик илмий ходимлар, адиб-

²¹ «Материалы регионального совещания по переводу литературы с русского на языки народов Средней Азии, Казахстана и Азербайджана» (19—18 января 1958 года), Госиздат КазССР, Алма-Ата, 1960.

лар ва таржимонларнинг нутқлари рус тилидан туркий тилларга таржима қилиш тажрибасини умумлаштирувчилик хусусиятига эга. Хусусан, кенгашда яқдиллик билан қабул қилинган тавсияномалар жиддий аҳамият касб этган эди.

Фрунзе шаҳрида 1961 йил 6—7 декабрда Ўрта Осиё республикаларида бадий таржима масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Бу конференцияга озарбайжон, қozoқ, қирғиз, ўзбек ва туркман таржимонлари, уларнинг тожик ҳамкасабалари ҳамда Москва шаҳрида туркий тиллардан рус тилига таржима қилиш иши билан шуғулланувчи адиблар тўпландилар. Миллий республикаларда бадий таржима ишининг аҳволи ҳақида К. Маликов (Қирғизистон), Ж. Мамедов (Озарбайжон), Х. Аҳрорий (Тожикистон), К. Бердиев (Туркменистон), Н. Ивашев (Ўзбекистон) ва И. Жорилгапов (Қозоғистон) доклад қилдилар. Ўзбекистондан тўрт киши музокарада қатнашди.

1962 йил 13—15 мартда Тбилисида Закавказия республикаларида бадий таржима масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Ш. Абахидзе («Грузияда бадий таржиманинг аҳволи»), Г. Гаччиладзе («Грузияда таржима назарияси масалаларини ўрганиш»), А. Тадеосян («Арман прозаси таржимасида рўй бераётган асосий камчиликлар») ва Ж. Мамедов («Озарбайжонда бадий таржиманинг баъзи масалалари») доклад қилдилар.

1962 йил 11—13 январда Қозон шаҳрида РСФСР ёзувчилар Союзи правленияси томонидан Бутунроссия таржима кенгаши чақирилиб, унда Россия Федерациясининг барча ёзувчилар ташкилотларидан вакиллар қатнашди. С. Липкин «Бадий таржима масалаларини янгича ҳал қилиш сари» мавзуида доклад қилди. Кенгашда Татаристон, Қолмиғистон, Карелия, Мари АССР, Шимолий Осетия, Ёқутистон, Коми АССР, Тува, Удмурдистон, Доғистон, Кабардин-Болқория ҳамда Москва ва Ленинград вакиллари сўзга чиқдилар.

Бўлиб ўтган конференцияларда таржимон-адиблардан 650 киши қатнашиб, 137 киши сўзга чиққан²².

1966 йил 25 февраль — 3 март кунлари, Москвада бадий таржиманинг актуал проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ симпозиуми ўтди. Симиозиум ишларида мамлакатимизнинг ҳамма республикаларидан, Булғория, Чехословакия, Польша, Германия Демократик Республикаси, Югославиядан; АҚШ, Франция, Ғарбий Германия ва бошқа капиталистик давлатлардан таржимачилик ишларини бошқа-

²² Қаранг: Аг. Гатов, Споры по существу (К итогам межреспубликанских конференций). МП., 1963, стр. 332—333, 336, 345—348.

раётган жамоат арбоблари, таржима назарияси соҳасида ишлаётган кўзга кўринган олимлар, таржимонлар қатнашдилар. Шундай қилиб, бу йиғилиш гарчи Бутуниттифоқ таржима симпозиуми деб чақирилган бўлса-да, ҳақиқатда ўзининг аҳамияти ва қўлами жиҳатидан жаҳон таржимонлари ва таржимашунослари анжуманига айланиб кетди дейиш мумкин.

Симпозиумда СССР Ёзувчилар Союзи правлениясининг секретари Алексей Сурков доклад қилди. А. Дейч, М. Занд, А. Лейтес, С. Львов, В. Макушевич, Я. Рецкер, Вл. Россельс, С. Шервинский (Москва), А. В. Федоров, Е. Эткинд, В. Адмони ва Т. Сильман, И. Айзеншток, Б. Вахтин, А. Гербстман, М. Донской, Вяч. Иванов, Ю. Левин, С. Петров, В. Шор (Ленинград), Г. Гачечиладзе (Тбилиси), Ж. Мамедов, Б. Тоҳирбеков (Баку) ва бошқа кўпгина таниқли таржимашунос олимлар ўзларининг сермазмун докладлари билан қатнашдилар.

Симпозиум ишида Ўзбекистондан ўн киши иштирок этди. Булардан Ш. Шомуҳаммедов, Э. Азнаурова, Г. Фафурова, Ж. Шарипов, М. Расулий ва ушбу сатрларни ёзувчи киши Шарқ тилларидан рус ва ўзбек тилларига таржима қилиш хусусиятлари, бадиий таржиманинг баъзи услуб масалалари, таржимада давр колоритини акс эттириш, таржима тарихидан айрим лавҳалар, подстрочник проблемаси ҳамда рус тилидан туркий тилларга қилинган таржималарни қиёсий ўрганиш хусусида маъруза қилдилар.

* * *

Совет таржима мактабининг ажойиб хусусиятларидан бири шундаки, катта-кичиклигидан қатъий назар, ҳар бир халқни бошқа қардош халқлар маданияти билан мунтазам суратда таништириб бориш кўзда тутилади. Бунда, хусусан, илгари ўз миллий ёзувига эга бўлмаган ва ижтимоий тараққиётда бирмунча орқада қолган кичик миллатларнинг тилларига таржима қилиш ишларига тобора катта эътибор берилётганлиги қувонарлидир. Қўйидаги мисоллар ва рақамлар юқорида айтилган фикрни тасдиқлашга хизмат қилади.

1891 йилда «Туркистон вилоятининг газети» (19—20-сонлари)да «Рус тилини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида» номли мақола босилиб чиқди. Мақола автори Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси ҳеч қачон бирон бир фан эмас, ҳатто илмий терминлар ҳам яратмаган, бинобарин, *самовар*, *стол*, *лампа* каби оддий сўзлар ҳам уларга рус тилидан ўтиб ўзлашмоқда, деб даъво қилади.

Аввало, газетада илгари сурилган бу «илмий» даъволарни рад қилишга ҳеч бир эҳтиёж йўқ, зотан, Хоразмий, Форобий, Абу Али ибн Сино, Навоий, Улугбек каби Урта Осиё олимларининг асарлари жаҳон фани ва маданияти хазинасини бойитганлиги бутун дунёга маълум. Жумладан, машҳур ўзбек олими ал-Хоразмийнинг қандайдир бир мўъжиза билан ягона нуسخада юнон тилига қилинган таржимасида сақланиб қолган «Китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр ва-л-муқобала» номли асарида *ал-жабр* деб қўлланган термин математиканинг алгебра деб аталувчи катта бир соҳасига ном бўлиб қолган. Ал-Хоразмий ўзининг ўша трактатида биринчи бўлиб алгоритмлар тўғрисида тушунча берган ва математика фанига асос солган эди.

Хуллас, юқоридаги мақола автори, башарти ўзбеклардан ёки қирғизлардан бирон киши Европа олимларининг бирон асарини ўз тилларига таржима қилишни орзу қилиб қолса, шу ондаёқ ўз ниятидан қайтишга мажбур бўлади, зероки, Туркистон аҳолисининг тили қашшоқ ва уларнинг тилларида илмий терминлар йўқ, шу сабабдан бу тилларга таржима қилиш ҳам мумкин эмас, — деган хулосани чиқаради.

Асосий муддаога ўтишдан олдин бир қанча масалаларга аниқлик киритишга тўғри келади. Биринчидан, мақола автори мисол тариқасида келтирган учта сўзнинг биттаси — *лампа* сўзи асл русча ёки ҳатто славянча сўз ҳам бўлмай, рус тилига француз тилидан келиб кирган (*lampe*). Дунёда биронта тил йўқки, унда иккинчи бир тилдаги ҳамма сўзларнинг аниқ эквиваленти бўлсин. Ҳатто энг тараққий этган тилларда ҳам кам тараққий этган тилларда мавжуд бўлган баъзи сўзларнинг эквивалентини топиб бўлмайди. Шартли қилиб айтганда, бирон А тилда мавжуд бўлган баъзи сўзлар иккинчи бир Б тилда бўлмаслиги ва, аксинча, Б тилда мавжуд бўлган айрим сўзлар А тилда бўлмаслиги мумкин.

Иккинчидан, бир тилдаги айрим тушунчалар, лексик элементлар ва ҳатто грамматик категорияларнинг иккинчи тилда бўлмаслиги бир тилдан иккинчи тилга умуман таржима қилиб бўлмаслигини билдирмайди. Шартли қилиб айтганда, бирон А тилда мавжуд бўлган сўзларнинг иккинчи бир Б тилда аниқ эквиваленти бўлмаслиги ёки, аксинча, Б тилда мавжуд бўлган сўзларнинг А тилда аниқ эквиваленти бўлмаслиги—А тилдан Б тилга ва Б тилдан А тилга умуман таржима қилиб бўлмаслигини аниқламайди.

«Туркистон вилоятининг газети»да ўша мақола босилиб чиққандан чоракам бир аср вақт ўтгач «Правда Востока» газетасида яна бир мақола босилди. Бу Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Ғ. Мавлонов ва доцент И. Киссен-

нинг Олим Усмон ва Ренат Дониёровларнинг «Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати»га ёзилган тақризидир²³. Улар ўзбек тили луғат составининг янги терминлар билан бойиб бораётганлигини шундай кўрсатадилар: К. К. Юдахиннинг 1927 йилда нашр қилинган ўзбекча-русча луғатида жами 9000 та сўз бўлган. Олим Усмон ва Р. Дониёровларнинг луғатида эса фақат русча-интернационал ўзлаштирама сўзларнинг ўзигина қарийб 9000 сўзни ташкил этади. Академик Ғ. Мавлонов ва доцент И. Киссен бундан қуйидагича жуда тўғри хулоса чиқарадилар: «Ҳозирги ўзбек адабий тили шундай тараққиётга эришганки, унга ҳар қандай китобларни, ҳар қандай бадний асарларни, фаннинг ҳар қандай соҳасига доир ҳар бир илмий рисола истаган тилдан таржима қилиш мумкин ва таржима қилинмоқда...».

Урта Осиёдаги бошқа барча туркий тиллар тўғрисида ҳам худди шу сўзларни айтиш мумкин.

Бироқ Урта Осиё халқларининг тиллари қашшоқ, уларда илмий терминология ишланмаган, шунинг учун К. Маркснинг «Капитал» асарига ўхшаш салмоқдор китобларни бу тилларга таржима қилиб бўлмайди, деган сўзлар баъзан бизнинг давримизда ҳам эшитилиб қолади. Бундай умидсизлик кайфиятларининг қанчалик пучлигини шу билан исботлаш мумкинки, ҳозирги вақтда ўзбеклар ҳам, қозоқлар ҳам, туркманлар ҳам, қирғизлар ва бошқа халқлар ҳам «Капитал»ни ўз тилларига муваффақият билан таржима қилиб ўқимокдалар.

В. И. Ленин асарлари дунёдаги 108 тилга таржима қилинган. Капиталистик мамлакатларда 40 дан ортиқ тилда унинг китобларини ўқийдилар.

СССРда доҳийнинг асарлари 88 тилга таржима қилинган: шу жумладан, Совет Иттифоқидаги 62 тилга ва 26 хорижий тилга ўгирилган. Барча иттифоқчи республикаларда В. И. Ленин асарлари тўртинчи нашрининг 35 томи тўла таржима қилиниб, ҳозирги вақтда рус тилида кўшимча чиқарилган томларни ҳам таржима қилиб нашр этиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Кўп республикаларда бу томлар ҳам таржима қилиб бўлинган²⁴.

В. И. Ленин Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг фаолияти ҳақида қилган докладларидан бирида, қандай тараққиёт даражасида турганлигидан қатъий назар, анча

²³ Ғ. Мавлянов, И. Киссен, Крепнут интернациональные основы культуры, «Правда Востока», 26 января 1966 года.

²⁴ Қаранг: «Издание и распространение произведений В. И. Ленина» (Сборник статей и материалов), Госполитиздат, М., 1960, стр. 78, 161—164, 332—333, 340.

илғор мамлакатларнинг коммунистларига мўлжалланган коммунистик таълимотни ҳар бир халқнинг тилига таржима қилиш зарурлигини таъкидлаган эди²⁵.

В. И. Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш иши 1918 йилда бошланган. «Иштирокиюн» («Коммунист») номли биринчи ўзбек коммунистик газетасида унинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» номли иши босилган. Доҳийнинг ўзбек тилида нашр қилинган биринчи китоби унинг РКСМ III съездида сўзлаган нутқи асосида юзага келган «Ешлар ташкилотларининг вазифалари» асаридир.

1947—1953 йиллар давомида В. И. Ленин асарлари тўртинчи нашрининг 35 томи таржима қилиб босилди. Кейинги йилларда қўшимча беш том ҳам нашр қилинди. Урушдан кейинги йилларда унинг юзга яқин асари ўзбек тилида босилиб чиқди.

Туркман, қozoқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ тилларига ҳам В. И. Лениннинг деярли ҳамма йирик асарлари таржима қилинган.

В. И. Ленин асарларини ер юзининг ҳамма бурчакларида яшовчи халқлар ўз она тилларида ўқийдилар. ЮНЕСКО томонидан чиқариб туриладиган «Индекс трансляционум»да хабар берилишича, унинг асарлари 55 мамлакатда 24 минг нусхада босилган. Таржима адабиётида В. И. Ленин асарлари жаҳон бўйича биринчи ўринда туради. Биргина 1955 йилнинг ўзида турли мамлакатларда доҳийнинг 371 та асари таржима қилиб нашр этилган.

Дунёдаги кўпмиллатли мамлакатларда В. И. Ленин асарлари давлат тили ҳисобланган фақат бир тилгагина эмас, балки катта-кичик бир неча миллатларнинг тилларига таржима қилиб босилган. Масалан, Ҳиндистонда унинг китоблари инглиз, каннада, маратхи, малаялам, панжоби, тамили, телугу, ўрду, ҳинди, бенгал тилларида нашр қилинган.

В. И. Ленин таълимоти жаҳон халқларига қандай яшаш, қандай ишлаш ва қандай курашишнинг ажойиб намуналарини беради. Унинг сермазмун асарлари ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига доир гоят зарур маълумотларни беради. В. И. Ленин ўз асарларининг таржималари орқали жаҳон халқларига инқилобий руҳ, коммунистик тарбия, янги тушунча, юксак маданият олиб келади.

В. И. Ленин ижтимоий тараққиётда орқада қолган халқларни юксак тараққиёт даражасига кўтариш мумкин ва зарур эканлигини таълим беради. Унинг асарлари бундай

²⁵ Қаранг: В. И. Ленин, Сочинения, издание 4-е, стр. 141.

халқлар тилларига таржима қилинишининг ўзиёқ ана шу мақсадга эришиш йўлида қўйилган катта қадамдир.

«Халқлар турмаси» бўлган чор Россияси даврида бошқа кўпчилик халқлар қатори туркий халқлар ҳам «ёт қабила» ҳисобланар эди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг улуғ рус халқининг ёрдами билан ўз миллий озодлигини таъминлаган бу халқлар ҳозирги вақтда Совет Иттифоқидаги тенг ҳуқуқли бошқа қардош халқлар қатори мисли кўрилмаган иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётга эришдилар. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистон саноати тез суръатлар билан тараққий этиб бораётган, ривожланган қишлоқ хўжалигига эга бўлган ва юсак маданиятга эришган республикадир. Ҳиндистоннинг жамоат арбоби Сэт Тандон республикамиз ҳақида қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: «Совет ҳокимияти йилларида ўзбеклар элида қилинган девкор ишларни шунга ўхшаш бирон иш билан таққослаш амри маҳол, чунки ҳатто Аловуддиннинг «сеҳрли шамчироғи» ёрдамида ҳам бундай тараққиётга эришиш қийин. Социализм деган ажойиб ном билан аталувчи социал тузумгина бу ишнинг уддасидан чиқа олади»²⁶.

Ўзбекистон ҳозирги вақтда жаҳоннинг 71 мамлакатига саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти етказиб беради. Республика ҳозир дунёдаги 91 мамлакат билан маданий алоқа боғлаб турмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг Бош секретари ўртоқ Ш. Рашидов маънавий бойликларни айирбошлаш тобора жадаллашаётганлиги, миллий маданиятларнинг бир-бирларини ўзаро бойитиш ва уларнинг интернационал негизини мустаҳкамлаш жараёни кучайиб бораётганлигини айтар экан, бунда қардош адабиётлар ва санъатларнинг декадалари, ҳафталиклари, кинофестиваллар, театрларнинг гастроллари қатори бадиий адабиёт асарларининг миллий тилларга таржима қилиниши гоят катта аҳамиятга молик эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. «Социалистик миллатлар,— деб айтади ўртоқ Ш. Р. Рашидов,— ҳар бир миллатнинг ҳар томонлама равнақ топиши орқали яқинлашиб бормоқда. Социализм шароитида миллатларнинг равнақ топишига уларнинг яқинлашуви туфайли эришилади, яқинлашув эса, уларнинг равнақ топиши натижасида рўй беради. Бу — диалектик тарзда бир-бирига боғланган яхлит бир процесснинг икки томонидир. Бинобарин,

²⁶ КПСС XXIII съездида ўртоқ Ш. Рашидов нутқидан, «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1966 йил 1 апрель.

бу объектив процессни ҳисобга олиш, унга кенг имконият яратиб бериш, унга халақит берадиган нарсаларнинг ҳаммасини ўз вақтида бартараф этиш муҳимдир».

Ўзбекистонда бадий таржимачилик иши йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Масалан, 1962—1966 йиллар ичида қардош республикалар, социализм мамлакатлари адабиётлари ва жаҳон прогрессив ёзувчиларининг 372 та асари 7,6 миллион нусхада босилиб, улар 3946 нашриёт листини ташкил этади. Республикада бадий таржима ишларини координациялаш, таржима адабиётининг сифатини яхшилаш, таржимонларнинг малакасини ошириш, таржимонлар ўртасида тажриба алмашиш ишини тўғри йўлга қўйиш мақсадида 1966 йилда министрлик ва комитетларнинг масъул ходимлари, кўзга кўринган таржимонлар, йирик ёзувчилар ва таржима-шунослардан иборат республика Бадий таржима совети ташкил этилди. Бадий таржимачилик соҳасида бундай тадбирнинг амалга оширилиши Бутуниттифоқ аҳамиятига эга бўлган маданий воқеа бўлиб қолди²⁷.

Октябрь революциясидан олдин Ғарбий Европа адабиёти классикларининг монументал асарларини таржима қилиш у ёқда турсин, ўз миллий оригинал адабиётларини ривожлантиришда ҳам жиддий тўсқинликларга ва қийинчиликларга дучор бўлган озарбайжон, қозоқ, туркман, татар, қирғиз, ўзбек, қорақалпоқ ва бошқа кўп халқлар бугунги кунда В. Шекспир, И. Гёте, О. Бальзак, В. Гюго ҳамда рус адабиётининг буюк намояндалари А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, И. А. Крилов, И. С. Тургенев, Н. А. Некрасов, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, А. М. Горький, В. В. Маяковский, М. А. Шолохов ва бошқа қардош халқлар адабиётлари вакилларининг йирик асарларини ўз тилларида ўқимоқдалар.

Жаҳон ва рус адабиётининг ютуғи деб эътироф қилинган «Ҳамлет», «Отелло», «Қирол Лир», «Евгений Онегин», «Улик жонлар», «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Инсон тақдири» ва бошқа кўпгина асарлар деярли ҳамма туркий тилларга таржима қилинган.

Кейинги ўн беш йил ичида қирғиз тилига 2500 босма листдан иборат 300 асар таржима қилинди. 1947 йилдан то 1957 йилгача фақат Қирғизистон Давлат нашриётининг ўзи 1789 босма листдан иборат 187 бадий асарни 1 723 минг нусхада таржима қилиб босиб чиқарди. Туркменистонда Л. Н. Толстой асарларининг 14 томи, А. М. Горький асарларининг 16 томи, А. С. Пушкин асарларининг 3 томи, М. Ю. Лермонтов

²⁷ Қаранг: «Во имя дружбы братских культур», «Литературная газета», 20 января 1966 года.

асарларининг 2 томи нашр қилинди. 30 йил ичида (1925—1955) туркман тилига рус классик адабиётидан 161 асар, ҳозирги замон рус адабиётидан 253 асар қардош халқлар адабиётидан 44 асар ва хорижий давлатлар адабиётидан 92 асар таржима қилинган эди. Шу давр ичида туркман тилида Л. Н. Толстойнинг 24 асари, А. С. Пушкиндан — 21, А. П. Чеховдан — 18, Н. В. Гоголдан — 29, А. М. Горькийдан — 22, М. Ю. Лермонтовдан — 11, Н. А. Некрасовдан — 8 асар босилиб чиққан.

Озарбайжонда урушдан кейинги 9 йил ичида (1945—1954) 320 китоб таржима қилинган, булардан 227 таси рус адабиётидан, 55 таси чет эл адабиётидан ўчирилган эди. Урушдан кейинги даврда (1950 йилгача) бадий таржима адабиётининг умумий тиражи тўрт миллион нусхадан ошади.

Қозоқ китобхонлари жаҳон адабиёти намояндаларидан Шекспир, Шиллер, Бальзак, Гюго, Сервантес, Гейне, Тагор, Дефо, Мериме, Свифт ва рус адабиёти классикларидан А. С. Пушкин, И. А. Крилов, М. Ю. Лермонтов, А. С. Грибоедов, Н. В. Гоголь, В. Г. Белинский, И. С. Тургенев, И. А. Гончаров, Ф. М. Достоевский, А. Островский, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, В. Г. Короленко, Г. Успенский, Мамин-Сибиряк, рус совет адабиёти вакилларида А. М. Горький, В. В. Маяковский, А. Фадеев, А. Толстой, М. Шолохов, Н. Островский, А. Твардовский, В. Ажаев, Д. Фурманов, Тренев, Седих, Шторм, Сокогов, Макаренко, А. Гайдар, Павленко, Н. Прибой, К. Федин ҳамда қардош халқлар адабиётларидан Абдулла Тўқай, Олимжон Иброҳимов, Садриддин Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Берди Кербобоев, Т. Сидиқбеков, Ч. Айтматов, В. Лацис ва ҳозирги замон чет эл адабиёти ёзувчиларининг жуда кўп асарларини ўз она тилларида ўқимоқдалар²⁸.

Шундай қилиб, жаҳон адабиёти дурдоналари ёки Европа олимларининг асарларини Ўрта Осиё халқлари тилларига таржима қилиб бўладими ёки йўқми деган масала хусусида ҳеч қандай гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Эндиликда фақат жаҳон адабиёти классиклари, рус ва қардош халқлар адабиётининг намояндалари ҳамда ҳозирги хорижий прогрессив адабиёт вакиллариининг ижодларини мунтазам ва мукаммал суратда ўзлаштириб бориш, таржима адабиётининг сифатини

²⁸ Бу маълумотлар қуйидаги манбалардан олинди: Мухаммеджан Каратаев, Мироззрение и мастерство, Изд-во «Жазушы», Алма-Ата, 1965, стр. 108, 109; МРС, 218; Сәйділі Талжанов, Көркем аударма туралы, Қазақтың мамлекеттін көркем әдебиет баспасы, Алматы, 1962, 17-бет.

ошириш ҳамда барча таржималарни чинакам адекват таржима даражасига кўтариш йўлида кўрилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақидагина гапириш мумкин.

Урта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон республикаларида бадий таржима проблемаларини тадқиқ қилган таржимашунослардан М. Қоратоев, С. Толжонов, М. Жанғалин, Қ. Шарипов, Қ. Соғиндиқов, Е. Ландау (Қозоғистон), Ж. Азимов, Б. Тоҳирбеков, М. Пошшоева, Ж. Мамедов, С. Маликов (Озарбайжон), А. Жақсибоев (Қорақалпоғистон), А. Аннатуров (Туркменистон), М. Абдуллаев (Қирғизистон), Асқад Мухтор, Э. С. Азнаурова, Ж. Шарипов, А. Ҳожиаҳмедов, М. Расулий, Ю. Пўлатов, Н. Владимирова, С. Саломова (Ўзбекистон) ва бошқаларнинг номларини илмий жамоатчилик яхши билади.

СССРда ҳинд-европа, иберия-кавказ, фин-угор, мўғул, туркий ва бошқа тилларда сўзлашувчи 230,5 миллион киши яшар, шундан 60 миллат ва элат ўз ёзувига эга экан, уларнинг тилларига жуда кўп асар таржима қилинади. Шу жумладан, туркий тилларда яратилаётган ғоят катта таржима адабиёти Бутуниттифоқ реалистик таржима мактабида ўзига муносиб салмоқдор ўрин эгаллайди.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНING
ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЕНИ**

Совет даври таржима тарихининг биринчи саҳифалари Ушбу бобда совет даври бадий таржимачилиги тарихи ҳақида, қўлимизда мавжуд материаллар даражасида, фикр ва мулоҳазаларимизни баён қилар эканмиз, табиийки, буни мукамал тарих деб даъво қилиб бўлмайди. Чунки ҳозирги вақтда жуда зарур бўлиб турган бундай тарих яратиш мустақил, салмоқдор илмий иш учун мавзу бўлиши билан бирга, махсус тадқиқотни талаб қилади.

Шунга қарамай, айрим илмий ходимлар томонидан совет даври таржима тарихини бузиб кўрсатиш ёки таржима тарихининг ёрқин саҳифаларини кўрмасликка интилиш майли сезилганлиги сабабли (буни бобнинг кейинги сатрларида қайд этамиз), ана шу жиддий камчиликка бир қадар барҳам бериш ниятида ишга ушбу мавзунини киритиш лозим топилди.

Филология фанлари кандидати Ж. Шарипов ва М. Расулийларнинг асарларида¹, Ю. Пўлатовнинг шу мавзуга бағишланган махсус мақоласида² ҳамда Ҳ. Авлонованинг ишларида³ совет даврида, хусусан 30-йилларда қилинган таржималар обзор тариқасида ёритилган. Агар бу маълумотлар бир жойга тўпланиб, яхлит бир шаклга келтирилса, таржима тарихидан

¹ Жуманиёз Шарипов, Русчадан ўзбекчага шеърин таржиманинг баъзи масалалари, ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1959, 45—71-бетлар; М. Расулий, Владимир Маяковский асарлари ўзбек тилида, ЎзССР ФАН нашриёти, Тошкент, 1961, 19—27-бетлар.

² Ю. Пўлатов, Совет Ўзбекистониде таржима илми тарихидан, «Труды СамГУ им. Алишера Навои», новая серия, вып. 115, Изд-во СамГУ, Самарканд, 1961, стр. 163—175.

³ Ҳ. Авлонова, Горький асарлари ўзбек тилида, «Таржима санъати» (Мақолалар тўплами), Ўзадабийнашр, Тошкент, 1961, 39—53-бетлар.

бир манзара ҳосил бўлиши мумкин. Бироқ таржима назариясига доир бир қанча жуда муҳим китоб ва мақолалар уларда ўз аксини топмаган. Биз тўплаган янги маълумотлар, эҳтимол, таржима тарихи географиясида аниқланмай бўш қолиб келаётган айрим ўринларни маълум даражада тўлдирар, деган умиддамиз.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин Туркистон ўлкасида араб, форс, ҳинд ва рус тилларидан қилинган таржималар салмоғи умумий бадий маҳсулотнинг ярмидан ортиғини ташкил этар эди. Бадий тафаккур хазинасининг ажойиб намуналари бўлган бир талай китоблар: «Минг бир кеча», «Қалила ва Димна», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Қайковус бин Вашмгирнинг «Қобуснома», Шайх Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин», «Маҳзан ул-асрор» номли асарлари, А. С. Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ» номли назм билан ёзган қиссаси ва бир қанча шеърий асарлари, И. А. Кривов ва Л. Н. Толстойнинг ўнлаб масаллари ўзбек тилига ўғирилган эди.

Бироқ фақат Октябрь революциясидан кейингина ўзбек халқи жаҳон адабиётининг йирик намуналари билан мунтазам суратда танишиб бориш имконига эга бўлди.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги дастлабки йиллардаёқ таржима ишларига жуда катта эҳтиёж туғилди. Чунинчи, Совет ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсатини маҳаллий аҳолига унинг ўз она тилида тушунтириш керак эди. Шу сабабли, бир томондан, маҳаллий совет ташкилотларида ишловчи кишилар ўртасида ўзбек тилини ўрганиш иштиёқи кучайиб кетган бўлса, иккинчи томондан, таржима ишларига фсят катта эътибор қилина бошлади.

Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг «Известия» газетасида ўзбек тилини ўрганиш ва рус тилидан маҳаллий халқлар тилларига таржима қилиш иши ниҳоят даражада қатъиятлик билан амалга ошира бошлаганлиги ҳақида бир қанча маълумотлар берилган.

Газетанинг 1919 йил 7 декабрь сонисида хабар қилинишича, ўша даврда Туркистон республикасида рус ва ўзбек тиллари давлат тили ҳисоблангани туфайли барча расмий ҳужжатлар ана шу икки тилда олиб борилган. Натижада маҳаллий совет ташкилотларида таржимонларга талаб жуда ҳам ошиб кетган. Шу сабабли Ички ишлар министрлигининг ташаббуси билан Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг Президиуми Маданият ва маориф советига ўлкадаги ҳамма таржимонларни рўйхатдан ўтказиб, уларни ҳисобга олиш вазифасини топширган.

Ўша газетанинг 1920 йил 1 апрель сонидан Шарқ институти қошида Маориф Комиссарлиги томонидан ўзбекчадан рус тилига ўгирувчи тажрибали таржимонлар тайёрлаш бир йиллик курси ташкил этилганлиги хабар қилинади. Шу билан бирга, Шарқ институти ҳузурида Туркфронт революцион ҳарбий советининг сиёсий ходимлари учун ўзбек ва форс тилларидан таҳсил берувчи олти ойлик курс очилганлиги айтилади. Курсантларга грамматика назарияси ўқитилган. Бир неча группаларга бўлинган тингловчилар эрталаб ва тушда машғулот билан банд бўлганлар.

Бундан кўрамызки, Совет ҳокимияти янги тузилган энг оғир йилларда ҳам маҳаллий аҳоли билан унинг ўз она тилида муносабатда бўлиш ишига катта эътибор берилган.

Газетанинг ўша йил 25 ноябрь сонидан Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советида совет ҳокимияти чиқарган декрет, қарор ва буйруқларни ўзбек, қирғиз ва туркман тилларига таржима қилувчи турк бўлим (Таржимонлар институти) ташкил этилганлиги хабар қилинади.

«Известия» газетасининг 1921 йил 8 май сонидан ҳар бир вилоят ижроня комитети ва бошқарма бўлимлари ҳузурида Таржимонлар бюросининг ташкил этилиши ва қишлоқ ҳамда овул советлари билан бўладиган муомалалар ҳаммаси фақатгина маҳаллий халқларнинг тилларида олиб борилиши зарурлиги ўқтириб ўтилади.

Ниҳоят, шу газетанинг 1924 йил 18 июнь сонидан таржима ишида ниҳоятда эҳтиёт бўлиб иш кўриш лозимлиги хусусида махсус мақола босилиб чиқади. Унда кўрсатилишича, деярли барча давлат муассасалари ва идоралари қарор, буйруқ, брошюра ва бошқа расмий ҳужжатларни маҳаллий тилларга таржима қилишга мажбур бўладилар. Кўп ҳолларда таржима ишлари маҳаллий тилларни чала-чулпа биладиган, ҳатто чаласавод кишиларга топширилади. Шу сабабли кўп брошюра, китоб ва бошқалар ўзбек тилига саводсизларча ўгирилиши оқибатида уларни ўқиб тушуниб бўлмайдиган даражага келганлиги ҳақида шикоятлар кўпайиб кетган.

Шу муносабат билан «Туркистон» газетасида келтирилган бир мисол диққатга лойиқдир. Қасаба ташкилотларидан бири ўзбек тилида «Жойларда совет ташкилотларининг тузилиши» номли брошюра нашр эттирган. Ана шу брошюрада *горсовет* (шаҳар совети) сўзи «горный совет» деб талқин қилиниб, «тоғ совети» деб таржима қилинган!

«Известия» газетасида таржимачилик ишларида йўл қўйилаётган бундай жиддий нуқсонларга маҳаллий партия ташкилотлари ҳам бармоқ орасидан қараётганликлари қаттиқ танқид қилиниб, малакали кучларни ўз сафида жипслаш-

тирган Таржимонлар бюроси тузиш билангина бу хато-камчиликларга барҳам бериш мумкинлиги алоҳида қайд этилади⁴.

Дарҳақиқат, бу даврларда маҳаллий кишилар орасида рус ва ўзбек тилларини мукамал биладиган таржимонлар ниҳоят даражада кам эди. Ҳатто 30-йилларнинг бошларида ҳам таржима ишига фақат даромад манбаи деб қараш, хўжаликнинг бошқа соҳаларида ишга ярамаган ёки урилиб-сурилиб четга чиқиб қолган кишиларнинг ўзларини таржима даргоҳига уриш ҳоллари учраб турар эди.

Бу жиҳатдан Акрам Қодирийнинг 1931 йилда босилиб чиққан «Таржимон»⁵ номли бир пардали кулги асари диққатга сазовордир.

«Таржимон» асари, ғоявий мазмуни саёз ва бадий хусусиятлари заиф бўлишига қарамай, 30-йиллар бошида таржимачилик ишининг аҳволини тасвирлаганлиги жиҳатидан диққатни жалб қилади.

Ўшбу кулки асарида қатнашувчиларнинг номлари ҳам ғалати: мулла Миргаранг, Башара, Лўппихон, Эҳсомхон, Хуржунбой, Енгилбой, Тажангул, Галдир ва ҳоказо.

Миргаранг илгари бадавлат ўтган бир киши. Аммо у Совет давлати идораларидан «муносиб» бирон иш тополмайди, чунки ўзи ғирт саводсиз. Пастроқ ишларда хизмат қилишни эса ўзига «эп» кўрмайди.

Мулла Миргаранг аввал ўзини врач деб эълон қилади, аммо беморларга таваккалига дори тайин қилиб ичириш натижасида бир нечта киши ҳалок бўлади. Шундан сўнг ўзини таржимон деб эълон қилади. Аммо рус тилини мутлақо билмаганидан кишиларнинг аризаларини бутунлай бузиб «таржима» қилади.

Мулла Миргаранг ўзини шундай «таъриф-тавсиф» этади: «Ўзим алифни таёқ дийману, муаллимлик ҳам қилдим, тўрт кунда сирим очилиб қолиб, у ердан ҳам чиқдим...»; «Ёр-ошнанинг маслаҳати билан артистлик ҳам мандан қочиб қутулмади...»; «Ахир хат-савод бўлмагани учун муаллимликдан ҳам «долой» бўлдиқ» (8-бет).

Мулла Миргаранг «таржима» қилиб берган бир ариза ва бир афишага эътибор қилинг:

Хотини бир ярим ойдан бери ҳомиласи оғирлашиб қолгани туфайли, Енгил ишга боролмаган. Натижада унинг тирикчилиги оғирлашиб қолган. Шунинг учун у ўз иш жойи —

⁴ Газета «Известия» Турк ЦИКа, № 22, 7 декабря 1919 года, стр. 3; № 72 (114), 1 апреля 1920 года, стр. 2; № 269, 25 декабря 1920 года, стр. 2; № 99, 8 мая 1921 года, стр. 1; № 133 (410), 18 июня 1924 года, стр. 27.

⁵ Акрам Қодирий, Таржиман (бир пәрдаһи кылки), Ознашр, Тошкент, 1931.

темир йўл бошқармасига ариза ёзиб, моддий ёрдам сўрамоқчи.

Аммо аризани кимнинг номига ёзишни билмайдилар. Гаранг аризани милиция бошлиғи номига ёзиш керак деса, Башара дорихоналар бош бошқармасига ёзиш керак, деб тушунтиради. Ниҳоят, Енгилнинг вокзалда юк ташувчи бўлиб ишлаши аниқлангач, аризани... „baş paxtagomqaja“ („бош пахтақўмға,) йўллайдилар: „Glavni baş paxtagomqaja Maia çilizni daraga jyk taskajt. Abin palavin luna boldi Xatinim yjda pitir-pitir delajt. Sunşa denga dajot“ [„Главни бош пахтақўмға. Мая жилизни дарўға юк таскайт. Адин половина луна бўлади. Хотиним уйда питир-питир дейайт. Шунга денга дайўт.“]

Сўнгра Тажанг деган киши мулла Гаранг ҳузурига келиб, яқинда қўйиладиган кинонинг номини русчадан ўзбекчага ағдариб беришни илтимос қилади. Энди мулла Гарангнинг „таржима“сига эътибор қилинг: „Badapskij vor „J'ni „Bagdad ham bar, deqani bolsa kerak. „vaglavnaj rol „Ja'ni“ aptamabilini rolini burab turadirolan adam daganl Miravoj baj avik „lani“ Miras balvatcas“] „Багдадский вор“, яъни „Бағдод ҳам бор“, дегани бўлса керак. „Ва главной роли“, яъни „аптамабилини рўлини бураб турадигон одам“ дегани. Миравуй баявик, яъни „Мерос бойватчаси.“] (22-бет).

Қўрамизки, мулла Гаранг ғирт саводсиз бир киши. У ҳатто ой сўзини ҳам унинг тамом бошқа омоними билан алмаштириб, «бир ярим ой» бирикмасини «один половина луна» деб «ағдаради». Рус тилидан ўзбекчага таржима қилишга ҳам у нўноқ. Чунончи, «Багдадский вор» (Бағдод ўғриси) фильмининг номини тамомила тескари маъно берган ҳолда «Бағдод ҳам бор» деб «таржима» қилади!

Еппасига саводсизлик ва тубан маданий савия чоризмнинг «бегона» халқларга нисбатан олиб борган миллатчилик сиёсати ва маҳаллий хонликларда ҳукм сурган жаҳолат мероси эди. Шунинг учун совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ саводсизликни тугатиш ва умумий маданий савияни кўтариш юзасидан жиддий чоралар кўрила бошланди.

Ўзбекистон партия ташкилоти Марказий комитетининг биринчи секретари Акмал Икромовнинг Ўзкомпартия Марказкомининг 1932 йилда бўлиб ўтган бешинчи пленумида сўзлаган нутқида кўрсатилишича, инқилобдан бурун Ўзбекистонда олий маълумотли биттагина ўзбек, «у ҳам Норбўтабеков бўлса», 1932 йилга келиб ўзбеклар орасидан миңларча олий маълумотли кишилар етишиб чиққан. Уша вақтларда ўзбек, тожик ва бошқалардан 50 га яқин профессор ва доцентлар тарбияланиб етишганлар.

Албатта, бу рақамни ҳозир олий ўқув юртлири ва илмий текшириш муассасаларимизда ишлаётган профессор ва доцентлар сони билан таққослаб ҳам бўлмайди (фақат Ўзбекистонда ҳозир ишлаб турган 200 дан ортиқ фан доктори ва 2000 дан ошиб кетган фан кандидатининг 500 дан кўпроғи ўзбекдир). Аммо юқоридаги фактнинг ўзиёқ ўша даврга нисбатан кўтарилиб келаётган буюк маданий инқилобдан далолат берувчи катта кўрсаткич эди.

Тараққийпарвар ўзбек зиёлилари халқимизни илғор рус адабиёти намуналари билан таништиришда катта куч ва ғайрат сарфладилар. Бу ишда ўзбек ёзувчи ва шоирларидан Чўлпон, С. Валиев, Абдулла Қодирий, Роиқ, Санжар Сиддиқ, Исмойил Обид, Элбек, Аъзам Айюб, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Мирзакалон Исмоилий, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Ғ. Абдулла, М. Раҳмон ва бошқаларнинг хизмати жуда катта.

В. Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси ўзбек тилига таржима қилиниб, академик драма театримизнинг тузилганига 15 йил тўлиши муносабати билан саҳнада зўр муваффақият билан ижро этилган эди. Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедияси 1924—26 йиллардаёқ ўзбек театрлари саҳналарида қўйилиб юрар эди. Унинг «Уйланиш» асари ҳам 1925—27 йилларда таржима қилиниб, саҳналаштирилган эди.

А. С. Пушкиннинг «Дубровский» повестини 1930 йилда Исмойил Обид ўзбек тилига таржима қилди. 1931 йилда «Бекат назоратчиси» ҳикояси Остон таржимасида босилиб, 1937 йилда худди шу ҳикояни Иззат Султон ўзбек тилига қайта ўгирди. «Капитан қизи» повестини 1933 йилда Зуфар Муҳаммадиев, 1939 йилда эса Абдулла Қаҳҳор таржима қилдилар.

М. Ю. Лермонтовнинг «Бэла» асари 1931 йилда шоир Ҳамид Олимжон томонидан ағдарилиб, 1937, 1940 йилларда қайта ишланиб нашр этилди (1944 йилда бу асар Мирзакалон Исмоилий таржимасида ва 1951 йилда таржимони кўрсатилмаган ҳолда босилиб чиқди).

1931 йилда Н. В. Гоголнинг «Шинель» ҳикоясини Чўлпон ўзбек тилига таржима қилиб, 1936 йилда у ўзбек тилида қайта нашр қилинди. «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмуш низолар ҳикояти» повести 1931 йилда Чўлпон томонидан ўзбек тилига ағдарилди ва бу таржима бир қанча ўзгаришлар билан 1936 йилда қайта нашр қилинди (шу повесть бир йилнинг ичида (1952) Ўздавнашр ҳамда «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриёти томонидан таржимоннинг номи кўрсатилмаган ҳолда ўзбек тилида нашр этилди). 1933 йилда Л. Н. Толстойнинг «Тирилиш» романини Мирзакалон Исмоилий ўзбек тилига биринчи

марта таржима қилди (бу асар 1960 йилда Х. Аҳророва таржимасида босилиб чиқди).

1935 йилда Н. А. Некрасовнинг «Сайланма асарлари» ўзбек тилига ағдарилди. Шу йили татар ёзувчиси Қави Нажмий ҳижолилари Ҳасан Пулат таржимасида босилди.

Булардан ташқари, рус совет ёзувчиларидан А. М. Горькийнинг «Она» романини дастлаб Чўлпон 1933 йилда, сўнгра шу йили Абдулла Қаҳҳор «Менинг дорилфунунларим» асарини ўзбекчага ўғирди. Уша йилларда унинг «Болалик» («Роққ таржимаси»), «Лочин қуши қўшиғи» (Насрулла таржимаси), «Мен ёзишни қандай ўргандим» (Ғ. Абдулла таржимаси) каби асарлари ўзбек тилига таржима қилинди.

Ҳ. Авлонова маълумотларига қараганда, Ойбек М. Горькийнинг «Лочин қуши қўшиғи»⁶ни 1926 йилдаёқ таржима қилган бўлиб, 1927 йилда М. Қалон «Хон ва хонзода» асарини ўзбек китобхонларига тақдим қилган. Ёзувчининг «Қизиқликлар» асари ҳам шу йили босилиб чиққан. 1928 йилга келиб «Илгаклар» асари ўзбек тилига таржима қилинган⁷.

30-йилларда В. В. Маяковскийнинг ҳам бир талай асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. М. Расулийнинг кўрса-тишича, Самарқандда чиқиб турган «Аланга» журналида шoir Олтой таржимасида босилган «Товушнинг борича» поэмаси (1930 йил апрель, 4-сон) В. В. Маяковскийнинг ўзбек тилига ўғирилган биринчи таржималаридан ҳисобланади (М. Расулийнинг «Владимир Маяковский асарлари ўзбек тилида» номили китобининг 31-бетига қаранг).

1932 йилда Шукур Саъдулла таржимасида В. В. Маяковскийнинг бир нечта марш ва шеърлари, «Совет адабиёти» журналининг 1935 йил апрель сонидида М. Даврон таржимасида «Ёшликнинг сирини» ва «Қайтиш» сарлавҳали шеърлари босилади.

Таржимон Роққ М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романини 1932 йилда ўзбек тилига ағдарган эди.

1920—30 йилларда, булардан ташқари, чет эл адабиётидан, рус классик ва совет адабиётидан яна кўпгина асарлар ўзбек тилига таржима қилинган эди.

Бундан кўраминики, таржимонлар етишмай турган энг оғир йилларда ҳам халқимизни жаҳон ва рус адабиёти асарлари билан таништиришда ўз даврига нисбатан ғоят кенг қўламда катта иш олиб борилган. Албатта, қилинган таржималарнинг сифати ўз даврининг талаби ва китобхон савиясига мос эди. Аммо бунда ҳам барча таржимонларга бир хил ўлчов

⁶⁻⁷ «Ер юзи» журналининг 1926 йил, 16- ва 1927 йил, 21-сонларига ҳамда «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 1927 йил, 7—8-ва 1928 йил, 5—6-сонларига қаранг («Таржима санъати» мақолалар тўпламининг 39-бетига ҳавола қиламиз).

билан баҳо бериб бўлмайди. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир ва бошқа ўзбек ёзувчиларининг таржималари бўлак таржималарга қараганда бир даража устун турар эди.

Таржима қилиш учун биринчи навбатда ўша даврнинг талаби ва руҳига мос асарларни танлашга ҳаракат қилинар эди. Масалан, 1932 йилда М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» асари таржима қилиниши шу романнинг, умуман, совет адабиётидаги энг яхши асарлардан бири эканлигидан ташқари, унда тасвирланган воқеалар ўша давр учун долзарб эканлиги билан ҳам изоҳланарди. Чунончи, Ўзкомпартия Марказкомининг биринчи секретари Акмал Икромовнинг қайд этишича, агар М. А. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романи таржима қилинса, бу романда тасвирланган жойларнинг ўрнига Фарғона ёки Бухоронинг ҳар қандай районини қўйсангиз, бизда 1930—1931 йилларда бўлиб ўтган воқеаларнинг худди ўзгинасини кўриш мумкин⁸.

Дарҳақиқат, «Очилган қўриқ» романида тасвирланган кэзакларнинг ўзига хос турмуш тахлити, тили ва урф-одатларидан қатъи назар, жой, вақт, даврнинг хусусияти ва иқтисодий-сиёсий ҳаётда бўлаётган воқеаларнинг мазмуни жиҳатдан асар ўзбек халқига жуда тушунарли бўлар эди.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг орадан бир неча ўн йиллар ўтгандан кейин яратилган, коллективлаштириш даври воқеаларининг бадий тасвирига бағишланган ажойиб «Қўшчинор чироқлари» романи М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романи билан чоғиштирилса, бу икки асар ўртасида жуда катта ички яқинлик борлиги кўзга яққол ташланади. Чунки бу романларда тасвирланган воқеаларнинг ижтимоий мазмуни, кишиларнинг психологияси, хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатларида ўхшашлик мавжуд ва бу табиий бир ҳолдир.

20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида умумий бадий ижод соҳасида бир қанча оғмачилик ҳоллари ҳам рўй берган эди. Чунончи, сентиментализм, мавҳум ишқий романтизмга қарши кураш жараёнида бошқа хил хатога йўл қўйилган ҳамда адабиётни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш шиори остида бадий шира ва эстетик таъсир кучидан маҳрум бўлган, ясама сюжет асосида ёзилган хом-хатала асарлар пайдо бўлган эди.

Акмал Икромовнинг кўрсатишича, ўша вақтларда бир театр ходимлари икки соат ичида катта пьеса ёзиб, уни бир ярим соат ичида сахналаштирганлар ва бу «асар»га «Пахта экини тўғ-

⁸ А. Икромов, Сан'ат ва адабиёт тоғрисида, Иккинчи наъри, Озпарташ, Тошкент, 1935, 43—44-бетлар (Ўзбекистон Совет жазучиларининг биринчи қурultajidaқи нутқ).

рисиди Ўзбекистон марказқўмига рапорт» деб ном берганлар. Бошдан-оёқ тутуруқсиз ва хом гаплар билан тўла бу асар саҳнада кўрсатилганида томошабинлар ўзларини худди «жаноза устида ўлтурғондай»⁹ ҳис қилганлар.

Шоир ва таржимон Роиқ қуйидаги оддий мисраларнинг муаллифи бўлганлиги учун ўша даврда «сентиментализм»га берилишда айбланган:

«Тонгнинг юмшоқ шабадалари. Улар билан ўйнашадир, Ипак сочларни юзга тарқатадир».

Қандайдир бир танқидчи ана шу мисралар тўғрисида ёзган: «Албатта бундай ўхшатишлар пролетариат шоирларининг ўхшатишлари эмасдир,... булар ортиқча сентименталлашган, табиатни юзаки тасвирлайдир».

Акмал Икромов бу сўзларни айтган кишига нисбатан пичинг оҳангида дейди: «Афтидан, [танқидчининг фикрича] хотин сочини трактор занжирларига ўхшатиш керак. Шунда бу тўғри бўлиб чиқади» (29-бет).

Санъат асарларининг мазмуни ва ғоясига сохта баҳо бериш натижасида баъзан таржима асарлари ҳам жиддий «тафтиш»дан ўтказилар эди. Масалан, ўзбек тилида чиқарилган бир дарсликда И. А. Криловнинг «Олақарға ҳам тулки» масали асосида бир расм берилган. Бу расмда олақарғаниннг оғзидан қуртни алдаб олаётган тулки тасвирланган. Бунга аллақачонлардаги бўлмағур талқин ва шубҳалар билан ёндашиш оқибатида ғоят фойдали бўлган бир китоб ман қилинган.

Бундан ташқари, Олтой А. П. Чехов ҳикояларида «худо», «руҳ» деган сўзлар бор, шу сабабли улар йўқсул ва деҳқонларнинг мафқурасига мутлақо тўғри келмайди, деган баҳоналар билан ёзувчининг ажойиб асарларини таржима қилиб босишга қарши чиққан (31, 33-бетлар).

Айрим шоир ва ёзувчиларнинг илмий савияси пастлиги уларнинг рус тилини яхши билмасликларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Давлат нашриёти шоир Жиғойнинг шеърлар тўпламини босиб чиқарган. Шу тўплагма кирган «Куннинг қўшиғи» шеърда шоир мана бундай деб ёзган: «Муштумзўрнинг устига маҳкам X (икс) чизамиз».

— Мен бу нима экан деб ўйладим,— ҳикоя қилади Акмал Икромов.— Нима учун «маҳкам икс» чизиш керак экан?

⁹ А I k r a m o f. O z b e k i s t a n d a m a d a n i j q u r u e a s n i n a s a s m a s a l a h a t i O k o m p a r t i j a m a r a k a z l o m b n ы n 5- n c i p l e n u m ы d a o r t a q I k r a m o f n ы n, d a q- l a d ы d a n), Q r S S C D a v l a t n a s r i j a t ы, T a s k e n t, 1932 j ы l, 22- b e t.

Охири тушундим. У нима учун «икс» чизмоқчи экан денг? У қаердадир, рус адабиётида «унинг устига крест қўйиш керак» (поставить крест) деган ибора борлигини эшитган ёки кўрган. Бу ибора шу иш ёки одамнинг ўлик эканини, ярамаслигини англатади. Аммо Жигой бўлса уни икс деб тушунибди... У икс ҳарфининг шаклини крестдан фарқ қила олмапти. Афтидан, бу ўртоқ математикада икс билан учрашмаган бўлса керак ва шу сабабли икс — номаълум нарсанинг ишорати эканлигини билмаган.

Кундан-кунга кенгайиб, чинакам санъат даражасига кўтарилиб бораётган катта таржимачилик ҳаракати ҳамда бир қанча таржимонларнинг тилни мукамал билмаслиги ёки маҳорати етишмаслиги туфайли йўл қўйилётган ҳар хил «номаълум икс»лар таржима асарларини пухта текшириш, танқидий ишлар савиясини яхшилаш, назарий ишлар кўламини кенгайтириш вазифасини кун тартибига киритди.

Таржима назарияси яратишда дастлабки қадамлар. Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима санъати» асари

Таржима назариясига доир ишлар 1935 йилдан бошлаб юзага чиқа бошлади. Булар: С. Ҳусайн¹⁰, М. Салье¹¹, М. Даврон¹², С. Е. Паластров¹³, Маннон Роиқ¹⁴ларнинг мақола ва китобчаларидир.

Номлари қайд қилинган бу ишларнинг ҳаммаси аллақачонлар топилиши жуда қийин бўлган нодир нусхага айланиб, айримлари йўқ бўлиб кетган ҳисоб. Булар орасида биз С. Ҳусайн ва С. Е. Паластровнинг баъзи ишлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

С. Ҳусайннинг «Гоголнинг «Уйланиш» асари ўзбек саҳнасида» номли мақоласи ана шу комедиянинг ўзбекча таржимасини таҳлил қилиб берган бирдан-бир ишдир. Биз фақат шу

¹⁰ С. Ҳусайн, Гоголнинг «Уйланиш» асари ўзбек саҳнасида. «Совет адабиёти», 1935, 11—12-сонлар, 95—98-бетлар; Руставели таржимаси ҳақида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1938, 4-сон, 74—78-бетлар; С. Ҳусайн, «Гамлет» в переводе Чулпана, «Литературный Узбекистан», 1936, № 1.

¹¹ М. Салье, О художественном переводе, «Литературный Узбекистан», 1936, кн. 4; О художественном переводе (статья первая и вторая), «Литература и искусство Узбекистана», 1939, кн. 3 и 5.

¹² М. Даврон, Пушкин ўзбек тилида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1939, 4-сон; «В. Маяковский асарларининг биздаги таржимаси», «Гулистон», 1940, 11—12-сонлар.

¹³ С. Е. Паластров, Вадий асарлар таржимасининг сифати учун, Тошкент, 1935; «Литературный Узбекистан» журналидаги таржимонлар ҳақида (Шу журналнинг 1—3-сонларида босилган таржималар асосида), «Еш ленинчи» газетаси, 1935 йил 28—30 декабрь.

¹⁴ Маннон Роиқ, Нафис адабиётни таржима қилиш ҳақида тажриба, Ўздавнашр, Тошкент — Боку, 1932.

мақола ва унда мисол тариқасида келтирилган айрим парчалар орқалигина «Уйланиш» комедиясининг ҳозир йўқолиб кетган Абдулла Қодирий таржимаси билан танишиш имкониятига муяссар бўламиз.

Авторнинг кўрсатишича, 1925—27 йилларда ўзбек тилига номаълум таржимонлар томонидан ағдарилган таржималари асосида саҳналаштирилган «Уйланиш» гарчи томошабинларни қаттиқ кулдиrsa ҳам, аммо асарнинг ёзилган даври ва муаллифи Н. В. Гоголь эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Ҳар хил таржимонлар томонидан қўшиб-чатиб ясалган бу «Уйланиш»ларда роль ижро этган актёрлар томошабинларни кулдириш учун унга ўз ҳисобларидан ҳам бир қанча қилиқ ва ҳаракатлар қўшганлар.

Ўзбек халқи Н. В. Гоголнинг ҳақиқий «Уйланиш» комедияси билан фақат Абдулла Қодирий таржимаси орқалигина танишишга муваффақ бўлди.

С. Ҳусайн таржимага жуда тўғри талаб қўйган. Асардаги ҳар бир сўз унда тасвирланган ҳар қайси образ ва персонажни унинг ким, қандай одам ва қайси тоифага мансублигини кўрсатувчи бир ойнадир. Агар шу ойна Н. В. Гоголь берганича тилимизга кўчирилмас экан, ўзбек томошабини ёки ўқувчиси кучли маҳорат билан тасвирланган типларни хира ёки кингир кўзгуда кўради.

Мақола авторининг қайд этишича, ушбу таржимада Абдулла Қодирий ўзининг сўз устаси эканлигини яна бир марта кўрсатган. Унда сўзлар ихчам, узун жумлалар йўқ, саҳнадан туриб сўзлашга жуда қулай, актёрлар учун табиий, содда бўлиб, ҳажвий қиёфаларга кириш учун катта имконият яратади.

С. Ҳусайн комедия таржимасидаги баъзи нуқсонларни ҳам қайд этади. Чунончи, таржимада Гоголнинг Жевакини ўзички пучлигини йўқотиб, Қодирийнинг «Жевакини»га айланган.

Айрим сўзлар ва иборалар таржимасида ҳам муҳмаллик ва чатоқликлар бор.

Асардаги қаҳрамонлар ёзувчи томонидан жуда мукамал ишланган, улар «биздан одамлар кулсин» деб гапирадиган масхарабоз ёки аскиячилар эмас. Бу қаҳрамонлар, ҳар қандай бемаъни иш қилганларида ҳам, ўзларини жуда жиддий ишлар билан шуғулланаётган кишилар деб ҳис қиладилар. Ана шу табиий ҳолатнинг ўзиёқ беихтиёр кулгили ситуацияларни ҳосил қилади. Демак, бадий тасвир услубининг ҳаққонийлигини таржимада тўғри акс эттириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Ана шу асосий масалада Абдулла Қодирий жиддий ютуққа эришган.

С. Ҳусайннинг «Руставели таржимаси ҳақида» сарлавҳали иккинчи мақоласида буюк грузин шоирининг «Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон» достонининг ўзбекча таржимаси таҳлил қилинган.

Мақола автори 30-йиллардаёқ «таржима тили» деб аталувчи сунъий, қуруқ ва бадий ширадан маҳрум бир «тил»нинг юксак нафосат билан ёзилган ажойиб асарларни нота-вон ва ғариб «асар»ларга айлантириб қўяётганини қаттиқ танқид қилади.

С. Ҳусайннинг фикрича, бадий таржима соҳасида шунга эришмоғимиз керакки, ҳар бир ёзувчи бирон бадий асарни таржимага олар экан, унга худди оригинал асар ёзаётгандай севиб киришсин. Бадий таржима — бадий шарафли иш бўлиб, билим ва санъаткорлик талаб этади.

Автор бадий таржима ишида қуйидагича идеалга эришишни талаб этади: ўзбек тилига таржима қилинган ишни ўқиганда, башарти, ёзувчиси ўзбек бўлганда, у ҳам мана шундай ёзган бўларди, дейиш мумкин бўлсин. Аниқроқ қилиб айтганда, муаллифнинг фикрича, Шота Руставелининг «Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон» достонини ўзбек тилига шундай таржима қилиш лозимки, агар Руставели ўзбек бўлиб, шу асарни ўзбек тилида ёзган бўлганида, мана шундай ёзган бўларди, дея олайлик.

Биз биламизки, худди ана шу талаб даставвал В. Г. Белинский томонидан В. Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясининг русча таржимаси хусусида ёзган ишида¹⁵ баён қилинган эди. С. Ҳусайн ана шу талабни «Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон» достонининг ўзбекча таржимасига нисбатан қўллар экан, бу билан таржимон асарни ағдаришда уни ўз мулки ҳисоблаб, истаганича ўзгартиришда мутлақ эркинликка эга бўлиши керак, деб талқин қилмайди, балки ҳижжалаб таржима қилишдан воз кечиш керак, деб таъкидлайди.

Шоир Эминжон Аббос Фотиманинг Нестан Даражонга ёзган мактубини таржима қилган. Мақолада унинг таржимасидан бир мурабба келтирилган:

Сен қуёшсан, о Даражон, сендан ёруғ олар жаҳон.

Мушкул бўлди бизга ҳижрон; ҳижронингда қийналур жон.

Ширин суҳбат — фаросатинг ёдимизга тушар ҳар он,

Сенинг ҳуснинг биллур аро худди лаъли бадахшон.

Таржимон Бальмонтнинг русча таржимаси формасига тақлид қилиб, ички қофия беришга ҳам ҳаракат қилган: Даражон-ҳижрон (жаҳон — жон); фаросатинг-ҳуснинг (он — ба-

¹⁵ В. Г. Белинский, Гамлет... Сочинение Виллиама Шекспира, перевод с английского Николая Полевого, Соч., т. III, стр. 341.

дахшон). Аммо, С. Ҳусайннинг фикрича, ташқи форма, юзаки мусиқий оҳанг ичида Руставели поэзиясининг ички ҳарорати ва салмоғи йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Таржиманинг тили хусусида ҳам С. Ҳусайн қимматли фикрлар баён қилади.

Руставели достонида ўхшатиш, сифатлаш, истиора ва мажозий сўзлар кўп ишлатилган. Бундай бадий воситалар грузин тилида ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, шоир «Афтандил эгилди» дейиш ўрнига «қамиш эгилди» дейди. Худди шу каби «букилиш»ни англаторчи «киприклари ерга тегди» маъносида «сарв эгилиб, икки қора чодир ерга тушди» деб берилади.

С. Ҳусайн таржимада истиора ва мажозий сўзларни оддий ўхшатиш билан алмаштириш ҳодисасини танқид қилади.

Шота Руставели асарлари истиорага жуда сероб. Масалан, араб шоҳи Рустевон қизи Тинатинни ўз тахтига ўтқазганда, қиз зўр ҳаяжон ичида қолади, изтироб чекади. Шоир бу вазиятни тасвирлар экан, «маржонлар тўкилди», «қарға қаноти қалтиради» деган истиораларни ишлатади. Бу «кўз ёшлари тўкилди», «киприklar қалтиради» деган маънони англатади. С. Ҳусайн ана шундай ўринларда нуқул изоҳлаб таржима қилиш ва истиораларни оддий ўхшатишлар билан алмаштирмасдан, Руставелининг ўз бадий услубини сақлаш лозимлигини уқтиради. Чунки, унинг фикрича, бундай истиоралар контекст ичида келганда ўзбек китобхонига бемалол тушунарли бўлади.

«Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон» асарини ўзбек тилига ағдаришда икки манбадан фойдаланилган: биринчиси — грузин тилидан русчага ўгирилган сатрма-сатр таржима (подстрочник) бўлса, иккинчиси — руставелишунос грузин шоирларининг ёрдамидир.

Асар рус тилига сатрма-сатр таржима қилинганда, шубҳасиз, унинг ҳамма бадий фазилатлари тўла акс эттирилмаган. Сатрма-сатр таржимада қурбон қилинган ана шу хусусиятларни асарнинг ўзбекча таржимасида тиклаш учун таржимонларимизга ёрдам бериш мақсадида, Ўзбекистон ҳукуматининг тақлифига мувофиқ, Грузиядан шоир К. Чичинадзе келган.

1938 йил 21 февралда Тошкентда Чичинадзе иштирокида «Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон» достонини ўзбек тилига ағдарган таржимонлар билан биргаликда махсус кенгаш бўлиб ўтган. Кенгашда асарнинг ўзбекча таржимасида йўл қўйилган хато ва камчиликлар жиддий танқид қилинган ва грузин халқининг атоқли шоири Шота Руставелининг «Йўл-

барс териси ёпинган паҳлавон» дostonини ўзбек тилига тўла таржима қилиш тадбирлари белгиланган.

С. Ҳусайннинг бу хабари ҳозирги вақтда ниҳоятда катта аҳамиятга эга. 30-йиллар таржимачилик ишида амалга оширилган бу тажриба, яъни қардош халқлар адабиётидан қилинадиган йирик таржималарда асарнинг русча таржимасидан таржима қилишга тўғри келган вақтларда ўша қардош республикалардан сўз санъаткорлари ва мутахассислар чақириб, уларнинг иштирокида махсус кенгашлар ўтказиш ҳозир ҳам амалга оширилиши мақбул бўлган жуда муҳим тадбирлардандир.

Кекса таржимонлардан С. Е. Паластров ўзининг «Бадий асарлар таржимасининг сифати учун» номли мақоласида рус классик адабиёти намояндаларидан А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи», Л. Н. Толстойнинг «Тирилиш» романи ва рус совет ёзувчиларидан А. С. Серафимовичнинг «Темир оқим» В. В. Маяковскийнинг «Комсомол шеърлари» асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималарини таҳлил қилган.

Шарқ халқлари адабиётидан қилган бир қанча пухта таржималари билан Иттифоқимиз миқёсида танилган М. Сальеннинг «Литературный Узбекистан» ва «Литература и искусство Узбекистана» журналлари саҳифаларида босилиб чиққан мақолаларида бадий таржиманинг жуда муҳим назарий масалалари ёритилган. Бу мақолалар таржима назарияси бўйича яратилган биринчи жиддий илмий ишлардан ҳисобланади.

Ўз даврида ғоят катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган салмоқдор ишлардан бири талантли таржимон ва кекса журналистлардан марҳум Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима санъати» асаридир¹⁶. Унда илгари сурилган кўпгина қимматли фикрлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини тўла сақлаган.

Афсуски, «Адабий таржима санъати» ҳозир жуда ҳам нодир нусха бўлиб қолган. Бунинг устига, ушбу китоб тўғрисида бирон жойда ҳам, обзор характерида бўлса-да, маълумот берилмаган. Шунинг учун биз таржимон Санжар Сиддиқни ўзбек халқини жаҳон ва рус адабиётидаги кўзга кўринган асар-

¹⁶ S. Siddiq, Adabiy tarjima San', atf. OzSSR Davlat nashriyati, Taşkent — 1936, Masul muharrir A. Ajjub. Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима санъати» номли китоби борлиги ҳақида биз дастлабки маълумотни марҳум Аҳмаджон Еқубовдан олган эдик. Аммо у на кутубхоналарда ва на Санжар Сиддиқни таниган кишиларнинг биронтасида ҳам сақланиб қолмаган. Бу китобдан, ниҳоят, умидни узган эдик. Иттифоқо, бир кун самарқандлик дўстимиз, илмий ходим Юсуфжон Пулатов «Адабий таржима санъати»ни Самарқанд Давлат университетининг кутубхонасида учратганини айтиб қолди. У кишининг илтифоти билан биз бу китобдан фотокопия олишга эришдик. Ушбу сатрларни самимий миннатдорлик юзасидан ёздик.

лар билан таништиришда катта хизмат қилган таржимон деб билиш билан бирга, таржима назарияси бўйича ўз даврида биринчи жиддий илмий иш яратган таржимашунос олим деб танир эканмиз, унинг китоби ҳақида махсус тўхтаб ўтишни лозим кўрдик.

Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима санъати» китоби 72 саҳифадан иборат бўлиб, текст мавзуларга бўлиниб, бир қанча майда сарлавҳачалар остида берилган. Булар: «Бадий таржима ҳақида», «Таржима — ижодий иш», «Тилнинг софлиги ва таржимачи», «Таржиманинг соҳалари ва таржимачилик шартлари», «Услуг масалалари», «Янглишлар», «Хулоса», «Матбуотимизнинг тилини тозалайлик», «Бир таржима ҳақида» ва шу кабилар.

Асарнинг маъсул муҳаррири Аъзам Айюб «Таҳрирчидан» деган ном остида бир ярим саҳифадан иборат кириш сўзи ёзган. Унда, қисман, баъзи умумий назарий масалалар, чунончи, механик таржима ва эркин таржима ўртасидаги фарқ ва тил бойлиги тўғрисида мулоҳаза юритилиб, сўнгра С. Сиддиқ китобининг фазилати, айрим камчиликлари кўрсатилади.

Санжар Сиддиқ ўз китобида ВКП(б) Марказий Комитети партия контрол комиссиясининг Ўзбекистондаги вакили ўринбосари Д. Ризаевнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1935 йил 299-сонида «Таржимонлар тўғрисида» деган сарлавҳа билан босилган мақоласини «Сўз боши ўрнида» берган.

Д. Ризаевнинг мақоласида ўша даврда бадий ва сиёсий адабиётларни таржима қилиш соҳасида қўлга киритилган бир қанча ютуқлар билан бирга, йўл қўйилаётган жиддий хато ва камчиликлар тўғри кўрсатилган эди. Чунончи, нашриётлар жиддий асарларни етарли тайёрлиги бўлмаган тасодифий кишиларга таржима қилиш учун топширганлар. Шу муносабат билан у сиёсий томондан ишончсиз ёки бадий таржимага даромад манбаи деб қаровчи кишиларга бундай муҳим ишнинг тақдирини топшириб қўймасликка чақиради. Қадрларга эътиборсиз қараш, мақола авторининг фикрича, асосий камчиликлардан биридир. Таржимонларга оддий буюртмани ижро этувчи киши деб қарашга жиддий зарба бериш керак, зероки «...синфий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкам, адабий жиҳатдан саводли, яхши таржимон — бизнинг шароитимизда кичкина куч эмас» (7-бет).

Санжар Сиддиқ бадий таржиманинг ижодий иш эканлигини қайта-қайта уқтиради. Аммо бу ҳеч бир тарзда таржимачилик ишида анархия ҳукм суришини оқлаш учун далил бўлмайди. Аксинча, авторнинг фикрича, «...Таржимачилик ўзининг... аниқ қоида ва қонунларига эга...» (13-бет), «...ҳар

бир таржимачига зарур бўлган бир қанча шартлар ва амалга қўйилиши лозим бўлган умумий қоидалар бор...» (14-бет).

«Сўз» бўлимида автор бадий таржимада сўзларнинг кўп маънолилигига эътибор қилиш лозимлигини алоҳида қайд этади. Масалан, *жигар* сўзининг тўғри маъноси рус тилида *печень*дир. Лекин уни ҳамма ҳолларда ҳам *печень* деб бериш мумкин эмас, негаки, ўзбек тилида *жигар* сўзи бошқа маъноларда ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, қариндошлик маъносидаги *жигарим*, *жигарчилик*; жуда хафа бўлиш ёки азобуқубат чекиш маъносидаги *жигарим эзилди*, ошиқ бўлмоқ, севиб қолмоқ маъносидаги *жигаридан урмоқ* ибораларининг асосида ҳам *жигар* сўзи ётадики, рус тилида ҳам, қардош бўлмаган бошқа тилларда ҳам шу маънони англатадиган тунчалар бундай сўздан тузилган бўлмайди.

Худди шу каби *свет* сўзининг *ёруғ*, *нур*; *дунё*, *жаҳон*; *чироқ*, *киборлар* каби ёки *положение* сўзининг *қоида*, *тартиб*; *аҳвол*, *вазият*; *қўйиш*, *ётқизиш*; *мансаб*, *обрў*, *этибор*; *ҳомилдорлик*; *ўрин*, *хизмат*; *асос*, *фикр*, *назария* ва бошқа маънолари ҳам борлиги қайд этилади.

Авторнинг кўрсатишича, агар «Он не изменил выражения своего лица» деган жумлани «У ўзининг юз ифодасини ўзгартади» деб таржима қилинса, тўғрига ўхшаб кўриниши ва буни айрим кишилар маъқуллаши ҳам мумкин. Аммо бундай ҳолларда бу жумлаларни худди шундай маънони англатувчи ўзбекча гап билан бериш лозим. Масалан, «Он не изменил выражения своего лица»ни қисқагина қилиб «турқини бузмади» деб ағдарса бўлади.

Санжар Сиддиқнинг, айниқса, бир мисолини эслатиб ўтиш жуда ўринли бўлар эди. «Крупный рогатый скот» бирикмасининг таржимаси хусусида у ёзади: буни «йирик шохли ҳайвон» десангиз бўладими ва бундай гапни умрингизда эшитганмисиз? Албатта эшитмагансиз... [ваҳолонки, ҳозир: «—йўқ, эшитганмиз, чунки ҳозир, чиндан ҳам, уни «йирик шохли қорамол» деб таржима қилишади» деб юборгинг келади! — *F. C.*], чунки ўзбекча буни «қорамол» дейилади (бу сўзни русчага таржима қилинг!). Кўрасизки, бунда русча уч сўз ўрнида ўзбекча бир қўшма сўз келган» (17-бет).

Сўнгра русча *мир* ва ўзбекча *дунё* сўзларининг кўчма маънолари қиёс қилинади. Гарчи бу икки сўз ўзининг бир асосий тўғри (жой) маъносида бир-бирига эквивалент бўлса ҳам, уларнинг кўчма маънолари мутлақо мувофиқ келмайди. Масалан, *мир* сўзи *сулҳ*, *яраш*, *юртчилик*, *кўпчилик*, *жамоат* маъноларини ҳам англатса, *дунё* сўзи *олам*, *ер юзидан бўлак яна пул*, *бойлик*, *давлат* маъноларини ҳам билдиради.

Авторнинг кўрсатишича, ҳар бир сўз ўзига кўра тарихга,

айрим ўринга ҳам эгадир. Маълум вақт ўтиши ёки даврининг ўзгариши билан сўзларнинг маънолари ҳам ўзгаради. Масалан, *олма, болта, қалам, дарахт, арава, от арғамчи* ва бошқа шу каби сўзлар ҳеч қандай баҳслашишга сабаб бўлолмайди. Аммо *гўшт, эт; тор, танг* каби сўзлар борки, булар бошқа сўзлар билан бирикканида, бир-бирларининг ўрнига алмашиб келганларида баъзан тўғри маънода ҳеч қандай ўзгариш бўлмаса-да, аммо кўчма маънода номувофиқлик келиб чиқиши мумкин.

Гўшт ва *танг* сўзлари форсча бўлиб, туркий муқобиллари *эт* ва *тордир*. Шу сўзларни тўғри маъносида айтганда, «қўй гўшти едим» ёки «қўй эти едим» шаклида алмаштириб гапириш мумкин. Аммо «этим жимирлади», «этим уюшади» бирикмаларидаги *эт* сўзини *гўшт* билан алмаштириб, «гўштим жимирлади» ёки «гўштим уюшади» деб талаффуз қилиш мумкин эмас. Шунингдек, «жой тор» жумласида *тор* сўзининг ўрнига *танг*ни қўйиб ишлатилса бўлади («жой танг»). Ҳар икки ҳолда ҳам бир хил маъно тушунилади. Бироқ, «аҳволим танг», «капиталистлар тангликда» дейиш ўрнига «аҳволим тор» ёки «капиталистлар торликда» деб бўлмайди. Бундан маълум бўладики, *танг* ва *тор, гўшт* ҳамда *эт* сўзлари бир-бирлари билан гарчи маънодош бўлсалар ҳам, аммо улар тилимизнинг тараққиёти тақозоси билан маъно томондан бир-бирларидан фарқланадиган бўлиб қолганлар.

Автор таржимада сўзни тушуниб ишлатиш лозимлигини қайд этар экан, шу муносабат билан қардош тиллардан бир-бирига таржима қилганда ҳам бу масалада бир талай қийинчиликлар туғилишини қайд этган эди. Чунки айни бир хил сўзлар қардош тилларда тамомила бошқа-бошқа маъноларни англатиши мумкин. Масалан, *юрт* сўзи ўзбек тилида *халқ, ўлка, жамоат, ватан* маъноларини англатса, татар тилида *йй* маъносини билдирар экан. Шунингдек, *қуйма* — ўзбек тилида *ҳолва*, татар тилида *девор; қир* — бизда *тепа* ва *яйлов*, татар тилида *чет, қирра; қизғанмоқ* — бизда *қизғанчилик*, татарларда эса *раҳм қилмоқ* маъноларини англатади.

Шундай қилиб, Санжар Сиддиқ ўз асарининг тўрт (15—19) саҳифасини таржимада сўзни тўғри қўллаш мавзуига бағишлаган. Бунда у таржимачилик практикасидан қизиқ-қизиқ мисолларни топиб, маълум даражада лингвистик таҳлилга ҳам киришган.

Бироқ, сўзларнинг бирикиши хусусида автор анчагина фактик материаллар тўплаган бўлса ҳам, бир қанча лингвистик ҳодисаларнинг сабабини чуқурроқ тушунтириб беролмайди. Масалан, турли тилларда сўзларнинг семантик томондан ўзига хос бирикиш хусусиятларини, яъни нозик, жуда қизиқ

ва муҳим лингвистик ҳодисани зийраклик билан кузатган бўлса-да, буни чуқур асослаб бермаган. Лекин, шунга қарамай, 30-йиллар шароитида практик таржимоннинг бадий таржимада сўз қўллаш масаласида махсус лингвистик ҳодисаларни жуда синчковлик билан кузатиши ва уларни назарий томондан талқин қилиши ўз даврига нисбатан анча илгари кетиш деган сўз эди.

Автор жумлани таржима қилиш масаласини ҳам алоҳида мавзу қилиб олган ва бу масалани китобнинг беш (19—24) саҳифасида ёритишга ҳаракат қилган. «Мутаржимнинг вазифаси,— деб ёзади С. Сиддиқ,— бир тилдаги маънони, яъни фикр ва муддаони, бошқа бир тилга кўчиришдан иборат. Бинобарин, таржимачи, сўзлардан кўра кўпроқ жумлалар билан иш кўради» (19-бет).

Текстни таржима қилишда даставвал жумланинг маъносини тўғри тушуниб олиш лозим, деб кўрсатади автор. Жумланинг муддаосини топиб қўйиш, ўша мавҳумни бошқа тилда ўзига мувофиқ келадиган сўзлар билан ифода қилиш зарур.

Агар ўзбек тилидаги *яхши кўрмоқ* идиоматик иборасини рус тилига шу сўзларнинг луғавий маъноси билан ағдарилдиган бўлса, «хорошо видеть» бўлади, яъни «Мен сени яхши кўраман» гапи «Я тебя хорошо вижу» бўлиб чиқади. Ваҳолонки, буни «Я тебя люблю» деб ағдариб лозим.

Шундай қилиб, жумланинг (тўғрироғи — идиоматик иборанинг) маъносини тушунмай туриб, унинг таркибидаги сўзларнинг тўғри маъноси билан бериш кўр-кўрона таржима қилишга олиб келадик, таржима практикасида бундай ҳодисалар ҳам тез-тез учраб туради. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» повестида бир колхозчи йигит тасвирланиб, «бу киши қизил мағиздан келган тўлагина бир йигит эди» деган гап ишлатилади. (Бунда *қизил мағиздан келган* идиоматик иборадир). Буни таржимон рус тилига «он приехал из кзыл-магыза» деб ағдарган.

С. Сиддиқ «Сўз қурилишидаги фарқлар» (24—28-бетлар) тўғрисида гапирганда, рус ва ўзбек тилларида гапда сўз тартибини назарда тутаяди. Буни у «жумланинг сўз сираси», «сўзларнинг терилиш тартиби» деб олган.

Рус ва ўзбек тилларида сўз тартиби бир-биридан жиддий фарқ қилиши тўғрисида гапирар экан, у қуйидаги мисолларни келтиради. Русча «17-й партсъезд» жумласини ўзбек тилига айнан шундай сўз тартиби билан ағдарилса, «Ўн еттинчи партия қурултойи» бўлиб чиқади. Бунда *қурултой* ўн еттинчиси ёки *партия?* деган ноаниқлик юз бериши мумкин.

Асарнинг масъул муҳаррири Аъзам Айюб худди шу ўринда, сатр остида, Санжар Сиддиқнинг гапда сўз тузилиши тўғ-

рисидаги мулоҳазалари таржимачилик иши учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этгани ҳолда, унинг юқоридаги мисоли хусусида ўзининг баъзи мулоҳазаларини ҳам айтиб ўтган. Чунончи, у «ўн еттинчи партия қурултойи» деб таржима қилиш ўзбек жонли тилининг талаффузига ва ундан келиб чиқадиган маънога мос келишини айтади. Зотан, уч сўздан тузилган бу таркибни ўқиб тушунганда сўзларни бир-биридан айириб ўқиш тўғри эмас. Унинг фикрича, бу уч сўз — бир маъно берадиган қўшма исмдир. Шу сабабли *ўн еттинчи* деган адад отнинг ўзидан кейин келган иккита: *партия* ва *қурултой* сўзларидан қайси бирига тегишли эканига шубҳа қолмайди. Жонли тилда, талаффузда, ҳақиқатан ҳам, «ўн еттинчи партия қурултойи» деб айтилади. Шундай қилиб, бу уч сўзни бирдан айтганда ўзбек тилидан хабардор бўлган ҳар бир киши 17 сони *партия қурултойига* тегишли эканини билади.

Аъзам Айюб фикрини давом эттириб, ўз даъвосини исботлаш учун яна бир нечта мисол келтиради: русча «стахановские методы работы» жумласини сўзма-сўз таржима қилганда, «ишнинг стахановча методлари» бўлиб чиқади. Аммо бу тўғри эмас, чунки ўзбек тилининг сўз тартибига тўғри келмайди. Шунинг учун бундай ҳолларда «стахановча иш методлари» деб таржима қилиниши лозим.

«Великий пролетарский писатель М. Горький» бирикмасида Максим Горькийнинг ҳам *улуғлиги*, ҳам *пролетар* ёзувчиси экани айтилмоқчи. Шунинг учун буни «Улуғ пролетар ёзувчиси М. Горький» деб таржима қилиш тўғри. Ажабо, бу ҳолда *улуғ* сифатининг М. Горькийгами ёки пролетариатгами тегишли экани хусусида шубҳа туғиладими? Йўқ, бу сифат бевосита М. Горькийга тегишли экани равшан, деган хулосага келади муҳаррир.

Шундай қилиб, А. Айюбнинг фикрича, авторнинг... «ўн еттинчи партия қурултойи» тўғрисида келтирган мисоли... ҳам муваффақиятсиз, ҳам жонли тилдан узоқдир» (25-бет).

Аслини олганда, бу ўринда автор билан муҳаррир ўртасида бирон жиддий ихтилоф йўқ, чунки улар бир лингвистик ҳодисанинг икки томонини очиб берганлар. Шу сабабдан улар бир-бирларининг фикрларини тўлдирганлар, холос. Чунончи, Санжар Сиддиқнинг «ўн еттинчи партия қурултойи» эмас, «партиянинг ўн еттинчи қурултойи» деб таржима қилиш лозим, деган фикрига қўшилиш мумкин. Чунки автор ҳамма ҳолларда эмас, балки маънога халал етказадиган ўринлардагина синтагмаларнинг ўрнини алмаштиришга зарурат туғилиши тўғрисида гапирган.

Муҳаррир А. Айюбнинг «великий пролетарский писатель

М. Горький» жумласини «улуғ пролетар ёзувчиси М. Горький» деб таржима қилинса, маънога халал етмаслиги тўғрисидаги мулоҳазаси ҳам маъқул. Аммо шу тартибдаги бошқа бир мисолни олайлик. Республикамизда чиқадиغان газеталаримиздан бирида «улуғ халқлар доҳийси В. И. Ленин» деган жумла кетган. «Ўзбекча» сўз тартибига риоя қиламан деб бу ўринда хатога йўл қўйилган. В. И. Ленин улуғ халқларнинг ҳам, кичик халқларнинг ҳам — жаҳондаги ҳамма прогрессив халқларнинг доҳийсидир. Буни «халқларнинг улуғ доҳийси» деб ёзиш кераклиги табиийдир.

Шундай қилиб, сўз тартиби ўзбек тилининг синтаксис қоидаларига мувофиқ ва табиий бўлиши, шу билан бирга, маънога ҳам халал етказмаслиги керак.

Санжар Сиддиқ русча сўз тартибини ўзбек тилига кўркўрона кўчириш қўпол хатоларга олиб келишини жуда кўп жонли мисоллар билан исботлайди. Масалан, «Религия и борьба за социализм» деган бир сарлавҳадаги сўз тартибини айнан сақлаган ҳолда ўзбекчага таржима қилинса, «Дин ва социализм учун кураш» бўлиб чиқадики, бу сиёсий хатога олиб келади, яъни бундан социализм билан бирга дин йўлида ҳам курашиш керак, деган нотўғри хулоса келиб чиқиши мумкин.

Санжар Сиддиқ «Айрим таркиблар ва грамматик ўзгаришлар» (29—40-бетлар) тўғрисида гапирганда, юзаки қараганда жуда оддий туюладиган, аммо таржима практикасида анчагина қийинчиликлар туғдирадиган масалаларни кўтаради. Масалан, «Вот что говорит Ленин об уничтожении классов» гапидаги *вот что* олмошларини айнан сақлаган ҳолда «Синфларни битириш тўғрисида Ленин мана нима дейди» деб ағдарилса, ўзбекча бўлиб чиқмайди, шунинг учун уни «Синфларни битириш тўғрисида Ленин мана шундай дейди» шаклида таржима қилиш лозим.

Рус тилида «тўғрисида», «ҳақида» маъноларини англатувчи *о* предлогини «вопрос о подготовке кадров» тартибидеги гапларда ташлаб, яъни «кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги масала» эмас, «кадрлар тайёрлаш масаласи» деб таржима қилинса тўғри бўлади.

Айниқса *по* предлогини бўйинча деб таржима қилиш тил ғализлигига сабаб бўлади. Шу муносабат билан автор бир вақтлар *нон карточкаси* дейиш ўрнига газеталарда «нон бўйинча карточка» деб ёзилганини танқид қилади.

Таржимада эгалик қўшимчаси англатган маънони акс эттириш хусусида ҳам у қимматли фикрларни айтади. Чунончи, «Аҳмад приехал со своей женой» гапини «Аҳмад ўз хотини билан келди» демасдан, «Аҳмад хотини билан келди» дейилса,

унинг ўз хотини билан келганлиги англашилаверади, ammo русчада эса *со своей* олмоши қўшилмаса, «кимнинг хотини билан?» деган саволга ўрин қолади. Шунингдек, ўзбекча «мен синглимни кўрдим» гапини «я увидел свою сестру» деб ағдаришга тўғри келади. «Синглингни кўрдим» деганда *твою*, «синглисини кўрдим» деганда эса эгаликни билдирувчи *его* олмошларини қўшишга тўғри келади.

Русча *как* кўмакчисининг турли грамматик функциялари ва уларни таржимада акс эттириш ҳамда бу масалада йўл қўйилган камчиликлар хусусида китобда яхши гаплар бор.

Как сўзининг ўзбекча асосий луғавий маъноси қандай бўлиб, у бошқа функцияларни ҳам англатади:

Как? — Қандай? Нима?

Как живёшь? — Қалайсан?

Как ты пришёл? — Сен қандай келдинг?

Как я охотился за тигром? — Менинг йўлбарс овлашим.

Вот как? — Шундайми ҳали?

Вот как! — Мана шундай!

Шу муносабат билан С. Сиддиқ Н. А. Островскийнинг «Как закалялась сталь» романининг «Пўлат қандай чиниқди» деб таржима қилинганини танқид қилиб, буни «Пўлатнинг чиниқиши» деб олиш маъқуллигини айтади.

Бу таклиф амалга ошмаганининг сабаби шуки, бундаги *как* кўмакчисида *жараёни* акс эттириш маъноси бор. Шунинг учун бу асарнинг номи кейинчалик ҳам «Пўлат қандай товланди» бўлиб қолаверди. Шунингдек, А. М. Горькийнинг «Как я научился писать» асарини ҳам «Менинг ёзишни ўрганишим» деб ағдариб бўлмас эди, чунки бунда ҳам, юқоридаги каби, ёзишни ўрганишнинг жуда катта қийинчиликлари *жараёни* тасвирланган. Шунинг учун «Мен ёзишни қандай ўргандим» деб ўтирилган.

Асарда қисқартма сўзлар ва жумлалар масаласида баҳс юритилиб, ўзбек тилига уларни мантиқан тўлдириш йўли билан таржима қилиш лозимлиги кўрсатилади. Масалан, Н. К. Крупскаянинг «Как Ленин работал над Марксом» номли мақоласи ўзбекчага айнан ағдарилиши натижасида услуб ғализ бўлиб чиққан ва қўпол хатога йўл қўйилган. Ҳолбуки, бундай ҳолларда қисқартма сўзлар (айни ҳолда *асарлари* сўзи) ни ҳам таржимада тиклашга тўғри келади («Маркс асарлари устида Ленин қандай ишларди»).

Санжар Сиддиқ идиома ва мақолларни таржима қилиш масалаларида ҳам ўз кузатишларини баён қилган. У, бир томондан, русча мақолларни ҳижжалаб таржима қилиш усулини қоралайди. Масалан, *охота смертная, да участь горькая* маталини *ўтакетган истак бўлса ҳам бахти қора* деб ҳамда

тонкий намек на толстое обстоятельство иборасини йўғон ҳолатга ингицка ишора деб таржима қилинганини қоралайди.

Бироқ автор, умуман, мақолларни айнан, ўзидай таржима қилиб бўлмайди, деган фикрни илгари сурмайди. Аксинча, фразеологизмларни ағдарганда «...ўзбек тилининг хусусиятларига риоя қилиш деб миллий доирада бўғилиб қолиш ярамайди. Бундай принцип тил тараққий қонунига хилофдир. Тилларнинг юксалишида қўшни, маданий тиллардан айрим термин, ибора, ифодалар олиш, ўзлаштириш оддий қонундир» (41-бет).

Ўзининг бу ажойиб фикрини исботлаш мақсадида у бир нечта мисоллар келтиради. *Услужливый дурак опаснее врага* мақолининг ўзбекча *нодон дўстдан зийрак душман* яхши муқобили бўлса-да, уни айнан *меҳрибон айиқ душмандан хавфлироқ* деб таржима қилишни маъқул кўради.

Мақолларни сўзма-сўз, калька йўли билан таржима қилиш анча нозик масаладир. Баъзи ҳолларда жуда ўринли бўлиб кўринган аниқ таржималар вақт имтиҳонидан ўтмай, қолиб кетиши мумкин. Аксинча, мақолларнинг бошда қўпол бўлиб кўринган сўзма-сўз таржимаси бора-бора тилга кириб, сингишиб, тамомила ўзимизники бўлиб кетиши ҳоллари ҳам рўй беради. Масалан, *С. Сиддиқ факт — вещь упрямая* мақолининг *факт — ўжар нарса* деб таржима қилинишини номақбул ҳисоблаб, унинг ўрнига ўзимизнинг *ойни этак билан ёпиб бўлмайди* мақолимини қўллашни маъқул кўрган эди.

Лекин, бари бир, бу мақол тилимизга сўзма-сўз таржима қилинадиган бўлди. Демак, бу ўринда *С. Сиддиқнинг* даъвоси исботланмади. Чунки бу даъво етарлича асосланмаган эди. Аввало, *факт — ўжар нарса* инглизча мақол бўлиб, рус тилига сўзма-сўз таржима орқали келиб кирган. Айни ҳолда ўзбек тилига ҳам уни сўзма-сўз ағдарилса, ҳеч қандай англашилмовчилик келиб чиқмайди. Бундан ташқари, биздаги *ойни этак билан ёпиб бўлмайди* мақоли рус тилидаги *шила в мешке не утаишь* мақолининг эквиваленти бўлиб, *факт — упрямая вещь* мақолининг муқобил вариантдир, холос.

Умуман айтганда, Санжар Сиддиқ мақолларни таржима қилиш масаласида ҳам тўғри фикрларни илгари сурган эди. Буни унинг илмий мулоҳазалари ҳам, амалий таржимонлик фаолияти ҳам кўрсатиб туради.

Автор таржимада терминларнинг ишлатилиши борасида жуда қизиқ фактларни келтиради (43—47-бетлар). *У совет, ударник, большевик, колхоз, совхоз, стахановчилик* каби жуда кўп янги терминларни таржима қилиб бўлмаслиги, улар совет-интернационал терминлари бўлиб қолганини алоҳида қайд этади. *Совет* ва *большевик* сўзлари эса жаҳондаги

жуда кўп тилларда айнан ишлатила бошлагани, шу тариқа интернационаллик касб этганини уқтиради.

Санжар Сиддиқ масаланинг иккинчи томонини ҳам назардан қочирмайди. Чунончи, *совет* сўзини термин сифатида қабул қилиш шу маънода тилимизда азалдан ишлатилиб келган *кенгаш* сўзидан воз кечиш кераклигини кўрсатмайди. Масалан, *кенгаш бердим*, *кенгаш қилайиқ* каби сўзларда (термин эмас, луғат ҳолида) қолаверади.

Немис, француз ва инглиз тилларида ҳам *Совет мамлакати*, *Совет давлати*, *советларча иш методи* деб айтилган ҳолда, „Халқ Комиссарлар Совети“, „Меҳнат ва мудофаа Совети“ демайдилар. Бундай ҳолларда ўз тилларидаги „кенгаш“ сўзини ишлатадилар (немисча *rat*, французча *konsej*, инглизча *kounsil* ва ҳоказо).

Бизда эса бу термин янги ишлатила бошлаган вақтларда *ilmij* кеңаш (илмий кенгаш), *vazirlar шораси* (вазирлар шўроси), *millatlar ittifaқини*, *кенаш* (миллатлар иттифоқининг кенгаши) каби бирикмалар таркибидаги сўзларни ҳам дарҳол *совет* сўзи билан алмаштириб ёза бошлаганлар. Тарихга тегишли бир асарда ҳатто аксилинқилобий „*шорайи ислам*“ („Шўрои ислом“)ни ҳам „*Sovet islam*“ („совет ислом“) деб „тузатган“лар.

Бизда ҳозир *vazirlar шораси*—*Министрлар совети* деб олинган бўлса-да, *илмий кенгаш* бирикмасида ва бошқа бир қанча таркибларда *кенгаш* сўзи сақланаб қолган.

Китобнинг 51—59-бетларида бадний таржиманинг энг муҳим ва мураккаб проблемаларидан бири бўлган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолаётган услуб проблемаси ҳақида дастлабки маълумотлар содда ва жонли услубда баён қилинган.

«Партизанлар ва Қизил қўшиннинг урушларда кўрсатган жанговарлиги, кучи ва ютуқларини «Жангнома»лар тили билан тасвир этиб бўлмагани каби, эски ҳаётдаги ўрда ва саройлар турмушини ҳам бизнинг ҳозирги ибораларимиз билан кўрсатиш осон эмас» (52-бет).

Санжар Сиддиқ асосий нарсани бир-биридан жуда яхши фарқлай олган. Бу: асарда тасвирланган образ ва персонажларнинг нутқ услуби ва ёзувчининг ўз бадний услуби. Ўз фикрини аниқроқ тушунтириш учун у Абдулла Қодирий ижодидан мисол келтиради. Чунончи, Жулқунбой ўз асарларида Отабек, Кумушбиби, Анвар, Офтоб ойим, Сафар бўзчи, Солиҳ маҳдум каби кишиларнинг ҳар қайсисини уларнинг ўз тили ва ўз услубида сўзлатади «Лекин шундай сўзлатадики, сиз улардан Жулқунбойнинг уларга муносабатини сезиб, билиб турасиз. Ёзувчи шундай сўзлар топиб ишлатадики, бу

сўзлар ўша типларни сизга яққол кўрсатиш билан бирга, сизда уларга нисбатан белгили фикр ва қарашни пайдо қилади. Сиз ўзингиз пайқамаган ҳолда, у типлардан куласиз, уларни севасиз ёки ёмон кўрасиз, уларга ачинасиз, ёки ҳайрат билан қарайсиз» (52-бет).

Шундай қилиб, Санжар Сиддиқнинг фикрича, ёзувчи услубининг ана шу нозик томонларини, «сирлари»ни таржимада акс эттириш шарт. «Таржимачи ҳар бир асарнинг ўзига хос услубини ўзлаштириб, уни тўла ва тўқис бера билиши керак», — деб ёзади у (53-бет).

Ёзувчининг услубини акс эттиришни тилнинг грамматик хусусиятини акс эттириш маъносида тушунмаслик лозимлигини ҳам автор жуда тўғри талқин қилади ва айрим таржимонларнинг бу масалани нотўғри англашлари натижасида ўз таржималарида ҳатто асл нусханинг сўз тартибини ҳам айнан сақлашга ҳаракат қилишларини қаттиқ қоралайди. Ҳолбуки, бундай хатти-ҳаракат оқибатида рус тилида содда ва жонли услубда ёзилган асар ўзбек тилида қуруқ ва зерикарли бўлиб қолади.

Таржимада автор услубини сақлаш масаласи Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ўрталарида бўлиб ўтмуш низолар борасида ҳикоят» номли повести таржимаси асосида ўрганилган. Бу асарни ўзбек тилига Чўлпон ағдарган. Таржиманинг асосий фазилатлари, авторнинг кўрсатишича, қуйидагилардан иборат: таржимон асарнинг ҳажвий табиатини сақлаш учун уни 30-йиллар ўзбек адабий тили билан эмас, балки эски ўзбек адабий тил хусусиятлари билан ўгирган. Асар сарлавҳаси таржимасининг ўзиёқ буни кўрсатиб турибди. Бобларнинг сарлавҳалари таржимаси ҳам шу томондан эътиборга лойиқдир: «Глава IV о том, что произошло в присутствии миргородского поветого суда»—«Тўртинчи фасл уяз суд маҳкамасида бўлиб ўтмуш воқеалар баёнида».

Шундан сўнг Н. В. Гоголнинг бадий услубини таржимада акс эттириш хусусида ўқувчиларнинг тасаввур ҳосил қилишлари учун повестнинг асл нусхаси ва унинг ўзбекча таржимасидан парчалар берилади (54—59-бетларга қаранг).

Санжар Сиддиқнинг асари бошдан-охир ўзбек тилига муваффақиятли қилинган таржима практикасига асосланиб, катта илмий проблемаларни ўртага қўйиш билан бирга, таржимачилик ишида йўл қўйилаётган хато-камчиликларни ҳам тўғри кўрсата олган. «Янглишлар» деган ном остида бадий ва сиёсий адабиётлар таржимасида 30-йилларда юз берган нуқсонларни умумлаштириб беради.

Бу даврда таржимачилик практикасида тез-тез учраб турган хато ва камчиликларнинг биринчи сабаби айрим таржи-

монларнинг «билимсизлиги»дадир. Таржимонларнинг бир қисми рус тилини яхши билмасалар, айримлари ўзбек тилини мукамал эгалламаганлар, яна бошқа баъзи таржимонлар эса, рус ва ўзбек тилларини ҳам яхши эгаллаган ҳолда таржимачилик ишининг ўзига хос томонларидан хабарсиз бўлганлар.

Маълумки, рус тилида бир қатор сўзлар урғунинг алмашинуви билан ўз маъноларини бутунлай ўзгартиради. Масалан, *мука* сўзи *ун* маъносини берган ҳолда, *мука* — азоб демақдир. Шунингдек, *железо* — темир, *железа* эса *без* маъносини беради. Аммо бу сўзлар бир-биридан фарқланмай, ҳар бирининг биринчи маъносига ағдарилган. Шунингдек, *раздетый* (кийимсиз, ешинган) сўзи билан *разодетый* (кийинган, ясанган) сўзлари ҳам фарқ қилинмаган.

Шу тариқа таржималарда баъзан жуда қўпол хатолар ҳам ўтиб кетган. Масалан, «крестьянин крепко осел» (деҳқон мустаҳкам ўрнашди) жумласи «деҳқон мустаҳкам эшак» бўлиб чиққан. «Паркни қор босди» маъносигаги «парк занесен снегом» гапи «парк қор билан олиниб кетилди» деб ағдарилган. Шунингдек, *угловатый* (дағал, қўпол) — *бурчакли*, *бархатный голос* (майин овоз) — *духоба овоз*, *голубые глаза* (кўк кўз) — *каптар кўзлар*, *краса и гордость* (кўрк ва савлат) — *бўёқ ва фахр*, *ученая собака* (ўргатилган ит) — *олим ит* деб «таржима» қилинган.

Иккинчи хил нуқсонлар, авторнинг кўрсатишича, тилнинг луғат бойлигидан хабарсизлик, синонимлардан фойдалана билмаслик, идиомаларни бузиб таржима қилиш, умуман, ҳижжалаб таржима қилиш оқибатида рўй берган хато ва камчиликлардан иборат.

Рус тилида *боец* сўзи *курашчан аскар*, *солдат*, *жангчи* маъноларини беради. Шу билан бирга, бу сўз кушхоналардаги *саллоҳ* маъносини ҳам англатади. Бинобарин, *боец* сўзи, ўрнига қараб, шу сўзнинг контекст талаб қиладиган омоними билан ағдарилиши керак.

Санжар Сиддиқ, айрим русча сўзларнинг маъноларини қоршириб юбориш натижасида, бузиб таржима қилиш туфайли матбуотимиз орқали тилимизга кириб қолган ясама сўзларни ўринли танқид қилади. Масалан, «фалон мухбирнинг кўрсатишича...» ёки «фалон газетанинг кўрсатишича...» жумлаларидаги *кўрсатиш* русча *указать* феълининг кўр-кўрона ўгирилиши натижасида қарор топган. Гарчи бу сўз айрим ҳолларда *кўрсатиш* маъносига келса ҳам, аммо кўпинча у *ишора қилиш*, *айтиш* маъноларини беради, бинобарин, уни *показать* феъли билан алмаштирмаслик керак. Демак, юқорида келтирилган жумлалар ҳам «фалон мухбирнинг айтиши-

ча...» ёки «фалон мухбирнинг ёзишича...» шаклида берилиши маъқул.

Учинчи хил хатоларга жумла ва таркибларни бузиб таржима қилиш туфайли юз берган янглишлар киради.

Баъзи таржималарда жумла тузилиши тартибини худди асл нусхадаги сингари қилиб тузиш натижасида жумла, таркиб ва ифодалар телва-тескари бўлиб чиқади ва услуб ғализлашади. Мисол тариқасида Гётенинг «Фауст» асаридан Мефистофелнинг бир ибораси келтирилади. Чунончи, Мефистофел бир хотин билан учрашганида унга урушда юрган эридан хабар бериб: «Эрингиз сизга, узоқ яшашни орзу қилди» деб айтади. Рус тилида *приказал долго жить* ибораси *қулоғи остида қолди*, яъни *вафот этди* деган маъно берса, юқоридаги ҳижжалаб қилинган таржимадан бундай фикрни англаб бўлмайди.

Автор тўртинчи хил хатолар жумласига таржимада асл нусхада бўлмаган сўзларни қўшиш ва уни «тўлдириш», «мукаммаллаштириш»га бўлган интилиш оқибатида келиб чиқадиган нуқсонларни киритган.

«Адабий таржима санъати» 30-йиллар таржимачилик практикасининг қисқача назарий умумлашмаси бўлиб, унда авторнинг бадний таржимага қараши, унинг принципларини қандай талқин қилиши, асосий категория ва тушунчаларини қай тарзда ўрганиши масалалари ўз аксини топган.

Санжар Сиддиқ таржимани асарнинг бошқа тилдаги тўлиқ нусхаси деб тушунади. Асарнинг мазмуни таржимада тўла-тўқис акс этиши билан бирга, унинг тилидаги равлонлик, тиниқлик ва соддалик ҳам акс этиши зарур. Асл нусхадан киши қандай таъсир олса, таржимадан ҳам худди шундай бадний баҳра олиши лозим.

«Жаҳон адабиётининг буюк ёзувчиларидаги бадний куч, улардаги услуб гўзаллиги ва мазмун чуқурлиги тилимизда тўла ва тўқис берилиши лозим».

Авторнинг фикрича, асар мазмунини унинг ғоясига мувофиқ тарзда тўғри кўчириш билан бирга, асл нусханинг бадний гўзаллиги ва услуб нафосатини сақлаш ва сўзма-сўзликка берилмай, «грамматика қондаларининг қуруқ дастурларига қўл бўлиб қолмай таржима қила билиш — механик равишда қондалар ўрганиш билан қўлга кирмайди». Бунинг учун узоқ ўқиш ва ўрганиш ҳамда малака ҳосил қилиш зарур. Таржима «косибчилик ҳунари», «қора иш» эмас, балки санъат, ижодий иш бўлиб, чуқур маълумот ва илм эгаси бўлишни талаб этади. «Адабиётчилик ҳаракатида таржима ўзига лойиқ ўринни олиши ва доимий ўрганиш, бир-бировни танқид қилиш, тажрибаларни ўртоқлашиш юзасидан тузалиб, ўсиб бориши керак».

Шуниси айниқса диққатга сазоворки, Санжар Сиддиқ айрим танқидчилар томонидан бадиий таржималар сифатини текшириб кўришда асосий мезон қилиб олинган тескари таржима қилиш принципини сунистеъмол қилиш қўпол хатоларга олиб келиши мумкинлигини алоҳида қайд этган эди. Бундан 30 йил муқаддам айтилган бу фикрнинг нақадар тўғри эканлиги кейинги вақтларда айрим танқидчиларнинг ана шу принципни асосий дастуриламал қилиб олиш натижасида йўл қўйилган жиддий хатолари мисолида ҳам яққол кўринади.

«Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда кишидан қандай шартларга риоя қилиш талаб этилса, — деб ёзади С. Сиддиқ, — у тилдан қайтариб таржима этувчидан ҳам ўшани талаб қилишга тўғри келади. Агарда биров «весь мир» сўзини «ер юзи» деб тўғри таржима қилган экан, буни русчага қайтариб таржима қилувчи ҳам «лицо земли» деб олмайтурган бўлиши лозим. Бинобарин, бир таржиманинг тўғрилигини ўлчашда аслига сўзма-сўз таржима қилиб кўриш қондасини жуда эҳтиёт билан татбиқ қилиш керак бўлади» (65-бет).

Санжар Сиддиқ асарнинг охириги қисмида ўз даврида бадиий ва сиёсий адабиётлар таржимаси, матбуот тилини кўркўрона, ҳижжалаб таржима қилиш оқибатида кириб қолган айрим ғализ, сунъий, ясама сўз ҳам иборалардан тилни тозалаш тўғрисида газета ва журналларда босилиб чиққан айрим мақолалардан олинган парчаларни кўчириб, «қўшимча» (67—72-бетлар) тарихида беради.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1935 йил 3 январь сонидан М. Ҳасаннинг «Матбуот тили ҳақида» босилган мақоласи ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Мақола автори айрим кишиларнинг ўйламай-нетмай таржима қилиши натижасида тилимизга кириб қолган *бўйича* (масалан, «Ўзбекистон бўйича план фалонча процент бажарилди» деганда; русча *по* предлогининг таржимаси), *қатор* («қатор колхоз» деганда; русча *ряд* сўзининг таржимаси) сўзларини ишлатишни танқид қилади. *Ишлаб чиқариш* деган сўзнинг ўзига хос маъноси бор. Масалан, «Мен кечаси билан ухламай ишлаб чиқдим» дейиш мумкин, аммо «Партия қарорларини ишлаб чиқариш керак» ёки «китобни ишлаб чиқдим» дейиш мумкин эмас.

«Бизда махсус бир типдаги таржимон бор, — деб ёзади М. Ҳасан. — Унинг хусусияти шундаки, у рус тилини ҳам, ўзбек тилини ҳам етарли даражада билмайди. Сиёсий ва умумий маданий савияси ҳам паст. Лекин саводи оз бўлса ҳам, ўз кучига ишончи катта. Дунёда ҳеч бир асар йўқки, бизнинг тилмочимиз унинг таржимасини ўз устига олмаса. Бугун у жузрофий бир асарни таржима этса, эртага астрономия китобла-

рининг таржимасига киришади, индинига Маркснинг «Капитал»ни таржима қилишга ҳам тайёр туради. Лекин ўзида жуғрофиядан ҳам, астрономиядан ҳам, марксизмдан ҳам бир чақалиқ маълумот бўлса-чи! Афсуски, таржимадан кейин ҳам унинг бошида ҳеч нарса қолмайди, чунки у таржима қилаётган нарсаларнинг маъносига тушунмасдан сўзма-сўз кўчириб чиқиш билан қаноатланади. холос. Таржима вақтида ўқувчи тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди, маънини тушунтириш ҳақида қайғурмайди, жумла тушунарлик бўлсин, маъно сақлансин, деб бош оғритмайди. Ҳалиги ўринсиз «бўйича»лар, «қатор»лар... мана шу «устабузармон»нинг совғасидир» (68-бет).

Асарда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1935 йил 52-сонида босилган «Одам тушунмайдиган сўзлар ва осон тилда ёзиш зарурлиги тўғрисида» деган сарлавҳа остида берилган мақоладан таржимачилик ишига доир ўринлари берилган. Мақола автори ижтимоий-сиёсий адабиётга доир бир асарда таржимон рус тилидаги ўсиш, бойиш, кўтарилиш маъноларидаги *идти в гору* иборасини шу сўзнинг тўғри маъносида тушуниб, «Инқилобдан бурунги шароитда қулоқлар тоққа чиқар эдилар» деб, «Комсомольская работа среди детворы» номли китобчани эса «Ўғри болалар орасида комсомол иши» деб саводсизларча таржима қилингани айтилади.

Мақолада хабар қилинишича, 1935 йилда босилиб чиққан «Geografija atamalagi («География атамалари») номли китоб ўзининг биринчи саҳифаларидан бошлаб кишини таажжубга солади. Мақола автори, аввало, *çıçğafija* (жуғрофия) сўзининг *география* деб олинишига қарши. Чунки *жуғрофия* бизда оммалашиб, ўзлашиб кетган бир сўз бўлиши устига, *география* ҳам интернационал термин бўлмай, жаҳондаги кўпчилик тилларда уларнинг ўз талаффузига мувофиқ қўлланилади.

Бундан ташқари, луғат тузувчи киши жуғрофий номларнинг ўзи билган ўзбекча эквивалентларини топиб ишлатса ҳам, кўп ҳолларда уларнинг ўзбекча муқобилларидан кўз юмган. Масалан, *Aqmulla* [Оқмулла тўғриси (Оқ мўла)] *Maçaristan* (Можористон), *Gurçistan* (Гуржистон), *Gabaltariç* (Жабалторик), *Frat* (Фрот), *Dacla* (Дажла), *Qahira* (Қоҳира) каби ўзбекчада маълум ва машҳур исмларни: *Akmaİnsku* (Акмолинский), *Vengrija* (Венгрия), *Gruzija* (Грузия), *Gibraltar* (Гибралтар), *Jevfrat* (Еврат), *Tigr* (Тигр), *Kair* (Каир) шаклларда беради. Италиянинг пойтахти *Roma* (Румо) шаҳрини *Misir* (Миср) деб олган.

Мақола авторининг фикрича, саводсизларча қилинган бундай таржималар ва чала-чулпа тузилган луғатлар бора-

бора нотўғри шаклда ўзлашиб қолиб, тилни чалкаштириши мумкин.

Хуллас, Санжар Сиддиқнинг „Адабий таржима санъати“ асари 1935—1936 йилларга қадар қилинган бадий, сиёсий ва, қисман, илмий адабиётлар таржимасининг қисқача назарияси бўйича яратилган ишлар орасида алоҳида диққатга сазовор бўлган салмоқдор асардир.

Таржима назарияси тараққиётининг янги босқичи

Ўзбекистонда таржима тарихи, назарияси ва танқидига доир жами юздан ортиқ мақола, тақриз бир нечта монография, брошюра ва битта мақолалар тўплами босилиб чиқди. Буларнинг бир қисмига ҳозиргача алоҳида китоб шаклида чоп қилинган ишларда ва кандидатлик диссертацияларида обзор берилган. Ушбу ишда уларнинг ҳаммасини таҳлил қилишга зарурат йўқлиги табиий. Аммо, таржима назариясининг шаклланиши ва юксалишида алоҳида ўрин тутадиган, аммо етарли даражада ўрганилмаган, ютуқ ва камчиликлари объектив суратда очиб берилмаган ёки турли мунозараларга сабаб бўлган айрим мақола ва китоблар тўғрисида алоҳида фикр юритишга тўғри келади.

Бадий таржимачилик ишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда, бу соҳадаги асосий қийинчиликлар нимадан иборат эканлиги ва уларни қандай бартараф қилиш ҳамда бадий таржима сирларини билиб олишда сўз санъатининг соҳибкорлари бўлган таржимонларнинг ўзлари ёзган мақолалар алоҳида ўрин тутади. Шу жиҳатдан марҳум таржимон Наби Алимўхаммедов, ёзувчи ва таржимон Асқад Мухторнинг бадий таржима санъатини эгаллаш масалаларига бағишланган мақолалари, ёзувчи ва таржимон Мирзакалон Исмоиловнинг Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини таржима қилишда Абдулла Қаҳҳорнинг маҳоратини ўрганишга доир ёзган мақоласи катта аҳамиятга моликдир. Хусусан, Рустам Абдурахмоновнинг таржима назарияси юзасидан Тошкент партия мактабида бир неча йиллар мобайнида ўтказиб келган амалий машғулотлари жуда катта қимматга эга. (Афсуски, ана шу машғулотларнинг материаллари автор томонидан тўпланиб тартибга солинмаган ва нашр эттирилмаган).

Бадий таржима усталаридан Наби Алимўхаммедовнинг «Таржима санъати тўғрисида баъзи мулоҳазалар»¹⁷ номли мақоласи, унда авторнинг соф назарий мулоҳазалар соҳасида йўл қўйган айрим хато ва камчиликларидан қатъи назар, Ўзбекистонда бадий таржима ишини чинакам санъат даража-

¹⁷ «Шарқ юлдузи», 1947, 1-сон.

сига кўтариш масалаларига доир кўпгина қимматли, амалий кузатишларга сероб бўлган ишлардан биридир.

Наби Алимухаммедов бу мақоласида Н. А. Некрасовнинг ўзбек тилига ўгирилган шеърларини таҳлил қилган. Унинг таъбирича, Н. А. Некрасовнинг тили ғоятда кучли, иборалари таъсирчан ва сермаънодир. Уларнинг маъносини чақмоқ учун ўткир тиш керак.

Таржимоннинг вазифаси, мақола авторининг талқинича, бошқа тилда ёзилган бадий асарни ўз тилининг сарф-наҳви-га, талаффуз ва оҳангига оид бўлган барча хусусиятлари имкон берган даражада, таржима қилинаётган асарнинг на руҳига, на мазмунига, на шакли ва оҳангига зарар етказмасдан ўз тилига ўгириш, асл нусхадаги ибора ва ифодаларга, образларга, руҳ, маъно, вазн, оҳанг жиҳатидан ҳамда дилда ҳосил қиладиган туйғулари, мияда тугдирадиган тасаввурлари жиҳатидан тамомила мос ва монанд бўлган сўз ва ибораларни ўз тилидан топмоқдир.

Таржимонга шундай аниқ ва қатъий талаб қўйган Н. Алимухаммедов Н. А. Некрасов шеърларининг таржимасини астойдил таҳлил қилади. Унинг кўрсатишича, айрим таржимонлар тарихийлик принципини бузган ва миллий ҳамда маҳаллий колорит билан ҳисоблашмаган ҳолда Н. А. Некрасовнинг кўп шеърларига ҳозирги замон нуқтан назаридан қараганлар ва уларга ташвиқот тўни кийгизишга ҳаракат қилганлар. Бунинг оқибатида шоирнинг ғоят кучли ва чуқур маъноли бадий фикрларини, ўқувчининг дилига озиқ берадиган сўзларини яланғочлаб, соддалаштириб ва суюқлаштириб юборганлар.

Мақола автори: «Шоир ва гражданин» шеърисидаги:

Сукут этар момақалди роқ,
Тубсиз тўлқин-ла кўк баҳс этар

мисраларида «момақалди роқнинг сукут этиши»ни тасаввур қилиш менга қийин бўлди деб, таржимага эътиборсизлик билан қарашни қаттиқ қоралар экан, баъзан биттагина сўзни тушунмай ўгириш таржима қилинаётган бутун бир шеърни майиб қилиб қўйиши мумкинлигини қайд этади.

Наби Алимухаммедов машҳур рус шоири В. А. Жуковскийнинг таржимон ҳақида айтган фикрини келтиради. Чунончи, унинг таъбирича, таржимоннинг ижоди бамисоли чақмоқ тошига ўхшайди. Чақмоқ тоши бошқа бир тошга урилмаса, ундан ўт чақнамайди. Шунга ўхшаш, менинг илҳомим ҳам, дейди В. А. Жуковский, чақмоқ тошига ўхшаш, бировларнинг «тоши»га урганда ўт чиқаради. В. А. Жуковский бу билан ўз ижодининг катта улушини таржима асарлари ташкил этса

ҳам, улар ўзининг илҳомидан чиққан ўт эканлигини айтади. — Бизнинг таржимонларимиз ҳам ўз чақмоқ тошларидан ана шундай ўт чиқаришлари керак эди, лекин, афсуски, ўт чиқмапти, — деб қайд этади мақола автори ва шундай хулосага келади: уларнинг тошлари ё чақмоқ тоши эмас, ё астойдил урмаганлар.

Ўзининг оригинал ва таржима асарлари билан кўзга кўринган ёзувчи ва таржимон Асқад Мухторнинг бадий таржима масалаларига доир мақола ва докладлари таржима санъатини юксалтиришда алоҳида ўрин тутади. У бадий таржимани халқлар ва адабиётларни бир-бирига яқинлаштирувчи, улар ўртасидаги алоқани мустаҳкамловчи ажойиб восита деб билар экан, бадий ижоднинг бу соҳасида халтура ва ўзибўларчиликка йўл қўйиш ҳолларини кескин қоралайди, таржимачиликнинг амалий проблемаларини ўрганиш ва бундан умумлаштирувчи хулосалар чиқариш бобида эса ҳар қандай сохта «назариябозликка» қарши кескин курашади.

Асқад Мухторнинг «Бадий таржима маҳоратини эгаллайлик»¹⁸ ҳамда «Еще раз о мастерстве перевода»¹⁹ номли мақолалари 50-йиллар таржимачилик практикасини таҳлил қилиб берган сермазмун илмий ишлардир.

Асқад Мухтор ўзининг биринчи мақоласида совет даврида рус адабиётидан қилинган илк таржималарда сарой адабиётига хос маъносиз, сербезак, дабдабали тасвир услубининг ва қуруқ безакдор формалистик манераларнинг асари борлигини тўғри кўрсатади. У бизнинг таржималаримизда фақат рус халқининг ҳаётига хос бўлган айрим тушунчаларни уларнинг мантиқан номувофиқ ўзбекча муқобиллари билан алмаштирилиши ҳодисасини танқид қилади.

Авторнинг қиёс қилишича, образлиликни тушуниб етмаслик—ҳамма гул-у меваларни ва япроқларни сидириб ташлаб, китобхонга қуруқ ва яланғоч шохни тақдим этиш билан барабар.

Автор бадий таржиманинг асосий шартларидан бири бўлган бадийликни акс эттиришга жиддий эътибор қилган ҳолда ана шу бош масалада хилофлик сезилган баъзи бир таржималарни танқид остига олади. Масалан, унинг кўрсатишича, таржимон Малик Раҳмон И. С. Тургеневнинг «Оталар ва болалар» номли асарида ёзувчининг чуқур, ажойиб бадий тасвирини оддий ва қуруқ баёнга, унинг ранг-баранг бадий воситаларини жонсиз ва шуурсиз сўзларга алмаштиради.

И. С. Тургенев — ажойиб сўз санъаткори. Унинг тилида

¹⁸ «Шарқ юлдузи», 1952, 7-сон.

¹⁹ «Звезда Востока», 1954, № 2.

ҳар бир образ ёки персонажнинг ҳар бир вазияти, ҳолати ва ҳаракати айна ўша контекстга мувофиқ келадиган сўз билан мукофотланади. Масалан, ёзувчи тилида *печально, приуныло, гневно, отчаянно, угрюмо* каби равишлар ҳамда *возопил, пробормотал, отвечал, воскликнул, сказал, залепетал, отозвался, повторил, произнёс* каби феъллар ишлатилади. Таржимон бўлса бу сўзларнинг ҳаммасини бир сўз билан, масалан, барча феълларни биргина *деди* сўзи билан айирбош қилиб қўя қолади.

Таржима жараёнида асл нусхада тасвирланган конкрет вазият билан ҳисоблашиш ва бунда ҳар бир қўшимча, ҳар қандай кўмакчи ва сўзнинг нозик маъно хусусиятларини эътиборга олиш қанчалик муҳим эканлигини Бубенновнинг «Оқ қайин» романи таржимасидан олган бир мисол орқали жуда усталик билан кўрсатиб беради. Чунончи, «Снаряд разорвался п е р е д колонной» гапини таржимон «Снаряд н а қ колонна у с т и д а ёрилди» деб ағдарган экан, колонна тирик қолдими, ер билан яксон бўлиб кетдими, афтидан, унинг бундай «икир-чикир»лар билан иши йўққа ўхшайди, деб таржимондан аччиқ кулади мақола автори.

Шуниси диққатга сазоворки, Асқад Мухтор асл нусханинг бадий руҳини таржимада акс эттириш масаласига алоҳида эътибор қилар экан, айрим тадқиқотчиларимизда бўлгани каби, проблемани умумий мулоҳазалар, чиройли, аммо мавҳум гаплар ичига кўмиб юбормайди. Бунинг аксича, бадий маҳорат масаласини қарийб қуруқ грамматик категорияга айлантиришга интилиш томонига қараб ҳам тойиб кетмайди. У бадий таржимада бадий маҳоратга бадий сўз орқалигина эришиш мумкин эканлигига имони комил бўлган ҳолда, «тил» тушунчасини «бадий тил» маъносига кенг тушунади. Унинг мулоҳазалари ва келтирган мисоллари сўзнинг лингвистик структурасини ҳам, бадий маъносини ҳам етук тилшунос ва адабиётшуностан кам тушунмаслигидан далолат беради.

Асқад Мухторнинг иккинчи мақоласида ҳам бадий таржимада автор услубини тўғри акс эттириш масаласи билан боғлиқ ҳолда бир қанча амалий тадбирлар хусусида гапирилгандан сўнг, яна тил масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилади. Чунончи, баъзи таржималарнинг тили ниҳоятда қашшоқ, ҳар қандай бадий ширадан маҳрум эканлиги кўрсатилади. Бунинг натижасида табиат манзаралари, образлар портрети ва уларнинг ички руҳий дунёси тасвири жуда саёз, юзак ва шартли равишдагина «аслига тўғри» бўлиб чиқаётганлиги жонли мисоллар билан кўрсатиб берилган.

Мақолада ҳижжалаб таржима қилиш ҳолларига жиддий

зарба берилган. Шу муносабат билан автор бадий таржиманинг сифатига баҳо берганда уни асл нусхасига қайта таржима қилиш билан уларни солиштириш усулининг тамомила зарарли эканлигини очиб ташлайди.

А. Мухтор бу мақоласида бадий таржиманинг илмий асослари яратилмаганлиги, жуда кўп китобларнинг ўзбекча таржимаси ҳақида мақола ва тақризлар босилиб чиқмаганлиги, бадий таржима проблемалари юзасидан мунозара қилинмаслиги ва бошқа шу каби масалаларни майдонга ташлаган.

Асқад Мухтор таржимонларнинг Олмаота кенгашида қилган, «Бадий асарларни рус тилидан ўзбекчага таржима қилишнинг баъзи масалалари»²⁰ номи билан алоҳида китобча шаклида босилиб чиққан сермазмун докладида бадий таржима адабиётининг сифатини яхшилаш юзасидан чуқур илмий мулоҳазалар ва ишнинг ташкилий томонига боғлиқ янги тақлифларни илгари суради.

Асқад Мухтор бу асарда кекса, миришкор ва ёш, истеъдодли таржимонлар бир неча йиллар мобайнида тўплаган бой тажрибани синчиклаб кузатиб бориш натижасида туғилган бадий таржима принципларини аниқлаб беради.

Ҳар бир таржимоннинг ўз сеvimли ёзувчиси бўлиши ва у ўша ёзувчининг асарларини таржима қилишга ихтисослаштириш лозим деган талаб унинг олдинги мақолаларида ҳам қўйилган эди. Аммо ушбу асарда у масалани бу тахлитда қўйишнинг жиддий сабабларини бирма-бир кўрсатиб беради. Бу мулоҳазалар ўзбек тилига қилинган таржимада ёзувчининг бутун миллий қиёфаси, бадий салоҳияти, тил ва услуб хусусиятларини тўла акс эттириш заруриятини чуқур ҳис қилиш натижасидир.

Дарҳақиқат, оригинал асар ёзувчи санъаткорлар орасида бадий ижоднинг ҳамма соҳаларини баравар қойил қилган кишилар йўқ ва бўлиши ҳам мушкул бир нарса. Масалан, ҳам шеър тўқийдиган, ҳам роман яратадиган, ҳам саҳна асарини ёзадиган, ҳам фожиавий, ҳам комик асарлар ижод этадиган, саноат темасида ҳам, қишлоқ хўжалиги темасида ҳам қалам тебратадиган универсал ёзувчи ёки шоир йўқ. Абдулла Қаҳҳор ҳикоянинг устаси бўлса, Шайхзода шеърятда шуҳрат қозонган, Мирзакалон Исмоилий ўз романлари билан ном тاراتди, Қуддус Муҳаммадий эса болалар учун шеър битади

²⁰ Асқад Мухтор, Некоторые вопросы перевода художественной литературы с русского языка на узбекский, ГИХЛ, Ташкент, 1957. («Материалы регионального совещания по переводу литературы с русского на языки народов Средней Азии, Казахстана и Азербайджана», Госиздат КазССР, Алма-Ата, 1960, стр. 67—83).

ва ҳоказо. Бадий ижодда ўзини ҳар соҳага урган киши бирон тузукроқ нарса яратиши амри маҳол.

Бадий таржима соҳасида ҳам шохдан-шоҳга қўниб юрган киши сўз санъати намунаси яратиши мумкин эмас.

Асардаги акс этган миллий колоритни акс эттириш масаласи бошқа кўп илмий ишларда ҳатто махсус проблема сифатида ўрганилган. Шуниси ҳам борки, айрим илмий ишларда миллий колоритни акс эттириш шунчаки ҳар бир халқнинг миллий турмуш тахлитига хос айрим тушунча ва сўзларни тўғри таржима қилишдангина иборат бўлган бир масалага айланиб қолади.

Асқад Мухторнинг ишларида ҳам қандайдир бир эшон Иннокентийнинг мачитда намоз ўқиши каби кулгили фактлар кўрсатилади. Аммо бунга ўхшаш хусусий ҳоллардан у кенг кўламдаги муҳим илмий хулосалар ва умумлашмалар чиқаради. Чунончи, у таржима орқали китобхонни бошқа эл-юртларга олиб бормасдан, аксинча, асл нусхаларнинг ўзини китобхоннинг юртига кўчириш керак, токи асарда тасвирланаётган воқеалар гўё ўзбеклар элида юз бераётгандай туюлсин, деган принципиал нотўғри қарашга зарба беради ҳамда ҳар бир бадий асарнинг ўзига хос миллий формаси мавжудлиги, бадий таржимада уни акс эттириш зарурлигини қайд этади.

Автор бунда жуда муҳим бир масалани — таржима орқали тилни фақат бошқа тиллардан кирадиган сўзлар воситасидагина эмас, балки ўзбек тилининг битмас-туганмас ички хазинасидан — унинг хилма-хил шеваларидан ўз ўрнида баҳраманд бўлиш йўли билан ҳам бойитиш масаласини кўтаради. Дарҳақиқат, бизнинг аксари таржималаримизнинг луғат бойлиги жуда чегараланган, уларнинг тили жонли ва ҳаётий, кенг халқ оммаси сўзлашиб турган ажойиб, бой тил эмас, балки имкониятлари жуда тор бўлган публицистик тилдир. Бундан ташқари, «адабий тил» деб ҳисобланган ана шу тилда ҳам, жуда кўп сўзларга «диалектал», «арханклашган», «эскирган» тамгалари босилиб, таржимада улардан зарурат туйғайли фойдаланишга ҳам ғов солинган.

Асқад Мухтор юқорида эслатилган «Бадий таржима маҳоратини эгаллайлик» номли мақоласида асар ва қаҳрамонларнинг миллий хусусиятларини йўққа чиқариб, уларни маҳаллий китобхонга «мослаштириш» тенденциясининг қолдиқлари ҳозиргача айрим таржимонларнинг фаолиятларида сақланиб қолаётганлигини танқид қилар экан, бунга мисол тариқасида Миртемирнинг *помещик* сўзини *барабеги*, *заминдор*, *рыцарь* сўзини *пахлавон*, *князь* сўзини *бек* деб таржима қилганлигини қоралаган эди. Ўзининг кейинги ишида эса

автор Миртемирнинг таржимонлик фаолиятидаги диққатга арзигулик ижобий ҳолатларни ёритади. Миртемир рус халқининг турмуш тахлитигагина хос, ўзбек тилида эквивалентлари бўлмаган *барин, сударь, дворянин, помещик, барышня* ва бошқа шу каби сўзларни саралаб, маъно томондан уларга мувофиқ келадиган муқобил вариантларни бошқа туркий тиллардан қидиради. Масалан, *афандим* сўзини озарбайжон тилидан, *ҳазратни* татар тилидан, *ойимқизни* Фарғона шеvasидан, *бегойимни* архаик сўзлар орасидан, *заминдорни* тожик тилидан қидириб топади ва уларни ўз ўрнида жуда усталик билан ишлатади.

Демак, автор ўзининг олдинги мақоласида Миртемирнинг *помещик* сўзини *заминдор* деб ишлатганини қоралаган бўлса, кейинги ишида буни ижобий бир факт сифатида маъқуллайди. Дарҳақиқат, авторнинг бу фикри жуда ўринлидир, зотан, унинг кўрсатишича, *помещик* сўзини *катта ер эгаси* ёки *бой* деб бериш мумкин эмас, чунки кейинги сўзда маҳаллий халқнинг ўзига хос тушунчасини аке эттирувчи маъно қирраси бор. Аммо *замин* сўзи ҳаммага тушунарли, *-дор* қўшимчаси ҳам ўзбек тилида бор, шунингдек, *заминдор* сўзи маъно томондан рус тилидаги *помещик* сўзига мувофиқ келади.

Шундай қилиб, Асқад Мухтор ўзининг бир мақоласида бадий таржимада миллий колоритни аке эттиришда асар таржима қилинаётган тилдаги тор миллий ва маҳаллий сўзларни ишлатишдан эҳтиёт бўлиш кераклигини қайд этар экан, бошқа бир ишида бу қоидага бамисоли изоҳ беради, яъни миллий колоритни аке эттиришда тор миллий хусусиятларга эга бўлган айрим сўзлардан сақланиш лозимлиги, умуман, тилнинг лексикасидаги унинг ўзига хос ҳамма сўзлардан воз кечиш керак, деган маъно чиқариш учун асос бўлмаслигини уқтиради. Ўз-ўзидан маълумки, юқоридаги бир ёқлама қоидага амал қилинадиган бўлса, оғизда бадий таржималарнинг лугати қуруқ, қашшоқ ва чегараланганлигини танқид қилиш баробарида амалда ана шу лексик қашшоқлик учун назарий асос яратиб берилган бўлар эди. Аммо Асқад Мухтор бадий таржимадаги ҳар бир ҳодисани таҳлил қилар экан, бир ёқламаликка асло йўл қўймайди.

«Звезда Востока» журналининг 1951 йил 11-сонида М. Салье ва Н. Владимирова томонидан ёзилган «Бадий таржиманинг баъзи проблемалари тўғрисида» («О некоторых проблемах художественного перевода») номли мақоласи босилиб чиқди. «Шарқ юлдузи» журналининг 1957 йил 6-сонида Н. Владимированинг «Бадий асар таржимасида миллий хусусиятни сақлаш масаласи» сарлавҳали ҳамда «Звезда Вос-

тока» журналининг ўша йилги 8-сонида «Оригиналда тасвирланган образни таржимада қайта яратиш» номли мақолалари босилди.

Ана шу мақолалар, кузатишлар натижаси ўлароқ 1957 йилда филология фанлари кандидати Н. Владимированинг «Рус тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг баъзи бир масалалари»²¹ номли асари майдонга келди.

Бадий таржима масалаларига бағишланган бу салмоқли асар то шу кунгача матбуотимизда тегишли баҳоланмаганлиги ҳамда мазкур ишнинг мавзуи китоб ҳақида муфассалроқ тўхталишни тақозо этади.

Бу асарда таржимада образни қайта тиклаш, асл нусханинг миллий хусусиятини сақлаш ва услуб масалалари махсус бобларга бўлиб текширилган.

Автор, ўзи қайд этганидек, китобда бир қанча мисолларни таҳлил қилиш асосида ўзбек таржимонларининг ютуқларини кўрсатишга, таржимада образ, миллий колорит ва асл нусханинг услубини қайта тиклаш масалаларида йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш йўллари белгилашга ҳаракат қилган (118-бет).

Дарҳақиқат, бу китобда ўзбек таржимонлари олдида турган асосий қийинчиликлар тўғри кўрсатилди. Таржимада персонажлар тилининг ўзига хос хусусиятлари, образ ва персонажларнинг портретлари, уларнинг ҳаракатлари ва характерларини ҳамда табиат манзараларини акс эттириш масалалари юзасидан баён қилинган фикр ва мулоҳазалар айниқса эътиборга лойиқдир (60, 61—64-саҳифаларга қаранг).

Ушбу асарнинг муҳим аҳамияти шундаки, у ўлкамизда келажакда катта таржима назарияси яратиш учун замин тайёрлади, жуда муҳим назарий масалаларни ўртага ташлади, бадий таржима проблемаларига илмий жамоатчиликнинг диққатини жалб этди.

Н. Владимированинг «Рус тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг баъзи бир масалалари» номли асарида бир қанча жиддий нуқсонлар ҳам кўзга ташланади.

Аввало, асарнинг назарий таг-замини тор. Автор «Ўзбекистонда ҳозирча таржима масалаларига бағишланган махсус монография ёки махсус мақолалар тўплами йўқ» (10-бет) деб ёзиши билан 30-йиллардаёқ Маннон Роиқ, С. Е. Паластров ва Санжар Сиддиқнинг таржима назариясига доир алоҳида китоблари босилиб чиққанлиги ҳамда С. Ҳусайн, С. Е. Паластров, М. Даврон ва бошқаларнинг бир қанча

²¹ Н. Владимирова, Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык, Изд-во АН УзССР, Ташкент, 1957.

мақолалари матбуотда эълон қилинганлигидан ўзининг бутунлай хабарсиз эканлигини кўрсатади. У асарда таҳлил этилган кўпгина назарий муаммолар (баъзан ҳатто айнан бир хил мисоллар билан) 30-йиллардаёқ кун тартибига киритилганлигини лоақал эслатиб ҳам ўтмайди. Бунинг натижасида республикада таржима назариясининг шаклланиши ва тадрижий тараққиёт жараёни мутлақо кўрсатилмаган.

Ишнинг кўпгина саҳифаларида авторнинг майда-чуйда тафсилотларга берилиб кетганлиги кўринади. Масалан, тадқиқотчининг талқин этишича, А. П. Чеховнинг «Ниқоб» ҳикоясида Абдулла Қаҳҳорнинг таржимонлик маҳоратини кўрсатувчи далиллардан бири унинг *подвигътесть* сўзини *сурилинглар* эмас, балки *силжинлар* деб таржима қилганидадир. Бу, эҳтимол, тўғридир, ammo бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди.

Шу ҳикоядаги «газету он изорвал в клочки» жумласини «газетани йиртиб ташлади» эмас, «газетани майда-майда қилиб ташлади» деб; «стукнул кулаком по столу так, что на подносе запрыгали стаканы» гапини эса «столга шундай урдик, ҳатто стаканлар сакраб кетди» шаклида эмас, «газаблениб ва столга муштлаб, стаканларни сакратиб юборди» деб ағдариб Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий маҳоратини кўрсатувчи далил тарзида таъкидланади. Шу муносабат билан *йиртмоқ, майда-майда қилиб ташламоқ, сакрамоқ, сакратмоқ* феъллари Пятигоровнинг характерига қанчалик тўғри келишкелмаслиги ва ҳоказо шунга ўхшаш «фактчалар» атрофидаги узундан-узоқ мулоҳазалар асарнинг бир неча саҳифаларига чўзилади (32—33, 35—38, 50—51-бетларга қаранг).

Н. Владимирова айрим саҳифаларда ишнинг асосий мақсадига жавоб бермайдиган, аксинча, унга зид мисолларни танлайди-да, таржимани ноўрин мақтайди. Мисол учун А. П. Чеховнинг «Ванька» ҳикоясидан олинган қуйидаги парчани унинг таржимаси билан қиёс қилиб кўринг:

«А на неделе хозяйка велела мне почистить селедку, а я начал с хвоста, а она взяла селедку и ейной мордой начала меня в харю тыкать».

«Ўтган ҳафта бўлса хўжайка менга селедка балиқ тозалашга буюрди, мен уни думидан тозалай бошлаган эдим. Хўжайка қўлимдан тортиб олди, унинг калласини башарамга ишқай бошлади».

Ана шу мисол асосида автор қуйидаги фикрларни баён қилади: «Морда» иборасига таржимон — «калла», «харя» сўзига эса «башара» деган мувофиқ эквивалент сўз топа олган. Таржимон персонаж нутқи учун худди ана шу қўпол

иборалар асосий нарса эканлигини сезган, шунинг учун у таржимада нутқ оҳангини пасайтирмайди, жумланинг умумий маъносини бериб қўя қолмайди, балки унинг ўзига хос моҳиятини акс эттиради. Кўрамизки, таржимон Ванька нутқини таржима қилиш учун эквивалент топа олган. Бу сўзларда боланинг шунчаки арзи-қолигина эмас, балки бўлаётган воқеаларни ўзича идрок қилиши ҳам берилган. Таржимада образ оригиналлик хусусиятларига эга бўлган, бинобарин образнинг энг муҳим хусусияти — унинг нутқи тўғри берилган» (50-бет). Хуллас, авторнинг талқин қилишича, «таржимон бу гапда персонаж нутқининг характери бера олган».

Ҳақиқатда эса, «Ванька» ҳикоясининг кейинги таржимаси А. П. Чеховнинг ўзбек тилига ёр таржима қилинган асарларидан биридир. Далил учун узоққа бормай, авторнинг юқорида келтирган мисолидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Аввало, Ванька нутқининг «характери»ни акс эттириш ундаги *морда* ва *харя* сўзларининг ўзбекча *калла* ва *башара* каби эквивалентларини топиб ишлатишдан иборат эмас, чунки таржима санъатидан сал-пал хабари бўлган ҳар қандай киши ҳам, албатта, бу сўзларни услуб томондан силлиқ бўлган *бош* ва *бет* синонимлари билан алмаштирмаган, балки худди шундай таржима қилган бўлар эди.

Ванька нутқининг хусусияти унда сўзларнинг болалар нутқига хос синтактик бирикишида, мунг ҳосил қилувчи оҳангидадир.

Профессор Т. Н. Труневнинг кўрсатишича, Ваньканинг нутқида ишлатилган 450 та сўз орасида *а* ёрдамчи сўзи бот-бот такрорланиб келади. (Н. Владимирова келтирган кичик бир парчанинг ўзидаёқ бу сўз уч марта такрорланган: «*А* на неделе», «*а* я начал», «*а* она взяла»; булардан ташқари: «*а* Москва город большой», «*а* овец нет» ва ҳоказо). Ванька нутқининг бу хусусияти қадимги рус тилининг баён услубини эслатади. Масалан, Афанасий Никитиннинг «Хождение за три моря» асаридан олинган мана бу парчага эътибор қилинг: «И тут есть Индейская земля, и люди ходят наги все, *а* голова не покрыта, *а* груды голы, *а* волосы в одну косу плетены, ...*а* детей у них много, *а* мужи и жены все черны...»²².

Ванька нутқининг ана шу асосий хусусиятлари таржимада ўз аксини топмаган, натижада у, А. П. Чехов айтганидай, «Аляхин деган этикдўзга берилган тўққиз яшар бола» эмас, балки маълумотли, катта одамлар сингари ажабтовур мулоҳаза юритадиган бир кишига айланиб қолган.

²² Проф. Т. Н. Трунев, О языке письма Ваньки Жукова, «Русский язык в школе», 1954, № 4.

Маълумки, мақол, матал ва идиоматик ибораларнинг таркибида тор маҳаллий маънода ишлатилган, топонимик хусусиятларни акс эттирувчи, айни халқнинг фақат ўзига хос урф-одатлари ва маросимларининг мазмунини ўзида мужассамлантирган, соф миллий руҳ билан суғорилган сўзлар бўлса, улар бошқа тиллардаги шундай фразеологизмларга мазмунан жуда ўхшаса ҳам, муқобил ёки эквивалент бўлолмайдилар.

Н. Владимирова «Староста» ҳикоясида *я ему покажу кузькину мать* идиоматик иборасининг *мен у харомининг жазосини бериб қўлман* деб таржима қилинганини қониқарсиз топиб, ўзбек тилидаги *онангни учқўрғондан кўрсатаман* иборасини юқоридаги идиомага жуда мувофиқ эквивалент деб ҳисоблайди (74-бет).

Аввало, *показать кузькину мать* идиомасининг бошқа асарларда ва бўлак туркий тилларда қандай таржима қилиниши билан танишайлик. А. П. Чеховнинг «Хамелеон» ҳикоясида бу идиомани Абдулла Қаҳҳор *мен унга кўрсатиб қўяман* деб берган бўлса, у озарбайжон тилига *мэн онун дэдәсинә од вурарам* деб, қозоқ тилига *мен оның көресісін көрсетейін* шаклида ва туркман тилига *мен ол гырнакдан болана гөркезерін* деган ибора билан ағдарилган.

Шундай қилиб, таржима практикасида бу идиома ҳар бир тилда мавжуд бўлган ҳар хил муқобил фразеологик вариантлар билан алмаштирилган. Зотан, ҳар бир тилда ҳам бу иборанинг синоним вариантлари кўп учрайди. Ҳатто ўзбек тилининг ўзида ҳам у бир неча хил фразеологик иборалар билан ағдарилган. Аммо, шуниси диққатга сазоворки, бирон тилда, бирон ўринда, биронта таржимон ҳам русча *показать кузькину мать* идиомасини фақат ўз миллий тилига хос ва ўз маҳаллий шаронтининг маҳсули бўлган фразеологик ибора билан таржима қилмаган. Бунинг сабаби Асқад Мухторнинг қуйидаги сўзларидан ҳам маълум бўлади: «Мақол ва маталларни таржима қилиш масаласи [да]... рецепт бериш нимага олиб келишини яққол кўриш мумкин. «Шарқ юлдузи» журналида босилган мақолалардан бирида²³ мақолларни фақат мақоллар билан ҳамда маталларни фақат маталлар билан таржима қилиш талаб этилади. Бу мақолада келтирилган мисоллар ҳам ғалати: «Я ему покажу кузькину мать» маталини «Онасини Учқўрғондан кўрсатаман» деб ўгириш талаб қилинади.

²³ Н. Владимированинг «Шарқ юлдузи» журналининг 1957 йил 6-сонида босилган «Бадний асар таржимасида миллий хусусиятни сақлаш масаласи» номли мақоласи назарда тутилган (143—145-бетларга қаранг).

Ахир, буни Гоголь персонажи гапиради-ку, у бизнинг Учқўргонимизни қаёқдан билади дейсиз!»²⁴.

Бунда *Учқўргон* сўзи бизнинг ҳозирги имло чалкашликларимиз ичида қандай шаклда (*Учқўргон*, *уққўргон* ва *уч қўргон*) ёзилишидан қатъи назар, бари бир жой маъносини англатади. Буни ҳатто «шаҳарлар пайрови» аскиясида ҳам яққол кўришимиз мумкин:

«А к р о м ж о н. Алаклайверманг, «Пойтуғ»дан ўтиб кетдингиз.

И к р о м ж о н. Алжийверманг, ўзингизни У ч қ ў р г о н д а кўриб қоласиз.

А к р а м ж о н. Гапирмасам — гапирмадим, нима қилсангиз қилаверинг: атрофингиз Чортоқ»²⁵.

Бунда гап, албатта, муайян бир мақол ёки идиоманинг тўғри ёки нотўғри таржима қилинишида эмас, балки бу принципиал масала эканлигидадир. Башарти, *показать кузькину мать* идиомасининг *онасини учқўргондан кўрсатмоқ* идиомаси билан таржима қилиниши маъқулланадиган бўлса, бундай тақдирда *дураку закон не писан* мақолини ҳам, ўрнига қараб, *тентакка Тўйтепа нима (деган) йўл* матали билан таржима қилишга тўғри келар эди.

Бундан ташқари, турли тилларда маънолари бир хил, ammo турли географик объектлар асосида тузилган бир қанча маталлар бор. Масалан, руслар *язык до Киева доведет* (сўраган Киевни топади) десалар, французлар «тили узун одам Римни топади», хитойлар — «тили бор одам Бейпинга етади», ўзбеклар эса *сўраган Маккани топар* дейдилар. Бироқ, бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда бу маталарни бир-бири билан алмаштириб бўлмаслиги табиий бир ҳолдир. Чунончи, рус персонажи тилидан *сўраган Маккани топар* деб бўлмаганидай, ўзбек образи тилидан *язык до Киева доведет* дейиш мумкин эмас, албатта*.

Шу ўринда бадий таржима устаси ва таржима назарияси бобида катта хизмат қилган филология фанлари доктори К. Чуковскийнинг «Таржима санъати» асарига мана бу сўзлар эътиборни жалб қилади: «Санчо Пансанинг:

— Вот тебе, бабушка, и юрьев день!

ёки:

— Пропал, как швед под Полтавой!

ёки:

²⁴ Аскад Мухтар, Некоторые вопросы перевода художественной литературы с русского языка на узбекский, Гослитиздат УзССР, Ташкент, 1957, стр. 17.

²⁵ Расул Мухаммадиев, Аския, Ўзадабийнашр, Тошкент, 1962, 97-бет.

— Незваный гость хуже татарина!
деб гапириши мумкинми!

Ахир юрий куни ҳам, татар ҳам, Полтава ҳам рус тарихигагина хос маъноларга эга-ку, бинобарин, Санчо Панса (юз йил кейин) Тверь ёки Ярослав губернияларида туғилган бўлганидагина бу образларни ишлатиши мумкин эди, холос».

К. Чуковский ўша асарининг сал юқорироғида худди шу масалага алоқадор яна бир ажойиб фикрни баён қилган: «Гекльбери Финн»да Жим деган негрнинг [данг қотиб] ухлаши ҳақида «храпит богатырским храпом» ибораси ишлатилади, «Гарчи Миссисипи соҳилларида Соловей-разбойник [Қароқчи-булбул] ва Добрия-Никитич ҳақида кишиларнинг бирон нарса эшитганлари эҳтимолдан узоқ бир нарса бўлса ҳам, «Гекльбери Финн»да Жим деган негрнинг [данг қотиб] ухлаши ҳақида «храпит богатырским храпом» ибораси ишлатилади.

Натижада гўё мистер Сквирс ҳам, сер Мельбери Гок ҳам, лорд Верисофт ҳам — буларнинг ҳаммалари гарчи ўзларини британияликлар қилиб кўрсатиб юрсалар-да, амалда Коломнада, Пятисобачий тор кўчасида яшайдилар ва Шchedрин ёки Островскийларнинг персонажлари Иван Трофимичлардир деган таассурот туғилади»²⁶.

Кўп ҳолларда Н. Владимирова таржимада миллий колоритни акс эттиришнинг йўл-йўриқларини тўғри кўрсатади. Асарнинг миллий формасини автор тўғри тушунган ҳолда, таржимада уни бузиш ҳолларини кўрсатиб, бундан таржима практикаси учун фойдали хулосалар чиқаради. «Муайян асарнинг қаҳрамони ўз хатти-ҳаракатлари, фикрлари ва миллий характер хусусиятлари акс этган мақол, матал, ўзига хос ҳазил-мутуйибалари билан сугорилган нутқи орқали ўзининг миллий характерини гавдалантиради — буларнинг мажмуи асарнинг миллий қиёфасини яратади» (67-бет). Кўрамизки, авторнинг умумий назарий мулоҳазалари тўғри бўлиб, бу мулоҳазаларни таржима практикасига қўлаганида эса, баъзан юқоридаги каби нуқсонларга йўл қўйган.

Айрим ҳолларда Н. Владимирова таржимада ишлатилган оддий сўз ва ибораларнинг асл маъносинигина назарда тутиб, таржимон асарнинг миллий табиатини бузган деб уни ноўрин айблайди.

Фактга мурожаат этайлик. Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида савдогарлар Хлестаков ҳузурига арз-ҳол қилиб келганларида, «челом бьём вашей милости» деган иборани

²⁶ К. И. Чуковский, Искусство перевода, Academia, М.—Л., 1936, стр. 81, 78.

ишлатадилар. Буни ёзувчи Абдулла Қаҳҳор «жанобингизни зиёрат қилгани келдик» деб ағдарган. Бу ибора тожик тилига ҳам «ба ҳузури чанобатон барон додхоҳи омадем» деб таржима қилинган бўлса, марҳум Мухтор Авезов уни қозоқ тилига ҳам шу маънода «Қўлдық ўрамыз, тақсыр» деб ағдарган эди.

Тадқиқотчи Н. Владимирова *зиёрат қилмоқ* иборасини, нима учундир, фақат диний ибора маъносида тушунади. «Зиёрат қилмоқ, — деб ёзади у, — диний муқаддас жойларга бориб туриш, уларни тавоф қилишдир. Бироқ «Ревизор»да ҳеч ким тавоф қилмайди ва савдогарларнинг илтимосига диний-миллий маъно беришга ҳеч қандай зарурат йўқлиги мутлақо равшандир» (80-бет). Автор асарнинг 85-бетида айтиши шу мисолдан дарҳол назарий умумлашма яшашга шошилади: «...таржималардаги қусур таржимон томонидан ўз персонажлари ҳаракати ва уларнинг характерларини соф миллий руҳда тасвирлашдир (савдогарларнинг ревизор ҳузурига зиёрат қилгани боришлари...)».

Шундай қилиб, Н. Владимирова таржимонни «текстнинг миллий хусусиятларини» «нивелировка қилиш»да айблар экан, *зиёрат қилмоқ*нинг ўрнига *ўтиниб сўрамоқ, илтимос қилмоқ, ёлвариб арз-ҳол қилмоқ* каби сўзларни тавсия этади²⁷. Аммо бу сўзлар юқоридаги контекст ичида бадий маънога услуб томондан қовушадими ёки йўқми деган асосий масалани назардан четда қолдиради. Бошқача айтганда, русча-ўзбекча луғатлар таржимонларимиз учун жуда яхши қўлланма бўлиши билан бирга, улар ҳар қандай контекст ичида ҳам баб-баравар мувофиқ келаверадиган тайёр рецептлар яратиб бермаганлиги ва бера олмаслигига етарли аҳамият бермайди.

Ҳамонки, мушкуллимизни осон қилувчи нарса — луғат экан, биз ҳам, шу одатга кўра, ўзбекча-русча луғатга мурожаат этамиз: «Зиёрат *рел.* паломничество, посещение святых мест; зиёрат қилмоқ; 1) совершать паломничество; посещать святые места; 2) *перен.* навещать, наведываться; *сизни зиёрат қилай деб келдим* я пришел навестить вас»²⁸.

Демак, *зиёрат* сўзининг чиндан ҳам диний маъноси бор. Масалан, «Ҳожии афандим Маккани беш марта зиёрат қилган табаррук киши». Аммо шоир Мирмуҳсиннинг «Ильичга боқиб...» сарлавҳали шеъри («Совет Ўзбекистони»

²⁷ Бу «вариант»лар русча-ўзбекча беш томлик луғатдан айнан олинган (V том, 609-бет).

²⁸ «Ўзбекча-русча луғат», Хорижий ва миллий луғатлар Давлат нашриёти, М., 1959, 166-бет.

газетаси, 1965 йил 17 октябрь сони)даги «Чет элга борамиз — эъзозу икром... Зиёрат қиларлар, суратга оларлар» мисраларини ўқиган қайси китобхон совет кишисини «диндор бўлгани учун» зиёрат қилдилар, деб тушунадди: Яна бир нечта мисол. «Пионерлар Москвада Ленин мавзолейини зиёрат қилдилар» («Ленин учқуни» газетасидан). «Делегация аъзолари Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган жангчиларнинг қабристонини зиёрат қилдилар». «Қобул, 18 ноябрь. ...Совет ҳукумат делегацияси... XV асрнинг биринчи ярмида қурилган ва бир вақтлар ғоят катта ансамбль бўлган мадрасани ва унинг бўйи 50 метрга яқин минорасини кўздан кечирдилар. Улар ўрта аср Шарқнинг машҳур шоири Алишер Навоий қабрини ҳам зиёрат қилдилар» («Қизил Ўзбекистон» газетасидан). Улуғ Ленин мавзолейи, Ватанимиз учун жонини фидо қилган жангчилар ва Алишер Навоий дафн қилинган қабристон бизнинг назаримизда шу қадар муқаддас жойларки, бунда *бориб кўрмоқ* ёки *кўриб келмоқ* каби феъллар ҳаракатнинг мақсадига семантик томондан мутлақо қовушмаган бўлар эди.

«Ревизор» комедиясида бадний сўз санъаткорлари Мухтор Авезов ва Абдулла Қаҳҳор савдогарларнинг Хлестаков ҳузурига хожатраво бўлиб боришларини *қуллуқ қилмоқ* ва *зиёрат қилмоқ* феъллари билан ифодалаган эканлар, бу уларнинг Гоголь комедиясининг нозик услуб хусусиятларини нақадар чуқур идрок қилганликлари ва ўз таржималарида ғоят усталик билан акс эттира олганликларини кўрсатаднки, одатда бундай маҳорат учун таржимонларга таъна қилмайдилар, балки таҳсин ўқийдилар.

Комедияни таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Сўз устаси Абдулла Қаҳҳор «Ревизор»ни таржима қилишда бой, жонли тилимизнинг барча воситаларидан жуда баракали фойдаланган. Битта мисол: Ҳоким Хлестаковнинг қандай одам эканлигини унинг хизматкори Осипдан сўрар экан, «...Ну, что, друг, как твой барин?.. строг? любит этак распекать, или нет?» дейди. Кейинги жумлани таржимон «одамларни қовуриб турадимиз?» деб берган. Н. Владимированинг шу жумла ҳақидаги мулоҳазаларига эътибор қилинг: «Бу хил ҳижжалаб таржима қилиш гапни сийқалаштириб юборади ва уни ланж қилиб қўяди. Айни ҳолда «распекать» дегани ҳақорат қилиш, қаттиқ койиш маъносини беради. Таржимада эса кишиларни пишириш маъноси келиб чиққан. Бу жумланинг маъносини бузган. Эҳтимол, бошқачароқ бирикма орқали, чунончи, «одамларни гап билан қовуриб ташлайдимиз?» деб олинса, тушунарлироқ ва камроқ ҳижжалаб таржима қилинган бўлар эди» (106-бет).

Рус ва ўзбек тилларида бир қанча сўзлар борки, улар тўғри ва идиоматик маъно беради. Масалан, *протянуть ноги* — *оёқ чўзмоқ*, *закрывать глаза* — *кўз юймоқ* (булар идиоматик маънода «ўлиш»ни билдиради); *гореть* — *ёнмоқ* ва ҳоказо. Худди шунинг каби *распекать* ва *қовурмоқ* сўзларининг ҳам тўғри ва идиоматик маънолари бир-бирига жуда монанд, қойилмақом тушган. Агар масалага бир ёқлама қараб, *қовурмоқ* сўзини унинг тўғри «пишириш» маъносидagina талқин қилсак, ўз навбатида, авторга, яъни Н. В. Гогелга ҳам *распекать* сўзини ишлатгани учун таъна қилишга тўғри келар эди, чунки бу сўзнинг замирида ҳам *печь*, яъни «пишириш» маъноси ётади. Аммо бундай «лингвистик» таҳлил соғлом мантиққа тамомила хилофдир.

Распечь ва *қовурмоқ* сўз (идиома)ларининг икки тилли луғатларда қандай берилиши билан танишайлик:

«Р а с п е ч ь сов. с. т. роса уришмоқ, хўп койимоқ, адабини (таъзирини) бериб қўймоқ»²⁹.

Русча-ўзбекча луғатда *распечь* сўзининг маънолари ва баъзи муқобил синонимик вариантлари тўғри кўрсатилган. Комедияда ҳам у худди шу маънода ишлатилган. Бироқ унинг эквиваленти — *қовурмоқ* кўрсатилмаган. Ҳар ҳолда иккисидан бири: ё китоб автори русча идиоманинг аниқ ўзбекча эквиваленти луғатда кўрсатилмагани учун уни ҳижжалаб таржима қилинган деган қарорга келган ёки луғат тузувчилар *распечь* идиомасининг ўзбекча *қовурмоқ* эквивалентини берсак, тагин ҳижжалаб таржима қилинган деган таънага қолмайлик, деб эҳтиётини қилишган.

«Қ о в у р м о қ 1. жарить, зажаривать; поджаривать; г ў ш т қ о в у р м о қ — жарить мясо; 2. *перен.* задать перцу, всыпать как следует».

«Қ о в у р и л м о қ... 2. *перен.* гореть, пылать; Б и р о й ў н к у н д а н б у ё н ф и р о қ ў т и д а қ о в у р и л а м а н (Ойбек, Қутлуғ қон) Уже месяц и десять дней я горю в огне разлуки»³⁰.

Бу луғатда *қовурмоқ* идиомасининг *задать перцу* деган муқобил варианты берилган. Комедияда *распекать* идиомаси худди шунга ўхшаш маънода ишлатилганлиги равшандир.

Тадқиқотчи Хлестаковнинг «— Требуйте, какие стихи вам?» сўзларининг «— Қанақа ғазал ёзиб берай?» шаклида, *стихи* — *ғазал* деб таржима қилингани нотўғри эканини айтиб, бу сўзларни лингвистик жиҳатдан талқин этади ва, ниҳоят, арабча *ғазал* сўзининг ўрнига ўзбекча *шеър* сўзини

²⁹ «Русча-ўзбекча луғат», IV том, 619-бет.

³⁰ «Ўзбекча-русча луғат», 619-бет.

ишлатиш маъқул деган хулосага келади. Ваҳолонки, айни ҳолда муайян сўзнинг қайси тилдан келиб кирганлиги роль ўйнамайди, башарти масала шу тахлит қўйиладиган бўлганида, шеър сўзнинг ҳам воз кечишга тўғри келарди, чунки у ҳам: автор айтгандай, ўзбекча эмас, балки араб тилидан келиб киргандир.

Бироқ айтилган гаплардан филология фанлари кандидати Н. Владимированинг «Рус тилидан ўзбек тилига бадиий таржиманинг баъзи масалалари» номли асари тамомила яроқсиз иш экан, деган хулосага келиш тўғри бўлмас эди. Мавжуд камчиликлардан қатъи назар, унда таржимонларимизнинг бадиий маҳорат «сир»ларини намойиш қилувчи жуда ибратли, қизиқ ва ранг-баранг мисоллар бор. Ёки, аксинча, далил сифатида тақдим қилинган мисоллар авторнинг ирода-сига бўйсунмаганидан қатъи назар, таржимонлар учун дастуриламал бўладиган пухта илмий таъриф ва хулосалар ҳам кўп.

1958 йилда адабиётшунос Жуманиёз Шариповнинг «Русчадан ўзбекчага поэтик таржиманинг баъзи проблемалари»³¹ номли асари рус тилида нашр қилинди ва 1959 йилда бу китоб ўзбек тилига таржима қилиб босилди³².

Ўзбек тилига асарлари энг кўп ўгирилган ва шу туфайли ўзбек халқининг ҳам ўз адаби бўлиб қолган рус шоирларидан бири А. С. Пушкиндир. Унинг ўлмас шеър, поэма, повесть ва шеърый романини ўзбек тилига ағдаришда Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Усмон Носир ва бошқа энг етук, забардаст шоир ва ёзувчиларимиз тер тўкдилар. А. С. Пушкиннинг ижоди бизнинг шоир ва ёзувчиларимиз учун асосий бадиий маҳорат ўрганиш мактаби, бадиий дорилфунун бўлиб қолди.

Рус турмушининг бадиий қомуси бўлган «Евгений Онегин» шеърый романининг Ойбек томонидан ўзбек тилига қилинган таржимаси Ж. Шариповнинг монографияси ва кандидатлик диссертациясининг текшириш объекти бўлди. Бу асарда шеърый таржиманинг айрим хусусиятлари ўрганилди.

1961 йилда филология фанлари кандидати Масъуд Расулийнинг «Маяковский асарлари ўзбек тилида» номли асари китобхонга тақдим этилди³³. М. Расулий бу китобида оташин совет шоири В. Маяковский асарларининг турли даврларда-

³¹ Джуманияз Шарипов, Некоторые проблемы поэтического перевода с русского на узбекский язык, Изд-во АН УзССР, Ташкент, 1958.

³² Жуманиёз Шарипов, Русчадан ўзбекчага поэтик таржиманинг баъзи проблемалари, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1959.

³³ М. Расулий, Владимир Маяковский асарлари ўзбек тилида, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1961.

ги таржималарини чоғиштириб текширади. Автор В. Маяковский асарларининг Фафур Фулом, Асқад Мухтор, Мақсуд Шайхзода ва бошқа шоирларимиз томонидан қилинган таржималарини чуқур ўрганиб, бу таржималарнинг бадиий камолот даражасини аниқлайди.

Маълумки, шеърй асарни таржима қилиш умуман қийин, янги давр мазмунини тамомила янгича шеърй форма билан куйлаган жанговар ижодкор В. Маяковский асарларини таржима қилишнинг эса ўзига хос мураккаб қийинчиликлари бордир. Шоир асарларининг чуқур ғоявий мазмунини, уларнинг шаклини кўр-кўрона кўчирмасдан, балки ўзига хос хусусиятларини тўғри акс эттириш билан қўшиб таржима қилиш ғоят мушкул бир иш бўлиб, бу таржимондан жуда кўп меҳнат сарфлашни талаб этади. М. Расулий В. Маяковский асарлари таржимасининг ана шу асосий томонига эътиборни кучайтирган.

Владимир Маяковский асарлари ўзбек тилига 30-йиллардан буён то ҳозиргача таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилган. Шу сабабли биз шоир асарларини таржима қилиш бобида катта тажриба, жуда бой ва мўл материалга эга эдик.

В. В. Маяковскийнинг ўзи унинг шеърларини таржима қилиш ниҳоятда оғир эканлигига ва ҳатто «қарийб таржима қилиб бўлмаслигига»³⁴ иқрор бўлган эди. Чунки унинг асарлари жонли рус тилида ёзилган, уларда халқ мақол, матал ва идиомалари, хусусан сўз ўйинлари ниҳоятда сероб. Сўзларнинг мусиқийлиги ва услубига у алоҳида эътибор қилар эди.

«— Но-
жи-
чком
на
месте чик

лю-
то-
го
по-
мещика.

Гос-
по-
дин
по-
мещичек,

«— Ердор-
лар
иши
чикка,

пичоқ
тиқ
по-
меш-
чикка!

Энди,
жа-
ноб,
по-
меш-
чик,

³⁴ В. В. Маяковский, Польскому читателю, Собрание сочинений, том X, М., 1941, стр. 274.

со
би-
райте
вещи-ка!
(том VI, стр. 276).

шара-
баранг
о-
либ
чиқ!»
(238—239-бетлар).

Бу таржимада жонли тилга хос иборалар ҳам, помешчик-ка нафрат ўқиётган деҳқоннинг ўзига хос тили ҳам, сўз ўйини ва оҳанг ҳам ниҳоят даражада усталик билан акс эттирилган. Хусусан, русча «пичоқ тикиш» маъносидаги ибораси билан жонли ўзбек тилига хос «пачава» маъносидаги *чикка* сўзларининг уйғунлаштирилиши таҳсинга лойиқдир.

В. В. Маяковский асарларини таржима қилишда бир қанча жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилган.

Буни маяковскийшунос-таржимонлардан Асқад Мухтор жуда яхши кўрсатган эди. У ўзининг «Бадий асарларни рус тилидан ўзбекчага таржима қилишнинг баъзи масалалари» номли докладыда бу ҳақда шундай ёзган эди: «Менинг ва Шайхзоданинг Маяковскийдан қилган таржималаримизда йўл қўйилган асосий камчилик, менимча, сўзма-сўз аниқликка интилишдан иборат. Асл нусхага нисбатан бундай журъатсизлик қилиш уни бирмунча ҳижжалаб таржима қилишга олиб келади. Фафур Фулом таржималарида бу нарса йўқ. У асл нусха билан ишнинг кўзини билиб муомала қилади. Шуниси борки, бу таржималарда кўпинча таржимоннинг ўзи гавдаланиб қолади, аммо, ҳар қалай, бу таржиманинг асл нусхага сўзма-сўз номувофиқ келишидан чўчишдан кўра аъло. Лекин шунини айтиш лозимки, Фафур Фулом Маяковский асарларининг оҳанг хусусиятларига бепарво қараган. Баъзан у ҳеч қандай оҳанг қонуниятларига эътибор қилмайди. Фафур Фулом Маяковский оҳангсиз асар ёзади, деб ўйламаса керак, албатта. Маяковский оҳангсиз асар ёзиш у ёқда турсин, поэзиянинг бу мусиқий хусусиятига катта аҳамият берган»³⁵.

М. Расулий В. В. Маяковский асарларининг таржимасида йўл қўйилган ана шу асосий камчиликни тўғри кўрсатиб бера олган.

«Ҳайқирик» асаридан келтирилган қуйидаги мисралар диққатни жалб этади:

«Кто стихами льет из лейки,
кто кропит,
набравши в рот,—

³⁵ А. Мухтар, Некоторые вопросы перевода художественной литературы с русского языка на узбекский, «Материалы регионального совещания по переводу литературы с русского на языки народов Средней Азии, Казахстана и Азербайджана, Госиздат КазССР, Алма-Ата, 1960, стр. 72.

кудреватые Митрейки,
мудреватые Кудрейки —
кто их, к чорту, разберет!»
(том X, стр. 176).

Ана шу кичик бир парчанинг қуйидаги тил хусусиятларини кўрсатиш мумкин: унда ҳар бир сўз муайян бадиий мақсад билан, фонетик табиатига қараб танланган ва аллитерация ҳосил қилинган: *кто-кропит-рот-чорт-разберет*. Бундан ташқари, *льёт из лейки* тавтологияси ҳамда «Алихўжа — Хўжаали» қабелидаги *кудреватые Митрейки, мудреватые Кудрейки* сўз ўйини пичинг оҳангини келтириб чиқарган (Бунда В. Маяковский, авторнинг кўрсатишича, Кудрейко ва Митрейкин номли шоирларга ишорат қилган).

Гафур Гулом таржимаси: Асқад Мухтор таржимаси:

«Билмам кимдир
сув сепади
шеърин лейкаси билан,
қўнғир сочили
митрейки
Катта бошли кудрейки
лунж шишириб
пуркайди»
(5-бет).

«Бирн шетьр деб сув сочади лей-кадан
бировн пуркийди
лунжин шишириб —
дононамо Кудрейка-ю,
жингалак
Митрейкалар —
шайтон билсин,
ёзишади ишқилиб!»
(305-бет).

Дарҳақиқат, Асқад Мухторнинг ўзи айтганидай, унинг таржимасида асл нухани айнан сўзма-сўз акс эттиришга интилганини қўрамиз. Масалан, *лейка* сўзини айнан ишлатиш ўрнига сўз ўйини ёки пичинг ҳосил қилишга имкон берадиган бошқа бирон ўзбекча муқобил сўз топиб ишлатиш мумкин эди. Бунда Маяковскийга формал томондан эмас, балки мақсад томондан ёндашилган бўлар эди. Бироқ шу ўринда унинг таржимаси Гафур Гуломнинг эркин таржимасига нисбатан анча устунлик қилиши кўриниб турибди. Чунончи, Асқад Мухтор фақат бадиий адекватликкагина интилиб қолмай, балки маъно аниқлигига ҳам эришган.

М. Расулий айни бир асарнинг бир неча шоирлар томонидан қилинган таржималарини тадрижий равишда қиёс қилиб бориб, таржимонларимизнинг асл нухани мумкин қадар бадиий томондан пухта акс эттиришга бўлган интилишини тўғри кўрсата олган.

Автор В. Маяковский асарлари таржимасини умумий бадиий таҳлил қилиш йўлидан бормаи, балки конкрет тил воситаларини таҳлил қилиш орқали ўрганиб, жуда тўғри иш қилган (масалан, 83-бетда Маяковский асарларига хос

аллитерация хусусиятини таржимада акс эттириш масаласини, 181—183-саҳифаларида эса шоирнинг сўзларни қофиялаш маҳорати ва буни таржимада акс эттириш хусусиятларини чуқур таҳлил қилган).

М. Расулийнинг «Владимир Маяковский асарлари ўзбек тилида» номли китоби ҳақида қуйидаги мулоҳаза ва истакларни баён этиш ўринлидир.

Маълумки, Совет Иттифоқида В. В. Маяковский асарлари таржима қилинмаган бирорта ҳам адабиёт йўқ. Албатта, бу таржималарнинг ҳаммасини қиёс қилиб чиқиш мушкул иш. Лекин шоир асарларининг таржималари юзасидан маҳсус илмий иш олиб борган киши уларнинг лоақал айрим қардош тилларга қилинган таржималарини бир-бирига чоғиштирса, фойдадан холи бўлмас эди. Чунки Маяковский асарларини таржима қилишда ҳамма қардош республикалардаги таржимонлар учун ҳам қийинчилик туғдирадиган умумий муаммолар бор. Бинобарин, ўзбек таржимони кўнгилдагидек ҳал қила олмаган бир мушкулни қозоқ, татар, озарбайжон, қирғиз ёки туркман таржимони дурустроқ ҳал қилган бўлиши мумкин. Ана шундай умумий, муштарак, типик қийинчиликларни топиш ва уларни бартараф қилиш соҳасида қўлга киритилган ютуқларни умумлаштириш, қийинчиликларни назарий томондан ойдинлаштириш эса зўр илмий аҳамиятга эгадир.

Ж. Мамедовнинг «Рус тилидан озарбайжончага бадий адабиётларни таржима қилиш тажрибаси ҳақида» номли мақоласидан В. Маяковскийнинг «Совет паспорти ҳақида» шеърининг таржимасига доир бир мисол келтирамиз:

На польский глядят,
как в афишу коза.

Иккинчи мисрани, мақола авторининг айтишича, «кечи афишая бахдыгы кими» деб ҳижжалаб таржима қилиш жуда осон, жўнгина иш. Лекин таржимон ўзгача йўл тутган. Маълумки, туяни тушовламайдилар. Ана шу асосда озарбайжонларда: «Нега отларни тушовлаётган тақачига қараб турган туядай бақраясан?» деган, жонли тилга хос, муқояса бор. Ана шундан фойдаланган шоир Расул Ризо юқоридаги мисрани қуйидагича жуда ўринлатиб таржима қила олган:

«Бахырлар
элэ бил ки, бахыр
дэвэ налбэндэ»³⁶.

³⁶ «Тезисы докладов на межреспубликанском совещании по вопросам перевода литературы с русского на языки народов Средней Азии, Казахстана и Азербайджана в г. Алма-Ате (14—18 января 1958 года)», Азербайджан, 1958, стр. 39.

Бу ўхшатиш ўзбек тилига ҳижжалаб: «Афишага анграйнб қараб қолган эчкидай» деб ағдарилса ҳам бир нав эди,— бунинг ўрнига «Афишани чайнамоқчи бўлган эчкидай», деб жуда бузиб берилган. М. Расулий эса бу нотўғри таржима эканини қайд этиш билан чегараланади, холос (96-бет).

Бироқ бундай камчиликлар асарнинг умумий қимматига зарар етказмайди. М. Расулийнинг «Владимир Маяковский асарлари ўзбек тилида» номли китоби ажойиб рус совет шоири асарларини ўзбек тилига ўгириш соҳасида тўпланган кўп йиллик бой ва қимматли тажрибаларни умумлаштириб, муҳим хулосалар чиқара олган фойдали асардир.

М. Расулийнинг 1965 йилда «Фан» нашриёти томонидан рус тилида нашр қилинган «Ўзбекистонда Маяковский поэзияси» («Поэзия Маяковского в Узбекистане») асарини авторнинг олдинги китобининг бирмунча қайта ишланган ва бир оз тўлдирилган иккинчи нашри деса бўлади. Китобнинг қайта ишланган саҳифалари эса таржима назарияси нуқтаи назаридан унча аҳамиятга молик бўлмаганидан буни таҳлил қилиб ўтириш ҳам ортиқча иш бўлар эди.

1963 йилда Анвар Ҳожиаҳмедов «Рус классик адабиётидан қилинган илк таржималар ва уларнинг ўзбек адабиёти тараққиётидаги аҳамияти» ҳамда шу йили Юсуфжон Пўлатов «Ўзбекистонда ғарб адабиёти ва Мопассан новеллаларининг таржималари» мавзуларида кандидатлик диссертациялари ёқладилар.

Филология фанлари кандидати Ю. Пўлатовнинг хизмати шундаки, у Ғарбий Европа адабиётидан қилинган илк таржималарни қидириб топган, таржима тарихи ва таржима назариясига доир, ҳозиргача номаълум бўлиб келган ёки унутилиб кетган бир қанча асарларни топган ва уларни рўёбга чиқарган. Хусусан, ишнинг иккинчи боби янги, фойдали материаллар ва фактларга жуда сероб. Автор ўз олдига қўйган мақсадни тўла-тўқис бажарган. Ишда айрим жузъий камчиликлар ҳам кўзга ташланади.

Асарнинг 59-бетида (қўлёзмада) ўтган асрнинг 80-йилларида юнон донишмандларининг «Туркистон вилоятининг газети»да ўзбек тилига таржима қилиб босилган ҳикматли сўзларидан бир мисол келтирилади.

«Однажды знакомый этого мудреца потерял памятные записки и плакал, Антисеон сказал: «Важные вещи нужно записывать не

«Бир мартаба ул донишманднинг ошнаси ўзининг ёдовар дафтарини йўқотиб йиғлагон экан: Антипфин айтубдурким: «Улуғ ишларни дафтарға

на бумаге, а в сердце, тогда эмас, дил навҳиға ёзмоқ ке-
не потеряются». — рақ, ул вақтда йўқолмайдуր».

Ҳар бир таржима давр маҳсулидир. Уни таҳлил қилганда муайян давр талаби, китобхоннинг савияси, ўша замон тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда адабий тил услуби ва анъаналарини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Маълумки, қадимги ўзбек адабий тилида аввал воқеа баён қилиниб, сўнгра уни изоҳлаш услубини кўрамиз. Оригинал ёзма адабиёт намуналарида ҳам, таржима адабиётида ҳам услуб шундай эди. Баъзан гап ҳатто *деб* сўзи билан тугалланади, яъни равишдош оборот гапнинг охирида келадикки, бундай синтактик ҳодиса ҳозирги ўзбек адабий тилида жуда кам учрайди.

Юқоридаги таржимада худди шунга ўхшаш ҳодисага дуч келамиз. Аммо тил тараққиётининг объектив қонуни билан ҳисоблашмаган автор ёзади: «...бу таржималарнинг ниҳоят даражада примитивлиги, сўзма-сўз таржима қилинганлиги сабабли, уларда ўзбек тили грамматикаси қондаларига риоя қилинган ҳолда тузилган ўзбекча иборани учратиш қийин»; «юқорида келтирилган мисолларда рус тили грамматикасидаги жумла тузилиши бутунлигича сақланиб қолинганлиги сабабли бу иборалар ўзбек китобхони тушунмайдиган даражада ғализ ва тўмтоқ бўлиб қолган».

Автор «ўзбек тили грамматик қондаларига риоя қилиш» деганда қандай грамматик қондаларни ва ўзбек тилининг қандай сифатлари даврдаги грамматик қондаларини назарда тутади? Юқоридаги таржимани, тил ва услуб жиҳатидан, ўтган асрнинг 80-йиллари шароити учун энг яхши таржима намунаси дейиш мумкин. Унда ҳатто сўнги давр таржималарига хос ҳижжалаб таржима қилишга мойиллик ҳам сезилмайди. (*Памятная книжка — ёдовар дафтар, сердце — дил навҳи; важные вещи — улуг ишлар* деб берилиши ҳатто ҳозир ҳам иборатлидир).

Дунёда «соф» миллат йўқ — ҳар бир миллат турли-туман этник қатламлардан таркиб топади. Дунёда «соф» тил йўқ — ҳар бир миллатнинг тилида бошқа миллий тилларнинг элементлари мавжуд; дунёда «соф» маданият ҳам йўқ — ҳар бир миллий маданиятнинг таркибида бошқа миллий маданиятларнинг изи, акси ва таъсири сезилиб туради. Санъат, музыка, архитектура ва адабиётда ҳам бу таъсир яққол кўзга ташланиб туради.

Уруғлар, қабилалар, халқлар ва миллатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ўрнатиш ҳамда миллий маданиятлар ва миллий тилларнинг бир-бирига таъсир этиши ё бевосита, ё билвосита таржимачилик фаолияти би-

лан боғлиқдир. Шунинг учун миллий маданиятлар ва миллий тиллар тараққий эта борган сари таржимачилик фаолияти ҳам тобора кенгая боради.

Таржима тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда ҳам таржима фаннинг ривожини ва халқлар дўстлигини манфаатларига хизмат қилганини кўрамиз.

Таржима адабиёти оригинал ёзма адабиёт билан қўлтиқма-қўлтиқ ривожланиб келди ва унинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Шайх Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар», «Маҳзанул асор», «Хисрав ва Ширин», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», «Юсуф ва Зулайхо» дostonлари, Қайковус бин Вашмгиннинг «Қўбуснома»си, «Минг бир кеча», «Қалила ва Димна» ҳамда Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Абу Жаъфар Муҳаммад бин Жарир Табарийнинг «Тарихи Табарий», Комил Нишончизода Аҳмад ўғлининг «Миръот ул-қоинот» каби жуда кўп нодир китоблари ва бошқа сон-саноқсиз илмий асарлар фақат тарихий таржима намуналаригина бўлиб қолмай, балки уларнинг ҳар бири ўзи яратилган давр илмий ва бадий тафаккур ҳазинасининг бебаҳо ёдгорлигидир.

Филология фанлари кандидати Жуманиёз Шариповнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан»³⁷ номли асари маданиятимиз тарихининг ана шу ҳоҳасини ўрганишга бағишланган.

Юқорида кўрганимиздек, таржима назарияси проблемаларини ўрганишга бағишланган бир қанча илмий асарларнинг тарихий обзор қисмида рус тилидан қилинган илк таржималарни текширганда уларга ҳозирги замон китобхонининг савияси андазасида баҳо беришдек зарарли тенденция кўзга ташланади. Таржима тарихини текширганда тарихийлик принциpidан четга чиқиш адекват таржима яратиш жараёни, таржима тараққиёти эволюцияси, реалистик таржима принципларининг қарор топиши масалаларини кўр-кўрона инкор этишга олиб келган бўлар эди. Ваҳолонки, ҳатто «таржима» тушунчасининг ўзи ҳамма даврларда бир хил бўлмаган, бинобарин, таржима асарларининг мазмуни, гоёси ва сифатига қўйилган талаб ҳам ҳар бир даврда ўзгариб борган.

А. С. Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» асарининг революциядан бурунги таржималари билан кейинги Миртемир таржимаси ҳам лексик, ҳам синтактик, ҳам бадий форма жиҳатидан жиддий фарқ қилади. Чунончи, айни бир воқеа ва бадий мазмун бошқа-бошқа бадий формалар би-

³⁷ Жуманиёз Шарипов, Ўзбекистонда таржима тарихидан (революциядан олдинги давр), Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1965.

лан таржима қилинганидан ташқари, бир қанча объектив сабаблар ҳам бу тафовутнинг юз беришини тақозо этган эди. Булар қуйидаги факторлардир: 1) ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши; 2) тилнинг лексик қатламидаги жиддий силжиш (лексик тараққиёт); 3) синтаксис соҳасидаги эволюция; 4) «таржима» тушунчасининг ўзгариши. Агар ана шу объектив сабаблар бўлмаганида, муайян асарни қайта-қайта таржима қилишга ҳам эҳтиёж туғилмаган бўлар эди.

Биз бунда бир асарнинг турли даврларда қилинган таржималарини мисол келтирдик. Ваҳолонки, бир асар айни бир даврнинг ўзида ҳам турлича усул билан, ҳатто бошқа-бошқа бадий жанрларда таржима қилинган бўлиши мумкин. Яна А. С. Пушкиннинг ўша «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ» асарини мисолга олайлик. Бу асар 1899 йил 24 июлда «Туркистон вилоятининг газети»да аввал насрий таржимада, ўша йил 24 июлда шеърий таржимада босилиб чиқди. (Насрий таржима Али Асқар ибн Байрам Али Калинин томонидан тузилган «Муаллим ус-соний» хрестоматиясида ҳам босилган). Шунингдек, А. С. Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани» ҳам аввал насрий, сўнгра шеърий таржималарда нашр қилинди.

Бир асарни насрий ва шеърий йўл билан таржима қилиш ҳодисасини фақат ўзбек тилига таржима қилиш практикасида юз берган қандайдир фавқулодда бир аҳвол деб қараш, бу таржималарни асл нусхага нисбатан бир назира, шунчаки «бадий иншо» деб талқин қилиш таржима тарихига объектив ёндошмасликдан келиб чиқади. Ҳақиқатда эса таржима тарихига назар ташлар эканмиз, бошқа халқлар адабиётида ҳам насрий таржима орқали шеърий таржимага ўтиш ҳодисаси кўп учраганлигининг гувоҳи бўламиз. (Ушбу китобнинг биринчи бобида ҳам бу масалага доир баъзи маълумотлар берилган).

«Европа адабиётларининг тараққиёти жараёнида,— деб ёзади таржимашунос олим Е. Г. Эткинд,— шеърий таржима санъатининг ҳар хил миллий концепциялари шаклланди. Чунончи, *француз концепцияси* шеърий текстнинг маъносини акс эттиришни ва шунинг учун шеърий формаларнинг ортиқча қийинчиликларини улоқтирган ҳолда унинг мазмунини насрий йўл билан қайта тиклашни талаб этади; бундай қараш классицизм даврида қарор топди ва бу унинг эстетик принципларига мувофиқ келади»³⁸.

³⁸ Е. Г. Эткинд, Стихотворный перевод как проблема сопоставительной стилистики, Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук, Л., 1965, стр. 4.

Рус тилига таржима қилиш тарихида ҳам шеърий асарни насрий йўл билан ва, аксинча, насрий йўл билан ёзилган асарни шеърий формага солиб таржима қилиш тажрибаси кўп учрайди. Масалан, Е. Г. Эткиндининг кўрсатишича, қадимий юнон шоири Фенелоннинг «Улисснинг ўғли Телемахнинг бошидан кечирганлари» (1699) номли насрий романини рус шоири В. Третьяковский «Телемахида» номи остида шеърий йўл билан ағдарган. Третьяковский Фенелоннинг романини номаълум оригиналдан француз тилига насрий йўл билан ўғирилган қаҳрамонлик поэмаси деб қабул қилади ва, классицизм принципига асосан, ўз олдига Фенелон «таржимаси» оша идеал «асл нусхага» эришиш мақсадини қўйган.

«Третьяковскийнинг таржима усули,— деб ёзади Е. Г. Эткин,— асл нусхага асос бўлган эстетик усулга тамомила мос тушади» (6-бет).

Рус шоири К. Н. Батюшков ҳам насрий асарни шеър билан таржима қилган (масалан, у Эварист Парнининг «Мадагаскар қўшиғи» ва «Булоқ» номли насрий асарларини шеърий йўлга солиб ағдарган). Рус романтик таржимасининг энг йирик вакили В. А. Жуковский эса шеърни беэқдор наср деб ҳисоблар, шунинг учун ҳам насрий асарни шеърий йўл билан таржима қилишни табиий ҳол деб билар эди.

Фенелон — Третьяковскийнинг «Телемахида»си, Ламот-Фуке — Жуковскийнинг «Ундина», Мериме-Пушкиннинг «Гарбий славянларнинг қўшиқлари» номли асарлари насрий текстларни шеър билан таржима қилиш намунаси бўла олади³⁹.

Шундай қилиб, шеърий асарни насрий йўл билан ва насрий асарни шеър билан ағдариш тажрибаси фақат ўзбек тилига таржима қилиш практикасидагина эмас, балки жаҳондаги деярли ҳамма мамлакатларда таржимачилик ишида қўлланилган умумий тажриба, чинакам адекват таржима яратиш йўлида босиб ўтилган муштарак тенденция эди.

Революциядан олдинги даврда ишлатилган бир қанча сўзлар ҳозирги вақтда эскириб, арханклашиб, истеъмолдан чиқиб кетган. Аммо улар ўз даврида актив ишлатилиб турган сўзлар бўлганидан, бу сўзларни кенг қўллаган ўша давр таржимонларини ўзбек тилининг «грамматик қоидалари»га хилоф иш қилганликда айблаб бўлмаслиги табиийдир.

С. Граменицкийнинг «Туркистон вилояти газети»да (1899 йил 1-сонида) босилган «О пользе наук» — «Илмнинг манфати хусусида» номли мақоласидаги ушбу гапга эътиборни жалб қилайлик.

³⁹ Юқоридаги авторефератнинг 25-бетига қаранг.

«Недавно ученые люди открыли даже средство смотреть и видеть сквозь такие тела, которые не пропускают света...»

«Яқин фурадатда Оврупо ула-молари ҳар хил тажрибаларни қилиб, ёруқни ўткармайдурғон ажносларни орқасидан кўрмакка илож топибдурлар...»

Бу мисолда «орасидан» маъносидаги *сквозь* сўзини *орқасидан* деб нотўғри таржима қилинганлиги кўриниб турибди. Аммо бунда *ученые люди* сўзларининг *уламолар* деб ағдарилганлиги диққатни жалб қилади.

Маълумки, *улум, олим, уламо, муаллим, аллома* ва бошқа кўп сўзлар арабча *илм* сўзидан тузилгандир. Чунончи, *илм* сўзининг ўзи ҳозир ҳам айнан ишлатилгани ҳолда, унинг кўплик шакли *улум* эскириб, тилимиздан бутунлай чиқиб кетди. Арабча *муаллим* сўзи эса ўзбекча *ўқитувчи* сўзи билан параллел қўлланмоқда. Шунингдек, арабча *олим* сўзи ҳам бизда айнан ўзининг асосий маъносида келгани ҳолда, унинг кўплик шакли бўлган *уламо* сўзи арханклашиб, ҳозир фақат диний маълумот олган кишиларни англатадиган бўлиб қолган, бошқача айтганда, бу сўз эндиликда «олимлар» деган маънони англатмайдиган бўлган.

Бундай ҳодисани араб тилидан кирган бошқа сўзлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, бизда арабча *китоб* сўзи ишлатилган ҳолда, унинг кўплик шакли *кутуб* («китоблар») эскирган ва у биргина *кутубхона* сўзининг таркибидагина сақланиб қолган. Шунингдек, айни шу сўздан ясалган *мактаб, мактуб* сўзлари ҳозиргача муомалада бўлгани ҳолда ва *котиб* сўзи пассив ишлатиладиган бўлди.

Бас шундай экан, эски таржималарда ишлатилган сўзларнинг қисматини ҳозирги ўзбек адабий тили лексикаси қандай бўлганлигига қараб эмас, балки уларнинг ўз даврида қандай лингвистик вазиятда турганлигига қараб баҳоламоқ, яъни бунда тарихийлик принципига қатъий риоя қилмоқ даркор. Мисол билан айтганда, гарчи ҳозирги вақтда ўзбек тилида *уламо* сўзининг кўплик («олимлар») маъноси йўқолган бўлса-да, С. Граменицкийнинг «Илмнинг манфаати хусусида» мақоласи босилиб чиққан даврда (1899 йил) бу сўз ҳали ўзининг арабча кўплик шаклида ҳам қўлланилар ва бу ҳодиса ўша давр ўзбек адабий тили нормасига тўла мувофиқ эди.

Инқилобдан олдинги Русиянинг турмуш тахлити ва маъмурий, иқтисодий ҳамда сиёсий тартибларига хос айрим тушунчалар ўзбек тилида ўша тушунчаларни ифодалайдиган маънодош сўзлар билан берилиши ҳодисаси ҳам диққатга

сазовордир. «Туркистон вилоятининг газети», 1883 йил 3-сонда ўзбек ва рус тилларида берилган бир мақоладаги ушбу парчага эътибор қилинг:

«Эй мусулмонлар, қардошлар, сўзимизга қулоқ солинглар! Русия забонини ўрганингиз, зинҳор болаларингизни русия мадрасаларига ўқитмоқ учун юборингиз ва мадрасаларда ҳам русия забонини ва фанларини ўқитмоққа ижтиҳод қилингиз!»

«Послушайте меня, братья-мусульмане, учитесь русскому языку, посылайте своих детей в русские школы и начинайте в мадрасах учить русскому языку и русским наукам».

Мадраса — олий таҳсил бериладиган жой, ўқув юрти; *мударрис* эса ўқитувчи шахс маъносини англатар эди. Бу сўзлар ҳозирги араб адабий тилида ҳам худди шу маъноларни билдиради: школа ж. *مَدْرَسَةٌ (مَدَارِسِي)* учитель м.

مَطْم مَدْرَسِي⁴⁰

Албатта, рус ўқув юртлари, лицейлари ва гимназиялари ўзларининг тузилиш хусусиятлари, ўқув программалари, ўқитиш тартиблари ва кузатган мақсадлари жиҳатидан инқилобдан бурунги Туркистондаги мактаб ва мадрасалардан жиддий фарқ қилар эди. Мадрасада кўпинча диний таҳсилга асосий эътибор қаратиларди. Бу томондан юқоридаги текстнинг русча таржимасида қизиқ бир ҳол кўзга ташланади. Чунончи, унда *русия мадрасалари* деганда *мадраса сўзи школа* (русские школы) деб олинган ҳолда, кейинги *мадраса* (бунда маҳаллий ўқув юртлари назарда тутилган) русчага таржима қилинмай айнан қолдирилган. Бошқача айтганда, текстнинг русча таржимасида ўзбек мадрасаси билан рус мактаби фарқланиб берилган.

Инқилобдан бурунги давр ўзбек адабий тилида араб-форс сўзлари жуда сероб эди. Масалан, «тил» маъносида ўзбекча шу сўздан ташқари форсча *забон* ва арабча *лисон* сўзлари ҳам барабар қўлланилар эди. Мисол: «Ул ҳолда мен Русия хатти ва *тилини* батакмил билмоғимга кўб афсуслар қилдим, чораки Русия *лисон*и мамлакатдаги илмдор ва тужжорларга нақадар лозим бўлса, сафар ва саёҳатга чиққан кишига юз анча лозим экан»⁴¹.

⁴⁰ Карманный русско-арабский словарь, ГИС, М., 1959, стр. 676, 644.

⁴¹ Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг Истамбулдин ёзгон мактуби, Фурқат, икки томлик танланган асарлар, II том, Ўзадабийнашр, Тошкент, 1959, 149-бет.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса, гарчи стилистик вариант сифатида баъзан *забон* сўзи ишлатилса-да, аммо шу сўзнинг етакчи луғавий маъноси билан фақат *тил* сўзи қўлланилади.

Демак, бир томондан, юқорида келтирган мисолларимизда келган *забон* ва *лисон* сўзлари ҳозирги вақтда эскириб, тилдан чиқиб қолган бўлса, иккинчи томондан, аксинча, бир вақтлар ўзбекча маънодош муқобил *мадраса* сўзи билан алмаштирилган *гимназия* сўзи ҳозир айнан ишлатилади-ган бўлди.

Дарвоқи, *гимназия* сўзини айнан қўллаш ҳам ўша даврлардаёқ бошланган эди. Зокиржон Фурқатнинг «Гимназия» номли шеъри бунга мисол бўла олади. Бироқ, ҳали *гимназия* — *мадраса* сўзи билан алмаштирилар ёки изоҳлаб таржима этилар, «гимназия ўқитувчиси» маъносида эса фақат *мударрис* сўзи ишлатиларди. Мисоллар: «1890 йилда 23 март ойинда Тошканд шаҳридаги *подшоҳлик мадраса*, яъни ўғул болалар ўқийдургон *гимназиянинг* бошлиғи ижозати бирлан хўқандлик камина Зокиржон Фурқат ва Ҳожи Зухур ул гимназияни кўруб тамошо қилдуқ». «*У мадрасада* ўн икки нафар *мударрис* бор эрмиш». «Вақтеки мен Тошканд шаҳрида эканимда, агар чандеки Русия халқининг *гимназия* деган катта *мадрасасига* бориб-келиб юрсам ҳам Русия хаттини ва *лисонини* парво қилиб яхши ўрганмадим»⁴².

Шундай қилиб, ҳар бир даврда яратилган таржиманинг тилини ўрганишда бунини ўша давр адабий тилидаги тенденция ва анъаналардан ажратмасдан, балки шуларга боғлаб текшириш лозим. Аммо биз бу билан инқилобдан олдин рус тилидан ўзбекчага қилинган таржималарда араб ва форс тили элементларининг ниҳоят даражада кўп ишлатилганини бутунлай оқламоқчи эмасмиз. Аксинча, бу давр таржималарида ўзбек адабий тилининг етарли даражада ишланмаганлиги оқибатида, бир томондан, араб, форс тили элементлари, иккинчи томондан, русча сўз ва ибораларнинг ўринли ва ўринсиз ишлатилиши табиий бир ҳол эди. Бу тилда эски сифат элементларининг ўла бориши ва янги сифат элементларининг туғилиши даври бўлиб, тилимизда юз берган объектив тарихий ривожланиш жараёни эди. Бу ҳолат таржима тили, услуби ва лексикасида ҳам ўз аксини топган эди.

Шу муносабат билан эски лингвистик адабиётларда ҳам

⁴² Юқоридаги тўпламга кирган «Бир хўқандлик толибул илмнинг хатия», «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғони», «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг Истамбулдин ёзғон мактуби» сарлавҳали хат ва хабарлардан (123, 129, 149-бетлар).

тилнинг софлигини сақлаш масаласи муҳокама қилинганда айрим зиддиятли ҳолларга йўл қўйилар эди.

«Оина» журналида босилган «Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар» номли мақолага яна мурожаат этиш зарурати туғилади.

«Замонимиздаги энг муҳим масалалардан бири-да тил масаласидур. Ҳушёр миллатлар мунинг аҳамиятини барча масалалардан ортуқ санайдурлар. Чунончи, тилларини кундан-кун софландуруб, тиллари ичига киргон бегона сўзларни ташқари отиб, ислоҳ қилурлар. Бир даражагача тилларидан хабардорлик қиладурларким, ўрни келганда бир ажнабий сўзи ўрнига икки ё уч калима ўз сўзларидан қўшиб адо қиладурлар. Мана шул сабадан адабиёт ва миллиятлари кундан-кун тараққий қилиб бормоқдадурлар. Дарвоқеъ, қайси бир миллатким, ўз тилини бегона луғатларидан озод сақласа ва ўз миллатини муҳофазат қилса, дин ва оинини қўлдан бермайдур. Аммо биз туркистонлилар эса, гафлат ва жаҳолатимизнинг кўблиги сабабли, бул муҳим масаладан ҳам беҳабармиз. Ўз тилимизда туркича ё арабча сўзлар бор бўлган суратда, яна ҳаваски, руси ё фаранги сўзларини ўртага суқиб истеъмол қилурмиз. Ики туркистонли (турк) бир-бирови ила сўзлашгонда, ҳавасаки рус луғатларини ўртага келтуруб суқмоқлиги айни ҳамоқат бўлса керак. Бошқа ҳушёр ва тарбиятлик миллатлар бу ишни ор ва катта айб санайдурлар. Бошқа бирларни нари қўяйлуқ, ушбу Туркистонимизда қайси бир рус, қайси бир армани ўз тилини қўюб, бир-бирови ила туркча сўйлайдур. Аммо бизнинг сўзлашгонимиз вақтда ҳеч бўлмаса бир жумлада бир калима рус сўзи эшитилур. Масалан, «манга бироз *помогать* қилинг»; «они мунча *иштароф* қилдилар»; «фалон одамнинг дўкони *печот* қилинди»; «биҳамд анчанинг боғига *арист* солдилар»; «мен қарзимни *софсем* тамом қилдим»; «бул жой кўб *чисто* экан»; «юринг, *гулять* қиламиз»; «фалончи персиёнми ёки *сорт?*» Ваҳолонки, бу сўзларнинг ҳаммаси мусулмонча адо бўлина олур. Масалан, *помогать* — ёрдам, *иштароф* — жарима, *печот* — муҳр, *арист* — ҳибс-своқ, *софсем* — тамом ё бутун, *чисто* — тоза, *персиён* — эрони, *сорт* — туркистони ёки ўзбек. Мунн ҳам айтмай қўймаймизким, буларни ёзмоқ ила мақсадимиз русча ўқумаслик ёки ўрганмаслик эмасдур. Ҳошо ва қўллаҳ!.. Ҳеч бир ақл ва ҳушлик киши русча ўқуб сўйламоқликнинг лизуми йўқдур деб айтолмас. Лекин ўз тилингни қўйиб, ўз ҳамзабон ва ҳамдининг ила русча, фарангча ва (гайра) сўзлашсанг айбдур, ордур, бошқа сўз ила га ж л и к д у р деб айта олурмиз. Агарда тил ва адабиётимизни муҳофазат қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўша берсак,

бироз замонда тил ва миллатимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзи ила албатта йўқолур. Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофазат қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадур. С. А.»⁴³

Мақола муаллифи ўзбек тилининг софлигини сақлашни қаттиқ туриб ёқлар экан, бундан умуман рус тилини ўрганмаслик керак деган лоқайд хулоса чиқармаслик кераклигини алоҳида қайд этади. Албатта, у рус тилини ўрганишдан тижорат ишларига ривож бериш ва рус капиталистлари ва буржуа намояналари билан алоқани мустаҳкамлаш манфаатларини назарда тутати. Бундан қатъи назар, маҳаллий аҳолини рус тилини ўрганишга тарғиб қилиши ва бунинг фойдаси шак-шубҳасиз эканлигини таъкидлаши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, муаллифнинг *помогать қилмоқ, печать қилмоқ* каби иборалар, *арест, чистый, совсем, гулять* ва, айниқса, *сорт* сўзини ишлатишни «айни ҳамоқат» деб аташи жуда ўринлидир.

Демак, мақола муаллифи чет сўзларни ноўрин ва бузиб ишлатишни танқид қилар экан, унинг фикрига қўшилиш мумкин.

Аmmo масаланинг иккинчи томонини ҳам унутмаслик зарур. Чунончи, «С. А.» жаноблари «ўз тилини бегона лугатлардан озод сақлаш» ғоясини тарғиб қилганида динни «қўлдан бермасликни» кўзда тутати. Чунончи, оғизда умуман ажнабий сўзларни ишлатишга қарши гапирса-да, амалда у ҳар қандай ажнабий сўзларга қарши эмас (масалан, арабча сўзларни тилдан чиқариш тўғрисида лом-мим демайди), балки фақат русча сўзларнигина «ислоҳ» қилишни, уларнинг ўрнига эса арабча, туркча ва форсча сўзларни қўллашни талаб этади. Бошқача айтганда, мақола муаллифи ўзининг расмий пуристик қарашини тилда чет сўзларни нотўғри ишлатишга қарши курашдек тўғри ва принципиал масала билан ниқоблаб тарғиб этади. Бундай қарашлар эса ўша давр ўзбек адабий тили лексикасида юз бераётган чалкашликка барҳам бериш у ёқда турсин, уни баттарроқ чигаллаштиришга сабаб бўлар эди.

«С. А.» жаноблари «бир ажнабий сўзи ўрнига икки ё уч калима ўз сўзларидан қўшиб адо қил (иш)» ғоясини илгари сураб экан, бу ўзбек халқининг моддий ва маънавий ҳаётига кириб келаётган жуда кўп янгилликларни ўз интернационал ва русча номлари билан қабул қилмасликни, русча ихчам

⁴³ *آينه* («Ойна») журнали, 1914, 35-сон, 836-бет (Жуманиёз Шариповнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан» асарининг 342—343-саҳифаларига қаранг).

илмий терминлар ўрнига уларни икки-учталаб араби-форсий сўзлар билан изоҳлаб таржима қилиш принципини илгари суриш деган сўз эди.

Бунинг натижаси ўлароқ, ўзбек халқига тушунарли бўлмайдиган, деган баҳона билан тилга рус тилидан ва у орқали жаҳондаги бошқа тиллардан кўпплаб кириб келаётган сўз ва терминларни изоҳлаб таржима қилиш тажрибаси кенг тарқалган эди. Бир нечта мисол келтирамиз.

Археология сўзининг таржимасига доир:

§ 1. «В. Туркестанском крае учреждается кружок любителей археологии» («Туркистон ўлкасида археология ҳаваскорлари тўғараги ташкил этилади») деган қисқа ва аниқ гап шундай ағдарилган: § 1. «Туркистон вилоятида қадимги вақтдан қолган мазкур кўҳна жой, шаҳар ва иморатларнинг асоратларини билмоқ ва эски асбобларни сақламоқ учун илм тарихини яхши ижтиҳод айлаган одамлардан археологический ном деган махсус жамоа барпо бўлинди».

Музей сўзининг таржимасига доир:

«Музей» деган лафзнинг маъноси шулдурким, тарбиятлик мамлакатлар халқи илм кошонаси пайдо қилмоқ учун хоҳ эски ва хоҳ янги илмга тааллуқ асбоблар ҳам ҳар хил эски ва янги китобларни уламолар ўшандоқ нималарни кўрмоқ ва ўқимоқ учун бир иморатга жам қилиб қўядурлар, ўшандоқ жойни «музей» деб айтадурлар⁴⁴.

Штат сўзининг таржимасига доир:

«Штат военного комиссара в Хивинском ханстве» («Ҳарбий комиссарнинг Хива хонлигидаги штати») гапи шундай ўғирилган: «Хива вилоятидаги военный комиссарнинг штоти, яъни анинг олдида қанча одамлар ва қаю мансабда хизмат қиладур ва қанча анларга вазифа тайин бўлганлигини ёзилган рўйхат».

Шунингдек, *поезд* — *оташ ароба*, *дирижабль* — *осмонга учадурғон қайиқ*, *компас* — *қибланома*, *телефон* — *телепун сурнай* ишлатилар, христиан динига хос сўзлар, мазҳаблар ҳам мусулмонча тушунчалар билан берилар эди. Масалан: «... Урусияни[нг] шайхи Александр шарифлари имоматчилик айлаб, ибодат қилмоқ билан бошланади»⁴⁵.

Ленинградлик олим Ю. Левин таржима тарихи масалаларини ўрганишда тарихийлик принципининг бузилиш ҳолларини жуда тўғри кўрсатади: «Кейинги вақтларда таржима тарихи бўйича яратилган асарларда жуда зарарли бир тенден-

⁴⁴ ترکستان ولایتی گزیتى، 1938 йил 22 сентябрь.

⁴⁵ Ўша газета, 1881 йил 4 ноябрь.

цияни кўриш мумкин. Кўпгина асарларнинг авторлари, эҳтимол, яхши ният билан бўлса керак, ўзлари текшираётган таржимон ёки таржима назариячисини пардозлаб кўрсатишга интиладилар». Авторнинг кўрсатишича, бу тадқиқотчилар ўрганилаётган адибнинг таржима тўғрисида айтган фикрлари ҳозирги замонавий қарашларга тўла мувофиқ келади, деб талқин қилиш учун баъзан ясама далиллар ўйлаб топадилар. Бунинг натижасида ўтмиш давр таржимачилик ҳаракати ҳодисаларининг моҳиятини тўғри тушуниш ўрнига сохта тарих яратилади. Агар бу «тарих»лар бирлаштирилиб, умумлаштирилса, ундан ҳеч қандай тараққиёт, ўсиш ва кўтарилиш жараёнини кузатиш мумкин бўлмай қолади. «Таржима тарихи чинакам тарих бўлиши учун,— деб ёзади Ю. Левин,— ҳамма даврларда бир хил бўлмаган «таржима» тушуничасининг ўзи ўзгариб турганини, бунинг натижасида таржимага бўлган талабнинг ҳам ўзгариб борганини кузатиш зарур»⁴⁶.

Бизда таржимада тарихийлик принципни бузиш, бир томондан, мавжуд фактларга хилоф суратда айрим адибларни бирмунча идеаллаштириш, яъни уларга ҳақиқатда бўлмаган сифатларни ёпиштириш (масалан, Зокиржон Фурқатнинг И. А. Крилов масалларини «таржима қилиши!»)⁴⁷, иккинчи томондан, аксинча, ўз даври учун катта аҳамиятга молик бўлган дастлабки русча таржималарга қандайдир бир эрмак, «бадний иншо» деб қараш ёки, соғлом ақлга хилоф суратда, уларнинг тили ва услуби ҳозирги ўзбек адабий тилидан, табиий суратда, тафовут қилишини таржимонларнинг гўё қандайдир ёвуз ният билан қилган ҳаракатининг оқибати деб талқин этиш шаклида рўй беради.

Ўзбекистонда таржима тарихи ранг-баранг ижодий анъаналарга ва араб, форс, рус, ҳинд, турк ва бошқа қардош халқлар адабиётларидан қилинган гоят катта ва бой таржима меросига эгаки, бу тарихни тўғри ва мукамал ёритиш ҳар бир тарихий даврни, ҳар бир таржимоннинг ижодини ва

⁴⁶ Ю. Левин, Об историзме в подходе к истории перевода, «Мастерство перевода» (Сборник), 1962, «Советский писатель», М., 1963, стр. 374.

⁴⁷ Таржимашунос Н. Владимировнинг юқорида тилга олинган асариди ушбу гапларни ўқиймиз: «Рус тилини жуда яхши билган ажойиб маърифатпарвар шоир Фурқат Крилов масалларини таржима қилган» (9-бет). Бундай гаплар руслар билан муомала қилганда таржимонга муҳтож бўлган, рус тилини ўрганишга муяссар бўлолмаганидан гоят афсусланган Зокиржон Фурқатнинг шаънига айтилган қуруқ мадҳия эканлиги Тошкент Давлат университетининг доценти А. Ҳожиаҳмедовнинг филология фанлари кандидати деган даражани олиш учун ёзган диссертация ишида алоҳида қайд этилган. (Ранние переводы из русской классической литературы и их значение в развитии узбекской литературы, Ташкент, 1963, стр. 14).

жаҳон адабиётида маълум ва машҳур бўлган айрим классик асарларнинг таржима қилиниш тарихини кўплаб илмий-тадқиқот ишларида алоҳида-алоҳида ўрганишни талаб этади. Зотан, Жуманиёз Шарипов ўз асарида ишни хусусий текширишлардан бошламай, балки минг йиллик таржима тарихининг умумий манзарасини қисқача очерк тариқасида яратган экан, унда бир неча саҳифада ёки баъзан ҳатто икки-уч оғиз сўз билан қайд этилган тарихий ҳодисалар, таржимонларимизнинг ижодий фаолиятлари ва айрим асарлар таржимасининг илмий-назарий проблемалари, ўзбек адабиёти тарихида таржима қилиш анъаналари ва тарихий таржима принциплари келгусида мустақил илмий-тадқиқот ишларида чуқур ўрганилиши лозим.

Хуллас, таржима назарияси совет даврида шакллана бошлаган, ҳозирги вақтда айрим олий ўқув юртларининг филология факультетларида алоҳида предмет сифатида ўқитилаётган мустақил филологик фан бўлиб қолди. Бизнинг республикамизда С. Сиддиқ, С. Ҳусайн, Роиқ, С. Е. Паластров, М. А. Салье таржима назарияси учун пойдевор яратган адиблар, биринчи тадқиқотчилардир. Кейинги вақтларда филология фанлари кандидатлари Жуманиёз Шарипов, Н. В. Владимирова, Э. С. Азнаурова, И. В. Боролина, А. Абдуғафуров ҳамда ёзувчи-таржимон ва адибимиз Асқад Мухтор, Ҳ. Авлонова, С. Саломова, Ҳ. Ҳамидов ва бошқа кўп илмий ходимларимизнинг монографик асарлари ва мақолаларида таржима тарихи, таржима назарияси ва таржима танқидининг бир қанча муҳим проблемалари ёритилди. Чунончи, Асқад Мухтор, Э. С. Азнаурова, Н. В. Владимирова ва О. Шарфуддиновларнинг ишларида бадиий таржиманинг эстетик принциплари, образни образ билан акс эттириш, бадиий таржимада миллий хусусиятни сақлаш ҳамда бошқа шу каби муҳим назарий масалалар ўз аксини топган бўлса, Ж. Шарипов, И. В. Боролина, А. Абдуғафуров ва А. Ҳожиаҳмедовларнинг асарларида, асосан, таржима тарихи масалалари текширилди, Ю. Пўлатовнинг илмий иши ва мақолаларида чет эл адабиёти намуналарини ўзбек тилига ағдариш хусусиятлари ўрганилди, М. Расулий эса ўз ишини В. В. Маяковский асарларини ўгириш тажрибаларини умумлаштиришга бағишлади, илмий ходимлардан С. Саломова М. Шолохов асарларининг ўзбекча таржималарини ўрганмоқда, Д. Ғуломова эса В. Шекспир асарларининг ўзбекча таржималарини аслингизча нусхаси билан русча таржималарини қиёс қилиш панида текширмоқда, Г. Ғафурова ўзбек тилидан рус тилига таржима қилишнинг назарий масалаларини тадқиқ қилмоқда.

ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНING ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА БАДИИЙ ТАРЖИМАНИING

АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Халқлар
дўстлигининг
муҳим
воситаси**

Ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида тараққиёт истиқболини белгилаб берган, ҳозирги замоннинг Коммунистик манифести бўлиб қолган КПСС Программаси социалистик мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ёрдами, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятларнинг ўзаро яқинлашиб бориш йўлларини аниқ кўрсатиб берди.

Программада айтилишича, социалистик миллатларнинг маънавий қиёфасида умумий коммунистик фазилатлар етилиб боради, уларнинг ғоявий бирлиги кучаяди, аста-секин барча совет миллатлари учун умумий бўлган интернационал, ягона умуминсоний маданият вужудга келади. Халқаро маданий алоқалар бундан кейин янада ривожланади, Совет Иттифоқининг социалистик система мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар билан маданий алоқалари кенгайди, фан ва маданият ютуқларини ўзаро ўртоқлашишга ҳамда халқларнинг бир-бирларини тушуниши ва дўстлашишларига катта эътибор берилади¹.

Халқларнинг бир-бирлари билан дўстона муносабат ўрнатишлари, бир-бирларининг маданий бойликларини ўрганишлари ва ўзлаштиришларини таржимасиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам миллий маданиятларнинг ўзаро алоқасини мустақамловчи, катта сиёсий ва давлат аҳамиятига эга бўлган таржимачилик иши кўпмиллатли Совет Иттифоқида ғоят муҳим ўрин тутди.

Зотан, фан, маданият ва техника соҳасида рўй бераётган аксари мўъжиза ва оламшумул ҳодисалар ё бевосита, ё билвосита таржима туфайли оммалашади. Маданият тарихи

¹ Қаранг: «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси», Ўздавнашр, Тошкент, 1962, 113—116, 121, 132-бетлар.

шундан далолат берадики, қайсики давлат таржимачилик ишига катта эътибор берибди, унда фан, маданият ва санъат жадал суръатлар билан ривожланган ва ўша мамлакат халқининг миллий салоҳияти беқийс юксак даражага кўтарилган. Демак, бадий таржиманинг тарбиявий, сиёсий, ғоявий ва эстетик аҳамияти ҳамда маърифатпарварлик ролининг бундан кейин ҳам тобора ошиб боравериши давр, замон талабидан келиб чиқади.

Совет Иттифоқи нашр қилинаётган китоблар салмоғи жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради. Бизда Иттифоқимизда яшаётган 89 тилда ва 47 хорижий тилда газета ва журнал чиқарилади. 1958—1961 йиллар ичида СССР халқлари ва хорижий давлатлар халқларининг тилларидан бир-бирига таржима қилиш икки барабар ошган.

Таржима китоблари нашр қилиш жиҳатидан ҳам СССР дунёда биринчи ўринни ишғол этади. 1958 йил август ойида Брюсселда бўлиб ўтган жаҳон виставкасида СССР Ёзувчилар союзи таржима асарлари учун Олтин медаль билан мукофотланган эди².

Ўзбекистонда таржима адабиёти нашр этилаётган йиллик бадий асарлар ҳажмининг қарийб 2/3 қисмини ташкил этади. 1946—1960 йиллар орасида ўзбек тилида нашр этилган китобларнинг 58,3 проценти рус тилидан таржима қилинган. Таржима адабиётининг 93,5 процентини фақат рус тилидан ўгирилган китоблар ташкил этади³. Чунончи, «Тошкент» нашриёти 1958—1962 йиллар мобайнида ўзбек китобхонларини жаҳон адабиёти, рус классик ва совет адабиёти ҳамда қардош халқлар адабиётларидан таржима этилган 250 дан ортиқ асар билан таништирди. Кейинги йилларда кўп томлик ва сайланма таржима асарлар тўпламлари нашр этиш, яъни айрим ёзувчиларнинг асарларини мунтазам суратда таржима қила бориш расм бўлиб бормоқда. Масалан, сўнгги йилларда А. П. Чеховнинг уч томлик асарлар тўплами босилиб чиқди, Рабиндранат Тагорнинг саккиз томлик, М. А. Шолоховнинг ҳам саккиз томдан иборат сайланма асарлари нашр қилинмоқда.

«Бир халқнинг адабий асарларини бошқа халқ тилига таржима қилиш,— деб ёзган эди рус адиби В. Г. Белинский,— уларнинг ўзаро яқинлашишларига, бир-бирларига ғоялар алмашишига асос бўлади, ана шундан янги адабий асар келиб чиқади ва ақлий силжиш юз беради». Дарҳақи-

² «Мастерство перевода» (Сборник статей), «Советский писатель», М., 1959, стр. 208.

³ К. Х. Ханазаров, Сближение наций и национальные языки в СССР, Изд-во АН УзССР, Ташкент, 1963, стр. 211.

қат, жаҳон адабиётининг Шекспир сингари улуг сиймолари тилимизга таржима қилинган шоҳ асарлари билан бирга қонимизга сингиб кетди. Бадий таржима санъаткорларининг жонбозлик билан қилган меҳнати туфайли биз ўз Пушкинимиз ва ўз Лермонтовимизга, ўз Шевченкомиз ва ўз Муса Жалилимизга эга бўлдик. Эндиликда гениал Навоий билан бирга Гюго ва Шиллер асарларини, Ҳамза билан бирга Горький ва Маяковский китобларини, Ойбек билан бирга Шолохов ва Мирза Иброҳимов романларини ўқимоқдамиз. А. Қаҳҳор ва М. Исмоилийнинг таржималари орқали буюк сўз усталари Л. Н. Толстой ва А. П. Чеховнинг ажойиб асарларини ўқишга муяссар бўлдик, Ғ. Ғулом, А. Мухтор ва М. Шайхзодаларнинг таржималари орқали В. В. Маяковский ижодининг инқилобий руҳи ва ғоявий қудратини сездик, Р. Абдураҳмонов ва Ш. Толибов таржималаридан Н. В. Гоголь ва Н. Г. Чернишевский асарларининг нафосатини ҳис қилдик, И. Шамшаров ва М. Иброҳимовларнинг таржималаридан И. С. Тургеневни танидик, Миртемир ва Зулфия таржималари туфайли Н. А. Некрасовга муҳаббат боғладик.

Шундай қилиб, ўзбек адабиётининг мундарижаси кенгайиб, интернационал мазмуни тобора ортиб бормоқда.

Халқимизни жаҳон фани, техникаси, маданияти ва ижтимоий фикр тараққиётининг буюк ютуқларидан баҳраманд қилиш, уни пролетар интернационализи ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш каби муқаддас вазифани амалга оширишда таржимачилик иши ғоят катта аҳамиятга эга.

Бадий таржиманинг мазмуни, хусусияти ва асосий шартлари

Яқин вақтларгача асарнинг қандай таржима қилинганини кўрсатиш учун унинг қанчалик «соғда» ва «тушунарли» эканлигини асосий ўлчов бирлиги, мезон қилиб олинар эди. Аммо эндиликда бундай умумий ва муҳал кўрсаткич таржима мухлисларини ҳам, таржимонларнинг ўзларини ҳам қаноатлантирмайди.

Бошқача айтганда, таржимондан асарнинг умумий мазмуни ва ғоясини эмас, ёзувчининг ўзига хос тили ва услубини, унинг бадий мушоҳада формасини; китобнинг ташқи ва юзаки жисми-ю, латофатини эмас, балки унинг асосий бисоти: ички ҳарорати ва бадий хусусиятларини тўлатуқис аке эттириш талаб қилинади.

Маълумки, ҳар қандай таржима, В. Г. Белинский сўзлари билан айтганда, асл нусха тилини билмаган кишилар учун мўлжалланади⁴. Аммо ҳозир ўзбек китобхонлари асл нусха

⁴ «Русские писатели о языке» (Хрестоматия), Государственное учебное-педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР, Ленинградское отделение, Л., 1955, стр. 192.

тили — рус тилини биладилар, кўпчилик кишилар эса асарни бемалол ўз аслида ўқиб, унинг мазмуни, бадий хусусиятлари ҳақида муҳокама юритиб, баҳслаша оладилар. Айни шароитда бадий асарни ўзбек тилида қайта тиклаш, яъни адекват таржима яратиш масъулияти яна ҳам ошади. Бундай бадий мукамал таржима яратиш бўладими?

Буюк немис шоири Гёте ўзининг «Фауст» асарининг Жерар томонидан қилинган французча таржимасини ўқиб, шундай деган: «Немис тилида мен «Фауст»ни қайта ўқигим келмайди, лекин мана бу французча таржима мени ҳамон ҳаяжонга солади ва у соф, янги ва ўткир туюлади». Демак, шоир ўзи ёзган асарни ўз аслида, яъни она тилида эмас, балки унинг французча таржимасида ўқиб, ундан чуқур эстетик завқ олган. Бинобарин, бундан Гёте француз бўлиб, «Фауст»ни француз тилида ёзганида, уни худди ана шундай қилиб яратган бўлар эди, деган хулоса чиқариш мумкин. Зотан, бадий таржима хислатларидан бири ҳам шундан иборат⁵.

Бадий таржима практикасида ҳозиргача жиддий ўрганилмай келинаётган муаммолар жуда кўп. Булардан мазкур ишга тааллуқли айрим масалаларни тилга олиб ўтиш ўринлидир. Чунончи:

1. Китобхонга тушунарли ва содда тил билан таржима қилиш автор ва асарнинг тил ҳамда услуб хусусиятларини «соддалаштириш»га, тўғрироғи, сийқалаштиришга асос берадими?

2. Аксинча, авторнинг тил ва услуб хусусиятларини акс эттириш асарни ҳижжалаб таржима қилиш лозимлигини кўрсатадими?

3. Нима учун бадий асарни таржима қилишнинг аниқ, қатъий принциплари бўлса ҳам, бир асарни, масалан, ўн киши ағдарса, бир-биридан жиддий тафовут қиладиган ўн хил таржима ҳосил бўлади? Умуман, таржимада бундай хилма-хилликка йўл қўйиш мумкинми?

Услуб ёзувчининг ўзи, унинг бутун бор-бисоти, вужуди, юрак тегиши, бадий мушоҳада формаси, унинг овози демакдир. Бинобарин, агар таржимада авторнинг услуби тўғри берилмаган бўлса, бундай таржиманинг асл нусха жисмига мослигига асло ишониб бўлмайди: унда таржимон, беихтиёр, авторнинг ўрнига ўзини қўйган бўлади.

Филология фанлари доктори, кекса ёзувчи ва моҳир таржимон Корней Чуковский ўзининг «Таржима санъати» («Искусство перевода») номли машҳур асарига қуйидаги рус халқ мақолини эпиграф қилиб олган эди: «Таржима худди

⁵ Уша тўпламининг 192-бетига қараг.

хотинга ўхшайди: тўғри бўлса — чиройли эмас, чиройли бўлса — тўғри эмас». Бу мақол таржима санъатининг асосий хусусиятини, унинг заминдаги мавжуд зиддиятни жуда тўғри аке эттирган. Зеро, тўғри таржима этишни мақсад қилиб қўйган киши, кўпроқ, ҳижжалаб таржима қилишга, муддаоси чиройли таржима қилишдан иборат бўлган киши эса... кўпроқ, ўзини авторлаштиришга мойил бўлади.

Бизнингча, ҳам тўғри ва ҳам чиройли таржимагина мукамал ва идеал санъат асари бўла олади, бундай таржима яратишнинг ўзи эса чинакам санъатдир. Бундай санъат таржимондан тўғри таржима қилиш доирасида чиройли таржима этишни ва чиройли таржима этиш доирасида тўғри таржима қилиш маҳоратини эгаллашни талаб этади.

Таржима практикасида қуйидаги хилма-хилликлар учраб туради:

1. Таржимонларнинг тажрибаси, малакаси ва эътиқоди бир-биридан жиддий фарқ қилиши натижасида келиб чиқадиган тафовутлар.

2. Таржимонларнинг таржима қилиш принципларини ҳар хил талқин этишлари туфайли келиб чиқадиган тафовутлар.

3. Таржимонларнинг услуби автор услубига таъсир этиши натижасида табиий рўй берадиган тафовутлар*.

Ана шу учта сабаб туфайли, агар бир асарни, масалан, ўн та таржимон ўз тилига ўгирса, натижада бир-биридан фарқ қиладиган ўн хил таржима ҳосил бўлади. (Албатта, бунда қонуний ҳодисаларгина назарда тутилиб, масъулиятсизлик ва эътиборсизлик туфайли йўл қўйиладиган ўзгаришлар назардан соқит қилинади). Шунинг учун ҳам ҳар бир таржимон ўз таржимасининг мутлақ авторни бўлса, айни асарнинг ўз тилига қилинган ва қилинадиган ҳамма таржималарига автор бўлишни даъво қилолмайди. Масалан, В. Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси рус тилига ўн беш марта ўгирилган бўлиб, ҳозир ҳам шу асарнинг бир-биридан жиддий фарқ қиладиган Б. Пастернак ва М. Лозинский таржималари барабар нашр қилинади.

Бадий таржима $2 \times 2 = 4$ деб қатъий ҳал қилинадиган механик иш бўлмай, балки ижодий иш эканлиги, автор услубини ҳар бир таржимон ўзига хос услуб билан тиклашга интилиши таржимачилик практикасида юз бераётган ана шу тафовутларга сабаб бўлади.

«Услуб» тушунчаси кенг маънода ва тор маънода талқин қилинади.

Кенг маънода муайян ёзувчининг ёки айрим асарнинг услуби тушунилади. Масалан, Л. Н. Толстой билан А. П. Чеховнинг бадий услуби бир-биридан жиддий фарқ қилади.

Пролетар ёзувчиси А. М. Горький А. П. Чеховнинг ҳикоялари ҳақида гапирар экан, уларнинг ҳоят қисқалиги, бу ҳикояларнинг ҳатто сюжетини қисқа қилиб айтиб беришга тўғри келса, баён уларнинг ўзидан ҳам катта бўлиб кетишини уқтирган эди. Горькийнинг таъбирича, бу ёзувчининг ҳикоялари санъаткор қўли билан тўқилган шундай нафис тўрки, уқувсиз, қўпол қўлларга тушса, улар нобуд бўлиб кетиши мумкин.

Шундай қилиб, баландпарвозлик, жимжимадорлик, тантанаворлик ва дабдабавозлик А. П. Чеховнинг услубига мутлақо ётдир. Соддалик, қисқалик, аниқлик, яширин мусикий оҳанг А. П. Чехов услубининг асосий белгиларидир. Унинг бу хусусиятини Л. Н. Толстой қуйидаги сўзлар билан баён этган эди: «Санъаткор сифатида олдинги рус ёзувчилари — Тургенев, Достоевский ёки, масалан, мени Чехов билан таққослаб бўлмайди. Бир қарасанг, у қўлига тушган бўёқларни фарқ қилмай, чаплаб ташлаётгандай, бўёқлар бир-бирига ёпишмаётгандай туюлади, бироқ сал туриб, сарасоп солиб қарасанг, ғалати таассурот туғилади: қаршингда равшан ва ажойиб манзарани кўрасан киши».

А. П. Чеховнинг қисқа ва лўнда тасвирлаш услубининг фазилатлари ҳақида гап борар экан, Л. Н. Толстойнинг воқеаларни яхлит, кенг, раvon ва гўзал услуб билан тасвирлаш санъати ҳам диққатга сазовор. Бу ажойиб услуб фасоҳатини А. П. Чехов Шчукинга ёзган хатларидан бирида қисқагина қилиб шундай кўрсатган эди: «Сиз Толстойнинг тилига эътибор қилганмисиз? Катта-катта тизма гаплар, улар бир-бирининг устига минди-минди бўлиб кетган. Буни тасодифий ҳол, нуқсон деб ўйламанг. Бу санъатдир, бинобарин, унга меҳнат қилиш билангина эришиш мумкин».

Ўзбек таржимачилиги такомилда Мирзакалон Исмоилийнинг муносиб ўрни бор. Л. Н. Толстойнинг «Анна Каренина» романини у қандай таржима қилганлигининг ўзи катта ижодий мактаб деса бўлади. У қарийб 35 йил мобайнида, дастлаб «Тирилиш» романини ўзбек тилига ўгиришга урина бошлаган даврдан, Лев Толстойнинг содиқ мухлисидир. Таржимон Л. Н. Толстой асарларини доим мутолаа қилиб, ёзувчи услубининг «оддий» кўз билан кўриб бўлмайдиган «сир»ларини астойдил қидириб топа бошлади. Мирзакалон Исмоилийнинг тилимиз хазинасидан усталлик билан фойдаланганлиги, катта турмуш тажрибаси, камол топган бадиий маҳорати ва ҳалол меҳнати «Анна Каренина» романининг ўзбек тилига муваффақият билан таржима қилинишини таъминлади. Таржимоннинг жиддий ютуғи шундаки, у буюк Толстой номидан гапирётганини чуқур ҳис қилиб, таржимада тилнинг раvon-

лиги, ифоданинг табиийлиги, мантиқнинг чуқурлиги ва тас-
вирнинг гўзаллигига эриша олган.

Иккита олмошдан иборат қисқагина «кто я?» деган жум-
лани контекстан ташқарида айнан «мен кимман?» деб тар-
жима қилиш ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди.
Аммо бу жумла қуйидаги гап ичида бир оз бошқачароқ маъ-
но англатади: «— Кто я? Развратная женщина. Камень на
твоей шее» (АК, 2,359). Киборлар жамиятининг ярамастик-
лари туфайли инсоний ҳуқуқи поймол қилинган Аннанинг
Вронскийга айтган юқоридаги «— кто я?»сини энди «жўнги-
на» «— мен кимман?» деб бериб бўлмайди. Шунинг учун
Анна ўзбек тилида «— Мен нима деган одамман?» деб тўғри
гапиради (АК, 2,389). Демак, русча иккита сўз ўзбек тилида
тўртта сўз билан ағдарилган, чунки сўзларнинг айтилиш
оҳанги ва маъноси уларни ана шундай таржима қилишни
тақозо этган.

Рўзғори бузилган, ўз ҳаловатидан айрилиб, чуқур руҳий
инқирозга учраган Каренин ҳам: «— Я разбит, я убит, я не
человек более!» дер экан, кейинги сўзларни айнан «энди мен
сдам эмасман» деб ўгириш нутқ оҳангига ва сўзларнинг би-
рикиби англатган умумий маъно махражига хилоф бўлар эди.
Буни таржимон: «— ... энди нима деган одам бўлдим-а!» деб
берганки, бунда оғир мусибатга дучор бўлган Каренин ҳам,
зодагонлар жамияти адолатсизлигининг қурбони бўлаётган
Анна ҳам бахтсиз экан, уларнинг ҳар бири ўзича бахтсиз
эканлиги аниқ кўриниб туради. Таржимон образларнинг тақ-
диридаги ўхшашлик билан улар нутқининг ҳамоҳанглигини
жуда тўғри тушунган ҳамда уларнинг «тили» учун сўз ва
иборалар танлаганда бунга қаттиқ риоя қилган.

Ўзининг шахсий мансаби йўлида онлани ҳам, муҳаббатни
ҳам, одамгарчиликни ҳам яқсон қилган, ўз обрўсининг па-
сайиб қолишидан ниҳоят даражада эҳтиёткор бўлган Каре-
ниннинг нақадар қуруқ, пасткаш одам эканлигини унинг хо-
тини Аннани огоҳлантиришидаги нутқ оҳангидан билиб олса
бўлади:

— Я хочу предостеречь
тебя в том,— сказал он ти-
хим голосом,— что по не-
осмотрительности и легко-
мыслию ты можешь подать
повод говорить о тебе. Твой
слишком оживленный разго-
вор сегодня с графом Врон-

— Мен сени шу хусусда
огоҳ қилиб қўймоқчиманки,—
деб мунгли товуш билан гап
бошлади у,— эҳтиётсизлик ва
енгилтаклик орқасида сен
ўзингни киборлар жамиятида
гап-сўзга қолдиришинг мум-
кин. Бугун граф Вронский би-

ским... обратил на себя внимание (АК, 1, 168).

лан... қилган ҳаддан ташқари дилкашлигинг бутун мажлисининг диққатини ўзига жалб этди (АК, 1, 189).

Бунда иззат-нафси лат еган Каренин баландпарвоз, қуйма иборалардан тузилган, худписандлик оҳанги сезилиб турган нутқи билан ўзининг киборлар тоифасига хос зодагонлардан эканлигини кўрсатиб турибди. Ана шу нутқ оҳанги таржимада жуда яхши акс этирилган.

«Анна Каренина» романининг таржимасидан китобхон Л. Н. Толстой дунёқарашининг ижобий ва салбий томонларини, ёзувчининг буюк инсонпарвар ва мутафаккир сиймо эканлигини билиб олишдан ташқари, унинг ўзига хос бадий мушоҳада формаси, санъати ва маҳоратини ҳам ҳис этади.

Таржимон сифатида ноёб талант соҳиби бўлган марҳум ёзувчи Мухтор Авезов 1958 йилда Олмаотада бўлиб ўтган республикалараро таржимонлар кенгашида сўзлаган нутқида бир вақтлар туркий халқларнинг маданий савиясига мослаштириш талаби билан Н. В. Гоголь ва Л. Н. Толстойнинг мураккаб гаплари бўлиб-бўлиб ағдарилгани, яхлит бадий манзара ўрнига таржимада нимталанган парчалардан тузилган қурама тасвирларнинг ҳосил бўлишини кўрсатган, эндиликда ана шу ёзувчиларнинг юксак маданияти, мураккаб мушоҳада формаси ва бадий тасвир услубини бундай «соддалаштириш»га йўл қўйиб бўлмаслигини қайд этган эди. Толстойнинг тизма гапларини тушунарли бўлмайди деган ваз билан бўлиб таржима қилиш нотўғри, чунки чаласавод рус деҳқонига ҳам бундай мураккаб гап конструкциялари тушунарли эмас эди, бинобарин, автор услубини акс эттиришда «тушунарли бўлмайди» деган нарсани мезон қилиб олиш мумкин эмас.

Насрий асарни таржима қилганда, М. Авезовнинг фикрича, унинг оҳанги ва тўлқинини жумлама-жумла кўчирмай, балки услуби орқали акс эттириш лозим (МРС, 363).

1960 йилда Л. Н. Толстойнинг «Тирилиш» романи ўзбек тилида Холида Аҳророва таржимасида босилиб чиқди. Таржимачилик ишида анча бой тажриба орттирган Х. Аҳророва романининг эстетик завқи ва бадий жилоларини сақлашга тузук ҳаракат қилган. Асарнинг катта бадий қувват билан ёзилган кўпгина жойларини таржимон яхши бера олган. Жумладан, Х. Аҳророва таржимасида асарнинг 1933 йилда Мирзакалон Исмоилий томонидан қилинган биринчи таржимасида йўл қўйилган нуқсонлар ҳам яхши тузатилган.

Таассуфки, таржиманинг умумий бадий савияси ҳозирги талаблар даражасида эмас.

«Тирилиш» романи таржимасининг синтактик қурилиши соҳасида олиб борган кузатишлар шуни кўрсатадики, таржимон умуман автор услубига монанд бир услубни ярата олмаган. Чунончи, баъзи ўринларда ўзгача услубнинг ёйиқ синтактик қурилишли гапларини айнан таржима қилишга берилиб кетиб, ундан қуруқ нусха кўчирган. Натижада унда асл нусханинг руҳи, яъни услуб фасоҳати акс этмасдан, аксинча, услуб чалкашликлари ва ғализлик ҳосил бўлган. Бошқа ўринларда эса «бир-бирининг устига минди-минди бўлиб кетган тизма гаплар» бўлиб-бўлиб юборилган. Бунинг оқибатида таржимадаги бўлакларни бир-бирига боғловчи *эди, эса, бўлди, шундай қилиб* каби элементлар кўпайиб кетиб, асарга ортиқча тафсилотлар қўшилган, айрим сўзлар ноўрин такрорланган.

Л. Н. Толстой образларнинг чуқур руҳий кайфиятларини тасвирлар экан, ҳеч қачон баён йўлига ўтмайди, балки дилни тилга таржима қилиб, ўзига хос бадий услуб ва оригинал форма яратади. Масалан, руҳий инқироздан маънавий камолотга эришиб бораётган Нехлюдов билан Масловани ўзгача шундай бир муҳитда тасвирлайдики, улар юракларида қат-қат бўлиб ётган қайғу-алам, секинча ва изтироб, васл ва ҳижрон туйғуларини бир-бирларига очиқ айтиб, дилкашлик қилмайдилар. Ўзгача ўз қаҳрамонларининг ана шу ҳолатига монанд услуб танлаган. Аммо таржимада авторга хос услуб ҳам, таржимоннинг ўзига хос шаклланган услуб ҳам кўзга ташланмайди.

Ўзгача ўз персонажларини улар яшаётган муҳит билан чамбарчас алоқада тасвирлайди. Масалан, бир томонда рус буржуазияси вакиллари, помещиклар ва чор маъмурияти чиновниклари муҳташам биноларда айш-ишрат билан беғам ҳаёт кечирсалар, иккинчи томонда рус мужиклари чор-ночор тирикчилик қиладилар. Сибирга сургун қилинган маҳбуслар оч-яланғоч, ғарибона кун кечирадилар, уларнинг кўпи Сибирнинг қаҳратон совуғига чидаёлмай ҳалок бўлади.

Таржимада персонажлар билан улар яшаётган моддий турмуш шароитларининг уйғунлигига баъзан хилоф етиши натижасида қўпол хатоларга йўл қўйилган. Масалан, Сибирда азоб-уқубат исканжасида ҳалок бўлган бир кампир шундай тасвирланган:

«Рядом с ним лежала в белой юбке и кофте босая и простоволосая с редкой ко-

«Унинг ёнида оқ юбка ва кофтали, яланг оёқ, боши яланг, сочлари майда қилиб

роткой косичкой старая ўрилган (?)... қари кампир
женщина» (В, 453). «тарди» (Т, 494).

Ёзувчи кампирнинг тўкила-тўкила сийраклашиб, бир тутамгина бўлиб қолган калта сочлари ҳақида гапирса, таржимон гоёят мусибатли ва аянч аҳволга тушган кекса марҳуманинг сочларини «майда қилиб ўради!»

Хуллас, ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилинган «Анна Каренина» ва муваффақиятсиз ағдарилган «Тирилиш» романлари таржимон учун икки тилни мукамал билиш, турмуш тажрибаси, бадий маҳорат ҳамда ёзувчининг услубини тўла эгаллаш ва буни таржимада қайта тиклай олиш қанчалик зарур эканлигини яққол кўрсатади.

«Мен бир умр Пушкиндан ўрганиб келдим ва ўрганман,— деб ёзган эди ажойиб озарбайжон шоири Самад Вурғун.— Унинг ижоди мен учун ҳамма вақт буюк ижодий мактаб бўлиб келди. Агар шоир ўз ижодининг Пушкин поэзиясига ички яқинлигини ҳис этса, агар унинг идеаллари ва ижодий интилишлари Пушкин поэзиясининг идеаллари ва ижодий интилишларига мувофиқ келса, агар у Пушкинни жондил билан севса, бу мактаб унга кўп нарсаларни ўргатиши мумкин. Борди-ю, бундай ички алоқа бўлмаса, ҳар қандай ўрганиш ҳам ўзининг ижодий аҳамиятини йўқотади ва жонсиз, таваккалга тақлид қилишга айланиб қолади.

Мен «Евгений Онегин»ни шунинг учун ҳам таржима қилишга киришдимки, у мени фақат китобхон бўлганим учунгина эмас, балки шоир эканлигим учун ҳам ўзига мафтун этган эди... Бу асарни таржима қилиш менга жуда кўп нарсани берди. Буни мен кейинчалик равшан ва аниқ кўрдим. Бу таржима менинг «Комсомол поэмаси», «Воқиф» ва «Ханлар»ни яратишимда кенг бадий имкониятлар ва бой тажриба берди».

Дарҳақиқат, ўзинг севмаган ёзувчининг китобини ёки адибнинг ўзинга ёқмаган асарини яхши таржима қилиш мўъжизага ишониш демакдир. Ваҳолонки, ҳар қандай таржимон ҳам мўъжиза яратолмайди. Ёзувчининг ижодини чуқур билган, уни севган ва услубининг яқинлигини ҳис этган таржимонгина унинг бадий мукамал ва сермазмун таржималарини яратиши мумкин.

Л. Н. Толстой асарларини, жумладан унинг салмоқдор «Анна Каренина» романини бошқа адиб эмас, Мирзакалон Исмоилий таржима этганлиги тасодифий ҳол эмас. Мирзакалон Исмоилий фақат китобхон сифатида эмас, бадий сўз устаси, санъаткор таржимон сифатида ҳам Толстойни севади. У Толстойнинг бадий маҳорат «сир»ларини астойдил ўрга-

ниш натижасида бадий мушоҳадаси кенг, лафзи ҳалол ёзувчи бўлиб етишди. Бу эса, ўз навбатида, унинг Толстойни янада мукамалроқ ва янада чуқурроқ таржима қилишига имконият яратди.

Лев Толстой ва Мирзакалон Исмоилий ижодининг ички яқинлиги, таржимон-ёзувчи услубининг ёзувчи услубига пайваста эканлигини кўрсатувчи ушбу мисолларни қиёс қилинг (Мисоллар «Анна Каренина» ва «Фарғона тонг отгунча» романларидан танланди):

1. «Ей не нужно было спрашивать, зачем он тут. Она знала это так же верно, как если б он сказал ей, что он тут для того, чтобы быть там, где она» (1,119).

2. «Она, не думая, не спрашивая себя, как и что, подошла к нему и сделала то, что она сделала» (1,467).

3. «Хотя Левину и казалось, что не хочется есть, и он сел за обед, только чтобы не обидеть Кузьму, но когда начал есть, то обед показался ему чрезвычайно вкусен» (1,296).

4. «Он чувствовал себя собой и другим не хотел быть» (1,107).

5. «Он понял, что она не только близка ему, но что он теперь не знает, где кончается она и начинается он».

1. «Хокисорлик қилаётгани учун кулги бўлиш эҳтимолидан ҳам қўрқмади. Нега ҳам қўрқсин, ахир ёрга ёрилмай кимга ёрилади» (71).

2. «У чиройли қилиб кулди, кулиб туриб... қочмоқчи бўлди» (55); «...рўмолчани ўпди, ўпиб бўлиб қўйнига солди» (63).

3. «Энди бўш саҳну, унинг этагида юрагини чангаллаб ўтирган Фуломжонгина қолди. Йўқ, Фуломжон қолмади, юрагини тирноқлари узун, ўткир чангалида қиса бошлаган мудҳиш ташвиш билан қолди» (69).

4. «Энди нима қилсин: кутсинми ё кетсинми?» (70).

5. «Отаси буни сезмади, ўғлининг юрагида уйғонган ҳисларни, томирларида қайнаган қон ҳароратини сезмади. Сезмади унинг алам билан, соғинч билан тикилиб қолганини» (46).

Л. Н. Толстой услубининг гўзаллиги рус тилининг лексик-грамматик ўзига хос хусусиятлари заминида яратилган бўл-

са, М. Исмоилий услубининг фазилати ўзбек тили лексик-грамматик табиатининг ўзига хос хусусияти асосида рўёбга чиққандир. Бу икки адиб услубининг яқинлиги шундаки, бу услуб бадиий ифода ва тасвирнинг кенг планли, яхлит ва нафис бўлишига асослангандир.

Авторнинг тили ва услуб хусусиятларини акс эттиришни асл нусха тилининг грамматик хусусиятларидан нусха кўчириш деб тушунмаслик лозим. Агар шундай деб талқин қилинса, бу тўғридан-тўғри формализмга олиб борган бўлар эди. Ваҳолонки, вазифа авторнинг тили ва услуб хусусиятларини ўзбек тилининг табиати, ўзига хос хусусиятлари ва имконияти доирасида акс эттиришдан иборат.

Ёзувчи ва таржимон ижодининг Самад Вурғун қайд этган «ички яқинлиги»ни, «идеал ва ижодий интилишларининг мувофиқлиги»ни А. П. Чехов ва Абдулла Қаҳҳор ижоди мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Улуғ ёзувчиларнинг маҳорати шундаки, улар узундан-узоқ таъриф ва тавсифлар ўрнига образ ва персонажларнинг нутқ услуби орқали уларнинг қиёфаси, савияси ва маслағи ҳақида муфассал бадиий маълумот берадилар.

«Қўшчинор чироқлари» романида Муҳиддин ака колхозга аъзо бўлиб кириш ҳақида мана бундай ариза топширади: «Капсанчилар қишлоғининг қишлоқ шўроларига ариза.

Капсанчилар қишлоғига қарашлик Қўғазор маҳалласида турғувчи менким Муҳиддин Муҳаммадсолиҳ ўғлидирман, бераман ушбу аризани шул хусусдаким, меҳнаткашнинг даврида кўзим очилиб ишчи-деҳқон ҳуқумати бошлаган колхоз йўлини ихтиёр қилдим ва умид қиламанки, мени бир нафар хўкиз ва бир нафар эчки ва бир нафар эшак ва ўн икки нафар товуқ ҳамроҳлигинда колхозга олсалар, деб ўз ихтиёрим билан бармоғим босдим Муҳиддин Муҳаммадсолиҳ ўғли гинвор оёғинда» (романнинг 1952 йил нашри, 56-бет).

Аризанинг бошида келган тўртта сўздан *қишлоқ* сўзининг такрор келиши ҳам, *шўро* термини ва унинг кўплик шаклида қўлланилиши ҳам 30-йилларнинг услуби эканлигини эслатиб турибди. (Аризанинг китобий услуб билан ёзилганидан уни Муҳиддин акага Абдусамад қори ёзиб берган деб фараз қилиш мумкин, зотан, шунинг учун бўлса керак, бу Сафаровнинг гашини келтиради). Аризада уй ҳайвонларининг номи келтирилгач, Муҳиддин аканинг улар билан «ҳамроҳлик»да колхозга кириш мақсади борлиги баён қилинади. Бунда ёзувчи семантик жиҳатдан ножинс сўзларни бириктириш билан услуб заминида келиб чиқадиган ажойиб юмор яратган (хўкиз, эчки, эшак ва товуқ «ҳамроҳлигинда» колхозга киришни тасаввур қилинг!).

Бундай услуб хусусияти А. П. Чехов ижодида кўп учрайди (бу масала ишнинг кейинги бобларида ёритилган).

Услуги бузиб таржима қилинган асарда ҳам асл нусхада мавжуд ҳамма нарса муҳайё бўлади: сўзлар ҳам, гаплар ҳам, воқеалар ҳам, сюжет, композиция ва образлар ҳам. Унда фақат «кичик» бир деталь етишмайди, холос: у ҳам бўлса асарнинг бош қаҳрамони — ёзувчининг ўзи, унинг сиймоси, овози, юрак тепиши... — яъни унинг услуги, маҳорати ва санъати.

«Услуг» тушунчасини тор маънода талқин қилганда асарда тасвирланган персонажлар нутқининг ўзига хос услуги, сўз услуги, ибора услуги ва ҳатто товуш услуги тушунилади.

Юқорида айтиб ўтилганидай, таржима қилинаётган асарни соддалаштириш, маҳаллий китобхоннинг миллий тушунча ва мушоҳадасига мослаштириш майли бир вақтлар бадий таржималар сифатини белгиловчи асосий вазн бўлган экан, биринчидан, бу таржимачилик практикасида аллақачонлар босиб ўтилган давр, бинобарин, ҳозир ҳам ана шундай «майда ҳунармандчилик» майли баъзан учрар экан, бу бадий таржимада роппа-роса ўттиз йил орқага қараб кетиш бўлар эди.

Ҳозир вазифа сўз ва гапнинг умумий маъносини тўғри бера билиш эмас, балки автор услубининг ички энергиясидан келиб чиқадиган энг нозик хусусиятларни, чунончи, бадий оҳанг, ҳаракат, сўз ва сўзлар бирикмаси замирида яшириниб ётган, «оддий» кўз билан кўриб бўлмайдиган семантик ҳодисани, ҳар бир авторнинг ўзига хос юмор яратиш хусусиятини, унинг сўз танлаш, сўз яратиш ва сўз бириктириш борасидаги новаторлигини, бадий асарнинг энг муҳим хоссаси бўлган образлиликни, ҳар бир товуш, нуқта ва вергулнинг бадий функциясини билиб ва тўғри акс эттиришдан иборат.

Ҳар бир сўзнинг ўз услуги бор экан, албатта, имло луғатидаги сўзларга қараб, уларнинг услуб хусусиятларини аниқлайман, дейиш беҳуда уриниш бўлар эди. Сўзларнинг услуб хусусиятлари бадий текст ичида, сўзларнинг бирикишида очилади. Масалан, «ўлмоқ» маъносидаги *дунёдан ўтди, оёқ чўзди, қулоғи остида қолди, кўз юмди, абадий уйқуга кетди, жони узилди, жони чиқди, ҳалок бўлди, вафот қилди, нафаси тинди, қуни битди, бу дунё билан иши тугади, бу дунё билан ҳисоб-китобни узди, ажал олиб кетди, ажал тегди, бандаликни бажо келтирди, бандалик қилди, нариги дунёга сафар қилди, асфаласофилинга жўнади, омонатни топширди* каби бирикмаларнинг ҳар бири ўзига хос стилистик маънога эга. Бу стилистик вариантларнинг ҳар бирини ўз ўрнида ишлатишнинг катта амалий аҳамияти бор, башарти, улар ноўрин қўл-

ланилса, жуда қўпол хато келиб чиқиши мумкин. Масалан, *вафот қилди* дейиш ўрнига *асфаласофилинга жўнади* ёки *дунёдан ўтди* дейиш ўрнига *жони чиқди* деб бўлмайди.

Таржимашунос олим Олексий Кундзичнинг *мужик* сўзини бошқа тилга ағдариш ҳақидаги мулоҳазалари диққатга сазовордир.

Д. Н. Ушаковнинг изоҳли луғатида *мужик* сўзи тўрт хил маъно бериши кўрсатилган: 1) асосий маъноси *деҳқон*; 2) кўчма, ҳақорат маъносида; 3) *эркак*; 4) *эр*.

Украин тилида ҳам *мужик* сўзи бўлиб, ammo у шу сўзнинг русча маъносига нисбатан тамомила бошқа маънони англади. Чунончи, *мужик* украин тилида фақат ҳақорат маъносигагина ишлатилиб, *ҳуриш* демакдир. Шунга қарамай, деб кўрсатади О. Кундзич, кўп таржимонлар русча *мужик* сўзини украин тилида ҳам айнан ўзидай қолдираверадилар. Ҳолбуки, *мужик* сўзининг асосий *деҳқон* маъносида украин тилида *крестьянин, селянин, хлібороб, гречкосій* сўзлари қўлланилади (ВХП, 243—244).

Демак, ҳатто бир системадаги тилларда ҳам аини бир сўз тамомила бошқа-бошқа маъноларни англашиши мумкин. Ammo бир системадаги тилдан тамомила бошқа системадаги тилга таржима қилганда сўзларнинг қандай маънода келганлигига алоҳида диққат қилиниши лозим.

Шуниси қизиқки, аини бир славян тиллар оиласига мансуб бўлган рус тилидан украин тилига таржима қилганда *мужик* сўзини айнан қолдириб бўлмайди-ю, бошқа-бошқа системага мансуб бўлган рус тилидан ўзбек тилига таржима қилганда бу сўз кўпинча таржимасиз қолдирилади. Ҳатто инқилобдан бурунги таржималарда ҳам шундай қилинар эди. Масалан: «Бир мужикнинг ғоз тақсим қилғони», «Подшо билан мужик» (Л. Н. Толстой эртаклари) ва ҳоказо. Ҳозир ҳам *мужик* сўзи ўзининг асосий маъносида таржимасиз ишлатилади (Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар» поэмаси таржимасига қаранг). Бундай ҳолларда миллий колоритни акс эттириш масаласи назарда тутилади. Чунончи, *деҳқон* сўзи ўзбек турмушига қанчалик хос бўлса, *мужик* сўзи ҳам асл рус сўзларидандир (шу сабабли ўзбек тилидан русчага таржима қилганда ҳам *деҳқон* сўзи ағдарилмай, айнан қолдирилади).

Бироқ *мужик* сўзи *деҳқон* маъносидан ташқари Д. Н. Ушаков луғатида қайд этилган маъноларни акс эттирганда уларга мувофиқ келадиган бошқа сўзлар билан бериш лозимлиги шак-шубҳасиздир.

Бадий таржимада образ ва персонажларнинг нутқ услубини акс эттиришда сўзнинг аҳамияти жуда катта. Шунинг учун сўзни ҳар бир персонажнинг индивидуал хусусиятига

қараб танлаш жуда муҳим роль ўйнайди (кейинги бобларда бу масала махсус ўрганилади).

Бадий таржиманинг хусусияти бадий адабиёт хусусиятидан келиб чиқади. Бадий асарда образлилик асосий роль ўйнаганидай, уни бошқа тилга ўгирганда ҳам асарнинг ана шу хусусиятига жиддий эътибор қилиш талаб этилади. Бинобарин, сиёсий ва, хусусан, илмий адабиётлар таржимасида фикр аниқ далиллар асосида ва аниқ формада баён қилинса, бадий асарда воқеалар образлар ва бадий воситалар орқали тасвир этилади.

«Файласуф — силлогизмлар, шоир эса образ ва тасвирлар йўли билан гапирадилар, аммо ҳар иккаласи айни бир муддаони илгари сурадилар. Статистик рақамлар билан қуролланган сиёсий иқтисодчи фалон-фалон сабаблар туфайли муайян синфнинг жамиятдаги аҳволи анча яхшилангани ёки анча ночорлашганини исботлаб, ўз китобхонлари ёки тингловчиларининг онгига таъсир ўтказади. Воқеликни жонли ва аниқ тасвирлаш билан қуролланган шоир фалон-фалон сабаблар натижасида муайян синфнинг жамиятдаги аҳволи, дарҳақиқат, анча яхшилангани ёки ночорлашганини ўз китобхонларининг фантазиясига таъсир этган ҳолда ҳаққоний тасвирлар воситаси билан кўрсатади. Бирини исботлайди, иккинчисини кўрсатади, аммо ҳар иккаласи ҳам: бири мантиқий далиллар билан, иккинчисини тасвир билан иқрор қилади. Бунда фан ҳам, санъат ҳам баб-баравар зарурдир, бинобарин, фан санъатнинг ўрнини, санъат эса фаннинг ўрнини босолмайди»⁶.

В. Г. Белинский томонидан аниқ айтилган далилларга кўра, сиёсий ва, хусусан, илмий адабиётлар таржимасида қонуниятлар, формулалар, илмий таърифлар ва схемалар тилининг жуда аниқ бўлишига асосий эътибор қилинса, бадий таржимада ағдарилаётган асарнинг ғояси, бадий хусусиятлари, тасвирнинг образлилиги ва жонлилигини ҳаққоний акс эттириш катта роль ўйнайди. Шу сабабли сиёсий ва илмий адабиётларни таржима қилишга ихтисослашган киши кўпинча бадий таржима услубига мослашолмайди.

Бадий адабиётнинг жанр ва турларга бўлиниши бадий таржимада ҳам бир қанча ички хусусиятлар бўлишини тақозо этади. Масалан, насрий, шеърый ва драматик асарларни ўгиришнинг ўзига хос томонлари бор: шеърый асарда бадий оҳанг, қофия, вазн ва бошқа бадий ўлчовлар катта роль ўйнайди, бинобарин, насрий асарларни таржима қилишга ихтисослашган киши кўпинча шеърыйни таржима қилол-

⁶ В. Г. Белинский, Избранные философские сочинения, том II, стр. 453.

майди, тўғрироғи, шеърий асарни ағдариш учун таржимон шоир бўлиши керак. Саҳна асарларини таржима қилишнинг ҳам ўз хусусиятлари бор. Чунончи, бунда сўзларнинг томошабинга тез етиб бориши ва тез «ҳазм бўлишига» алоҳида аҳамият берилади, чунки бундай таржимада таржимон кўрсатилаётган воқеаларни шарҳлаш ва изоҳлаш имкониятидан маҳрум бўлади.

Тил — таржиманинг калити

Бадий адабиёт турмушни образлар орқали акс эттирар экан, образни тўғри кўрсатиш ва образдилик бадий таржиманинг ҳам бош хусусиятларидан бири эканлиги билан юқорида қисқача танишдик. Бироқ бу, баъзи олимлар талқин қилгани каби, бадий таржимада сўзнинг аҳамияти йўқ, ҳамма гап образни тўғри тушунишда деб қараш учун асос бўлмайди. Чунки сўз билан образни бир-биридан ажратиш тўғри эмас, зотан, сўздан «ташқарида», сўзсиз образ яратиш бўлмайди. «Тил — амалий-воқеий онг» (К. Маркс) экан, тил материалидан холи яланғоч фикрлар бўлиши мумкин эмас.

Адабиёт, А. М. Горькийнинг таърифи билан айтганда, «турмушни сўз орқали ўймакорларча тасвирлаш санъати», сўз — унинг асосий «қурилиш» материалидир. Бас, шундай экан, тилнинг бисотини ташкил этувчи бу элементдан холи бўлган образ яратиш бўлмайди. Оригинал тилининг ширасини акс эттирмай туриб, асарнинг «руҳи»ни, унинг образлилиги-ю, бадий хусусиятларини тиклаш тўғрисида гапириш мумкин эмас. Бадий маҳоратнинг онаси тил экан, уни чуқур билмай туриб бадий маҳорат тўғрисида мулоҳаза юритиб бўлмайди.

Г. В. Плеханов фақат бадий таржимагина эмас, балки ҳар қандай таржиманинг ҳам биринчи асосий шarti, таржима қилинаётган нарсанинг объектини билишдан ташқари, икки тилни мукаммал эгаллашдан иборат эканлигини таърифлаб, шундай деб ёзган эди: «Таржима қилмоқчимисиз? Бу яхши ният, бироқ шуни унутмангки, сиз, биринчидан, қайси тилдан таржима қиладётган бўлсангиз — ўша тилни, иккинчидан, қайси тилга ағдараётган бўлсангиз — шу тилни, учинчидан, сиз ўгираётган асарда қандай предмет тўғрисида гап борса, ўша предметни билишингиз зарур. Бу шартларнинг, лоақал, биронтасига риоя қилинмаган тақдирда ҳам, яхшиси, уринмай қўя қолинг, чунки сизнинг таржимангиз ёмон бўлиб чиқади ва сиз китобхонни чалғитасиз»⁷.

Н. А. Добролюбов классик адабиётдан таржима қилувчи кишининг ўзи шоир бўлишдан ташқари икки тилни жуда

⁷ Г. В. Плеханов, Искусство и литература, Гослитиздат, М., 1948, стр. 385.

мукаммал билиши зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди⁸ (китобнинг биринчи бобида унинг сўзлари айнан келтирилган).

«Тилни билиш» деган гап жуда умумий тушунчадир. Таржима қилиш учун талаб қилинадиган даражада тилни билиш ҳозирги адабий тилда ишлатилиб турган бир неча минг сўзнинг луғавий маъносини тушуниш деган гап эмас. «Маркс асарларини қандай таржима қилмаслик керак» номли мақоласида Ф. Энгельс шундай ёзган эди: «Бундай асар («Капитал»)ни таржима қилиш учун немис адабий тилини яхши билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Маркс ҳозир турмушда ишлатилаётган иборалар ва вилоят шеваларининг идиомаларидан эркин фойдаланади, у янги сўзлар яратади, ҳамма фан соҳаларидан мисоллар келтиради ва олам жаҳон тилларда яратилган китобларга ҳавола қилади; уни тушуниш учун немис тилини, жонли ва адабий немис тилини, жуда ҳам мукаммал билиш керак, бундан ташқари, немислар ҳаётидан ҳам баъзи бир нарсалардан хабардор бўлиш зарур»⁹.

Ажиб бир нафис ва мусиқий тил билан ижод этган И. С. Тургенев, ўз асарларида буюк рус тилининг қудратини намойиш қилган Л. Н. Толстой, А. М. Горький, турли-туман сўз ўйинлари, мақол, идиомалар, ноёб сўзлар ҳамда неологизмларга ғоят сероб бўлган В. В. Маяковский ва бошқа рус ёзувчиларининг асарларини таржима қилиш учун катта луғат бойлигига эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун ҳар қандай миришкор таржимонга ҳам тил устида жиддий ишлашга тўғри келади. Зотан, бу ёзувчиларнинг ўзлари ҳам тил фактлари устида синчковлик билан ўтказган машқ ва кузатишлари орқали ўз асарларининг кенг кўламли, тилнинг раво ва ўткир, форманинг силлиқ ва гўзал бўлишига эришганлар.

Л. Н. Толстой ўзига хос мукаммал бадиий формани осонлик билан яратган эмас. Бунинг учун у рус тили морфологияси ва синтаксиси соҳасида жуда қизиқ ва жиддий кузатишлар олиб борган. Л. Н. Толстойнинг 1879 йилда ёзиб қолдирган айрим машқларидан ёзувчи А. А. Фадеев бир нечта мисол келтиради. Чунончи, *у на, при, за, у, с, под, раз, об, яз, до, в, из, вы, пере, про, по* каби олд кўмакчиларни ёзиб олади ва сўнгра қайси феъллар буларнинг ҳаммаси билан бирика олишини излай бошлайди. Ниҳоят, у *вести* феъли шў кўмак-

⁸ Н. А. Добролюбов, Полн. собр. соч., том 5, Гослитиздат, М., 1941, стр. 453—454.

⁹ К. Маркс и Ф. Энгельс, Об искусстве, том первый, Госиздат «Искусство», М., 1957, стр. 85.

чиларнинг ҳаммаси билан ҳам қўшилиб маъно англатишини аниқлайди. Қайси бир феълнинг юқоридаги кўмакчилар билан бирика олишини аниқлаш учун рус тилидаги ҳамма феълларни улар билан бириктириб чиқишга ёзувчи жуда кўп вақт сарфлагани шундан кўриниб турибди.

Ёзувчи сифатлар, равишдош оборотлар, ранг ва тус белгиларини ифодаловчи сўзлар ва эпитетлар устида ҳам қизиқ кузатишлар олиб борган, ён дафтарига доим янги сўз, мақол ва идиомаларни ёзиб юрган. Лев Толстойнинг тили шунинг учун ҳам гўзал — луғати бой, сермазмун, синтаксиси эса кенг, мураккаб ва чиройлидир.

Биз ёзувчиларимиздан сўз санъати соҳасида ана шундай муҳаббат билан ишлашни талаб қилишга ҳақлимиз, деб айтган эди А. А. Фадеев¹⁰.

Тилнинг табиатини ҳис қилиш, сўзларнинг бирикиш қонуниятларини билиш, катта луғат бойлигига эга бўлиш таржимоннинг имкониятини кенгайтиради, услуб чалкашликлари-дан, ғализ бирикмалар тузишдан уни муҳофаза этади.

Л. Н. Толстойнинг «Анна Каренина» романида мана шундай гапни ўқиймиз: «Смерть, неизбежный конец всего, в первый раз с неоправданно силой представилась ему» (АК, 1,403). Русча-ўзбекча луғатларда *конец* сўзининг 17 та эквиваленти берилган. Аммо буларнинг биронтаси ҳам юқоридаги контекстга мувофиқ тушмайди. *Конец* сўзи Г. Брянцевнинг «Конец осиного гнезда» номли асарида *тугатилиш* деб («Газандалар уясининг тугатилиши») ағдарилган эди. Аммо бу сўз ҳам «Анна Каренина» романидан келтирилган юқоридаги парчага тўғри келмайди: чунончи, «Ҳамма нарсанинг тугатилишидан иборат бўлган ўлим» деб бўлмайди. Русча-ўзбекча луғатда кўрсатилган *охир* сўзи шу сўзнинг маъносини қоплай олади-ю («Ҳамма нарсанинг охири бўлган ўлим»), аммо фикрнинг фалсафий хусусиятини акс эттиролмайди. Таржимон бу сўзнинг *интиҳо* деган жуда ажойиб эквивалентини топиб ишлатган («Ҳамма нарсанинг интиҳоси бўлган ажал»). *Интиҳо* сўзи эса ўзбекча-русча луғатда «китобий» сўз деб белгиланган. Ўзбек тилидан яхши хабардор бўлмаган киши, албатта, ё бу сўзни билмас, ёки билса ҳам, уни китобий сўз деб ишлатмас эди. Натижада фикрнинг умумлашма характери ҳам, фалсафий маъноси ҳам қурбон қилиниб, сўзнинг қуруқ луғавий мазмунигина берилган бўлар эди.

Шу романдан яна иккита мисол:

¹⁰ «Литературная газета», 20 января 1951 года.

1. «— Кто же украсил святилами свод небесный? Кто облек землю в красоту её?» (АК, 2, 7).

2. «— Дьявол имеет большую силу, и мы не должны поддаваться ему» (АК, 2, 8).

Бу гаплардаги сўзларни уларнинг асосий луғавий маъносида «расмий» таржима қилинса, шундай бўлади:

1. — Фалак гумбазини юлдузлар билан ким безади? Ернинг гузаллигига ким ўради?

2. — Шайтон катта кучга эга ва биз унга берилмаслигимиз керак.

Кўпгина таржималаримиздаги ана шу расмийлик бадий асарларни бетаъсир, хира ва жонсиз қилиб қўймоқда. Зотан, таржимада гап кимнинг тилидан, кимга қарата, нима мақсадда ва қандай оҳангда айтилганлиги ҳисобга олинмаса, бундай таржима ҳар қандай бадийликдан маҳрум бўлади.

Юқоридаги иккита мисол романда тасвирланган руҳонийнинг даҳрий Левинга қарата айтган сўзлари бўлиб, таржимада ҳам руҳонийлар «тили»га мос, диний архаизмлардан иборат бўлиши керак. Таржимада ана шу муддао рўёбга чиққан.

1. «— Фалакни шамс юлдузлар билан ким музайян қилди? Ерга ким тароват берди?» (АК, 2, 8).

2. «— Шайтоннинг кучи зўр, биз унинг васвасаларига учмаслигимиз керак» (АК, 2, 8).

Таржимон, аввало, «эскирган» деб ҳисобланадиган *шамс, музайян, тароват* каби сўзларни жуда ўринли қўллаш билан руҳоний «тили»нинг лексик-стилистик хусусиятини тўғри акс эттирган. Бундан ташқари, гапнинг ўзига хос синтактик тузилиши ва интонациясини тўғри бера билган. (Таржимон *имеет силу* жумласини «кучга эга» деб эмас, балки *кучи зўр* деб, *мы не должны поддаваться* жумласини эса «биз берилмаслигимиз керак» эмас, *васвасаларига учмаслигимиз керак* деб жуда ҳам табиий ва ширали қилиб ўгирган).

А. М. Горький асарларининг ўзбекча таржималари соҳа-сида илмий иш олиб бораётган Ҳ. Авлонова ўз мақолаларидан бирида Челкаш тилидан айтилган *разные птицы* сўзларини *товуқ-мовуқ, сказки сўзини эртак-мертак* деб ағдарилгани танқид қилиб, таржимонлар ўзбек жонли тилига хос бўлган бундай хусусиятлардан таржимада фойдаланмасликлари зарур, деган хулосага келади (ТС, 47).

Худди шундай далилни М. Расулийнинг «Владимир Маяковский асарлари ўзбек тилида» номли китобида ҳам учратамиз. Аммо айни ўша мисол асосида у Ҳ. Авлоновага нисбатан бошқача хулоса чиқаради. Чунончи, В. В. Маяковский-

нинг «Совет паспорти ҳақида» номли шеърида Асқад Мухтор *разные прочие шведы* иборасини ҳар хил швед-мведлар деб ўзбекчага жуда яхши таржима қилган, деб мақтайди¹¹. Хўш, кимга ишонса бўлади?

Бу саволга жавоб бериш учун яна бир мисол келтирамиз. Л. Н. Толстой «Анна Каренина» романида Анна Аркадьевна-нинг ўз ўғлини кўриш тўғрисида илтижо қилиб ёзган хатига Лидия Ивановнадан рад жавоби олганида, унда қандай руҳий кайфият туғилганини шундай ифодалайди: «Она распечатала, и сердце её сжалось еще прежде, чем она прочла» (АК, II, 385). Бошқа бир ўринда эса Вронскийнинг Анна Каренинага муҳаббат изҳор қилишга қарор бергани шундай тасвирланади: «Сердце его радостно сжалось. Чувство умиления охватило его. Он почувствовал, что решился» (АК, II, 150—151). Мирзакалон Исмоилий биринчи мисолдаги *сердце сжалось* сўзларини *юраги дукурлаб ура бошлади* (АК, 2, 417), иккинчи мисолда эса *юраги суюнганидан ййнаб кетди* (АК, 2, 162) деб берган.

Авалло, гарчи ҳар икки мисолда ҳам айни бир *сердце сжалось* ибораси ишлатилган бўлса-да, аммо улар икки хил руҳий ҳолатни ифодалайди: биринчи мисолда — шу б ҳа, иккинчи мисолда — қу в о н ч. Бу нарса таржимада қанчалик тўғри ёки нотўғри акс этирилгани ҳақида мулоҳаза юритгандан кўра, ўз қаҳрамонини ана шундай руҳий ҳолатда ёзувчи Исмоилий қандай кўрсатганини кузатайлик, бошқача айтганда, таржимон-Исмоилийга ёзувчи-Исмоилийнинг ўзи жавоб берсин.

«Фарғона тонг отгунча» романида Фуломжоннинг Ҳаёт-хонни биринчи дафъа кўргандаги ҳолати шундай тасвирланади: «Шунда кўзлари тўқнашди, Фуломжоннинг юраги жиғ этиб кетди. Қиз унга бир табассум ҳадя қилиб хирмондан тез чиқиб кетди» (14-бет). Сал кейинроқда Фуломжоннинг юрагида севинч ҳислари пайдо бўлгани бундай тасвирланган: «Султонбуви кўзларига ёш олиб дуо қилди:

Худоё умрингиздан барака топинг. Илоҳим яхши қайлиқ олиб, бола-чақалик, неварачеваралик бўлинг.

— Фуломжоннинг юраги шиф этиб кетди» (22-бет).

Ўзбек тилида юракнинг «шиғиллаши», «жиғиллаши», «жазиллаши», «жизиллаши», «вағиллаши», «шувиллаши» ва ҳоказо кишининг қандай руҳий ҳолатда турганлигини акс эттиради. Чунончи, рақибни кўрганда юрак «жиғиллаганидай», дўстни кўрганда у «шувилламайди».

¹¹ М. Расулий, Владимир Маяковский асарлари ўзбек тилида, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1961, 79-бет.

Хуллас, таржимада жонли тилга хос сўз ва иборалар ҳамда мақолларни ишлатиш мумкин эмас, деб қатъий ҳукм қилиб бўлмайди. Зотан, жонли тилга хос сўзлардан фойдаланилмаса, фақат «таржима тили» деб аталадиган қуруқ, китобий тилга хос сўзларгина ишлатилиши керакми? Ёзувчига қараганда таржимоннинг имкониятлари шусиз ҳам анча четараланган бўлади-ку. Бунинг устига таржимон луғатини ҳам чеклаш уни бутунлай занжирбанд қилиб қўйиш бўлар эди.

Тўғри, ҳар бир тилда тор диний ақидалар билан боғлиқ ва топонимик хусусиятлар билан суғорилган сўз ва мақоллар борки, таржимада улардан фойдаланиш таржима қилинаётган асарда тасвирланган халқнинг миллий табиатини бузиб кўрсатиши мумкин. Бундан эҳтиёт бўлиш керак, албатта. Бироқ бу эҳтиёткорлик таржимоннинг тил имкониятларини чеклаб қўймаслиги даркор.

Образ ва персонажларнинг характерини очишда уларнинг ўзига хос (индивидуал) тилда гапириши катта аҳамиятга эга. Зотан, ўзига хос тили, содда ўхшатишлари ва ғалати ибораларисиз «Очилган қўриқ»даги Шчукаръ, «Овчининг мактублари»даги Ермолай ва Поликарп бобо, «Тирилиш»даги деҳқонлар ва маҳбуслар, Чехов тасвирлаган унтер ва Бабель-мандебский, Гоголь чизган Яичница ва шаҳар ҳокимини китобхон танимаган бўлар эди.

Бунда ҳам таржимон тил муаммоларига дуч келади.

Бадний асарни таржима қилиш учун тилнинг луғат бойлиги, чунончи синоним ва омонимлари, касб-ҳунар терминлари, диалектал, эскирган ва вульгар сўзлар, эркалалаш ва кичрайтириш, қочирақ ва қайроқи, ноёб ва жайдари сўзлар, мақол ва идиомаларни ҳамда сўзларнинг мусиқийлиги-ю, оҳангдорлигини, кўп маънолилигини, тилнинг талаффуз нормаларини, киноя ва пичинг, муболаға ва кичрайтириш хусусиятлари, юмор, ҳазил-мутойиба формаларини билиш зарур.

«Иттифоқимизга кирган барча халқларнинг ҳар бир асари Совет Иттифоқининг бошқа ҳамма халқлари тилларига таржима этилса, — деб ёзган эди А. М. Горький, — жуда улуғ иш бўлар эди. Бундай қилинса, биз бир-биримизнинг миллий маданиятимиз хусусиятларини ва ҳар қайсимизнинг ўзимизга хос белгиларимизни тезроқ билиб олардик. Бу эса умумий эссциалистик маданият яратиш жараёнини тезлаштирган бўлар эди. Бу маданият ҳамма қабилаларнинг ўзига хос хусусиятларини йўқотмаган ҳолда, ягона, улуғвор, қудратли ва бутун оламни янгиловчи социалистик маданият бўларди»¹².

¹² «Правда», 17 декабря 1934 года.

Иттифоқимиздаги ҳар бир халқ яратган асар биздаги ҳамма халқлар тилларига таржима қилинса.. Биламизки, Совет Иттифоқида 120 миллат ва элат яшайди. Булар орасида бир неча миллионлаб кишилар сўзлашадиган тиллар борлиги билан бирга, жуда камчилик сўзлашадиган тиллар ҳам мавжуд. Чунончи, Тожикистондаги ишкамиш тилида 200 киши, тофалар тилида 600 киши, Озарбайжондаги булук тилида — 1500, Доғистондаги арчин тилида — 1000, коряд тилида — 6000, нанай тилида — 6000, мансий тилида — 7000, белуж тилида — 7800, шор тилида — 15000, тот тилида эса 11000 киши сўзлашади. Бу халқларнинг баъзилари ўз ёзувларига эга бўлсалар, бошқалари кўп сонли халқнинг ёзувини қабул қилиб, ўқиш-ўқитиш ишларини ўша халқ тилида олиб борадилар¹³.

Шундай қилиб, Иттифоқимиздаги 120 миллат ва халқдан 100 тасида адабиёт яратилади, деб фараз қилайлик. Агар шу 100 тилда яратилган адабиётлардан Совет Иттифоқидаги 15 республикадаги биттадан асосий миллий тилларга, лоақал, биттадан асар таржима қилинса, 1500 га яқин таржима асари ҳосил бўлади. Агар 100 тилнинг ҳаммасидан бир-бирига биттадан асар таржима қилинса, 9900 та янги таржима асари келиб чиққан бўлар эди. Ҳолбуки, А. М. Горький орзу қилганидай, Совет Иттифоқида яшовчи ҳар бир халқ тилида яратилаётган адабиётлардаги ҳамма (лоақал асосий) асарлар ўзаро бир-бирига таржима қилинса, ҳар йили, оригинал адабиётлардан ташқари, миллион-миллионлаб янги таржима асарлари яратилган бўлар эди! Бунинг устига, чет эл адабиётларидан ҳамда фан, техника ва маданиятнинг турли-туман соҳаларидан қилинадиган беҳисоб таржима асарлари назарга олинса, яши орзуни амалга оширишнинг амалий томони ниҳоятда мураккаб эканлиги аён бўлади.

Аммо, булардан ташқари, яна бир асосий муаммо борки, бу икки тилни мукамал билиш таржима қилишнинг асосий шarti эканлигидир. Агар шундай бўлса, ҳар бир миллий республикада барча тиллардан бадий таржима қилишга қобил бўлган, ўша тилларни мукамал билган минглаб малакали таржимон кадрлар армиясига эга бўлиш талаб қилинар эди.

Аммо асар қайси тилда ёзилган бўлса, ўша тилни эмас, балки қайси тилдан таржима қилинаётган бўл-

¹³ Қаранг: К. Х. Ханазаров, Сближение наций и национальные языки в СССР, Изд-во АН УзССР, Ташкент, 1963, стр. 216; Ф. Абдураҳмонов, Коммунизм қуриш кенг авж олдирилган даврда миллий тилларнинг тараққиёт перспективалари ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналы, 1961, 6-сон.

са, ўша тилни билиш муқаррардир. Масалан, Шота Руставелининг «Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон» достонини рус тилидан ағдараётган таржимон грузин тилини эмас, балки рус тилини билиши шарт. Еки Гомернинг «Илиада» достонини рус тилидан ағдараётган таржимондан рус тилини эмас, балки юнон тилини билишни шарт қилиб қўйиш мумкин эмас, албатта.

Немис ёзувчиси Альфред Курелла чет эл кишисининг кўзи билан Совет Иттифоқида бадий таржимачилик соҳасида олиб борилаётган ғоят катта ишларни кўра олган. Унинг фикрича, бирон мамлакатда, бирон даврда ҳам таржимачилик фаолияти Совет Иттифоқидагидек яхши ривожланмаган ва кенг тус олмаган. Чунки бу ерда:

1. Адабий асарлар рус тилидан барча миллий тилларга, масалан, арман, тожик ҳамда мордва, абхаз тилларигача, баъзан эса юз минг кишидан кам сонни ташкил этадиган халқлар тилларигача таржима қилинади.

2. Бу тилларнинг ҳаммасидан рус, украин, лотин ва бошқа халқлар тилларига таржима қилинади.

3. Шарқ ва Ғарб тилларидан, шунингдек Малайя, Африка, Ғарбий Европа тилларидан жуда кўп китоблар ағдарилади.

4. СССРда рус адабиётидан ҳамда бошқа кўп миллий адабиётлардан испан, француз, инглиз, немис, малайя, хитой тиллари ва бошқа хорижий тилларга асарлар таржима қилинади (МП, 1959, 409).

Иттифоқимиздаги ҳар бир тилда яратилган асарлар билан бошқа тилларда сўзлашувчиларни бадий таржималарда таништириш вазифаси қўйилаётган, халқлар ўртасидаги дўстлик алоқалари ва ўзаро ҳамкорлик янада кучайиб бораётган бир даврда, башарти, дунёдаги ҳар бир тилдан бошқа тилларга бевосита бадий таржима қилиш шарт қилиб қўйилса, бадий таржима ишига ҳозирги вақтда катта зарар етган бўлар эди. Чунки дунё тилларида яратилган жуда кўп адабиётлар бир тилдан бошқа тилга, асосан, рус, инглиз, француз, немис ва бошқа бир нечта тиллар орқали таржима қилинади¹⁴.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг айтишича, грек ёзувчиси Кос-

¹⁴ Масалан, бизда инглиз, испан, немис ва поляк тилларида «Советская литература» («Совет адабиёти») ҳамда француз тилида «Произведения и мнения» («Асарлар ва мулоҳазалар») номли журналлар чиқарилади. Беш тилда босиладиган бу икки журнал дунёдаги 80 мамлакатга тарқалади («Литературная газета», 22 декабря 1962 года).

тос Франческос ўзбек ёзувчисининг бир асарини¹⁵ ўзбек тилидан эмас, ҳатто рус тилидан ҳам эмас, балки унинг французча таржимасидан таржима қилган¹⁶.

Аммо миллий тилларда яратилган адабиётларни учинчи, тўртинчи тиллар орқали ағдариб таржима практикасида кам учрайдиган ҳолдир. Бизда иккинчи восита тил (рус тили) орқали таржима қилиш кенг иқёсда тажриба қилинмоқда. Зотан, кўпмиллатли ва кўптилли Совет Иттифоқида восита тил орқали таржима қилиш масаласи катта практик аҳамият касб этади.

Рус тили уч томонлама воситачи — хорижий халқлар маданиятлари хазиначаларини қардош халқлар учун очишда, иттифоқдош республикалар халқлари маданиятларини ўзаро боғлашда, жаҳон халқларини шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятларимиз дурдоналаридан баҳраманд қилишда асосий дўстлик калити бўлиб қолди. «...Ватанимизнинг турли тилларида яратилаётган ҳамма яхши асарларимиз рус тилига таржима қилиниши туфайли умумий мулк бўлиб қолаётир... Агар бизга улуг рус тили ёрдам қилмаганда эди, биз қардош халқларимизнинг бутун маданий бойликларини ўзлаштира олмас эдик»¹⁷.

Подстрочник орқали таржима қилиш масаласи ҳозиргача турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишда бундай ёрдамчи воситага ҳеч қандай эҳтиёж йўқ, аммо ўзбек ёзувчиларининг асарлари рус тилига, асосан, подстрочник орқали ағдарилмоқда.

Ўзбек ёзувчи, шоир ва халқ бахшиларининг кўпгина асарларини рус тилига таржима қилиб, жаҳон халқлари орасига тарқатишда марҳум М. Салье, С. Маршак ҳамда Л. Пеньковский, С. Липкин, К. Симонов, С. Бородин, С. Сомова, В. Державин, В. Липко, Н. Ивашев, Ю. Карасев каби рус ёзувчи-таржимонларининг хизмати катта. Ўзбек адабиёти на-

¹⁵ Ёзувчи Абдулла Қаҳҳордан қайси ёзувчининг қандай асари назарда тутилганини сўраганимизда маълум бўлдики: Костос Франческос А. Қаҳҳорга хат ёзиб, унинг бирон асарини грек тилига таржима қилиш нияти борлигини айтган. Аммо Франческос ўзбек тилини ҳам, рус тилини ҳам билмаслигини қайд этган. Шундан сўнг, авторнинг тавсиясига мувофиқ, грек ёзувчиси Костос Франческос Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясини грек тилига унинг французча таржимасидан таржима қилган.

¹⁶ Абдулла Қаҳҳор, Заботы десятой музы, «Литературная газета», 17 мая 1962 года.

¹⁷ Арман ёзувчиси Наири Зарьяннинг совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ II съездида сўзлаган нутқидан. Қаранг: «Стенографический отчет Второго Всесоюзного съезда советских писателей», «Советский писатель», М., 1956, стр. 234.

муналари рус тилига қилинаётган ана шу таржималар орқали жаҳон майдонига чиқмоқда. Устод рус ёзувчилари ўзларининг қимматли вақтларини аямай, ўз ижодий режаларини кейинга суриб, ўзбек ҳамкасабаларининг асарларини рус тилига ағдаришга катта куч ва ғайрат сарфламоқдалар.

Ўзбек сўз санъаткорларининг асарлари рус тилига қилинган таржималари орқали жаҳонга тарқалар экан, табиийки, бу асарларга улар аслида қандай ёзилгани юзасидан эмас, балки рус тилига қандай таржима қилинганига қараб баҳо берилади.

Афсуски, ўзбек тилидан русчага подстрочник орқали қилинаётган кўп таржималар ҳозирги талабга жавоб бермайди. Ўзбек ёзувчиларининг аксарияти (Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ойдин ва бошқалар) ўз асарларининг рус тилига қилинган таржималарида ўзларига ўхшамай қолганлар*. Бадий асарларнинг катта лексик, фразеологик ва услуб бойлиги, ёзувчиларнинг бадий маҳорати, сўз санъати, индивидуал услуб жилоси ва улар қўллаган турли-туман бадий воситаларнинг ранг-баранглиги бу таржималарда етарли даражада ўз аксини топмаган. Китобхонни ҳаяжонга соладиган ва унга катта эстетик завқ берадиган энг нозик нуқталар уларда сўниб қолган. Бу аччиқ ҳақиқат, ниҳоят, Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениясининг раиси Комил Яшиннинг «Таржима» номли чўққини эгаллайлик» сарлавҳали мақола-сида ҳам эътироф қилинди¹⁸.

Зокиржон Фурқатнинг бор-йўғи беш босма листдан иборат сайланма асарларини рус тилига 9 киши ағдарган. Бобораҳим Машрабнинг sanoқли газалини ўз ичига олган кичик бир тўпламга ҳам ўнлаб таржимонлар «хужум» қилганлар. Таржимонларимизнинг бундай «ижодий мусобақа»лари натижасида баъзи ҳолларда тамомила янги «Фурқат» ва янги «Машраб»лар «кашф» қилиб юборилган. Битта мисол келтирамиз:

«Неча кундур бу кўнгул муштоқи дийдори эрур,
Ургулай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан.

Ташналабдур Машрабнинг, бўлди юраки ҳам кабоб,
Фурқатингда, эй менинг ороми жоним, қайдасан»¹⁹.

¹⁸ Камил Яшен, Взять пик по имени «перевод», газета «Правда Востока», 6 июня 1965 года.

¹⁹ М а ш р а б, Танланган шеърлар, Ўзадабийнашр, Тошкент, 1958, 21-бет.

Таржимаси:

«Уж сколько дней, пылая сердцем,
Зову тебя: вернись, приди!
Кружиться буду над тобою,
Как мотылек, о где же ты.
Обуглилась душа Машраба и сердце, стало шашлыком
Страшна разлука, как пустыня... я изнемог...
О, где же ты»²⁰.

Бунда юрагим кабоб бўлди идиоматик иборасини рус тилига *сердце стало шашлыком* деб ағдариш бамисоли *съесть собаку* идиомасини ўзбек тилига «ит емоқ» деб «таржима» қилишга ўхшаган қўпол хатодир. Умуман, Машраб ғазаллари орасида шоирнинг ажойиб бадий безаклари, қочирӣк ва сўз ўйинлари, мақол ва идиомалари, мажоз ва сифатлашлари, ўзига хос нозик услуб хусусиятларини тўғри акс эттириш у ёқда турсин, баъзи таржималарнинг Машраб қаламига мансуб бўлган қайси ғазалига ўхшашлигини топиш ҳам мушкул бўлиб қолган.

Подстрочник деган нарса на ўзбек тилининг бойлигини, на унинг идиоматик ранг-баранглигини ва на интонациясини акс эттиради. Бунинг устига, аксари, подстрочник тайёрлаш ишига ўзбек тилини яхши билмайдиган малакасиз кишилар жалб қилинади. Зотан, тилни мукамал билган малакали киши подстрочник яратиш каби масъулиятсиз ишни ўз гарданига олмайди, чунки унинг меҳнати таржимонникига қараганда беқиёс даражада кам қадрланади, ҳатто китобда унинг номи ҳам кўрсатилмайди. Бунинг оқибатида наридан-бери тайёрланган бундай ғариб подстрочник ёзувчини бадий қашшоқ, ғариб ва ногирон қилиб қўйишига ҳеч бир ажабланмаса ҳам бўлади.

«Авторлаштирилган таржима» деган тушунча баъзи ҳолларда асарда бор ва зарур нарсаларни йўқотиш ва унга йўқ ва кераксиз нарсаларни киритиш, автор услубини сийқалаштириш ҳамда уни ўзи билганича ва ўзи истаганича таҳрир қилишни англатувчи терминга айланмоқда; ёзувчининг ижодини менсимаслик ва унга масъулиятсизлик билан қарашни хаспўшлашни расмийлаштирувчи бир нарса бўлиб қолмоқда.

Албатта, ўзбек ёзувчиларининг асарларини рус тилига таржима қилувчи ҳамма рус ёзувчиларидан ўзбек тилини билишни талаб этиш қийин. Аммо, лоақал, бир неча йиллардан бери ўзбек адибларининг китобларини рус тилига ўгириб юрган маҳаллий рус таржимонлари, ниҳоят, оригинал тилини эгаллаб олсалар, иш манфаати учун ёмон бўлмас эди. Зотан,

²⁰ М а ш р а б, Избранное, ГИХЛ, Ташкент, 1959, стр. 14.

Ўзбек тили, ҳатто таржиманинг асосий шартига кўра ҳам, улар учун иккинчи она тили бўлиши керак.

Ҳар бир халқнинг дилини билишнинг энг аъло воситаси унинг тилини ўрганишдир. Таржимадан таржима ва подстрочник орқали таржима қилиш эса азбаройи эҳтиёж ва заруратдан қилинаётган ноилож иш усули эканлигини унутмаслик керак.

Қирғиз ёзувчиси, Ленин мукофотининг лауреати Чингиз Айтматовнинг «Жамила» повестининг русча ва ўзбекча таржималаридан бир нечта мисол келтирамиз.

«Жамийла болсо, ал дагы өз намысын бербейт, оюнда эч теке сыр алдырбай, кулумуш болуп, сыртынан жайдары»²¹. «Джамиля тоже старалась делать вид, что ничего собственного не произошло»²².

Бундаги өз намысын бербейт, сыртынан жайдары идиоматик бирикмалари русча таржимада акс этмаган. Ўзбекча таржимада эса булар *обрўни қўлдан бермай ва сиртига сув юқтирмайди* каби эквивалент иборалар билан берилган.

Повесть қаҳрамони Дониёр фронтдан қирғиз элига қайтганида, овул оқсоқоллари унинг насл-насабини жуда синчиклаб суриштирадilar. Бу билан автор халқ традицион урф-одатларининг қарияларда сақланиб қолганлигига ишора қилиб ўтади. Бироқ таржимон «Даниярдың жети атасына чейин сөөк суруштуруп...» (16-бет) деган гапни оддийгина қилиб, «припомнив предков Данияра...» (11-бет) деб кўя қолган. Ўзбек таржимони буни «Дониёрнинг етти пуштини суриштириб...» деб тўғри берган. Шунингдек, «— Бол аттангыла, жеткен эле жерден тентиген ит чала казакты жыга чаппасам, атым очсун» гапидаги *атым очсун* идиоматик бирикмасини рус таржимони тушириб қолдирган. Аммо уни ўзбекчага айнан таржима қилиш ҳам қалтис иш: чунончи, ўзбек тилида ҳам айнан *отим ўчсин* деган идиоматик ибора бор, бироқ бу хотинлар тилидан қарғиш маъносида иккинчи шахсга қарата ишлатилади, у аини ҳолда қирғизча худди шундай идиоманинг сохта эквивалентидир. Шунинг учун таржимон, контекстга қараб, юқоридаги идиомани ўзбекча *отимни бошқа қўяман* деган матал билан таржима қилган.

Русча таржимада бутунлай акс эттирилмай қолган қўйдаги фразеологизмлар ҳам асарнинг ўзбекча таржимасида ўз ўрнини топган:

²¹ Чингиз Айтматов, *Обон* (повесть), Кыргызстан мамлекеттик басмасы, Фрунзе, 1959, 30-бет.

²² Чингиз Айтматов, *Джамиля* (повесть), Перевод с киргизского А. Дмитриева, журн. «Новый мир», 1958, № 8, стр. 18.

1. Қағаздағы суретту көргенде урөйум учту (61-бет).

2. ... темир қанат болгон сөнг ... (62-бет).

3. ...жанын оозуна тишдегендей... (29-бет).

4. ...шағы сынган Жамийла ... (26-бет).

5. ...колдошконду кудай колдойт (21-бет).

6. ... урушта туруш жок (21-бет).

Қоғоздағы суратни кўрганимда юрагим қинидан чиқиб кетди.

...темир қанот бұлгач...

... жони бўғзига тиқилгандай... .

...шохи синган Жамила... .

...қўллашганни худо қўллайди.

...урушта туриш йўқ.

Демак, башарти, «Жамила» повести асл қирғизчадан таржима қилинмай, балки унинг русча таржимасидан ағдарилганида, унда маъносига тушунмаслик натижасида ташлаб қетилган жуда кўп сўз, матал, идиоматик бирикмалар ўзбекча таржимада ҳам акс этмаган, нотўғри талқин қилинган гаплар ўзбекчага ҳам худди шундай кўчган, ноўрин қўшилган сўз ва иборалар ҳам айнан унга кириб келган бўлар эди. Бунинг устига, рус тилидан ўзбекчага таржима қилишнинг ўзига хос машаққатлари қўшилиб, асарнинг ҳақиқий қиёфаси, ўз-ўзидан, бирмунча ўзгарган бўларди. Бу повестни ўзбек тилига бевосита қирғиз тилидан ағдарган таржимон А. Рашидов асарнинг анча мукамал таржимасини яратишга муваффақ бўлган*.

Қадимдан бошлаб ўзбек тилига Шарқ тилларидан мунтазам суратда китоблар таржима қилиниб келингани туфайли, бу соҳада катта анъана, бой материал ва бошқа имкониятларимиз беҳисобдир. Таржима тарихининг бу томонини чуқур ўрганиш ҳар тарафлама муҳимдир. Ҳозир бевосита араб, форс, ҳинд, хитой тилларидан таржима қилиш ишини дадилроқ бошлаш ва кенгайтира бориш учун етарли куч ва имкониятлар мавжуд.

Бундан ташқари, дунёдаги ҳамма тиллардан, ҳатто Иттифоқимиздаги ҳамма миллий тилларнинг ўзидан ҳам бевосита бир-бирларига таржима қилиш мушкул иш экан, лоақал, бир нечта йирик тиллардан бадий таржима қилишни бошлаш мумкин. Масалан, ўрта ва олий мактабларда инглиз, немис ва француз тилларини ўқитиш ишига жуда катта эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили чет тиллар педагогика институти ва университет чет тиллар факультетларини юзлаб кишилар битказдилар. Улар орасидан бадий таржимага лаёқатли кишиларни бу ишга жалб қилиб, восита тил

орқали таржима қилишни давом эттирган ҳолда, бевосита инглиз, француз ва немис тилларидан бадий таржима қилиш ишини астойдил бошлаш вақти келди. Шунингдек, подстрочник сифатини жиддий яхшилаш йўли билан ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш тажрибасини давом эттирган ҳолда, маҳаллий кадрлар орасидан бевосита ўзбекчадан таржима қилишга қобил таржимонларни тарбиялаб етиштиришга киришни яхши натижа бериши шубҳасиздир.

Таржима назариясининг баъзи мунозарали масалалари

Таржима назарияси соҳасида мунозарали масалалар жуда кўп. Буларнинг ҳаммасини муфассал ўрганиш ушбу асарнинг асосий мурдаоси эмас, шунинг учун унда таржима назариясининг ўзига турли-туман қарашлар, унинг табиати ва бошқа филологик фанлар ўртасида тутган мавқеига тааллуқли баъзи масалалар атрофида қисқача фикр юритиш билан чекланилади.

Таржима назариясининг мустақил фан эканлигига шубҳа билан қараётган айрим олимлар бадий таржиманинг бадий ижод соҳаси эканлигини, таржимонларга аниқ, илмий тавсиялар (бизнингча айтганда: рецептлар) бериб бўлмаслигини, ёзувчининг услубини акс эттириш жараёнида табиий юз берадиган хилма-хилликларни рўкач қиладилар. Уларнинг фикрича, гўё таржима назарияси умуман йўқ ва бўлиши ҳам мумкин бўлмаган бир нарса. Ҳар бир таржимон қўлидан келганича ва ўзи хоҳлаганича таржима қилади. Бошқача айтганда, ҳар бир таржимон ўзи учун махсус таржима назарияси яратади. Бунинг устига, таржимада нима яхши-ю, нима ёмон деган гап ғирт субъектив тушунча бўлиб, фан бундай субъектив қарашларга асослана олмайди. Чунончи, бир таржимонга яхши бўлиб туюлган нарса бошқасига ёмон бўлиб кўриниши мумкин ва ҳоказо.

Таассуфки, бу каби асоссиз далиллар кўп ҳолларда на бадий таржима практикасига ва на таржима назариясига алоқаси бўлмаган ҳамда бадий ижоднинг бу соҳасига хос хусусиятлар билан мутлақо нотаниш олимлар томонидан келтирилиб, баъзан бундай даъволарга расмий тус ҳам берилади.

Юқорида келтирилган «илмий» далилларнинг баъзиларини қараб чиқайлик: а) ҳар бир таржимон қўлидан келганича ва ўзи хоҳлаганича таржима қилади; ҳар бир таржимон ўзи учун махсус таржима назарияси яратади; б) таржимада нима яхши-ю, нима ёмон деган гап субъектив тушунча; бир таржимонга яхши бўлиб туюлган нарса бошқасига ёмон бўлиб кўриниши мумкин.

Бадий таржима бадий ижод соҳаси экан, юқоридаги далилларни умуман бадий ижоднинг ҳамма соҳаларига ҳам

бемалол қўллашимиз мумкин. Чунончи: ҳар бир ёзувчи қўлидан келганича ва ўзи истаганича ёзади; ҳар бир ёзувчи ўзи учун махсус адабиёт назарияси яратади. Бундай асоссиз далиллар реалистик санъат ва адабиёт принципларига тамомила зид эканлиги ва адабий ҳаракат тараққиёти қонуниятларини инкор этиши ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Ҳақиқатда эса таржимон ўзи хоҳлаганича таржима қилмайди ва у ҳеч қандай таржима назарияси яратмайди, балки реалистик таржима принциплари асосида иш кўради ва таржима назарияси қоидаларига қатъий риоя қилади (таржиманинг асосий қоида ва принциплари дастлаб машҳур адабий танқидчи В. Г. Белинский томонидан аниқланиб, кейинчалик совет таржимашунослари ва таржимонлари бу қоида ва принципларни янада конкретлаштирдилар ва такомиллаштирдилар).

Бадий таржима назариясининг ўзига хос ижодий хусусиятга эга эканлиги ва таржимонга ҳар қандай ҳоллар учун баб-баравар мувофиқ келаверадиган тайёр рецептлар бермаслиги унинг мустақил фан эканлигига ҳеч бир тариқа раҳна сололмайди. Зотан, ҳамма даврлар таржимаси ва таржиманинг барча турлари ва жанрларига баб-баравар мувофиқ келадиган аниқ, қатъий рецептлар бериш схематизмга ва формализмга олиб келган бўлар эди. Қуруқ ва формал «аниқлик» тарих, фалсафа, адабиёт ва тилшунослик каби ижтимоий ва гуманитар фанларгагина эмас, балки табиий ва аниқ фанларнинг ўзига ҳам доимо тўғри келавермайди. Шунинг учун ҳам филология фанлари доктори Н. А. Баскаков: «... Агар биз таржима масаласига тўғри ёндашсак, янги асар яратиш учун ишлаётган ёзувчи учун қандайдир махсус қондалар йўқлиги каби, бунда ҳам универсал методлар йўқ» (МРС, 366—367) деб ёзар экан, бу билан у таржима проблемаларини ўрганишнинг катта филологик аҳамиятга молик эканлигини инкор этмаган, балки бунга ажойиб илмий далил ва чуқур мулоҳазалар билан тасдиқлаган эди.

Бундан ташқари, нима яхши ва нима ёмон деган фикр субъектив тушунча бўлса, унда оригинал бадий ижоднинг объективлигини ҳам инкор қилишга тўғри келар эди. Ҳақиқатда эса, муайян бадий асарни ўқимай туриб сафсатабозлик қиладиган ёки уни ноўрин камситишга жазман бўлган, ёхуд ақлий ва психологик ношуд кишиларгина бу асарни тўғри баҳолай олмасликлари мумкин.

Шундай қилиб, санъат, бадий ижод ва фаннинг бошқа соҳаларига нисбатан қўлланилмайдиган мантиқий яроқсиз негатив «далил»лар бадий таржима практикаси ва таржима назариясига нисбатан ҳам яроқсиз деб топилши табиийдир.

Башарти, таржима назариясига нисбатан тор, субъектив қарашлар асос қилиб олинса, бу таржима практикасида субъективизм ва ўзибўларчиликни қонулаштиришга ва катта, давлат аҳамиятига эга бўлган ишни унинг назарий таг-заминидан маҳрум этишга олиб келган бўлар эди.

Таржима назариясининг илмий асослари, катта амалий аҳамияти машҳур олим-таржимон, академик И. Ю. Крачковский, профессор Е. Э. Бертельс, академик-ёзувчи, таржимашунос ва таржимон М. Аvezов, реалистик таржима принципларининг асосчилари, филология фанлари доктори К. Чуковский, М. Морозов, А. Федоров, Г. Гачечиладзе, Е. Эткинд, Г. Сердюченко, тилшунос олимлардан профессор Н. Баскаков, профессор С. Кенесбоев, Арендс, М. Салье ва бошқаларнинг асарларида алоҳида таъкидланган.

Таржима назариясини умуман эътироф этган олимлар ўртасида ҳам унинг мазмуни, табиати ва йўналиши масалаларида муайян ихтилофлар бор. Бу борадаги турли қарашлар марказий газета ва журнал саҳифаларида эълон қилинган айрим мақолаларда, баъзи илмий тўплам ва дарсликларда ўз аксини топган.

Профессор А. А. Реформатский «Таржиманинг лингвистик масалалари» номли мақоласида бадий таржиманинг мазмуни, аҳамияти ва унга бўлган эҳтиёж ва заруратни жуда тўғри кўрсатади. «Совет Иттифоқи учун таржима гоят зарур проблемадир; халқаро аҳвол ҳам, Иттифоқимиз ичкарасидаги кўп миллатлилик ҳам, жаҳон илмий ва бадий классик хазинасини ўзлаштириш ҳам ана шу заруратни тақозо этади»; «... турли-туман тиллар мавжуд экан, таржима ҳам зарур ва у зарурлигича қолади, бинобарин, борган сари унинг роли ошиб бораверади»²³.

Бироқ профессор А. А. Реформатский ўзининг шу мақоласида таржима назарияси махсус фан эмас, балки у тилшуносликнинг бир ўрганиш объектидир деган масалани олға сурди. Профессор А. В. Фёдоров эса ўзининг «Таржима назариясига кириш» номли асарида бундай қарашни инкор қилиб, таржима назарияси тилшунослик соҳасида ўрганиладиган махсус фандир деган илмий даъво билан чиқди. Совет ёзувчиларининг иккинчи Бутуниттифоқ съездида П. Антокольский, М. Аvezов, М. Рильскийларнинг бадий таржима масалаларига доир қилган қўшимча докладада таржима практикасини умумлаштирган, таржима назарияси соҳасида биринчи йirik қўлланма яратган бу олимнинг иши жуда юқори баҳоланди.

²³ А. А. Реформатский, Лингвистические вопросы перевода, журн. «Иностранные языки в школе», 1952, № 6.

А. В. Фёдоровнинг юқорида номи эслатилган китоби босилиб чиққандан кейин бу асар юзасидан жуда катта илмий мунозара ва қизгин баҳслар бўлиб ўтди. Бу мунозаралар шу қадар кенгайиб кетдики, натижада Совет Иттифоқидаги ва чет эллардаги газета-журнал саҳифаларида ҳамда махсус тўпламларда А. В. Фёдоров китобининг ҳажмидан бир неча барабар ортиқроқ материал босилиб чиқди²⁴.

1955 йилда «Бадий таржима масалалари» мақолалар тўплами нашр қилиниши билан таржима назариясига икки хил ёндашувчи олимлар ўртасида гўё «компромисс» тузилди. Деярли ҳамма мақолаларнинг авторлари: таржима назарияси соф тилшунослик ёки соф адабиётшунослик фани эмас экан, демак, у умумфилологик фан, деган қарорга келдилар.

А. В. Фёдоров мазкур китобининг иккинчи нашрида баён қилинган танқидий мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, таржима назарияси тилшунослик билан адабиётшунослик ўртасида турган умумфилологик фан эканлигини эътироф қилди.

Афсуски, кейинги йилларда босилиб чиққан бир қанча диссертациялар, монографиялар ва мақолаларда иккинчи хато йўлга оғиб кетилди, чунончи, уларда таржима назариясига лингвистиканинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, у фақат адабиётшунослик планидагина ўрганиладиган фан, деб талқин қилинди.

Одатда, таржима назариясининг лингвистик аҳамиятини инкор этиш учун бир хил далил келтирилади: ҳижжалаб қилинган жуда гўр ва кулгили таржима намунаси (кўпинча, кўлёмна нусхалардан) қидириб топилади-да, сўнгра унга «лингвистик айбнома» ёзилади, яъни саводсизларча қилинган таржима учун тилшунослик фани ва тилшунослар танқид қилинади. Шу муносабат билан профессор А. В. Фёдоровнинг қуйидаги сўзларини эслатиш ўринлидир: «Таржимачилик ишида тилшунослик йўналишига қарши эътироз билдирар эканлар, адабиётшунослик йўналиши тарафдорлари назариянинг лингвистик масалалари билан практикада учрайдиган қўпол ҳижжалаб ағдаришни бир-бирига тенглаштирадилар. Бундай далилларга рози бўлиш... мумкин эмас. Адабий асарнинг тил формасига қизиқиш формализм ва ҳижжалаб таржима қилиш билан барабар эмас, иккита бошқа-бошқа тил-

²⁴ Қаранг: «Вопросы художественного перевода» (Сборник статей), «Советский писатель», 1955; «Мастерство перевода» (Сборник статей), «Советский писатель», 1959; «Теория и критика перевода», Изд-во ЛГУ, 1962; А. В. Фёдоров, Введение в теорию перевода (Лингвистические проблемы), издание 2-е, переработанное, Изд-во лит. на иностр. яз., М., 1958 (китобнинг 3—10 ва 355—371-бетларига қаранг).

нинг ифода воситаларига нисбатан чуқур лингвистик ёндашиш эса тил соҳасида етарли назарий тажрибаси бўлмаган тақдирда практикада ҳижжалаб таржима қилишга бўлган мойилликдан халос қилади. Нотўғри ва муваффақиятсиз чиқадиган таржима усуллари (масалан, бирон сўзнинг луғавий мазмунини ёки идиомадаги айрим элементларнинг моддий маъносини кўр-кўрона сақлаш ва ҳоказо) худди ана шу тажриба етишмаслигидан келиб чиқади...»²⁵.

Шундай қилиб, бизда тил билмаслик натижасида йўл қўйилаётган қўпол ва гўр таржималарнинг ҳаммасига тилшунослар айбдор деб қараш соддадиллик бўлишдан ташқари, бадий таржиманинг сифатини ерга ураётган ҳақиқий офат — формализмни танимай, айбни ён қўшни — лингвистикага тўнкашга олиб келади. Ваҳолонки, лингвистика билан формализм бир-бирини тамомила узоқ тушунчалардир.

Бунинг устига, бадий таржимада тил асосий роль ўйнамайди, деб даъво қилаётган айрим адабиётшунос тадқиқотчилар ҳам, беихтиёр, ўзлари ўрганаётган текстнинг тил хусусиятларини атрофлича таҳлил қиладилар. Уларнинг ишларида баъзан ҳатто лексика ва морфологиядан ташқари, фонетика муаммоларига доир қизиқ-қизиқ кузатишлар ҳам учраб қолади. Буни сира ҳам «соф» адабиётшунослик маслагига қилинаётган иш деб бўлмайди.

Б. А. Ларин, Л. С. Бархударов, А. В. Федоров, Я. И. Рецкер ва бошқа олимлар Ленинград Давлат университетининг нашриёти чиқарган «Таржима назарияси ва практикаси» (1962) тўпламидаги ўз мақолаларида таржима назариясини фақат адабиётшуносликкагина мансуб қилиб қўйиш нотўғри эканлигини қайд этиб, таржима назариясининг тилшунослик билан боғлиқ масалаларини ва унинг лингвистик аҳамиятини кўрсатиб бердилар.

Юқоридагилардан аёнки, таржима назарияси қайси фаннинг «ҳомийлиги»да бўлиши керак деган масалада ҳозиргача мунозара давом этаётганига қарамай, унинг махсус умумфилологик соҳа эканлигини кўпчилик тилшунос ва адабиётшунослар эътироф этганлар. Дарҳақиқат, икки тилни мукамал билиш ҳар қандай таржиманинг биринчи ва асосий шарти экан, таржима назариясини тилшуносликдан ажратиб қараш проблемани ҳал қилиш ўрнига, усти ялтироқ умумий гаплар билан чегараланиб қолишга олиб келади, уни адабиётшуносликдан холи бўлган соф лингвистик иш деб қараш эса бадий

²⁵ А. В. Федоров, Введение в теорию перевода (Лингвистические проблемы), стр. 5.

ий таржиманинг бадий ижод соҳаси эканлигини унутиб қўйишга, масалани бир ёқлама ва чала ҳал қилишга сабаб бўлади.

Бадий таржима назарияси тарих, этнография, фольклор, психология ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Фан сифатида эса у умумфилология соҳасида текширилади. *Умумфилология* тушунчасининг маъносини бир шингил адабиётшуносликдан, бир шингил тилшуносликдан олиб тайёрланган қандайдир препарат, қурама бир нарса деб талқин қилиш нотўғри бўлар эди.

Албатта, бадий таржиманинг тили, услуби ва фразеологиясини текширганда адабиётшуносликка доир образлилик, миллий хусусият ва бошқа шу каби масалаларга тақалиб ўтмай илож йўқ, ёки, аксинча, образни образ билан таржима қилиш, шеърда қофия, аллитерация ва бошқа шу каби хусусиятларни таржимада акс эттириш хусусида гап борганда ёзувчи ёки таржимоннинг тилдан фойдаланишдаги маҳоратини четлаб ўтиш ҳам мумкин эмас. Аммо, таржима назариясининг адабиётшунослик ва лингвистика билан узвий алоқада бўлган умумий масалаларидан ташқари, унинг грамматика, лексикология, нутқ маданияти, тил тарихи, стилистика ва бошқа шу каби нуқул тилшуносликка оид ёки адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, фольклор, текстология ва бошқа шу каби адабиётшуносликка тааллуқли хусусий масалалари борки, уларни аниқлаб, таржима назариясининг илмий методологик асосини яратиш ҳозирги муҳим масалалардан биридир.

Кейинги вақтларда баъзи олимлар адабиётларнинг бир-бирига таъсир қилиш қонуниятларини белгилаб олиш, адабиётларда ўхшаш мотивлар ва сюжетларнинг юзага келиши ва адабий алоқалар тарихини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, адабий таржималар эса адабий алоқалар ва маданий айирбошлашнинг фақат биргина улушини ташкил этади, шу сабабли таржима масалаларини махсус ўрганишнинг ҳожати йўқ деган фикрни илгари сурмоқдалар. Олий ўқув юртларининг мавжуд программалари ва илмий текшириш институтларининг структураси ҳам ана шундай қарашлар асосида расмийлаштирилган.

Дарҳақиқат, адабий алоқа ва миллий адабиётларнинг бир-бирига таъсирини ўрганиш катта аҳамиятга моликдир. Шунинг учун кўп миллатли советлар мамлакатада маданий айирбошлашни кенгайтириш, халқлар ва адабиётлар дўстлигини мустаҳкамлаш, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятларнинг бир-бири билан алоқаси, бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитиши жараёни кейинги вақтда яна ҳам жиддийлашди ва жадаллашди.

Бироқ катта сиёсий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлган ана шу муқаддас вазифани амалга оширишда бадий таржима ғоят катта, ҳал қилувчи, асосий факторлардан биридир. Агар кимки ўз-ўзини алдамоқчи бўлмаса, ҳар қандай адабий алоқа ва адабий таъсирнинг онаси — таржима эканлигини эътироф этишга мажбур бўлади.

Таржима маданий айирбошлаш ва, хусусан, ҳар қандай адабий таъсирнинг манбаи, калити, асосий моддий воситасидир; образли қилиб айтганда, таржима бамисоли базис, адабий таъсир эса устқурмадир. Адабий алоқа масалаларидан мустақил ҳолда таржима проблемаларини ўрганиш мумкин, аммо адабиётларнинг ўзаро алоқаси-ю, бир-бирига таъсирини бадий таржимасиз тасаввур этиш қийин. Зотан, Ўзбекистон Езувчилар Союзи правленисининг раиси Комил Яшиннинг 1955 йилда бўлиб ўтган украин адабиёти декадасини яқунлаш муносабати билан иттифоқдош республикалар адабиётлари ўртасида адабий алоқаларни кенгайтириш мавзуда ёзган сермазмун мақоласи²⁶ бошдан-оёқ нуқул бадий таржима масалаларига бағишланганлиги ҳам табиий бир ҳолдир.

Чиндан ҳам, таржимасиз адабий алоқа ўрнатишга интилиш дўстлар олдига чиройли, лекин қуруқ дастурхон ёзишдай гап. Ваҳолонки, дастурхоннинг зийнати, кўрки ва обрўси унинг устига қўйиладиган ноз-неъматлари билан. Адабий дўстлик даврасининг ноз-неъматлари эса бадий таржималардир. Худди шу хусусда рус таржимашунос олимларидан Вл. Россельс қуйидаги сўзларни ёзган: «...Адабиётлар ўртасида алоқа ўрнатишнинг маъноси нима? Бу алоқалар қандай йўл билан амалга оширилади? Шубҳасиз, адибларнинг ўзаро борди-келди қилиб туришлари, шахсий алоқа боғлашлари адабиётларнинг бир-бири билан алоқа боғлашида жиддий аҳамиятга эга. Бироқ даставвал маданий бойликларнинг ўзини айирбошлаш, яъни ўзаро таржималар беқиёс даражада катта аҳамиятга моликдир. Бу муомала қилишнинг асосий йўли, асосий «алоқа канали»дир»²⁷.

Хуллас, таржимачилик ишининг ўз тарихи — таржима тарихи, ўз назарияси — таржима назарияси ва ўз танқиди — таржима танқиди мавжуддир. Таржима назарияси, бир томондан, адабиёт назарияси билан боғлиқ бўлиб, лекин ундан ўз мазмуни, мақсади ва принциплари томонидан фарқ қила-

²⁶ Камил Яшен, Взять пик по имени «перевод», газета «Правда Востока», 6 июня 1965 года.

²⁷ Вл. Россельс, Нужна история художественного перевода в СССР (МП, 1963—64, 54).

диган, иккинчи томондан, қиёсий грамматика билан боғлиқ бўлиб, ундан ўз методи ва йўналиши томондан фарқ қиладиган мустақил умумфилологик фандир. Таржима назариясининг ҳам илмий, ҳам амалий аҳамияти жуда катта.

Бадий таржималар сифатини яхшилаш тadbирлари ҳақида

Йилдан-йилга салмоғи ошиб бораётган таржима адабиётининг сифати ҳақида гапирганда икки ҳолни қайд этиш керак. Биринчидан, таржима асарларининг сифатини 30—40-йилларда қилинган таржималар билан қиёс қилинса, бу соҳада фоят катта эволюцион тараққиётга эришилганлиги аён бўлади. Бугунги таржимонларимизнинг бадий маҳорати ва талабчанлиги жуда ошган. Аммо, иккинчи томондан, таржима маҳсулотининг сифатига ўтмиш давр позициядан туриб, кекса авлодлар кўзи билан эмас, балки ҳозирги давр талаби, илмий ва маданий савияси муттасил ўсиб бораётган ҳозирги китобхоннинг юксак диди ва назари билан баҳо берилса, бу соҳада ҳали жиддий нуқсонлар борлиги кўзга ташланади.

Бизда кўпгина яхши таржималар яратилган. Булар: В. Шекспирнинг «Ҳамлет», «Отелло», «Қирол Лир» трагедиялари, А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърый романи, М. Ю. Лермонтовнинг «Демон» достони, И. С. Тургеневнинг «Арафа», «Овчининг мактублари», Н. А. Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди?», Н. В. Гоголнинг «Ревизор», «Улик жонлар», Н. Г. Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?», Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», А. А. Фадеевнинг «Еш гвардия», М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» асарлари, Чингиз Айтматовнинг повесть ва ҳикоялари, «Манас» достонининг ўзбекча, «Алпомиш» достонининг русча таржималари ва ҳоказо. Фоявий пишиқ ва бадий мукамал таржималар мўл. Бироқ пала-партиш ўгирилган, жиддий хато ва камчиликлари бор таржима китоблар ҳам анчагина. Чунончи, Л. Н. Толстойнинг «Тирилиш», Иван Ленинг «Тоғ оралиқлари романи» ва бошқалар. Аммо жуда кўп китобларнинг таржимаси ҳозирги талабга жавоб бермайди, таржима асарларининг катта улушини ўртача савияда ағдарилган, жисми заиф, руҳи хира, ширасиз, шуурсиз, расмий ва қуруқ тил билан ўгирилган асарлар ташкил этади. Бу бадий таржимачилик даргоҳидаги ўзибўларчилик ва майда ҳунармандчилик кайфияти сарқитларининг натижаси бўлиб, баъзи ҳолларда таржима китоби савдосини касод қилиб қўймоқда.

Бадий таржиманинг тарбиявий, сиёсий, фоявий ва эстетик аҳамияти йил сайин ошиб борар экан, эртами-кечми, муқаррар, бу муҳим соҳага тенг ҳуқуқли ижодий соҳа деб яқдиллик билан эътироф этишга, бу сербарака ижодий маҳсулот-

нинг бадий сифати ва илмий савиясини юқори поғонага кўтариш йўлида катта амалий тадбирларни изчиллик ва қатъият билан амалга оширишга тўғри келади.

Бадий таржима соҳасидаги катта қийинчиликлардан бири етук таржимон кадрларнинг етишмаслигидир. Ҳали ўзбек тилига таржима қилинмаган асарлар ниҳоят даражада кўп. Ўзбек тилига таржима қилишнинг «жуғрофий харитаси»да тўлдирилмай очиқ қолаётган ўринлар ғоят кўп. Бас, шундай экан, кундалик ҳаёт бадий таржимачилик иши билан кимлар шуғулланади, унинг тақдир кимларнинг қўлида бўлади деган масала ҳақида жиддий шуғулланишни тақозо этади.

Республикамизда ажойиб санъат намунаси бўлиб қолган мукаммал бадий таржималар яратган истеъдодли таржимонлар кам эмас. Ойбек, Фафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Лев Пеньковский, М. Исмолий, Миртемир, М. Шайхзода, Р. Абдурахмонов, Й. Шамшаров ва бошқа адибларимиз шулар жумласидандир. Бундан кўринадики, номлари қайд этилган санъаткор таржимонларнинг ҳаммаси номдор ёзувчи ва адабиётимизнинг кўзга кўринган намояндалари бўлиб, улар кекса авлодга мансуб кишилардир. Э. Воҳидов, Ҳ. Шарипов, А. Рашидов, М. Солиев, Ҳ. Рўзиматов, М. Ҳакимов каби ёш адиблар ҳам ўзларининг анча мукаммал таржималари билан аста-секин танилиб келаётган бўлсалар-да, ёшлар орасида ёзувчилик маҳорати билан бира таржимонлик малакасини пухта эгаллаган кишилар кам учрайди. Ваҳолонки, нашр қилинаётган таржима асарларининг катта ҳиссаси ёшлар зиммасига тушади.

Олим ўз шогирдлари билан, шоир ўз мухлислари билан, ишчи ёш ҳамкасалари билан фахрланади. Актёр ўзидан кейин ишини ким давом эттиришини билади. Аммо қайси бир кекса миришкор таржимон ўзининг қайси бир лаёқатли шогирди билан фахрлана олади?

Ёш таржимон кадрлар тайёрлаш масаласи фақат бизнинг республикамизда эмас, балки Иттифоқимиз миқёсида ёзувчи қаламқашлар жамоатчилигининг диққатини жалб қилиб келади. Гарчи ёзувчиларнинг 1954 йилда бўлиб ўтган Иккинчи съездида ёш, малакали таржимон кадрлар тайёрлаш масаласи жиддий қўйилган бўлса-да, ҳозиргача олий ўқув юртларида бадий таржима факультетлари ёки махсус таржимачилик билим юртлари ташкил қилинган эмас.

Санъат ва адабиётнинг бошқа тармоқларида бўлгани каби бадий таржима соҳасида ҳам моддий манфаатдорлик ва моддий-маънавий рағбатлантириш принципларини кенгроқ қўллаш мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Бу масалада бир қанча халқ демократияси мамлакатлари ва қардош совет

социалистик республикаларда синаб кўрилган ҳамда жуда яхши натижа берган тажрибалардан фойдаланиш мумкин. Германия Демократик республикасида 1956 йил охирида Маданият министрлиги томонидан биринчи марта энг яхши таржима ишларига мукофотлар берилган. Чунончи, бундай мукофотлар билан «Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон» асарининг янги таржимаси учун таржимон Гуго Гуперт, В. Незвалнинг «Тинчликни куйлайман» асари таржимаси учун Курт-Бартель-Куба, Катулла лирикасининг таржимаси учун филолог Эрих Фабиан, Мицкевичнинг «Пан Тадеуш» асари таржимаси учун Вельтер Паниц, Луи Арагоннинг «Коммунистлар» асари таржимаси учун Хенрик Кейт, Шекспир трагедияларининг таржимаси учун Рудольф Шаллер ва бошқалар тақдирланганлар.

Шунингдек, немис китобхонини рус классик ва совет адабиёти намуналари билан таништирган бир қанча совет таржимонларига, масалан, К. Федин романлари ва Мухтор Авезовнинг «Абай» романи таржимаси учун Гильда Ангаровага ҳамда «Клим Самгиннинг ҳаёти», «Сарсонлик-саргардонликда», «Петр Биринчи» ва бошқа кўп асарларни немис тилига ўгирган, ўз умрининг ярим асрдан ортиқ қисмини бадий таржимадек шарафли ишга бағишлаган Максимилиан Шикка Маданият министрлиги Раҳматнома эълон қилган (МП, 1959, 238).

Рига шаҳрида Латвия ёзувчилар союзи К. Скалбенинг «Умрбод студент ва унинг эртаги» номли ҳикоясининг рус тилига энг яхши таржимасига конкурс эълон қилган. Конкурсга 31 таржимон қатнашган. Булар орасида Ю. Каппенинг таржимаси энг мукамал таржима деб эътироф қилинган (МП, 1959, 218).

Инқилобдан илгари Туркистон ва Татаристонда чиқадиган кундалик матбуот саҳифаларида «Қуръон»ни қандай таржима қилиш кераклиги, классик ёзма адабиёт намуналаридан «Гулистон» достонини ўзбек тилига ағдариш принциплари муҳокама қилинар, ҳатто кимнинг қандай асарни таржимада ўқиш истаги борлиги каби таклиф ва истаклар ҳам босилиб турар эди.

Ҳозирги вақтда бизда яхши ёзилган роман, повесть ва ҳикоялар ҳамда драматик асарлар учун конкурслар эълон қилиб турилади. Лекин Улуғ Ватан урушидан кейин ҳали бирон марта ҳам муайян асарнинг мукамал таржимасини яратиш учун конкурс эълон қилинган эмас ва таржимонларимизнинг ғоят машаққатли меҳнати махсус мукофот билан тақдирланмаган. Ҳолбуки, таржимон меҳнатининг заҳмати ҳам, аҳамияти ҳам ёзувчининг меҳнатидан қолишмайди. Биз-

да дилга эстетик завқ, руҳий озик ва илҳом берадиган, мукофотлашга арзийдиган таржима намуналари йўқ эмас.

Бадний таржима ишининг бундан кейинги тараққиёт истиқболли бу соҳада Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 1966 йилда чиқарган махсус қарорини тўла амалга оширишни тақозо этади.

1. СССР Ёзувчилар союзи ҳузурида Бадний адабиёт таржимаси ассоциацияси ташкил этиш. Бу ассоциация шу соҳада махсус факультетлар ташкил этиш йўли билан таржимон кадрлар тайёрлайди, таржима назарияси ва практикаси масалаларини ҳал этади²⁸.

2. Қардош республикалар халқлари тилларидан бевосита таржима қилиш ишини бошлаш ниятида иттифоқдош республикалар ўртасида студентлар айирбошлаш²⁹. Бу студентлар муайян республика халқининг тили, адабиёти, санъати, тарихий анъана ва урф-одатларини айна жойнинг ўзида ўрганадилар.

3. Ёзувчилар союзи томонидан таржимонларга қардош республикаларнинг табиий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан муфассал танишиш учун узоқ муддатли ижодий отпускаи ва командировкалар берилиши³⁰.

4. Оригинал бадний ва санъат асарлари учун таъсис этилган республика Ҳамза мукофотини энг яхши бадний таржима намуналари учун ҳам жорий этиш.

5. Моддий манфаатдорлик ва моддий-маънавий рағбатлантириш чораларини амалга ошира бориш билан бирга, энг яхши таржималар учун конкурс бошлашга киришиш (конкурс ҳар хил бўлиши мумкин: кичик ҳажмли муайян асарни бевосита асл нусхадан, яъни хорижий тилдан ҳамда, шу билан бирга, унинг русча таржимасидан таржима қилиш бўйича конкурс; салмоқдор муайян бир асарнинг энг яхши таржимасини яратишни синаб кўришнинг услуб хусусиятларини назарда тутиб, унинг айрим парчасини таржима қилиш бўйича конкурс ва ҳоказо. Бундай конкурслар, бир томондан, таржима масалаларига кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортса, иккинчи томондан, улардан олинган натижалар назарий умумлашмалар яратишда гоаят муҳим ва қизиқ материал беради).

6. «Тошкент» нашриётида қўлланиб келинган айрим асарлар таржимасини тақризга бериш тажрибасини кенг ёйиш.

²⁸ Камилъ Яшен, Взять пик по имени «перевод», «Правда Востока», 6 июня 1966 года.

²⁹ Уша мақоладан.

³⁰ Қаранг: Аскад Мухтар, Еще раз о мастерстве перевода, журн. «Звезда Востока», 1954, № 12.

7. «Тошкент» нашриётида таржима асарлари нашр қилиш юзасидан перспектив план тузиб, уни Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузурда ташкил этилган Бадий таржима Советида муҳокама қилиш, бу билан ғоявий пухта ва бадий мукамал асарларни жадал ва мунтазам таржима қилиб боришга эришиш, айрим тасодифий ва заиф китобларнинг таржима планларига кириб қолишига йўл қўймаслик.

8. Тошкентда тажрибали, омилкор таржимонлар иштирокида доимий ишлаб турувчи таржимонлар малакасини ошириш семинари ташкил этиш.

9. «Тошкент» нашриётдан «Таржима санъати» ва «Фан» нашриётдан «Таржима назарияси» номли йиллик мақолалар тўплами нашр этиш.

10. ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида махсус таржима назарияси сектори тузиш. Республика таржимашунос тадқиқотчиларининг маркази бўлиб қоладиган бу сектор бадий, сиёсий ва илмий таржималарни назарий томондан умумлаштириб боради. Бундай секторнинг тузилиши идеология соҳасининг муҳим тармоқларидан бири бўлган таржима практикасини ривожлантириш, бадий таржималар сифатини яхшилаш соҳасида амалга оширилган жиддий тадбир бўлади.

11. Илмий тадқиқот ва махсус диссертация ишлари планига Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, М. Исмоилий, М. Салъе, Л. Пеньковский ва бошқа бадий таржима миришкорларининг таржимонлик фаолиятларини ўрганиш мавзуларини киритиш.

12. Мунтазам суратда таржиманинг илмий-назарий ва амалий масалаларига бағишланган илмий конференциялар уюштириб туриш. Хусусан, К. Маркснинг «Капитал», В. И. Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарлари, Г. Серебрякованинг «Прометей» трилогияси таржималари юзасидан ҳамда «Абдулла Қаҳҳор — таржимон» ва «Абдулла Қаҳҳор асарларининг русча таржималари» мавзуларида таржимонлар иштирокида илмий конференциялар ўтказиш ғоят муҳимдир.

13. Ўзбекистон Олий ва Урта махсус таълим министрлигининг ижозати билан Республика рус тили педагогика институтида махсус Таржима бўлими ташкил этиш.

14. Республика университетларининг филология факультетларида, Низомий номидаги педагогика институтининг тарих-филология факультетида, Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультетида, Тошкент чет тиллар педагогика институти ҳамда Рус тили педагогика институтида таржима назарияси ва практикаси курсидан ўқиладиган дарсларнинг пухта бўлишини таъминлаш.

15. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг рухсати билан Тошкент Давлат университети филология факультетининг Журналистика бўлимини Журналистика ва таржима бўлимига айлантириш.

16. Олий ўқув юр்தларининг студентлари учун «Таржима назариясига кириш»дан назарий ва практик дарслик, машқлар тўпламлари ва бошқа қўлланмалар яратиш.

17. Таржима асарларининг сифатини яхшилаш мақсадида икки тилли ва кўп тилли изоҳли таржима ҳамда фразеологик луғатлар тузишга киришиш*.

18. «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналларининг саҳифаларида бадий таржима назарияси ва практикасининг энг муҳим масалаларини мунтазам ёритиб бориш мақсадида мазкур журналларда махсус бўлим ташкил этиш.

19. Мунтазам суратда камида ҳар уч йилда бир марта иттифоқдош республикаларда рус тилидан қардош тилларга таржима қилиш бўйича республикалараро регионал кенгашлар чақириб туриш.

Хуллас, бадий таржима соҳасида ўзибўларчиликдан таржима асарларини қатъий рационал — планли асосга кўчириш, кустарчиликдан жиддий илмий асосга ўтиш, бадий асарлар суррогати тайёрлашдан чинакам бадий таржималар яратиш сари жиддийроқ қадам қўйиш вақти етди.

Иккинчи қисм

БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ
ЛЕКСИК-ФРАЗЕОЛОГИК
МАСАЛАЛАРИ

СЎЗ ТАНЛАШ ПРОБЛЕМАСИ

Таржиманинг асосий «қурилиш материали» Алоҳида олинган товуш ёки бирон грамматик қўшимчанинг ўзи, одатда, мустақил маъно англатмайди. Тилнинг асосий «материали» сўздир. Шунинг учун бирон тил ҳақида гап борганда тингловчи назарида биринчи навбатда ўша тилнинг сўз бойлиги гавдаланади.

Одатда ҳар бир сўз ўзининг асосий луғавий маъносидан ташқари, бир қанча кўча маънолари ҳам англатадики, бу «полисемия» деб айтилади. Тилларда сўзларнинг полисемиясида (кўп маъно англатишида) умумий ва хусусий ҳоллар кўзга ташланади. Қардош тилларда муайян сўзларнинг полисемиясида умумийлик кўпроқ кўринади. Бу умумийлик, албатта, қардош бўлмаган тилларга қиёс қилиб айтилгандагина тўғридир. Ҳақиқатда эса қардош тилларнинг ўзида ҳам айрим сўзлар полисемияси бир-бирига қиёс қилинганда, уларда ўзига хос хусусиятлар жуда кўплигини билиб олиш мумкин.

Турли системаларга мансуб, бир-бирига қардош бўлмаган тилларда ҳам бир қанча сўзлар полисемиясида қисман умумийлик мавжудлиги диққатга сазовордир. Масалан, рус тилида *голова* ҳамда ўзбек тилида ва бошқа туркий тилларда *бош* сўзи ўзининг асосий луғавий маъносидан ташқари, кўплаб полисемантик маъноларга эга. Бу тилларда ана шу сўзнинг бир нечта полисемантик маънолари бир-бирига мувофиқ келади:

Он всему делу голова («раҳбар» маъносида) у ҳамма ишга бош (РЎЛ, 137), ол барлық іске басшы¹, ал бардык ишке башчы². Худди шунингдек, бу сўз «раҳбар» маъно-

¹ Русско-казахский словарь, под общей редакцией доктора филологических наук, проф. Н. Т. Сауранбаева, ГИС, М., 1954, стр. 133.

² Русско-киргизский словарь, под редакцией академика Академии наук Киргизской ССР, проф. К. К. Юдахина, ИС, М., 1957, стр. 135.

сида: озарбайжон тилида башчы³, уйғур тилида باشلىق
башлиқ⁴ деб айнан ишлатилади.

Ломать голову (бирон нарсани қаттиқ ўйлаш маъно-
сида): ўзбек тилида — бош қотирмоқ (РЎЛ, 137), қозоқ
тилида — бас қатыру (133), қирғиз тилида — баш қатыруу
(135), уйғур тилида — باشى قاتورماق баш қатурмақ (552).

С ног до головы ёки с головы до ног («тўла»,
«бусбутун» маъносида): ўзбек тилида — бошдан оёққача
(РЎЛ, 137), қозоқ тилида — бастан-аяқ (133), қирғиз тилида
— баштан аяқ (136), озарбайжон тилида — башдан-аяға (224),
уйғур тилида — باشتين ئاياوغىچە баштин аяққичә (206).

Келтирилган бу мисоллардан кўриниб турибдики, рус ти-
лидаги голова сўзининг «рақбар», «қаттиқ ўйлаш» ҳамда
«тўла» («бусбутун») каби полисемантик маъноларни англа-
тувчи ибораларга ўзбек, қозоқ, қирғиз, озарбайжон ва уйғур
тилларида абсолют эквивалент бўлиб келган иборалар ҳам
бош сўзининг полисемантик маъно англантишига асосланган.

Рус тилида протянуть ноги бирикмаси, ўзининг тўғ-
ри маъносидан ташқари идиоматик маънода ҳам келади. Шу-
ни диққатга сазоворки, ана шу икки сўз асосида тузилган
бирикма кўпгина туркий тилларда ҳам кўчма, идиоматик
маъно англатади. Масалан, ўзбек тилида — оёқ узатмоқ; оёқ
қиблага бўлмоқ (РЎЛ, 445), қозоқ тилида — аяқ созу (419),
озарбайжон тилида — аягларыны узатмаг (723).

Баъзи ҳолларда эса рус тилида муайян бир сўзнинг кўч-
ма маъносига асосланган ибора бошқа тилларда тамомила
бўлак бир сўзнинг полисемантик маъноси асосида тузилган
иборага эквивалент бўлиб келади. Мисоллар. Кудa глaзa
глядят: ўзбек тилида — бош оққан томонга (РЎЛ, 133),
қозоқ тилида — басы ауған жаққа кету (129—130), қирғиз
тилида — баш ооган жакка (132), озарбайжон тилида — баш
көтуруб кетмәк (219), уйғур тилида — باشى قايغان، پوت
باش قايغان баш қайған, пут тайған яққа (199). Булардан
маълум бўладикки, рус тилида голова сўзи асосида тузилган
фразеологизмнинг ўзбекча, қозоқча, қирғизча, озарбайжонча
эквивалентлари ҳам бош (бас, баш) сўзларидан ясалган.

³ Русско-азербайджанский словарь, издание второе, переработанное
и дополненное, том I, Изд-во АН Азербайджанской ССР, Баку, 1956,
стр. 223.

⁴ Русско-уйгурский словарь, под редакцией Т. Р. Рахимова, ГИС,
М., 1956, стр. 206.

(Уйғурча эквивалентининг биринчи қаноти *баш*, иккинчи қаноти эса *пум* (оёқ) сўзи асосида тузилган).

Албатта, агар ҳамма ҳолларда ҳам рус тилида муайян бир сўзнинг полисемантик маъноларига асосланган ибораларга барча туркий тилларда бир муайян сўзнинг кўчма маънолари асосида тузилган иборалар эквивалент бўлиб келганида эди, рус тилидан ҳар бир туркий тилга таржима қилиш проблемалари ҳам бўлмас эди. Ваҳолонки, ҳар бир қардош миллий тилда унинг фақат ўзигагина хос сўзлар жуда кўп бўлиши билан бирга, баъзан ҳамма қардош тилларда ҳам мавжуд бўлган айрим сўзлар ҳар бир тилда бошқа-бошқа маъноларни англатиши мумкин. Бугина эмас, бу тилларда муайян бир сўзнинг кўчма маъносига асосланган ибора айрим ҳолларда уларнинг баъзиларида тамомила бошқа сўзнинг кўчма маъносига асосланган бўлиши ёки айни иборанинг бутунлай бошқача вариантга мувофиқ келиши мумкин. Масалан, юқорида келтирилган мисоллар орасида русча *ломать голову* идиоматик иборасига ўзбек, қozoқ, қирғиз ва уйғур тилларида *бош қотирмоқ* ибораси эквивалент бўлиб келгани ҳолда, гарчи озарбайжон тилида ҳам *бош* сўзига асосланган идиома бунга мос тушса-да, аммо унинг феъл қисми тамомила ўзгача, бошқа туркий тилларда мавжуд шу ибора учун «ғайри табиий» маъно англатувчи сўз билан ифодаланади: *ломать голову* баш сындырмағ (223). Ваҳолонки, озарбайжон тилидан бошқа қардош тилларда «бош синдирмоқ» ибораси учрамайди.

Тилларда объекти айнан бир сўзнинг полисемантик маъноларига асосланган, бир-бирига абсолют эквивалент бўлиб тушадиган иборалар 10 процентни ҳам ташкил этмайди. Бошқа-бошқа сўзларнинг кўчма маъноларига асосланган фразеологизмлар ҳам унча кўп эмас. Шу сабабли русча фразеологизмларни абсолют эквивалентлардан ташқари турли муқобил вариантлар билан ва баъзан айнан ўзидай, сўзмасўз таржима қилишга тўғри келади (фразеология проблемаси китобнинг V—VI бобларида махсус ўрганилади).

Тилда сўзларнинг полисемияси ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Даниялик машҳур тилшунос олим Есперсен полисемиядан маҳрум бўлган тил «лингвистик дўзах»га айланган бўларди, деб айтган эди⁵.

Ҳар бир тилнинг луғат состави фақат бошқа тиллардан кирган янги сўз, термин ва фразеологик иборалар билангина

⁵ O. Jespersen, *Mankind, Nation and Individual from a linguistic point of view*, Oslo, 1925, стр. 89. Қараг: Р. А. Будагов, Введение в науку о языке, 2-е переработанное и дополненное издание, Изд-во «Просвещение», М., 1965, стр. 23.

эмас, балки ўз ички имкониятлари ҳисобига ҳам бойиб боради. Бунда эса тилда сўзларнинг кўп маъно англатиш хусусияти катта роль ўйнайди. Чунончи, айрим сўзлар эскириб, тилдан чиқиб борса, кўп сўзларнинг маънолари ўзгариб, кенгайиб, янгиланиб туради, ҳатто бир қанча эски сўзлар янгича маъноларга мослашиб, тилга қайта кириб кела бошлаши ҳам мумкин.

Бадийий ижодчиликда сўзни топиб ишлатиш катта аҳамиятга эга.

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Рух доғи тан аро сўздин ҳалок,—

деб ёзган эди Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида. Унинг таърифича, сўз — «башар вужуди сипеҳрининг кавокиби, жаҳонтоби ва инсон зоти маъданининг жавоҳири сероби»дир. Езувчи А. А. Фадеев сўз танлаш ниҳоятда машаққатли иш эканини баён қилиб, ёзган эди:

«Ўзинг кўриб турган, онгингда мужассамлашган нарсани ниҳоятда аниқ ифодалаш учун интилиш — тил устида ишлаш, эринмай меҳнат қилишни талаб этади. Ёзувчи қаршисида жуда катта сўз ва тушунчалар денгизи ётади. Ҳар бир фикрни ва образни ифодалаш учун ўнталаб, ўн бешталаб, йигирматалаб сўзлар шайланиб келади... Бироқ ҳамма гап улар орасидан ўзинг кўриб турган, айтмоқчи бўлиб турган нарсангни гоят ҳаққоний равишда ифодалай оладиганларини танлай билишдадир»⁶.

Таржимон учун сўз танлашнинг машаққати яна ҳам кўпроқ. Чунки у асарни ўз тилига ағдарар экан, унда тасвирланган нарсани ифодалаш учун йигирматалаб сўзлар орасидан ўзи истаганларини ишлата олмайди. Масалан, бирон соҳибжамол қизнинг тасвирини яратишда таржимон асар доирасидан четга чиқолмайди. Эҳтимол, таржимон ёзувчи ишлатган сўзларга нисбатан тамомила бошқача: соддароқ, жонлироқ, мусиқийроқ сўзлар воситаси билан соҳибжамол қиз портретини янада нафисроқ қилиб ярата олиши мумкин-дир, аммо у бундай қилолмайди. Таржимон фақат автор ифодалаган фикрни ўз тилига ҳаққоний қайта тиклаш доирасида сўз танлаш эркинлигига эга. Агар танланган сўз асл нусхадаги сўзга мувофиқ тушса, ўша сўзнинг маънида яшириниб ётган маъно бизнинг тилимизда тирилади, аксинча, агар унга тўлиқ мувофиқ бўлмаса, фикрни ноаниқ ва мужмал қилиб қўйиши мумкин.

Башарти, тиллардаги ҳамма сўзларнинг маънолари бири-бирига айнан мувофиқ келганида (масалан, рус тилидаги

⁶ «Литературная газета», 1951, № 22.

№ 7 сўзи ўзбек тилидаги № 7 сўзига мос тушаверганида) эди, таржима проблемаси ҳам бўлмас, балки у оддий механик иш бўлиб қолар эди. Чунончи, агар ҳамма ҳолларда ҳам *общество* сўзини *жамият, положение — аҳвол, предмет — нарса, физический — жисмоний, хорошо — яхши, плохо — ёмон* деб таржима қилиш мумкин бўлса эди, дунёда таржимонлик энг осон иш бўлиб қоларди. Ваҳолонки, ҳаммага таниш бўлган бу оддий сўзлар ҳам контекст ичида ҳар хил маъноларда келадикки, уларга муқобил ўзбекча сўзлар қидириб топиш осон эмас. Таржима шунинг учун ҳам санъатки, унда луғатларда тўпланган сўзлар маълум формула асосида қуруқ алмаштирилмайди. Таржимоннинг маҳорати, кўпинча, асарда айтилган сўзга маъно томондан тенг келадиган сўзни қай даража топиб ишлата билишига боғлиқ.

Л. Н. Толстойнинг «Анна Каренина» романида *хорошо* сўзининг қандай маъноларда келиши ва таржимада улар қандай сўзлар билан берилганини кўрайлик:

1. «Потом сказал Кити о том, что она очень хороша сегодня» (АК, 441).

2. «— Хороши вы!— обратилась она к Левину» (АК, II, 18).

3. «— Я-то хорош! Я затем приехал... Непременно приезжай нынче ко мне обедать» (АК, I, 435).

4. «— Ну, хорошо, хорошо. Погоди еще, и ты придешь к этому» (АК, I, 25).

5. «— А я забылась, Костя!— сказала она ему.— И мне так хорошо теперь» (АК, II, 327).

«Кейин Китига бугун жуда ҳам очилиб кетганлигини айтди» (АК, I, 489).


«Кейин Левинга қараб:— Чакки эмассиз!— деб қўйди» (АК, II, 20).

«— Эсим қурмасин! Сени айтгани келувдим-ку... Бугун бизникига албатта тушлик қилгани борасан» (АК, 483).

«— Хайр, хўп, хўп, сен ҳам бир кун эшигимизни қоқиб келарсан» (АК, 28).

— «Ҳеч нарсани билмай ётиб қолибман, Костя!— деди Кити.— Энди қушдайман» (АК, 354).

Агар бунини схема билан тасвирласак, мана шундай бўлади:



Русча-ўзбекча беш томлик луғатда *хорошо* сўзининг бир

неча маънолари берилган бўлса-да, аммо схемада кўрсатилган тўрт хил вариантда келиши унда акс этмаган (4-маъносигина луғатда бор. Қаранг: (РЎЛ, V, 577)).

Таржимон, контекстга қараб, қандай сўз танлаш лозимлигини аниқлайди. Башарти, «Анна Каренина» романидан олинган юқоридаги бешта мисолнинг ҳаммасида ҳам *хорошо* сўзини унинг асосий луғавий маънолари билан *яхши, соз, дуруст* деб алмаштирилса, бундан ҳеч қандай маъно чиқмаган бўлар эди.

Таржима қилишдан мақсад иккинчи тилга сўзлар тизмаси ва гаплар силсиласини кўчириш эмас, балки уларнинг маънада яшириниб ётган маънони рўёбга чиқаришдан иборат. Биринчиси — ҳеч қандай маҳорат талаб қилмайдиган механик иш, иккинчиси эса чинакам санъатдир. Шунинг учун марҳум проф. М. М. Морозов сўз танлаш проблемаси — «таржиманинг ўзак проблемаларидан бири»⁷ деб таърифлаган эди.

Таржима жараёнида битта сўзни ноўрин ёки атайлаб қўшиш ёхуд ташлаб кетиш, бирон иборанинг маъносини тушунмай ёки қасддан бузиб талқин қилиш фақат лингвистик қурсурга эмас, балки қўпол, баъзан ҳатто сиёсий хатога олиб келиши мумкин.

«Асардаги ҳар бир сўз,— деб ёзган эди марҳум адабиётшунос С. Ҳусайн,— унда тасвирланган ҳар қайси образ ва персонажни унинг ким, қандай одам ва қайси тоифага мансублигини кўрсатувчи бир ойнадир. Агар шу ойна ёзувчи берганича тилимизга кўчирилмас экан, ўзбек... ўқувчиси кучли маҳорат билан тасвирланган типларни хира ёки қинғир кўзгуда кўради»⁸.

Лексика соҳасида полисемия ҳодисаси сўз санъаткорлари учун катта имкониятлар яратади. Чунончи, адибларимиз энг нозик ҳис-ҳаяжон ва кечинмаларни тасвирлашда абстракт маъно англатувчи ранг-баранг сўзлардан ва сўзларнинг турли-туман мажозий ва қочириқ маъноларидан фойдаланадилар. Бунинг натижасида бадий тасвирда айрим сўзларни кетма-кет такрорлаш ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган услуб ғализликларига барҳам берилиб, тасвирланаётган манзаранинг равшанлиги, фикрнинг аниқлиги, мушоҳаданинг чуқурлиги, кузатиш доирасининг кенглигига эришилади.

Бироқ лексикада сўзлар полисемияси ижобий ҳодиса бўлса, терминология соҳасида бунга салбий факт сифатида қа-

⁷ М. М. Морозов, Пособие по переводу русской художественной прозы на английский язык, Изд-во лит. на иностр. яз., М., 1956, стр. 27.

⁸ С. Ҳусайн, Гоголнинг «Уяланиш» асари ўзбек сахнасида, «Совет адабиёти» журнали, 1935, 11—12-сонлар.

ралиб, моносемияга, яъни бир маънолиликка интилиш кўзга ташланади. Масалан, физика соҳасида *полупроводник* терминининг ўзбек тилида *ярим ўтказгич*, *чала ўтказгич* ва *ним ўтказгич* шаклларида 3—4 хил ишлатилиши мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли баъзи ҳолларда турли фан соҳаларида айрим терминлар омоним шаклида учраб қолганида, уларни ҳам ўзгартиришга ва уларни ҳар бир фаннинг ўзига «мувофиқлаштириш»га ҳаракат қилинади. Масалан, диалектологияда «шевага хос» маъносида *диалектик* термини ишлатилмайди, масалан, «диалектик сўз» дейилмайди, чунки *диалектика* сўзи фалсафий термин бўлиб, ана шу отдан ясалган *диалектик* сифати ҳам фалсафага тегишлидир. Шунинг учун тилшуносликда «шевага тегишли» маъносида *диалект* отидан *диалектал* сифати ҳосил қилинади, масалан, «диалектал сўз» деб юритилади⁹.

Бадий таржима билан илмий ва, қисман, сиёсий адабиётлар таржимаси ўртасидаги асосий тафовутлардан бири ҳам ана шундан келиб чиқади. Чунончи, бадий таржимада сўзларнинг ранг-баранглигига, ҳар бир ҳодиса ва маънонинг нозик томонлари, ёзувчининг услуби ва персонажлар тилининг индивидуал хусусиятларини акс эттиришда тилдан турли-туман сўзларни топиб ишлатишга катта эътибор қилинса ва таржимоннинг санъаткорлиги ҳам ана шу билан белгиланса, илмий таржимада терминларнинг турли-туман вариантларини ишлатиш, аксинча, таржимоннинг заифлигини кўрсатади, чунки бу илмий чалкашликка олиб келади.

Ҳар бир тил луғат составининг бойлик даражаси ҳам тилда катта аҳамиятга моликдир. Аммо «тилнинг бойлиги»ни унда мавжуд сўзлар миқдорини аниқлаш билан кўрсатиш қийин, чунки тил бамисоли чегарасиз океандир. Проф. Д. Н. Ушаков таҳрири остида чиққан рус тилининг изоҳли луғатида¹⁰ 85 мингдан ортиқ сўз бор. СССР Фанлар академияси томонидан чиқарилган, ўн етти томдан иборат ҳозирги рус адабий тили луғатида¹¹ 100 минг сўз мавжуд. В. Даль томонидан нашр қилинган, жонли рус тилининг изоҳли луғати¹² эса 200 минг сўзни қамраган. В. Даль луғатига рус жонли тилига хос жуда кўп сўзлар ҳам киритилган эди.

Бироқ ҳар қандай катта ва мукамал тузилган луғат ҳам

⁹ Қаранг: Р. А. Будагов, Введение в науку о языке, М., 1965, стр. 55.

¹⁰ Толковый словарь русского языка, под редакцией проф. Д. Н. Ушакова, М., 1935—1940.

¹¹ Словарь современного русского литературного языка, т. 1—17, М.—Л., 1948—1966.

¹² В. Даль, Толковый словарь живого великорусского языка, М., 1956.

тилнинг бутун бойлигини ўзида мужассамлаштира олмайди. Чунки тил шундай битмас-туганмас хазинаки, уни бир доирага сиғдириб бўлмайди.

Бизда кейинги йилларда яратилган ва ўзбек тилининг луғат бойлигини нисбатан бирмунча тўғри акс эттирувчи ўзбекча-русча луғатда 40 мингга сўз берилган. Аммо бу рақам тилимизнинг ҳақиқий бойлигини акс эттиролмайди, албатта. Чунки қадимий ёзма нутқ маданияти ва классик адабий аъаналар, ажойиб фольклор намуналари яратилган, ҳозирги вақтда катта лексик-грамматик тараққиёт поғонасига кўтарилган ўзбек тилида бир неча юз минглаб сўзлар бўлиб, унинг луғавий бойлиги беқиёсдир. Ўзбек тили луғат составининг бойлиги ва ранг-баранг бадий-стилистик воситалари ҳақида тўғрироқ тасаввур берувчи изоҳли луғат эса эндигина яратилмоқда.

Тилнинг луғат бойлиги «тил бойлиги»нинг миқдорий томонидир. Тилнинг ички грамматик имкониятлари, янги сўз ясаш воситалари ва бошқалар «тил бойлиги»нинг сифат томонини акс эттиради. Ҳамма тиллар ҳам бойлиги жиҳатидан бир даражада турмайди. Бир халқда мавжуд тушунчалар, демак, шу тушунчаларни ифодаловчи сўзлар ёки бир тилда мавжуд грамматик воситалар бошқа тилларда бўлмаслиги мумкин. Бу ҳар бир халқнинг табиий ва турмуш шароитлари, хўжалиги ва ўша тилнинг қайси системага мансублиги билан белгиланади (бу масала китобнинг V бобида махсус ўрганилади). Масалан, саамларда музнинг турли шакли ва хилларини акс эттирувчи 20 сўз, совуқнинг турли даражаларини билдирувчи 11 сўз, қорнинг ҳар хил кўринишларини тасвирловчи 40 сўз бор¹³. Ёки бошқа тилларда катталик ва қўполлик тимсоли сифатида ишлатиладиган филнинг юриши қадимий ҳинд поэзиясида гўзалнинг «товусдай», «хиромон» юришини англайди. Ҳозир ҳам «фил юриш» ҳинд поэзиясида маҳбубанинг жуда чиройли қадам ташлашини билдиради¹⁴.

Асар бадий жилваларининг товланишида ёзувчининг сўз бойлиги катта аҳамиятга эга. Масалан, В. Шекспирнинг луғат запаси 15000 сўздан иборат¹⁵. СССР Фанлар академияси томонидан яратилган Пушкин тили луғатига қараганда, у ўз асарлари ва хатларида 21000 сўз ишлатган¹⁶.

¹³ Қаранг: Р. А. Будагов, Введение в науку о языке, стр. 37.

¹⁴ А. П. Баранников, Изобразительные средства индийской поэзии, Л., 1947, стр. 46.

¹⁵ Қаранг: Л. Успенский, Слово о словах, Изд-во ЦК ВЛКСМ «Молодая гвардия», 1957, стр. 210.

¹⁶ Словарь языка Пушкина, т. I—IV, М., 1956—1961. Қаранг: И. С. Ильинская, О богатстве русского языка, Изд-во АН СССР, 1963, стр. 41.

Ҳар қандай мукамал луғат ҳам тилнинг бутун сўз бойлигини тўла-тўқис аке эттиролмагани каби, ҳар қандай етук ёзувчи ҳам ўз асарларида тилда мавжуд ҳамма сўзларнигина эмас, ҳатто ўзи билган ёки кундалик ҳаётда ишлатиб юрган ҳамма сўзларни ҳам ишлата олмайди. Демак, Пушкин тили луғатида ўз аксини толган 21000 та сўз буюк адиб билган ҳамма сўз эмас, балки фақат унинг асарларида ишлатилганларидир, холос. Ҳолбуки, шунинг ўзи ҳам А. С. Пушкин асарлари тилининг луғавий бойлиги нақадар катта эканлигини кўрсатади. Зотан, Л. Р. Зиндернинг кўрсатишича, битта «ўртача» одамнинг актив сўз запаси (яъни у маъносини тушуниб гапирадиган сўзлар) тилнинг бутун луғат составининг атиги 10 процентини ташкил этади, холос¹⁷.

Таржимоннинг ҳам сўз бойлиги қанчалик катта бўлса, у шунчалик тўғри, пухта ва енгил таржима қилиши табиийдир. Аксинча, агар у биладиган сўз бойлиги «ўртача» одамнинг актив сўз бойлигидан иборат бўлса, ундай ҳолда таржима қилинаётган асарнинг таъсири ҳам, нафосати ҳам, услуб гўзаллиги ҳам сувга уриб кетиши табиийдир. Бинобарин, агар бир асарни турмуш тажрибаси, маълумоти, маҳорати, сўз бойлиги ҳар хил бўлган иккита таржимон бир тилга ағдарса, бир-биридан жиддий фарқ қиладиган иккита — деярли бошқа-бошқа асар ҳосил бўлиши ҳам шу сабаблидир.

Афсуски, кўпинча муайян асарнинг яхши ёки ёмон ағдарилганлиги ҳақида умумий гаплар айтилади, бу гаплар кўпинча таҳлил қилувчи кишининг диди билан изоҳланади. Ҳолбуки, бунда конкрет илмий далил ва фактлар таҳлиliga асосланиш лозим. Бунда эса таржима қилинаётган асарда ёзувчининг луғати билан таржимоннинг сўз бойлигини ҳисоблаб чиқиш ва буни бир-бирига муқояса қилиш ғоят катта аҳамиятга эга бўлар эди. Ана шу мақсадда ҳатто мустақил илмий иш тариқасида ўрганилаётган айрим асарнинг ҳамда унинг таржимасининг луғатини тузиш зарур. Бу, шубҳасиз, ғоят мураккаб иш, аммо чинакам илм манфаати шунини тақозо этади.

Бизда эса ҳали таржимас асарларининггина эмас, ҳатто халқимизнинг буюк ифтихори бўлмиш Алишер Навоий тилининг луғати ҳам яратилгани йўқ. Айрим ёзувчилар тили луғати ҳамда таржима луғатларининг яратилиши фақат таржима маданияти учунгина эмас, балки умуман тил маданиятини кўтаришда ғоят катта ҳодиса бўлар эди.

¹⁷ Л. Р. Зиндер, О лингвистической вероятности, журн. «Вопросы языкознания», 1958, № 2, стр. 122.

Сўзларнинг
маъно томон-
дан бирикиш
хусусиятлари
ва таржимада
семантик
ҳодисалар

Турли тилларда сўзларнинг семантик томондан бирикишида ўхшашлик мавжудлиги тиллардан тилларга таржима қилишнинг мумкинлигини тасдиқловчи ва уни енгиллаштирувчи асосий омидлардан биридир.

Аммо ҳар бир тилда сўзларнинг маъно томондан бирикишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бу хусусият таржима қилишни мураккаблаштиради ва таржима жараёнида бу билан ҳисоблашмаслик қўпол хатога олиб келиши мумкин.

В. В. Маяковский «Менинг Американи кашф қилишим» номли асарида бир воқеани ҳикоя қилади. Ундан:— Сиз қайси тилда гаплаша оласиз?— деб сўраганларида, биронта ҳам чет тилни билмаслик уят бўлгани учун, — француз тилини биламан,— деб жавоб берган. Аммо авторнинг иқрор бўлишича, у француз тилида нон-чоёга доир бир нечта сўзлардангина хабардор бўлган, холос. Маяковский француз таржимонининг саволини англаёлмай, унинг гапида ишлатилган бир иборадаги охириги сўзнинг яширин маъносини уқиб олишга ҳаракат қилган. Аммо Маяковский уқишга улгурганича ҳам бўлмай, таржимон унинг француз тилини билмаслигини фаҳмлаб қолади¹⁸.

Бирон тилда кундалик турмушда ишлатиладиган бир нечта сўзнинг маъносига тушуниш у тилни «билиш» деган гап эмас. Чунки алоҳида олинган бир нечта сўзнинг асосий луғавий маъносини билиш нутқ жараёнида англатадиган турли-туман семантик маъноларни уқиш имконини бермайди.

Ўзбек талабаларига рус тилини ўргатишда катта хизмат қилган академик Т. Н. Қориниёзов янги ташкил этилган совет мактабларида болаларга оддий-оддий русча гапларни ўргатаркан, анчагина русча сўзларнинг маъносини тушуниб олган талабаларга:— *Ҳаво бузилди* деган гапни русча қандай айтиш керак?— деб савол берганида, ҳамма бараварига: «Воздух испортился»,— деб жавоб қилган. Бундан кўрамизки, аввало, ҳали болаларнинг рус тилидан луғат бойлиги чегараланган (улар *ҳаво* — *погода* маъносини ҳам англатишини, «*бузилди*» маъносида эса *пасмурный* сўзи борлигини билмайдилар). Бундан ташқари, ҳали улар ўзлари ўргана бошлаган янги тилда сўзларнинг семантик бирикиш хусусиятларини ўзлаштириб олмаганлар.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос сўз бирикиш хусусиятларини тушунмаслик тилни эндиgina ўргана бошлаган кишини қийин

¹⁸ Қаранг: В. В. Маяковский, Мое открытие Америки, Избранные произведения, том первый, ГИХЛ, М., 1953, стр. 513.

аҳволга солади. Чунончи, ўзбек тилини яхши ўзлаштирмаган айрим тожик ўртоқлар ўзлари ўрганиб олган бир нечта ўзбекча сўзларни баъзан тожикча гап андазасига солиб гапирдилар. Масалан, улар *ёмғир ёғаяпти* дейиш ўрнига — «ёғмур йиқилопту» («— Домулло, далага ёғмур йиқилопту»); *кучук тишлади* дейиш ўрнига — «кучук чоқди»; *тугмам тушди* ёки *тишим тушди* дейиш ўрнига — «тугмам йиқилли», «тишим йиқилли» деб сўзлашадилар. Зотан, бошқа тилни ўрганаётган киши ўша тилдаги сўзларни ўз она тилининг семантик бирикиш хусусиятлари асосида қовуштиришга мойил бўлади. Масалан, тожик тилида *оловни йчир* маъносида *олова куш* дейилади. Шунинг учун баъзи тожик ўртоқлар ўзбек тилида ҳам олов, табиий, «ўлдирилса» керак деб ўйлаб, *оловни йчирдим* дейиш ўрнига «оловни ўлдирдим» деб айтадилар.

Бир миллат аҳли бошқа тилда сўзларнинг бирикиш семантикасини ўз тили семантикасига мослаб гапириши натижасида келиб чиқадиган лингвистик «ғайри табиийлик»дан ёзувчилар ўз асарларида стилистик мақсадларда фойдаландилар. Масалан, Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романида «шайхулислом» билан Бахтиёр исмли муллабаччанинг «тили»ни шундай индивидуаллаштириб берган:

— Хўш, писар, чи гап?

— Тақсир... сизга... арзим бор эди... Подшоҳимиз янги мадраса бино қилганлар, деб илм талабида, қишлоқдан тушган эдим; бир ҳужра берсангиз, деб сизга арзга...

— Хўп, хўп... Шумо гужойи?

— Тақсир, Олтиариқдан...

— Аттанг, аттанг,— деди. «шайхулислом»,— барвақтроқ келмабсиз-да, бачо, акун ҳамма ҳужраларга жой йўқ, муллабаччалар жойлашиб қолган.

— Муллаларнинг орасига қўйсангиз ҳам бўлавуради менга,— деди тавозеъланиб Бахтиёр.— Биз қишлоқ одами, сиқи-лишсак ҳам ётаврамиз, тақсир!

— Хўб, хўб... Акун ҳужраларимиз муллабаччалар минан беҳад тўлган, ҳолонки бир тариқ ҳам сигмайди, биз дуруф сўзламаймиз, бошидан...»¹⁹.

Абдулла Қодирий шу романда Қобилбой ҳамда Шариф ва Раҳим деган йигитлар ўртасидаги диалогни гоят усталик билан берган. Бунда мирзо Анварнинг содиқ кишилари бўлган тожик йигитлари Шариф билан Раҳим ўзбек тилида сўзларни соф тожикча нутқ оҳанги билан гапирдилар.

¹⁹ Абдулла Қодирий, Меҳробдан чаён, Ўзадабийнашр, Тошкент, 1959, 148-бет.

Улар идиоматик иборалар таркибидаги сўзни тожикча сўз билан алмаштирадилар:

«— Ийби, ийби,— деди Раҳим,— буродаринг аҳволини гапур-да, ахэ. Барпадари уйқуки, пешинга чикин бўлса; кўчага бўлиб ётган тўпалангни гўшинга иласанми?» (226—227). Бунда ўзбекча *қулоқ* сўзи тожикча *гўш* билан алмаштирилиб, *қулоққа кирмоқ* ибораси *гўшга илмоқ* деб берилган.

Баъзи ёрдамчи феъллар семантик томондан мос бўлиб тушмайдиган бошқа феъл формаси билан алмаштирилади. Масалан, *бўлиб кетмоқ*, *бўлиб қолмоқ*, *тараб турмоқ* феъллари «бўлиб тўхтамоқ», «тараб тўхтамоқ» деб *берилади*: «— Қорунни тўйғузиб, сўғун ухла, акун! Қоринлар ҳам пиёз бўлиб тўхтабту, нонуштани қаерга қиламиз, Шарийф?» (227); «— Нега хомуш тўхтадинг, Қобил? Акун жарчинг нима деб вақирлайди?» (229); «— Акун биз дунёга нима олиб борамиз, хай ўллуқ; дунёга ўн тилло пулимиз қолайдими, ё ўйга сочини тараб тўхтаган хотунимиз қолайдими!» (231).

Ўрин-пайт келишиги ўрнида жўналиш келишигининг қўшимчаси ишлатилади: «— Даюсингни зиндони қаерга?» (230)

Инкор маъносини англатувчи *эмас* сўзи *йўқ* феъли билан алмашади: «— Бу хон йўқ, бу даюс!— деди Раҳим.— Акун санинг лабинга кесакни мен суртай, ўртоғим Шарифни ўлдир?! Бу хон йўқ, бу даюс!! Азбаройи худо, даюс!!» (230). [Тожик тилини эндигина ўрганаётган киши инкор маъносини англатувчи *не ва нест* сўзларини чалкаштиргани каби, ўзбек тилини мукамал билмаган одам ҳам *эмас* ва *йўқ* сўзларини, юқорида кўрганмиздай, фарқлаши қийин].

Ўзбек тилида, одатда, ёрдамчи феълсиз қўлланиладиган сўз уларнинг тилида ёрдамчи феъл воситаси билан ишлатилади. Чунончи, қуйидаги мисолда -ла аффикси қўшилиши лозим бўлган ўринда *қилмоқ* ёрдамчи феъли қўлланган: «— Қўй акун, даюсинг мени ҳам бўғиз қилсин... Вой дар даҳанат» (230).

Езувчи ўз персонажлари тилидан сўзларни семантик томондан «одатдагидай» бириктириш ўрнига, уларни бошқа тилнинг семантик қоидалари андазасига солиб берар экан, бу билан у ўзининг ўша персонажларга бўлган хайрихоҳлиги ёки нохайрихоҳлигини билдиради, ёхуд бошқа стилистик мақсадларни кўзлайди. Юқорида келтирилган мисолларда эса Абдулла Қодирий Шариф ва Раҳимни ўз «тил»ларида гапиртириш билан уларнинг устидан кулмайди, аксинча, улар ижобий образ сифатида берилган. Бинобарин, бу икки образнинг ўзларига хос «бузуқ тил»да гапиришлари ёзувчининг, демак, китобхоннинг ҳам уларга хайрихоҳлиги ва муҳаббатини яна-

да оширади. Автор бу ўринда соф стилистик мақсадни кўзда тутган.

А. С. Серафимовичнинг «Темир оқим» асарида Горпино кампир большевиклар ҳақида мана шундай тасаввурда бўлади: «— Балшавики в бога не веруют. Шо ж, мабуть, знают, свое делают: пришлы, усе сразу як повалылы. Ахвицера, помещики утеклы швидко. От козаки и озверинилысь... Дай им, господи, здоровья, даром шо в бога не веруют. Опять же свои, не басурманы... Як бы пораньше объявилысь, не було б цией проклятой войны, живы були б мои сыночки. У Туретчине сплять.. И откуда ции балшавики взялысь? Кажуть, у Москви народилысь, а которы кажуть, у Германии,— германский царь породил та на Россию наслав. А воны, як прихалы, в одно горло: землю и землю людям, щоб над той землей робилы на себе, а не на козаков. Хорошии чоловіки. тильки чого воны мий само... спл... сплять... сы... сыно... доб... добра... кошка... ди... ты...»²⁰.

«Балшавик»ларнинг худога ишонмасликлари Горпино кампирга бир оз хуш келмайди, аммо, иккинчи томондан, «эҳтимол, улар бирон гапни билишар», деган мулоҳаза билан большевикларнинг ўзига «ёқмаган» томонини ҳам «оқлашга» ҳаракат қилади ва уларнинг саломат бўлишларини... худодан тилайди!

Горпино кампир большевикларнинг яхши одамлиги, уларнинг қилаётган ишлари ҳам маъқул иш эканини тўла тушунади, аммо у большевиклар ўзлари кимлар ва қаердан чиққанлигидан хабарсиз. У *большевик* сўзининг маъносига ҳам тушунмайди, шунинг учун бу сўзни жонли талаффуз билан «балшавик» деб айтиши жуда характерлидир.

Башарти, агар ёзувчи Горпино кампирни рус адабий тилида гапиртириб, *большевик* сўзини ҳам аслича талаффуз эттирилса, юқоридаги парчада акс этган соддалик, услуб табиийлиги ва таъсирдан асар ҳам қолмаган бўлар эди.

Худди ана шундай ҳодисани Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» асарида ҳам учратамиз: «Кеч кузакда: «Тошкентга Лениннинг ўнг қўли — Болишбек келипти» деган гап тарқалди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, «Болишбек Қўқонга келаётган эмиш», деган хабар келди»²¹. «Али лайлак сўраб қолди: «Болишбекни ўз кўзинг билан кўрдингми, қанақа одам экан? — Кўрмадим,— деди дадам,— чамамда Болишбек битта одам бўлмаса керак». Бундай мисол асарнинг яна бир жойида учрайди. «У сўзини тугатгандан кейин тимнинг аллақаеридан баланд овоз эшитилди:— Ҳо, ошна, Болишбек

²⁰ А. Серафимович, Железный поток, ГИХЛ, М., 1957, стр. 24.

акам қачон келадилар? У одам яна бир нималар деди. Мен яна унинг гапини эшитолмадим, лекин кўкрагига уриб:— Мен мусулмон Болишбекман!— деганини аниқ эшитдим» (52).

«Темир оқим» асарида Горпино кампир *большевик* умумлашма, жамловчи ном эканини билади, бунда бу сўзнинг жонли талаффуз билан айтилиши характерли бўлса, «Ўтмишдан эртақлар»да ҳали кишилар *большевиклар* ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар. Уларга бу сўзнинг таркибидаги *больше* (кўп) — Болиш, *-вик* аффикси эса отоқли отларга қўшиладиган *-бек* қўшимчасига айланган ҳолда етиб келган. Бунинг натижасида *большевик* — *Болишбек* тариқасида отоқли отга айланиб кетган. Бошқача айтганда, *большевик* сўзининг ижобий маъноси тўғри етиб келган ҳолда, унинг қандай кишиларни англатиши тамомила ўзгариб кетган. Бунда ёзувчининг усталиги шундаки, халқ жонли тилининг табиий семантик талаффузига асосан ишлатилган *Болишбек* сўзи орқали Ленин тузган *большевиклар* партиясининг аъзолари халқ орасида ниҳоятда тез танилганини жуда ишонарли стилистик йўл билан кўрсата олган.

Бу мисоллардан аён бўладики, ҳар бир ёзувчи ўзининг бирон ҳодиса ёки воқеага бўлган ижобий ёки салбий муносабатини билдиришда ўша ҳодиса ёки воқеани ифодаловчи сўзнинг халқ жонли тилида қандай талаффуз қилинганидан фойдаланадилар. Муайян бир жамловчи, умумлашма ном ҳар бир тилда унинг ўз талаффуз нормаси асосида ўзгартириб айтилиши ёки турли хил «этимологик» ўзгаришларга учраши мумкин. Бундай сўзларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганда уларнинг мумкин қадар ўзига хос семантик хусусиятини сақлаш лозим. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» асарини бошқа тилларга ағдарганда *Болишбек*ни адабийлаштириб, *большевикка* айлантириб бўлмаганидай, унинг ўша тиллардаги мавжуд талаффуз шакли билан ҳам бериб бўлмайди. Чунки *большевик* ҳамма учун умумий, жамловчи тушунча бўлса, *Болишбек* фақат ўзбекларга хос, соф ўзбекча тушунчадир. Худди шунингдек, А. С. Серафимовичнинг «Темир оқим» асарини таржима қилганда Горпино кампир тилида ишлатилган *балшавик* сўзини *большевик* тариқасида адабий формада берилса (китобнинг ўзбекча таржималарида қилингани сингари), стилистик ўзига хослик йўқолганидай, уни Абдулла Қаҳҳор асарида ишлатилганидай, *Болишбек* деган деэтимологик варианты билан алмаштириш ҳам мумкин эмас. Бундай ҳолларда айтилиши сўзини

²¹ Абдулла Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар, «Шарқ юлдузи» журна-ли, 1965, 10-сон, 50-бет.

ё ўз талаффуз формасида қолдириш (масалан, *балшавик* шаклида) ёки унинг асар таржима қилинаётган тилдаги жонли талаффуз формаси билан бериш (масалан, *болшавой* шаклида) маъқул.

✓ Сўзларнинг семантик томондан бирикиши, сўз бирикмаларининг янги семантик вариантлари, бошқа тилдан сўз қабул қилиш натижасида семантик параллеллар ҳосил бўлиши каби тил ҳодисалари тилшунослик учун ҳам, таржимашунослик учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Дарбадар сўзининг луғавий маъноси *эшикма-эшик* демакдир. Бизда ҳар иккала сўз ҳам барабар ишлатилади. Аммо баъзан ўзбек тилида *ўзбекча эшикма-эшик* сўзи тожик тилдан кирган *дарбадар* сўзининг семантик функциясини бажара олмайди. Чунончи, ўзбекча *эшикма-эшик* сўзи от вазифасида келолмайди. *Дарбадар* эса *эшикма-эшик* сўзининг маъносини қоплаган ҳолда, от-вазифасида ҳам келади. Масалан, бу сўзнинг «саёқ» маъносида ишлатилиши: *у дарбадар ҳам-манинг уйига эшикма-эшик кириб чиқди.*

Рус тилида	Ўзбек тилида	
	ўзбекча	тожикча
дальновидный	ибора	термин
	узоқни кўрадиган	дурбин

Рус тилида	Ўзбек тилида	
	ўзбекча	тожикча
недальновидный	—	ибора
	яқинни кўрадиган	калтабин

Рус тилида *далеко* (узоқ) ҳамда *видеть* (кўрмоқ) сўзларининг бирикишидан ташкил топган *дальновидный* деган сўз бор. Ўзбек тилида бунга луғавий томондан айнан мувофиқ келадиган бир ўзбекча — *узоқни кўрадиган* ва бир тожикча — *дурбин* (*дур* — узоқ, *бин* — кўрмоқ) сўзлари мавжуд. Аммо ўзбекча *узоқни кўрадиган* бирикмаси русча *дальновидный* сўзига ҳам луғавий томондан, ҳам маъноси айнан мувофиқ келган ҳолда, тожикча *дурбин* сўзи гарчи луғавий томондан мувофиқ келса-да, аммо маъноси унга монанд эмас. Ўзбек тилида *дурбин* фақат термин сифатидагина қолган — *бинокль* маъносида (бу ўринда *дальновидный* сўзига мувофиқ келадиган бошқа ўзбекча синонимлар бундан мустаснодир).

Шуниси диққатга сазоворки, рус тилида «фаросатли» маъносини ифодалайдиган сўз *далеко* (узоқ) ва *видеть* (кўрмоқ) сўзларининг бирикишидан тузилган бўлса, бунинг акси, яъни «фаросатсиз» маъносидаги сўз *близко* (яқин) ва *видеть* (кўрмоқ) тушунчалари билан боғлиқ эмас, яъни шундай сўзларнинг бирикишидан ташкил топмайди. Ўзбек тилида эса бундай эмас: «фаросатли» маъносида *узоқни кўрадиган* бирикмаси ишлатилса, тожикча айнан шундай *дурбин* сўзи бундай маънони англатмайди; «фаросатсиз» маъносида эса ўзбекча «яқинни кўрадиган» бирикмаси йўқ, балки, аксинча, тожикча *калтабин* сўзи ишлатилади.

Ўзбек тилида *бет* сўзининг жуда кўп синонимлари бор: *юз, чеҳра, афт, башара, андом, рў; афт-башара, афт-андом; истара (ситора сўзидан)* ва ҳ. к. Булар орасида тожикча *рў* мустақил ҳолда ишлатилмай, балки фақат *рўбарў* (рўпара) шаклидагина келади. Худди шу маънода ўзбекча *бет* ва *юз* сўзлари ҳам бирикиб кела олади. Масалан, *бетма-бет, юзма-юз*²².

Ўзбек тилига бошқа тиллардан кирган сўзлар унинг имкониятларини кенгайтирган, бу эса айниқса таржимачилик ишида яққол кўзга ташланади: ҳар бир русча иборага бир неча ўзбекча эквивалент тўғри келади. Чунончи, контекстга қараб, рус тилидаги иккита — *лицом к лицу* ҳамда *с глазу на глаз* ибораларини юқоридаги учта сўз билан таржима қилиш мумкин:

- | | | |
|---------------------------|---|---------------------------|
| 1. <i>Лицом к лицу</i> | } | 1. <i>Бетма-бет</i> |
| 2. <i>С глазу на глаз</i> | | 2. <i>Юзма-юз</i> |
| | | 3. <i>Рўбарў (рўпара)</i> |

Ўзбек тилида *кўз ёши қилмоқ* ҳамда худди шу маънодаги *оби-дийда*²³ *қилмоқ* бирикмалари ишлатилади. Аммо бу икки ибора ўртасида стилистик маънода маълум даражада тафовут ҳам бор: *оби-дийда қилмоқ* деганда пичинг маъноси кучлироқ.

«— А план в марте вы утверждали? Чего же сейчас плакаться. Исходили из наличия земли по бригадам, так ведь было?»

«— Планни мартда сизлар тасдиқлаганмидинглар? Нега энди ҳозир оби-дийда қиласизлар? Бригадаларда мавжуд бўлган ерларга амал қилган эдик-а, шундайми?»

Дубцов сдержанно сказал:
— Да никто не плачется.

Дубцов босиқлик билан деди:

²² *Юзма-юз, бетма-бет*даги *-ма* қўшимчаси тожикча *рў-ба-рў* сўзидаги *-ба* қўшимчасининг ўзгарган шаклидир (*рўбарў-рўпара* каби).

²³ Тожикча: «кўз суви» (кўз ёши) демак.

Давыдов, не в этом дело». — (ПЦ, 404—405).

— Ҳеч ким оби-дийда қилаётгани йўқ. Давидов, гап бунда эмас». (ОҚ, «Шарқ юлдузи» журнали, 1962, 5-сон, 72).

Демак, *кўз ёши* бирикмасининг *оби-дийда қилмоқ* варианты синонимик бирикма сифатида ўзбек тилини бойитган. Таржима жараёнида асл нусха мазмунини тўла ва мукамал акс эттиришда бундай иборалар катта роль ўйнайди.

Ўзбек тилида бир хил луғавий маънода иккита: *серсув* ва *сероб* сўзлари ишлатилади:

Сер $\begin{cases} \text{сув} \\ \text{об} \end{cases}$

Луғавий маъноси бир хил бўлган бу икки сўз ҳам бошқа-бошқа стилистик мақсадлар учун хизмат қилади. *Серсув* кўпроқ суви (шарвати) кўп деган маънони билдирса, *сероб* — умуман кўплик, тўқин-сочинлик маъноларини англатади. Бошқача айтганда, *серсув* деганда асосий маъно сувга тушса, *сероб* деганда серга тушади. Айниқса, қуйидаги мисолларда бу ҳол яққол кўзга ташланади: *дарёларимиз сувга сероб; сувдек сероб бўлинг*.

Сероб ва *серсув* сўзларини ҳар хил маъноларда ишлатиш мумкин. Аммо уларнинг ҳам семантик жиҳатдан бирикиш доираси бор. Масалан, *суяқ мақола* дейиш мумкин, аммо «серсув мақола»²⁴ деб бўлмайди (*суяқ мақолани «жидкая статья»* деб бўлмаганидай).

Тожик тилидан кирган *мўйсафид* (асли: *мўйсафед*) сўзи билан бирга айнан шундай ўзбекча *оқсоқол* сўзи параллель ишлатилади. Бунда ҳам *мўйсафид* деганда кишининг қариялигига, *оқсоқол* деганда эса, кўпроқ унинг бошчилик, раҳнаолик қилишига ишора этилади. Бошқача айтганда, ҳар қандай *мўйсафид* — *оқсоқол* бўлмаганидай, ҳар қандай *оқсоқол* ҳам *мўйсафид* эмас.

Луғавий маънолари бир хил бўлган ўзбекча *олдини олмоқ* бирикмаси билан тожикча *пешгир* сўзининг ўзига хос стилистик маънолари бор. Масалан, *пешгир* сўзи баъзан услубнинг ихчам бўлишига ёрдам қилади: «Ошпаз қўлини арта-арта ичкаридан пешгирлик қилиб чиқди»; «Яна пешгирлик қилиб, геологларни айбларди».²⁵

Ўзбек тилидаги *бош оғриқ* ва тожик тилидан кирган изо-

²⁴ Луғатда *серсув мақола* статья, в которой много воды деб нотўғри берилган (УРЛ, 364).

²⁵ П. Қодировнинг «Қадрим» повестидан (31, 35-бетлар).

фали *дарди сар* (*дардисар*) бирикмалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Луғавий маънолари бир хил бўлган бу бирикмаларнинг стилистик функцияларида фарқ бор. Бу, айниқса, уларни бошқа тилга таржима қилганда кўринади:

1. Бош оғриғи перен. что-либо пустое, никчемное, нудное и т. п.; 2. Дард сар обуза; нечто, доставляющее беспокойство, хлопоты (УРЛ, 83, 120).

Бош оғриқ бирикмасида кўпроқ т а ш в и ш маъноси бўлса, *дардисар*да «ортиқча ташвиш ва юк» маънолари бордир. Қуйидаги икки мисолни таққослайлик:

1. Бу дардисарнинг боши оғриб қолди. 2. Бошим оғриб турганда сен ҳам дардисар бўлдинг.

Биринчи мисолда *боши оғриб қолди* — тўғри маънода, иккинчи мисолда эса у тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам тушунилиши мумкин. Бу мисолларни уларнинг луғавий маъноларида талқин қилсак, яъни ўзбек тили доирасида уларни «таржима» қилсак, шундай бўлади:

1. «Бу бош оғриғининг боши оғриб қолди». «Бошим оғриб турганда сен ҳам бош оғриқ бўлдинг».

Демак, луғавий маънолари талқин қилинганида қуруқ сўз ўйинига ўхшаб қоладиган бу сўзлар кўчма маъно касб қилганида улар англатган маъно мантиқан тўғри тушунилади ва уларнинг «ғалатилиги» сезилмайди ҳам*.

Классик адабиётда *дардисар* бирикмаси «ортиқча юк» маъносида бир сўз сифатида ишлатилишидан ташқари, *бош оғриқ* бирикмасининг синоними сифатида изофали шаклда ҳам қўлланилган.

«Ишқ савдоси тушуб бошимга, аҳволим хароб,
Жоним айлар тан аро сиймоб янглиғ изтироб,
Таъна қилма, зоҳидо, кўнглумда ғамлар беҳисоб,
То кишига дард тегмай бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса дарду саримни кавлама»²⁶.

Юқоридаги мисраларда ажиб бир стилистик завқ ва бадий нафосат акс этганлиги кўриниб туради: бошга савдо тушган, жон изтиробда; кўнгилда — ғам, дилда — дард. Шоир беш мисрада *жон*, *кўнгил*, *дил* сўзларини жуда усталик билан ишлатган, биронта ҳам ноўрин такрор йўқ. Бунда *бош оғриқ* бирикмасини қўллаш мумкин эмас, чунки биринчи мисрадаёқ «бошга савдо туширилган». Демак, унинг ўрнида изофали *дардисар* бирикмасининг келиши табиий. Бундан ташқари, 4 ва 5-мисралардаги *дард тегмай* ва *дилда дард* бирикмаларига уйғун ҳолда *дардисар* бирикмаси қўшилиб, *дард*

²⁶ Фурқат, Икки томлик танланган асарлар, II том, Ўзадабийнашр, Тошкент, 1959, 90-бет.

сўзи 3 марта чиройли такрорланган. Бунинг устига, *д—д* шаклида келган аллитерацияга яна бир *д* қўшилиб, чуқур бадий завқ ва мусиқийлик ҳосил бўлган!

Шуниси қизиқки, баъзан ўзбекча сўзларнинг таркибига қўшилган иккинчи тожикча компонентни уларнинг ўзбекча вариантлари билан алмаштириб (*сероб — серсув* каби) бўлмайди. Масалан, *оқнадар*, *кўрнамак*, *мўйлов*, *сарупо* сўзларини «оқота», «кўртуз», «лаб жуни», «бошоёқ» дейиш мумкин эмас.

Ўзбек халқи ҳаётида бундан муқаддам бўлмаган, ҳозир янгидан кириб келаётган айрим маросимларни ифодаловчи ибораларни таржима қилганда ўзбекча сўзлар билан бирга тожикча сўзлардан ҳам фойдаланиш ҳодисаси кўзга ташланади. Масалан, *хлеб-соль — нон-туз* деб берилиши билан бирга, баъзан *нон-намак* деб таржима қилинади:

«—...Удалился и спасибо за хлеб-соль не сказал, ответственный сукин сын» (ПЦ, 452).

«—... Чиқиб кетди, нон-намагимиз учун раҳмат ҳам айтмади итвачча масъул ходим» (ОҚ, «Шарқ юлдузи» журнали, 1962, 6-сон, 69).

Баъзи русча мақол, матал ва идиомалар уларнинг ўзбек тилида ҳам баравар ишлатилаётган тожикча эквивалентлари билан таржима қилинади: *молчание — знак согласия — сукут — аломати ризо* ва ш. к*.

Русча *дармод* ва ўзбекча *текинхўр* сўзларининг ҳам луғавий, ҳам кўчма маънолари бир-бирига мувофиқ келади. Бундан ташқари, ўзбек тилида *дармод* сўзининг *текин томоқ* деган бошқа эквиваленти ҳам бор:

«— ...Нам эти твои жильцы дармоды не дюже в радость» (ПЦ, 344).

«—...Сенинг бу текин томоқ хуноб қилиб юборди» (ОҚ, «Шарқ юлдузи» журнали, 1962, 5-сон, 55).

Рус тилида «сосать» феълининг бирикишидан ясалган *кровосос* ва *молокосос* сўзлари ўзбек тилига бир неча вариантларда ағдарилади. Чунончи, *кровосос* сўзининг биринчи қисми *кровь* айнан мувофиқ келган ҳолда, иккинчи қисми (*сос*) ўрнида тожикча *хўридан* феълидан олинган *хўр* келади: *кровосос — қонхўр*:

«...Уничтожить кулака как общего нашего кровососа» (ПЦ, 25).

«...Умумий душманимиз бўлган қонхўр кулақларни тугатиш» (ОҚ, «Шарқ юлдузи» журнали, 1962, 5-сон, 39).

Аммо *молокосос* сўзига мувофиқ келадиган *сутхўр* сўзи ўзбек тилида ҳам бўлса-да, кўчма маъно англатмайди²⁷. Шунинг учун у икки хил таржима қилинади: 1) эквиваленти — тирмизак²⁸.

— «Не так бы тебя, молокососа . . . следовало» «— Сен тирмизакни . . . бошқачароқ адабингни бериш керак эди» (А, 51). (А, 39).

Рус ва ўзбек тилларида айни бир хил маънони англатувчи бирикмалар асосида бир хил феълларнинг мос тушишини кўрамиз. Масалан, қуйидаги ҳар икки бирикмада ҳам «турмоқ» маъносини англатувчи феъллар ишлатилган: *ветер поднялся — шамол турди; погода испортилась — ҳаво айниди*:

«Погода испортилась; ветер поднялся» (Н, 207). «Ҳаво айниб, шамол турди» (А, 160).

Кунгабоқар ўсимлигининг номи унинг табиий хусусиятига қараб берилган. Шунинг учун турли тилларда бу ўсимлигининг номи луғавий томондан ҳам мувофиқ келади (унга «қуёш» асос қилиб олинган): рус тилида — *подсолнечник*; ўзбек тилида — *кунгабоқар*; қирғиз тилида — *кунқарама*²⁹.

Аммо ҳар қандай табиий ҳодисаларнинг номлари ҳам семантик жиҳатдан бир-бирига мос келавермайди. Масалан, булоқ номи араб, тожик ва ўзбек тилларида бир хил: араб тилида — *عين* кўз (КРАС, 262); форс тилида — *чашма* (чашм — кўз); ўзбек тилида ҳам *булоқ* сўзи билан бирга *чашма* ишлатилади. Аммо рус тилида бу табиий ҳодисанинг бошқа хусусиятига қараб ном берилган: *ключ; родник*.

Шуниси қизиқки, «ахлоқнинг бузилиши» маъносидаги идиоматик бирикмалар рус ва ўзбек тилларида «йўл» тушунчаси билан боғлиқ: *сбилась с пути — йўлдан озди; распутник — ёмон йўлга кирган одам*. Ўзбек тилида бу *оёқ* сўзи билан ҳам ифодаланади: *енгилоёқ, суюқоёқ*.

«— Я и прежде слышала, что она сбилась с пути . . .» (В, 123). «— Унинг оёғи эгрилигини илгари ҳам бир эшитган эдим . . .» (Т, 133).

²⁷ Сут х ў р любитель молока (ЎРЛ, 389).

²⁸ Тирмизак сўзининг «молокосос» маъноси на ўзбекча-русча луғатда (435-бет), на молокосос сўзининг «тирмизак» маъноси русча-ўзбекча луғатда (РЎЛ, III, 99) берилмаган.

²⁹ Бунда *қарама* — феъл эмас, яъни «боқма» маъносини англатмайди: *бостирма, қовурма, чўзма, тўқима, ҳовлиқма, устқурма* каби, -ма феълдан от ясовчи қўшимча.

Умуман, тилларда иссиқ-совуқ, катта-кичик, паст-баланд, қоронғи-ёруғ, оқ-қора, очиш-ёпиш ва бошқа жуда кўп мантиқий тушунчалар асосида тузилган сўз ва иборалар семантикасида ҳайрон қоларли даражада умумийлик, уйғунлик ва ўхшашлик бор. Дунё тилларида ана шу тушунчалар асосида таркиб топган ёки уларни акс эттирувчи сўз ва ибораларнинг қиёсий чоғиштира лугатини тузиш ва бу ажойиб тил ҳодисасини чоғиштира грамматика асосида илмий томондан ўрганиш гоят катта аҳамиятга эга (бу соф лингвистик планда ўрганилиши лозимлиги ва алоҳида мустақил мавзу бўлганидан, қўлимизда бунга доир факт ва материаллар бўлса-да, ҳозирча юқорида айтилган умумий мулоҳаза билан чекланамиз).

Сўзларнинг бирикишида семантик уйғунлик ва мантиқ мувофиқлигига риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Баъзан киши ўз фикрини ифодаляётганида сўз бирикмаси учун қандай сўзни танлаганлиги унинг айни ҳодиса ёки тушунчага нисбатан муносабати қандай эканлигини ёки мафкурасини кўрсатади. Масалан, *ифлос* ва *виждон* сўзлари бирикиши мумкин (*ифлос виждон*), аммо тўғри мантиқ юзасидан *ифлос* ва *меҳнат* сўзларини бириктириб бўлмайди, чунки «ифлос меҳнат» бўлиши мумкин эмас.

«Бой... Дарвоқи, Ғофир, келинга айт, хизмат-пизмат қилиб турсин. Сен ўғлимсан, хотининг келиним...»³⁰.

Хизмат қилиш билан *хизмат-пизмат* қилиш ўртасида жуда катта фарқ бор. Биринчиси чинакам ишлашни билдирса, иккинчиси қарашни, кўмаклашиш, майда-чуйда ишларни бажариб юришни англатади. Юқоридаги мисолда эса, бундан ташқари, бой ўз қўл остидаги одамларнинг меҳнатини заррача қадрламаслигини ҳам кўрсатади (асарни ўқиган киши бу «хизмат-пизмат» тагида бойнинг қандай нияти яширинганини англайди).

Бу «оддийгина» *хизмат-пизмат* асарнинг уч таржимасида уч хил берилган:

1. «Б а й . . . Скажи жене, пусть работает. Ты мне сын, она мне невестка»³¹.
2. «Б а й . . . Постой, скажи жене, чтобы прислуживала. Ты мне, как сын, а она — невестка»³².
3. «Б а й . . . Да, скажи жене, чтобы начинала помогать

³⁰ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Танланган асарлар, Тошкент, 1958, 136-бет («Бой ила хизматчи»).

³¹ Ҳамза, Избранные произведения, Изд-во АН УзССР, Ташкент, 1961, стр. 59. «Бай и батрак», (Л. Саердотова таржимаси).

³² Ҳамза Ҳакимзаде Ниязи, Избранное, ГИХЛ, М., 1958, стр. 85, «Бай и батрак», (Л. Бать ва И. Султонов таржимаси).

кое в чем по дому. Ты для меня,— как сын, а жена твоя — невестка мне»³³.

Хизмат-пизмат
қилмоқ

- | | | |
|--|----|--|
| | —→ | 1. Работать |
| | —→ | 2. Прислуживать |
| | —→ | 3. Начинать помогать кое в чем по дому |

Биринчи таржиманинг нотўғри эканлиги аниқ, учинчи таржиманинг мазмуни тўғри бўлса ҳам, аммо у бирикманинг фақат умумий маъносини бир қанча қўшимча сўзлар билан изоҳлаб беради, холос. Иккинчи таржима эса (*прислуживать*) асл нусхага анча яқин келади.

Бадий таржимادا грамматик қўшимчаларнинг семантикасини акс эттириш ғоят муҳим, шу билан бирга, деярли бутунлай ўрганилмаган масалалардан ҳисобланади.

Грамматик қўшимчалар ранг-баранг стилистик маъноларни ифодалаб келади. Уларнинг баъзилари эркалаш, ҳурмат, эъзозлаш маъноларини рўёбга чиқариш учун хизмат қилса, бошқа грамматик қўшимчалар қаҳр-ғазаб, нафрат ва пичинг туйғуларини акс эттиради.

М. Ю. Лермонтовнинг «Бэла» асарида Печорин Бэлага шундай мурожаат этади: «— Я здесь, подле тебя, моя Жанечка, (то есть по-нашему, душенька),— отвечал он, взяв ее за руку» (46). Уша саҳифада бу сўз Бэла тилида ўзлаштириб берилади: «Потом она также говорила о Печорине, давала ему разные нежные названия или упрекала его в том, что он разлюбил свою джанечку».

Езувчи ҳар икки ҳолда ҳам тўғридан-тўғри русча *душенька* сўзини қўллаши мумкин эди. Зотан, эркалаш маъносида русча *душенька* туркий *жонгинам* сўзидан ҳеч бир фарқ қилмайди. Аммо М. Ю. Лермонтов туркий *жон* сўзига русча *-ечка* кичрайтириш қўшимчасини тиркаб, янги *джанечка* сўзини ҳосил қилган ва уни севишганлар тилидан ишлатган экан, бу оила қурган икки миллат вакили учун ниҳоятда характерлидир. Бу сўз ҳар икки ҳолда ҳам ўзбек тилига *жонгинам* деб ағдарилган (53).

Умуман, рус тилида кичрайтириш ва эркалаш номлари ғоятда кўп учрайди. Масалан, врач ва филолог Н. А. Петровскийнинг маълумотига қараганда, *Иван* номининг юздан ортиқ ва *Петр* отининг юзга яқин кичрайтириш ва эркалаш вариантлари бор³⁴.

³³ Хамза Хаким-зада Ниязи, том II; Пьесы, ГИХЛ УзССР, Ташкент, 1960, стр. 61, «Бай и батрак» (Н. Ивашев таржимаси).

³⁴ Қаранг: Л. Успенский, Слово о словах, Изд-во ЦК ВЛКСМ «Молодая гвардия», 1957, стр. 211.

Кичрайтириш ва эркалаш маъноларида ишлатилган киши номлари ва сўзларни таржима қилишга кўп ҳолларда эътибор қилинмайди. Ҳолбуки, асарнинг услуб хусусиятларини акс эттириш бундай сўзларни тўғри бера билишни тақоза этади. Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар» поэмасидан бир мисол:

«— ... Уж как бы вы с ним хорошо сошлись! Это не то, что прокурор и все губернские скряги в нашем городе, которые так и трясутся за каждую копейку. Этот, братец, и в гальбик, и в банчишку, и во всё что хочешь. Эх, Чичиков, ну что бы тебе стоило приехать? Право, свинтус ты за это, скотовод этакой!»
(МД, 92).

«— ... Икковингиз апоқ-чапоқ бўлиб кетар эдингиз! У шаҳримиздаги бир тийин устида думалоқ ошадиган анов прокурор ва бошқа губерния зиқналари хилидан эмас. У, биродар, гальбик дейсанми, банк дейсанми,— нима десанг ҳаммасига ўйнайверади. Эх, Чичиков, нима кетарди борсанг? Бунинг учун сени чўчкавой, молбоқар десам бўлади!»
(УЖ, 78).

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, бу сўзлар Ноздрёв тилидан ишлатилган. Унинг қимор ўйин ҳисобланадиган банк ўйинини *банчишка* деб ишлатиши тасодифий эмас, зотан, у асл нусхада бу сўзни фақат кичрайтириш шаклида талаффуз қилади. Бунинг сабаби шуки, у, яъни Ноздрёв ҳавойи, бетайин, бебурд ва қиморбоз одам. Оила, рўзгор, хотин, бола-чақа, ҳаммаси унинг учун бир пул, жони-дили қимор. У ҳамма сўзни қўпол формада айтиши мумкин, ҳар қандай кишини ҳақорат қила олади, аммо банка ўйини унинг учун ҳамма вақт фақат — «банчишка!» Ана шу биргина сўзнинг талаффузиданоқ Ноздрёвнинг қиёфаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бироқ, бу сўз ўзбек тилига ҳам, қозоқ тилига ҳам бир хилда *банк* (ӨЖ, 76) деб берилган ҳолда, татарча таржимада айнан *банчишко* (УЖ, 69) деб қолдирилган. Бизнингча, буни ўзбек тилида *банкажон* деб бериш маъқул эди.

Ноздрёв тилида ишлатилган бошқа бир сўз — *свинтус* сўзининг таржимасида ҳам ўзбек, қозоқ ва татар таржимонлари ҳамфикр эмаслар. Чунончи, татар тилида бу сафар ҳам айнан ўзидай *свинтус* деб қолдирилган бўлса, қозоқ таржимони жўнгина *шошқасың* деб қўя қолади. Аммо ўзбек тилига бу сўз *чўчкавой* шаклида жуда ўринлатиб берилган. Мана бу Ноздрёвнинг «ўз» сўзи эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Шундай мисол ва худди шу каби ўринли таржимани Н. А. Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди» поэмасида учратиш мумкин.

«Смеялись мы: «Не любишь ты Корежского комарика... Не любишь, немчура?...» (КНРЖХ, 144).
 «Кулардик биз: «Қинғиркент пашшасини севмайсан, Еқмайди-я! Немисвой?» (РКЯЯ, 85).

Немец сўзининг немчура деб талаффуз қилинишиданоқ пичинг ва нохайрихоҳлик тапти сезилиб турибди. Таржимада айнан *немчура* деб қолдириш ҳам, шунчаки *немис* деб қўя қолиш ҳам мумкин эмас. Бу ўринда таржимон *немис* сўзига *-вой* қўшимчасини тиркаш билан пичинг маъносини акс эттирган.

Албатта, *немисвой* сўзида *-боз* қўшимчаси бор, ваҳолонки немисларда ҳам, русларда ҳам бизнинг тушунчамиздаги «бойлар» бўлмаган, бу — асарнинг миллий хусусиятига лат беради, бунинг устига таржимада соф ўзбек тилига хос хусусиятлардан фойдаланиб бўлмайди, деган эътирозлар бўлиши мумкин. Аммо *немисвой* сўзида ҳеч қандай «бой» маъноси йўқ, бинобарин, у фақат маълум стилистик функциянигина бажаришга хизмат қилган, холос.

Улкан ёзувчиларнинг ижодида уларнинг ажойиб бир стилистик воситадан ғоят усталик билан фойдаланганларини кўриш мумкин. Чунончи, бунда савияси ёки мафкураси бир-бирига зид бўлган персонажлар тилида айрим сўзларнинг семантик маънолари қарама-қарши қўйилиб, охири фожиага айланадиган, ёхуд фожиа билан алмашадиган юмор яратилади.

Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти» асарида Иван Иванович ўз дўстига битта бўрдоқига боқилган чўчқа билан икки қоп арпага занглаб ётган милтигини алиштиришни таклиф қилади. Бундай қараганда ҳеч қандай ажабланарли жойи бўлмаган ана шу жўнгина таклиф Иван Никифоровичга ниҳоятда қаттиқ ботади. У милтиқни... чўчқага алмаштиришни миясига сира сиғдиролмайди. Кўрамизки, семантикаси усталик билан бир-бирига зид қўйилган ана шу икки сўз: *милтиқ* ва *чўчқа* сўзлари машҳур жанжалга ва, демак, повесть сюжетида сабаб бўлган.

«— Как! Два мешка овса и свинью за ружье?» «— Нима! Шундай милтиққа икки қоп арпа билан битта чўчқами?»

— Да что ж, разве мало?

— Ҳа, нима бўлибди, озми?

— За ружье?

— Милтиққа-я?

— Конечно, за ружье.

— Албатта, милтиққа.

— Два мешка за ружье?

— Шундай милтиққа икки қоп?

— Два мешка не пустых,
а с овсом; а свинью позабы-
ли?

— Поцелуйтесь с своей
свиньей, а коли не хотите,
так с чортом!

— О! вас зацепи только!
Увидите: нашпигуют вам. на
том свете язык горячими
иголками за такие бого-
мерзкие слова. После разго-
вору с вами нужно и лицо,
и руки умыть, и самому
окуриться»
(КП, 31—32).

— Икки қоп — бўш эмас,
арпаси бор; чўчқасини унут-
дингизми?

— Упишиб ётаверинг ўзи-
нгиз ўша чўчқангиз билан!
Агар уни хоҳламангиз —
шайтон билан ўпишинг!

— Илоҳим тилингиз тутил-
син сизнинг! Кўрасиз: бун-
дай бедиянат сўзлар учун у
дунёда тилларингизга игналар-
ни қип-қизил чўғ қилиб сан-
чадилар. Сиз билан гаплашиб
бўлгандан сўнг одам бет-қў-
лини ювиб, елкасидан бир-ик-
ки челак сув тўкиб олмаса
бўлмайди»

(Iv. Iv., 17)³⁵.

Шундай қилиб, Иван Иванович билан Иван Никифорович
ўрталарида «тарихий» низо бошланади. Аммо бу низонинг на-
қадар ишонарли бўлиб чиқишини таъминлаган стилистик
воситалар ва таржимоннинг маҳорати ҳақида гапиришдан ол-
дин, асарнинг шу саҳифасидан сал олдинроқда бу икки шахс
ўртасида *милтиқ* ва *чўчқа* баҳсида бўлиб ўтган паст-баланд
гапларни ҳам келтиришга эҳтиёж сезилади.

«— Я не знаю, как вы,
Иван Иванович, можете это
говорить. На что мне свинья
ваша? Разве чорту поминки
делать.

— Опять! Без чорта-таки
нельзя обойтись! Грех вам,
ей-богу грех, Иван Никифо-
рович!

«— Мен ҳайрон бўламанки,
нега, масалан, сиз, Иван Ива-
нович, бу гапларни гапирасиз?
Чўчқангиз нега керак менга?
Шайтоннинг маъракасига сў-
йиб бераманми?

— Яна? Шайтонни оғизга
олмасангиз бўлмас экан-да?
Гуноҳ бу; азбаройи худо, гу-

³⁵ Н. В. Гоголнинг бу повести Чўлпон томонидан икки марта таржима қилинган ва Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима санъати» асарида ҳаққоний равишда жуда яхши баҳоланган эди. Урушдан кейинги йилларда повесть ўзбек тилида яна икки марта, таржимоннинг имзосисиз, нашр этилди. Аммо Чўлпон таржимаси билан кейинги таржималар ўртасида жиддий ўзгариш йўқ. Шу сабабли мисолларни Чўлпон таржимасидан олиш маъқул кўринади. (Кейинги жумла: «елкасидан бир-икки челак сув тўкиб олмаса бўлмайди» сўнгги таржимада «ўзини ҳам бир қатрон қилиб олмаса бўлмайди» шаклида тузатилган).

— Как же вы, в самом деле, Иван Иванович, даёте за ружьё чорт знает что такое: свинью!

— Отчего же она — чорт знает что такое, Иван Никифорович?

— Как же? Вы бы сами посудили хорошенько. Это-таки ружьё, вещь известная, а то — чорт знает что такое: свинья! Если бы не вы говорили, я бы мог это принять в обидную для себя сторону.

— Что ж нехорошего заметили вы в свинье?

— За кого же, в самом деле, вы принимаете меня?? Чтоб я свинью...»

Чтоб я свинью...» (КП, 29).

нох бу, Иван Никифорович!

— Ахир, Иван Иванович, бу қандай гапки, сиз менга милтиқ эвазига аллақандай бўлмағур бир ҳайвонни бериб ўтирибсиз!

— Нима учун у, Иван Никифорович, аллақандай бўлмағур ҳайвон бўлар экан?

— Нега бўлмасин? Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир. Бу ахир, милтиқ — ҳаммага маълум нарса, у бўлса — бўлмағур бир ҳайвон, чўчқа! Агар бу гапни сиз гапирмасдан ўзга биров гапирса, озурда бўлар эдим.

— Хўш, чўчқанинг нимаси ёмон, сизча?

— Ким деб ўйладингиз, дарвоқе, сиз мени? Мен чўчқани...» (Iv. Iv., 15).

Хуллас, Иван Ивановичнинг назарида, милтиқ — шунчаки бир қурол, чўчқа эса оддий бир ҳайвон, Иван Никифорович ўз умрида ўқ узиш нималигини билмаган ва порохни ҳидлаб кўрмаган бўлса-да, унинг учун милтиқ — «ҳаммага маълум нарса», чўчқа бўлса — ўз номи ўзи билан чўчқа! Унинг учун бу икки нарсани алмаштиришгина эмас, таққослашнинг ўзи ҳам фавқулодда, кутилмаган воқеа. Шунинг учун Иван Ивановичнинг таклифига Иван Никифорович астойдил хафа бўлади ва бу ҳақда жуда жиддий муҳокама юритади.

Семантик томондан бир-бирига зид тушунчаларни қиёс қилиш асосида мантиқан тўғри муҳокама юритиб, жиддий услуб яратиш мумкин. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасида Гофирнинг хотини Жамилани бой ўзига хотин қилиб олмоқчи бўлади. Бунинг учун у Гофирга пул бериб, уни рози қилмоқчи. Бойнинг назарида дунёда пулга олиб бўлмайдиган нарса йўқ. Гофирнинг назарида эса муҳаббат ва виждон — сотилмайдиган ва сотиб олиб бўлмайдиган бир нарса. Шунинг учун у дин пешволарига қарата шундай дейди: «...Бу қўланса қоринларингизни ёрса, шу қовоқ каллаларингизни кавласа, бу гўрдан қоронғи юракларингизни чирог ёқиб қидирса, ишқ-муҳаббатдан қилча нишон топилмайди-ю, яна сизлар ишқ-муҳаббат деб лоп-қоп

урасиз! Бу қандай зулм, бу қандай бедодликки, севган хотинимни зolim бой тортиб олмоқчи бўлсаю, менга ёрдам бериш ўрнига, бойнинг ёнини оласиз? Ривоятлар топасиз! Патволар ясайсиз! Шуми инсоф! Шуми диёнат, шуми камбағалга шафқат?!»³⁶

Демак, бойнинг Жамилага «оғиз солиши» — уни пулга сотиб олмоқчи бўлганлиги Гофирни дарғазаб қилади. Гофир учун муҳаббат, инсоф, виждон билан шарият, пул бир-бирига зид тушунчалардир. У мантиқан тўғри муҳокама юритади. Шунинг учун Гофирнинг ўз фикрини юксак услуб билан баён қилиши, ҳиссиётга берилиши, дарғазаб бўлиши китобхонга ёки томошабинга тушунарли. Бинобарин, томошабин Гофир билан Жамиланинг аҳволига ачинади, уларга тўла хайрихоҳ бўлади ва бу икки ёш юракни бир-биридан ажратмоқчи бўлганларга нисбатан нафрат билан қарайди.

Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ўрталарида бўлиб ўтмуш низолар ҳикояти»да ҳам Иван Никифорович дўстининг чўчқани милтиққа алмаштириш ҳақидаги таклифидан бениҳоя ғазабга келади, ундан нафратланади. Аммо китобхон Иван Никифоровичнинг муҳокамаларига қўшилиш ва унга хайрихоҳ бўлиш у ёқда турсин, унинг хатти-ҳаракатларига кулади. Чунки, аслини олганда, милтиқ нима-ю, чўчқа нима. Бу икки нарсани бир-бирига қиёс қилиш ёки уларни алмаштиришда дарғазаб бўлиш учун сабаб бўлаган бирон асос йўқ.

Демак, ёзувчи икки образ муҳокамасида бир хил сўзлар семантикасини ҳар хил талқин этириш асосида кулгили ситуациyani келтириб чиқарган.

А. П. Чеховнинг «Ёвуз ниятли киши» ҳикоясида суд терговчиси Денис Григорьевни сўроқ қилади. Маълум бўлишича, Денис темир йўл рельсларига тиркалган шпалларни бириктириб турувчи гайкаларни бураб олиб, улардан балиқ ушлаш учун чўқдиргич сифатида фойдаланиб юрган. Темир йўлда тез-тез бўлиб турадиган аварияларнинг сабаби шу экан. Бироқ Дениснинг «фаолияти» ана шундай аварияларга сабаб бўлишини у ҳеч англаб етолмайди. Бунда терговчи билан Денис бир-бирлари билан бир тилнинг ўзида бошқа-бошқа «тил»да гаплашадилар, бир-бирларининг сўзларига, демак, муддаоларига ҳам тушунолмайдилар. Чунончи, терговчи гайка бурашнинг оқибати, авария, ҳалокат, жиноятлар ҳақида гапирса, Денис чўқдиргич учун гайканинг жуда қулайлиги, гайка бўлмаса умуман балиқ ушлаб бўлмаслиги, олабуға, чўртан, ширин балиқ, шилишперни ушлаш учун ҳам гайкадан чўқдир-

³⁶ Ҳам за Ҳакимзода Ниёзий, Танланган асарлар, Ўздавнашр, Тошкент, 1954, 97-бет.

гич яшашнинг нақадар зарурлиги ҳақида баҳс юритади. Бошқача айтганда, бири боғдан, бири тоғдан гапиради. «— Менга қара... — дейди терговчи.— Ҳазо қонуни мажмуасининг 1081-моддасида айтилганки, башарти бирон кимса ёмон ният билан темир йўлга бирон зарар еткизса, агарда мазкур зарар натижасида ўша йўлда келаётган транспорт хавф остида бўлса ва у ишнинг натижасида фалокат рўй беришини ул кимса билса... тушундингми? Билса! Бу бураб олишнинг оқибати қандай бўлишини сен билгансан, албатта... Ул кимса каторга ишларига юборилмоққа ҳукм этилади»³⁷.

Хуллас, терговчи Денис ўзини гўлликка солаяпти, уни айбига иқдор қилдим, деб қамоққа ҳукм этади. Шу вақтгача терговчи жанобларининг ўқимишли, билимдон, доно киши эканлиги ҳақида гапириб турган Дениснинг энди кайфи учеди ва ўзининг қамалиш сабабини бошқа ёқдан қидира бошлайди: «— Биз ўзимиз уч оғайнимиз. Бирининг гуноҳига бири жавобгар эмас... Солиқни Кузьма тўламасин-у, жавобини мен, Денис берай эмиш...» Шундан сўнг Денис ўзининг қамоққа ноҳақ ҳукм қилинганини терговчига «уқтиргач», дағдаға қилишга ўтади: «Судьялар! Аттанг, бурунги хўжайиним катта генерал ўлиб кетди-да, худо раҳмат қилгур, йўқса сиз судьяларнинг тоза адабингизни берарди... Адашмасдан, яхши билиб ҳукм қилиш керак. Урсанг ҳам майли, лекин гуноҳим бўлса ур, инсоф билан ур...» (78).

Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» асаридаги «Тешик тош» лавҳасида пулини ўғирлатган гуручфуруш, унинг тарафини олган амин билан Бабар деган соддадил йигит ўртасида ҳам ана шундай «тушунмовчилик» бўлади. Бабарни ўғри деб ушлайдилар. Бабар билан «Ёвуз ниятли киши» ҳиқоясидаги Дениснинг мулоҳазаларини солиштиринг.

Б а б а р:

Д е н и с:

«— Бу нимаси? Нега қамоқхонага юборасиз жаноби тақсир? Сира вақтим йўқ, ҳозир ярмаркага жўнашим керак; Егорда тузланган чўчқа мойи пулидан уч сўм қолувди, ўшани олмасам бўлмайди...» (78).

«— Мени нега оттирасиз, амаки, оттирманг... Хотинимни қутурган ит қопган, жуда ёмон қопган, ишонмасангиз одам юборинг, уйда йиғлаб ётибди... Тешиктошга олиб борадиганман... Мени оттирманг, ишингиз бўлса буюринг. Ҳаттама академ сўранг, мен ишдан қочадиган йигит эмасман... Хотиним йиғлаб ётибди»³⁸.

³⁷ А.П. Че х о в, Ёвуз ниятли киши (Абдулла Қаҳҳор таржимаси), Танланган асарлар, уч томлик, биринчи том, Тошкент, 1957, 77-бет.

³⁸ А б д у л л а Қ а ҳ ҳ о р, Ўтмишдан эртақлар, «Шарқ юлдузи» журнали, 1965, 1—10-сон, 38-бет.

Дениснинг қамоққа боришга «вақти йўқ», Бабар эса отилмаслиги керак, чунки... хотини «уйда йиғлаб ётибди!» Бундан кўрамизки, Денис ҳам, Бабар ҳам интиҳойи соддадилликлари туфайли воқеанинг чинакам сабабини очиб беролмайдилар. Ҳатто Бабарга қараб ўқ узилганида ҳам у «ўқ келиб тегишини кутиб бўлса керак, оғзини, кўзларини катта очиб, қимир этмай» туради. Шундан сўнг отқоровул Бабарнинг айбсиз эканлигини билгач, уни қамоқдан чиқариб юбориш ҳақида рухсат сўраб аминниқига боради ва у ерда зиёфатда саҳаргача ўтириб қолади. Бабар эса аминнинг... «эсидан чиқиб» кетган. Ниҳоят, уни озод қилиш учун келиб, гугурт чақиб қарашса, аҳволи ночор бўлиб қолган. Бабарнинг соддалиги шунчаки, «пошшолик одами» қамади деб, ҳатто қулфсиз эшикни очиб чиқиб кетмаган! Бунинг натижасида қамоқдан «озод» қилинган Бабар ўша кечасиёқ ҳалок бўлади.

Икки ажойиб санъаткор: А. П. Чехов ва Абдулла Қаҳҳор образ ва персонажлар тилида семантик томондан бири-бирига уйғун бўлмаган сўзларни бириктириш билан шундай нозик, ишонарли ва табиий юмор яратганларки, бу юмор ё фожиага асосланган бўлади ёки охири фожиа билан тугайди.

Тилда сўзларнинг семантик томондан бириктириш хусусиятларига риоя қилмаслик сўзларни русча бириктириш хусусиятлари билан ўзбек тилига олиб киришга ва услуб ғализлигига сабаб бўлади.

Б. Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» асарида фашистлар томонидан дорга осилган кишилар гавдаларининг мудҳиш манзараси шундай тасвирланади: «На всем пути качались на виселицах его товарищи, глядели на него стеклянными глазами»³⁹. (Нпк., 515). *Стеклянные глаза* жумласи дастлаб *шиша кўзлар* деб ағдарилган бўлса (Б, 1946, 99), кейинчалик *шишадек нурсиз кўзлар* (Б, 1953, 126) деб берилади. Ваҳолонки, *шиша* ва *нурсиз* сўзлари маъно томондан бири-бирига уйғун эмас. Шиша ўзидан нурни ўтказиши ва уни акс эттиради. Бинобарин, шишани нурсизлик учун асос қилиб олиб бўлмайди.

Сўз ва сўз бирикмалари семантикасини билиш ёзувчиларимизнинг тили ва бадий таржима асарларининг услубини ўрганишда катта аҳамиятга молик.

Таржиманинг
баъзи
грамматик
муаммолари

Ҳар бир тилнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари борлиги бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш ишини мушкуллаштирадиган асосий факторлардан биридир.

Таржимада тилнинг грамматик хусусиятла-

³⁹ Б. Горбатов, Избранное, Детгиз, М., 1955. [Бундан кейин ҳам Нпк шартли қисқартмаси билан берилган «Непокоренные» («Бўйсунмаганлар») повести учун ана шу тўпламга ҳавола қилинади].

ри ва формалари кўчирилмайди, балки бир тилнинг грамматик хусусиятлари асосида баён қилинган фикр бошқа тилнинг грамматик қонуниятлари асосида қайта тикланади. Формал грамматика нуқтаи назаридан аниқ таржима қилиб бўлмайди, чунки тилларнинг грамматик формалари орасида абсолют ўхшашлик бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун таржимада грамматик аниқликдан чекиниш хусусий ва тасодифий эмас, балки умумий ва қонуний ҳодисадир.

Филология фанлари доктори А. В. Федоров асл нусха билан таржима тили ўртасида юз берадиган грамматик тафовутнинг уч хил кўринишини қайд этади:

1. Асл нусха тилида асар таржима қилинаётган тилда бўлмаган грамматик элемент учрайди.

2. Асар таржима қилинаётган тилда асл нусха тилида бўлмаган, лекин таржима жараёнида ишлатиладиган грамматик элементлар мавжуд.

3. Асл нусха тилида мавжуд элементлар бор-у, аммо улар ўз функциялари томонидан фарқ қилади⁴⁰.

Дунёдаги кўпчилик тилларда род (жинс) категориясининг мавжудлиги, туркий тилларда ҳамда фин, грузин, арман ва бошқа шу каби тилларда эса бундай хусусиятнинг йўқлиги, айниқса таржимачилик ишида катта қийинчилик туғдиради. Род категориясига эга бўлган тилдан бундай грамматик хусусиятга эга бўлмаган тилга таржима қилишда қийинчиликлар туғилиши ўз-ўзидан равшан. Аммо род категориясига эга бўлган тилларнинг ҳаммасида ҳам бу хусусият айнан мувофиқ келмайди. Масалан, *солнце* сўзи рус тилида *средний* родга киритилса, немис тилида («ди зоннэ») *женский* родда, француз тилида эса («лэ солей») *мужской* родда ҳисобланади⁴¹. Ёки рус тилида *ложка* сўзи *женский* родда бўлса, немис тилида (*der Löffel*) *мужской* родга киритилади. Аксинча, рус тилида *стул* *мужской* родда ҳисобланса, испан тилида (*la silla*) *женский* родда талқин қилинади⁴².

Даниэл Дефонинг «Робинзон Крузо» романидаги Жумавой образи шу асарни ўқиган кишиларга таниш. Бу образнинг номи рус тилига Пятница деб ағдарилиши «ғалати роқ» кўринади. Бунинг сабабини Л. Успенский шундай тушунтиради: руслар учун Пятница аёл кишининг образини акс этти-

⁴⁰ Қаранг: А. В. Федоров, Введение в теорию перевода (Лингвистические проблемы), издание 2-е, переработанное, Изд-во лит. на иностр. яз., М., 1958, стр. 179—180, 184, 186.

⁴¹ Қаранг: Л. Успенский, Слово о словах, Изд-во ЦК ВЛКСМ «Молодая гвардия», 1957, стр. 355.

⁴² Қаранг: Р. А. Будагов, Введение в науку о языке, М., 1965, стр. 248.

риши керак. Чунончи, диний китобларда жума кун юнон тилида *Параскевэ* дейилади. Христиан динида эса *Парасковия* (русча *Прасковья*), яъни «Пятница» (Жума) аёлларнинг номи ҳисобланади. Шундай қилиб, русларда ҳеч қачон эркак кишига *Пятница* деб ном қўйилмаган.

Аммо инглиз тилида Friday (жума) сўзи ҳеч қандай родни билдирмайди ва, бинобарин эркак кишига ҳам шундай ном берилиши ҳеч кимни ажаблантирмайди (358—359).

Диний ақидаларга кўра, жума кун муқаддас кун ҳисобланган. Шунинг учун бу кунда туғилган болага: ўғил бўлса Жумавой ёки Жумақул деб, қиз бўлса Жумагул деб ном берилган. Бинобарин, «Робинзон Крузо» романидаги Friday (Пятница) ўзбек тилига Жума деб ағдарилган экан, бу табиий бир ҳолдир.

Рус адабиётида бадий таржимада род категорияси туғдирадиган мушкулликни акс эттирувчи маълум ва машҳур бир мисол бор. Улуғ немис шоири Генрих Гейненинг «Қарағай билан пальма» номли шеърида ўз маъшуқаси Пальмадан абадий жудо бўлган ошиқ Қарағай тасвирланади. Немис тилида қарағай дарахтини билдирувчи иккита сўз бор: бири женский родда — die Fichte, иккинчиси эса мужской родда — der Fichtenbaum. Узоқ шимолда қоя тошлар устида танҳо қолган ошиқ «дер Фихтенбаум» ўз маъшуқаси «дий Пальме» — нинг висолига етиш орзусида оҳ уради.

Бу ажойиб шеърни рус тилига ўғирар экан, М. Ю. Лермонтовнинг олдида бир муаммо турар эди: рус тилида *сосна* (қарағай) сўзи ҳам, *пальма* ҳам женский роддадир. Демак, бу икки сўз йиғит билан қиз образини ўзида мужассамлантира олмайди. Шу сабабли Лермонтов таржимасида шеърнинг мазмуни анча ўзгарган:

«Одна и грустна, на утесе горючем
Печальная пальма растет...»

(Чўғдай қоя узра танҳо ва гариб
Хурмо ўсар қайғу-ғам билан...)

Бунинг натижасида ошиқ-маъшуқлар ўрнини дугоналар муҳаббати, улар ўртасидаги ҳижрон азоби эгаллаган.

Гейне шеърини рус тилига ағдарган бошқа рус шоирлари асар қаҳрамонларининг жинсини бу тариқа ўзгартиришни номувофиқ ҳисоблаб, *сосна* (қарағай)ни мужской роддаги бошқа дарахтнинг номи билан алмаштирадилар. Масалан, Ф. И. Тютчев *сосна* (қарағай) ўрнига шу турдаги бошқа *кедр* дарахтини танлайди:

«На севере мрачном, на дикой скале
Кедр одинокий под снегом белеет...».

(Зим-зиё шимолда, ваҳшатли қояда
Танҳо кедр қорга бурканган...).

А. А. Фетнинг таржимасида эса қарағайнинг ўрнини бутунлай бошқа дарахт — дуб (эман) эгаллайди:

«На севере дуб одинокий
Стоит на пригорке крутом...»

(Шимолда танҳо эман
Танҳо кедр қорга бурканган...).

Мутахассис ботаникларнинг фикрича, Ф. И. Тютчев таржимасида ноаниқликка йўл қўйилган: кедр шимолда унмайди, жануб дарахти бўлиб, фақат Урта денгизда учрайди. Шимолда эса кедр эмас, балки кедровая сосна — кедр-қарағай ўсади.

Ф. И. Тютчев томонидан қилинган кейинги таржимада қарағай ўрнига эман дарахти қўйилиши билан узоқ шимол қояси тепалик билан алмаштирилган, негаки эман жанубда ўсадиган дарахт, у шимолда унмайди⁴³.

Кишиларнинг ички кечинмалари, ҳис-ҳаяжонларини ғоят усталик билан тасвирлаган буюк рус ёзувчиси Л. Н. Толстой рус тилининг хусусияти ва воситаларидан чуқур фойдаланган. Тилшунос олим Р. А. Будаговнинг кўрсатишича, «Анна Каренина» романидан олинган қуйидаги парчада ёзувчи Левиннинг ҳис-ҳаяжонларини бир род воситаларидан иккинчисига ўтиш орқали тасвирлаш билан ажойиб услуб яратган: «Разговор зашел об общине, в которой Песцов видел какое-то особенное начало... Левин был не согласен ни с Песцовым, ни с братом... Но он говорил с ними, стараясь только помирить их и смягчить их возражения. Он несколько не интересовался тем, что он сам говорил, еще менее тем, что они говорили, и только желал одного — чтоб им и всем было хорошо и приятно. Он знал теперь то, что одно важно. И это одно было сначала там, в гостиной, а потом стало подвигаться и остановилось у двери. Он... не мог не обернуться. Она стояла в дверях с Щербацким и смотрела на него» (АК, 1, 457). Бунда Левиннинг хаёли, фикри-ёди

⁴³ Бу шеърнинг таржимаси ҳақида қаранг: Л. В. Щерба, Опыты лингвистического толкования стихотворений, «Советское языкознание», т. 2, Л., 1936, стр. 129; Л. С. Выготский, Мышление и речь, М., 1934, стр. 273; Л. Успенский, Слово о словах, Изд-во «Молодая гвардия», 1957, стр. 361—363; Р. А. Будагов, Введение в науку о языке, М., 1965, стр. 255. А. В. Федоровнинг маълумотларига қараганда, М. Л. Михайлой таржимасида сосна (қарағай) — ель (арча) билан алмаштирилган. Тютчев, Майков, Вас. Гаппиус таржималарида эса дуб (эман) қабул қиланган (А. В. Федоров, Введение в теорию перевода, М., 1958, стр. 302).

Песцов билан акасининг мунозарасида эмас, балки «муҳим бир нарса»да, яъни Китида эди. Кити образи Левиннинг хаёлида «муҳим бир нарса» бўлиб мужассамлашадикки, шу сабабли у Кити тўғрисида ўйласа ҳам, уни средний родда талқин қилади (чунки рус тилида *важное* сўзи средний родда). Шу сабабли *одно, было, стало, становилось* сўзларининг ҳаммаси ҳам женский родда эмас, балки средний родда келади. Булар ҳаммаси Левиннинг ширин хаёллари эканлиги ана шу услубдан маълум бўлади. Ниҳоят, у ҳушини бир жойга тўплагач, Кити ҳақида женский родда фикр юрита бошлайди, шунинг учун ҳам кейинги гапда *она, стояла, смотрела* сўзлари ҳам женский родда келган (253—254). Бунда Л. Н. Толстой рус тилининг хусусиятидан муайян стилистик мақсадда фойдаланган. Аммо ўзбек тили род категориясига эга эмас, бинобарин, бу каби асл нусха тилининг хусусияти асосида юзга келган стилистик ўзига хосликни бошқа тилда мукаммал акс эттириб бўлмайди. Фикримизнинг далили учун юқоридаги парчанинг кейинги муддао қисми таржимасини келтирамиз: «У ҳозир фақат бир нарсанигина муҳим деб биларди. Бу *бир нарса* аввал шу ерда, меҳмонхонада эди, кейин ундан жилиб, эшик оғзига келиб тўхтади... Кейин ўгирилишга мажбур бўлди. У эшик оғзида Шчербацкий билан бирга ўзига қараб турар эди» (АҚ, 1, 507). Бунда асл нусхадаги сўзларнинг ҳаммаси бор, аммо шу сўзларнинг грамматик хусусияти замирида яширинган услуб акс этмаган ва худди шундай ҳолда уни айнан тиклаб бўлмайди ҳам.

Чет мамлакатлардаги шаҳарларнинг қайси родда эканлигини аниқлаш ҳам анча мушкулликлар туғдиради. Масалан, Австрия республикасининг пойтахти Вена рус тилида женский родда ҳисобланса, австрияликларнинг ўзлари уни средний родда юритадилар. Уларнинг талаффузида Вин — средний роддадир. Шунингдек, Рим шаҳри рус тилида мужской родда саналса, италияликлар уни *Roma* деб талаффуз этишиб, женский родда талқин қиладилар. Шаҳар ва мамлакат номларининг грамматик хусусиятлари асосида яратилган услубни ҳам таржимада айнан акс эттириб бўлмайди. И. С. Тургеневнинг «Арафа» номли асаридан олинган қуйидаги парчада ва унинг ўзбекча таржимасида бу хусусият яққол кўзга ташланади:

«Кто не видал Венеции в апреле, тому едва ли знакома вся несказанная прелесть этого волшебного города. Кротость и мягкость весны идут к Венеции, как

«Апрель ойида Венецияни кўрмаган одам бу жозибатор шаҳарнинг бутун ажойиб гўзалликларини дуруст тасаввур қилолмайди. Ёзнинг ёрқин қуёши гўзал Генуяга, кузнинг

яркое солнце лета к велико-
лепной Генуе, как золото
и пурпур осени к великому
старцу — Риму. Подобно
весне, красота Венеции и
трогает, и возбуждает же-
лания; она томит и дразнит
неопытное сердце, как обе-
щание близкого, незагадоч-
ного, но таинственного
счастья. Все в ней светло,
понятно, и все обвеяно дре-
мотной дымкой какой-то
влюбленной тишины: все в
ней молчит, и все приветно;
все в ней женственно, начи-
ная с самого имени; неда-
ром ей одной дано назва-
ние Прекрасной» (Н,
194).

заррин ва алвон жилоласи
улуғвор кекса Римга ярашган-
дек, баҳорнинг ажиб ва майин
ғўзалликлари Венецияга яра-
шади. Венециянинг ғўзаллиги
одамнинг дилини худди баҳор-
дек қитиқлаб, орзу-ҳаваслар
уйғотади; яқин, аён, лекин сир-
ли бахт ваъдасидек бу ғўзал-
лик тажрибасиз дилни қитиқ-
лайди, зориқтиради. Венецияда
ҳамма ёқ ёруғ, равшан ва
ҳамма нарса ғўё севги сукуна-
тида ором топиб ётгандек жил-
вакор; ундаги борлиқ ҳаммаси
жим, ҳаммаси оромбахш; но-
мидан тортиб, ундаги ҳамма
нарса мулойим: бу шаҳарга
ғўзал деб ном берилганлиги
бежиз эмас» (А, 1955, 149).

Бунда ёзувчи Римни таърифлаганда «великий старец»
ёзуларини ишлатган экан, уни кекса, улуғвор ва салобатли
чол образида, яъни мужской родда талқин қилади. Ўзбек
тилида эса таржимон буни «кекса Рим» деб қўя қолади. Зо-
тан, кекса сўзи, бир томондан, Римни жонлантириш учун хиз-
мат қилса, иккинчи томондан, унинг кўҳна шаҳар эканлигига
ишора қилинганки, айни ҳолда шунинг ўзи кифоя. Рим сўзи-
нинг мужской родда келганлигини англатишнинг эса иложи
йўқ.

Юқоридаги парчанинг охирида Генуя ҳақида гап борар
экан, унинг назокатли ва файзли шаҳар эканлиги қайд этилиб,
ҳатто исми ҳам ўзига монанд эканлиги айтилади, яъни *Ге-
нуя* сўзининг женский родда келишига ишора қилинадик, бу-
ни ҳам таржимада айнан бериб бўлмайди. Аммо таржимон
тил хусусиятига асосланган ана шу грамматик фазилат ўрни-
ни ўзбек тилида бўлак лексик воситалар билан қоплаган.

А. С. Пушкиннинг «Барышня-крестьянка» номли асарига
ўқиймиз: «Здесь она должна была ожидать Алексея. Сердце
ее сильно билось, само не зная, почему» (БК, 148). Бунда
билось ҳамда *само* — *сердце* сўзига тааллуқли бўлганидан,
юракнинг нима учун қаттиқ ураётганини билмовчи ким? деган
савол туғилмайди. Бошқача айтганда, бу гапдан қизнинг юра-
ги гуп-гуп тепаётганлиги, аммо нима учун бунчалик қаттиқ
тепаётганини қиз эмас, балки унинг юраги билмаслиги

англашилиб турибди. Қуйидаги таржимада бу нарса рўёбга чиқмай, муҳмал бўлиб қолган: «Бу ерда Алексейни кутиши керак эди. Юраги қаттиқ тепарди, сабабини ўзи ҳам билмасди» (ҚО, 1947, 138).

Инглиз тилида ҳам сўзнинг қайси родга тааллуқли эканини кўрсатувчи махус грамматик белги йўқ. Аммо унда мужской, женский ва средний родларни акс эттирувчи хи (он), ши (она), ит (оно) олмошлари бор. Масалан, инглиз такани he-goat («он козёл»), ургочи эчкини эса she-goat («она козёл») деб айтади.

Аммо ўзбек тилида олмошлар ҳам род тушунчасини акс эттирмайди, яъни ҳар учала: мужской, женский ва средний роддаги он, она, оно олмошлари ҳам битта у олмошига мувофиқ келади. Бас, шундай экан, род маъносини акс эттирувчи олмошларни битта у олмоши билан ағдаравериш жуда қўпол хатоларга олиб келиши турган гап. Олмошни механик суратда олмош билан алмаштиришга интилиш қалтис хатоларга олиб келиши қайд этилар экан, аввало, олмошни олмош билан ўгириш учун зарурат туғдирадиган баъзи ҳоллар билан танишайлик.

Езувчилар баъзан стандарт шаклга кириб қолган нарсаларнинг мутлақо аҳамиятсиз ва кераксиз эканлигини таъкидлаш учун ва стилистик ноаниқлик туғдириш мақсадида олмошдан фойдаланадилар. Бундай ҳолларда таржимада олмошни олмош билан беришга имконият ҳам, зарурат ҳам бор.

«Канцелярия его императорского величества по принятию прошений, на высочайшее имя приносимых. Такое-то дело, делопроизводство. Такой-то стол, такое-то число, год...» (В, 439).

«Император ҳазратларининг зоти олий номларига афв сўраб юборилган аризаларни қабул қилиш канцелярияси. Фалон иш, фалон тадбир. Фалон стол, фалон кун, фалон йил...» (Т, 1960, 478).

Чор самодержавияси давлат аппаратларининг бюрократик асосда тузилганини, уларда кишиларнинг тақдирига мутлақо бефарқ қаралишини Л. Н. Толстой аёвсиз танқид қилади. «Тирилиш» ва «Анна Каренина» романларида у самодержавия маъмуриятининг бутун кирдикорларини батафсил фош қилиш билан бирга, баъзан юқоридаги тартибда, аҳамиятсизлик ва аниқсизликни билдирувчи *такой-то* (фалон) олмошини қўллайди ва ўз мақсади йўлида халқ жонли тилига хос ажойиб стилистик воситадан фойдаланади. Буни эса, юқоридаги каби, таржимада ҳам аниқ акс эттириш мумкин.

Н. В. Гоголь ижодида эса ноаниқлик маъносини англатув-

чи олмошлар стилистик юморни рўёбга чиқариш мақсадига бўйсундирилган.

«Председатель пошел приплясывать вокруг него, припевая песню: «Ах ты такой и этакой камаринский мужик» (МД, 220).

«Кочкарев. Право, не знаю; как-то тетка моей матери что-то такое ее отцу, или отец ее что-то такое моей тетке; об этом знает жена моя, — это их дело» (Ж, 31).

«Хлестаков. ...Что это за жаркое? Это не жаркое. Слуга. Да что ж такое?»

Хлестаков. Чорт его знает, что такое, только не жаркое» (Р, 39).

Кулгили вазиятни юзага келтиришга хизмат қилган услуб хусусиятини акс эттириш имкони бўлган бир ҳолда олмошни бошқа сўз билан алмаштириб ағдаришга, албатта, ҳеч қандай зарурат йўқ. Бироқ олмош сўзнинг қайси родда эканлигини билдириб келган ҳолда уни айнан кўчириш таржимада ноаниқлик юз беришига сабаб бўлади. Борис Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» асаридан олинган мана бу мисолни унинг икки таржимаси билан қиёс қилинг: «Но он все шел да шел по мертвым, распятым улицам города, из которого вырвали веселую, живую душу. Вырвали и растоптали. И нет ее, ничего нет, — город глухонемых и нищих» (Нпк, 445).

1946 йил таржимаси

«Аmmo у ҳамон борар, вайроналардек жим-жит, жонсиз, руҳсиз шаҳар кўчаларида танҳо ўзи борар эди. Гуё кўчаларнинг қувноқ жонини суғуриб олганларда, оёқ остида янчиб-янчиб ташлаганлар. Шаҳарда жон

«Раис... атрофида гир-гир айланиб ўйнар ва «Эй камарин мужиги, ундоқсан, мундоқсан», деган машҳур ашулани куйларди» (УЖ, 183).

«Кочкарев. Узим билавермайман; онамнинг холаси унинг отасига бир нима бўлади, ё унинг отаси менинг холамга бир нима бўлади; буни хотиним яхши билади — хотинларнинг иши бу». (У, 40).

«Хлестаков. ...Бу қанақа қовурма. Бу қовурма эмас. Хизматкор. Нима экан бўлмаса?»

Хлестаков. Нима бўлса бордир, лекин қовурма эмас» (Р, 29).

1953 йил таржимаси

«Аmmo у ҳамон қадам босар, қувнаб турган тирик жони суғуриб олинган, ўлик кўчалардан юриб борарди. Шаҳарнинг жонини суғуриб олишган ва оёқ ости қилиб янчиб ташлаганлар. У йўқ, ундан ҳеч нарса қолмаган, ер билан яксон бў-

йўқ, ўлик. Тилсиз гунглар либ кетган, — гунглар ва ти-шаҳри, гадолар, фақирлар ланчилар шаҳрига айланиб шаҳри» (22). қолган».

Асл нусхадаги гапнинг охириги жумласидаги *её* олмоши *душа* сўзининг ўрнида келганлиги равшан. Агар бу ўринда *её* олмошини *у* деб олинса, гап шаҳар тўғрисида бораяптими ёки шаҳарнинг жони тўғрисида бораяптими — номаълум бўлиб қолади, бугина эмас, зиддият ҳам туғилади. Чунки асл нусхада айтилишича, шаҳар бор-у, ammo уни немислар эгаллаган ва ҳамма ёқни вайронага айлантирган, ҳамма ёқда даҳшат, зулм, мотам. Шаҳар жони сугуриб олинган қуруқ гавдадай бўлиб қолган. Буни яхши англаган таржимон асарнинг дастлабки таржимасида *её* олмошини *жон* сўзи билан бериб тўғри қилган. Кейинги таржимада эса бу сўз айнан *у* олмоши билан ўгирилиши оқибатида юқорида қайд этилган ноаниқликка йўл қўйилган. (Таржимада род категориясини акс эттириш қийинчиликлари ва бунга доир мулоҳаза ва мисоллар китобнинг V бобида ҳам берилган).

Гапда сўз тартиби ва логик урғунинг ўзгариши маънони тамомила ўзгартириб юбориши мумкин.

А. С. Пушкиннинг «Барышня-крестьянка» асари дастлаб 1940 йилда «Ойимқиз — қишлоқи қиз» деб ағдарилган бўлиб, кейинчалик, 1947 йилда «Қишлоқи ойимқиз» деб ўзгартирилди. Бу икки таржима ўртасидаги фарқни аниқроқ кўриш учун уларни қиёс қиламиз:



Бундан кўринадики, биринчи таржимада сўзлар худди асл нусхадаги каби жойлашган. Чунончи, *барышня* — *ойимқиз* ва *крестьянка* — *қишлоқи қиз* деб берилган экан, иккита хатога йўл қўйилган. Биринчидан, *қиз* сўзи икки марта такрорланиб, услуб ғализ бўлиб чиққан. Иккинчидан, асарнинг мазмуни билан таниш бўлмаган китобхон *Ойимқиз* — атоқли от экан деб ўйлайди.

Сўнги таржимада сўзларнинг ўрни алмаштириб қўйилган. Натижада ҳар икки хатодан бирданига халос бўлинган. Муҳими шундаки, айнан русча сўз тартиби сақланган, яъни «тўғри» сўз тартиби билан берилган биринчи таржимада маъно

тескари, русча сўз тартибининг ўрни алмаштирилиб, «тескари» сўз тартиби билан берилган иккинчи таржимада эса маъно тўғри бўлиб чиққан. Бошқача айтганда, ана шу мисолда асл нусха билан таржимада тўғри сўз тартибига маъно тескари таносиб ва тескари сўз тартибига маъно тўғри таносиб бўлиб чиққан.

А. С. Пушкиннинг худди шу «Қишлоқи ойимқиз» асарига Богдановичнинг «Во всех ты, Душенька, нарядах хороша» деган мисраси эпиграф қилиб олинган. Ана шу бешта сўздан иборат битта гапни ундаги сўзларнинг ўрнини алмаштириш билан бир неча ўнлаб вариантларда қайта тузиш мумкин. Масалан:

1. Душенька, ты во всех нарядах хороша.
2. Ты во всех, Душенька, нарядах хороша.
3. Ты хороша, Душенька, во всех нарядах.
4. Во всех нарядах ты хороша, Душенька.
5. Во всех нарядах, Душенька, ты хороша.
6. Ты, Душенька, во всех нарядах хороша.
7. Хороша ты, Душенька, во всех нарядах.
8. Хороша, Душенька, ты во всех нарядах.
9. Хороша во всех нарядах ты, Душенька.
10. Хороша во всех нарядах, Душенька, ты.

Рус тили эркин сўз тартибига мойил тиллардан ҳисобланади. Юқоридаги сўзларнинг ўрнини алмаштириш билан ниҳоятда кўп вариантда гап тузиш мумкин экан, уларнинг деярли ҳаммаси ҳам гапнинг маъно оттенкаси томонидан бир-бирдан маълум даражада фарқ қилади. Масалан, «Ты хороша, Душенька, во всех нарядах» гапида логик урғу* *наряд* (либос) сўзига тушса, «Во всех нарядах ты, Душенька, хороша» гапида эса логик урғу *ты* (сен) сўзига тушган ва ҳоказо.

Эпиграфни ўзбек тилида сўз тартиби жиҳатидан бир неча ўнлаб вариантларда афдариш мумкин.

- I Душенька, ҳар қандай кийимда ҳам яхшисан сен.
- II Душенька, яхшисан сен ҳар қандай кийимда ҳам.
- III Душенька, ҳар қандай кийимда ҳам сен яхшисан.
- IV Душенька, яхшисан ҳар қандай кийимда ҳам сен.
- V Душенька, сен ҳар қандай кийимда ҳам яхшисан.
- VI Ҳар қандай кийимда ҳам, Душенька, яхшисан, сен.
- VII Ҳар қандай кийимда сен яхшисан, Душенька.
- VIII Ҳар қандай кийимда ҳам сен, Душенька, яхшисан.
- IX Ҳар қандай кийимда ҳам, Душенька, сен яхшисан.
- X Яхшисан сен, Душенька, ҳар қандай кийимда ҳам,

- I XI Яхшисан, Душенька, сен ҳар қандай кийимда ҳам.
 XII Яхшисан ҳар қандай кийимда ҳам, Душенька, сен.
 XIII Яхшисан, Душенька, ҳар қандай кийимда ҳам сен.
 XIV Яхшисан ҳар қандай кийимда ҳам сен, Душенька.
 XV Яхшисан сен ҳар қандай кийимда ҳам, Душенька.

Кўрамизки, сўз тартибининг эркинлиги томондан ўзбек тили катта имкониятларга эга ва бу таржимада асл нусханинг энг нозик томонларини ҳам рўёбга чиқариш имкониятини беради. Энди Богдановичдан эпиграф қилиб олинган юқоридаги мисранинг таржимаси билан танишайлик:

$$\begin{array}{ccccccccc} 1 & 2 & 3 & 4 & 5 & & & & \\ \text{«Во всех ты, Душенька, нарядах хороша» —} & & & & & & & & \\ 1 & 4 & & 3 & 2 & 5 & & & \end{array}$$

«Ҳар нечук кийимда ҳам, Душенька, сен яхшисан»,

Авалло, юқоридаги «Барышня-крестьянка» — «Қишлоқи ойимқиз» каби, сўзлар тартибини тескарисига қилиб кўрайлик: «Яхшисан кийимда, Душенька, сен ҳар нечук».

Бундай ҳолда сўзларнинг бир-бирига мантиқий боғланиши йўқолади. Чунки синтагмалар орасидаги тўғри мантиқий муносабатга путур етади. Энди буни русча сўз тартибини айнан ўзидай сақлаган ҳолда ўзбек тилига ўгириб кўрайлик: «Ҳар нечук сен, Душенька, кийимда яхшисан». Бундай ҳолда ҳар нечук сўзи кийим билан бўлган синтактик алоқадан маҳрум бўлиб, беихтиёр кириш сўзга айланиб қолади ва оқибатда қўпол хатога оғиб кетилади. Бошқача айтганда, асл нусхада баён қилинган фикрнинг тамом тескариси келиб чиқади (гўё «кийим киймасанг, Душенька, ёмонсан» бўлиб қолади!).

Ўзбекча таржимадаги сўзларнинг ҳам тартибини тескарисига қилиб кўрайлик: «Яхшисан кийимда, Душенька, сен ҳар

1
нечук». Бундан ҳам деярли ҳеч қандай маъно чиқмайди. Хуллас, ўзбекча таржимани айнан ўзбекча сўз тартиби билан рус тилига тескари таржима қилиб кўрайлик: «Во всех нарядах, Душенька, ты хороша». Бу ҳолда умуман, мантиқан туғма маъно англашилса ҳам, логик урғу асл нусхадагига нисбатан бошқа сўзга келиб тушади. Асарнинг мазмуни билан таниш кишига маълумки, қишлоқи қиз кийимида юрган бадавлат оиланинг шўх қизини Алексей у қимматбаҳо кийимлар кийиб ўтирганида учратади. Демак, логик урғу кийимга тушиши керак. Шунинг учун ўзбекча таржиманинг сўзлар ўрнини эмас, балки яхлит сўз бирикмалари ўрнини тескари ўгирил-

са: ўнг қанот — чапга, чап қанот эса ўнгга олинса, логик ур-
3 2 5
ғу ўз жойига келиб тушади: «Душенька, сен яхшисан, ҳар
1 4
нечук кийимда ҳам». Ҳамонки бу шеър экан, сўзларнинг ин-
версия бўйича жойлашиши ҳам табиийдир.

А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи» повестига *береги честь
смолоду* деган рус мақоли эпиграф қилиб олинган. Бу асар-
нинг 1939 йилги ўзбекча таржимасида *ёшлигиндан номусинг-
ни сақла* деб, 1949 йил таржимасида эса сўзларнинг ўрни ал-
маштирилиб, *номусни ёшликдан эҳтиёт қил* деб берилган эди.
Бунинг сабабини аниқ тушуниш учун уни бошқа бир матал
ва унинг таржимаси билан қиёс қиламиз.

Береги честь смолоду — Номусни ёшликдан эҳ-
тиёт қил.

«Смолоду честь береги» — «Ёшликдан номусни эҳ-
тиёт қил».

Цыплят по осени считают — Жўжани кузда санайди-
лар.

«По осени цыплят считают» — «Кузда жўжани са-
найдилар».

Биринчи русча мақолда логик урғу *смолоду* сўзига, ўз-
бекча таржимада ҳам *ёшликдан* сўзига тушган. Мақолнинг
ҳикмати ҳам шунда. Ана шу мақолнинг сўз тартиби ўзгар-
тирилганда у мақол бўлмай қолади, чунки унинг ҳикмати
деярли йўқолади. «Капитан қизи» асарининг 1939 йил таржи-
масида бу мақолнинг сўз тартиби ана шу зайлда ўзгариши
оқибатида, чиндан ҳам, у асл нусхадан узоқлашган эди. Чун-
ки бунда логик урғу *смолоду* (ёшликдан) сўзидан *честь* (но-
мусингни) сўзига кўчган. Бунинг фарқини аниқлашда ик-
кинчи мақолни унинг сўз тартиби ўзгарган вариантга қиёс
қилиш ўринли бўлар эди. Чунончи, *цыплят по осени считают*,
яъни *жўжани кузда санаймиз*, деганда логик урғу *по осени* —
кузда сўзига тушган. Бунинг натижасида «гарчи иш ҳозир
айтарлик бўлмаса ҳам, натижасини кейин кўрасиз» деган
маъно келиб чиққан. Аммо «по осени цыплят считают», яъни
«кузда жўжани санайдилар» деганда эса логик урғу *цыплят*—
жўжани сўзига кўчиши туфайли муайян бир ҳикматни акс
эттирувчи мақол ўрнига англашилмовчилик келиб чиққан (зо-
тан, кузда нима учун гўсала, тойчоқ ёки қўзичоқни эмас,
балки фақат жўжани санайдилар? — деган табиий савол
туғилади).

Фикрни мантиқан тўғри формада акс эттиришда гапда
сўзларни тўғри тартиб билан жойлаштириш катта аҳамиятга
эга.

Таржимада
синонимлар-
дан фойдала-
ниш масаласи

Бир хил маънони ифодаловчи, лекин маъно
нозиклиги томондан бир-биридан фарқ қилув-
чи сўзлар синоним сўзлардир. Синонимлар-
нинг тилда кўплиги унинг лексик воситалари
қанчалик бой ва ранг-баранг эканлигини кўр-
сатувчи факторлардан ҳисобланади. Филоло-

гия фанлари доктори О. Азизов синоним сўзлардан тўғри фой-
даланиш адабий асарларда фикрнинг энг нозик томонларини
ифодалаб беришга жуда катта ёрдам бериши ҳамда мазмун-
ли, таъсирли ва гўзал санъат асарлари яратишни таъмин-
ловчи воситалардан ҳисобланишини тўғри қайд этган⁴⁴.

Ўзбек тилида синонимик қаторлар кўп учрайди. Бу эса
турли-туман услуб хусусиятларини акс эттиришда энгиллик
туғдиради. Масалан, *бош* ва *калла* сўзлари қандай контекст
ичида келишига қараб, ҳар хил маънони ифодалайди. *Бош*
сўзи кўпроқ ижобий маънода, *калла* сўзи эса асосан салбий
маънода қўлланилади. Масалан, *каллакесар*, *хомкалла*. Ҳай-
вонларга нисбатан ишлатилганда ҳам *калла* сўзи келади. Чу-
нончи, «қўйнинг боши» эмас, *қўйнинг калласи*⁴⁵.

Синоним сўзлардан фойдаланиш оригинал бадий асар
яратишда қанчалик муҳим бўлса, бадий таржимада синоним
танлаш яна ҳам катта аҳамиятга эга. Буни М. Ю. Лермонтов-
нинг «Бэла» асаридаги мана бу мисол ва унинг таржимасида
яққол кўриш мумкин: «[Бэла] начала печалиться о том, что
она не христианка, и что на том свете душа ее никогда не
встретится с душою Григория Александровича, и что иная
женщина будет в раю его подругой» («Бэла», 1948, 47). Маъ-
лумки, мусулмон динида ривоят қилинишича, эр билан хотин
вафот қилганларидан кейин уларнинг танаси ерда чириб ке-
тади-ю, аммо руҳи арши аълога учadi. Ниҳоят, жаннатга
кирганида, эрнинг руҳи кўз очиб кўрган хотинининг руҳи би-
лан бирга бўлар эмиш. Бэла ҳам ўлими олдидан ана шу ри-
воятни эслаб хўрсинади, у христиан динига мансуб кишига
турмушга чиққани учун севган эри билан ўзининг руҳи на-
риги дунёда учрашмаслигидан изтироб чекади. Демак, бу
парчани ўзбек тилига ағдарувчи кишидан диний, архаик сўз-
лардан хабардор бўлиш ҳамда бир маънони ифодаловчи сўз-
ларнинг турли синонимларини билиш талаб этилади. Маса-
лан, текстда ишлатилган *подруга* сўзини *дугона* деб бериб
бўлмайди, чунки ўзбекларда фақат хотин-қизларгина бир-
бирлари билан *дугона* бўлишлари мумкин. *Дўст*, *ўртоқ*, *ҳам-*

⁴⁴ Қаранг: О. Азизов, Тилшуносликка кириш, ЎзССР «Ўрта ва олий мактаб» Давлат нашриёти, Тошкент, 1963, 65-бет.

⁴⁵ Қаранг: А н в а р Ш о м а к с у д о в, О языке и стиле сатиры Муки-
ми, «Вопросы узбекской литературы» (Литературно-критические статьи),
Ташкент, 1959, стр. 423.

шира сўзлари ҳам тўғри келмайди. Диний лексиконда нариги дунёда эр-хотин руҳининг дўстлиги *маҳрам* сўзи билан ифода этилади, яъни хотиннинг руҳи эрнинг руҳига «маҳрам бўлади» Ҳамонки, М. Ю. Лермонтовнинг асаарида умрининг охиригача мусулмон динида қолган Бэланинг образи тасвирланиб, мусулмон динининг ривоятларидан бири ҳақида гап борар экан, таржимон, табиий, диний лексикондаги синоним сўзлардан фойдаланишга ҳақли. Таржимаси: «Ўзининг Исо уммати эмаслигига афсус еб, у дунёда руҳим Григорий Александрович руҳи билан ҳеч вақт топишмайди, жаннатда унинг маҳрами бўлак хотин бўлади деб қайгура бошлади» («Бэла», 1951, 53).

А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи» повестида бир образ тилидан Швабрин ҳақида гап борар экан, «...Он и в господа бога не верует» (КД, 260) деган сўзларни учратамиз. Рус тилида инкор формасидаги *не верить* феълига ўзбек тилида айнан шундай инкор маъносидаги бир нечта сўзларни келтириш мумкин. Масалан, *ишонмайди, иқрор эмас, тан олмайди* ва ҳоказо. Аммо бизда бу сўзнинг инкор маъносидаги, аммо тасдиқ формасида келувчи, худони эътироф қилмаслик маъносида ишлатганда жуда мувофиқ келадиган *мункир* деган синоним ҳам бор. Худди шу сўз контекста жуда қойилмақом бўлиб тушган: «...У худога ҳам мункир» (КҚ, 1949, 41).

Айни бир синоним турли стилистик мақсадларда ҳар хил маъно англатиши ҳам мумкин. Масалан, ўзбек тилида *боласиз* сўзининг *зурёдсиз, тирноққа зор* каби синонимлари бор. *Тирноққа зор* ибораси «Бой ила хизматчи» драмасида «Емон номи етти иқлимга кетган», «чакки босар» Хонзода ҳақида гап борганда «тирноққа зор» дейилар экан, бу Хонзодага нисбатан ҳеч қандай хайрихоҳлик ҳиссини туғдирмайди. Аммо М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» асаарида бу сўзнинг ишла-тилиш ҳолати диққатга сазовор.

«Хозяин и хозяйка в аккурат дома были. Вошёл я, моргаю им обоими глазами, бодро так говорю: «Вот и нашёл я своего Ванюшку! Принимайте нас, добрые люди!» Они, оба мои бездетные, сразу сообразили, в чем дело, засуетились, забегали» (СЧ, 35).

«Ошнам ҳам, хотини ҳам уйда экан. Ичкари кирдим-у, уларга кўзимни қисиб қўйиб: «Мана, ўғлим Ванюшкани топиб олдим! Қани, бизни кутиб олинглар, яхшилар!» дедим дадил. Уларнинг ўзлари ҳам тирноққа зор эмасми, нима гаплигини дарров пайқашиб, парвона бўлиб қолишди» (Инт, 1947, 67).

Ўзининг фарзандсизлигидан куюниб, «Гулбаҳорни боласи билан ўлдирган қотил» Хонзодага нисбатан ҳамда мутлақо бегона Ванюшани ўз болаларидай кўтиб, хурсандликларидан териларига сиғмай, «парвона бўлиб қолишган» оқ кўнгил совет кишиларига нисбатан айни бир *тирноққа зор* ибораси қўлланилган экан, у ҳар икки ҳолатда, икки хил контекст ичида тамомила бошқа-бошқа стилистик мақсадларга хизмат қилиб, гўё бир-биридан фарқ қилувчи иккита бошқа иборадай жаранглайди.

Русча-ўзбекча бир томлик луғатда *бедный* сўзининг: 1. *камбағал, қашшоқ, йўқсил*; 2. *кам, оз, сийқа, арзимас*; 3. *бечора, шўрлик, боёқиш* каби эквивалентлари келтирилган (РУЛ, 38). Шу луғатнинг масъул муҳаррири Р. Абдурахмонов Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар» поэмасидаги: «— Павел Иванович, успокойтесь... о бедной душе своей помыслите» (МД, 501) гапидаги *бедный* сўзини унинг юқоридаги луғатда берилган биронта эквиваленти билан ағдармай, мутлақо бошқа, *ғариб* сўзи билан беради: «— Павел Иванович, ўзингизни босинг... ўз ғариб жонингиз ҳақида фикр қилинг» (УЖ, 442). Айни контекст ичида таржимон *бечора* (*шўрлик, боёқиш*) *жон* бирикмасини семантик томондан номақбул ҳисоблаб, луғатда акс этмаган *ғариб* сўзини *жон* сўзига маъно томондан маъқул кўради (*ғариб жон*). Бундан қуйидаги хулосалар келиб чиқади: биринчидан, ҳар қандай мукамал луғатда ҳам тилда мавжуд ҳамма синоним сўзларни бериб бўлмайди; иккинчидан, таржимоннинг луғат запаси расмий луғатларда мавжуд сўзлардангина иборат эмас. Ҳар бир таржимон луғатдан фойдаланиш билан бирга, таржима жараёнида ўзи луғат ҳам яратади. Агар русча-ўзбекча икки тилли луғатлар стандарт сўзлар асосида эмас, балки жонли таржима практикаси материаллари асосида тузилса, лексикографияда ҳам, таржима практикаси ва назарияси соҳасида ҳам бағоят улғун иш қилинган бўлар эди.

А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи» повестида ғирт пиёниста ва саводсиз француз мураббийси Бопренинг кайфи тарақ бўлгандаги аҳволи шундай тасвирланган: «Бопре в смятении хотел было привстать, и не мог: несчастный француз был мертво пьян. Семь бед, один ответ» (КД, 234—235).

«Бопре ҳаяжон билан турмоқ истаса ҳам, фақат еридан қўзғала олмади. Чунки, бадбахт француз ўлгидай маст эди (КҚ, 1933, 4).

«Бопре гангиб, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, тура олмади: бечора француз ўлгундай маст эди. Ун балога бир даво деганлар» (КҚ, 1949, 5).

Албатта, *несчастный* сўзининг *бахтсиз* деб берилиши табиий нарса. Аммо айни контекст ичида асарнинг биринчи

таржимасидаги каби, Бопрега нисбатан *бадбахт* сўзининг қўлланиши услуб томондан ниҳоятда қойилмақом бўлган. Зотан, Бопре «бахтсиз» эмас, «бадбахт» эди. Хусусан, бу сўзнинг жонли тилдаги юмористик оттенкаси Бопрени жуда ҳам яхши «безаган». Шунингдек, Анна Каренина Л. Н. Толстойнинг шу номли романида: «— ...Я именно несчастна. Если кто несчастен, так это я» (АК, II, 240) дер экан, бу сўзлар ўзбек тилига шундай ўгирилган: «— ...Ҳа, мен шундай бахти қораман. Агар дунёда бирон бахти қора, шўрпешана бўлса — ўша мен» (АК, II, 259). Бу ўринда эса *несчастный* сўзини, юқоридаги каби, *бадбахт* билан мутлақо бериб бўлмайди, шунингдек, *бахтсиз* сўзи ҳам «камлик қилади». Чунки Анна машъум зодагонлар муҳитида, хотин-қизларнинг ҳуқуқи оёқ ости қилинган бир шароитда шунчаки *бахтсиз* эмас, балки *бахти қора* ва шўрпешана эди. Бу ҳолда ҳам *несчастный* сўзи русча-ўзбекча луғатда *бахтсиз*, *толиш паст* деб берилган ҳолда (РЎЛ, 438), унинг «Капитан қизи» ва «Анна Каренина» асарларининг таржималарида учраган *бадбахт*, *бахти қора* ва *шўрпешана* каби синонимлари қайд этилмаган.

Юмор яратишда синоним сўзлардан фойдаланиш ва буни таржимада акс эттириш ёзувчи ва таржимондан катта луғат запасига эга бўлишни талаб этади.

«...Андрей Иванович Тентетников принадлежал к семейству тех людей, которые на Руси не переводятся, которых прежде имена были: увальни, лежебоки, байбаки, и которых теперь, право, не знаю, как назвать» (МД, 371).

«...Андрей Иванович Тентетников Русияда ҳали ҳам илди-зи қурилмаган кишилар зотидан эди; илгари вақтларда уларни такасалтанг, тепса тебранмас, танбал деб атар эдилар, ҳозир эса, тўғриси, уларни нима деб аташни ҳам билмайман» (ЎЖ, 318—319).

Асарда келтирилган *лодыри* сўзининг *увальни*, *лежебоки*, *байбаки* каби синонимлари ўзбек тилида *дангаса* сўзининг *такасалтанг*, *тепса тебранмас*, *танбал* каби синонимлари билан яхши берилган. Ёзувчининг услуби замирида яширинган юмор хусусияти ҳам таржимада яхши акс этган.

Таржимада ёзувчининг услубини акс эттиришда синоним сўзларнинг аҳамияти ғоят катта. Буни, хусусан, бир асарнинг бир неча кишилар томонидан бажарилган таржималарини бир-бирига қиёс қилганда яққол кўриш мумкин.

Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида Андрей Иванович Чмихов дўсти Антон Антонович Сквозник-Дмухановскийга ёзган хатида у ҳоким бўлган шаҳарга яширин ревизор бора-

ётганини шипшитиб ўтгач, «...за тобою, как за всяким, водятся грешки» (Р, 8) деган сўзларни айтади.

Асарнинг бошқа тилларга қилинган кўпгина таржималарида ҳамда Санжар Сиддиқнинг 1934 йилги ўзбекча таржимасида *грешки* сўзи *гуноҳ* деб берилган: «..Мен биларманким, ҳар кимсада бўлгани каби сенда ҳам баъзи гуноҳлар бор...» (Тер, 7—8). Чмиховнинг фикрича, бу «гуноҳ» шундан иборатки, ҳоким, «эси жойида бўлгани учун», қўлига кирган нарсани қўлдан чиқариб юборишни хушламайди. Демак, гап пора устида бораяпти. Аммо пора олишни на ҳокимнинг ўзи ва на унинг атрофидаги кишилар том маъноси билан гуноҳ деб ҳисобламайдилар. Юқорида кўрганимиздай, ҳатто Чмиховнинг ўзи ҳам пора олишни ақлли одамнинг иши деб ўйлайди. Шу сабабли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор *грешки* сўзини бу ўринда *қусур* деб ағдарган.

Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмуш низолар ҳикояти» повестидан олинган қуйидаги парча билан унинг икки таржимаси диққатга лойиқ: « — Весьма рад, что вас вижу, — отвечал судья. — Но все не могу представить себе: что заставило вас предпринять труд и одолжить нас такою приятною нечаянностью» (КП, 62).

«— Сизни кўрганимга жуда мамнунман,—деди судья, — лекин ҳанузгача тахаййур ва таажжубдадирманким, оё қандай сабаблар билан жаноблари бу ерларга қадам ранжида қилдилар ва бизларни бу кутилмаган давлатга эриштирдилар».
(Iv. Iv., 33)

«— Сизни кўриб жуда хурсанд бўлдим, бизнинг ҳузуримизга тўсатдан келиб қолиб, кўп хурсанд қилдингиз: лекин ўзингизни койитганингиз сабабини билолмасдан ҳайронман».
(Ив. Ив., 1952, 34).

Бу икки таржимада гарчи айнан бир фикр айтилаётган бўлса ҳам, аммо бу фикр тамомила бошқа-бошқа услуб билан ифода этилган. Асл нусхада сўзлар биринчи шахс тилидан айтилган, асарнинг 1952 йил таржимасида бу ҳолат сақланган. Аммо Чўлпон таржимасида эса фикр учинчи шахс тилидан баён қилинган. Бунда Чўлпон тилимизнинг ажойиб хусусиятидан усталик билан фойдаланган. Чунончи, ўзбек тилида учинчи шахс кўплик формасида мурожаат қилиш сўзловчининг унга ҳаддан ташқари ҳурмат билан қарашини билдиради. Дарҳақиқат, мурожаат этишнинг ана шу баландпарвоз, дабдабали усули Иван Ивановичга хушомадгўйлик билан тил-ёғламалик қилаётган суд раисининг нутқиға жуда ҳам ёпи-

шиб тушган. Қитобнинг 1952 йил таржимасида *не могу пред- ставить себе* сўзлари *хайронман* деб берилган бўлса, Чўлпон таржимасида бу сўзнинг *тахаййур* ва *таажжуб* деган бошқа синонимларини учратамиз. Шунингдек, 1952 йил таржимасида *приятная нечаянность* сўзлари *келиб қолмоқ* деб берилган бўлса, Чўлпон таржимасида бу сўзнинг *қадам ранжида қил- моқ* деган синоними келганки, бу ҳам асл нусханинг мазмуни- га бағоят ёпишиб тушган.

Демак, синоним сўзларни танлай билиш асарнинг услуби- ни акс эттиришда фоят катта аҳамиятга эга бўлиб, ёзувчининг сўз бойлиги миқдорини ва унинг бадий маҳорати даражаси- ни кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан биридир.

Асарни таржима қилиш — авторнинг ўзига хос услуби, тасвирланаётган воқеанинг хусусияти, образ ёки персонаж- нинг ёш, жинс, вазифа, ихтисос, малака, миллат, эътиқод ва бошқа белгилари ҳамда асарнинг жанри ва турини ҳисобга олган ҳолда мувофиқ сўз ва ибораларни топиб, ўз ўрнида иш- лата билиш демакдир. Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида» бўлиб ўтмуш низолар ҳикояти» повестининг 1936 ва 1952 йил таржималарини қиёс қилиш шуни кўрсатдики, Чўлпон таржимасининг луғати ни- ҳоят даражада бой, унда асл нусхадаги сўзларнинг маъно но- зикликларига айнан мувофиқ тушадиган синонимлар топиб ишлатилган.

Тўғри, Чўлпон таржимасида архаик ва тарихий сўзлар кўп учрайди. Бу тасодифий ҳол эмас. Таржимон асарда тасвирла- наётган давр, образ ва персонажларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, онгли суратда ана шундай сўзларни тан- лаган ва бу билан воқеа помешчиклар Россияси даврида бўлиб ўтганлигини тарихий колорит яратиш орқали акс этти- ришга ҳамда повестда тасвирланаётган воқеаларнинг ҳаж- вий-юмористик хусусиятини тўла сақлашга муяссар бўлган. Исботсиз ва далилсиз, бир оғир сўз билан: «фалон ёзувчи ёки таржимон араб ва форс сўзларини ишлатган» деб шунчаки танқид қилиш осон ва бундай ҳоллар бизда учраб туради, аммо «фалон ёзувчи ёки таржимон араб ва форс сўзларини нима учун кўп ишлатган, бунда у қандай муддаони кўзлаган, қандай натижага эришган ва улардан қанчалик ўринли фой- далана олган» деган масалани чинакам илмий йўл билан ёри- тиш биринчисига қараганда анча мураккаброқ ва муҳимроқ- дир. Зотан, тарихий мавзуда ёзилган адабий асарларни ҳо- зирги ўзбек адабий тили билан ағдариш осон иш, аммо бун- да давр хусусиятини сақлаш, давр аъъаналарини акс этти- риш, давр услубини бериш биринчисига нисбатан беқияёс да- ражада қийин ишдир. Л. Н. Толстой асарларини Фадеев ус-

луби ва унинг тил хусусиятлари билан ёки, аксинча, Чингиз Айтматов асарларини Фурқат услуби ва унинг тил хусусиятлари билан таржима қилиб бўлмайди. Адабий асарларни содда тил билан ўгириш авторнинг услубини сийқалаштириш ва давр колоритини бузишга олиб келмаслиги зарур.

Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар» поэмасидан бир мисол: «Что ни разворачивал Чичиков книгу, на всякой странице: *проявление, развитие, абстракт, замкнутость и сомкнутость*, и черт знает, чего там не было. «Это не по мне», — сказал Чичиков...» (МД, 446). Бу парчанинг таржимасига мурожаат этишдан олдин юқорида ажратиб кўрсатилган бешта сўзнинг русча-ўзбекча луғатда қандай берилиши билан танишайлик: «*п р о я в л е н и е* 1. кўрсатиш, намоён қилиш, юзага чиқариш; 2. кўриниш, намоён бўлиш, юз бериш» (РЎЛ, 679); «*р а з в и т и е* 3. тараққиёт, ривожланиш» (РЎЛ, 696); «*а б с т р а к т* абстракт» (РЎЛ, 16); «*з а м к н у т о с т ь* одамларга аралашмаслик, якка ҳолда бекиниб яшашлик, одам ёқмаслик, писмиқлик» (РЎЛ, 219); «*с о м к н у т о с т ь* узлуксизлик, зичлик, туташлик» (РЎЛ, 814).

Энди юқоридаги мисолнинг таржимаси билан танишайлик: «Чичиков қайси китобни очса ҳар бир саҳифасида *зуҳурот, тараққиёт, мавҳумот, маҳдудот, силсилот* ва яна аллақандай сўзларни кўрарди. «Буларга менинг тишим ўтмайди», — деди Чичиков...» (УЖ, 387—388). Бунда луғат билан таржима ўртасида зиддият келиб чиқади, айни бир кишининг сиймосида мужассамлашган таржимон лексикограф (луғатшунос)ни рад этади ва ҳоказо. Аммо бадний таржиманинг ўзига хос хусусиятигина эмас, балки умуман тилни билган киши бундай мулоҳаза юритмайди.

Дарҳақиқат, *зуҳурот, мавҳумот, маҳдудот, силсилот* каби терминлар ҳозир архаиклашиб, тилдан чиқиб кетган. Аммо Чичиков яшаган давр колоритини акс эттиришда бу терминларнинг ишлатилиши табиий бир ҳол бўлиб, у замонларда ҳали бу терминлар эскирмаган эди. Зотан, асарда ҳозирги давр воқеалари эмас, балки Гоголь яшаган ва ундан олдинги тарихий даврларда бўлиб ўтган воқеаларнинг бадний манзараси яратилган. Бас, шундай экан, таржимон ҳам тарихийлик принципига амал қилиши лозим.

Иккинчи томондан, русча-ўзбекча луғат, асосан, ҳозирги рус ва ўзбек адабий тиллари материали асосида тузилган бўлиб, унда эскирган жуда кўп сўзлар йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак. Аммо, шу билан бирга, бу ҳол ўзбек тилининг тарихий-этимологик ҳамда архаик сўзлар луғати нақадар зарур эканлигини ҳам яққол кўрсатади.

Шундай қилиб, А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой,

А. П. Чехов ва бошқа рус ёзувчилари асарларининг ўзбекча таржималарида баъзан сўзларнинг ҳозир эскирган, китобий бўлиб қолган ёки эскираётган синонимлари маълум стилистик мақсадда қўлланилиши табиий ҳолдир.

Русча-ўзбекча луғатда *обидеться* сўзининг *хафа бўлмоқ*, *кўнгли оғримоқ*, *озор топмоқ*, *алам қилмоқ*, *ранжимоқ*, *ўпка-ламоқ*, *ўпкаланмоқ* каби маънолари бор (РЎЛ, 452). Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмуш низолар ҳикояти» асарида Иван Ивановичнинг ниҳоятда таъби нозик одам эканлиги, ўзи сўз орасида ҳеч қачон беҳуда сўзларни ишлатмаслиги, аммо, шу билан бирга, бошқа биров бундай «куфр» сўзларни айтиб юборса ҳам, унинг кўнгли оғриши ҳақида ҳикоя қилинади. Ана шу ўринда автор Иван Ивановичга нисбатан *обидится* сўзини ишлатади. Буни худди шундай контекст ичида шу сўзнинг асосий *хафа бўлади* деган эквиваленти билан ўгириш деярли уни таржима қилмаслик билан баравар — асарнинг 1952 йилги нашрида шундай қилинган (Ив. Ив., 8). 1936 йил таржимасида бу «зоти олий» шундай тасвирланган: «Иван Иванович жуда таъби нозик одам ва одоб билан гаплашганда оғзидан ҳеч бир беҳуда сўз чиқмайди, ва ўзгалар айтганда ҳам дарров хотири ранжида бўлади» (Ив. Ив., 7). Бу ўринда, *обидеться* — *хафа бўлмоқ* сўзининг *хотири ранжида бўлмоқ* синоними Иван Ивановичдай «таъби нозик» одамга нисбатан жуда ҳам қойилмақом бўлиб ёпишган.

Борис Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» асарида фашистлар қўлида қамалда ғоят ночор аҳволда қолган шаҳар аҳолиси ҳақида айтилган: «Жить было невозможно, но надо было жить» (Нпк, 450) гапи шу повестнинг 1953 йил таржимасида айнан «Яшаш мумкин бўлмай қолди, аммо яшамоқ керак» (Б, 1953, 35) деб ағдарилган. Ҳолбуки, бу гапнинг биринчи қаноти марҳум Наби Алимұхаммедов таржимасида бир вақтлар унинг ўзбекча муқобили билан жуда яхши ағдарилган эди: «Тириклик жонга тегди, лекин яшамоқ керак» (Б, 1946, 28).

Муайян бир асарнинг ўзбекча таржимасини унинг бошқа қардош тилларга қилинган таржималари билан қиёс қилганда таржимада синоним танлашнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги яна ҳам аниқроқ кўринади.

Н. В. Гоголнинг «Улик жонлар» асарида ўзидан юқори мансабда турган кишилар олдида икки букилиб, ўзидан қуйи мансабдаги кишиларга дуч келганда тумшугига хода етмайдиган амалдорлар шундай тасвирланади: «Прошу посмотреть на него, когда он сидит среди своих подчиненных,— да просто от страха и слова не выговоришь» (МД, 69). Охирги гап қозоқ

тилига «...тіпті қорыққаныңнан бір ауыз сөз де айта алмайсың!» (ӨЖ, 57) деб, татар тилига эса: «...карасағыз, куркуығыздан сузегезне дә әйтә алмассыз!» (УЖ, 51—52) тариқасида ағдарилган. Үзбек тилига ҳам айнан «қўрққанинган бир оғиз сўз ҳам айтолмайсан» деб таржима қилса бўлар эди. Аммо Үзбек таржимони шу «бир оғиз сўз»нинг баҳридан кечиб, *қўрққанидан довдираб* (*шошиб*) қолмоқ иборасининг яхши бир синонимини топишга муваффақ бўлган: «...савлатидан ўтаканг ёрилиб, тилинг калимага келмай қолади!» (УЖ, 58).

Рус тилида	Қозоқча таржимаси	Татарча таржимаси	Ўзбекча таржимаси
«...В первый раз как только увидел вас вместе на бале, ну уж думаю себе, Чичиков, верно, недаром...» (МД, 315).	«—Губернатордың балында екеуінің бірге отырғандарынды көргенде-ақ, дәуде болса, біздің Чичиков тегін отырған жоқ шығар деген едім...» (ӨЖ, 254).	«—Беренче тапкыр ук, сезне балда бергә кургәч тә, бушка ғына тугел инде бу, дип уйлап куйдым» (УЖ, 1953, 232)	«—Биринчи дафъа сизларнинг балда бирга ўтирганларингизни кўрганимда дарров ўйладим: Чичиков анойи эмас, дедим...» (УЖ, 266).

Қозоқча ва татарча таржималарда русча *недаром* сўзининг луғавий (*текин*) маъносига мувофиқ келадиган эквивалентлари топилган бўлса, ўзбекча таржимасида *бекорга* (*беҳуда*, *текинга*) эмас иборасининг ажойиб синоними — *анойи эмас* идиомаси билан ўринли алмаштирилган. *Анойи* идиомасининг заминида «недаром» маъноси борлиги ўзбекча-русча луғатда ҳам яхши акс этган: «у анойи эмас он не из простачков (*у него ничего даром не получишь*)» (УРЛ, 35).

Хуллас, синоним танлай билиш таржиманинг сермазмун, нафис ва аниқ бўлишини таъминловчи воситалардан биридир. Турмушда бир-бирига мутлақ ўхшайдиган кишилар бўлмаганидай, фақат бир қолипда гапирадиган, ўз фикрларини бир хил нутқ оҳанги меъёрида баён қиладиган, мутлақ бир хил нутқ услубида сўзлайдиган кишилар ҳам йўқ. Ҳатто бошқа кишиларнинг нутқ услубига жуда аниқ тақлид қилиш санъатини мукаммал эгаллаган актёр ҳам, кўпинча, сўзларни фақат ўзига хос индивидуал услубга солиб баён қилганини пайқамайди.

Тасвирлаш объекти инсон бўлган бадий адабиётда ёзувчилар кишиларнинг бу хусусиятидан усталик билан фойдала-

надилар. Бинобарин, образ яратишда уларнинг ўзларига хос нутқ хусусиятларини тайинлаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Сўз санъаткорларининг асарларида ҳар бир образ ва персонаж ўз «тили»да гапиради. Кўп ҳолларда уларнинг фақат нутқ хусусиятларига қараб агрономни врачдан, врачни инженердан, инженерни ўқитувчидан, ўқитувчини зоотехникдан фарқласа бўлади. Башарти, китобда тасвирланган ёшу қари, каттаю кичик, аёлу эркак — ҳамма одамлар, турли ихтисос, эътиқод ва дунёқарашдаги кишиларнинг ҳаммаси бир хил «тил» ва услуб билан гапирсалар, бундай китобни бадний асар деб бўлмас эди.

Айрим адабий асарларимиз шунинг учун ҳам зериктирарли ва қуруқ бўлиб чиқадики, уларда тасвирланган образ ва персонажлар, худди ўргатилган тўти қушлар сингари нуқул бир хил оҳангда, бир хил мавзуда, сўзларни чайнаб гапирдилар. Бундай сохта, ясама тилнинг кишиларга ёқмаслиги табиий, чунки уларнинг ўзлари ҳаётда бундай «тил» билан гапирмайдилар.

Персонажлар тилининг ўзига хослигини белгилашда ҳар бир адибнинг ўз индивидуал усули ҳам бўлади. Буни аниқлаш ҳар бир ёзувчининг ўзига хос услубини ўрганишда ҳам катта аҳамият касб этади.

Персонажларнинг тил индивидуаллигини белгилаш фақат оригинал адабиётда эмас, балки бадний таржима адабиётида ҳам муҳим масаладир. Зотан, классик адабиёт намуналарини ағдарувчи таржимон образ ва персонажлар тилининг ўз даврига хос луғати ва талаффуз нормаларини ҳам акс эттиришга мажбур бўлади. Совет адабиёти билан қардош халқлар адабиёти асарларида тасвирланган персонажларнинг ўзига хос «тили»ни таржимада акс эттириш анча машаққатли ишдир.

Классик ёзувчиларнинг асарларида руслардан ташқари бошқа миллат вакилларининг образлари ҳам яратилган. Чунончи, уларда немис, француз, яҳудий, инглиз ва бошқа миллатларга мансуб кишилар рус тилида ўзларига хос талаффуз билан гапирдилар. Булардан ташқари, муайян миллат ичидаги турли ижтимоий гуруҳ ва табақаларга мансуб кишиларнинг образлари тасвирланган. Буларнинг барчаси гарчи бир миллат фарзандларининг образлари бўлсалар-да, ammo уларнинг нутқи услуб томондан бир-бирдан жиддий тафовут қилади. Ҳар бир деҳқон, заминдор, кучер, қоровул, солдат, дворян, табиб ва ҳоказолар ўзига хос «тил»да гапиради. Уларнинг баъзилари фикрни болохонадор қилиб баён этсалар, айримлари содда, яна бошқалари қўпол ёки жимжимадор сўзларни кўп такрорлайдилар. Деҳқонлар нутқида рус тилининг

турли-туман шева хусусиятларидан фойдаланиш ҳоллари айниқса кўп учрайди. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммасини таржимада акс эттиришга тўғри келади.

Рус ёзувчиларидан А. П. Чехов образ ва персонажларнинг нутқ услубига катта эътибор билан қарар эди. «Автор изоҳларининг ҳожати йўқ,— деб ёзган эди у.— Барча зарур нарса тўғрисида сиз тасвирлаётган кишиларнинг ўзлари гапирсинлар».

Рус ёзувчиларининг асарларида образ ва персонажларнинг тил индивидуаллигини белгилашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш кўп учрайди:

1. Персонажлар тилида бiron нарсага нисбат бериш, семантик томондан номувофиқ сўзларни бириктириш орқали уларнинг индивидуал «тил» хусусиятларини келтириб чиқариш.

2. Талаффуз қилиш қийин бўлган айрим русча ва, айниқса, чет сўзларни персонажлар тилида бузиб талаффуз эттириш.

3. Ҳар бир образ нутқининг махсус грамматик тузилиши ва оҳанг хусусиятини ҳосил қилиш.

4. Образ ёки персонажни уларнинг ўз лаҳжасида гапиртириш.

5. Мансабдор ва зодагонларни баъзан нутқ жараёнида бiron чет тилда (кўпинча, француз ёки немис тилида) гапиртириш ёхуд уларнинг нутқида чет сўзларни ишлатиш.

6. Бошқа миллат вакилларини рус тилида бузиб гапиртириш, сўзлар ва ибораларни нотўғри талаффуз эттириш.

7. Тасвирланган образ ёки персонажда қайд этилган бiron жисмоний нуқсондан (масалан, тутилиб-тутилиб ёки дудуқланиб гапириш) фойдаланиш ҳамда тилни атайлаб бузиб гапирувчилар нутқидан намуналар бериш.

8. Персонажлар тилининг лексикасига эътибор қилиш: ёши, қандай касб эгаси эканлиги, хулқ-атвори ва маслагини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг нутқида касб-ҳунар терминлари, эскирган сўзлар ва вульгаризмлардан кенг фойдаланиш.

9. Персонажлар тилида айрим сўз ёки ибораларни ўқтин-ўқтин ишлатиб туриш.

10. Образ ва персонажларнинг ёши ва жинсига қараб, шуларга хос лексик воситалардан фойдаланиш.

Персонажларнинг тил индивидуаллигини яратишнинг таржима практикасида кузатилган баъзи усуллари, воситалари ва хусусиятлари ҳақида махсус тўхташга тўғри келади.

Бiron нарсага нисбат бериш ва семантик томондан номувофиқ сўзларни бириктириш

билан индивидуал нутқ хусусияти ҳосил қилиш ва уни таржимада акс эттириш масаласи.

Ёзувчи образ ёки персонажнинг ижобий ёки салбий қилиб тасвирланишига қараб, унинг тилида шунга мувофиқ келадиган сўз ва ибораларни танлайди. Сўзлашув тилида кишининг жуда қаттиқ ҳориш ҳолатини англатувчи *итдай чарчмоқ* ибораси бор. Агар суҳбат вақтида бирон кимса «мен бугун итдай чарчадим» деса, бу ўша одамнинг қаттиқ чарчаганлигини билдиради, холос. Ҳеч ким бу иборанинг қўполлигига эътибор қилмайди. Аммо ёзма адабиётда баъзан бундай сўз ва ибораларнинг тўғри маъносига ҳам ишора қилиниб, бу билан муайян стилистик мақсад ифодаланади. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасида эшон пириникига маъракага бориб, бели оғриб қайтган Ҳожнона «итдай чарчадим» (Танланган асарлар, 1958, 131) деб оқ-воҳ қилар экан, унинг нутқида бу ибора махсус стилистик маъно касб этади ва ёзувчи уни атайлаб ишлатган. Бундай қўпол иборани ёзувчи, албатта, бошқа бирон ижобий образ, масалан, Гофир ёки Жамила тилида ишлатмаган бўларди. Ана шу стилистик хусусиятни пайқаган рус таржимони «итдай чарчадим» сўзларини «устала, как собака» (Избранные произведения, 1951, 53) деб тўғри ағдарган.

М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романида совет тузумига қарши зиёнқунанда Яков Лукич Островновнинг ташқи қиёфаси ёзувчи томонидан қуйидагича тасвирланади: «Стоял неподвижно, понурив голову, как старая, усталая лошадь...» («Ҳорғин қари одек бошини қуйи солиб, тек туради»). Шундан сўнг Островновнинг мулоҳазалари берилади: «... Голодный человек — волк в лесу, куда хошь пойдёт; сытый человек — свинья у кормушки, и его с места не стронешь» (ПЦ, 333—334). «... Оч одам — бамисоли ўрмондаги бўри, хоҳлаган кўйингга соласан; тўқ одам — охири тўла чўчқа, ҳеч қаёққа жилдиролмайсан...» (ОҚ, «Шарқ юлдузи» журнали, 1962, 1-сон, 47).

Қўрамузки, автор аввал Островновнинг ўзини ҳорғин қари отга ўхшатади. Бу билан у китобхонни Островновнинг нияти бузуқ киши эканлигини тушунишга махсус стилистик йўл билан тайёрлайди ва сўнгра бу шахс тилидан Советларга қарши мулоҳазаларни унинг ўзига хос ўхшатишлари билан беради. Шундай қилиб, Островновнинг *ҳорғин қари отга ўхшатилиши* натижасида унинг тилида *оч одам — бўрига, тўқ одам эса охури тўла чўчқага* қиёс қилиниши тасодифий эмас, балки табиий туюлади. Бу йўл билан автор китобхонда ўз салбий қаҳрамонига нисбатан нафрат туйғуси уйғотади.

Шундай қилиб, ёзувчи тилидан айтилган узундан-узоқ таъриф-тавсиф ва изоҳлардан эмас, балки у тасвирлаган образ ва персонажларнинг тилларида ишлатилган сўзларданоқ уларнинг ким эканликларини билиб олиш мумкин.

Образ ва персонажлар тилида фақат кишиларга нисбатан ишлатиладиган айрим сифат ва хусусиятларни ҳайвон ва машиналарга кўчириш орқали индивидуал-юмористик услуб хусусияти яратилади:

«—... А может и этот петух голландской нации» (ПЦ, 370).

«— Ты не из ветинаров? Не по коровьей части знахарь?» (ПЦ, 412).

«— Две пары молодых бычат у нас сейчас на курорте» (ПЦ, 398).

«— Думал, может тракторишко подлечить, а тут и тракторов-то нет» (ПЦ, 13).

«— Как это... могущественный немецкий техника. Он есть сейчас больной. Мы с вами есть доктора. А? — засмеялся он своей шутке» (Нпк, 479).

Баъзи ҳолларда бунинг аксича, яъни ҳайвон ва техника воситаларига нисбатан қўлланиладиган тушунчалар одамга нисбатан кўчирилиши асосида тил индивидуаллиги ҳосил қилиниши ҳам мумкин.

«— Я, брат, — сказал он Никифору, — в среднем ремонте не первый раз. Починят — и опять пойду. На

«— Эҳтимол, бу хўроз ҳам голланд миллатидандир» (ОҚ, «Шарқ юлдузи» журна-ли, 1962, 2-сон, 108).

«— Ўзинг ветинарлардан эмасмисан? Сигирларни боқадиган табиблардан эмасмисан?» (ОҚ, «Шарқ юлдузи» журна-ли, 1962, 77).

«—... Икки жуфт ёш новвосимиз ҳозир курортда ётипти» (ОҚ, «Шарқ юлдузи» журна-ли, 1962, 3-сон, 110).

«— Тракторларни тузатарман девдим, бу ерда трактор йўқ экан» (ОҚ, «Шарқ юлдузи» журна-ли, 1960, 5-сон, 31).

«— Нимаиди? Қудратли немис техникаси. У ҳозир бетоб. Сиз билан биз доктормиз. А? — дея ўзининг ҳазилидан ўзи кулди немис». (Б. 1953, 77).

«Бу киши Никифорга қараб: — оғайни, мен бундақа чакана ярадан бир эмас, кўпини кўрдим, тузатиб чиқариб

мне рана заживает быстро». юборадилар, яна бораман. Баданим шундақаки, яна дарров тузалиб кетаверади» (Б, 1946, 144).

Таржимада диалектизмларни бериш ҳамда асарда тасвирланган бошқа миллат вакилларининг рус тилини бузиб гапиришларини акс эттириш таржима назариясининг мураккаб проблемаларидан биридир.

Ёзувчи асарда маҳаллий колорит ҳосил қилиш, персонажларнинг тил индивидуаллигини яратиш, асарнинг бадий таъсир кучини ошириш, деталларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ҳамда услубнинг содда ва раvon бўлишига эришиш мақсадида ўз образ ва персонажлари «тили»да рус тилининг турли-туман шеваларига хос сўз ва ибораларни ишлатади.

Диалектизмларни таржима қилиш қийин бўлганлиги учун кўп асарларда (масалан, М. Шолоховнинг «Тинч Дои», Л. Н. Толстойнинг «Тирилиш», А. С. Серафимовичнинг «Темир оқим» каби романлари таржимасида) улар ўзбекча адабий сўзлар билан алмаштирилган. Ҳолбуки, бундай қилиш ёзувчининг асарда диалектизмларни ишлатишдан кузатган, юқорида қайд этилган, мақсадларини пучга чиқариш билан барабар. Ёзувчи ўз асарида муайян стилистик мақсад билан ишлатган диалектизмларни рус адабий тилидаги мавжуд сўзлар билан алмаштиришга мутлақо рози бўлмаганидай, таржимада ҳам уларни адабий сўзлар билан алмаштиришга автор рози бўлолмайди.

Диалектизмларни таржима қилишда уч хил усул қўлланилмоқда: биринчи усул — рус тилининг асарда персонажлар тилида ишлатилган шевага хос сўзларини ўзбек тили шеваларидаги нейтраль сўзлар билан бериш; иккинчи усул — диалектизмларни таржимада адабий тилда мавжуд сўзлар билан алмаштириш; учинчи усул — диалектизмларни айнан таржима қилмай қолдирган ҳолда, сўнгра уларни саҳифа остида «таржима» қилиб бериш.

Диалектизмларни таржима қилишнинг биринчи усули мақсадга мувофиқдир. Башарти, уларни акс эттиришнинг сира иложи бўлмай, адабий тил билан ифодалашга тўғри келган айрим ҳолларда ҳам, лоақал, айни персонаж тилининг табиийлиги ва соддалигини тўла акс эттира оладиган сўзлар билан таржима қилиш зарур.

Асарда тасвирланган бошқа миллат вакилларининг рус тилини бузиб гапириш хусусиятларини акс эттириш ҳам таржимада жиддий қийинчилик туғдириб келаётган проблемадир.

Бундай тил хусусиятларини ҳам адабий формада бериш ҳоллари кўп учрайдики, бу мутлақо нотўғри. Аммо таржима практикасида бу масалада диққатга арзигулик бир қанча тажрибалар ҳам кўзга ташланади. Ана шу тажрибаларнинг баъзилари билан танишайлик.

Яҳудий образининг рус тилини бузиб гапиршини таржимада бериш тажрибаси. Рус ёзувчиси И. С. Тургенев «Овчининг мактублари» асаридаги «Чертопхановнинг ўлими» ҳикоясида Лейба номли бир яҳудий образини ғоят усталик билан тасвирлаган. Ёзувчи Лейбани рус тилида баъзи яҳудийларга хос талаффуз билан гапиртирган, натижада унинг сўзлари ҳикоя ичида алоҳида ажралиб туради. Бу ҳол ёзувчининг рус тили талаффуз нормаларини бузиб гапирадиган кўпгина яҳудийларнинг нутқиغا махсус эътибор қилиб, уларни диққат билан кузатиб борганлигини кўрсатади. Қуйида Лейба нутқининг диққатга лойиқ жойидан бир парча келтирилиб, сўнгра унинг икки таржимаси муқояса қилинади:

«— Васе благородие, извольте посмотреть, каков конёк? — промолвил жид, не переставая кланяться.

— Н... да... лошадь добрая. Ты откуда её достал? Украл, должно быть?

— Как же мжно, васе благородие! Я цестный зид, я не украл, а для васега благородия достал, точно! И уз старался я, старался! Зато и конь! Такого коня по всему Дону другого найти никак невозможно. Посмотрите, васе благородие, что за конь такой! Вот позалуйте, сюда! Тпру... тпру... повернись, стань зе боком! А мы седло снимем. Каков! Васе благородие?

Лошадь добрая,— повторил Чертопханов с притворным равнодушием, а у самого сердце так и заколотилось в груди. Очень уж он был страстный охотник до «конского мяса» и знал в нем толк.

— Да вы, васе благородие, его погладьте! По сейке его погладьте, хи-хи-хи! Вот так» (30, 295).

Таржиманинг қўлёзма вариантыда Лейба тилининг ўзига хослиги сақланмаган, у ўзбек адабий тилида «расманаснга» гапиртирилган эди.

Қўлёзмада:

«— Жаноби олийлари, бир қаранг, бу қандай яхши от? — деди жуҳуд таъзим қилишда давом этиб.

— Ҳа... яхши от. Бу отни сен қаердан олдинг. Ўғирлагандирсан-да?

— Қандай қилиб ўғирлаб бўлсин, жаноби олийлари! Мен

бировнинг ҳақидан қўрқадиган жуҳудман, ўғирлаганим йўқ, сиз жаноби олийлари учунгина олдим, холос! Бу отни қўлга киритиш учун тозаям ҳаракат қилдим! Лекин ўзи ҳам асил от-да жонивор! Бу от Доннинг бориб турган энг яхши оти, бутун Донда бунга тенглашадиган отни сира топиб бўлмайдди, жаноби олийлари. Бу отнинг чиройлилигини бир кўриб қўйинг! Мана бу ёққа ўтинг! Тирр... тирр, ён томонинг билан турсанг-чи! Устидан эгарини олайлик. Уни қаранг! Жаноби олийлари, ёқдимиз?» (21—22).

Лейбанинг ўзига хос «тили»ни таржимада акс эттиришни талаб қилишдан олдин ҳикоянинг асл нусхасида Лейба тилининг «ўзига хослиги» нимадан иборат эканлигини аниқлаб олишга тўғри келади.

Лейба рус тилида қайси сўзларни «нотўғри» талаффуз қилганлигини топиб, уларни текст ичидан ажратиб олайлик:

«Нотўғри» талаффуз қилинган сўзлар	Тўғриси қандай булиши керак
васе	ваше
зе	же
мозно	можно
цестный	честный
зид	жид
уз	уж
невозможно	невозможно
позалуйте	пожалуйте
по сейке	по шейке

Бу сўзларга диққат қилинса, Лейбанинг **Ш** товушини **С** деб, **Ж** ни **З** ва **Ч** ни **Ц** деб талаффуз қилиши маълум бўлади. Бу эса Лейба нутқи учун тасодифий эмас, балки қонуний фонетик ҳодисадир.

Ёзувчининг усталиги шундаки, у сўзларни қандай талаффуз қилинишига қараб танлаган. Баъзан бир сўзда Лейба талаффуз қила оладиган товуш билан бирга, у талаффуз қилолмайдиган товуш ҳам келади. Масалан, невозможно.

К и т о б д а

«— Жаноби олийлари, бир қаранг, қандай яхси от?— деди жуҳуд таъзим қилишда давом этиб.

— Ҳа... яхши от. Бу отни сен қаердан олдинг? Ўғирлагандирсан-да?

— Қандай қилиб ўғирлаб бўлсин, заноби олийлари! Мен бировнинг ҳақидан қўрқадиган зуҳудман, ўғирлаганим йўқ,

сиз заноби олийлари уцунгина олдим, холос! Бу отни қўлга киритис уцун тозаям кўп уриндим-да. Лекин ўзи ҳам асл отта зонивор! Бу от Доннинг бориб турган энг яхси оти, бутун Донда бунга тенгласадиган отни сира топиб бўлмайди, заноби олийлари, бу отнинг циройлилигини бир кўриб қўйинг! Мана, бу ёққа ўтинг! Дирр... дирр... ўгирил, ёнламасига турсанг-ци! Устидан эгарини олайлик. Уни қаранг! Заноби олийлари, ёқдимиз?

— Яхши от,— деб такрорлади Чертопханов ясама бепарволик билан, лекин ўзининг юраги дукиллаб ўйнаб турарди. У «от зоти»га жуда ўч эди ва унинг қадрига етарди.

— Заноби олийлари, сиз уни бир силанг! Бўйнигинасини силанг, хи-хи-хи! Мана сундай!» (ОвМ, 357).

Энди Лейба ўзбек тилида қайси сўзларни бузиб талаффуз қилганлигини аниқлаб, уларни текст ичидан ажратиб олайлик:

„Нотўғри“ талаффуз қилинган сўзлар	Тўғриси қандай бўлиши керак
заноб	жаноб
яхси	яхши
зуҳуд	жуҳуд
уцунгина	учунгина
киритис	киритиш
зонивор	жонивор
тенгласадиган	тенглашадиган
циройлилигини	чиройлилигини
турсанг-ци	турсанг-чи
сундай	шундай

Демак, шундай қилинганки, яҳудий Лейба ўзбек тилида гапирганида ҳам, худди рус тилидаги каби, **Ж** товушини **З**, **Ш** ни **С** ва **Ч** ни **Ц** деб талаффуз қилади. Бошқача айтганда, текст таржимасидаги сўзлар илгари қандай бўлса, асосан, ўшандайлигича қолдирилган, фақат таркибида **Ж**, **Ш**, **Ч** ҳарфлари бўлган сўзларнинг ўша ҳарфларигина **З**, **С** ва **Ц**-лар билан алмаштирилган, холос — ёзувчининг ўз образлари тилини индивидуаллаштириш принципи айнан сақланган. Бундай тажриба анча ишонарли ва мақбул кўринади, зотан, рус тилида муайян товушларни талаффуз қила билмаган киши айни ўша товушларни, шубҳасиз, бошқа тилларда, жумладан, ўзбек тилида сўзлаганида ҳам талаффуз қилолмайди.

Асарда Лейба ҳар хил руҳий кайфиятда, турли воқеалар ичида тасвирланади. Бундай ҳолларда унинг нутқида ҳам ўзгариш сезилади. Чунончи, жоҳил одамлар томонидан шафқатсизларча калтакланаётган Лейба Чертопхановдан нажот сўраб ялинар экан, зўр ҳаяжон ичида шошганидан русча *Ваше высокородие* сўзини *Васе высокоуродие* (*род* — зотни *урод* — бадбашарага айлантириб) талаффуз этади (30, 294). Таржиманинг қўлэмасида бу ҳол тушириб қолдирилган ва *жаноби олийлари* (19) деб «тўғрилаб» берилган бўлиб, кейинчалик бу *зино олийлари* деб тузатилган (355—356). Бу ҳам ишонарли бўлиб чиққан. Чунки энди китобхон биладики, Лейба **Ж** товушини айтолмай, **З** деб талаффуз қилади, яъни *жаноб* сўзини *заноб* деб ишлатади. Аммо унинг калтак зарбидан шошиб, жаноб (унингча «заноб») сўзини ҳам бир неча марта *зино* (ифлос, фаҳш) деб юбориши табиий туюлади.

Лейба **Ш** товушини **С** деб талаффуз қилар экан, *Верхошенск* шаҳрининг номини *Верхосенск* деб атайди (30, 303). Қўлэмасида бу образнинг нутқ хусусиятлари акс эттирилмай жўн таржима қилинган экан, *Верхосенск* сўзи ўзидай қолдирилган. Бунинг натижасида китобхон шундай шаҳар бор экан, деб ўйлаши мумкин эди. Аммо Лейбанинг нутқ хусусиятлари таржимада акс эттирилган экан, унинг **Ш** товушини **С** деб талаффуз қилганидан воқиф бўлган ўзбек китобхони энди бу *Верхошенск* шаҳри эканини англайди.

Хуллас, таржимон «Чертопхановнинг ўлими» ҳикоясидаги Лейбанинг ўзига хос «тил» хусусиятларини ўзбек тилида тўғри акс эттиришга муяссар бўлган. Натижада ажойиб Лейба образи ўзбек тилида ҳар томонлама мукамал, ўз «тили» билан бошқалардан яққол ажралиб турадиган образга айланган.

Грек образининг рус тилини бузиб гапиришини таржимада бериш тажрибаси. А. П. Чеховнинг «Тўй» сарлавҳали бир пардали комедиясида Димба деган бир грек рус тилида шундай гапирди: «Дымба (встает, смущенно). Я могу говорить такое... которая Россия и которая Греция. Теперь которые люди в России и которые в Греции... И которые по морю плавают каравия, порусскому знацит корабли, а по земле разные которые железные дороги. Я хорошо понимаю... Мы греки, вы русские, и мне ничего не надо... Я могу говорить такое... которая Россия и которая Греция»⁴⁶.

⁴⁶ А. П. Чехов, Собрания сочинений, том IX, М., 1956 («Свадьба», сцена в одном действии), стр. 131.

Бунда грек Димба *значит, железные, хорошо, ничего* сўзларини *знацит, железные, хоросо, ницего* деб талаффуз қилди. Бундан кўрамизки, Димба ҳам, Лейба каби, **Ч, Ж, Ш** товушларини **Ц, З, С** деб атайди. Бу парчанинг ўзбекча таржимаси: «Димба (ўрнидан туради, уялинқираб). Мен шундай гапийишим мумкин... Россия нима-ю, Греция нима. Ҳозир Россиядаги одамлар-у, Грециядаги одамлар... денгизда сузиб юраётган каравия, яъни, масалан, русча кемалар, ер юзиди ҳар хил темий йўллар. Жуда ақлим етиб туйипти... Биз греклармиз, сиз русларсиз, шу ҳам бўлади менга... Мен шундай гапийишим мумкин... Россия нима-ю, Греция нима»⁴⁷.

Таржимон Димба тилининг ўзига хос хусусиятини акс эттиришга ҳаракат қилган. Чунончи, у ўзбек тилида *гапиришим, темир, турипти* сўзларини *гапийишим, темий, туйипти* деб айтади. Кўрамизки, таржимон бузиб талаффуз қилинган сўзларни таржимада ўшандай талаффуз эттиришга интилган. Бироқ бундай ҳолда сўзни эмас, балки товушни таржима қилиш лозим. Амалда эса, асл нусхада Димбанинг муайян товушларни бузиб ишлатиши фонетик жиҳатдан қонуний ҳол бўлса, таржимада бу тасодифга айланиб қолган. Масалан, Димба ўзбек тилида *гапиришим, темир, турипти* сўзларида **Р** ни **Й** деб айтгани ҳолда, *Россия, Греция, ҳозир, одамлар, юраётган, каравия, русча, кемалар, ер, ҳар, йўллар, греклармиз* сўзларида **Р** товушини тўғри талаффуз қила олади. Натижада ўқувчида Димба нега юқоридаги учта сўзни атайлаб бузиб айтди экан, деган тушунмовчилик ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, асл нусхада муайян стилистик мақсад билан қилинган иш таржимада стилистик хатога айланиб қолган. Ҳолбуки, бу ҳолда ҳам Димба нугқининг индивидуал тил хусусиятини «Овчининг мактублари» асаридаги Лейба тилини индивидуаллаштириш принципида акс эттириш лозим эди.

Немис образининг рус тилини бузиб гапиришини таржимада бериш тажрибаси. И. С. Тургеневнинг «Овчининг мактублари» асарида («Ўлим ҳикоясида») фон-дер-Кок деган немис шундай гапиради: — *Mejn Gott! Mejn Gott!* — воскличал на каждом шагу фон-дер-Кок. — Што са шалость! Што са шалость!

— *Какая шалость?* — с улыбкой заметил мой сосед.

— *То ист как шалко, я скасать хотелл.* (Известно, что

⁴⁷ А. П. Чехов, Танланган асарлар, уч томлик, III том, Пьесалар: Ўзадабийнашр, Тошкент, 1958, («Тўй», бир пардали пьеса), 130-бет.

все немцы, одолевшие, наконец, нашу букву «люди», удивительно на неё напирают)» — 30, 192.

Таржимада фон-дер-Кокнинг русча сўзларни бузиб талаффуз қилганлиги ўзбекчага ҳам айнан ўзидай кўчирилиб, сўнг-ра қавс ичида уларга изоҳ берилган:—*Mejn Gott! Mejn Gott!*— деб хитоб қиларди, ҳар қадамда фон-дер-Кок.— Што са шалость! Што са шалость! (Бу қанақа шўхлик! Бу қанақа шўхлик!).

— *Какая шалость? (Қайси шўхлик тўғрисида гапиряписиз?)* — деди кулимсираб қўшним.

— То ист как шалко, я скасать хотелл (яъни қандай ачинарли-я, демоқчи бўляпман),— деди фон-дер-Кок (маълумки, бизнинг «Л» товушимизни талаффуз қилишни зўр машаққат билан ўрганиб олган немисларнинг ҳаммаси уни зўр бериб аниқ-равшан талаффуз қилишга ҳаракат қилишади) — ОвМ, 233.

Фон-дер-Кок *что, за, то есть, жалко, сказать, хотел* сўзларини *што, са, то ист, шалко, скасать, хотелл* деб айтади, яъни рус тилидаги **Ч** ва **Ж** товушларини **Ш** деб, **З** ни **С**, **Е** ни **И** деб талаффуз этади. Бас, шундай экан, у, башарти, ўзбек тилида гапирганида ҳам, шу товушларни талаффуз қила олмаган бўларди.

Лекин бунда бошқа бир муаммо кўндаланг бўлади. Чунки, фон-дер-Кок бузиб айтган русча сўзларнинг қавс ичида ўзбекча берилган таржимасида у талаффуз қилолмайди-ган товушлар деярли учрамайди. Бундай ҳолда у сўзларнинг таркибида **Ч**, **Ж**, **З**, **Е** товушлари учрайдиган бошқа синонимлари билан алмаштиришга тўғри келади.

Шундай қилиб, юқорида талқин қилинган тажриба принципига асосланиб, немисни ҳам, бошқа миллат вакилларини ҳам русча эмас, «ўзбекча» гапиртирса бўлади. Масалан: «Фон-дер-Кок нуқул: — *Mejn Gott! Mejn Gott!* Шуда шатоқ! Шуда шатоқ! — деб хитоб қиларди.— Нимаси чатоқ,— деди кулимсираб қўшним. — Яъни масалан, эсискина-я, шуда ашинарли демоқчи бўляпман».

Умуман, асарнинг асл нусхасида персонаж тили қандай берилган бўлса, таржимада ўша тилда, айнан ўшандай кўчириш — тил индивидуаллигини акс эттиришнинг тўғри йўли эмас. Чунки, биринчидан, таржимоннинг вазифаси персонажлар нутқидан «намуна» бериш эмас, балки уни таржиманга қилишдир; иккинчидан, айрим авторлар бошқа миллатларга мансуб образлар нутқидан намуна берар эканлар, ўша сўзларни рус тилига ағдариб бўлмаслиги туфайли шундай қилмайдилар. Бинобарин, таржимон — автор эмас ва унинг номидан ўзи истаган ишини қилолмайди; учинчидан, персо-

нажлар нутқини таржима қилмай, ундан намуна бериш, яъни айнан ўздай қолдириш таржимоннинг заифлигидир.

Персонажларнинг жинси ва ёшига қараб улар «тили»нинг индивидуаллаштирилиши. Албатта, эркалар бошқа тилда, хотинлар бошқа тилда ҳамда кекса кишилар билан болалар бутунлай бўлак тилда гапирмайдилар. Гап шундаки, лексик томондан, баъзи ҳолларда эса, грамматик жиҳатдан уларнинг нутқи бир-биридан фарқланади, холос. Масалан, хотин-қизлар тилида кўпроқ ишлатиладиган сўз ва ибораларни болалар ёки болалар тилига ҳос сўзларни кексалар ишлатмайдилар ва ҳоказо. Бадний асарда тилнинг бу хусусиятидан ҳам кенг фойдаланилади, бинобарин, бу хусусиятни таржимада акс эттиришнинг муҳим аҳамияти бор.

«— Да головушка ты моя горькая!— сокрушилась Куприяновна.— Такого расхорошего человека, и не прокормили!» (ПЦ, 431—432).

«— Шўргиналаримга шўрва тўкилсин!— ўқинарди Куприяновна.— Шундай туппа-тузук одамни оч-ноҳор жўнатдик-а!» (ОҚ, «Шарқ юлдузи» журнали, 962, 5-сен, 91).

Головушка ты моя горькая идиоматик иборасига ўзбекча *шўргиналаримга шўрва тўкилсин* ибораси жуда яхши эквивалент бўлиб, улар ҳар икки тилда ҳам, асосан, хотин-қизлар тилида ишлатилади (бунда эркалаш-кичрайтириш маъносидаги *головушка* сўзига ўзбек тилида ҳам худди шундай *шўргина* сўзининг мувофиқ келганлиги диққатга сазовор).

Б. Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» повестида тасвирланган фолбин лўли аёл фол очар экан, унинг тилида хотинлар кўп ишлатадиган *сокол*, *голубушка* сўзлари ҳамда халқ сўзлашув тилига, фол услубига ҳос: *в реке тонул — не утонул, в огне горел — не сгорел* тавтологик иборалар учрайди. Шунингдек, *его... пуля не взяла, и бомба пролетела, не задела* (Нпк, 447) каби гап конструкциялари афсонавий эртақлар услубини эслатиш билан бирга, воқеанинг Улуғ Ватан уруши йилларида содир бўлаётганлигидан дарак беради.

Фолбин аёл «тили»нинг бу хусусиятини жуда яхши билиб олган марҳум Н. Алимухаммедов таржимада бу хусусиятни тўла акс эттира олган. Чунончи, юқоридаги сўз ва иборалар ўзбек тилида: *чиройли, шунқор; дарёга тушди — чўкмади, ўтга кирди — куймади; ёвнинг ўқи ҳам қор қилмади, бомбаси ҳам тегмади* (Б, 1946, 25) шаклида ағдарилган.

Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида ҳоким устидан шикоят қилиб келган слесарь хотини уни «пошли бог ему всякое зло» (Р, 88) деб қарғайди. Бу ўзбекчага хотин-қизлар

тилига хос ибора билан «худоё балога йўлиқсин» (70) деб жуда яхши ағдарилган.

Маълумки, кекса кишиларнинг нутқидан теран мулоҳаза, меҳрибонлик, андиша ва насиҳат маънолари алоҳида сезилиб туради.

Б. Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» повестида Назар билан Тарас деган икки чол бир-бири билан шундай гаплашади:

«— Нехорошо, Назар!— укоризненно покачал головой Тарас.— Плохое ты время выбрал.

— Не я выбирал. Смерть за мной повестку прислала.

— А ты не иди! Непокоряйся!

— Смерть — не Гитлер, ей не покоряться нельзя,— кротко возразил Назар и вздохнул» (Нпк, 547).

«— Назар, чакки қилибсан!— деди Тарас ундан гина қилгандек.— Жуда бемаҳал бўлибди бу ишинг.

— Мен қилмадим, ажал чақириб келипти.

— Сен борма, қўй! Бўйсунма!

— Ажал немис эмас, унга бўйсунмасдан илож йўқ,— деди Назар ғамгин дил хасталардек» (Б, 1946, 135).

«Тарас гина қилган бўлиб, бошини чайқади:

— Назар яхши эмас! Ёмон вақтни танлабсан,— деди.

— Ҳалиям ўзим танлаганим йўқ. Ўлим орқамдан повестка юборипти.

— Повестка юборган бўлса ҳам, борма! Бўйсунма!

— Ўлим — немис эмас, ўлимга бўйсунмай бўлмайди,— деди Назар эътироз билдириб, кейин хўрсинди» (Б, 1953, 170).

Оғир касал бўлиб, ўлим тўшагида ётган биродари Назар чолга Тарас шундай вақтларда ишлатиладиган эвфемизм билан мурожаат қилади. У *нехорошо* сўзини ишлатар экан, бу сўзнинг заминида қандай маъно борлиги аниқ. Бу асарнинг сўнги таржимасида айнан *яхши эмас* деб берилган, ammo Н. Алимуҳаммедов эса услуб томондан шундай вазиятга жуда мос тушадиган *чакки қилибсан* деган ибора билан ағдарган эди. Шунингдек, Тарас унга *плохое ты время выбрал* деган экан, бунинг заминида ҳам ўлимга ишора қилишни кўрамиз. Бу эвфемизм ҳам китобнинг 1953 йил таржимасида *ёмон вақтни танлабсан* деб ҳижжалаб ағдарилган, ваҳолонки Наби Алимуҳаммедов буни ҳам сўзлар инверсияси орқали эвфемизм билан: *жуда бемаҳал бўлибди бу ишинг* деб яхши таржима қилган эди.

Наби Алимуҳаммедов таржимасининг афзаллиги шундаки,

у икки чолнинг сўзларини ўзбекчага ўғирар экан, уларнинг букилмас иродали кишилар эканини доим ёдидан чиқармайди. Бироқ у Назар тилида учраган «Смерть за мной повестку прислала» гапини «ажал чақириб келибди» деб ағда-риш билан хатога йўл қўйган (1953 йил таржимасида бу айнан яхши берилган). Олдинги саҳифаларда эса у буни тўғ-ри ағдарган эди: «— Так и живем, повестки ждем от смерти» (Нпк, 78).

«— Эрта-индин нариги дунё-дан повестка кутиб туриб-миз» (Б, 1946, 60).

«— Бизлар гўр ёқасига бо-риб қолган одамлармиз, ўлиш-ни кутиб ётибмиз» (Б, 1953, 78).

Повестка сўзи Улуғ Ватан уруши йилларида актив ишла-тилган сўз бўлиб, қариялар тилида унинг кўчма маънода қўл-ланилганлиги уларнинг нутқида соддалик ва табиийлик бахш этган. Немис офицери бу икки чолнинг бир вақтлар заводда мастер бўлиб ишлаганларини эшитиб, уларни мажақланган фашист танкларини ремонт қилишга чорлар экан, ҳали анча дадил чолларнинг ўзларини хаста қариялар қилиб кўрсатиб айтган гаплари немис офицерини бир қадар ишонтиради. Чунки бундай разилона таклифдан рўйрош бош тортиш мум-кин бўлмаганлиги учун улар ўзларининг кексаликларини важ қиладилар ва буни қарияларга хос тил билан жуда яхши баён этганларки, бундай ҳолларда таржимада ҳам кўчма маънога асос бўлган терминни айнан сақлаш мувофиқдир.

Умуман, кўчма маънода ишлатилган термин, ҳозир кўр-ганимиздай, давр колорити ҳосил қилишга ёки персонажнинг касби ёки ихтисосини англатишга хизмат қиладики, буни таржимада тўғри акс эттириш стилистик томондан гоят катта аҳамиятга эга. Масалан, М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» ҳикоясида Соколов «.. сердце у меня раскачалось, поршня надо менять» (СЧ, 1957, 37) дер экан, *поршень* терминида-ноқ унинг шофер эканлигини билиб олса бўлади. Унинг сўз-лари «... юракнинг мазаси қочиб қолди, давосини қилмаса бўлмайди» (ИнТ, 72) деб ағдарилган экан, гарчи бундан китобхонга Соколовнинг фикри тушунарли бўлса ҳам, аммо муҳим стилистик нуқта (*поршень*) тушиб қолган.

Тақлидий сўзларни таржима қилиш маса-ласи. Ёзувчи ҳар бир гап, ҳар бир сўзнигина эмас, балки алоҳида олиб қараганда бирон мустақил маъно англатмай-диган, товушлар йиғиндисидан таркиб топган тақлидий сўзларни ҳам муайян стилистик мақсад билан асарга кири-тади. Бундай сўзлар асарга образлилик бахш этади, тилнинг содда ва таъсирчанлигини таъминлайди. Тақлидий сўзлар

тилнинг идиоматик бойлигида катта ўрин эгаллайди. Ёзувчи улардан образ ва персонажлар тилини индивидуаллаштиришда фойдаланади.

Бадий таржимада тақлидий сўзларни ақс эттириш жуда мураккаб иш. Шунинг учун айрим таржимонлар бундай сўзларни таржима қилмай қолдирадilar. Ҳолбуки, улар текст ичида баъзан шундай вазифани бажарадиларки, бошқа ўнлаб «жўн», «маънодор» сўзлар билан ҳам уларнинг ўрнини қоплаб бўлмайди.

Бу фикрни М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романидан олинган қуйидаги парча мисолида синаб кўрайлик. «— Я середняк-хлебороб, и я так скажу, граждане, что оно, конечно, слов нет, дело хорошее колхоз, но тут надо дюже подумать. Так нельзя, чтобы — тяп-ляп, и вот тебе кляп, на — ешь, готово. Товарищ уполномоченный от партии говорил, что, дескать: «Просто сложитесь силами, и то выгода будет. Так, мол, даже товарищ Ленин говорил». Товарищ уполномоченный в сельском хозяйстве мало понимает, за плугом он кубить не ходил по своей рабочей жизни и, небось, к быку не знает, с какой стороны надо зайтить. Через это трошки и промахнулся. В колхоз надо, по-моему, людей так сводить: какие работящие и имеют скотину — этих в один колхоз, бедноту — в другой, зажиточных само собой, а самых лодырей на высылку, чтобы их ГПУ научила работать. Людей мало в одну кучу свалить, толку один черт не будет: как в сказке — лебедь крылами бьет и норовит лететь, а рак его за гузно взял и тянет обратно, а щука — энта начертилась, в воду лезет» (ПЦ, 64).

Бу гапларни айтаётган деҳқон и я так скажу, граждане, что оно, конечно, слов нет каби бир қанча кириш сўз ва кириш гаплардан кейингина *дело хорошее колхоз* дейди. Аммо шунинг ўзиданоқ маълумки, у колхоз тўғрисида дуруст тасаввурга эга эмас. Унинг бундан кейинги гаплари буни тўла исботлайди: чунончи, у артель тузиш йўлини кўрсатган Давидовни танқид қилиб, колхоз тузишнинг ақлга сизмайдиган ва кулгили «лойиҳасини» таклиф этади. Мана шуларнинг ҳаммаси юқоридаги *так нельзя, чтобы — тяп-ляп, и вот тебе кляп, на — ешь, готово* сўзларида ўз ифодасини топган.

Энди бу сўзларнинг луғавий маъноларини кўздан кечирайлик: 1) *тяп-ляп* пала-партиш, чала-чулпа, юмалоқ-ёстиқ, наридан-бери (РЎЛ, V, 423); 2) *кляп* тишламаслиги, бақирмаслиги учун оғизга тиқилган таёқча, сўлиқ, латта-путта (РЎЛ, II, 304).

Бу сўзларнинг мазмунини ҳамда уларнинг мажмуидан келиб чиққан кўчма маънони аниқлаган ҳолда жонли, содда

сўз ва ибораларга ғоят сероб бўлган ўзбек тилидан бунинг эквивалентини топиш мушкул. Шунинг учун таржимон Абдулла Қаҳҳор уни *бу бўёқчининг хуми эмас*⁴⁸ деган матал билан алмаштириб, жуда маъкул иш⁴⁹ қилган эди.

Баъзан асл нусхада ишлатилган содда ва жонли сўзни таржимада айнан акс эттириш учун уларга мувофиқ келадиган ўзбекча тақлидий сўзлардан фойдаланиш мумкин.

М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» асарида Соколов уруш бошланиб қолганлиги ҳақида шундай дейди: «А тут вот она, война» (СЧ, 12). Бундай гаплар, одатда, қуйидагича таржима қилинади: «Шу орада уруш бошланиб қолди». Аммо таржимон М. Исмоилий *вот она* олмошларини тақлидий сўз билан алмаштириб: «Бир вақт пақ этиб уруш бошланиб қолди-ку» (ИнТ, 18) деб ағдарган. Бу эса шофер Соколовнинг ўзига хос, индивидуал «тили»ни таржимада акс эттиришда ва баённинг табиий бўлишини таъминлашда маълум даражада роль ўйнаган.

А. С. Серафимовичнинг «Темир оқим» асарида «Идёт и варево и жарево» (32) деган гап бор. Русча-ўзбекча луғатда: *в а р е в о* қайнатма суюқ овқат, ёвғон ош (РЎЛ, I, 165); *ж а р е в о* қовурма, қовурма овқат (РЎЛ, I, 504) деб берилган. Аммо бу маълумотлар билан юқоридаги гапни таржима қилиб бўлмайди. Бу гап қирғиз тилига «Тамак бышырып, куурдак кууруп киришти»⁵⁰; озарбайжон тилига эса «Бишир-душур башланды»⁵¹ деб ағдарилган. Озарбайжонча таржима русча гапнинг маъносини тўлиқ рўёбга чиқарган. *Пишириш-тушириш бошланди* ёки *пишириш-куйдириш бошланди* деган гап ўзбек тилида ҳам бор, аммо бизнинг луғатларимизда бу акс этмаган.

Ниҳоят, ўзбек таржимони *Идет и варево и жарево* гапини тақлидий сўз билан жуда ўринлатиб бера олган: «Ҳамма ёқда жиз-биз» (ТО, 33). Таржима қисқа, ихчам, содда ва тушунарлидир. Ўзбек тилига хос бўлган бу сўздан таржимон шундай усталик билан фойдаланганки, уларнинг компонентлари ҳам бир-бирига қуйилиб тушгандай туюлади (*гўё жарево — жиз, варево — биз*).

⁴⁸ М. Шолохов, Очилган кўриқ (А. Қаҳҳор таржимаси), «Ўзбекистон шўро адабиёти» журнали, 1933, 3-сон, 66—67-бетлар.

⁴⁹ Бу сенга бўёқчининг нилими? не так-то это просто... (УРЛ, 93). Дарҳақиқат, асл нусхадан келтирилган мисол асосида худди шундай маъно ётади.

⁵⁰ А. Серафимович, Темир сел, Кыргызстан мамлекеттик басмасы, Фрунзе, 1957, 43-бет (Которгон Т. Б. Кекилик).

⁵¹ А. Серафимович, Дамир ахын, Азәрнәшр, 1956, 35-бет (Тәржумә эдәни Маммәдбәйли).

«Очилган қўриқ» романидаги: «—...Да ить это хорошо, бедный ли, богатый — урожай. А ну, хлоп неурожай. Кто я тогда?» (ПЦ, 67) гапни ўқиган киши бу сўзлардан, тахминан, шу гапни айтаётган кишининг кимлиги, унинг савияси, ижтимоий аҳволи ва мафкурасини билиб олади. Башарти, у: «—А ну, если неурожай» деганида эди, биз бу образни сал бошқачароқ тасаввур қилган бўлар эдик. Демак, «хлоп»да гап кўп. 1933 йил таржимасида бу сўз тушириб қолдирилган (68-бет). Ҳолбуки, буни: «—Борди-ю, пўрт этиб ҳосил бўлма-са-чи? Унда ҳолим нима кечади?» деб таржима қилиш мумкин эди.

Баъзи ҳолларда рус тилидаги мустақил маъно англатувчи сўзларга ўзбек тилида тақлидий сўзлар мувофиқ келар экан, таржима практикасида тилимизнинг бу лексик имкониятидан фойдаланиш ҳоллари кўп учрайди. Борис Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» повестидан битта мисол:

«А с циферблата древних часов, из-под копыта коня генерала Скобелева, с тяжким стуком падали в вечность секунды, капля за каплей, капля за каплей...

«Бурунги эски соатнинг рақамларидан, генерал Скобелев тагидаги отнинг туёғи остидан қатра-қатра томчилагандек секунд ва минутлар чак-чак томиб, мангу оламга юзланар эдилар.

3

Чак, чак, чак» (Б, 1946, 9).

Капля за каплей, капля за каплей» (Нпк, 433).

Автор вақтнинг тўхтовсиз ўтиб туришини айтар экан, буни баёнда стилистик такрор йўли билан ҳам англатади: *капля за каплей* сўзлари тўрт марта такрорланади. Бу таржиманинг 1953 йил нашрида *қатра-қатра, бирма-бир қуйилар эди* сўзларини такрорлаш билан берилган бўлса (Б, 1953, 11), Наби Алимұхаммедов таржимасида соат маятнигининг юриши оҳангига тақлидан *чак, чак, чак* сўзлари билан жуда яхши акс эттирилган эди.

Шунингдек, А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи» повестида «Пугачев взглянул на меня быстро» (КД, 290) гапи асарнинг 1933 йил таржимасида айнан «Пугачёв тездан менга қаради» (КҚ, 1933, 61) деб берилган бўлса, сўнги таржимада *быстро* равиши *ялт этиб* сўзлари билан алмаштирилган: «Пугачёв ялт этиб менга қаради» (КҚ, 1947, 80).

Таржимада ҳамма образ ва персонажлар ўз «тили»да гапирмоғи даркор. Борди-ю, «арзимаган» *шасть, хлоп, тья-ляп; жиз-биз, пақ, пўрт* ва ҳоказолар таржимоннинг назари-

дан тушиб қолаверса, уларнинг ўрнини бошқа ўнлаб чиройли сўзлар билан ҳам тўлдириб бўлмаслигини унутмаслик лозим.

**Вульгаризм-
ларни
таржима
қилиш
масаласи**

Ўзбек тилида «вульгаризм» терминининг эквиваленти йўқ. Аммо унинг маъносини ақс этирувчи «бепарда сўз» деган ибора борки, бунини «Зарбулмасал» асарида учратамиз⁵².

Ёзувчи асарда қандай давр, қандай кишилар, қайси тонфа вакиллари тасвирланишига қараб, сўзлашув тилида ишлатиладиган ҳар хил қўпол ва, ҳатто, ҳақорат сўзларидан фойдаланади. Масалан, Ҳамза асарларида, В. В. Маяковский шеърларида, А. С. Серафимовичнинг «Темир оқим» ҳамда М. Шолоховнинг «Тинч Дон», «Очилган қўриқ» романларида бундай сўзлардан анча баракали фойдаланилган.

Ҳўш, ёзувчининг вульгаризмлардан фойдаланиши шартми, шуларсиз иш қилинса бўлмайдими ва бундай сўзлар асарни «қўполлаштирайдими?»

М. Е. Салтиков-Шчедрин ўз асарларида жонли халқ тилига хос сўз ва ибораларни кўп қўллар ва бундай сўзларни ишлатишга қарши чиққан кишилар билан жиддий баҳслашар эди. Масалан, унинг асарига тақриз ёзган бир киши *голово-тяпы, гужееды* ва бошқа шу кабиларни бемаъни сўзлар деб айтганида, Салтиков-Шчедрин рус тилини жуда чуқур билган В. Даль ва Сахаровларнинг луғатларида ҳам улар борлиги, бу сўзларни халқ яратганлиги ва жонли тилда кенг ишлатилишини далил қилиб, улардан фойдаланишга ёзувчининг тўла ҳақли эканлигини қайд этган эди⁵³.

В. В. Маяковский катта бир адабий маъракада айрим кишиларнинг шеърда қўпол сўзларнинг ишлатилишига қарши билдирган эътирозлари ҳақида махсус тўхталади. Чунки баъзи «танқидчилар»: шеърда қўпол сўзларни ишлатиш билан социализм қуриб бўлмайди, деб авторга таъна қилган эдилар. Аммо мени, дейди В. В. Маяковский, бундай сўзлар воситаси билан бирон нарса қуради, деб ўйловчиларнинг ўзлари хато қиладилар.

Маълум бўлишича, айрим кишилар шоирнинг *сволочь* (аблаҳ) сўзини ишлатганини таъна қилганлар. «Ҳамонки *сволочь* (аблаҳ) тушунчаси бор экан,— дейди у,— шеърларда

⁵² «Анда бойқуш айди: «Парда ичинда бепарда сўзларни кўп сўзлаш-тук...», Гулханий, Зарбулмасал ва ғазаллар, 51-бет.

⁵³ Қаранг: М. Е. Салтиков-Щедрин, Полное собрание сочинений, т. XVII, ГИХЛ, 1937, стр. 239. (Биз бунини А. И. Ефимовнинг «История русского литературного языка» номли асаридан олдик. Учпедгиз, М., 1957, стр. 385).

ҳам учрайверади. Мен бу сўзни хулқ-одоб мулоҳазаларига асосланиб, озод қилиб юборолмайман, бинобарин, уни маъноли сўз деб ҳисоблайман»⁵⁴.

Демак, бундан зарурат натижасида бадий асарларда ишлатилган «бепарда» гаплар таржимада ҳам айнан берилиши зарур деган хулоса келиб чиқади.

Ҳар бир тилда бундай сўз ва ибораларнинг ўзига хос турлича вариантлари бор. Шунинг учун ҳам уларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда катта қийинчиликлар туғилади.

«Темир оқим» асарида персонажлардан бирининг тилида шундай гапни учратамиз: «—Та ты понюхай черного кобеля пид хвост» (13). Буни қирғиз ва озарбайжон таржимонлари айнан шундай ағдарганлар: «—Сен кара дөбөттун куйругунун астыны жытта» (20-бет); «—Сэн кет, гара мадянын гуйругунун алтыны ийлэ» (13-бет).

Бу гапни ўзбек тилига таржима қилишнинг уч йўли бор эди: 1) «одоб» юзасидан, уни оддийгина «бекор айтибсан» деб бериш (одатда, «беиболик» бўлмасин деган саёз мулоҳаза билан шундай қилинади. Бундай ҳаракат эса, ўз навбатида, авторнинг шаънига иснод бўлиб тушади. Чунки автор шу «беибо»ликни ўйламаганми? деган савол туғилади китобхонда. Демак, таржимоннинг китобдаги ҳамма ва ҳар қандай «бепарда» сўз ва ибораларни тўғри акс эттиришга интилиши зарурлиги табиий бир нарсадир, ана шунда у ёзувчининг сохта «оқловчиси»га айланиб қолмайди); 2) уни қирғиз ва озарбайжон таржимони сингари айнан ағдариш. Аммо бундай таржима чиндан ҳам қўпол бўлар эди, негаки, бу — оддий бир гап бўлмасдан, балки казаклар ўртасида ҳақорат қилиш маъносида ишлатиладиган иборадир. Бинобарин, бирикма учун асос қилиб олинган «воқеа»ни таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ; 3) уни муқобил вульгаризм билан алмаштириш. Ўзбек таржимони худди шу йўлни танлаб, уни қуйидагича ўгирган: «—Та ты понюхай черного кобеля пид хвост». «—Сен номаъқул бузоқнинг гўштини ебсан!» (ТО, 12).

«Бепарда» сўз ва иборалар, кўпинча, идиоматик маъноларда келади. Идиоматик бирикмаларни таржима қилишнинг машаққати катта. Бунинг устига «бепарда» сўзлар луғатларда умуман акс эттирилмайди. Натижада бундай сўзларни ва улардан таркиб топган идиоматик ибораларни бошқа тилга кўчириш, кўп ҳолларда, жиддий қийинчиликлар туғдиради.

⁵⁴ В. В. Маяковский, Избранное, Детгиз Министерства просвещения РСФСР, М., 1956, стр. 544—545.

А. П. Чеховнинг «Хасрат» ҳикоясида ўғли бевақт ўлган бечора извошчи шундай ҳасрат қилади: «—...Теперя у меня одна жена — сырая земля... Хи-хо-хо... Могила, то есть!»⁵⁵.

Русча-ўзбекча луғатда *сырой* сўзининг: 1) *нам, ҳўл, зах*; 2) *хом, пиширилмаган, қайнамаган*; 3) *хом, ғўр, тоза пишмаган*; 4) *хом, ғўр, ишланмаган, етилмаган, тайёр бўлмаган* каби турли маънолари келтирилиб, ниҳоят, 5) *хомсемиз* маъноси берилди ва шундай бир мисол келтирилади: *сырая женщина хомсемиз хотин* (РЎЛ, V, 302). Аммо бу сўзларнинг биронтаси, жумладан, кўчма маънода ишлатилган кейинги мисол ҳам «Хасрат» ҳикоясидаги иборанинг маъносини очишда ёрдам қилолмайди. Чунончи, ғам-алам ичида ўрта-наётган извошчи хотинини *хомсемиз* дейилса, контекста, тасвирланган вазиятга тамомила зид бўлиб тушар эди. Таржимага эътибор қилинг: «—...Энди менинг биттагина хотиним бор — қора ер... Ҳи-ҳи... Гўр!»⁵⁶.

Таржимон айна шу контекст ичида *сырая земля* бирикмаси таркибидаги *сырой* сўзининг маъносини ўзбек тилидаги *қора ер* бирикмаси таркибидаги *қора* сўзининг маъноси билан ниҳоятда яхши қоплаган. *Могила, то есть сўзи ғўр* деб жуда яхши ағдарилган — бу икки сўзнинг кўчма маънолари ҳам жуда мувофиқ тушган.

Энди худди шу сўз ўзбекча текст ичида келганида рус тилига қандай таржима қилинганини кўрайлик:

«Анда Кордон айди: «Гўрга қариндошингиз бўлса, оқ халтаси, кўк халтаси бўлмас...»⁵⁷. «Ладно, пусть будут родичи, ответил Кардан,— лишь бы не было с ними больших и малых мешков»⁵⁸.

Бунда *майли* (ладно) маъносидаги жонли тилга хос *гўрга* сўзи таржимада тўғри берилмаган.

Кўп ҳолларда бадий асарларда персонажларнинг ҳақорат сўзларини ишлатишларига бевосита шу сўзларни қайд қилиш билан эмас, балки бошқа воситалар орқали ишора қилинади.

«— Ты чья такая? — уставился на нее Тарас.

— Антона Лукича дочка... Луиза, — бойко ответила Лизка.

— Брысь, паскуда! — гаркнул Тарас» (Нпк, 440).

Фашистларнинг зулмидан аламзада бўлиб юрган кекса Тарас ўз халқининг душманига номусини сотган рус қизи

⁵⁵ А. П. Чехов, Избранные сочинения, ГИХЛ, М., 1946, стр. 48.

⁵⁶ А. П. Чехов, Танланган асарлар, уч томлик, биринчи том, Ўзадабийнашр, Тошкент, 1957, 110-бет.

⁵⁷ Гулханий, Зарбулмасал ва ғазаллар, 50-бет.

⁵⁸ Гулханий, Избранные произведения, стр. 58.

Лиза ўзини немисчасига «Луиза» деб таништирганида, Тараснинг жаҳли чиқиб кетади ва *паскуда* сўзини ишлатади. Бу сўз *шум, қабих, пасткаш, ифлос* маъноларини беради. Буни марҳум таржимон Наби Алимуҳаммедов: «—Йўқол, дийдоринг қурсин, жувонмарг» (Б, 16) деб ўгирган эди. Бу кекса кишилар тили учун хос бўлиб, қарғиш ва нафрат маъноларини жуда яхши ифодалаган. Аммо кейинги таржимасида унинг *ярамас* (Б, 21) сўзи билан алмаштирилганига қўшилиб бўлмайди.

«Фекла. ...Ты врешь, со-
бачья дочь! Да еще, мать
моя, влепил такое словцо,
что и неприлично тебе ска-
зать» (Ж, 15).

«Фекла... «Елғон айтасан,
мочағар!» дейди. Шундақа гап
гапирдики, сенга айтгани юзим
чидамайди» (У, 19).

Бунда ҳам юқоридаги вульгаризм жонли тилга хос, бошқа объект асосида тузилган сўз билан жуда яхши алмаштирилган.

Шуниси қизиқки, рус ва ўзбек тилларида вульгаризмлардан таркиб топган айрим мақол ва маталларнинг ҳам эквивалентларини топамиз: *сука не захочет — кобель не вскочет — гунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди*⁵⁹ («Тинч Дон»дан); *мать твоя курица — онаси байтал* ва ҳ. к.

Шундай қилиб, асарда тасвирланган образ ва персонажлар нутқида ишлатилган «бепарда» сўзлар ҳар бир персонажнинг фикр тахлити, дунёқараши ва савиясини ифодалаш учун хизмат қилади, шу сабабли улар муайян мақсад билан асарга киритилади. Таржима жараёнида уларни бузиш, қўполлаштириш ва маъносини талқин қилиш ҳам, силлиқлаштириш, оддий, «жўн» сўзлар билан бериш ҳам, тушириб қолдириш ҳам мумкин эмас.

Таржимада гапни айнан русча тартибда бошлаш фикрнинг ясама грамматик қолип ичида кишанланиб қолишига сабаб бўлади. Бундай таржима асл нусхаси билан қиёс қилинса, унда ҳар бир гап, ибора, сўз ва ҳатто нуқта-вергулларгача «ўз ўрнига» тушгандай туюлади. Аммо унда асл нусха билан ҳайрон қоларли даражада шаклий мувофиқлик бўлган ҳолда, сиртдан силлиқ ва чиройли кўринган гапларнинг маъносига тушуниш учун уларнинг қолипини бузишга, яъни ўзбек

**Формализм—
таржима офати**

⁵⁹ Бундай матал қозоқ тилида бўлмагани учун таржимонлар уни асл нусхага монанд қилиб таржима этганлар: «Қаншық көнбесе төбет төнбеседі»; М. Қаратаев, Перевод «Тихого Дона» на казахский язык и некоторые вопросы художественного перевода (МРС, 84).

тилига «таржима» қилинган асарни яна «ярим таржима» қилишга тўғри келади.

Шундай қилиб, таржиманинг қуруқ ва саёз бўлиб чиқишига, асарнинг бадий оҳорини тўкишга сабаб бўлаётган асосий иллатлардан бири формализмдир.

Бадий таржимада мазмун билан шакл диалектикасининг ўзига хос хусусияти бор. Асарнинг шакл ва мазмун бирлигини сақлашни ундан нусха кўчириш ёки қуруқ тақлид қилиш маъносида эмас, балки шу асар таржима қилинаётган тилнинг имконияти ва хусусияти доирасида қайта яратиш маъносида тушунмоқ керак. Бунда асл нусха билан таржиманинг шакли тамомила фарқ қилиши, баъзан эса бутунлай тескари бўлиши ҳам мумкин, лекин улар аниқлаётган маъно бир-бирини қоплаши керак. Башарти, асл нусха билан таржимада гап шаклан монанд бўлса-ю, аммо маъно чиқмаса, бу формализмга олиб келади.

Немис ёзувчиси Луиза Дорнеманнинг «Женни Маркс» номли асаридаги қуйидаги гапни унинг дастлабки таржимаси билан солиштиринг:

Қ ў л ё з м а д а

«Лишения, связанные с изгнанием, унесли из маленькой квартиры в Сохо одного за другим трех ее детей. Сперва умер маленький Гвидо...» (ЖМ, 93).

«Қочоқлик туфайли вужудга келган муҳтожлик кичик бир квартирадан Сохога (?) биринкетин уч фарзандини олиб кетди. Дастлаб кичкинтой Гвидо ўлди» (ЖМ, 16).

Бу таржимани ўқиган киши Сохо — қабристон жойлашган районнинг номи бўлса керак, деб ўйлайди. Ҳақиқатда эса, у Маркс оиласи яшаган районнинг номидир. Таржимон «из... квартиры» сўзини чиқиш келишигида, «в Сохо» сўзини эса жўналиш келишигида бериб, қўпол хатога йўл қўйган. Ҳолбуки, «в Сохо» сўзи ўрин-пайт келишиги билан акс эттирилиши даркор эди, таржимада бу шундай тузатилган: «Қувғинлик туфайли вужудга келган муҳтожлик Сохода жойлашган кичик бир уйдан биринкетин унинг уч фарзандини олиб кетди. Аввало кичкинтой Гвидо ўлди» (ЖМ, 100).

Қ ў л ё з м а д а

«Только что прибыли от Веерта и Энгельса ценные кипы купеческих адресов и многокоммерческих писем, чтобы без риска пересылать документы, письма и пр.» (ЖМ, 98).

«Ҳозиргина Веерт билан Энгельсдан бир даста савдога оид (?) хатлар келди, бу документлар, хатлар ва ҳоказоларни эҳтиётлик билан юборишимиз (?) керак» (ЖМ, 25).

Юзаки қараганда, бу тўғри таржима қилингандай туюлади. Бироқ, Маркс қаттиқ таъқиб қилиниб турган, Пруссия ифвогарлик билан Кёльнда коммунистларга, «Маркс партияси»га қарши суд процесси бошлаган шундай оғир кунларда Энгельснинг чет элдан... «савдога оид хатлар» юборилиши қандай тушуниш керак. Ваҳолонки, бунда савдо-сотикқа алоқадор ҳеч қандай гап йўқ, балки ҳукумат цензурасининг эътиборини жалб қилмаслик учунгина конвертлар бошқа адреслар билан ниқобланган эди. Таржимага эътибор қилинг: «Ҳозиргина Веерт билан Энгельсдан савдо ва сохта коммерция ташкилотлари номига ниқобланган бир даста хатлар келди, чунки ҳужжатлар, хатлар ва бошқалар шубҳа туғдирмаслик учун жуда эҳтиётлик билан юборилиши керак» (ЖМ, 106).

Таржимада текстнинг маъносини рўёбга чиқариш учун гапнинг структураси ўзгартирилиши, айрим сўзлар қўшилиши ва асл нусхада бирмунча мавҳумроқ ифодаланган фикр таржимада маълум даражада реаллашган формага кириши мумкин.

Агар «Каково же было нам, когда мы провожали нашу девочку в последний путь!» (ЖМ, 94) гапни ҳижжалаб таржима қилинса, шундай бўлади: «Қизимизни охирги йўлга кузатаётганимизда бизга қандай эди!» Эҳтимол, умумий контекстга қараб ва бош қотириб, бу гапдан бирон маъно чиқариб бўлар. Ҳолбуки, китобхон таржимани ўқиганида гапнинг маъноси унга тез етиб бориши лозим. Шунинг учун юқоридаги гап: «Қизимизни қабрга кузатиб бораётганимизда бизнинг тоза ҳам шўримиз қуриган эди!» (ЖМ, 101) деб таржима қилиниб, *каково было нам — шўримиз қуриган эди; последний путь — қабр* деб олинган. Гарчи айни ўша фикр тамом бошқа сўзлар билан ифодаланган бўлса-да, аммо ҳеч қандай ғализлик сезилмайди.

Шундай қилиб, таржимада сўзларнинг айни контекст ичида қандай маъно касб этганлигини тушуниш ва сўнгра унга мувофиқ келадиган муқобил сўз (ёки ибора) топа билиш лозим. Ҳар қандай ҳолларда ҳам сўзларни уларнинг асосий луғавий маънолари билан таваккалига алмаштиришга интилиш воқеаларнинг моҳиятини ўзгартириб юборишга, маънонинг ноаниқ сўзлар уюми ичида қолиб кетишига, тилни сийқалаштиришга, баъзан ҳатто китобхон олдида авторни обрўсизлантиришга сабаб бўлади.

«Онасининг шўри қурийди» маъносида ишлатилган *особенно положение матери* («Тирилиш»дан) бирикмасининг «айниқса онасининг аҳволи»; «сийқа ибора» маъносидаги *школьное выражение* («Арафа»дан) иборасининг «мактабга

хос ибора»; «мийғида кулди» маъносидаги *смеялся под усы* («Тирилиш»дан) бирикмасининг «мўйлави остидан кулди»; «замона зўрники» маъносидаги *сила соломучи ломит* («Бўйсунмаганлар»дан) идиомасининг «зўрга хас бакор келмайди» деб ҳижжалаб таржима қилиниши ҳамда *заглядывалась на муху* («Арафа») — «пашшага назар солардим», *живой коридор* (телевидение эшиттиришидан — 1963 йил 9 июль) — «тирик коридор», *сгущать атмосферу* — «атмосферани оғирлаштирамоқ», *драматические события* — «драматик ҳодиса», *портрет женщины, почти в натуральную величину* («Тоғ ораликлари романи»дан) — «табiiй ҳажмдаги хотин кишининг катта портрети», *хамир учидан патир* («Бой ила хизматчи»дан) — «лепешка из теста» ва шунга ўхшаш сон-саноксиз сийқа, гализ иборалар чинакам формалистик, ҳижжалаб қилинган таржималар натижаси бўлиб, улар тилга ўзлашиб кетиши у ёқда турсин, аксинча, томоққа тикилган суяк сингари, тилни фақат бузиши мумкин, холос.

Бизнингча, А. М. Горькийнинг ёзувчи А. С. Серафимовичга ёзган қуйидаги сўзлари таржимада формалистик ақидалар мухлисларига ҳам тааллуқлидир: «Яна ўнлаб китобларни... келтириш мумкинки, уларда рўй-рост, баъзан эса, афтидан, жўрттага тилни мазах қиладиган, китобхонни лақиллатадиган беҳуда сафсаталар тўлиб-тошиб ётибди. Пихини ёрган ёзувчиларнинг бориб турган нодонлиги кишининг энсасини қотиради. Уларнинг тасвирида «қарағайнинг ғунчалари тарс этиб ёрилади», «...чўян худди шишадай жаранглайди», арра «пайрахани туфлайди», нотиклар «ўз сўзларининг порохидан ёниб кетадилар» ва ҳоказо — мияси айниган қариялар каби сўзларни тизмалаб бижиллашнинг чеки йўқки, бундан ғазаби туғёнга келган китобхоннинг ўтакаси ёрилади, унда одамларга нисбатан нафрат уйғонади. Улар бизнинг мамлакатимизда ёзувчининг роли нақадар катта бўлиши зарурлиги, сўз танлаш ва сўз билан ишлашга виждонан, қаттиқ киришиш кераклигини ё тушунмайдилар, ёки тушунишни истамайдилар. Тил-лексика соҳасида чаласаводлик — сўзшуносликда маданий савиянинг тубанлиги белгиси бўлиб, ҳамма вақт мафкуравий чаласаводлик билан вобастадир — ниҳоят, буни тушуниш керак!»⁶⁰.

Таржима тилининг қашшоқлиги — унда кишининг кўнглини лоҳас қиладиган, бадий дидни ерга урадиган, ҳар қандай нафис нарсдан кишининг ҳафсаласини пир қиладиган ясама гаплар билан тўлиб-тошганлигидадир.

⁶⁰ А. М. Горький, Асарлар, 27-том, 151-бет.

Албатта, таржимада қўпол хатоларга йўл қўймаслик лозим. Бироқ, кўзга ташланиб турадиган, таржима жараёнида тасодифан ўтиб кетган айрим нуқсонлар, кўпинча, таржиманинг бутун вужудига лат бермайди. Аммо тил, талаффуз, интонация, услуб, идиоматика, сўз ва услуб масалаларига алоқадор, бадиий таҳлилда кўпинча писанд қилинмайдиган шундай зарарли, «микроб» хатолар борки, улар бадиий асарнинг бутун нафосатини занг бўлиб ейди ва уни мўрт қилиб қўяди. Бундай нуқсонлар қанчалик «кичик» бўлса, шунчалик хавфли, чунки уларни кўриш ҳам, кўрсатиш ҳам қийин.

Чуқур ижтимоий мазмун, кенг бадиий форма, кишини мафтун этадиган фасоҳат ва ақлни машғул этадиган гўзал услубдан маҳрум этилган ёзувчи таржимада ўз мавқеи ва салоҳиятини йўқотади.

БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ ФРАЗЕОЛОГИЯ ПРОБЛЕМАСИ

Таржима
назариясининг
муҳим ва мурак-
каб масаласи

Таржима назариясининг бир қанча муҳим масалалари қатори, мақол, матал, идиомалар, сўз ўйинлари ва образли ибораларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш проблемаси ҳам ғоят катта аҳамият касб этади. «Фразеология масалалари ва турли тилларда сўзларнинг ҳар хил бирикишига оид умумий проблема, таржима практикаси билан бирга, таржима назарияси учун ҳам ғоят муҳимдир. Чунки турли тилларда моддий маъноси бир хил бўлган сўзларнинг маъно ва услуб функциялари бир-биридан тафовут қилиши, турли тилларда бундай сўз бирикмаларининг фарқ қилганлиги учун, таржима практикасида катта мушкуллик туғдириб, назарий жиҳатдан ҳам жуда катта қизиқиш уйғотади»¹.

Таржимада автор услуби ва миллий колоритни акс эттириш, аниқ ва эркин таржима тушунчаси, образ ва персонажларнинг тил хусусиятларини таржимада бериш, адекват бадий таржима яратиш ва бошқа ўнлаб жумбоқлар мақол,

¹ А. В. Федоров, Введение в теорию перевода (Лингвистические проблемы), М., 1958, стр. 169.

Мақол, матал ва идиоматик иборалар бадий асарда автор тилида ҳамда унда тасвирланган персонажлар нутқида кўп учраши сабабли, улар бадий адабиёт учун жуда характерлидир. Бироқ, А. В. Федоровнинг фикрича, нутқ воситаларининг бу категорияси фақатгина бадий адабиётнинг хусусий мулки бўлмайди. Чунки фразеологик иборалар публицистикада ва, қисман, илмий адабиётларда ҳам ишлатилади. Шунинг учун уларга фақат бадий адабиётга тааллуқли масала деб эмас, балки жуда муҳим умумий тил масаласи сифатида қарамоқ керак (юқоридаги асарнинг 170—171-бетларига қаранг). Биз А. В. Федоровнинг сўзларига таяниб, асосан, бадий таржимада фразеологияни акс эттириш масаласига эътиборни қаратган ҳолда, ишда, қисман, сиёсий адабиётлар таржималаридан ҳам мисоллар келтиришга интилдик.

матал ва идиоматик ибораларни таржима қилиш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Фразеологик ибораларни таржима қилиш жуда мураккаб иш эканлигига доир баъзи фикр ва мисолларни марксизм-ленинизм классиклари асарларида ҳам учратамиз.

Ф. Энгельс «Маркс асарларини қандай таржима қилмаслик керак» номли мақоласида англамасдан қўпол талқин этилган бир идиомани мисол келтирган эди:

«Оксфорд университетининг бир неча студенти Дувр бўғозидан тўрт эшаккли қайиқда сузиб ўтгандан кейин бу воқеа ҳақида газеталарда босилган мақолаларда: студентлардан бири «Caught a crab»² деб аталган. «Kölnische Zeitung» газетасининг Лондондаги мухбири бу иборани луғавий маъносида тушуниб, ўз газетасига роппа-ростдан: «Эшкакчилардан бирининг эшкагига қисқичбақа илиниб чиқибди» деб хабар қилган. Модомики, Лондонда бир неча йиллардан бери яшаб турган бир киши ўзига нотаниш касб техникасига оид терминларга дуч келиб, шундай қалтис ва кулгили хато қилган экан, унда фақат немис китобий тилини ўртача даражада билгани ҳолда, наср билан ёзадиган немис ёзувчиларининг бошқа тилга ағдариш бениҳоя қийин бир асарини таржима қилишга жазм этган кишидан нима ҳам кутар эдик. Дарҳақиқат биз Бродгауснинг «Қисқичбақа тутиш»га жуда ҳам уста эканлигини кўрамиз»³.

Ф. Энгельс «Капитал»да бундай идиоматик бирикмалар жуда кўплиги, уларни таржима қилиш учун фақат немис адабий тилидангина эмас, балки унинг шеваларидан ҳам хабардор бўлиш, немис адабий ва жонли тилини мукаммал бириш лозимлигини қайд этган эди.

В. И. Ленин идиоматик ибораларни таржима қилиш жуда қийин бўлганлигидан, таржима жараёнида бу ишга катта масъулият билан қарар эди. 1898 йилда у Шушенскоеда сургунда юрган вақтида синглиси Анна Ильиничнага шундай мактуб йўллаган эди: «Мен сендан илтимос қилмоқчиман, менга инглиз тилидан қўлланма топиб юборсанг, мен бу ерда таржима беришларини сўраган эдим. Веббнинг қалин китобини олдим⁴. Кўп хато қилиб қўймайин деб хавотир бўлаётирман.

²⁻³ Caught a crab — луғавий маънода «қисқичбақа тутиш» кўчма маънода эса «эшакни сувга нотўғри ботириш» демакдир. «К. Маркс и Ф. Энгельс об искусстве», том первый, Госиздат «Искусство», М., 1957, стр. 85—86.

⁴ О. ва Б. Веббларнинг «Инглиз тред-юнионизмининг назарияси ва практикаси» китобини В. И. Ленин инглизчадан русчага таржима қилган эди, китоб 1899 йил сентябрида босилиб чиққан. В. И. Ленин, Асарлар, 4-том, 501, 503-бетлар.

Қуйидагилар бўлса дейман:

1) Инглиз тили грамматикаси, айниқса синтаксис қисми ва айниқса тилдаги идиоматизмлар бўлими.

2) Географик номлар ва атоқли исмлар луғати. Бундай номларни инглиз тилидан таржима ва транскрипция қилиш ниҳоятда оғир ва мен янглиш ёзиб қўйишдан жуда хавотир-даман. Билмадим, тўғри келадиган луғатлар бормикан?»⁵

Қўпгина ёзувчи, шоир ва олимларнинг асарларида мақол, матал ва идиомаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш муҳим ва мураккаб иш эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади: «Ҳар бир тилнинг ўзига хос иборалари, ўз қўйма нақллари, сингиб кетган ифодалари бўлиб, уларни бошқа тилга муқобил сўзлар билан таржима қилиб бўлмайди» (А. С. Пушкин)⁶; «...ҳар бир тилда мазкур тилнинг ўзигагина мансуб воситалар, ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, бирон образ ёки жумлани тўғри ифодалаш учун таржимада баъзан уларни мутлақо ўзгартиришга тўғри келади» (В. Г. Белинский)⁷.

«... Таржимонга ғов бўладиган нарса ҳар қандай турдаги идиоматик ибораларни тўғри таржима қилишдир, чунки бу ибораларнинг маъноси уларни ташкил этган компонентларнинг ҳозирги вақтдаги маъносидан келиб чиқмайди» (Л. Бинович)⁸; «...оқибат натижада таржимадаги қийинлик даражасининг мезони кенг маънода асл нусха тилининг идиоматиклигидир» (Я. И. Рецкер)⁹; «Таржимада автор услубини айнан бериш учун лексик-фразеологик воситаларни танлаб ола билиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга» (Я. И. Рецкер)¹⁰; «авторнинг индивидуал услубини ва унинг асаридаги миллий ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолишдек муҳим вазифани ҳал қилиш йўлидаги қийинчиликлар маълум даражада лек-

⁵ В. И. Ленин, Асарлар, 37-том, 113-бет.

⁶ А. С. Пушкин, Полное собрание сочинений, том XII, Изд-во АН СССР, 1949, стр. 143—144.

⁷ В. Г. Белинский, Полное собрание сочинений, том II, Изд-во АН СССР, М., 1953, стр. 429.

⁸ Л. Бинович, О многозначности идиом, «Иностранные языки в школе», 1952, № 5, стр. 29.

⁹ Я. И. Рецкер, О градации трудностей в курсе перевода на родной язык, «Ученые записки военного института иностранных языков», № 6, 1948, стр. 34.

¹⁰ Я. И. Рецкер, Задачи сопоставительного анализа переводов (ТКП, 45).

сика ва фразеологияни таржима қилиш масалалари билан вобастадир» (В. Д. Андреев)¹¹.

«Лексикологияда таржима назарияси берган маълумотлар умумий семасиология ва унинг айрим хусусий проблемаларини, «...фразеология, идиоматика, синонимика проблемаларини тадқиқ қилишда қимматли материал бериши мумкин» (Л. С. Бархударов)¹².

«Ўзбек тили фразеологиясининг таркиби, бойиш манбалари ва йўллари ҳақида то ҳозиргача биронта ҳам тадқиқот йўқ. Олий ўқув юртлари программасида «Ҳозирги ўзбек тили» курсининг бутун бир бўлими ҳақиқатда ёритилмай келмоқда, бу эса жуда ачинарли фактдир» (У. Т. Турсунов)¹³.

Демак, таржимада авторнинг индивидуал услубини акс эттиришда фразеологизмлар таржимасининг аҳамияти катта; таржима назариясининг фразеология ва идиоматика проблемаларини ўрганиш натижалари лексикология учун қимматли материал беради; бадий таржима туфайли тилнинг фразеологияси бойийди; бадий асар тилида ифодаланган миллий руҳни акс эттиришда фразеологиянинг роли катта; мақол, матал ва идиомаларни бузиб таржима қилиш асар тилини нурсизлантиради ва унинг бадий қимматига путур етказилади.

Бизда бир қанча мақол, матал ва идиомалар турли асарларда турлича вариантларда таржима қилиниб келмоқда. Масалан, *дураку закон не писан* мақолини Абдулла Қаҳҳор *аҳмоққа закон йўқ* деб (А. П. Чеховнинг «Евуз ниятли киши» ҳикоясида), Кибриё Қаҳҳорова эса *аҳмоқнинг шоху бутоғи бўлмайди* деб (А. С. Серафимовичнинг «Темир оқим» асарида) таржима қилганлар. Баъзан бу мақол *аҳмоққа қонун битилмаган* деб ҳам берилади. Шунингдек, *вам говорят русским языком* матали А. П. Чеховнинг «Олчазор» комедиясида *Сизга рус тилида айтаяпман* (1937 йил таржимаси, 82-бет), *Сизга ... очиқ-ойдин айтиляпти* (1939, 150-бет), *Сизга ... лўнда қилиб айтиляпти* (1953, 95-бет) деб таржима қилинган. Комедиянинг озарбайжонча таржимасида ҳам бу матал — *Сизэ рус дилиндэ дейирам* (1955, 312-бет) деб ағдарилган.

Қозоқ олими М. Жанғалиннинг кўрсатишича, айрим формалист таржимонлар В. И. Лениннинг асарида ишлатилган «По-русски это называется богом» (XIV том, 216-бет) бирикмасини «орысша муны кудай деп атайды» деб таржима

¹¹ В. Д. Андреев, Некоторые вопросы перевода на русский язык болгарской художественной литературы (ТКП, 143).

¹² Л. С. Бархударов, Общелингвистическое значение теории перевода (ТКП, 13).

¹³ У. Т. Турсунов, Состояние и задачи изучения фразеологии узбекского языка (ВФ, 11).

қилганлар, натижада «кудай» — гўё қозоқча эмас, русча сўз бўлиб қолган.

Ҳижжалаб таржима қилиш юзасидан олиб қараганда, таржиман ҳақли, деб мулоҳаза юритади М. Жанғалин. Чунки ҳақиқатан ҳам: *по-русски* — қозоқчага *орысша*, *бог эса кудай* деб таржима қилинади. Шундай қилиб, *бог* сўзи ҳам қозоқча таржимаси билан берилгач, русчага қайта ағдарилганда: «По-русски это называется кудай» бўлиб чиқади.

Аммо *бог* сўзини таржимасиз қолдириб ҳам бўлмайди. Бундай ҳолда *по-русски* сўзини *по-нашему* (*бизнингча*) деб ўзгартириб таржима қилиш керак, чунки Ленин «по-нашему» («бизнингча») деганда рус тилини назарда тутган бўлади, деб кўрсатади автор¹⁴.

М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романида бу матал бошқача таржима қилинган:

«Подожди ты ставить точки! — взмолился красный от смущения Давыдов. — Русским языком говорю тебе, что библиотека будет, снять точку!» (ПЦ, 424).

«—Нуқта қўймай тура тур! — ёлворди хижолатдан қизариб кетган Давидов.— Сенга она тилида айтаманки, кутубхона бўлади, нуқтангни ўчир!» (ОҚ, 85).

Шундай қилиб, битта *говорить русским языком* бирикмаси ўзбек тилига: 1) *рус тилида гапирмоқ*; 2) *очиқ-ойдин гапирмоқ*; 3) *лўнда қилиб гапирмоқ*; 4) *она тилида гапирмоқ* деб тўрт вариантда ағдарилган.

Ф. Энгельс «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» асарини итальян тилига ағдарган П. Мартиньеттига ёзган хатида қуйидаги гапни айтган эди: «Шу нарсага ҳайрон қоламанки, Сиз гарчи ҳеч қачон Германияда истиқомат қилмаган ва немис тилини бу мамлакатда ўрганмаган бўлсангиз ҳам, менинг фикрларимни жуда яхши таржима қила олибсиз. Мен фақат бир неча қисқартма ва идиоматик иборалар ҳамда маталлар таржимасидангина хатолар топдим; шуниси ҳам борки, жонли сўзлашув тилини то мамлакатдаги шеваларгача билмаган одам бу ибораларни тўғри тушуна олмайди,— булар на грамматикадан ва на луғатлардан топиб бўлмайдиган нарсалардир»¹⁵.

Дарҳақиқат, бизнинг мавжуд икки тилли луғатларимизда ҳам жуда кўп идиоматик иборалар ўз аксини тонмаган, унга

¹⁴ М. Жанғалин, О некоторых вопросах перевода с русского на казахский язык (Из опыта перевода произведений классиков марксизма-ленинизма), Госиздат КазССР, Алма-Ата, 1959, стр. 63.

¹⁵ К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинения, том XXVII, стр. 519. («К. Маркс и Ф. Энгельс об искусстве», том 1, стр. 85).

кирганлари ҳам кўпинча чала, тахминий, баъзан эса оригиналга мувофиқ келмайдиган муқобил вариантлар билан чегараланади. Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча мукамал фразеологик лугатлар яратиш билангина таржимачилик практикасидаги фразеология чалкашликларига барҳам бериш мумкин¹⁶.

Бироқ мақол, матал ва идиоматик ибораларни таржима қилишда рўй бераётган чалкашликлар танқид қилинар экан, бундан айни бир фразеологик иборани ҳамма таржимонлар муқаррар равишда унинг бир хил штамп эквиваленти ёки муқобил варианты билан таржима қилишлари шарт деган хулоса келиб чиқмайди. Кўп таржимонлар фразеологик бирикмаларнинг аниқ эквивалентини тополмай, ҳар хилликка йўл қўйган чоғларида ҳам, бари бир, асарнинг кейинги нашрларида ёки бошқа асарларни таржима қилганларида ўзбек тилидан ўша бирикмаларнинг маъзини очадиган муқобил иборалар топиб ишлатишга ҳаракат қилганлар. Бу эса уларнинг адекват таржима яратиш йўлида сидқидил меҳнат қилганликларини кўрсатади.

Юқорида келтирилган, Лопахин тилида ишлатилган *Вам говорят русским языком* маталини таржимон Қ. Баратов чорак аср муқаддам *Сизга рус тилида айтаялман* деб берган экан, асарнинг кейинги таржималарида бу нима учун ўзгартирилди? Бунинг сабаби шуки, гарчи Лопахин рус кишисининг образи бўлса-да, у саҳнада ўзбек тилида гапиради-ку, ахир! Аммо унинг *Сизга ўзбек тилида гапираялман* дейиши ҳам мумкин эмас, негаки, Лопахин айни ҳолда саҳнада ўзбек тилида гапириб тургани билан, азалда у рус кишисининг образи. Борди-ю, агар у «Очилган қўриқ» романининг таржимасидаги сингари, *она тилида айтаялман* деса-чи? Бунда ҳам «она тили» деганда рус тили назарда тутиладими ёки ўзбек тилими — бу ҳам аниқ бўлмай қолади.

Ана шундай «аммо»лар, ниҳоят, таржимон Одил Раҳимийни тўғри йўлга олиб келган эди: бу бирикманинг *Сизга ... очиқ-ойдин айтиляпти* деб берилиши жуда тўғри. Аммо асарнинг кейинги нашрида таржимонлар Қ. Баратов ва О. Раҳимийлар *Вам говорят русским языком* маталини *Сизга ... лўнда қилиб айтиляпти* деб таржима қилиш билан айни муддаога батамом эришганлар. Чунки гап қайси тилда гапирилишида эмас, балки содда ва тушунарли қилиб айтилаётганидадир. Шундай қилиб, таржимонлар бу бирикмани нотўғри таржима қилишдан унинг маъносини тўғри очишгача

¹⁶ Қаранг: Ҳ. Бердиёров, Фразеологик лугатлар тузиш масаласига доир (ВФ, 22, 25).

бўлган катта масофани ўтиб, ниҳоят, маррага етиб келганлар.

Сўз каби, идиоматик иборалар ҳам, ҳар хил контекст ичида турли-туман маъно оттенкалари олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда улар, шубҳасиз, ўша контекст талаб қилган маънога мувофиқ вариант билан таржима қилиниши даркор.

Рус тилидаги фразеологик ибораларни уларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари билан бериш керакми ёки уларни сўзма-сўз таржима қилган маъқулми? Аввало, агар ҳамма мақол, матал ва идиомаларни сўзма-сўз таржима қилиб бўлганида эди, фразеология проблемаси ҳам бўлмасди. Бадий таржимада фразеологияни акс эттиришни қўйидагича талқин қилиш мумкин: 1) оригинал фразеологиясини таржима тилининг фразеологияси билан алмаштириш; 2) таржима тилининг фразеологиясини оригинал тилининг фразеологиясига мослаш; 3) оригинал тилининг фразеологиясини айнан таржима қилиш (булар фразеологик ибораларни таржима қилишнинг умумий йўлидир).

Бадий таржимада буларнинг қайси бири афзал туради?

Маълумки, таржимон авторнинг номидан қалам тебрата экан, демак, у авторнинг услубини акс эттиради. Бироқ, юқорида кўрганимиздай, агар бир асарни бадий қуввати бир хил бўлган ўн киши таржима қилса ҳам, бир-биридан тамомила фарқ қилувчи ўнта таржима ҳосил бўлади-ку. Бунинг сабаби шуки, аввало, авторнинг услубини акс эттиришни ҳар ким ўзича тушунади; бундан ташқари, ҳар қандай таржимада ҳам таржимон услубининг таъсири билиниб туради. Чунончи, Н. В. Гоголнинг А. Қаҳҳор таржимасидаги асарларида анчайин, Қаҳҳорнинг услуби сезилади, Л. Н. Толстойнинг ўзбекчага ағдарилган романларида Мирзакалон Исмоилий қаламининг изи билинади, Н. А. Некрасовнинг биз ўзбек тилида ўқиб турган шеър ва поэмаларидан Миртемир ижодининг «иси» келиб туради. Аммо бу нарса таржимон, авторнинг услубини акс эттириш ўрнига, ўз услубини тақдим этганлигини билдирмайди.

Таржимада оригиналнинг миллий хусусияти ва авторнинг услубини акс эттиришда фразеологияни акс эттиришнинг аҳамияти катта. Шунга асосланиб, баъзи олимлар асардаги мақол ва маталарни худди «ўзидай» таржима қилишни тавсия этадилар. Масалан, «Искусство перевода» номли асарнинг автори К. Чуковский шундай фикрни илгари суради: «Чет тил мақоллари ва маталларини уларнинг рус тилидаги муқобиллари билан алмаштирмасдан, балки иложи борича сўзма-сўз таржима қилишга интилиш керак. Масалан, модомики

Гейне асарида: «Куйган мушук қайноқ қозондан қўрқар!»¹⁷ — дейилган экан, уни: «Чўчитилган қарға бутадан қўрқар» — («Пуганая ворона и куста боятся») ¹⁸ деб таржима қилиб бўлмайди. Худди шунингдек, Эрвиг асарида: «Негрға совун, аҳмоққа маслаҳат чикора!»¹⁹ — дейилган экан, уни: «кўппак ювган билан оқармас!»²⁰ деб таржима қилиш мумкин эмас — зотан, халқ мақолларининг қиммати ҳам шундаки, уларда халқнинг туғма хусусияти, фикрлашнинг миллий услуби ўз ифодасини топган бўлади»²¹.

А. В. Федоров бу фикрни қувватлаб, айрим мақол ва маталлар ҳатто ҳижжалаб, аниқ таржима қилинса ҳам, мақоллик хусусиятини йўқотмаслиги, аксинча, рус тилида янги мақол ёки матал ҳосил бўлишини айтади. Чунончи, ўша *шпареная кошка боится кипящего котла* деган мақол рус тилида йўқ, ammo у сўзма-сўз таржима қилиш натижасида унга кириб, ўзлашиб кетиши мумкин.

Бундай таржима она тилини бойитади, китобхон тасаввурини кенгайтиради. Шу билан бирга, асарнинг асл нусхасидаги мавжуд бадий бисот ҳам сақланади.

Бироқ, бошқа тилларда шундай мақол ва маталлар ҳам борки, улардан келиб чиқадиган ҳикмат ҳижжалаб қилинган таржима ичидаги сўзларда ўз инъикосини топмайди. Ана шундай мақол ва маталлар жуда кўпдир. Шундай қилиб, бошқа тиллардаги кўплаб мақол, матал ва идиомаларда акс этган ҳикматни уларнинг она тилимиздаги муқобиллари билан алмаштириш воситасидагина рўёбга чиқариш мумкин. А. В. Федоров ёзади: «Шундай қилиб, таржиманинг оригинал автори «бизнинг томонга кўчиб келади»ган тури яна ўз кучида қолади. Лекин... таржиманинг бу тури ҳам, бизнинг ...ни бошқа ўлкаларга сафар қилдирадиган бошқа тури ҳам универсал тур бўлолмайди, уларнинг ҳар қайсиси ҳал қилувчи аҳамият касб этолмайди. Таржиманинг бу турлари ўзаро узвий боғланишда бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади, тўлдиради, — албатта, таржимани инкор қилиш даражасига бориб етиш ҳоллари бундан мустаснодир. Бу борада қатъий ҳукм

¹⁷ Маъноси: «(Оғзи) куйган мушук қайноқ қозондан қўрқар».

¹⁸ «Чўчитилган қарға бутадан бусар» (эҳтиёткорлик маъносиди. Ўзбек тилида: *қўрққанга қўш кўринар, илон чаққан ола арқондан қўрқар, сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичар, иштонсизнинг ҳадиги чўлдан* каби муқобил вариантлар бор).

¹⁹ Маъноси: «Негрға — совун, телбага — насиҳат чикора» (ўзбекча муқобили: *уликка йиғлаган эссиз кўзим, аҳмоққа сўзлаган эссиз сўзим*).

²⁰ Маъноси: «Қора кўппак ювган билан оқармас (ўзбекча муқобили: *асли қора оқармас, оқарса ҳам бўзармас*).

²¹ «Искусство перевода», Академја, М.—Л., 1936, стр. 173—174.

чиқариш ҳар доим таржима турларини қандай шароитда тадбиқ қилишимизга боғлиқдир»²².

Дарҳақиқат, бошқа халқнинг мақол ёки маталини сўзма-сўз таржима қилишда ғоят моҳирлик ва эҳтиёткорлик талаб этилади. Акс ҳолда, бошқа халқнинг миллий тафаккур тахлитини айнан акс эттираман деб, мақолни қуруқ гапга, матални эса суюқ бирикмага айлантириб қўйиш ҳеч гап эмас.

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз этиқоди, психик тузилиши ва ўзига хос миллий хусусиятлари бор. Унинг ўзига хос фантастик образлари, турли-туман кўчма маъноли бирикмалари учун асос қилиб олинган тимсоллари бор. Мақолнинг чуқур мазмуни унинг формаси билан вобастадир. Бошқа тилга кўчирганда эса унинг формаси эмас, балки фақат мазмунигина кўчади, холос. Ўзига хос формадан, сўз ёки образнинг ўз тилида англатган мазмунидан халос бўлиб қолган мақол ва матал бошқа халқ назарида шу мақолларни яратган халқнинг донишмандлигидан дарак бериш ўрнига, унинг тафаккур тахлити тўғрисида, аксинча, ёмон таассурот қолдиради.

Халқларда тафаккур қонунларининг умумийлиги, тиллардан-тилларга таржима қилиш мумкинлиги ва фразеология масалалари

Тиллардан-тилларга таржима қилиш мумкинлигини асослайдиган нарсa шуки, жаҳон халқлари гарчи турли-туман тилларда сўзлашсалар ҳам, аммо уларнинг тафаккур қонунлари бир хилдир. Бироқ бу билан тиллардан-тилларга таржима қилишда ҳеч қандай қийинчилик ва проблемалар йўқ экан деган хулосага келиш мумкин эмас. Бундай қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

1. Турлича бадий, иқтисодий ва сиёсий шароитларда яшаётган, тарихий тараққиётнинг турли босқичларида турган халқлар орасида муайян туншунчаларнинг йўқлиги. Немис ёзувчиси Альфред Курелла ўз мамлакатидан бошқа юртни кўрмаган африкалик олимга қор тўғрисида эҳтирос билан ёзилган бир шеърни таржима қилиб берганда, ҳатто ўша олим ҳам бу шеърдан тегишлича завқ ола билмаслигини айтади.

2. Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари. Инглиз тилида фақат *Сиз* шакли бўлиб, *сен* фақат худога илтижо қилингандагина ишлатилади ва, аксинча, тува тилида фақат *сен* шаклигина мавжуддир. Бу икки тилга, масалан, А. С. Пушкиннинг «Ты и Вы» («Сен ва Сиз») шеърини таржима қилиш ҳам анча маҳол иш эканлиги шундан кўриниб турибди.

²² А. Федоров, О художественном переводе, ГИХЛ, Л., 1940, стр. 80.

Агар бирон ўзбек ёзувчиси қизнинг гўзаллигини ...сигирга ўхшатса, жуда қўпол туюлиши турган гап. Шунинг учун бошқа халқларда ҳам бу ҳайвон номини гўзаллик тимсолида кўрсатишни тасаввур қилолмаймиз. Лекин амалда бундай эмас.

Ўзбек тилида *мусичадай беозор* деган фразеологик бутунликда бировга зарари тегмайдиган жонивор, ёввошлик ва беозорлик тимсоли сифатида мусичанинг номи олинган. Лекин ҳамма тилларда ҳам шундай эмас, албатта. Масалан, корейс тилида «сигирдай беозор» деган бирикма ишлатилади.

Жуда кўп ҳинд шоирларининг асарларида сигир образи нафосат, меҳрибонлик, битмас-туганмас буюк оналик меҳр-муҳаббатининг тимсоли сифатида талқин қилинади.

Тантанавор, жозибадор ва юксак услуб билан ижод қилинган ҳинд поэзияси учун хотинни сигирга ўхшатишдан ҳам кўра афзалроқ, нафисроқ, баландпарвоз ўхшатиш объекти йўқ. Қадимги мисрликлар ҳам сигирни муқаддас ҳайвон деб ўйлаганлар. Гомер асарларида эса сигир машуқа гўзаллигининг машъали сифатида талқин қилинади²³.

Эрлик, ҳиммат, олижаноблик каби хислатларга ит ёки қарға, сигир ёки эшак образи тимсол бўла олмаганидек, пасткашлик, ваҳшийлик сифатларига от ёки арслонлар ўрناк бўла олмайди. Албатта, ҳўкиз ҳам, сигир ҳам кучли, шундай бўлса ҳам, булар эрлик образига монанд асос бўла олмайди. Бироқ Гомер асарларида эшак ва чивинларнинг ҳам ботирлик тимсолида гавдаланиши диққатга сазовордир.

Демак, бирон нарса ёки ҳодисанинг образли асосига муайян ҳайвон ёки парранданинг номини қабул қилишда ҳар бир халқнинг ўз завқи ва диди бўлади. Бу ўша халқнинг тарихий тақомили, тил ва психик хусусиятлари, урф-одатлари, жуғрофий ва иқтисодий шароитлари, ахлоқ нормалари, фалсафий ва диний қарашлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Альфред Курелла А. М. Горькийнинг «Қиз ва ўлим» ҳикоясини ёки Твардовскийнинг «Ўлим ва жангчи» асарини немис тилига таржима қилишнинг машаққатини ҳикоя қилади. Чунончи, Твардовскийда жон бераётган солдат ўлимга юзланиб: «Так пошла ты прочь, косая», — дейди. Рус тилида Ўлим кампир образида гавдаланади. Аммо немис тилида эса у мужской родда келади. Гарчи скелетда жинс (род) билинмаса ҳам, немис тилида ўлим мужской родда ишлатилар экан. Шундай қилиб, таржимада жангчининг ўлимга мурожаат қилиб айтган юқоридаги сўзларини немис тилида ўзгартиришга тўғри келади (МП, 1959, 421—422).

²³ М. С. Д у н и н, По Афганистану, Пакистану, Индии, Государственное издательство географической литературы, М., 1954, стр. 87—92.

Аmmo ўзбек тилида умуман род категорияси йўқ. Бу эса таржима ишини анча қийинлаштиради. Чунончи, рус тилида контекстнинг ичида шахснинг жинсини ифодаловчи олмошлардан жуда кенг фойдаланилади. Ўзбек тилида эса бундай қилиб бўлмайди. (Таржимада род категориясини акс эттириш қийинчиликлари китобнинг IV бобида ёритилган. Ҳозир эса бунга бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишни мураккаблаштирувчи тил фактори сифатида қаралади).

Иван Ленинг «Тоғ оралиқлари романи» асарида шундай гап бор:

«— Зачем так проклинать женщин? Это зря. Отдайте ее замуж.

— Преображенского?

— Евгений Викторович, выпейте брому, помогает. Преображенский «он» и, ко всему прочему, отъявленный негодяй. Я говорю о «ней», о Любви Прохоровне»²⁴

«— Аёл кишиларни нега бунча қарғаш керак? Беҳуда ёмонлайсиз. Яхшиси, хонимни эрга бериб юборинг.

— Преображенскийни-я?

— Евгений Викторович, бир оз бром ичинг, ҳушингиз жойида эмас. Преображенский «хоним» эмас, бунинг устига у — ўтакетган аблаҳ. Мен эса Любовь Прохоровна тўғрисида гапираётиман» (қўлёзманинг 282-бетиди).

Рус тилида шахснинг қандай жинсда эканлигини ифодаловчи олмошларни ўзбекчада айнан бериш мумкин бўлмаганидан, таржимон *хоним* сўзини киритишга мажбур бўлган.

Эътиборсизлик орқасида рус тилида родни ифодаловчи олмош билан таржима қилинганда, беихтиёр, ноаниқликка ёки қўпол хатога йўл қўйиш мумкин. Ҳ. Авлонованинг кўрсатишича, А. М. Горькийнинг 1946 йилда ўзбек тилида чиқарилган «Ҳикоялар» тўпламида «с неё я и начал пить» гапи «мен савдогар хотин билан ҳам ича бошладим» деб таржима қилинган: бунда таржимон «с нее» деганда «тоска» (зерикиш) сўзини тушунмай, «с ней» («с торговкой» — «савдогар хотин билан») деб талқин қилинган (ТС, 45).

Хўш, бу қийинчиликлар таржима иши учун тўсиқ бўла оладими? Улар умуман таржима қилиб бўлмайди, деб ҳисобловчи кишиларнинг даъволарини тасдиқлаш учун етарли асос

²⁴ Иван Ле, Роман межгорья, «Советский писатель», М., 1957, стр. 447.

бўла оладими? Асло йўқ! Ҳар бир тилнинг ўзига хос бир қанча грамматик хусусиятлари бу текстда акс этар экан, бундай ҳолларда текст иккинчи тилга бошқа йўллар ва воситалар билан таржима қилинади. Асарнинг руҳини акс эттиришда баъзан айрим сўзлар қўшилиши ёки тушиб қолиши мумкин. Аммо асарда олға сурилган фикр, гоё ёки тасвир ўз ўрнини топиши керак. Умуман айтганда, бирон тилда ҳам бошқа тилга мутлақо акс эттириб бўлмайдиган сўз ёки ибора йўқ деб ҳисоблаймиз. Асар таржима қилинаётган тилда айрим сўз ёки ибораларнинг йўқлиги асло уларни акс эттириб бўлмаслигини кўрсатмайди.

Халқларда тафаккур қилиш қонунларининг умумийлиги, тилларнинг бир-биридан жиддий фарқ қилишига қарамай, истаган халқ тилидан бошқа тилларга таржима қилиш имконини беради. Тил кишиларнинг ўзаро алоқада бўлиш воситаси экан, таржима туфайли халқлар ўзаро муомала қиладилар ва бир-бирларининг фикрига тушунадилар. Агар бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш иложи бўлмаганида эди, халқлар умумий тил топа олмас, бир-бирларининг фан, техника соҳасидаги ютуқларидан баҳраманд бўлолмас, ўзаро маданий ҳамкорлик қилолмас эдилар.

Тарихий такомили ва этник состави жиҳатидан бир-биридан узоқ бўлган халқларнинг тилларида жуда кўп ўхшаш сўзлар, мақоллар, маталлар ва идиомаларни кўриб ҳайратланмаслик мумкин эмас²⁵.

Жаҳондаги жами тилларда яратилган мақол, матал, ҳикматли сўз ва идиомалар йил фасллари, эҳтиёткорлик, танаъзоларининг номлари, ота-она-бола, қайнана-келин муносабатлари, ер, коинот; қонуният ва тасодиф, миқдор ва сифат, қарама-қаршилик ва зиддият, қонуният ва тасодиф, шакл ва мазмун, ҳаракат ва тинчлик, тез ва секин, бирлашиш ва ажралиш, тасдиқ ва инкор, тараққиёт ва таназзул; яхши ва ёмон, оқ ва қора, катта ва кичик, арзон ва қиммат, рост ва ёлғон, гул ва тикан, ўз ва ўзга, адолат ва зулм, уруш ва тинчлик, нур ва зулмат, эркинлик ва асорат, миннатдорлик ва ношукурлик, меҳмондўстлик ва хасислик, манманлик ва камтарлик; таълим ва тарбия, хулқ-атвор, тил ва сўз, тажриба ва ҳунар, донолик

²⁵ Халқларда тафаккур қонунларининг бир хил эканлиги ва шу туфайли тиллардан-тилларга таржима қилиш мумкинлиги тўғрисидаги гап кўп айтилган. Аммо тафаккур қонунларининг бир хил эканлиги н и м а д а н иборат, бу билан тиллардан-тилларга таржима қилиш ўртасида қандай яқинлик бор, деган жуда муҳим масала жиддий ўрганилмаган. Ушбу ишда фразеология ва этнография соҳасида тўпланган айрим материалларимиз асосида шу масалага оид баъзи фикр ва мулоҳазаларни ўртага ташлашни лозим топдик.

ва нодонлик, муҳаббат ва садоқат, мардлик ва жасорат, меҳнат ва меҳнатсеварлик, дўст ва дўстлик, ватан ва ватанпарварлик, инсон ва инсонпарварлик ҳамда бошқа жуда кўп табиий, ижтимоий ва мантиқий нарсa, ҳодиса ва тушунчаларни акс эттирадидлар. Ҳар бир халқ уни бошқа халқлардан ажратиб турадиган ўзига хос белгилар билан бирга, умуминсоний хусусиятларга ҳам эга бўлади. Чунончи, умуминсоний ахлоқ, умуминсоний фазилат, умуминсоний бурч ва умуминсоний мажбурият мавжуддир. Бу эса халқларнинг тилларида ҳам муштарак ҳодисалар ва ўхшашликлар бўлишига олиб келган*.

Бундай ўхшашликлар айниқса фразеология бобида яққол кўзга ташланади. Руслар *одна паршивая овца все стадо портит* десалар, ўзбеклар *тирроқи бузоқ подани булғар* деб ишлатадилар. Худди шу матал бошқа тилларда ҳам бор. Чунончи, француз тилида: *Il ne faut qu'un brebis galuse pour gather un trou peau.*

Русларда *что посеешь, то и пожнешь* деган мақол бор. Ўзбекларда ҳам айнан шундай: *нима эксанг, шуни ўрасан.* Инглиз тилида: *As you sow, you shall now,*

Ut sementen feceris, ita et metes.

Рус тилидаги *дареному коню в зубы не смотрят* матали бошқа кўп тилларда ҳам ишлатилади. Чунончи, немис тилида: *Einem geschenkten Caul sient man nicht ins Maul;* инглиз тилида: *Look nota gift horse in the mouth;* француз тилида: *Acheval donnè on ne regarde pas a la dent;* лотинчаси: *Equi dentes inspicire donati;* татар тилида: *булак атның тешенә карамаслар* (ТХМ, 826, 852—853, 736—737).

Руслар ёшни яшаб бўлган киши тўғрисида *одной ногой в могиле* (ПРН, 595) деб ишлатсалар, ўзбеклар ҳам *бир оёғи гўрда* деб, форслар эса *پایشی لب گور است* (ППП, 33) деб қўллайдилар; беҳуда иш билан шуғулланиш ҳақида руслар *толочь воду в ступе* десалар, форслар ҳам айнан *آب بهاون کوفتن* (ППП, 21) дейдилар.

Айнан бир хил маънони ифодалайдиган баъзи мақол, матал ва идиоматик ибораларнинг ё шакли айнан мувофиқ келади-ю, бирикманинг асосини ташкил этувчи сўзлар бошқача бўлади. Ёки бирикманинг асосини ташкил этувчи сўз (объект)лар айнан мос тушади-ю, уларнинг шакли сал бошқачароқ бўлади.

В. Даль тўплаган рус халқ мақоллари орасида қуйидаги мақол ва маталларнинг аниқ ўзбекча эквивалентлари учрайди (бирикмалар олдидаги рақамлар «Пословицы русского

народа» — «Рус халқ мақоллари» номли асарнинг саҳифаларини кўрсатади).

Рус тилида

Ўзбек тилида

- | | |
|--|--|
| 175. Сухая ложка рот дерет. | Қуруқ қошиқ оғиз йиртар. |
| 185. Осердьясь на вшей, да шубу в печь. | Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирмоқ. |
| 246. Два медведя в одной берлоге не уживутся. | Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас. |
| 267. Ласковое теля двух маток сосет. | Яхши бузоқ (қўзи) икки онани эмар. |
| 305. Рысь пестра сверху, а человек лукав изнутри ²⁶ . | Мол оласи ташида, одам оласи (балоси) ичида. |
| 307. Хоть чертом зови, да хлебом корми. | Ўлдирсанг — ўлдир, қорнимни тўйдир. |
| 350. Волос долог, да ум короток. | Сочи узун, ақли калта. |
| 367. Чужая жена — лебедушка, а своя — польня горькая ²⁷ . | Бировнинг хотини — бировга қиз кўринади. |
| 426. Он сух из воды выйдет. | Сувдан қуруқ чиқади. |
| 445. Рыба от головы тухнет. | Балиқ бошидан чирийди (сасийди). |
| 484. И в солнце есть пятна. | Ойда ҳам доғ бор. |
| 527. Счет дружбы не теряет. | Ҳисобли дўст айрилмас. (Дўст ҳисоби дилда) |
| 553. Ближняя соломка лучше дальнего сенца. | Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши. |
| 694. По мне хоть пёс (черт), только б яйца нес ²⁸ . | Така бўлсин, сут берсин. |
| 397. Не спрашивай здоровья, а глянь на лицо. | Ранг кўр — ҳол сўр. |
| 779. Не купи двора, купи соседа ²⁹ . | Ҳовли олма, қўшни (ҳамсоя) ол. |

²⁶ Бундай матал хитой тилида ҳам бор: *изъяны коня — снаружи, пороки человека — внутри* (КНПП, 7) *.

²⁷ Хитойча муқобили: *хорошие всходы — на чужом поле; красивые женщины — чужие жены* (КНПП, 18).

²⁸ В. Даль тўпламининг 370-бетига *будь жена хоть коза, лишь бы золотые рога* деган маталга ҳам шакл, ҳам мантиқ жиҳатдан ўзбекча *така бўлсин, сут берсин* матали эквивалент кўринади. Аммо русча бирикмада «золотые рога» сўзлари остида қизнинг бойлиги, сепи назарда тутилади. Бинобарин, русча маталнинг қўлланиш доираси ҳам бирикманинг объекти ва семантикаси жиҳатидан чегараланган. Бу икки бирикма бир-бирига сохта эквивалентдир.

²⁹ Бу мақол хитой тилида ҳам бор: *выбирай не дом, а соседей* (КНПП, 14).

800. Море по колено. Дунёни сел босса, тўпигига
чиқмайди.
844. Как дважды два — Икки карра икки — тўртдай
четыре (верно).
173. В мутной воде хорошо Сувни лойқалатиб, балиқ уш-
рыбу ловить^{30*}. ламоқ.
234. Дитя не плачет, мать не Бола йиғламаса, онаси сут бер-
разумеет. майди.
198. Говорить правду — те- Тўғрисини айтсанг, туққанинг-
рять дружбу. га ёқмайсан.
137. Не рожден — не сын, Ёзинг туғмай ул бўлмас, сотиб
не куплен — не холоп, олмай қул бўлмас.
- не впоен, не вскорм-
лен — не ворог.
384. Свое дитя и горбато, Ҳар кимники — ўзига, ой кў-
да мило. ринар кўзига.
706. Как тебя зовут? — Зо- — Отинг нима? — Отим отбой,
вут зовуткой, а вели- ўзим хоназотбой.
чают уткой. (Отим — от, ўзим — хоназот).
427. Он пальца (ногтя, во- Унинг чимчалоғига (тирноғига,
лоска) его не стоит бир тола сочига) арзимади.
563. К собаке сзади подхо- Синамаган отнинг сиртидан
ди, к лошади спереди. ўтма³¹.

Ҳоким ва маҳкум табақаларга бўлинган жамиятдаги тенгсизлик ва ҳақсизликдан норози бўлган руслар *кому пироги и пышки, кому синяки и шишки* деб нолиган бўлсалар, ўзбеклар *ҳалвони ҳоким ер, калтакни — етим* деб зорланганлар; руслар *коли богатый заговорит, есть кому послушать* десалар, ўзбеклар — *оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли (қизи) гапирсин* деб истеҳзо қилганлар; руслар *пичинг қилиб: житье хорошее: семерых в один кафтан согнали* десалар, ўзбеклар: *икковора бир иштон, қандай чиқамиз қишдан* деб ташвиш қилганлар.

Моддий бойликларни ишлаб чиқарувчи кишиларнинг ёлчимай, муҳтожликда кун кечиришлари тўғрисидаги мақол ва маталлар деярли ҳамма халқларнинг тилларида учрайди. Масалан, русларда — *портной без кафтана; сапожник без сапог; плотник без дверей* (ПРН, 522); қозоқларда — *уста пышаққа жарымас; етікші етікке жарымас* (ҚММ, 45); ўзбекларда — *бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол — мўндига»*.

³⁰ Хитойларда ҳам айнан шундай мақол бор (КНПП, 66).

³¹ Антонимик муқобил.

Дунё тилларидаги муштарак ва муқобил мақол, матал ва идиомалар ўрганилар экан, қуйидагилар кўзга ташланади:

1. Улар мазмун ва форма томондан бир-бирига айнан мувофиқ келади (*Нима эксанг, шуни ўрасан* мақолининг эквивалентларига қаранг).

2. Мазмуни муқобил бўлиб, объектлари тафовут қилади. Масалан, рус тилида: *у семи нянек дитя без глазу*, форс тилида: *ماما که دوتا شد سر بچه کج بیرون مبابد* (энага иккита бўлса, боланинг боши қийшиқ бўлади), ўзбек тилида: *қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром улар*, қозоқ тилида: *қатын көп болса, шөмішти ит жалайди*, инглиз тилида: *to reap cooks spoil the broth* (ошпаз кўпайса, шўрва бузилади), хитой тилида: *когда много каменьщиков, дом получается кривой* (уста кўпайса, уй қийшиқ бўлади).

3. Одатда бир хил маънони ифодалайдиган мақол ва маталлар ҳар бир халқнинг ўзига хос тушунчалари, у яшаётган табиий ва иқтисодий шароитга хос нарсалар заминиде тузилган бўлади. Чунончи, руслар *язык до Киева доведет* десалар, французларда: *тили узун Римни топади*, хитойларда: *тили бор одам Бейпинни топади*, туркларда: *сўраган Бағдодни топар*, курдларда: *сўраб-сўраб Карсни топибди*, ўзбекларда: *сўраган (сўраб-сўраб) Маккани топар*.

4. Баъзи тилларда ҳам мазмуни, ҳам формаси мувофиқ келган мақол ва маталлар бошқа тилларда бошқача объектлар асосида тузилган бўлади. Масалан, рус тилида: *кошкы бьют, а невестке наветки дают*; форс тилида: *دختر شو به تو ميگويم عروسی تو بشنو* (айтаман, келиним сен эшит).

5. Форма ва объектлари айнан мувофиқ келадиган мақол ва маталлар ҳамма вақт ҳам эквивалент бўлавермайди. Чунончи, русча *рука руку моет* матали форс тилида: *دست (دسترا ميشويد)*, зулу тилида (*одна рука моет другую*) ва ўзбек тилида ҳам (*қўл қўлни ювар*) учрайди. Аммо рус ва ўзбек маталлари эквивалент бўлгани ҳолда, бир-бирини қўллаб-қувватлаш маъносини ифодаловчи зулу ва форс маталари уларга сохта эквивалентдир.

Қардош тилларда, масалан, ўзбек, туркман, озарбайжон, турк, қумиқ, қозоқ, татар ва бошқа тилларда, шунингдек территорияси бир-бирига яқин мамлакатлар ёки аралаш яшаётган ҳамда қадимдан ўзаро маданий алоқада бўлиб келган халқлар тилларида бир хил мақол, матал ва идиомаларнинг учраши ажабланарли эмас. Бироқ бир-биридан узоқ халқлар-

нинг тилларида айни бир хил ёки ўхшаш бирикмалар учра-
шининг сабаби тафаккур қонунларининг умумийлигидандир.

Биз «Мақол ва идиомалар таржимаси» номли китобимиз-
да *дўст* ва *душман* сўзларидан тузилган бир ўзбекча мақолни
таҳлил қилган эдик³².

Ўзбек тилида *душманимнинг душмани* — менинг *дўстим*
деган мақол бор. Агар унинг маъносини шартли ифодаласак,
шундай бўлади:

$$\left. \begin{array}{l} M \rightleftharpoons D^T \\ D^H \rightleftharpoons D^{HH} \end{array} \right\} M + D^{HH} = D^T$$

Бунда: M — «мен»; D^H — «душманим»; D^{HH} — «душманим-
нинг душмани»; D^T — «дўстим».

Математиканинг мураккаб муаммоларидан келиб чиқади-
ган хулосалари, мантиғи ихчам формулаларда ўз аксини топ-
гандай, тил ва тафаккурнинг ана шундай хулосалари ва ман-
тиғи ҳам мақол, матал ва идиомаларда ўз аксини топади.


Математикадаги:

$$\begin{array}{r} + + = + \\ - - = + \\ + - = - \\ - + = - \end{array}$$


қоида асосида *дўст* ва *душман* сўзларини турли комбинация-
ларга солиб кўрайлик:

$$\left. \begin{array}{l} \text{Дўстимнинг дўсти—менинг} \\ \text{дўстим.} \\ + + = + \\ M \rightleftharpoons D^T \\ D^T \rightleftharpoons D^{TT} \end{array} \right\} \underbrace{M + D^{TT}} = D^T$$


³² Ф. Саломов, Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомалар-
ни таржима қилиш масаласига доир, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент,
1961, 112—115-бетлар.



3. Дўстимнинг душмани — менинг душманим.



4. Душманимнинг дўсти — менинг душманим,



Бунда: D^{TT} — „дўстимнинг дўсти“;

D^{TT} — „дўстимнинг душмани“.

D^{TT} — „душманимнинг дўсти“.

Биз антоним сўзларнинг ўрнини алмаштириш принципида тузилган бу бирикмалар ўртасида иккинчи бирикма ўзбек тилида мақол бўлганлиги учун уни (^v ли) тўртбурчак ичига олган эдик. Аммо сўзларнинг ўрнини алмаштириш билан тузиладиган бирикмаларнинг умумий шакл ва мазмун қонуниятини аниқлаган эканмиз, умумий мантиқий принципга асосланиб тузилган бу бирикмаларнинг қолганлари (иккинчисидан ташқари) бошқа тилларда мақол сифатида ишлатилишини билмас эдик.

Л. Н. Толстойнинг «Анна Каренина» романини унинг ўзбекча таржимаси билан қиёс қилиш жараёнида ажойиб ҳодисага дуч келдик. Асарнинг 345-бетида графиня Лидия Ивановна Облонскийга мурожаат қилиб, шундай дейди:

„—Я вас давно знаю и очень рада узнать вас ближе. Les amis de nos amis sont nos amis³³. Но для того, чтобы быть другом, на-

„—Сизни кўп вақтлардан бери танийман, энди яқиндан танийганим учун жуда хурсандман... Les amis de nos amis sont nos amis³⁴. Лекин

³³ Друзья наших друзей — наши друзья (франц).

³⁴ Дўстларимизнинг дўстлари — бизнинг дўстимиз (франц).

до вдумываться в состояние души друга, а я боюсь, что вы этого не делаете в отношении к Алексею Александровичу“ (АК, II, 345).

дўст бўлиш учун, дўст қалбидан хабардор бўлиш керак; мен бўлсам сизни Алексей Александровичга шундай муносабатда эмассиз, деб қўрқаман...” (АК, II, 374).

Демак, француз тилида *Les amis de nos amis sont nos amis* мақоли бўлиб, бу юқоридаги схемамизда келтирилган биринчи *дўстимнинг дўсти—менинг дўстим* бирикмасининг кўпликда ишлатилишидир.

Шундай қилиб, умумий мантиқий асос ва тушунчаларнинг мавжудлиги бир хил мақол ва маталларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Хулоса қилганда, қардошлик, территория ёки этник жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлган халқларнинг тилларида кўчма маъноли бирикмаларнинг учраш сабаби қуйидагилардан иборат:

1. Халқларнинг тақдиридаги ўхшашлик, хўжалик тармоқлари ва табиий шароитнинг ўхшашлиги.

2. Халқларнинг тафаккур қилишидаги умумий қонунлар тилда ҳам ўз аксини топади, чунки тил билан тафаккур бир-бири билан узвий боғлиқдир. Натижада қариндошлик жиҳатидан узоқ тилларда ҳам ўхшаш бирикмалар пайдо бўлади.

3. Халқлар ўртасида бевосита ёки бавосита олиб борилган иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар натижасида тилга янги мақол, матал ва идиомалар кириб келади ва ўзлашиб кетади; бора-бора бу бирикмаларнинг бошқа тиллардан «кўчиб» келганлигини ҳам билиш қийин бўлиб қолади.

4. Бир тилдан иккинчи тилга китоблар таржима қилиш унга кўплаб мақол, матал ва идиомаларнинг кириб келишига сабаб бўлади.

**МАҚОЛ, МАТАЛ ВА ИДИОМАЛАР.
УЛАРНИ БИР-БИРИДАН ФАРҚЛАШ**

Мақол.
Мақолсиз
нутқ—тузсиз
овқатдир
(ПШНВ, 49.)

Мақол — халқ ақл-идрокининг маҳсули, унинг ҳукми, кўп асрлик тажрибалари мажмуи, турмушдаги турли воқеа-ҳодисаларга муносабатининг ифодасидир. Мақол кундалик ҳаётда, кишиларнинг бир-бирлари билан муомалада бўлиши жараёнида туғилади. Халқ мақоли — халқнинг мулкидир. Мақол қайғуси — халқ қайғуси, мақол ғазаб — халқ ғазаб, мақол кулгиси — халқ кулгиси ва мақол кинояси — халқ кинояси демакдир. Мақол ишлатмаган биронта халқ, мақол ижод қилмаган биронта тил йўқ. «Дунёда тилсиз халқ бўлмагани каби, мақолсиз тил ҳам йўқ», — деб кўрсатади таттар ёзувчиси Ноқий Эсанбат.

Мақоллар борки, «ширин» — панд-насихат қилади, ақл ўргатади, мард ва ботир бўлишга даъват этади; «аччиқ» — айбонгизни дангал юзингизга айтади, порахўр, муттаҳам, ёлғончи, ўғри, лўттивоз, икки юзлама, хушомадгўй, лаганбардор, қаллоб одамнинг таъзирини беради: аччиқ, алам қилдирадиган сўзлар билан пичинг қилади, араз ва киноя аралаш бошлаб адаб беради.

Мақол халқнинг панд-насихати, маънавий-ахлоқий ҳулосаси, халқ миллий руҳининг аксидир. Мақол жуда чуқур ижтимоий мазмунга эга. Шунинг учун ҳам баъзи мақоллар бутун бир асарнинг мазмунини ёритиб туриши мумкин. Масалан, Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедияси учун эпиграф қилиб олинган *башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама* мақоли драманинг бошидан-охиригача жаранглаб туради: шаҳар ҳокими, Хлестаков, Добчинский, Бобчинский ва бошқа образ ҳам персонажларнинг бутун хатти-ҳаракатлари шу мақолни эслатаверади. Пировардида комедияда тасвирланган барча жиноят ва бемазагарчиликларни йўқотиш учун ҳоким,

Хлестаков ва бошқа шунга ўхшаш бир нечта шахсларнигина эмас, балки, умуман, ҳоким синфларнинг ўзини йўқотиб ташлаш керак деган объектив хулоса келиб чиқади. Демак, бир мақолнинг мазмуни том-том китобларга татиши билан бирга, ўз навбатида, у том-том китобларнинг мазмуни замирида туғилади.

Мақол халқ орасида кун сайин туғилиб турганидек, ота-боболар сўзи сифатида авлодлардан-авлодларга мерос бўлиб ўтади. Бу меросни халқ жуда эҳтиёт билан, кўз қорачиғидай сақлайди. «Халқ мақоли ҳар бир киши амал қилиши лозим бўлган ахлоқий қоидаларнинг ўзига хос кодексидир» (ППНВ, 11).

Ҳар бир мақол ҳам маъно, ҳам шакл, ҳам стилистик функцияси жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга. Лекин шунга қарамай, ҳамма мақолларда ҳам қандайдир бир умумийлик бор.

Авалло, мақол заминида халқ ҳикмати ётади. *Аҳмоққа жавоб* — *сукут* дейди ўзбеклар; руслар эса *дурак ворчит, умный молчит* деб айтадилар. Бу мақолнинг қандай «ҳикмати» бор? Ахир, бир аҳмоқ ҳақорат қилаверса, бундай пайтда жим туриб бўладими? — Ҳа, жим туриб бўлади, — дейди мақол. Нодон одам билан айтишиш осон, бироқ чидам билан сукут сақлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Иккинчидан, аҳмоқнинг ҳақоратларига ҳақорат билан жавоб қилиш — шарманда бўлиш, яъни ўзинг ҳам аҳмоқ бўлдинг демакдир. *Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно керак* дейди мақол. Бинобарин, аҳмоққа қарши энг оқилона жавоб — сукут қилишдир. Юқоридаги мақолнинг мазмуни, ҳикмати ана шунда.

Ўзбекларда *нодонга сўзлаган эссиз сўзим, ўликка йиғлаган эссиз кўзим* деган мақол бор. Руслар *дурака учить — что мёртвого лечить* дейдилар. Қанчалик зўр бериб йиғлаганинг билан ўлган одам қайта тирилмаганидек, нодон одамга қанчалик ақл ўргатмагин, у доно бўлмайди. Бу мақолнинг русча муқобили ҳам худди шундай фикрни олға суради: *аҳмоққа ақл ўргатиш ўликни даволаш билан баробар*.

Кўринадики, бир қанча оддий сўз билан таъбир қилинадиган чуқур ахлоқий ғоя қисқа, ихчам бир қолип шаклига кирган. Демак, шакл ихчамлиги мақолларга хос иккинчи белгидир.

Мақоллар таркибидаги сўзларнинг бир-бирига қофияланиб келиши ва аллитерация (сўзлар таркибидаги ундошларнинг уйғунлашиб, такрор келиши), қарама-қарши маъноли сўзларнинг бирикиши ҳам мақолларнинг шакл хусусиятларига хос белгилардандир. Масалан, *ой тунда керак, ақл кунда керак; кун кўрмаган кун кўрса, кундуз кун чироқ ёқар*.

Кўпгина мақолларга хос учинчи белги — уларнинг мажозий маънода ишлатилишидир. Масалан, *дарахт бир ерда кў-каради*.

Мақол — турмушда синалган, маълум эзгу, тугал, умумий маъно англатувчи, ихчам бир шаклдаги халқ ҳикматидир.

М а т а л. Маталларни бизда халқ жонли нутқининг бир категорияси деб эътироф қилиш аниқ бўлмай келганлигидан, уларни маъносига қараб классификация қилиш масаласи ҳам махсус ўрганилмаётир.

М а т а л н а р с а в а ҳ о д и с а л а р н и о б р а з л и и ф о д а л о в ч и, т и л д а к е н г и ш л а т и л а д и г а н и б о р а в а н у т қ о б о р о т л а р и д и р. М а т а л с ў з л о в ч и н и н г ў з н у т қ и м а з м у н и г а м у н о с а б а т и н и и ф о д а л а й д и. М а т а л к и ш и н и н г х о т и р а с и д а о с о н л и к б и л а н с а қ л а н и б қ о л а д и.

Шуни ҳам айтиш керакки, мақол ва маталларда қандайдир бир умумийлик ҳам бор. Бу умумийлик шундан иборатки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам нутқ таъсирчанлигини ошириш, фикрни тайёр нутқ формулалари билан ифодалаш ва уни мазмундор қилиш ниятида ишлатилади. Шунинг учун мақол билан матални бир-биридан фарқлаш анча қийин.

Лекин тугал фикрни бевосита ифодаловчи мақоллардан маталларни фарқламоқ керак. Матал айтилмоқчи бўлган фикрни бирор восита орқали ифодаловчи кўчма маъноли содда жумла бўлиб, унда хулоса бўлмайди, балки унинг ўзи бирон хулоса чиқариш учун хизмат қилади. Матал фикрни тугал баён қилмай, балки унга ишора қилади. Матал «у аҳмоқ одам» дейиш ўрнига — «унинг бир қайнови паст» дейди; «улар бир-бирига жуда ўхшайди» дейиш ўрнига — «улар бир олманиннг икки палласи» деб айтади.

Фикрни образли қилиб ифодаловчи *бир қайнови паст*, *бир олманиннг икки палласи* бирикмаларини мақол деб бўлмайди, албатта.

Мақол, матал ва идиомаларнинг бир-биридан фарқини яққол тасаввур қилиш учун сал кейинроқда махсус жадвал берилди.

И д и о м а. Рус ва бошқа Европа тилларидаги турли адабиётларда кўпинча идиома билан мақол ва маталлар фарқ қилинмай, умуман, кўчма маънода ишлатиладиган жами образли иборалар идиома жумласига киритилар эди. Чунки, академик В. В. Виноградовнинг кўрсатишича³⁵, «идиом», идиома»,

³⁵ Проф. В. В. Виноградов, Основные понятия русской фразеологии, как лингвистической дисциплины, «Труды юбилейной научной сессии», Секция филологических наук, Изд-во Ленинградского ун-та, 1946, стр. 45.

«идиоматизм» терминлари Фарбий Европа тилларида 400 йилдан бери ишлатиб келинганига қарамай, ҳозиргача уларнинг ҳамма олимлар эътирофи этган ягона таърифи йўқ. В. В. Виноградов катта фразеологик бойликнинг фақат бир қисми — фразеологик чатишмаларнигина идиома деб аташни таклиф қилади.

А. Куниннинг кўрсатишича³⁶, «идиома» термини дастлаб адабиётшуносликка доир бир асарда ишлатилган.

Идиома деб нимага айтилади? Қисқача чет сўзлар луғатида шундай таъриф берилган:

«Идиома (юнонча *idioma* — ўзига хос ибора) муайян тилга хос, унга ўзлашиб кетган ва бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган нутқ оборотидир» (КСИС, 126).

Русча-ўзбекча бир томлик луғатда идиома муайян тилнинг сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган ўзига хос ибораси сифатида таърифланади. Шунингдек, русча-ўзбекча беш томлик луғатда ҳам шунга ўхшаш таъриф келтирилган (РЎЛ, II, 148).

Адабиёт энциклопедиясида, проф. Д. Н. Ушаков таҳририда нашр қилинган рус тилининг изоҳли луғатида, В. Даль луғатида ва бошқа бир қанча дарсликларда ҳам «идиома» сўзига шундай ёки шунга ўхшаш таъриф берилган.

А. Куниннинг «Инглиз тилининг идиоматик иборалари»³⁷ номли асарида ва бошқа бир қанча китобларда «идиома» терминига: «Маъноси ибора таркибидаги сўзлар мазмунидан бевосита англашилмайдиган иборага идиоматик ибора дейилади» деган бошқача таърифни ҳам учратамиз.

Агар бу таърифларнинг мазмуни талқин қилинса, идиомага хос қуйидаги белгилар намоён бўлади: 1) у фақат айтилган тилнинг ўзигагина хос, демак, бошқа тилларда худди шундай идиомалар йўқ; 2) уни бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди; 3) унинг маъноси таркибидаги сўзларнинг мазмунидан англашилмайди.

Бир қанча совет тилшунос олимларининг фразеология соҳасида кейинги йилларда олиб борган тадқиқотлари бундай таърифлар ҳақиқатда идиоманинг мазмунини тўла акс эттирмаслигини кўрсатди.

Ана шундай сермазмун ва муҳим ишлардан бири А. Я. Ро-

³⁶ А. Кунин, О фразеологических сращениях в современном английском языке, журн. «Иностранные языки в школе», № 3, стр. 25.

³⁷ А. Кунин, Английские идиоматические выражения, Учпедгиз, М., 1934.

жанскийнинг «Идиомалар ва уларни таржима қилиш»³⁸ номли мақоласидир.

Аввало, бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмаслигини идиоманинг таърифи учун критерия қилиб олиш тўғри бўлмайди, чунки: 1) идиомаларгина эмас, балки жуда кўп «оддий», образли сўз ва бирикмалар борки, уларни ҳам бошқа тилга айнан таржима қилиб бўлмайди; 2) умуман, бир тил ҳодисасини таърифлашда уни бошқа бир тилга таржима қилиб бўлиш-бўлмаслигигагина таяниш тўғри эмас; 3) идиомаларни сўзма-сўз талқин қилиш уларни бошқа тилга таржима қилгандагина эмас, балки шу тилнинг ўзига «таржима» қилганда ҳам, ҳеч қандай маъно бермайди³⁹; 4) ниҳоят, шундай идиомалар борки, уларни бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиш ҳам... мумкин.

Айрим олимларнинг идиомани сўзма-сўз таржима қилиш мумкинлиги ҳақидаги фикрларини кўздан кечирайлик: «Рус тилига кирган чет тил идиоматик ибораларининг калька усули билан таржима қилинганлиги эквивалентларга яққол мисол бўла олади» (Я. И. Рецкер)⁴⁰; «...нейтраль идиомалар... бошқа тилга осонлик билан сўзма-сўз таржима қилиниши мумкин» (Вл. Россельс)⁴¹; «идиомаларни таржима қилиши ҳоллари ҳам учрайди» (А. А. Такаишвили, Н. М. Сакварелидзе)⁴²; «турли тилларда калька усули билан, яъни айнан таржима қилинган идиомалар анчагина бор», «калька усули билан ўгирилган идиоманинг фарқи шундаки, у икки марта: дастлаб она тили заминида идиоматик маъно олганида, иккинчи марта эса чет тилга калька йўли билан «бемаъни» идиоматик маъно олиб кирганида кўчма маъно касб этади»

³⁸ А. Я. Рожанский, Идиомы и их перевод, журн. «Иностранные языки в школе», 1948, № 3.

³⁹ Корней Чуковский и в ус себе не дует деган бирикмени ишлатганда биз қандайдир мўйлабли кишини ва унинг мўйлабига пуфлашини тасаввур қилмаймиз, деб кўрсатади. Бу идиома русларга шунчалик «оддий» бир ибора бўлиб қолганки, ҳатто хотин кишилар тўғрисида гап борганда ҳам: — Она молчит и в ус себе не дует, — деб ишлатилса-да, ҳеч ким ҳайрон бўлмайди. Агар биз сўзларнинг дастлаб англатган мазмунини УНУТИШДЕК ажойиб қобилиятга эга бўлмаганимизда, деб ёзади К. Чуковский, нутқ жараёнида биронта ҳам идиомани ишлата олмас эдик (Корней Чуковский, Образ и слово, «Литературная газета», 13 октябры 1962 года).

⁴⁰ Я. И. Рецкер, О градации трудностей в курсе перевода на родной язык, «Ученые записки военного института иностранных языков», 1948, № 6, стр. 36.

⁴¹ Вл. Россельс, Перевод и национальное своеобразие подлинника (ВХП, 210); О передаче национальной формы в художественном переводе, Альманах «Дружба народов», 1953, № 6.

⁴² А. А. Такаишвили, Н. М. Сакварелидзе. Вопросы фразеологии в грузинской научной литературе (ВФ, 18).

(А. Я. Рожанский)⁴³; «айрим идиомалар осонлик билан сўзма-сўз таржима қилинади» (Ҳ. Авлонова)⁴⁴; «ҳар бир тилнинг фразеологиясини янада бойитиш учун фразеологик калькалаш замида катта имкониятлар бор, лекин таржима практикасида буни доимо кераклигича ҳисобга олинаётир деб бўлмаса керак»; «лексик ва фразеологик калькалашнинг ҳар хил турларини чуқур, ҳар томонлама ўрганиб чиқиш тил ҳақидаги фаннинг муҳим вазифалари қаторига киради; бундан ташқари, у тилга кирган фразеологиянинг моҳиятини лингвистик ҳодиса сифатида тушунишга маълум ҳисса бўлиб қўшилади ва, иккинчи томондан, фразеологиянинг назарий масалаларини белгилаб олишга ёрдам беради, деб айтиш мумкин» (Л. П. Ефремов)⁴⁵; «агар таржима тилида тўла муқобил вариант бўлмаса, у вақтда, баъзи тадқиқотчилар тўғри тавсия этганларидек, рус идиомалари, маталлари ва мақолларини сўзма-сўз таржима қилиш маъқул» (А. Жақсибоев)⁴⁶.

Дарҳақиқат, олимларнинг кўрсатишича, тиллардан тилларга фақат айрим сўз ва терминларгина эмас, балки кўпгина мақол, матал ва идиоматик иборалар ҳам таржима туфайли аста-секин кириб келар экан. Масалан, А. Я. Рожанскийнинг ёзишича, рус тилидаги *отдать сердце, открыть* душу идиомалари бир вақтлар А. С. Пушкин томонидан калька йўли билан француз тилидан таржима қилинган («Евгений Онегин»да) ва ҳатто русча *ломать голову* идиомаси ҳам — *Se casser* ва *tête sich den* идиомасининг аниқ таржимасидир⁴⁷. А. Кунининг кўрсатишича, *дамокль қиличи, пирр ғалабаси, прокруст ложа-си* ва бошқа идиомалар инглиз, француз, немис, испан, рус ва бошқа тилларда ҳам ишлатилади⁴⁸. Шунингдек, *ахилл товони, хусумат олмаси, авгей отхонаси, прометей олови* идиомалари ҳам интернационал идиомалар ҳисобланади.

Рус тилидаги *вод где собака зарыта* идиоматик бирикмаси немисча *da ist der Hund begraben*; *игра не стоит свеч* идиомаси эса французча *le jeu ne vaut pas la chandelle* ибора-

⁴³ А. Я. Рожанский, Идиомы и их перевод, журн. «Иностранные языки в школе», 1948, № 3, стр. 28.

⁴⁴ Ҳ. Авлонова, А. М. Горький асарлари ўзбек тилида (ТС, 53).

⁴⁵ Л. П. Ефремов, Лексическое и фразеологическое калькирование (ВФ, 123—124).

⁴⁶ А. Джаксыбаев, Некоторые вопросы языка и стиля в художественном переводе с русского на каракалпакский язык, Автореферат кандидатской диссертации, Ташкент, 1963, стр. 17—18.

⁴⁷ А. Я. Рожанский, Идиомы и их перевод, журн. «Иностранные языки в школе», 1948, № 3, стр. 28.

⁴⁸ А. Кунин, О фразеологических сращениях в современном английском языке, журн. «Иностранные языки в школе», 1953, № 3, стр. 27—28.

сининг аниқ таржималаридир. *Проходит красной нитью* — немис тилидан, *не в своей тарелке* — француз тилидан қабул қилинган.

Ўзбек тилига ҳам рус тилидан ва у орқали дунёдаги бошқа тиллардан аниқ таржима натижасида *пирр ғалабаси, ахилл товоғи, прометей олови, америка очмоқ, хитой девори, буридан эшағи, хусумат олмаси, ғалвир билан сув ташимоқ, ҳовончада сув янчмоқ, бармоқ орасидан қарамоқ, қизил ип бўлиб ўтмоқ* каби ўнлаб идиоматик иборалар аста-секин кириб келди ва кириб келмоқда.

Бироқ, идиоматик ибораларни аниқ таржима қилиш мумкин эканлигидан, зинҳор, уларни умуман ҳижжалаб таржима қилиш керак экан деган хулоса келиб чиқмаслиги даркор. Аксинча, аниқ таржима қилиб бўладиган идиомалар жуда кам сонни ташкил қилади. Ҳақиқатда эса жуда кўп идиомалар борки, улар ҳижжалаб таржима қилинса, чиндан ҳам, бемаъни сўз уюмлари ҳосил бўлади, холос. Масалан, русча *и в ус не дуёт* идиомасини «мўйлабига ҳам пуфламайди» деб ағдариб бўлмайди (бизда унинг муқобили бор — *парвойи фалак*); лотинча «бошдан-охиригача» маъносидagi *ab ovo usque ad mala* идиомасининг мазмуни «тухумдан олмагача» демакдир; римликларнинг биринчи овқати тухум бўлиб, энг охирида олма берилар экан — юқоридаги идиома шунга асосланганки, уни ҳижжалаб таржима қилинса, ҳеч қандай маъно чиқмас эди, албатта. Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Доцент А. Я. Рожанский идиомаларнинг қуйидаги асосий белгиларини кўрсатади:

I. **Бирикманинг барқарорлиги.** Чунончи: 1) идиомалар таркибида ҳозир ишлатилмайдиган, маъноси кўпчиликка маълум бўлмаган, аллақачонлар истеъмолдан чиқиб кетган сўзларнинг ёхуд эски грамматик шаклларнинг сақланиб қолганлиги; 2) жуда қадим замонларда машҳур бўлган афсоналарнинг мазмунидан келиб чиққанлиги; 3) кўпгина идиомаларнинг диний мазмунда бўлиши; 4) тарихий воқеаларни акс эттириш ҳамда яхлит ва ихчам шаклда бўлиши уларнинг барқарорлигини исботлайди.

II **Бирикманинг мажозий маъноли эканлиги.** Масалан, *оёқ узатмоқ* бирикмаси кишининг вафот қилганлигини билдирар экан, демак, бу маъно унинг таркибидаги сўзларнинг мазмунидан келиб чиқмаётганлигидан эмас, балки шу бирикманинг кўчма маънода ишлатилаётганидан деб билмоқ керак. Зотан, у тўғри маънода ҳам қўлланиши мумкин.

III. **Бирикманинг семантик бутунлиги.** Бу-

ни шундан ҳам билиш мумкинки, синтактик таҳлилда идиома бир гап бўлаги вазифасида келади. Идиома маъно томондан сўз, шаклан — кўпинча бирикма бўлиб келади.

Идиома — шаклан бўлақларга ажралмайдиган, махражи бирикма таркибидаги сўзларнинг тўғри ва конкрет маъноси билан талқин қилинмайдиган, кўчма маъно англлатувчи барқарор сўз бирикмасидир.

Бир тилдаги идиоматик ибораларни бошқа тилга бирикма таркибидаги сўзларнинг тўғри маъноси билан таржима қилинса, кўпинча тушунарли бўлмаганидай, ҳатто айни тилнинг ўзида ҳам уларни тўғри маънода талқин қилиш, яъни идиоматик бирикмани эркин сўз бирикмаси деб талқин қилиш тушунмовчиликка сабаб бўлади.

Идиоматик иборани мақол билан қиёс қилинса, унинг ўзига хос томонлари очикроқ кўринади:

1. Мақол — образли мазмунга эга бўлган гапдир, уни синтактик бўлақларга ажратиш мумкин. Бироқ, идиома барқарор лексик бутунлик бўлиб, уни на семантик жиҳатдан, на синтактик томондан бўлақларга ажратиб бўлмайди. *Тиф яраси тузалар, тил яраси тузалмас* мақолини синтактик таҳлил қилайлик. Бунда эга ва кесими мавжуд бўлган иккита гап бор. Биринчи гап: *тиф яраси тузалар*; *тиф яраси* — эга; *Тузалар* — кесим. Иккинчи гап: *тил яраси тузалмас*; *тил яраси* — эга, *тузалмас* — кесим.

Аммо *қўлтиғидан тарвузи тушди* идиомасини бундай таҳлил ва талқин қилиб бўлмайди. Юзаки қараганда: *тарвузи* — эга, *тушди* — кесим; *қўлтиғидан* — тўлдирувчи. Лекин бундай таҳлил бемаъниликка олиб келади, чунки, аввало, грамматик таҳлил қилиш учун берилган саволнинг ўзи ўринсиздай бўлиб қолади, яъни: — Қўлтиғидан нимаси тушди? — дейилса: — Тарвузи тушди, — деб жавоб беришга тўғри келади. Ҳолбуки, бу шундай идиомадирки, унда одамнинг қўлтиғидан фақат *тарвузи* (қовуни ёки ошқовоғи эмас) тушади! Бошқача айтганда, идиома бўлақларга ажралмайдиган яхлит бирикмадир. Чунончи, «у қўлтиғидан тарвузи тушиб, уйга қайтди» деганда: *у* — эга, *уйга қайтди* — кесим, *қўлтиғидан тарвузи тушиб* — ҳол.

2. Мақол ва идиома мазмунан бир-биридан фарқ қилади. Чунончи, мақол — турмушда синалган, маълум эзгу, тугал, умумий маъно англлатувчи, ихчам бир шаклга кириб қолган халқ ҳикмати бўлса, идиома фақат кўчма маънода ишлатиладиган барқарор сўз бирикмасидир. Бошқача айтганда, идиомада ҳеч қандай халқ ҳикмати йўқ. Диндан чиқиш у ёқда турсин, унга қарши сал тил тегизган одамлар Садриддин Айний каби орқасига етмиш беш калтак еган бир шароитда

диндан чиқсанг, элдан чиқма мақолининг халқ оғзида ишлатилиши ўзи катта ҳикмат эмасми? Аммо, «Адҳамнинг оғзи қулоғида» деганда қандай «ҳикмат» бор?

3. Мақолда тугал бўлган бир фикр баён қилинади. Унда бош бўлақлар ва айрим иккинчи даражали бўлақлар мавжуд бўлади.

Мақол билан идиома маъно ва шакл томондан бир-биридан жиддий фарқ қилса ҳам, аммо мақол билан матал ва матал билан идиома ўртасида ўхшашлик катта. Кўпинча, уларни бир-биридан ажратиш ҳам қийин.

Булар ўртасидаги фарқни кўрсатиш мақсадида жадвал тузилди (265-бетга қаранг).

**Терминлар
ҳақида икки
оғиз сўз**

Бизда таржима назарияси соҳасида терминлар сираси яратилмаган, аксинча, босилиб чиққан китоблар, мақолалар ва тақризларда ҳаматто айнаи бир термин турли-туман вариантларда ишлатилади, айрим терминларнинг маънолари дифференциация қилинмаганлиги сабабли, улар баъзан нотўғри қўлланилади.

Таржима назарияси соҳаси терминологиясининг назарий ва амалий масалалари махсус текшириш объектидир. Аммо фразеология⁴⁹ни таржима қилиш ҳақида сўз юритар эканмиз, шу масала билан алоқадор айрим терминларни бир-биридан фарқлаб ишлатиш юзасидан баъзи мулоҳазаларни баён этмоқчимиз.

Жонли ўзбек тилида мақол, матал ва ҳаматто идиомалар ҳам бир-биридан фарқ қилинмай, қисқача «мақол» деб юритилади. Бироқ амалда мақол, матал ва идиомалар бир-биридан жиддий фарқ қилади (булар билан юқорида танишиб ўтилди). Шунинг учун илмий адабиётда кўчма маъноли бундай бирикмаларнинг ҳаммасини ҳам халқ тилида шундай ишлатилади деган сабаб билан «мақол» деб ишлатмаслик, уларнинг ҳар бирини ўз номи билан аташ мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, ўзбек тилида кўчма маъноли бирикмаларнинг рус тилида «пословица», «поговорка» ва дунёдаги кўпгина тилларда «идиома» деб аталувчи категорияларининг ҳаммаси бор.

Кўчма маъноли бирикмаларнинг мақол ва идиомалардан фарқ қилувчи, рус тилида «поговорка» деб юритиладиганла-

⁴⁹ «Фразеология» термини грек тилидан олинган бўлиб, *phrasis* ибора + *logos* таълимот — «ибора тўғрисидаги таълимот» деган маънони беради (КСИС, 396). Биз «фразеология» деганда мақол, матал, идиомалар, қочирик, образли ҳамда кўчма маъноли сўзлар ва бошқа турғун бирикмаларни назарда тутдик, яъни бу терминни кенг маънода ишлатдик.

Пословица — мақол		Поговорка — матал		Идиoma — идиoma	
рус тилида	узбек тилида	рус тилида	узбек тилида	рус тилида	узбек тилида
Ворон ворону глаз не выклевает	Қарга қарғанинг кўзини чўқимас	Как мёртвому припарки	Сўқир кўзага сурма	Протянуть ноги	Оёқ узатмоқ
Ближняя соломка лучше дальнего сена	Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши	Капля в море	Денгиздан томчи	Не хватает порошу	Бир қайнови паст
Рысь пестра сверху, а человек лукав изнутри	Мол оласи ташида, одам оласи ичида	Плясать под чужую лудку	Бировнинг ногораснига ўйнамоқ	Ломать голову	Бош қотирмоқ
От лося — лосята, от свињи — поросята	Отгадан — ўғил, моховдан — невар	Как корове седло	Сигирга тўқим ургандай	Дело в шляпе	Ишлар беш
Кошку бьют, а невестке наветки дают	Қизим, сенга айтаман, келним, сен эшит	Кожа да кости	Териси суягига ёпишган	Без ножа зарезать	Пичоқсиз сўймоқ
Кому пироги и пышки, кому синяки и шишки	Холвани хоким ер, калтакни етим	Поджать хвост	Думини қисмоқ	На сельмом небе	Боши осмонда
Большому кораблю — большое плавание	Катта кемага катта сафар муносо	Живой труп	Тирик мурда	Днем с огнем не найти	Кундуз кунни чироқ ёқиб тополмайсан
Одна паршивая овца все стадо портит	Тирроқи бузоқ полани булгар	Поблещел, как скатерть	Докадай оқарган	Сулигы золотые горы	Пуч ёнгоқ билан қўйинни тўлдирмоқ
Ум не в бороде, а в голове	Ақл ёшда эмас, бошида	Молоко на губах не обсохло	Она сути огзилан кетмаган	И в ус не дуэт	Парвойи фалак

рини «матал» деб атаймиз. Матал маъносидаги бирикмаларни республикамизнинг турли районларида ҳар хил номлар билан юритадилар. Чунончи, асосан, жанубий районларда бундай бирикмалар «нақл» деб ишлатилса, Фарғона водийси районларида, Ленинобод тожиклари ўртасида «масал» деб аталади.

«Қанотли сўзлар» бирикмасини дастлаб Гомер ўзининг «Илиада» ва «Одиссея» дostonларида ишлатган. Кейинроқ у тил ва стилистика соҳасида ишлатиладиган терминга айланган. Нутқимизга бадий асарлардан кириб қолган қисқа цитаталар, образли иборалар, афсоналарда ва бадий асарларда тасвирланган, сўнг халқ тилида кўчма маънода ўзлашиб кетган образларнинг номлари (масалан, Афанди, Алдар кўса, Рустами дoston, Ёсуман кампир, Хлестаков ва ҳоказо), тарихий шахслар номидан айтилган қисқа, ихчам таърифлар «қанотли сўзлар» деб аталади. Н. С. Ашукин ва М. Г. Ашукиналарнинг кўрсатишича, бадий манбалардангина олинмай, балки турмушда туғилган ва тилга сингиб кетган ҳар хил образли иборалар, турли касб-ҳунар терминлари ҳам кенг маънода «қанотли сўзлар» деб тушунилади (КС, 3).

Қуйида айрим терминларнинг мазмунини кўрсатиш ва уларни унификациялаш жараёнида рус таржимашунослигида ҳал этилган муштарак таржима принципларини рус тилидан ўзбекчага таржима қилиш практикасига татбиқ этиш (асосан фразеология планида); баъзи терминларни уларнинг янги маъноларида ишлатиш; янги терминлар тавсия этиш; ўзбек тилининг лексик имкониятларидан кенг баҳраманд бўлиш; ўзбек таржимашунослиги доирасида янги тушунчаларни асослаш каби масалалар баёнига киришилади.

„Эквивалент“
ва „муқобил“
(вариант)“
тушунчаси

Бизда то ҳозиргача маънолари бир-бирига айнан мувофиқ келадиган бирикмалар ҳам, муайян контекст ичидагина бир-бирининг ўрнини, баъзан шартли равишда, зўрға қоплай оладиган бирикмалар ҳам «эквивалент» деб келинади.

1959 йилда ўзбекча-русча луғат майдонга келиши билан тилимизда унутилиб қолган «муқобил» термини илмий ишларда актив ишлатиладиган бўлди. Аммо «эквивалент» ва «муқобил» термини аралаш-қуралаш, кўпинча бир-бирининг ўрнида қўлланилиб келди.

Биз бу икки терминнинг маъносини бир-биридан фарқлаб ишлатишга ҳаракат қилдик:

«Эквивалент [лот. *aequivalens*] — ... равноценное, равнозначщее, равносильное...» (КСИС, 417).

«Муқобил... встречный...» (УРЛ, 276). «Встречный...» (ҚРАС, 100).

Икки тилда, контекстсиз ҳам, маънолари бир-бирига монанд ва бир-бирининг ўрнини қоплай оладиган мақол, матал ва идиомаларни «эквивалент бирикма» деб қабул қилдик⁵⁰.

Рус тилидан, шунингдек бошқа тиллардан калька йўли билан таржима қилиб қабул этилган бирикмалар ҳам эквивалент бўла олади. Я. И. Рецкернинг фикрича⁵¹, ҳатто бошқа тилдан сўзма-сўз таржима қилиш натижасида, баъзан бузиб таржима қилинган идиомалар ҳам, агар улар тилга сингиб кетган бўлса, эквивалент бўла олади. У мисол тариқасида француз тилидан бузиб таржима қилинган *не в своей тарелке* идиомасини келтиради*.

Эквивалент бирикмаларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: *куй железо, пока горячо — темирни қизиғида бос; цыплят по осени считают — жўжани кузда санайдилар; покорную голову меч не сечет — эгилган бўйинни қилич кесмас; обжегшись на молоке, будешь дуть на воду — сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичар; проходит красной нитью — қизил ип бўлиб ўтмоқ* ва ҳ. к.

Одатда, эквивалент бирикмаларнинг фақат маъносигина эмас, балки шакли, ҳатто объектлари ҳам бир-бирига мувофиқ тушади.

Аmmo рус тилида жуда кўп мақол, матал ва идиоматик иборалар борки, ўзбекчада ҳар доим ҳам уларнинг тўлиқ эквивалентлари топилавермайди. Шунинг учун маънолари фақат муайян контекст ичидагина бир-бирининг ўрнини қоплай оладиган фразеологизмларни «муқобил бирикма» деб атадик. Баъзан русча бир бирикмага айна контекст ичида бир эмас, бир нечта бирикмалар мувофиқ келиши мумкин. Бундай бирикмаларни «муқобил вариантлар» деб номладик.

Бирикманинг муқобиллари ёки муқобил вариантлари фақат контекст ичидагина бир-бирини алмаштира олар экан, бунда уларнинг маъноси тўғри келса ҳам, кўпинча, формалари ва, айниқса, объектлари мувофиқ тушмайди.

Асарда тасвирланган воқеалар жараёни, ситуация, образнинг хусусияти ва бошқа ҳолларга қараб қандай муқобил ибора танлашни таржимон ҳал қилади (таржимонлар ўрта-

⁵⁰ Худди шунга ўхшаш эркин бирикмалар, сўз ва гаплар ҳам эквивалент ҳисобланади.

⁵¹ Я. И. Рецкер, О градации трудностей в курсе перевода на родной язык, «Ученые записки военного института иностранных языков», 1948, № 6, стр. 36.

сида муқобил вариантлар танлашда ҳар хиллик кўп учрайди)*. Айрим фразеологик ибораларнинг эквивалентлари бошқа бирикмалар учун муқобил вариант бўлиб келиши ҳам мумкин.

Русча *притти в себя* бирикмасининг ўзига келмоқ, ҳушига келмоқ деган аниқ эквивалентлари бор.

«— Елена Николаевна,— сказал ей Берсенов: — он может *притти в себя*, узнать вас; бог знает, хорошо ли это будет».

«— Он *пришел в себя*, он спасен — он через неделю будет совсем здоров,— шепнул он ей» (Н, 156, 159).

«— Елена Николаевна,— деди Берсенов,— у *ҳушига келиб*, сизни таниб қолиши мумкин, худо билсин, унда нима бўлади».

«— У *ўзига келди*, омон қолди, бир ҳафтадан кейин тамом тузалади,— деди Берсенов секингина» (А, 119, 122).

Солиштиринг:

1951 йил нашрида:

«— Ради бога, Елена Николаевна, *придите в себя*». (Н, 154).

«— Елена Николаевна, худо ҳаққи, *ўзингизни тутинг*» (А, 133).

1955 йил нашрида:

«— Елена Николаевна, худо ҳаққи, *ўзингизни босинг*».

Юқоридаги икки мисолда *притти в себя* бирикмаси ҳушсиз ётган Инсаровга нисбатан ишлатилган бўлиб, тўғри маъно касб этганида айнан *ўзига келмоқ* ёки *ҳушига келмоқ* эквивалентлари билан берилган. Кейинги мисолда эса худди шу бирикма довдираб қолган Еленага нисбатан ишлатилиб, айни ўша *притти в себя* бирикмасини энди «ўзингизга келинг» деб таржима қилиб бўлмайди. Шунинг учун таржимон уни дастлаб *ўзингизни тутинг* ва сўнгра *ўзингизни босинг* каби муқобил вариантлар билан таржима қилган. *Ўзингизни тутинг* бирикмаси русча *держите себя* идиоматик ибораси учун эквивалент бўлса, *придите в себя* бирикмаси учун муқобил вариантдир.

Ўзбек тилида *бош қотириш* идиомаси фақат бирон нарса ёки ҳодиса тўғрисида ўйлаш билан боғлиқ ҳолатлардагина ишлатилса, рус тилида *ломать голову* идиомаси бошқа хил ҳаракатларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан,

жуда тез чопиш тўғрисида руслар *бежать сломя голову* идиомасини ишлатадилар. «Знаешь ли ты, зачем я прискакал сюда, *сломя голову*, вчера по утру» (Тургенев). Буни ўзбек тилига: «Нима учун кеча эрталаб *оғимни қўлимга олиб* чопиб келганимни биласанми?» — деб таржима қилиш мумкин. Гарчи бу икки бирикманинг шакли ва объект хусусиятлари бир-бирдан бутунлай фарқ қилса-да, аммо уларнинг умумий идиоматик маъноси бир хил: рус тилида бошни «ёргандан» кейин чопиш ҳам ўзбек тилида оёқни қўлга «олгандан» кейинги чопишга тўғри келади!

Бироқ русча *бежать сломя голову* идиомасининг ўзбек тилида яна бошқа муқобиллари ҳам бор. Бунга доир мисолларни Н. С. Тургеневнинг «Овчининг мактублари» асаридаги «Чертопхановнинг ўлими» ҳикоясидан келтирилади:

«Пантелей, при первом известили о его нездоровье, прискакал *сломя голову*» (стр. 274).

«Чертопханов ударил лошадь нагайкой по морде и поскакал *сломя голову*» (стр. 271).

«Пантелей отасининг нотоблиги тўғрисида биринчи марта хабар эшитган ҳамоно, *жонини жабборга бериб ўқдай* учиб келди» (331-бет).

«Чертопханов отининг тумшуғига қамчи уриб, *ўпкасини қўлтиқлаганича* отини ўқдай учириб кетди» (328-бет).

Шундай қилиб, рус тилидаги *бежать сломя голову* ибораси, ўрнига қараб, *оғини қўлига олиб чопмоқ, жонини жабборга бериб югурмоқ* ва *ўпкасини қўлтиқлаб чопмоқ* каби муқобил вариантлар билан таржима қилинади.

«Аниқ» ва «ҳижжалаб қилинган» таржима тушунчаси «Буквальный перевод», «буквализм» тушунчалари бизда «сўзма-сўз таржима», «сатрмасатр таржима», «ҳарфхўрлик», «буквализм», «айнан, «сўзма-сўз таржима», «буквализм-ҳарфхўрлик», «ҳарфхўрлик, буквализм» тарзида—ўн хил вариантда чалкаш ишлатилган.

«Дословный перевод» ва «буквальный перевод» тушунчалари бизда фарқ қилинмай, иккаласи ҳам «сўзма-сўз» ва «ҳарфма-ҳарф» таржима деб қўлланган. Ваҳоланки, рус тилида «дословный» ва «буквальный» терминлари англатган маънолар ўртасида фарқ бор, буни ажратмасдан, пала-партиш ишлатавериш баъзан қўпол хатоларга ҳам олиб келган. Чунончи, кўпинча илмий-тадқиқот ишларида фразеологизмларни сўзма-сўз таржима қилиш уларни маънодан батамом

махрум қилади, шу сабабли бу усулни унинг фақат салбий томони билан характерлаш лозим деган фикрлар илгари сурилган.

Башарти, бундай даъвони тўғри деб фараз қилинса, қуйидаги мисраларнинг тўғри таржима қилинганини рад этиш учун бирон далил келтириб бўлармикан:

Дураку закон не писан — аҳмоққа қонун битилмаган.

Солиштиринг: { дурак — аҳмоқ,
закон — қонун
не писан — битилмаган.

На безрыбье и рак рыба — балиқ йўғида қисқичбақа ҳам балиқ.

Солиштиринг: { на безрыбье — балиқ йўғида,
и рак — қисқичбақа ҳам,
рыба — балиқ.

Глядеть сквозь пальцы — панжа орасидан қарамоқ.

Солиштиринг: { глядеть — қарамоқ,
сквозь — орасидан,
пальцы — панжа.

Если враг не сдается, его уничтожают — агар душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар.

Солиштиринг: { если — агар,
враг — душман,
не сдается — таслим бўлмаса,
его — уни,
уничтожают — янчиб ташлайдилар.

از حلوا حلوا گفتن دهان شیرین نمیشود (форсча мақол) — „ҳолва“ деган билан оғиз чучимайди (ўзбекча мақол) — сколько ни говори „халва (-халва)“, во рту сладко не станет.

Солиштиринг: { „ҳолва“ — „халва (-халва)“
деган билан — сколько ни говори,
оғиз — во рту
чучи — сладко
майди — не станет.

Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Хўш, булар сўзма-сўз қилинган таржима бўлмай, нима?

Жаҳондаги кўпчилик халқларнинг тилларида айрим мақол, матал ва идиоматик бирикмаларнинг эквивалентлари ишлатилади. Масалан, латин тилида: *praestat Sero, quam nunquam*; француз тилида: *mieux vaut tara que jamais*; рус тилида: *лучше поздно, чем никогда*; татар тилида: *нич булганчы кич булсын* [ничтәп кич яхшы (ТХМ, 285)]. Ўзбек тилида бундай мақол йўқ эди, шунинг учун у бизнинг тилмизга ҳам ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши деб сўзма-сўз таржима қилинди ва у кўпчилик томонидан ишлатилади.

Тожиқларнинг бир масали борки: «Зўри беҳуда миён мешиканад»⁵². Бу мақол ўзбек тилида айнан ишлатилиши билан бирга⁵³, параллел равишда унинг ўзбекча таржимаси ҳам қўлланилади: *беҳуда зўр бериш белни синдиради*. Рус тилига бунини М. Салье *будешь не по силам напрягаться, хребет сломаешь*⁵⁴ деб таржима қилган. Шундай қилиб, бу ажойиб тожиқча мақол ўзбек ва рус тилларида ҳам ўзидай ишлатила бошласа, бунинг нимаси ёмон?

Айрим мақол, матал ва идиоматик бирикмаларни уларнинг муқобиллари билан таржима қилиш баъзан кутилган натижани бермайди.

Рус тилида *кто сеет ветер, пожнет бурю* деган мақол бор. Бу асли инжилдан келиб чиққандир: «Так как они сеяли ветер, то и пожнут бурю» [(Книга пророка Осии, 8,7; КС, 319)]. Русча-ўзбекча луғатда унинг *қаримта қайтади* (РЎЛ, IV, 229) деган ноаниқ ва узоқ муқобили келтирилган.

Таржимон Мирзакалон Исмоилий «Йўлдаги курашлар» киноповестида бу мақолни *ким шамол юборса, ўзи бўронга учрайди* шаклида — бирикма таркибидаги *сеет* сўзини *юборса*, *пожнет* сўзини эса *учрайди* деб бериш билан — яхши таржима қилган. Бизнингча, уни *шамол эксанг — бўрон ўрасан* деб дадил таржима қилавериш ҳам мумкин.

М. Шолоховнинг «Тинч Дон» асарида *терпи, казак, атаман будешь* деган матал ишлатилган. Русча-ўзбекча луғатда «терпи, казак, атамано будешь... сабр қилсанг етасан» (РЎЛ, V, 333) деб берилган. Аммо бу вариант асардаги ўша контекстга тўғри келмайди. Таржимон эса уни *сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар* (ТД, 192) деган ўзбекча муқобил матал билан ағдарган.

⁵² Гулхани, Зарбулмасал ва ғазаллар, Тошкент, 1958, 24-бет.

⁵³ Езувчи Абдулла Қаҳҳор «Тўйда аза» ҳикояси учун бу мақолни эпиграф қилиб олган.

⁵⁴ Гулхани, Избранные произведения, Ташкент, 1951, стр. 29 (бу мақол ўзбекча-русча луғатда *напрасные старания поясницу сломают* деб ихчамроқ таржима қилинган, УРЛ, 70).

Энди масаланинг аксини олиб қарайлик:

«Сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар; Бесабрлар ўз оёғидин йитар» ⁵⁵ .	«Кто терпелив, тому и самый кислый плод Даёт не кислоту, даёт слад- чайший мёд. А кто нетерпелив, достигнет тем скорей Не цели избранной, а гибели своей» ⁵⁶ .
--	--

Гулханий асарида *сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар* матали рус тилига *терпи, казак, атаман будешь* «эквиваленти» билан ағдарилганида, бу ақл бовар қилмайдиган бир иш бўлар эди.

Шундай қилиб, кўчма маънолари бир-бирига мувофиқ келса ҳам, аммо ўзбекча *сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар* ҳамда *терпи, казак, атаман будешь* бирикмалари бир-бирига эквивалент бўлмайди. Юқоридаги матални сўзма-сўз *сабр қил, казак, атаман бўласан* деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ иш бўлар эди.

Шундай қилиб, фразеологизмларни сўзма-сўз таржима қилиш мумкингина эмас, баъзан шундай қилишга зарурат ҳам туғилади.

Мақолда мужаасамланган образ таржима қилинаётган асардаги контекст билан узвий алоқада бўлганда, мақоллар кўпинча сўзма-сўз таржима қилинади,— деган эди М. М. Морозов. «Баъзан асар услубининг ўзи ҳам мақолларни айнан таржима қилишни талаб этади»⁵⁷.

Я. И. Рецкер «дословный» ва «буквальный» терминларининг маънолари бошқа-бошқа бўлиб, уларни бир-бири билан аралаштириш ярамаслигини алоҳида қайд этган эди: «...сўзма-сўз ва ҳижжалаб таржима қилиш деган икки хил тушунчани аралаштирмаслик керак. Ҳижжалаб таржима қилиш — турли-туман тилларнинг сўзлари ўртасидаги нуқул ташқи, шаклий ўхшашликка асосланган механик таржимадир. Бу — таржима соҳасидаги формализмдир. Сўзма-сўз таржима эса «сўзни-сўз» билан, ҳеч нарсани алмаштирмасдан ёки қайта группалаштирмасдан қилинган таржимадир.

⁵⁵ Гулханий, Зарбулмасал ва ғазаллар, 23-бет.

⁵⁶ Гулханий, Избранные произведения, Ташкент, 1951, стр. 28.

⁵⁷ М. М. Морозов, Пособие по переводу русской художественной прозы на английский язык, М., 1956, стр. 3—5.

Ҳижжалаб таржима қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Сўзма-сўз таржима эса муайян ҳолларда қонуний ҳодисадир»⁵⁸.

Башарти, бошқа тилдан таржима қилганда, ўзбек тилининг ўзидагина мавжуд лугат резерви ҳисобига «соф» ўзбекча сўз ва ибораларнигина ишлатиш, сўз ва бирикмаларнинг фақат ўз тилимизда мавжуд эквивалентлари ва муқобилларинигина қўллаш шарт бўлса: а) бундай таржима орқали биз ёзувчи тасвирлаган оламга кириб боролмас, уни тушунолмас, аксинча, асардаги воқеаларни ўз элимизга кўчириб, чет эл ёзувчисининг сиймосида ўз ватандошимизни кўрар эдик; б) бундай таржима тилни заррача бойитмас ва в) мазмуни, мавзун, услуби мураккаб ва бой бўлган айрим классик асарлар (масалан, «Капитал», «Материализм ва эмпириокритицизм», «Уруш ва тинчлик» ва бошқалар)ни умуман таржима қилиб бўлмас эди.

Ваҳоланки, бадий таржималар тилни тобора бойитиб боради: унга янги тушунчалар, янги сўзлар, янги мақол, матал ва, қисман, янги идиомалар кириб келади, унутилиб қолган айрим сўзлар яна ҳаётга қайтади, мавжуд сўзлар янги маъно касб этади ёки маъноси кенгайди ва ҳоказо. КПСС Программасида: «...миллий тиллар тенг ҳуқуқлик ва бир-бирини бойитиш асосида ривожланиб боради» (116-бет) деб ёзилган экан, тилларнинг бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитишини таржимасиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди.

Шундай қилиб, ҳозир бизда ишлатилаётган айрим тушунчалар ва терминларга аниқлик киритишга тўғри келади. Бизнингча, «сўзма-сўз таржима» жуда кўп ҳолларда русча «буквальный перевод» маъносида ишлатилиб кетгани ҳамда рус тилининг ўзида ҳам кўп ҳолларда «дословный перевод» — формалистик («буквальный») таржима маъносида қўлланилгани сабабли, проф. А. В. Федоров ишлатаётган «точный перевод» терминини қабул қилиб, «аниқ таржима» деб қўллаш маъқул.

«Буквальный перевод» маъносида эса ўнлаб терминларни ишлатмасдан, балки «ҳижжалаб таржима қилиш» деган бирикмали терминни қабул этиш мақсадга мувофиқдир.

«Адекват таржима» тушунчаси ва термини бизда кўп ишлатилади. Унинг маъноси: «адекватное [*лат. adaequatus приравненный*] — равный, вполне соответствующий, тождественный» (КСИС, 16) демакдир. Шундай қилиб, асл

⁵⁸ Я. И. Рецкер, О градации трудностей в курсе перевода на родной язык, «Ученые записки военного института иностранных языков», 1948, № 6, стр. 42.

нухани тўлиқ акс эттирувчи, унга мувофиқ ва у билан тенглашадиган таржима адекват таржимадир.

„Компенсация“
тушунчаси

«Компенсация» тушунчаси ва терминини бизда дастлаб Х. Дониёров ва Р. Дониёровлар ишлатганлар⁵⁹. «Компенсация [*лат. compensare улавновешивать; возмещать*] — ...возмещение; вознаграждение за потерянное или уступленное...» (ҚСИС, 173).

Асарнинг асл нухасидаги кўчма маъноли бирикмаларни уларнинг эквивалентлари ва муқобил (вариант)лари билан алмаштириш унча қийин эмас. Аммо, кўп ҳолларда, унда шундай мақол, матал ва идиоматик бирикмалар учрайдики, улар фақат айти тилнинг ўзигагина хос бўлиб, бошқа тилга кўчириш жуда қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолда ўша фразеологизм ўрнига бошқа бирикма келтириб қўйилади ва бу билан оригиналнинг ўрни тўлдирилади («Компенсация» терминининг луғавий маъноси, юқорида кўрганимиздай, «товон тўлаш» демакдир).

Башарти, Н. В. Гоголнинг «Уйланиш» комедиясидаги *басурман* («А кабы умела по-басурмански, то тебе же хуже») сўзини ўзбекча *муслмон* билан алмаштирилса, бу билан, биринчидан, асарнинг миллий хусусиятига зарар етган бўларди. Бундан ташқари, Фекла бу сўзни ишлатганида «муслмон» тилини эмас, балки француз тилини назарда тутган эди. Шунинг учун Абдулла Қаҳҳор *басурман* сўзини унинг ўзбекча муқобили — *чулчутча* билан компенсация қилган. Серафимовичнинг «Темир оқим» асарида бу сўзни («Опять же свои, не басурманы») таржимон Қибриё Қаҳҳорова *ғайри дин* сўзи билан ағдарган.

„Интерпретация“
тушунчаси

Фразеологик ибораларни таржима қилганда ҳам интерпретация усулидан фойдаланилади. «Интерпретация (*лат. interpretatio*) — толкование, раскрытие смысла чего-л.; разъяснение того или иного текста» (ҚСИС, 141).

Русча айрим бирикмаларни агар ўзидай олинадиган бўлса, бундай таржимадан ҳеч қандай маъно чиқмайди. Шунинг учун ўзбекча бирикма мантиқан табиий формада берилиши даркор. Бундай ҳолларда формал жиҳатдан оригиналда бўлмаган айрим сўзлар таржимада «қўшилади». Аслида эса «қўшилган» нарсанинг ўрни шаклан оригиналда бўлмаса ҳам, мазмунан биз уни бор деб биламиз.

⁵⁹ Х. Дониёров, Р. Дониёров, «Инсон тақдири»нинг таржимаси, «Шарқ юлдузи» журнали, 1960, 11-сон, 151-бет.

«—...Как ни кроши, а мой родной сын — капитан и командир батарея, это не шутка!» (СЧ, 32).

«—...Нима десанг, де, ўз пушти камаримдан бўлган ўғлим — капитан, батарея командири, бу ҳазил гап эмас!» (Инт, 60).

Родной сын бирикмасидаги *родной* сўзини ўзбек тилига худди шундай сўз билан бериб бўлмайди. Шунинг учун таржимон бу сўзнинг ўрнига *ўз пушти-камаримдан бўлган* сўзларини қўшиб таржима қилган, ammo бу билан оригиналга хилоф етмаган, аксинча, у содда ва тушунарли бўлиб чиққан. «Это не шутка» иборасини «бу ҳазил гап эмас» деб таржима қилганда ҳам «гап»нинг қўшилиши интерпретациядир.

Б. Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» повестида ўқиймиз: «Горько было ему, что не доведется больше покурить с ребятами махорки в блиндаже, не бежать ему вместе, рядом в атаку, когда смертельно весело горохочет артиллерийский гром, смерть жарко дышит в лицо и от ее дыхания жутко, и весело, и буйно на душе...»⁶⁰. *Смертельно весело* фразеологик бирикмаси асарнинг қайта таржимасида *шўх-шўх отиб турганда* (Б, 1953, 183) деб берилган. Ваҳоланки, Н. Алимухаммедов таржимасида бу бирикма *ажал бозорини қизитиб* (Б, 1946, 146) деб жуда яхши интерпретация қилинган эди.

Баъзан айни бир ибора бир хил контекст ичида ўзбекча эквиваленти билан таржима қилинса, бошқа контекст ичида интерпретация йўли билан ағдарилади. Чунончи, Л. Н. Толстойнинг «Анна Каренина» романидан олинган қуйидаги икки мисолни қиёс қилинг:

1. «Она увидела их, по-могла, втянулась, и теперь все семейство на ее руках» (АК, II, 302).

2. «— Да, если правду сказать, мне не понравился тон Весловского, — сказала Дарья Александровна, желая переменить разговор.

— Ах, нисколько! Это щекотит Алексея и больше

«Анна инглиз оиласининг аҳволини кўриб ёрдам берди, хабар олиб турди, ҳозир шу оила Аннанинг қўлида» (326-бет).

«— Ҳа, ростини айтсам, Весловскийнинг қилиқлари менга ёқмади, — деди Дарья Александровна, гапни бошқа ёққа буриш мақсадида.

— Э, парвойимга ҳам келмайди! Фақат Алексейнинг қитиғига тегади, холос; лекин

⁶⁰ Б. Горбатов, Избранное, М., 1955, стр. 556.

ничего; но он *мальчик и* *весь у меня на руках*; ты понимаешь, я им управляю, как хочю. Он все равно что твой Гриша...» (АК, II, 239).

қип-қизил ёш бола, «гаҳ» *десам*, *қўлимга қўнади*; билан-ку, бундақаларни қўлимда қўғирчоқ қилиб ўйнайман. Бу нимаю, сенинг Гришанг нима...» (257-бет).

Биринчи мисолда *на руках* идиомасига *қўлида* идиомаси айнан мувофиқ тушган. Иккинчи мисолда худди ўша идиома тамомила бошқа контекстда бошқача маъно касб этади. Эҳтимол, бу ҳолда ҳам уни *менинг қўлимда* деб таржима қилинса, муддао англашилар. Аммо Мирзакалон Исмоилий ўша идиомани бу сафар «гаҳ» *десам*, *қўлимга қўнади* деган матал билан таржима қилиб, иборанинг маъносини тўла рўёбга чиқаради; *мальчик сўзи* ҳам *қип-қизил ёш бола* деб муваффақиятли интерпретация қилинган.

«Антонимик таржима» тушунчаси

Буни ўзбекчасига тўғридан-тўғри «зиддий таржима» деб олиш мумкин эди. Аммо бундан «маънолари бир-бирига зид таржима» маъноси англашилиб қолиш хавфи бўлганлиги сабабли, грекча терминдан айнан фойдаланишни лозим топдик: «антонимы [гр. ant(i) против + опота имя]—слова, имеющие противоположные значения, напр., твердый—мягкий, дорого — дешёво, болезнь — здоровье и т. д.» (КСИС, 32).

Шакли бир-бирига зид, аммо маънолари монанд бирикмалар антонимик бирикмалардир. Масалан, рус тилида «нима бўлса шу бўлсин», «менинг парвойимга келмайди» деган маънода *хоть трава не расти* деган фразеологик бутунлик ишлатилади. Энди ўзбек тилида ҳам худди шу маънода қўлланиладиган бирикмага диққат қилинг: *менга деса говлаб кетсин!*

Демак, русча бирикмада «менга деса ўт ўсмасин» дейилса, ўзбекча вариантыда «говлаб кетсин» дейилади! Аммо, таркибидаги сўзларнинг конкрет маъносидан қатъи назар, уларнинг кўчма маънолари бир-бирига монанд ва шунинг учун бу икки фразеологик бутунликни эквивалент бирикмалар деб ҳисоблашга тўлиқ асос бор.

Қардош тилларда ҳам антонимик бирикмалар учраши мумкин:

Хитой тилида «одной рукой в ладоши не хлопнешь» (КНПП, 70) деган матал бор. Шу матални форс тилида ҳам учратамиз: *يك دست بى صدا است* (ППП, 181). Буларнинг маъноси — «қарс бир қўлдан чиқмайди» демакдир. Аммо биз-

да худди шу фикр антонимик йўл билан айтилади: *қарс икки қўлданчиқади*. Матал формаси қандайлигидан қатъи назар, улар бир-бирига эквивалент бўла олади.

„Сохта
эквивалент“
тушунчаси

А. В. Федоровнинг кўрсатишича, айрим сўзлар бошқа тилдаги сўзларга фонетик томондан мос келиши ёки уларга жуда ўхшаши мумкин, аммо уларнинг мазмуни ва англатган маънолари бир-биридан жиддий фарқ қилади. Масалан, немис тилида *der Akademiker* сўзи «олий маълумотли киши», «студент», «олий мактаб ўқитувчиси» ва гоҳо «академик» маъноларини англатса, рус тилида, асосан «Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси» маъносида келади (Айрим ҳоллардагина «тингловчи» ва «ҳарбий академияни битириб чиқувчи» маъноларини англатади); немисча *der Dramaturg* — «режиссёр» ва «театр репертуарининг мудир» маъноларида келса, рус тилида «драматик асар автори» деган маънони англатади⁶¹. Инглиз — рус, француз — рус ва бошқа тилларни қиёс қилганда ҳам бундай сўзлар кўп учрайди.

Шаклан ўхшагани билан маънолари бир-биридан жиддий фарқ қиладиган сўзлар сохта эквивалентлар деб қабул қилинган.

Аммо А. В. Федоров турли тилларда фақат айрим сўзларнинггина фонетик жиҳатдан ўхшашлигини сохта эквивалент деб олган бўлса, биз бу терминни структураси жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, аммо маъноси бир-биридан жиддий тафовут қиладиган, ҳатто бир-бирига зид бўлган фразеологик ибораларга нисбатан ишлатдик.

Ўзбекча-русча луғатда *кўр ҳассасини бир марта йўқотади* маталига *сапёр ошибается один раз* матали муқобил қилиб кўрсатилган (УРЛ, 233). Ваҳоланки, тузилиши жуда ўхшаш бўлган бу икки бирикманинг маъноси бир-бирига зид: ҳассасини бир марта йўқотган кўр шундан кейин эҳтиёткор бўлади, аммо бир марта хатога йўл қўйган сапёрнинг ўз хатосини тузатиб, эҳтиёткор бўлиши мумкин эмас — унинг хатоси ўлим билан баравар. Шунинг учун бу икки бирикма бир-бирига сохта эквивалентдир. Шунингдек, ўзбекча «онасини учқўрғондан кўрсатмоқ» идиомаси русча «показать кузькину мать» идиома-сининг сохта эквивалентидир.

А. В. Федоров «Таржима назариясига кириш» номли аса-рида мақол ва маталларни рус тилига таржима қилишнинг қуйидаги усулларини кўрсатади:

⁶¹ А. В. Федоров, Введение в теорию перевода (Лингвистические проблемы), стр. 145—146.

1. Мақол ва маталларни — таркибидаги сўзларнинг (бизнингча айтганда — объектларнинг) моддий маъносини айнан сақлаган ҳолда — аниқ таржима қилиш.

2. Асл нусхадаги мақол, матал ва фразеологик оборотлар таркибидаги сўзларнинг моддий мазмунини ёки шаклини бирмунча ўзгартиб таржима қилиш.

3. Асл нусхадаги мақол, матал ва фразеологик бутунликларни асар таржима қилинаётган тилда ҳақиқатда мавжуд бўлган муқобил билан алмаштириш.

Авторнинг кўрсатишича, фразеологизмларни таржима қилишнинг биринчи ва иккинчи усуллари қўл келмаган тақдирда, уларни таржима тилида мавжуд бўлган кўчма маъноли бирикмалар билан алмаштириш маъқул. Бу усул таржимада катта ўрин эгаллайди⁶².

Мақол, матал ва идиоматик ибораларни таржима қилишнинг А. В. Фёдоров белгилаб берган бу уч усули фразеологизмларни таржима қилишнинг умумий усули бўлиб, жумладан, рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш практикасига ҳам мувофиқ келади.

Фразеологизмларни ўрганиш планида адекват таржима яратиш, автор ва таржимон услуби, таржимада миллий колоритни акс эттириш ва бошқа муҳим назарий масалаларни тадқиқ қилиш катта аҳамиятга моликдир. (279-саҳифадаги мисолни унинг таржималари билан муқояса қилинг).

Мақол, матал ва идиомаларни рус тилидан ўзбекчага таржима қилиш масалаларини уларнинг бир қанча туркий тилларга таржимаси билан муқояса этиш асосида ўрганиш қуйидагича хулоса чиқариш имконини беради:

1. Айни бир фразеологизм турли тилларга турлича усуллар билан таржима қилинган бўлиши мумкин. Чунончи, *большому кораблю — большое плавание* мақоли тожик тилида муқобил вариант билан алмаштирилган бўлса (III усул), ўзбек тилига таркибидаги сўзларнинг моддий маъноси сақланган ҳолда ағдарилган (I усул).

2. Аксинча, айни бир фразеологизм бир неча тилларга муайян бир усул билан ёки ҳатто айни бир хил (эквивалент) фразеологизм билан таржима қилиниши мумкин. Масалан, *далека песня* ибораси ўзбек тилига *туянинг думи ерга текканда* (1934) ҳамда тожик тилига ҳам худди *шу думи шутур ба замин мерасад* (1952) идиомалари билан ағдарилган. Фразеологизмларни таржима қилишда рўй берадиган бундай мувофиқлик табиийдир.

⁶² Қаранг: А. В. Фёдоров, Введение в теорию перевода (Лингвистические проблемы), стр. 170—174.

Рус тилида	Озарбайжонча таржимаси	Тожиқча таржимаси	I Ўзбекча таржимаси	II Ўзбекча таржимаси
<p>“Аммос Федорович, Большому кораблю— большое плавание. Артемий Филиппович. По заслугам и честь. Аммос Федорович (в сторону). Вот выкинет штуку, когда в самом деле сделается генералом. Вот уж кому пристало генеральство, как корове седло! Ну, брат, нет, песня. Тут и почище тебя есть, а до сих пор еще не генералы” (Р, 107).</p>	<p>“Аммос Федорович— Аллах нар кәсә өз табилийәтинә кәрә верир. Бөйүк адамларын да бөйүк ери вар. Артеми Филиппович— Ләягәтә жәрә дәр һәрмәт. Аммос Федорович (кәнарә) —...Кенераллыг буна эшшәйә пан ярашан кими яралар. Йох, ашина, эләр сәнин женерал олмандо этоғо еше далека песня. Тут и почише ғына чох вар” (М, 106).</p>	<p>“Аммос Федорович, Дарвози калон—кулфи калон, гуфтаанд. Артемий Филиппович. Баробари хизмат мукофот. Аммос Федорович (ба як сү). Агар ҳақиқатан генерал авад, хеле номатъули мекунад! Зини асп ба пушти гов чин қадар ки номуносиб бошад, мансаби генерали ҳам ба у ҳамин қадар номувофиқ мебулд! Не, бародар, то вақте ки генерал шави, думи шу тур ба замин мерасад. Дар ин аз ту беҳтар одамоне ҳастанд, ки хануз генерал ношуданд” (Ас. мунт., Р, 480).</p>	<p>“Аммос—катта кемага катта сафар. Артемий—Хизматга яраша хурмат. Аммос—(бир четга) ...Генерал бўлса кўп қизиқ бўлади-да, худди сизгирга эгар ургатандай! Сен генерал бўлганча туянинг думи ерга тегали. Бу ерда сендан кўра обрўлироқ одамлар ҳам бор, ҳали улар генерал бўлган йўқ-ку...” (Тер).</p>	<p>Аммос Федорович. Катта кемага катта сафар муносиб. Артемий Филиппович. Хизматга яраша хурмат. Аммос Федорович (четга). Генерал бўлса ҳам роса галати генерал бўлса керак, сизгирга тўқим урган-дек хўп ярашар! Эҳ, ҳали бу қаёқда-ю генераллик қаёқда. У ерда сендан тўзукроқ одамлар ҳам бор, ҳали генерал бўлган эмас (Р, 87).</p>

3. Мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш қуйидагича икки хил принцип асосида амалга оширилади: а) дастлабки сўзма-сўз таржимадан мантиқий мукаммал таржимага қараб бориш (бирикманинг структурасини ўзгартириш билан таржима қилиш); б) изоҳли таржимадан аниқ таржимага қараб бориш.

Муқояса қилинсин:

С. Сиддиқ таржимаси А. Қаҳҳор таржимаси

1	Большому	Катта	Катта
2	кораблю	кемага	кемага
3	большое	катта	катта
4	плаванье	сафар	сафар

муносиб

Кейинги таржимада *муносиб* феълнинг қўшилиши билан мақолнинг мукаммаллиги ва синтактик яхлит бўлишига эришилган.

Аmmo *холодная война* фразеологик бирикмаси таржима-сида аксинча ҳол рўй берди: агар у даставвал изоҳлаш йўли билан таржима қилинган бўлса (*совуқ муносабатлар уруши*), кейинчалик калька йўли билан ағдариладиган бўлди (*совуқ уруш*).

4. Дастлаб сўзма-сўз ағдарилган фразеологик ўхшатма кейинги таржималарда ибора объектини ўзгартириш орқали берилиши мумкин. Чунончи, *как короле седло* («вот уж кому пристало генеральство, как короле седло») фразеологик ўхшатмаси ўзбекчага икки хил усул билан ағдарилган: а) сўзма-сўз таржима усули билан: *сигирга эга р ургандай* (С. Сиддиқ тар.); б) ўхшатма объектини ўзгартириш билан: *сигирга тўққим ургандай* (А. Қаҳҳор тар.). Н. В. Гоголь семантик маънолари жиҳатидан узоқ бўлган сўзларни (*корова* ва *седло*) бириктириш йўли билан юмористик ўхшатма ҳосил қилган бўлса, Санжар Сиддиқ автор услубини фақат такрорлаган, холос. А. Қаҳҳор эса ўзбек тилининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, тилимизда семантик томондан бир-бирига қовушмайдиган сўзларни (*сигир* ва *тўққим*) бириктириб, ўзига хос услуб билан автор услубини тўла акс эттира олган.

5. Айни бир фразеологизм, таржима жанри, характери ва контекстга қараб, бир тил доирасида ҳам бир қанча усуллар билан ағдарилиши мумкин. Масалан, *қуш сути* ибораси, ўрнига қараб, уч хил усул билан таржима қилинади: а) аниқ таржима — *қуш сути*; б) эквивалент ибора — *анқонинг уруғи*; в) ўзбекча муқобил ибора — *одамнинг жони*.

6. Ўзбек тилида русча мақол, матал ёки идиоманинг эквиваленти ёхуд муқобили мавжудлиги уни аниқ таржима қилмаслик лозимлигини билдирмайди. Баъзи ҳолларда ўзбек тилида муайян бирикманинг эквиваленти ёки муқобил вариантлари бўлган тақдирда ҳам, бирикманинг характерли хусусияти, персонажлар «тили»нинг индивидуаллиги ёки сўз ўйинини акс эттириш мақсадида уни аниқ таржима қилишга тўғри келади. Чунончи, *дарёному коню в зубы не смотрят* матали тилимизга икки вариантда ағдарилади: а) *берганнынг бетига қарама* деган муқобил матал билан (III усул); аниқ таржима йўли билан — *ҳадя қилинган отнинг тишига қарамайдилар* (I усул).

7. Тилимизда русча фразеологизмларнинг бир нечта муқобиллари мавжудлиги асл нусхани таржимада тўла акс эттириш имконини беради. Мисол учун *шло в мешке не уташь* мақолини контекстга қараб икки вариантда таржима қилса бўлади: 1) *ойни этак билан ёпиб бўлмайди*; 2) *касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади*.

8. Русча мақол, матал ва идиомаларнинг аниқ эквивалентлари таржима жараёнида бошқа русча фразеологизмлар учун муқобил вариант сифатида ишлатилиши ҳам мумкин. Маълумки, *кўрпангга қараб оёқ узат ва по одежке протягивай ножки* маталлари бир-бирига эквивалентдир:

«Эй Бойқуш, ҳоло сен «Эй, Бой-огли, теперь «по
«Кўрпангга қараб оёқ одежке протягивай ножки»⁶⁴.
узат»⁶³.

Бошқа бир ўринда айни шу матал ўзбек тилида бўлмаган *не в свои сани не садись* маталига муқобил вариант бўлиб келган:

«...Впредь тебе, невежа, «...Бундан кейин бўлгуси
наука: сабоқ:
Не садися не в свои Уз кўрпангга қараб чўз
сани»⁶⁵. оёқ!»⁶⁶.

9. Ўзбек тилида русча бирикманинг аниқ эквиваленти бўлмаган ҳолда, контекстга қараб, бир неча муқобил вариантлар билан таржима қилиниши мумкин.

Масалан, қиёс қилинг: *кишка тонка < қўли калталик қилмоқ > тиши ўтмаслик*.

⁶³ Гулханий, Зарбулмасал ва газаллар, 50-бет.

⁶⁴ Гулханий, Избранные произведения, стр. 58.

⁶⁵ А. С. Пушкин, Полное собрание сочинений в 10 томах, М., 1957, стр. 465.

⁶⁶ А. С. Пушкин, Танланган асарлар, Тошкент, 1949, 1-том, 292-бет.

1. Американцы уже сколько раз хотят попасть в Луну своей ракетой, но кишка тонка у них».
(П, 11 мая 1962 г.)

2. «...Бедняку и середняку-одиночке купить трактор слабо: кишка тонка!» (ПЦ, 26).

Фразеологик ибораларни таржима қилишда ҳар хиллик жуда кўп учрайди. Таржима назариясида бунга салбий ҳодиса сифатида қаралади. Дарҳақиқат, агар бир матал ёки идиомани бир нечта таржимон ўша бирикманинг узоқ «ўхшаш» вариантлари билан ёки қуруқ таржима қилсалар (бундай ҳоллар тез-тез учраб туради), буни чинакам таржима деб бўлмайди.

Бироқ бу ўринда тамомила бошқа нарсани таъкидлаш жоиздир. Чунончи, бир қанча эквивалент мақол, матал ва идиомалар борки, улар деярли ҳар қандай контекст ичида ҳам бир хилда таржима қилиниши мумкин. Аммо кўпчилик фразеологизмларни ҳамма вақт, ҳамма таржимонлар, ҳар қандай контекст ичида ҳам муайян бир хил эквивалент ёки муқобил бирикма билан бера олмайдилар ва таржимон олдига бундай талабни қўйиб ҳам бўлмайди. Зотан, юқорида кўрилганидай, ҳар бир таржимон автор услубини акс эттирар экан, бунда унинг ўз индивидуал услубининг ҳам изи бўлади. Мақол, матал ва идиомаларни таржима қилганда бу нарсаяққол кўзга ташланади. Бутун бир асарни, ундаги барча фразеологизмларни икки таржимон бир-бирига мутлақ ўхшайдиган қилиб таржима этиши мумкин эмас. Шунинг учун мақол, матал ва идиомаларни, айна контекстга мос ҳолда, икки таржимон икки хил таржима қилар экан, бунинг учун таржимонларни айблаш бадий таржиманинг спецификасига тушунмаслик демакдир.

«Ревизор» комедиясида «... а так, мошенники, я думаю, там уж просьбы из-под полы и готовят» (Р, 26) гапани С. Сиддиқ айнан «Бу муттаҳамлар ҳали этак остидан ариза ҳам тайёрлаётгандир...» (Тер, 1934, 18) деб ағдарган бўлса, А. Қаҳҳор бундай таржима қилган: «Бу муттаҳамлар ҳали энг ичида узатгани ариза ҳам битиб қўйгандир дейман» (Р, 1952, 19). Бинобарин, С. Сиддиқ «махфий» маъносидаги из-

«Америкаликлар ўз ракеталарини Ойга учуришга неча марталаб уриниб кўрдилар, аммо уларнинг қўли қисқалик қиляпти, шундай бўлгач, нима ҳам қила олишарди»
(Қўз, 1962 йил 12 май).

«— Камбағал билан якка хўжалик ўртаҳолнинг трактор олишга қурби етмайди: тиши ўтмайди» (ОҚ, «Шқ. юл.», 1960, 5-сон, 40).

под полы иборасини унинг эквиваленти билан, А. Қаҳҳор эса унинг ажойиб ўзбекча муқобили билан акс эттирган экан, бу табиий ҳолдир.

Ҳар қандай ҳолларда ҳам тўғри маъно англаувчи эркин бирикмаларни нуқул идиоматик иборалар билан алмаштиришга ружув қилиш асарнинг бадий қиёфасини ўзгартиришга олиб келиши мумкин. Бироқ, баъзи бир ҳолларда, таржимада рус тилининг ўзигагина хос бўлган айрим мақол, матал ва идиомаларнинг умумий маъносигина акс эттирилар экан, яъни русча турғун бирикмалар ўзбекча эркин бирикмалар билан берилар экан, аксинча, рус тилида тўғри маънода ишлатилган бирикмаларни ҳам, контекстга, асарда тасвирланган персонажнинг индивидуал хусусиятларига қараб, компенсация мақсадида идиомалар, қисман, мақол ва маталлар билан ҳам алмаштириш мумкин.

«Аммос Федорович. Я, пожалуй, Антон Антонович, продам вам того кобелька, которого торговали.

Городничий. Нет, мне теперь не до кобельков.

Аммос Федорович. Ну, не хотите, на другой собаке сойдемся» (Р, 116).

I ўзбекча таржимаси

II ўзбекча таржимаси

«Аммос— Антон Антонович, мен энди сизга, ана у олмоқчи бўлганингиз кўпакни сотсам сота қолай дейман.

«Аммос Федорович. Антон Антонович, менинг ана у итимга оғиз солган эдингиз, энди ола қолинг. Майли сотсам сотай.

Ҳоким — Йўқ, энди менинг кўпак билан ишим йўқ.

Ҳоким. Йўқ, ҳозир бунақа гаплар қулоғимга кирмайди.

Аммос — Уни хохламасангиз бошқа итни гапиришамиз».

Аммос Федорович. Бу бўлмаса, бошқаси сиздан айлансин» (Р, 1952, 86).

(Тер, 1934, 74).

Агар «продам кобелька, . . . которого торговали» жумласини айнан ўзидай таржима қилинадиган бўлса, биринчи таржимада қилинганидай — «олмоқчи бўлганингиз кўпакни сотсам сота қолай» — бўлади. Аммо бу таржимада асл нусхада айтилмоқчи бўлган мазмун бўлса-да, бадийят йўқ, чунки русча бирикманинг ўзида ҳам қандайдир «ўзига хослик» бор. Ана шу нарсани рўёбга чиқариш учун Абдулла Қаҳҳор *ит* ва *оғиз солмоқ* каби семантик томондан бир-бирига ножинс сўзларни қовуштириб («итга оғиз солиш»ни тасаввур қилинг!),

асл нусха мазмунини ҳам, комик хусусиятини ҳам рўёбга чиқарган.

«На другой собаке сойдемся» бирикмасида ҳам, юқоридаги таржимада кўрганимиз каби, семантик жиҳатдан тамомила бошқа-бошқа сўзларни бириктириш натижасида (тасаввур қилинг: «сойтись на... собаке!») нозик комик-услуг хусусияти ҳосил қилинган. Русча бирикманинг умумий луғавий мазмуни — Санжар Сиддиқ таржимасида кўрсатилганидай — «бошқа итни гапиришамиз» — бўлади. Аммо бунда луғавий аниқликка эришиш эвазига асл нусхадаги нозик стилистик маъно қурбон қилинган. Абдулла Қаҳҳор эса бошқа йўл тутган — у гарчи луғавий жиҳатдан деярли бугундай фарқ қиладиган сўзларни ишлатган бўлса ҳам, авторнинг муддаосини таржимада акс эттири олган. Чиндан ҳам, «на другой собаке сойдемся» — «бошқаси сиздан айлансин» эмас. Аммо асардаги бадий ширани китобхонга етказиш учун таржимон бошқа ўзбекча идиомани танлаб, уни, Н. В. Гоголь сингари, семантик жиҳатдан тамомила бошқа сўз билан бириктирган. («Бошқаси сиздан айлансин» — «сиздан ит айлансин» дегани).

Шундай қилиб, Н. В. Гоголь салбий қаҳрамонларнинг салбий хусусиятлари устидан қаттиқ кулар экан, бунда уларнинг тил хусусиятларидан жуда усталик билан фойдаланади. Таржимон Абдулла Қаҳҳор авторнинг муддаосини тўғри акс эттириш учун «оддий» сўз ва бирикмаларни идиоматик сўз ва бирикмалар («оғиз солмоқ» ва «айлансин») билан алмаштирган экан, айрим назарий ақидаларга ёпишиб, таржимоннинг бу ишини қоралаш ўрнига, унга таҳсин ўқиш ва чинакам ижодий тажрибани чуқурроқ ўрганиш зарур.

«Ревизор» комедиясида ҳоким тилидан ишлатилган «ночь не спишь, стараешься для отечества» гапидаги *стараешься* сўзини ҳар икки таржимон ҳам идиоматик ибора билан берган. Чунончи, Санжар Сиддиқ буни «юрт деб жонингни куйдириб ишлайсан» деб (Тер, 30), А. Қаҳҳор эса «ватан деб жон ҳалак» (Р, 34) деб таржима қилганлар.

«Анна Андреевна. ... кто ж бы это такой был?»

Марья Антоновна. Это Добчинский, маменька.

Анна Андреевна. Какой Добчинский! Тебе всегда *вдруг* *вообразится* *этакое!* Совсем не Добчинский».

I ўзбекча таржимаси

II ўзбекча таржимаси

«Анна—... ким экан бу?»

Марья— Добчинский экан.

Анна—Қандай Добчинский?

Сенинг кўзингга ҳар вақт

«Анна Андреевна. ... Ким энди ўзи бу?»

Марья Антоновна. Добчинский, онажон.

шундақа бўлмағур нарсалар кўрина беради... Ҳеч Добчинский эмас...» (Тер, 1934, 34).

Анна Андреевна. Қўйсангчи. Чолни кўрсанг бувам деяберасан: Добчинский эмиш» (Р, 1952, 38).

«Вдруг вообразится этакое» бирикмасининг қуруқ маъноси — «ҳар вақт шундақа бўлмағур нарсалар кўрина беради...» бўлса, унинг шу контекст ичида бадний маъноси — «чолни кўрсанг, бувам деяверасан» маталидир. Таржимон бу бирикмани ўзбекча матал билан жуда ўринли алмаштирган.

Бир тилдан бошқасига ўтган сўз биринчи тилда фақат тўғри маънодагина қўлланилиб, идиоматик маънода ишлатилмаслиги, иккинчи тилда эса ҳам тўғри, ҳам идиоматик маъно касб қилиши мумкин.

Владимир Далнинг изоҳли луғатида *колпак* сўзи шундай талқин қилинган: «колпакъ, калпакъ... (татарск. шапка⁶⁷); «колпакъ... из тюркского колпак» (Радл. сл. 2, 268)⁶⁸.

В. Далнинг изоҳли луғатида бу сўзнинг идиоматик маънолари қуйидагича талқин қилинади: «околпачить кого, надеть на кого-либо колпак; ||подчинить себе|| одурачить» (1718-бетга қаранг).

А. Г. Преображенский луғатида ҳам *колпак* сўзидан ясалган *колпачный, колпачок, колпачник, околпачить, околпачивать* каби сўзлар келтирилади.

Демак, *колпак* асли туркча *қалпоқ* сўзидан олингандир. Ўзбек тилида *қалпоқ* сўзи фақат тўғри маънода қўлланилиб, рус тилида эса у идиоматик маъно ҳам касб этган, натижада «ўз» сўзимиз асосида яратилган идиоматик ибораларни рус тилидан таржима қилганимизда бошқа муқобил иборалар танлашга тўғри келади.

Рус тилида *колпак сўзи* «нодон», «лақма» каби маъноларни англатиб келади: «колпак... ҳазл гўл одам» (РЎЛ, II, 321).

«Городничий. Только рыскаете по городу да смущаете всех, трещотки проклятые, сплетни сеете, сороки короткохвостые!

Аммос Федорович. Пачкуны проклятые!

Лука Лукич. Колпаки!

Артемий Филиппович. Сморчки короткобрюхие!» (Р, 117—118).

⁶⁷ Толковый словарь живого великорусского языка Владимира Даля, том II, И—О, издание т-ва М. О. Вольфъ, Санкт-Петербург—М., 1914, стр. 360.

⁶⁸ А. Г. Преображенский, Этимологический словарь русского языка, том I, А—О, ГИС, М., 1959, стр. 338—339.

Бу ўринда ишлатилган *колпаки* сўзи ўзбек тилига икки хил — *меровлар* ва *қилиғи совуқлар*, озарбайжон тилига *баши бошлар*, тожик тилига *каллаварамҳо* деб ағдарилган. Асарнинг Санжар Сиддиқ таржимасида *меровлар* деб берилиши маъқул бўлиб, 1952 йилги таржимада қилиғи совуқлар деб ағдарилиши тўғри эмас. Умуман, бу парча асарнинг кейинги ўзбекча таржимасида бузилган. Санжар Сиддиқ таржимаси билан О. Эрберг томонидан қилинган тожикча таржима бир-бирига анча яқин.

Рус тилида туркча *қалпоқ* сўзидан идиоматик маъно ташувчи ибора учун объект сифатида фойдаланилган экан, бундай ҳодисани ўзбек тилида ҳам кўрамай.

Кўрнамак сўзини олайлик. Бу — ўзбекча *кўр* ҳамда тожикча *намак* сўзларидан бириккан бўлиб, ўзбекча «таржимаси» «кўртуз» демакдир (сўзларнинг семантик хусусиятлари ҳақида ишнинг IV бўлига қаранг). Аммо «кўртуз» — ҳеч қандай маъно англатмайди.

Жувонмарг сўзининг ҳар икки компоненти ҳам тожикчадир (*жувон* — *ёш*; *марг* — *ўл*).

Демак, муайян тилдаги идиоматик иборалар ўша тилда мавжуд сўзлар асосидагина яратилмайди, балки четдан кирган сўзлар ҳам янги идиомалар яратиш учун объект бўлиши ёки ўзининг «асл» идиоматик маъноси билан бирга кириб келиши мумкин.

*
*
*

Хуллас, бир тилдан бошқа тилга таржима қилишнинг, айниқса шеърий таржиманинг қийинлиги, тилларда айрим формал элементларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги, баъзи тилларнинг ўзини хос бўлган категориялари орқали ифодаланган маънони бошқа тилда айнан шундай ифода-лаб бўлмаслиги, айрим формал элементга ортиқча баҳо бериб юбориш каби ҳоллар баъзи олимларнинг бир тилдан иккинчи тилга умуман таржима қилиб бўлмайди⁶⁹, деган зарарли хулоса чиқаришларига сабаб бўлган. Айрим мақол, матал ва, хусусан, идиомаларни бир тилдан бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмаслиги ҳам уларни шундай хулоса чиқаришга олиб келган эди. Ҳақиқатда эса фразеологик иборалар бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиб бўлмайдиган қандайдир «ўзида нарс» эмаслигини рус тилидан ўзбек тилига қилинган таржима материаллари асосида исботлаш бундай «назария»нинг асоссиз ва пуч эканлигини, ўзбек тилига русчадан ва жаҳондаги истаган тилдан ҳар қандай мураккаб текстни ҳам таржима қилиш мумкинлигини яққол кўрсатади.

⁶⁹ Қаранг: А. В. Федоров, Введение в теорию перевода, Изд-во лит. на иностр. яз., М., 1953, стр. 25.

**БАДИИЙ ТАРЖИМАДА МАҚОЛ, МАТАЛ ва ИДИОМАЛАР
СТРУКТУРАСИНING БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

(Таржимада фразеология объектининг ўзгариш ва сақланиш ҳоллари)

**Фразеоло-
гизмларнинг
объекти
ҳақида**

Таржимада мақол, матал ва идиомалар объектининг ўзгариши ва сақланиши масаласи ўзбек таржимашунослигида мутлақо ўрганилмаган. Қўпинча рус олимларининг ишларида бу масала тилга олинган бўлса-да, аммо алоҳида проблема сифатида текширилмаган. Шунинг учун таржимачилик ишида учраб турадиган бу ҳодиса ҳозиргача ягона номга ҳам эга эмас. Чунончи, баъзи олимлар буни «вещественный смысл слова». (сўзнинг моддий мазмуни), «оппорные компоненты словосочетания». (сўз бирикмасининг таянч компонентлари), «образная основа словосочетания» (сўз бирикмасининг образли асоси) ва бошқа номлар билан атайдилар. Биз уни қисқагина қилиб «объект» (лат. *abjectum* предмет) (КСИС, 250) сўзи билан номладик. Шундай қилиб, бирикманинг тузилиши учун асос бўлган предмет ёки тушунча «объект» деб олинди.

Мақол, матал ва идиомаларнинг биттадан тортиб бир нечта объектлари бўлиши мумкин. Масалан, *собаку съел* идиома-сида объект битта *собака* сўзидир; *кошке игрушки, а мышке слезки* маталида эса иккита—*кошка* ва *мышка* сўзларидир (бу-нинг ўзбекча *қассобга гўшт (ёғ) қайғуси, эчкига жон қайғуси* эквивалентида ҳам иккита объект бор — *қассоб* ва *эчки*).

М. М. Морозов мақол учун асос бўлган сўз таржима қилинаётган асар контексти билан боғланган бўлса, у сўзма-сўз таржима қилиниши лозимлигини уқтирган эди¹ (бу масалада олдинги бобда ҳам баъзи мулоҳазалар айтилган).

¹ Қаранг: М. М. Морозов, Пособие по переводу русской художественной прозы на английский язык, Изд-во лит. на иностр. яз., М., 1956, стр. 35.

А. В. Федоров эса бу ҳақда қуйидаги гапларни айтади: «Фразеологик чатишмаларни ёки идиомаларни (рус тилидаги «бить баклуши», «как пить дать...» каби) уларнинг образли асосини сақлаган ҳолда таржима қилиш кўпинча мумкин ҳам эмас, керак ҳам эмас, чунки бу ерда лексик таркибий қисмларнинг маъноси йўқолган, бутун бирликнинг маъносига тамоман сингиб кетган. Муайян фразеологик бирликларга ва, қисман, фразеологик чатишмаларга хос бўлган соддалик ёки жонли тилга хос табиийлик оттенкасини (тўла ёки қисман) сақлаш мумкин, холос...»².

Бу икки олимнинг фикри ўртасида зиддият борга ўхшаб кўринади, чунончи, М. М. Морозов таржимада бирикманинг объектини кўпинча сақлашни мувофиқ топган бўлса, А. В. Федоров кўп ҳолларда бундай қилишнинг иложи ҳам, ҳожати ҳам йўқ, деб айтади. Ҳақиқатда эса, уларнинг гаплари ўртасида ҳеч қандай номувофиқлик йўқ. Негаки, М. М. Морозов мақоллар тўғрисида гапирган бўлса, А. В. Федоров идиомалар (идиомаларнинг ҳам маълум бир категорияси) тўғрисида фикр юритади.

Қандай ҳолларда, фразеологиянинг қайси қатламларида уларнинг объектлари бир-бирига мувофиқ келади, бунинг сабаб ва оқибатлари нимадан иборат? Қуйида ана шу масалалар атрофида фикр юритилади.

Бирикманинг объектини ҳамиша сақлашга интилиш ғализлик туғдирса, аксинча, ҳар қандай ҳолларда ҳам уларни ўзбекча традицион объектлари билан алмаштиравериш текстга маҳаллий, миллий бўёқ беришга сабаб бўлиши мумкин.

Демак, таржимада бирикманинг объектини ўрганиш уни қайси йўл билан таржима қилиш лозимлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Чунончи, уни аниқ таржима қилиш керакми, ўзбекча эквиваленти ёки муқобили билан алмаштириш лозимми, ёхуд бошқа йўллар билан акс эттириш маъқулми деган масалаларни белгилашда бирикма объектнинг аҳамияти катта: фразеологизм объекти уни қандай таржима қилиш кераклигини белгиловчи нарсадир.

Иккинчи томондан, объектлари ҳамда шакллари бир-бирига жуда мувофиқ келадиган айрим мақол, матал ва идиомалар мазмунан бир-бирларининг ўрнини қоплай олмаслиги мумкин. Ана шундай ҳолларда баъзан сохта эквивалентлар ҳам ишлатиб юборилиши хавфи туғилади. Кўп ҳолларда эса таржимон бирикмани, механик равишда, унинг объектларига қа-

² А. В. Федоров, Введение в теорию перевода (Лингвистические проблемы), М., 1958, стр. 171.

раб таржима қилиб, бадий ифодада ғализликка ва тил сунъийлигига йўл қўяди.

Демак, бирикманинг объекти уни қандай таржима қилмаслик кераклигини ҳам белгилловчи омиллардан биридир.

Фразеология объектини ўрганиш лексикографияда ҳам катта аҳамият касб этади: агар мавжуд икки тилли луғатларда мақол, матал ва идиоматик ибораларни уларнинг объектига қараб жойлаштирилмаса, уларни фақат маъносига қараб акс эттиришнинг иложи бўлмас эди.

Шу билан бирга, айрим икки тилли луғатларда (масалан, ўзбекча-русча луғатда) кўп бирикмалар объектига қараб, бир неча марталаб такрор ишлатилади. Бунинг сабаби, икки тилли луғатларда фразеологияни объектига қараб жойлаштириш принциплари пухта ишлаб чиқилмаганидир (фразеологияни луғатда акс эттиришда уларни етакчи маъно объектига қараб жойлаштириш ва алфавит тартибда қўшимча объектига навбат келганда, асосий объектига ишора қилиш зарур. Бундан ташқари, беш томлик русча-ўзбекча луғатда қилингани сингари, махсус илова тузиш мақсадга мувофиқ).

Махсус фразеология луғати тузганда ҳам бирикмаларни уларнинг объектига қараб жойлаштириш принципи энг мақбул, қулай ва синалган принципдир*.

Икки тил фразеологиясининг объектига муқояса қилиш қиёсий ва чоғиштира грамматика яратишда ҳам қимматли материал беради. Ниҳоят, бундай принцип ёзувчи ва таржимон услуги, персонажлар тилининг ўзига хос хусусиятлари ва асарнинг миллий колорити тушунчаларини аниқлашда катта аҳамиятга моликдир.

Таржимада бирикмаларнинг объектини сақлаш (акс эттириш) зарурати

Асл нусхада сўз ўйини ясашиб, фразеологизм мазмуни талқин қилинган ёки бирикма таркибидаги объектиларнинг ўрнини алмаштириб, комбинация яшаш орқали фразеологик бирикма ҳосил қилинган бўлса, таржимада бирикманинг объектини акс эттиришга зарурат туғилади.

Н. В. Гоголнинг «Уйланиш» комедиясида Яичница билан Жевакин шундай танишадилар:

«Жевакин. Жевакин-с, лейтенант в отставке, позвольте со своей стороны тоже спросить, с кем-с имею счастье изъясняться?»

Иван Павлович. В должности экзекутора. Иван Павлович Яичница.

Жевакин (не дослышав). Да, я тоже перекусил. Дороги-то, знаю, впереди будет довольно, а время холодновато: селедочку съел с хлебом.

Иван Павлович. Нет, кажется, вы не так поняли: это фамилия моя: Яичница.

Жевакин (кланяясь). Ах, извините, я немножко туговат на ухо, я, право, думал, что вы изволили сказать, что покушали яичницу.

Иван Павлович. Да что делать, я хотел было уж просить генерала, чтобы позволил называться мне *Яичницын*, но свои отговорили: говорят, будет похоже на *собачий сын*» (Ж, 20).

Н. В. Гоголь асар мазмунига комик тус бериш учун персонажнинг фамилиясини ҳам кулгили қилиб, «Яичница» деб қўйган. Бунинг устига, персонажнинг фамилиясини талқин қилиш асосида сўз ўйини ясалган — «Яичницын — собачий сын». Буни икки санъаткор ёзувчи, бадий таржима устаси — Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор шундай таржима қилган эдилар:

Абдулла Қодирий
таржимаси³

Абдулла Қаҳҳор
таржимаси:

«Иван Павлич:— Йўқ, чамаси сиз бошқача тушундингиз. Менинг лақабим Қуймоқ демакчман.

Жевакин:— Эй, кечирингиз, қулоғим бир оз оғирроқ. Мен ўйлапманки, қуймоқ едингизми, деб сўрадингиз...

Иван Павлич:— Бунга қолганда чорасизман. Мен генералдан лақабимни Қуймоқи деб ўзгартиришга рухсат сўрамакчи бўлган эдим, бироқ ўртоқларимга бу маслаҳат ёқмади. Янги лақабинг бўйноқи деганга ўхшаб қолади, дедилар⁴.

Бу икки таржимани таҳлил қилишдан олдин, асарнинг қозоқча таржимасидан худди шу парчани олиб кўрайлик:

³ «Уйланиш» комедиясини ёзувчи Абдулла Қаҳҳордан олдин марҳум Абдулла Қодирий таржима қилган эди, ammo унинг таржимаси йўқолган (Ҳамза театри кутубхонасининг архивда комедиянинг 1937—38 йилларда таржима қилинган бир ноаниқ нусхаси сақланмоқда).

⁴ С. Ҳусайн, Гоголнинг «Уйланиш» асари ўзбек саҳнасида, «Совет адабиёти» журналы, 1935, 11—12-сонлар, 96-бет.

М. Дәулетбаев
таржимаси:

Ф. Динисламов
таржимаси:

«Иван Павлович. Уыз-қуймақ. Жоқ, сиз қағыс есіттіңіз білем, Уыз-Қуймақ бул менің фамилиям.

Жевакин (іліп). Кешу сураймын! Менің қулағымның азын-аулақ мукісі бар еді. Уыз-қуймақ жеп көрдіңіз бе деп айтқан сияқты есіттім.

Уыз-Қуймақ: «Не амал қылайын! Жандаралдан менің фамилиямды Уыз-қуймақов қойсаңыз екен деп сурайын деган ем, біреулер муның қолайсыз, соңыра-ақ Мойнақов боп кетесің, ит боп кетесің» — деп суратпағаны ...»⁵.

«Иван Павлович. Жоқ, сиз жаңсақ тусіндіңіз-ау деймін: Яичница — бул менің фамилиям болады.

Жевакин (іліп). Япырай, кешіре көріңіз, қулағымның аздаған мукісі бар еді. Сізді, сірә яичница жегенин айтып отыр-ау деп қалып ем.

Иван Павлович. Амалым қанша? *Яичницын* болып-ақ атанайыншы деган ойға келіп, генералдан руқсат сурағалы турған жерімде, мынауың *«иттің баласы»* дегенге *уқсастау екен деп*, өзіміздің жігіттердің айнытып жібергені»⁶.


Асарнинг Абдулла Қодирий таржимасида айрим камчиликлар бор. Чунончи, «... изволили сказать, что покушали яичницу» — «қуймоқ едингизми, деб сұрадингиз...» қабилда нотўғри берилган бўлса, Абдулла Қахҳор таржимасида ҳам услуб ғализ бўлиб қолган: «...е д и м, д е д и л а р д е б м а н».

Абдулла Қодирий *Яичницын* фамилиясини *Қуймоқи* деган «лақаб» билан ағдариб, *собачий сын* бирикмасини эса *Бўйноқи* (ит номи) деб берган: ҳар икки ҳолда ҳам сўз ясовчи -и аффикси қўшилган. Шуниси диққатга сазоворки, асарнинг дастлабки қозоқча таржимасида ҳам бу эксперимент жуда мувофиқ келган: Уыз-қуймоқ > Мойнақ.

Комедиянинг кейинги ўзбекча таржимасида (1940) ҳам *Яичницын* фамилияси *Қуймоқча* деб таржима қилинган: -ча аффикси қўшиш билан кичрайтириш маъносини ифодаловчи лақаб ясалган; *собачий сын* бирикмаси эса *итвачча* деган вульгар сўз билан ўгирилган.

⁵ Н. В. Гоголь, Уйлану, Қызылорда, 1928, 41-бет. Бу парчанинг таржимаси Сәйділ Талжановнинг «Көркем аударма туралы» номли китобидан олинди, Алматы, 1962, 28, 79—80-бетлар.

⁶ Н. В. Гоголь, Шығармалар, Төртінші том, Драмалық шығармалары, Қазақтың мемлекеттік көркем әдебиет баспасы, Алматы, 1953, 123-бет.



Демак, ҳар икки сўз санъаткори — Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор бирикмалар таркибидаги объектларни сақлаган ҳолда, уларнинг фонетик либосини ўзгартириб, Н. В. Гоголь яратган сўз ўйинини ўзбек тилида қайта тиклашга ҳаракат қилганлар.

Бироқ асарнинг кейинги қозоқча таржимасида бирикма объектлари таржима қилинмай айнан қолдирилиши натижасида ҳеч қандай мурод ҳосил бўлмай, аксинча, ноаниқлик келиб чиққан.

Баъзан идиоматик бирикмаларнинг объекти ҳам талқин қилиниши ёки у бошқа бирон воқеа тасвири билан боғланиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда объекти асл нусха объектига муқобил бўлган ибора танлашга тўғри келади.

«Очилган қўриқ» романида Давидовнинг қўлига чекилган татуировкага райком секретарининг кўзи тушиб қолади:

«— Краса и гордость?

— Да.

— То-то вижу якорек у тебя ...

— Молодой был, знаешь... с зеленью с глупцой, вот и вытравил... — Давыдов досадливо потянул книзу рукав, думая: «Эка, *глазастый* ты на что не надо. А вот хлебозаготовки-то едва *не просмотрел!*» (ПЦ, 9).

Бир гапда «кўриш» маъноси билан боғлиқ *глазастый* ва *просмотреть* каби икки антонимик идиоматик иборанинг ишлатилиши бежиз эмас. Давидовнинг мулоҳазаси ўзбекчага қўйидагича ағдарилган:

1938 йил таржимасида:

«Е-е, кераксиз нарсаларга *кўзингни тикар экансан-да*. Сал деганда ғалла тайёрлашни *барбод бериб қўйиб эдинг-ку*» деб ўйлади» (ОҚ, 1938, 10).

1960 йил таржимасида:

«Ол-ҳа, кераксиз нарсага дарров *кўзинг туша қолганини қара-я*. Ғалла тайёрлашни бўлса-ку, *кўздан қочирай дебсан*» (ОҚ, «Шқ. юл.», 1960, 5-сон, 29).

Таржимон В. Рўзиматов бадий тасвирнинг нозик тил хусиятини пайқаган ва уни ўзбек тилида жуда яхши акс эттирган.

Русча *куда глаза глядят* бирикмасининг ўзбекча эквиваленти «бош» сўзи асосида тузилгандир: *бош оққан томон*. Бу икки бирикма ҳеч қандай контекстсиз ҳам бир-бирининг ўрнини тўлиқ қоплай олиши мумкин. Аммо қуйидаги контекст ичида улар бир-бирига эквивалент бўлмай қолади: «— ...Ступайте, друг мой Андрей Петрович, прикройте шляпой вашу мудрую голову — и пойдёмте куда глаза глядят. Наши глаза молодые, глядят далеко» (Н, 68).

Агар охирги гап бўлмаганида, бу бирикмани ҳақиқатан ҳам *бош оққан томонга кетмоқ* ибораси билан таржима қилса бўларди. Аммо кейинги гапда бу бирикманинг маъноси ўша объект асосида боз изоҳланиб келган. Шунинг учун таржимон русча фразеологизмнинг ўзбекча эквивалентидан баҳраманд бўлиш имконидан маҳрум. Таржимага мурожаат қиламиз:

«—... Туринг, дўстим Андрей Петрович, мумтоз бошингизга шляпангизни илинг, *кўз тушган томонга қараб юрайлик*. Бизнинг *кўзларимиз* ўткир, узоқни кўради» (А, 52).

Гарчи бундай ибора ўзбек тилида бўлмаса ҳам, аммо асарда унинг объектлари талқин қилинганлиги сабабли, уни аниқ таржима қилишга тўғри келган.

Мақол, матал ёки идиомани текст ичида ағдариш бирмунча осон, чунки таржимон, жуда бўлмаганда, контекст тақозо этишига қараб, ўз тилидан муқобил вариант танлаш эркинлигига эга. Бироқ бирон мақолни бадий асар ичида эмас, балки халқ мақоли сифатида тақдим этишга тўғри келса, бу жуда мураккаб иш, чунки уни объектларини сақлаган ҳолда аниқ таржима қилиш шарт бўлиб қолади.

Ёзувчи Викторин Попов *зар қадрини заргар билар* матални рус тилига таржима қилишнинг қийинлигини ўринли қайд этган эди. Чунончи, *заргар* сўзини рус тилидаги *ювелир* сўзи билан алмаштириш мумкин, аммо: 1) у *заргар* сўзининг маъносига тўлиқ адекват эмас; 2) *ювелир* — умуман русча сўз эмас⁷.

Шунинг учун В. Попов бу матални *золотых дел мастер цену золота знает* (ва *мастер золотых дел цену золота знает*) деб таржима қилган эди⁸. Аммо шу битта матал қанчадан

⁷ *Ювелир* сўзи голландча бўлиб, қимматбаҳо тошлар ва ноёб металллардан буюм ва безак ясовчи уста; бошқа маъноси — шундай буюмларни сотувчи киши (КСИС, 436—437).

⁸ «Тысяча туркменских пословиц и поговорок», ТОГИЗ, Ашхабад, 1945, стр. 7; шунингдек, 61-маталга қараи (В. Попов ёзган сўз бошида).

қанча мулоҳаза ва муҳокама билан таржима қилинган бўлса-да, у туркман маталининг маъносини тўлиқ акс эттиролмайди. Чунончи, сўз тартибига эътибор қилинг:

«Золотых дел мастер ЦЕНУ ЗОЛОТА ЗНАЕТ» —
«Заргар ЗАР ҚАДРИНИ БИЛАДИ».

Аmmo бунда ҳеч қандай «каромат» йўқ, зотан, заргарки зар қадрини билмапти — у заргар эмас! Ваҳолонки, бу бирикмада логик урғу заргар сўзига тушиши керак эди: «Цену золота золотых дел мастер знает» (ППНВ, 570).

Қиёс қилинг:

- | | | | | | | |
|----|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1. | «Золотых дел мастер цену золота знает». | | | | | |
| | 3 | 1 | 2 | 4 | 5 | 6 |
| 2. | «Мастер золотых дел цену золота знает». | | | | | |
| | 4 | 5 | 1 | 2 | 3 | 6 |
| 3. | «Цену золота золотых дел мастер знает». | | | | | |

Таржимада
фразеологизм-
ларнинг
объектини му-
қобил объект
билан алмаш-
тириш зарура-
ти. Ҳашатма
фразеологик
иборалар

Ҳар бир тилда унинг ўзига хос ўхшатиш объектлари асосида тузилган ёки фразеологик штамп шаклига кириб қолган иборалар бўладики, уларни биз ўхшатма фразеологик ибора деб номладик.

Ҳар қандай ҳолларда ҳам ўхшатма фразеологик ибораларнинг объектини сақлашга интилиш таржима тилининг ширасиз, ғализ бўлиб қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун бундай бирикмаларда, асарнинг миллий хусусиятига зарар етмайдиган бўлса, асл нусха традицион объектини таржима тилининг традицион объекти билан алмаштириш маъқул.

Таржимада фразеологик бирикмаларни нуқул уларнинг ўз объекти билан таржима қилишга интилиш чалкашликлар ва англашилмовчиликлар туғилишига сабаб бўлиши мумкин.

«Правда» газетасининг 1963 йил 9 август сониди «Трудящиеся затягивают туже пояса» номли мақола босилиб чиқди. Унда Англия савдо министрлиги эълон қилган ахборотда келтирилган маълумотлар таҳлил қилиниб, бу мамлакат аҳолисининг харид қуввати анча камайганлиги, чакана савдонинг ҳажми қисқарганлиги, маълум муддат билан қарзга нарса сотиш натижасида қарзларнинг ошиб кетганлиги баён қилинади.

«Меҳнаткашлар белларини қаттиқроқ (қисиброқ) боғламоқдалар» деганда рус тилида инглиз меҳнаткашларининг моддий аҳволи ёмонлаша бошлагани (шим тушиб кетмаслиги учун белни қаттиқроқ боғлаш) маъноси англашилган.

Шундай қилиб, рус тилида *туже затягивать пояс* бирикмаси айни ҳолда кўчма маъноли эркин бирикма бўлиб келган. Аммо бу сарлавҳани, башарти, ўзбек тилига ҳижжалаб: «Меҳнаткашлар белларини қаттиқроқ боғламоқдалар» деб ағдарилса, русча эркин бирикма ўзбек тилига идиоматик бирикма бўлиб кўчади. Чунончи, ўзбек китобхони белни маҳкам боғламоқ* сўзларидан «инглиз ишчилари курашга қаттиқроқ киришган эканлар» деган маънони англайдик, оригиналнинг мазмунида бевосита бундай фикр баён қилинмаган.

Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида Земляника Хлестаковга шундай дейди: «Артемиий Филиппович. ...все как мухи, выздоравливают» (Р, 54). Худойихоналар мутасаддисининг бу гапини таржимон Санжар Сиддиқ «касаллар худди чибиндай тузала бошладилар» (Тер, 38) деб ағдарган бўлса, таржимон А. Қаҳҳор «касаллар пашшадай тузалишаётипти» (Р, 44) деб берган.

А. В. Федоров «Бадий таржима ҳақида» номли китобида худди шу бирикманинг немис тилига таржимаси хусусида махсус тўхталиб ўтган эди⁹:

«Ревизор»нинг немисча таржимасида (Фр. Фидлер) Артемиий Филиппович Хлестаковга: бизнинг касалхонада «все как мухи выздоравливают» («gesundenedie Patienten wie die Fliegen») деган жойининг маъноси ва комизми мутлақо йўқолган, бунинг бирдан-бир сабаби шуки, рус тилининг Гоголь мутлақо одатдагидан бошқача бирикмада («мрут, как мухи» дейиш ўрнига «выздоровливают, как мухи») ишлатган ўзига хос ибораси ҳижжалаб таржима қилинган».

Н. В. Гоголнинг юқорида «мрут, как мухи» бирикмасига антонимик маъно бериб, «выздоровливают, как мухи»¹⁰ деб ишлатиш билан кулгили ситуация яратиши ўзбекча таржимада ҳам тўлиқ рўёбга чиқмай қолган. Ваҳоланки, ўзбек тилида авторнинг муддаосини тўлароқ рўёбга чиқариш воситалари бор эди. Масалан: «Касаллар *бало-қазодай* тузалишаёпти». Бунда *бало* — офат маъносини англатса, *қазо* — ўлим демакдир. Шу тариқа асл нусхада кўзда тутилган мақсад рўёбга чиқади — ўзбекча бирикма таркибида ҳам антонимик маънодаги сўзларнинг келиши асарга халқ жонли тилига хос идиоматик руҳ бағишлайди.

⁹ А. В. Федоров, О художественном переводе, ГИХЛ, Л., 1941, стр. 51—52.

¹⁰ Асарнинг тожикча таржимасида бу «мўр-малахдай тузалишаётипти» фразеологик ўхшашма билан берилиб, комик муболага келтириб чиқарилган: «Артемиий Филиппович. ...Аз рўзе, ки ман сардориро қабул кардам, — шояд ба назари шумо ҳатто ғайри оддй намояд, — ҳама монанди мўру малах сихат меёбанд» (Н. В. Гоголь, Ас. мунт., 1952, 430).

Айланай ва *ўргилай* сўзларида ҳеч қандай доира ясаш маъноси йўқ, албатта. Бу, кўпинча, хотин-қизлар ва қариялар тилида ишлатиладиган идиоматик сўздир. Ойдиннинг «Келин ўғил туғибди» ҳикоясида кампир «тилида» «сиздан ўргилай», «оғзингиздан айланай», «акангдан айланай», «бувимдан айланай» иборалари ишлатилади. Шулардан бири: «— Акангдан айланай» (108-бет) бирикмаси рус тилига «— Мотыльком покружиться мне вокруг твоего братца» (82-бет) деб таржима қилинган. Идиоматик сўзни унинг фақат лугавий маъносида талқин қилиш ва, муҳими, шу маънода «таржима» қилиш нақадар қўпол хатога олиб келиши шундан маълум.

Л. Н. Толстойнинг «Тирилиш» романида бир кампир Нехлюдовга дейди.

«— И старый же ты стал, ваше сиятельство; то как *penей* хороший был, а теперь что! Тоже забота, видно» (В, 222). Бу гаининг таржималарига эътибор қилинг:

Қозоқ тилида	Ўзгарбайжон тилида	Ўзбек тилида (I)	Ўзбек тилида (II)
«— Сен де қартайып қалыпсың-ау, нур сәулелі мырзам; баяғыда <i>салқам сыяқты</i> тығыншықтай едің, ал қазір ше!» (Арылу, 256).	«— Ағам, аммо гочалмысан; онда <i>турп кими</i> гып-гырмызы идин, анчаг инди көр нә олмусан!» (Дирилма, 28).	«— Вой князь ҳазратлари, қариб қолибсан; бурноқлари худди <i>бодрингдай яшанг</i> эдинг, энди-чи, оҳо-о! Ташвининг кўп кўринади» (Т, 1933, 18).	«Анчагина қариб қолибсиз-а, князь ҳазратлари; бурун <i>сухсурдай</i> йингит эдингиз, энди бўлса эҳ-ҳе! Сизниям ўзингизга яраша ташвинингиз бор кўринади» (Т, 1960, 243).

Русча-ўзбекча лугатда *penей* — «аломатчой», «сарикчой», «чакамуғ» (РЎЛ, IV, 681) деб, бир томликда эса «қариқиз» (РЎЛ, 739) деб берилган. Агар русча ўхшатма фразеологик иборасининг традицион объекти айнан сақланса-ю, Нехлюдов... «чакамуғ»¹¹ ёки «сарикчой»га ўхшатиш, китобхон нимани тушунади? (Қора чой ва кўк чой борлигини ҳамма билади, аммо сарикчой ўсимлигини кўпчилик кишилар билмайдилар, албатта). Айниқса, бир томлик лугатда берилганидай, Нехлюдов... «қариқиз»га ўхшатиш, қўпол хато бўлар эди.

¹¹ *Penей* сўзи тўғри маънода ишлатилганда, шубҳасиз, у термин сифатида аниқ таржима қилинади: «Его пальто истрепалось в дороге, к нему пристали *penей* да колючки» (Б. Горбатов, Нпк, 497). «Унинг пальтоси йўлда тўзиб кетипти, унга *чакамуғ* ва тиканаклар ёпишиб олипти» (Б., 1953, 101).

Асарнинг қардош тилларга қилинган таржималарида ва унинг дастлабки ўзбекча таржимасида, ҳақиқатан ҳам, бирикманнинг объектини айнан сақлашга интилиш бўлганини кўрамиз. Бунинг устига, улар *penéy* сўзини *péna* (шолғом) маъносида нотўғри талқин қилганлар. Натижада қозоқ ва озарбайжон тилларида Нехлюдовнинг ёшлик йилларида навқирон ва гўзал йигит бўлганлиги — шолғомга, асарнинг 1933 йилги дастлабки ўзбекча таржимасида эса ...бодрингга қиёс қилинган. Ниҳоят, таржимон Х. Аҳророва бирикманнинг объектини ўзбек тилида гўзаллик тимсоли бўлган *сухсур* билан алмаштириб, *сухсурдай йигит* деб тўғри таржима қилган.

Л. Н. Толстой романларининг таржималаридан яна бир нечта мисол келтирамиз:

«Катюша, сияя улыбкой и черными, как мокрая смородина, глазами, летела ему навстречу» (В, 47). Қозоқ таржимони фразеологик ўхшашма объектини айнан сақлаб, «қарағаттай мөлдіреген шымқай қара көздері, деб («Арылу», 53), қирғиз таржимони ҳам «суу болгон қарағаттай қара көздөрү...» (Пейилдин, оңолушу, 50) деб таржима қилса, ўзбек таржимони бунди «чаросдай қоп-қора кўзлар» (Т., 1960, 50) деб ағдарган.

Асарнинг 55-бетида Катюшанинг кўзларига нисбатан яна ўша ўхшатиш объекти қўлланилса («черные, как мокрая смородина, глаза»), қозоқ таржимони яна уларни қарағатга (63), ўзбек таржимони Х. Аҳророва яна *чаросга* (59) ўхшатади.

«Анна Каренина» романида Вронскийнинг қизи шундай тасвирланади: «Девочка, сидя у стола, упорно и крепко хлопала по нем пробкой и бессмысленно глядела на мать двумя смородинами — черными глазами» (АК, II, 370). Қозоқчага бу айнан «қап-қара қос қарақат көз» (АК, 352) деб берилгани ҳолда, таржимон М. Исмоилий бунди «чаросдай қора кўзчалар» (АК, 401) деб ўгирган.

Айрим соддадил кишилар: бундай ўзгартишлар асарнинг гоёсига ёки миллий колоритига лат беради-ку, деб айюҳаннос соладилар. Миллий колоритни акс эттириш принципини нотўғри талқин қилмаслик даркор. Зотан, кўзнинг қоралиги *чаросга* ўхшатиш экан, бунда гап ч а р о с д а эмас, балки унинг т и м қ о р а эканлигидадир. Таржимон фразеологик иборалар объектиларини ўз истаги билан эмас, балки зарурат туфайли ўзгартиради: уларнинг ўзбекча муқобил шакллари билан алмаштиради. Масалан, *чаросдай қора кўз* ўзбек китобхони учун тушунарли, аммо *қарағаттай қора кўз*ни китобхон яхши тасаввур қилолмайди, чунки қарағатнинг ўзи ўзбеклар учун бегонадир.

Lyabla
tubla

«Очилган қўриқ» романида ўқиймиз: «Два месяца назад отец был *черный, как ворон*, а теперь борода отросла наполовину седая...» (ПЦ, 384) — «Икки ой бурун отамнинг сочи билан мўйлови *тўсдек қоп-қора* эди, энди бўлса ўсиб кетган соқолининг ярми оқарган...» (ОҚ, «ШҚ. юл.», 1962, 3-сон). Хўш, «отец был *черный, как ворон*» жумласини «отам *қарғдай* қоп-қора эди» деб «таржима» қилинса, миллий колорит сақланган бўладими? Бизда *қарға* образи қора кун ва бахтсизлик тимсоли сифатида гавдаланади, бироқ у тўс маъносини (яна ижобий тарзда) англамайди. Шунинг учун таржимада *қарға* объектининг *тўс* сўзи билан алмаштирилгани тўғри. Чунки *тўсдай қора* деганда асосий маъно ташувчи етакчи сўз — «қора» дир, яъни бу «жуда қора», «қоп-қора» деган фикрни англатади; бирикма таркибидаги *тўс* сўзига эътибор ҳам қилинмайди, чунки у традицион объектдир. Бугина эмас, бу иборани ишлатувчи кишиларнинг кўпчилиги бу тўғри маънода нимани англатишини ҳам билмайдилар; бинобарин, унинг луғавий маъноси фақат луғатдагина қолган, холос: «тўс берёзовая кора, идущая на отделку седла» (УРЛ, 467).

Ўхшатма фразеологик ибораларни таржима қилишда чалкашликлар кўп учрайди. Чунончи, юқорида рус тилида кўзнинг қоралиги қорағатга ўхшатиш экан, қозоқ ва қирғиз таржимонларни буни ўзидай сақлаганлар-ку, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг сабаби шуки, биринчидан, таржима практикасида ҳар бир адабиётнинг ўз тажрибаси, ўз традицияси, ўз тарихи ва ўз принциплари бор. Қардош тилларда таржима текстларининг муқаррар равишда бир хил қолипдан чиқишини талаб қилиб бўлмайди. Иккинчидан, бошқа қардош тилларда мавжуд кўп сўз ва иборалар ўзбек тилида бўлмаслиги, аксинча, ўзбек тилида мавжуд кўпгина сўз ва иборалар бошқа қардош тилларда бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунончи, асосий хўжалиги чорвачиликдан иборат бўлган қозоқ ва қирғиз халқларининг тилида боғдорчилик соҳасига оид *чарос* сўзи ва *чаросдай* ўхшатиш объектининг йўқлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

«Толстый только что пообедал на вокзале, и губы его, подернутые маслом, лоснились, *как спелые вишни*»¹².

«Семиз ҳозиргина вокзалда овқат еган — ёғлик лаби *пишган олчадай* ялтираб турибди»¹³.

Бунда рус ва ўзбек тилларида ўхшатма фразеологик ибораларнинг традицион объектлари бир-бирига айнан муво-

¹² А. П. Чехов, Избранные сочинения, ОГИЗ, М., 1946, стр. 11.

¹³ А. П. Чехов, Танланган асарлар, I том, Тошкент, 1957, 12-бет.

фиқ келганлиги кўриниб турибди. Энди лабнинг жуда қизиллигини таърифловчи бошқа мисол келтирамиз.

«Фекла. А еще Никанор Иванович Анучкин. Это уж такой великатный, а губы, мать моя — малина, совсем малина — такой славный» (Ж. 15).

«Фекла. Тагин, Никанор Иванович Анучкин. Бу — жудаям кетиворган одам, лабини айт — ҳақиқ, онагинам — ҳақиқ, баҳоси йўқ» (У, 19).

Агар ўзбек тилида ҳам лабнинг қизиллиги *малинага* ўхшатишганда, бу кўпчилик китобхонларга тушунарли бўлмасди, негаки, кўп одамлар малина нималигини ҳам, унинг қандай тусда бўлишини ҳам билмайдилар. Ақиқ (жонли тилда «ҳақиқ») ноёб минерал бўлганидан, уни ҳам кўп одамлар кўрмаганлар, аммо тилда у «қизил» тус тушунчасини англатиш учун традицион объект бўлиб қолган: «а қ и қ 1. сердолик; агат; 2. красно-оранжевый; красный» (УРЛ, 47).

Қуйидаги мисолларда ҳам рус ва ўзбек тилларида ўхшашма фразеологик ибораларнинг традицион объектлари бир-бирига мос келган.

Рус тилида:

Ўзбек тилида:

Здоровый, как дьявол.
«Парень я был тогда здоровый и сильный, как дьявол» (СЧ, 10).

Девдай кучли.
«Мен у маҳаллар девдек кучли, норғил йигит эдим» (Инт, 15).

Тихий, как шелк

Ипакдай мулойим

«Фекла. А пьет, не прекословлю, пьет. Что ж делать, уж он титулярный советник, зато такой тихий, как шелк» (Ж, 16).

«Фекла. Ичишга ичади; йўқ демай, ичади. Нима қилсин, — титулярный советник! *Ипакдай* мулойимлиги бор-ку» (У, 20).

Холоден, как лед¹⁴

Муз каби совуқ

«Петр Иванович Сорокин в страсти —
холоден, как лед.
Все ему чужды пороки,
И не курит
и не пьет.

«Петр Иванович Сорокин Эҳтироссиз —
муз каби совуқ,

Нуқсонлар унга ёт,
ҳаттоки

¹⁴ Инглиз тилида ҳам худди шундай ибора мавжуд: cold as ice. Т. Р. Левицкая, А. М. Фитерман. Теория и практика перевода с английского языка на русский, М., 1963, стр. 108.

Лишь одна
любовь
рекой
залила
и в бездну клонит —
любит
этакой серьгой
повисеть на телефоне».

Мчится, как коза

«Фарширован
сплетен
кормом,
он
вприпрыжку,
как коза¹⁵,
к первым
вспомненным
знакомым
мчится
новость рассказать»¹⁷.

Тает, как свечка

«Наша барышня как свечка
тает» говорила о ней ее гор-
ничная» (Н, 158).

Добрый, как ангел

«— Андрей Петрович, вы
добры, как ангел, прогово-
рила она...» (Н, 109).

Бледный, как
полотно

«Он невольно вздрогнул,
раскрыл окно и увидел Шу-
бина, бледного, как полот-
но» (Н, 73).

ичиш,
чекиш одати ҳам йўқ.
Уни
фақат
бир ишқибозлик
суддай тошиб,
жарликка судра —
Телефонга
худди сиргадек
Осилиб туришни
хуш кўрар»

Такадай шаталоқ отади

«Ғийбат билан
қовурилиб
пишган,
такадай¹⁶ шаталоқ отади,
биринчи
эслаган
танишга
янгилик айтгали
чопади»¹⁸.

Шамдай эримоқ

«Хизматкор хотин Елена
тўғрисида: «Бизнинг қизалоғи-
миз худди шамдек эриб кета-
япти» дер эди» (А, 121).

Фариштадай оқ кўнги

«— Андрей Петрович, сиз фа-
риштадек оқ кўнги одамсиз, —
деди Елена...» (А, 83).

Докадай оқ

«У чўчиб тушди, деразани
очди, рўпарада ранги докадек
оқарган Шубин турар эди»
(А, 56).

¹⁵⁻¹⁶ Оригиналдаги эчки сўзининг таржимада така билан алмаштирилгани табиий ҳол. Чунки ўзбек тилида шумлик тимсоли сифатида така сўзи ишлатилади.

¹⁷ В. Маяковский, Избранные произведения, том первый, ГИХЛ, М., 1953, стр. 409.

¹⁸ В. Маяковский, Танланган асарлар, Тошкент, 1956, 93-бет.

«Инсаров, белый как снег, снег ее сна, приподнялся до половины с дивана и глядел на нее большими, светлыми, страшными глазами» (Н, 209).

«Еленанинг тушида кўринган қордек оппоқ оқариб кетган Инсаров, дивандан қаддини кўтариб, кўрқинчли бўлиб кетган катта-катта тиниқ кўзлари билан унга тикилиб турарди» (А, 161).

Белый, как сахар

Қанддай оппоқ

«— Ишь ты, красавица, беленькая, как сахар, — говорила одна, любуясь, на Таничку и покачивая головой» (АК, 1, 306).

«Улардан бири Таняга суқланиб қараб: — Мунчаям чиройли қиз экан, худди қанддай оппоқ-а, — деди калласини чайқатиб» (АК, 343).

Кишининг қандай руҳий кайфиятда, қай аҳволда ранги оқ эканлигини ифодалашда ўхшатма фразеологик иборанинг ўша аҳволга стилистик жиҳатдан мувофиқ келадиган традицион объекти танланади. Масалан, жон бераётган кишининг ранги оқлигини тасвирлаганда «қанддай оппоқ» деб бўлмаганидай, думбоққина ёш боланинг оппоқ эканлигини завқ билан айтганда «докадай оппоқ» деб бўлмайди.

Бундан ташқари, рус ва ўзбек тилларида айни бир нарсанинг хусусияти ва сифатини акс эттирувчи ўхшатма фразеологик иборалар ҳар хил объектларга асосланган бўлиши мумкин.

«— «А, Федя! Дома Хорь? — спросил его г-н Полутыкин.

— Нет, Хорь в город уехал, — отвечал парень, улыбаясь и показывая ряд белых, как снег, зубов» (30,5).

Қўлзмада:

Китобда:

«— Ха, Федя! Хорь уйдаи? — деб сўради ундан жаноб Полутыкин.

«— Ха, Федя! Хорь уйдаи? — деб сўради ундан жаноб Полутыкин.

— Йўқ, Хорь шаҳарга кетган, — деб жавоб берди йигит кулимсираб ва қордек оппоқ мунтазам тишларини кўрсатиб» («Овчининг хотиралари», 5-бет).

— Йўқ, Хорь шаҳарга кетган, — деди йигит садафдек тирилган оппоқ тишларини кўрсатиб кулимсираркан» (ОвМ, 5).

Ўзбек тилида тишнинг оқлиги ва бутунлиги тўғрисида гапирилганда, у садафга ўхшатилади: қўлзмада «қордек оп-

поқ» деб ҳижжалаб таржима қилинган бирикманинг «садаф-дек тизилган» деб тузатилгани табиий.

Қуйидаги мисолларда русча фразеологик ўхшатмалар ўзбек тилидаги традицион объектлар асосида тузилган иборалар билан алмаштирилган:

Рус тилида

Есть, как акула
«Он перекрестился, вздохнул и начал есть, как акула» (30, 47).

Голова, как барабан

«—...да невкусно, брат, в горло не лезет, а голова потом, как барабан» (Н, 128).

Мышьиные глазки

«...из широкого, почти четвероугольного лица лукаво выглядывали мышьиные глазки...» (30, 22).

Капля ума

«Кочкарев. Ну, есть ли в тебе капля ума» (Ж, 13).

Ўзбек тилида:

Аждарҳодай ютмоқ
«У чўқиниб олди, нафасини ростлаб, овқатни аждарҳодай ямламай юта кетди» (ОвМ, 58).

Қовоқдай калла

«...бемаза нарса экан, огайни, томоқдан ўтмайди, ичганингдан кейин калланг қовоққа ўхшаб қолади» (А, 98).

Биткўз

«...унинг чорқирра юзидан кичкина, бит¹⁹ кўзлари мўралаб турарди...» (ОвМ, 26).

Тариқча ақл

«Кочкарев. Бирон тариқча²⁰ ақлинг борми?» (У, 15).

Ю. Пўлатов ўзининг бир мақоласида шундай сўзларни ёзади: «Рус классик асарларидаги Сквозник-Дмухановский, Балалайкин, Ляпкин-Тяпкин, Пришебеёв, Угрюм Бурчеев каби номларни... ўзбек тилига таржима қилиб бўлмайди. Бундай номларнинг таржима қилиниши асар формасига зиён етказиши мумкин. Масалан, Балалайкин деган номни ўзбек тилига Дуторвой ёки Тамбурхон деб таржима қилиш мумкин эмас. Чунки русларда дутор, танбур сингари чолғу асбоблари йўқ, ўзбекларда эса балалайка деб номланувчи музика асбоби йўқ, шунинг учун ҳам рус тилидан ўзбек тилига таржима қи-

¹⁹ Асарнинг озарбайжонча (12-бет) ва қирғизча (25-бет) таржималарида айнан *сичқон кўз* деб берилган.

²⁰ Кўлёмзада дастлаб *зигирча* бўлган.

линган асарларда музика асбоби балалайка ўз ҳолича оли-
нади»²¹.

Тўғри, агар бундай сўзлар ўзининг тўғри маъносида ишла-
тилса, музика асбобининг номи сифатида айнан кў-
чирилади. Бироқ мақол ва маталлар таркибида келганида
ҳар бир тилнинг ўзига хос сўзларини ҳам уларнинг ўзбекча
муқобиллари билан алмаштириш мумкин.

Бир нечта мисол:

Плясать под чужую
дудку*

Бировнинг ноғораси-
га ўйнамоқ

«Белокурый был один из
тех людей, в характере ко-
торых на первый взгляд
есть такое-то упорство. Еще
не успеешь открыть рта, как
они уже готовы спорить и,
кажется, никогда не согла-
сятся на то, что явно проти-
воположно их образу мыс-
лей, что никогда не назовут
глупого умным и что в осо-
бенности не согласятся *пля-
сать по чужой дудке*; а
кончится всегда тем, что в
характере их окажется мяг-
кость, что они согласятся
именно на то, что отвергали,
глупое назовут умным и
пойдут потом *поплясывать*
как нельзя лучше *под чужую
дудку*, — словом, начнут
глядью, а кончат гадью»
(МД, 96).

«Малла ранг киши дафъатан
қараганда қайсарга ўхшаб кў-
ринадиган одамлар хилидан
эди. Бундай одамлар ҳали оғиз
очмасингдан сен билан тор-
тишмоқчи бўладилар ва ўз
фикрларига тамоман қарама-
қарши бўлган фикрлар билан
асло келиша олмайдигандек
кўринадилар, аҳмоқни ҳеч қач-
он ақлли демайдигандек ва
айниқса ҳеч қачон *биrowнинг
ноғорасига ўйнашга* рози бўл-
майдигандек кўринадилар;
сўнгра бутунлай бошқача бў-
либ чиқадилар, яъни улар му-
лойим, ўзлари боя рад қилган
фикрга кейин дарров қўшилиб
қоладилар. Аҳмоқни ақлли
дейдилар, сўнгра *биrowнинг
ноғорасига* чунон *ўйнаб кета-
диларки*, асти қўясиз, хуллас,
аввал далил, кейин разил бў-
ладилар» (УЖ, 82).

Плясать под
балалайку

Ноғорасига (дўмбира-
сига) ўйнамоқ

«Держит Балда за уши од-
ного зайку:

«Бир қуённинг қулогидан
тутибди;

²¹ Ю. Пўлатов, Айрим образларнинг номлари ва уларнинг таржи-
маси ҳақида мулоҳазалар, «Тил ва адабиёт масалалари» журнали, 1959,
3-сон, 74-бет.

«Попляши-тка ты под нашу
балалайку:

Ты, бесенов, еще молоденок,
Со мною тягаться

слабенок,

Это было б лишь времени
трата»²².

Не к теще на блины
собрался

«Тут у самого от жалости к
ней сердце на части разры-
вается, а тут она с такими
словами. Должна бы пони-
мать, что мне тоже нелегко
с ними расставаться, не к
теще на блины собрался»
(СЧ, 12).

За семь верст
киселя хлебать

«— И вернулся бы. Все рав-
но попусту едешь, за семь
верст киселя хлебать»²⁵.

Бу бирикмалардаги *дудка, флейта, свирель, балалайка* —
Ўзбекча *ноғора* ва *дўмбирага*, русча *блины* ва *кисель* — *чўзма*
ва *ҳалимга* «айланиб» қолишини қандай изоҳлаш мумкин?
Ахир, булар рус воқелиги учун хос нарсалар эмас-ку.

Масалани бу тахлитда қўйиш фразеологиянинг хусусияти-
ни умуман тушунмаслик демакдир. Чунки гап бу музыка ас-

Жин болага шундай деб сўз
қотибди:

«Энди бизнинг *ноғорага ўй-
найсан*²³, Жин боласи, ҳали
ёшга ўхшайсан.

Баслашганга ярамайсан боя-
қип,

Бу бўлади вақтни бекор ўтка-
зиш»²⁴.

Қайна намникига чўз-
ма егани кетаётганим
йўқ

«Унга раҳмим келиб, ўзимнинг
юрагим тарс ёрилиб кетай деб
юрибди-ю, у тагин шунақа сўз-
ларни айтади. Улардан ажраб
кетиш менга ҳам осон эмасли-
гини тушуниш керак-да, мен
ахир *қайна намникига чўзма
егани кетаётганим йўқ-ку?*»
(Инт, 10).

Етти чақирим жойга
ҳалим егани бормоқ

«— Қайтганинг ҳам тузук эди.
Бари бир *етти чақирим жойга
ҳалим егани боргандек* овора
бўлиб кетаётибсан»²⁶.

²² А. С. Пушкин, Полное собрание сочинений в 10 томах, М., 1957, стр. 421.

²³ А. С. Пушкиннинг 1949 йилда ўзбек тилида чиққан танланган асарлариди бу мисра: «Мана энди дўмбирамга ўйнайсан» (298) деб берилган эди.

²⁴ А. С. Пушкин, Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак, Узадабийнашр, Тошкент, 1958, 9—10-бетлар.

²⁵ А. П. Чехов, Избранные сочинения, стр. 109.

²⁶ А. П. Чехов, Танланган асарлар, I том, 398-бет.

бобларининг миллий номларида эмас, балки улар қўшилиб англатган бирикма махражининг кўчма маъносидадир.

Таржимада ўхшатиш принципида тузилган фразеологик ибораларнинг объектини нотўғри талқин қилиш ва уларни бир тилдан иккинчи тилга айнан кўчиришга интилиш қўпол хатоларга йўл қўйилишига сабаб бўлади.

Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида ўқиймиз:

«Анна Андреевна. ...Что за ветренность такая?

Вдруг вбежала, как угорелая кошка» (Р, 93).

1. «Анна. — ...Қандай елқу- 2. «Анна Андреевна... Бу қана-
варлиқ бу! Худди қутурган қа бетамизлик? Ҳовлиққанини
мушукдай югуриб киради» қара-ю» (Р, 75).
(Тер, 65).

1952 йилда Ўзбекистон Давлат ўқув-педагогика нашриёти томонидан рус тилида чиқарилган «Ревизор» комедиясида айрим сўз ва ибораларнинг ўзбекча таржимаси ичида *угорелая кошка* — «думи куйган мушук» деб берилган (147-бет).

Ваҳоланки, ўзбек тилида *как угорелая кошка* фразеологик ўхшатмасининг бошқа объект асосида тузилган *оёғи куйган товукдай* деган жуда ажойиб эквиваленти бор. Энди, ўз навбатида, бу ўзбекча маталнинг рус тилига қандай таржима қилингани билан танишайлик.

«Бой. Сайлов яқинлашиб, мингбошингиз энди оёғи куйган товукдай питирлаб қопти-да?»²⁷

Бу жумла рус тилига қуйидагича ағдарилган:

1	2	3
„Бай. Выборы под- ходят. Вот ваш минг- баши и ёрзает как курица с обожжен- ными ногами“ ²⁸ .	„Бай. Значит, чувст- вуя приближение выбо- ров, ваш тысяцкий бе- гает, как курица с обож- женными лапками?“ ²⁹	„Бай. Выборы близко, вот ваш Кадыркул и за- метался, как курица, об- жегая ноги“ ³⁰ .

Албатта, маталнинг тайёр, жуда яхши эквиваленти турганда, унинг фақат умумий маъносинигина акс эттириш ёки ҳижжалаб таржима қилиш маъқул иш эмас. Айни ҳолда рус ва ўзбек тилларидаги бу икки фразеологик ўхшатма, улар бош-

²⁷ Х а м з а, Танланган асарлар, Тошкент, 1958, 154-бет.

²⁸ Х а м з а, Избранные произведения, Ташкент, 1951, стр. 81 (перевод Л. Сацердотовой).

²⁹ Х а м з а, Избранное, М., 1958, стр. 103 (перевод Л. Бать и И. Султанова).

³⁰ Х а м з а, Сочинения, ГИХЛ УзССР, Ташкент, 1960, стр. 81 (перевод Н. Ивашева).

қа-бошқа объектларга асосланган бұлишларига қарамай, бир-бирларига жуда яхши эквивалентдир. Бинобарин, уларни ҳижжалаб таржима қилишга ҳеч қандай асос йўқ.

«Ревизор» комедиясининг иккинчи таржимасида *как уе-релая кошка* фразеологик ўшатмасининг умумий маъноси-гина акс эттирилган, холос. Комедиянинг биринчи таржимасида ва «Бой ила хизматчи» драмасынинг ҳар уччала таржимасида ҳам бирикмаларнинг объектлари айнан сақланган бұлишига қарамай, уларни муваффақиятли таржима деб бұлмайди. Таржима қилганда бирикманинг объектига қараб эмас, балки унинг маъносига қарамоқ керак. Бир хил объектларга асосланган иборалар ҳамма вақт ҳам эквивалент бұлавермайди, бошқача айтганда, тилларда маънолари эквивалент бұлган бирикмалар ҳамма вақт ҳам бир хил объект асосида яратилавермайди.

Символ (тим-
сол, рамз) ва
фразеологизм-
ларнинг
объекти

Муайян ҳодиса ва воқеаларнинг мазмуни маълум нарса ва тушунчалар орқали англашилади. Масалан, булбул ва гул — ошиқ ва маъшуқ тимсоли, каптар — тинчлик тимсоли, баҳор — янгиланиш ва навқиронлик тимсоли ва ҳоказо.

Тилларнинг фразеологиясини ўрганишда халқ қандай нарсаларнинг номини қандай воқеа, ҳодисаларнинг тимсоли сифатида қабул қилганлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Дунёдаги жуда кўп халқларда яхшилик, ёмонлик, ёввошлик, сахийлик, айёрлик, ваҳшийлик, қўполлик тимсоли сифатида муайян ҳайвон ёки паррандаларнинг номлари қабул қилинган. Масалан, ёмонлик, зарарқунандалик тимсоли — илон, чаён; ваҳшийлик тимсоли — бўри; ёввошлик тимсоли — мусича (шунинг учун бизда уни «мусичаи беозор» дейдилар), қўй; меҳнатсеварлик тимсоли — чумоли ва асалари; катталик тимсоли — фил, туя; айёрлик тимсоли — тулки; қўполлик тимсоли — айиқ; бефаҳмлиқ ва бефаросатлик тимсоли — эшак, чўчқа; тинчлик тимсоли — каптар; гўзаллик тимсоли — товус; хушхонлик тимсоли — булбулдир.

Ҳамма халқлар ҳам фаросатсизлик, айёрлик ва қўполлик тимсоли сифатида маълум бир ҳайвон ёки паррандани белгилар эканлар, бунда, шубҳасиз, ўша ҳайвон ёки парранданинг «хулқи»га, ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракатларига асосланадилар. Жуда кўп халқлар айёрлик, муғомбирлик тимсоли сифатида тулкини оладилар. Халқ назарида, тулки бошқа жониворларга қараганда анча ақлли ва айёр ҳайвондир. Чунончи, у турли афсоналарда лайлакни алдайди, бўрини ўсал қилади, айиққа чап беради, итнинг кўзини шамғалат қилади ва ҳоказо. Амалда эса иш бошқача экан. Г. Парфенев, Ю. Дол-

гушин, М. Герд «Ҳайвонлар ўйлайдими?» деган китобчасида жониворларнинг ақллилик даражасини белгилаш юзасидан доктор М. Кроуфорд ўтказган қизиқ текширишлар мазмунини ҳикоя қиладилар. Бу олим энг ақлли деб ҳисоблаш мумкин бўлган ўнта ҳайвонни олиб, даража жадвали тузган. Ана шу жадвалда улкан ҳайвонлардан бири — фил мушукдан кейин еттинчи ўринни эгаллаган. Қизиги шундаки, ақлли ва зийрак ҳайвон деб талқин қилинадиган тулки бўлса, ит, мушук ва филдан кейин, ниҳоят, саккизинчи ўринда туради. Қишининг энг яқин ва вафодор дўсти, ақлли ҳайвон деб талқин қилинадиган от эса чўчқадан ҳам кейин, энг охирги, ўнинчи ўринни эгаллаган³¹.

Ҳашаротлар орасида асаларилар ҳам ниҳоятда мураккаб ва аниқ ишларни «бажаришлари» билан ажралиб турадилар. Л. Успенскийнинг кўрсатишича, асалари асал тайёрлаш учун керакли озуқаларни олиб келганидан кейин ўз уясида жуда мураккаб ҳаракатлар қилиб, «рақс» тушади. Худди шу «рақс»га қараб бошқа асаларилар асал олиш учун қаерга ва қанчалик узоқ масофага бориш лозимлигини билиб олар эканлар! Бу — асаларининг жуда ақлли ҳашарот эканлигини кўрсатмайдими? Асаларилар тўғрисида ажойиб китоб ёзган И. Халифман қайд этган эди: «Асаларилар жуда ақлли бўлиб кўринадилар. Ваҳоланки, ...гижжа касалига мубтало бўлгани учун жуда кўп ўсимликлар орасидан гижжаларни ичакдан сурадиган чернобиллик ўсимлигини топиб ейдиган итдан унинг ақли сал-пал ортиқдир». Демак, асаларининг рақси унинг ақллилиги аломати бўлмай, балки инстинктдир.

Албатта, халқ бирон ҳайвонни ақлли ёки ақлсиз, айёр ёки бефаросат деб қабул қилар экан, бунда аниқ маълумотлар ёки илмий лабораторияларнинг кўрсатмаларига қараб эмас, балки шу ҳайвонларнинг ташқи кўринишлари ва хатти-ҳаракатларига қараб баҳо беради.

Баъзи ҳайвонларни муқаддас деб билиш, уларни илоҳийлаштириш ҳам объекти шу ҳайвон ва паррандаларнинг номларидан иборат мақол, матал ва идиомаларнинг характериға таъсир қилади. Ҳар бир халқнинг севган, ўз миллий хусусиятининг тимсоли сифатида қабул қилган дарахти бўлади. Масалан, русларда — дуб, берёза; ўзбекларда — чинор; италянларда зайтун ва ҳоказо.

Кўпгина дарахтлар ўзларининг яхши сифатлари билан кишиларнинг муҳаббатига «сазovor» бўлади. Масалан, дуб

³¹ Қаранг: Г. Парфенов, Ю. Долгушин, М. Герд, Ҳайвонлар ўйлайдими? Ўздавнашр, Тошкент, 1960, 19—20-бетлар.

ва чинор дарахтлари — бақувватлиги билан, арча дарахти эса узоқ вақт яшаши ва ёзин-қишин кўм-кўк бўлиб туриши билан диққатни жалб қилади. Шунинг учун бу дарахтларнинг номлари бақувватликни ифодаловчи бирикмалар таркибиде ўхшатиш объекти сифатида ҳам қўлланилади.

Кўп дарахтлар тўғри ва равон ўсиши, чиройлилиги ва бақувватлиги билан бадий адабиётда минглаб ўхшатиш ва сифатлашларнинг манбаи бўлиб қолган. Масалан, Шарқ поэзиясида, жумладан ўзбек адабиётида гўзал маҳбуба ва маъшуқанинг қадди-қомати доим кўм-кўк бўлиб равон ўсадиган *шамшодга*, сочларининг узунлиги ва хушбўй ҳид таратиб туриши *сунбул* дарахтига, чиройлилиги *санобарга* ўхшатилади.

Рус тилида *нет розы без шипов* деган матал бор. Шу бирикмани бошқа жуда кўп тилларда ҳам учратамиз. Чунончи, француз тилида: *Il n'y a point de roses sans épines*; инглиз тилида: *There is no rose without a thorn*; татар тилида: *гөл чөнечкесез булмый* (ТХМ, 875); ўзбек тилида ҳам *тикансиз гул бўлмас* деган матал бор. Гулханий ёзган:

Тикансиз гул, садафсиз дур,
Машаққатсиз ҳунар бўлмас.

Гул — гўзаллик, ёшлик, навқиронлик тимсоли. Энг улур ва ҳурматли меҳмонга, ёрга, дўстга гул тақдим қилинади. Тикан эса гулнинг тамом тескари сифатларига эга. Шунинг учун гўзаллик ва хунуклик, нафосат ва дағаллик гул ва тикан мисолида тараннум қилинади. Қарангки, бир-бирига бутунлай қарама-қарши маънони ифодалайдиган икки нарса — гул ва тикан ўртасида ҳам бирлик бор, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди! Бир-бирига маъноси зид бўлган икки объектнинг контраст қўйилиши мақолларнинг шакли ва мантиқи учун зарурий воситалардан бири бўлганлигидан бу матал турли тилларда учрайди.

Асли ватани Хиндистон бўлиб, минг йиллар муқаддам Хитойга кўчирилган ва кенг тарқалиб кетган лотос деган гул хитойликлар тилида гўзаллик, поклик ва ҳалоллик тимсоли бўлиб қолган. Хитой поэзиясида гўзал маҳбуба лотосга ўхшатилади.

Лотос лойқа ва балчиқ жойларда ўсишига қарамай, ўзи ҳеч қачон ифлос бўлмайди. Шунинг учун оғир зулм ва мусибатларга бардош берган садоқатли ёр ана шу гул рамзида тараннум қилинади³².

Ёзувчи ва шоирлар воқеалар замиридаги зиддият, кишилар ўртасидаги конфликтларни очишда бундай образлардан жуда усталик билан фойдаланадилар.

³² Журн. «Дружба», 1959, № 38

«Бой... Ҳе аттанг! Гулни гулга қўшмай, гулни сассиқ алафга қўшиб қўйибман! Ҳе, пишмаган хом калла!»³³

Бой Жамила билан ўзини «гул» ҳисоблаб, Гофирни... «сассиқ алаф» деб тушунади. Бу эса, ҳақиқатда ким — гул ва ким — сассиқ алаф эканини билиб турган китобхоннинг назарида разил бойга нисбатан баттарроқ нафрат қўзғатади.

Объекти ҳайвон номларидан тугилган фразеологизмлар таржимаси

Ҳар бир халқ мақоли, матали ва идиомасида, асосан, ўша халқ яшаётган табиий шароит учун мувофиқ ва типик бўлган ҳайвон ёки паррандаларнинг номлари асос бўлиб келади.

Халқларда айрим ҳайвонларнинг гўштига ҳалол ёки ҳаром деб қарашда ҳам ўхшашлик ва тафовутлар борлиги тилда ўз аксини топади. Ҳар иккала халқда ҳам гўшти ҳалол деб қабул қилинган ҳайвоннинг номи объект бўлиб келса, уни таржима қилиш осон бўлади. Бироқ бир халқ мақолида гўшти ҳалол деб қабул қилинган ҳайвоннинг номи асос бўлса-ю, таржима қилинадиган тилда уни «ҳаром» деб ўйласалар, бундай вақтда таржимон учун қийинчилик тугилади.

К. Чуковский Бальзак романларидан бирида отанинг ўз болаларига:

«—Здравствуйте, мои *поросятюшки*, — деб айтган гаплари.
— Здравствуйте, мои *птички*», — деб таржима қилинганлигини қаттиқ танқид қилади.

Умуман, Рабле ёки Фильдинг каби «қўпол» ёзувчиларнинг асарларидаги «поросятюшки» каби сўзларни «птичка»лар билан алмаштириш бу ёзувчиларнинг услубини бузишга олиб келади, деб талқин қилади К. Чуковский³⁴.

Ҳақиқатан ҳам, масалан, қозоқ тилидан ўзбекчага бирон асар таржима қилинар экан, ундаги *бўталогим* сўзини *қўзичоғим* деб алмаштиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ.

Бироқ К. Чуковский келтирган мисолдаги *поросятюшки* сўзини, масалан, ўзбекчага қандай таржима қилиш керак? Агар биз авторнинг услубини сақлайман деб, уни ...«— Салом, менинг чўчқачаларим»—деб таржима қилсак, ёзувчини китобхоннинг кўз ўнгига шарманда қилган бўлмаймизми? Бундай ўринда ўзбек таржимони *поросёнок* (чўчқа боласи)ни қўйнинг боласига «айлантириб», «қўзичоқ» қилишга мажбур.

Лекин ҳайвон номлари негизида ясалган мақолларнинг мақол бўлишида фақат ўша ҳайвон гўштининг ҳалол-ҳаромлиги асос бўлади деб қараш тўғри бўлмайди. Масалан, чўчқа

³³ Ҳ а м з а, Танланган асарлар, 1958, 137-бет.

³⁴ Қаранг: «Принципы художественного перевода» (статья К. Чуковского и Н. Гумилева), «Всемирная литература», Петербург, 1919, стр. 13—14.

русларнинг ўзида ҳам бефаросатлик ва қўполлик тимсоли сифатида гавдаланади.

Турмушда шундай ҳодисалар бўладики, бир нарсанинг рўёбга чиқиши учун иккинчи бир нарса йўқ бўлиши, ўлиши керак; бир томоннинг ғолиб келиши учун иккинчи томон мағлуб бўлиши, бировнинг муваффақиятга эришиши учун бошқа биров муваффақиятсизликка учраши, бир нарсанинг яшаши учун иккинчи бир нарса ўлиши керак. Турли халқларнинг мақол ва маталлари орасидан бунга ажойиб мисоллар топиш мумкин. Масалан, *ат улеме эткэ туй* (татар маталларидан). Худди шу матал туркманларда ва озарбайжонларда ҳам бор.

Шунингдек, кўп халқларнинг тилларида, масалан, татарларда: *тычканга улем, мәчегә көлке*; ўзбекларда: *мушукнинг ййини — сичқоннинг йлими*; русларда: *кошке игрушки, а мышке слёзки*; чувашларда: *шăришне вилём, кушака кулă*; қozoқларда: *мысыққа ойын керек, тышқанға өлім керек* деган матал бор.

Демак, юқорида айтилган умумий фикр мушук билан сичқон ўртасидаги табиий қарама-қаршилик асосида майдонга келган. Текст ичида *кошке игрушки, а мышке слёзки* маталини унинг эквивалентлари билан бемалол таржима қилиш мумкин.

Кишилар ўз этика, хулқ-атвор, дунёқараш ва маслакларига мувофиқ ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш, ҳикмат яратиш, яна энг чуқур мантиқ ва маънони бериш учун ҳайвон ва паррандаларнинг онгсиз, инстинктив ҳаракатларидан фойдаланадилар ва уларни ҳатто «одамлардай» ҳаракат қилдирадилар. Баъзан эса бевосита ҳайвонларнинг ўзлари номидан «мулоҳаза» юритилади. Масалан, қozoқларда *озім есек бола тура түйені жетектедім* деган матал бор. Бу бирикма асосидаги фикр турмушдаги оддий ҳақиқатдан олингандир. Чиндан ҳам, карвоннинг бошида эшак туяларни етаклаб боради.

Турли тиллардаги жуда кўп мақол, матал ва идиомаларда *ит* сўзи объект бўлиб келади. Н. Эсанбатнинг кўрсатишича, татар халқ мақолларининг фақат биринчи томидагина *ит* тўғрисида 500 гача мақол келтирилган.

Кишининг ҳайвонот оламидаги энг яқин дўсти бўлган ит урушда, овда, илмий ишда, тинч ҳаётда ҳамкор, қўриқчи, посбон, дастёр сифатида унинг муҳаббатига сазовор бўлган (космосга биринчи бўлиб саёҳат қилган жонивор ҳам итдир). Булар мақол ва маталларда қисман ўз аксини топган.

Аммо шуниси борки, ҳеч бир фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайдиган мусича, каптар ҳамда бошқа шу каби бир неча ҳайвонлар инсоннинг жуда катта муҳаббатига сазовор бўлгани ҳолда, итнинг тубанлик ва пасткашлик, разиллик ва ол-

чоқлик тимсоли бўлиб қолиши ғалати туюлади. Қозоқларнинг айтганича бор: *куніне жуз тулкі алса-да, тазының ит аты қалмайды.*

Демак, бирон ҳайвон ёки парранда номининг мақол ёки матал учун объект бўлиши унинг яхши ёки ёмон томондан характерланиши, ёки хўжаликда тутган ўрни, инсонга келтирган фойда-зиёни билангина белгиланмайди.

Рус тилидаги *ворон ворону глаз не выключет* маталининг ўзбекча *қарға қарғанинг кўзини чўқимас* деган эквиваленти бор. Ҳар икки тилда мақолнинг маъноси билан бирга, уларнинг шакли ва объектлари ҳам бир-бирига жуда мувофиқ келади. Н. Эсанбат бу мақол дунёдаги жуда кўп тилларда учрашини кўрсатади. Чунончи, татарларда: *карга карга кузын чыгармас*; французларда: *Corbeux contre corbeuse he se crevent jamais les yeux*; ёқутларда: *Суор хао а о субат*;

Аввало, нима учун бу матал дунёдаги жуда кўпчилик тилларда учрайди? Еки унинг келиб чиқиш манбаи бир бўлиб, сўнгра дунё тилларига тарқалганми? Еки қозоқлар, руслар, ўзбеклар, татарлар, французлар, ёқутлар, чувашлар, озарбайжонлар ва бошқа халқларнинг фақат қ а р ғ а л а р и бир-бирининг кўзини чўқимаслиги шу маталининг юзага келишига сабаб бўлганми? Нима учун турли халқларнинг бу маталида объект сифатида фақат қ а р ғ а н и н г номи қабул қилинган?

Турли халқларда ушбу матал объектининг бир-бирига мувофиқ келишига сабаб шуки, деярли ҳамма халқларда ҳам қарға — дилсиёхлик, бахтсизлик, уруш-жанжал символидир. Шунинг учун «икки ёвуз бир-бирига хилофат қилмайди» маъносида матал яратар эканлар, халқлар қарғанинг номини асос қилиб олганлар.

Қуйидаги мақол, матал ва идиомаларни солиштиринг:

Рус тилида

Ўзбек тилида

- | | |
|---|--|
| 1. Рыба от головы тухнет. | Балиқ бошидан чирийди. |
| 2. Чтобы клопов морить, не надо жечь дом. | Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирма. |
| 3. Собака е собаच्या смерть. | Итга ит ўлими. |
| 4. Муху не обидит. | Чумоли (пашша)га озор бермайди. |
| 5. Черепаший шаг. | Тошбақа қадам. |
| 6. Крокодиловы слезы. | Шайтон йиғи. |

1, 3, 4, 5 эквивалент бирикмалар бир хил объект асосида тузилган бўлса, иккинчи маталнинг объектлари сал бошқачароқ, ammo олтинчи идиома тамомила бошқа объектга асос

лангандир. Агар уни ҳижжалаб «тимсоҳ йиғи» деб ағдарилса, бу ўзбек китобхонига мутлақо тушунарли бўлмайди³⁵. Шунинг учун уни ўзбекча муқобили билан бериш шарт. Шунингдек, иккинчи матални ҳам «тахта канасини йўқотиш учун уйни куйдириш ярамайди» деб таржима қилишга эҳтиёж йўқ, чунки унинг ўзбекча жуда яхши муқобили бор.

Рус тилида *два медведя в одной берлоге не уживутся* деган матал бор. Уни «икки айиқ бир унгурга сиғмас» деб таржима қилишга ҳожат йўқ, чунки ўзимизда шу маънода *икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас* деган жуда яхши муқобил матал ишлатилади. Бу икки фразеологик бутунликнинг мазмуни тамомлаи бошқача бўлишига қарамай, уларнинг кўчма маъноси уйғун: буларда икки нуфузли, мансабпараст, шуҳратдор эр киши бир жойда муроса қила олмайди деган ҳукм бор. Фарқи шундаки, рус тилида эркаклик образи сифатида — *айиқ*, ўзбек тилида эса *қўчқор*³⁶ сўзи қабул қилинган (шуниси қизиқки, татар тилида қўчқор ўрнида *така* сўзи келади):

Рус тилида	Ўзбек тилида	Татар тилида
Два медведя в одной берлоге не уживутся.	Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас.	Ике тәкә башы бер казанга сыймый.

Яна битта мисол келтирамиз:

Рус тилида	Ўзбек тилида	Татар тилида
Был бы пёс, лишь бы яйца нес.	Така бўлсин, сут берсин.	У гез булмагае чорт булсын, балаларга сөт булсын*.

Ҳар уччала тилдаги маталларга хос умумийлик шундаки, улар бирикма таркибидаги сўзларнинг семантик жиҳатдан зид маъно англатишига асосланган (русча бирикмада — *ит ва тухум*; ўзбекчада — *така ва сут*; татарчада — *ҳўкиз ва*

³⁵ Русларда тимсоҳ ўз ганиматини еяётганида ўзи ҳам йиғлайди, деган ақида бор. Шунинг учун ёлгондакам кўз ёши қилинганида *крокодилловы слезы* идиомаси ишлатилади.

³⁶ А. Қаҳқорнинг „Синчалак“ повестида колхоз раиси Қаландаров Саидага: „—Гап бундай, Саидахон... *Икковимиз бир қозонда қайнамайтибмиз*, (81-бет) дер экан, *бу икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамаз*“ маталининг талқин қилинишидир. Саидани хотин киши, ожиза ва синчалак қуш деб писанд қилмаган Қаландаров кейинчалик юқоридаги матални ишлатар экан, бу унинг Саидада ҳам „қўчқорчалик“ куч бор, канлигига иқрор бўла бошлаганидир.

сут). Объектлари қандай бўлишдан қатъий назар, бу бирик-малар бир-бирига жуда яхши муқобилдир*.

Хулоса шуки, ҳайвон номларидан тузилган кўчма маъноли иборалар инсоннинг ҳайвонот олами билан узоқ замонлар мобайнида олиб борган муносабатлари ва синчков кузатишларининг тилдаги инъикосидир. Улар ҳар бир тилнинг фразеология бойлигида катта ўрин эгаллайди.

1. Фразеологик ибораларнинг маъноси ва объекти — мазмун ва шакл масаласидир. Бинобарин, фразеологизмларнинг объектини ўрганиш уларнинг шакл хусусиятларини ўрганиш ҳисобланади. Икки тилда бирикманинг барча шакл ва объект белгилари мувофиқ келса ҳам, аммо асосий нарса — маъно монандлиги бўлмаса, бу бирикмалар бир-бирига эквивалент ёки муқобил бўлмайди. Фразеологизмларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда асосий дастак маънодир.

2. Айрим фразеологик бирикмаларнинг тилда аниқ эквиваленти ёки муқобил вариантлари йўқлиги уларни умуман таржима қилиб бўлмаслигини кўрсатмайди. Аксинча, худди шу ҳол уларни аниқ таржима қилишга эҳтиёж туғдирувчи сабаблардан биридир. Масалан, рус тилидаги *старого воробья на мякине не проведёшь* маталининг ўзбекча муқобил варианты йўқ. Уни рус тилидан айнан *туллак чумчуқни тузоққа тушириш осон эмас* деб таржима қилса бўлади.

3. Кўчма маъноли бирикмаларнинг объекти масаласи уларнинг шакл хусусиятлари масаласи экан, демак, уни ўрганиш иккинчи даражали аҳамиятга эга дейиш тўғри бўлмайди. Зотан, бадий асарнинг айрим нозик нуқталарини, сўз ўйинларини таржимада акс эттиришда баъзан иборанинг объектига алоҳида эътибор қилишга тўғри келади.

4. Мақол, матал ёки идиоманинг шакли ва объектларини айнан сақлаган ҳолда бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш уни учинчи, тўртинчи ва ҳоказо тилларга ҳам айнан шундай таржима қилиш учун асос бермайди. Масалан, *вот где зарыта собака* идиомаси немис тилидан рус тилига айнан таржима қилинганлиги учунгина уни ўзбек тилига ҳам худди шундай принципа «итнинг кўмилган ери шу» деб таржима қилиш шарт эмас.

5. Мақол ва маталларни бир тилдан бошқа тилга контекстсиз, ўз «миллий» қобиғи билан таржима қилганда, мумкин қадар, уларнинг объектини сақлашга тўғри келади.

6. Турли тиллардаги мақол, матал ва идиомаларнинг муқобилларида шакл ва объект хусусиятларини ўрганиш чоғиш-тирма ва қиёсий стилистика учун катта аҳамиятга эга.

Объекти рақам ва рақамлар таносибини акс эттирувчи фразеологизмлар таржимаси

Дунёдаги ҳамма тилларда ҳам объектлари рақамлардан ташкил топган мақол, матал ва идиоматик иборалар кўп учрайди.

Муайян рақамлар дунёдаги жуда кўп тилларда бир хил маънода ишлатиладиган фразеологизмларга асос бўлиб келади. Тилнинг тараққиёти натижасида бир қанча рақамлар иборалар таркибида бора-бора абстракт маъно ҳосил қилиб, маълум стилистик клишеларга айланиб қолган. Масалан, ўзбек тилида етти рақами билан шундай бирикмалар ясалган: *етти кечаю етти кундуз*; *етти қароқчи*; *етти оғайни ботирлар* ва ҳоказо; қирқ рақами билан: *қирқ кечаю қирқ кундуз*; *қирқ йигит*; *қирқин қиз*; *қирқ кунлик муҳлат*.

Шундай қилиб, маълум рақамлар³⁷ муайян маъно англатувчи бирикмаларга объект бўлиб келади (ФРФС, 9).

Турли тилларда бир хил маънода ишлатиладиган фразеологик ибораларнинг объектлари — традицион рақамлар ҳам кўпинча бир-бирларига мувофиқ келади. Таржимада, контекстга қараб, бирикма таркибидаги традицион рақамни бошқа традицион рақам билан алмаштириш мумкин, бу билан маъно ўзгармайди.

А. П. Чеховнинг «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди» ҳикоясида аравакаш янги ҳокимни эскиси (Посудин) билан солиштириб: «у нынешнего в голове этой самой мозги *во сто раз больше*» деб айтса, бу ўзбек тилига: «Янгисининг мияси *минг марта ўткир*» деб таржима қилинган.

Бундаги юз ва *минг* рақамлари ўзларининг арифметик аниқлик маъносидан чиқиб, фақат маънони кучайтириб келувчи бир воситага айланган, холос. Шунинг учун текст ичида бу рақамларнинг миқдорини ўзгартирган билан бадий аниқликка ҳеч қандай зарар етмайди.

Рус тилига қилинган таржималардан ҳам бир мисол келтирамиз.

Ленин мукофотининг лауреати Чингиз Айтматовнинг «Жамила» повестида шундай гап бор: «— Қызыксың да анан көнулум бузулса, *миң көругула...*» («Обон», 10-бет). Жамила доим кўз-қулоқ бўлиб юрадиган қайнисига шундай дейди. Бунинг русча таржимаси қуйидагича: «Если только захочу дать себе волю, кто меня удержит?» («Джамиля», стр. 8).

Дарҳақиқат, *миң көругула* жумласидаги *минг* рақамида арифметик аниқлик маъноси йўқ, балки ундан, юқоридагидай, «жуда кўп» деган маъно англашилади, холос. Агар шу контекст ичида ибора русчага айнан таржима қилинса, услуб

³⁷ Бундай рақамларни традицион рақамлар деб атадик.

ғализ бўлиб қолар эди. Бироқ ўзбек тилига бу ибора аниқ таржима қилинса ҳам силлиқ чиққан, негаки бу ибора бизда ҳам шундай контекстда ишлатилади: «Агар ниятимни бузаман десам, минг кўз-қулоқ бўлсанг ҳам бузаман» («Шарқ юлдузи», 1961, 3-сон, 12-бет).

Қуйидаги икки мисолни ва уларнинг таржималарини бири-бири билан қиёс қилинг:

«— То, что я тысячу раз говорил и не могу не думать... то, что я не стою тебя» (АК, II, 13).

«—...Левин в тысячу раз лучше человек». (АК, I, 65).

«— Буни минг марталаб айтганман, буни миямдан ҳеч чиқаролмайман. Сенга мен муносиб эмасман» (14-бет).

«Левиннинг ўлса ўлиги ортиқ» (65-бет).

Бу ўринда «Левин минг марта яхши одам» деб бўлмаганидай, биринчи мисолда ҳам «ўлса ўлиги ортиқ» идиомасини ишлатиб бўлмайди.

Демак, рус тилида маълум даражада миқдор маъносини ўзида сақлаган бирикмаларни ўз таркибидаги рақами билан акс эттириб бўлса, рақам нарсанинг сифатини ёки хусусиятини ифодалаб келганида кўпинча муқобил вариантлар билан алмаштирилади. Бу, хусусан, қуйидаги мисолда аниқ кўринад:

«— Двадцать раз тебе говорил, не входи в объяснения. Ты и так дура, а начнешь по-итальянски, объясняться, то выйдешь тройная дура, сказал он после долгого спора» (АК, II, 39—40).

«— Сенга йигирма мартача айтдим: бека билан ади-бади қилишма, деб. Ўзинг ўлгидек нодонсан, унга итальянча гап уқтира бошладингми, бўлди, яна беш баттар аҳмоқсан. — деди хотинига, узоқ гап талашгандан кейин» (43-бет).

Рус тилида *семь раз отмерь, один раз отрежь* деган, еттининг бирга нисбати (7:1 принципи) асосида тузилган мақолга ўзбек тилида ҳам худди шундай мақол вобастадир: *етти ўлчаб, бир кес*.

Аммо объекти рақамлардан иборат бирикмаларга бошқа тилдан баъзан бир қанча муқобиллар тўғри келадик, булар тузилиш принципи жиҳатидан оригиналга ўхшаши ҳам, ўхшамаслиги ҳам мумкин. Солиштиринг:

Рус тилида (7:1)

У семи нянек дитя без глазу.

Форс тилида (2:1)

ماماكه رو تا شد سر بچه كج بيرون ميايد

(Мома иккита бўлса, боланинг боши қийшиқ келади).

Ўзбек тилида

Қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар.

Қозоқ тилида

Қатын көп болса, шөмішти ит жалайды.

Рус тилидаги *на свете всегда два без пятака* матали билан ўзбек тилидаги *дунёни кири кам икки* маталларининг тузилиш принципи бир-бирига мувофиқдир.

К. Павлов «Литературная газета»да босилган бир фельетонида³⁸ русча *не говори «гоп», пока не перескочишь* мақолининг инглизча, испанча, немисча, французча ва итальянча муқобилларини келтиради. Булар орасида итальянча *non dir quattro finche la pose non e nel sacco* («ёнғоқ халтага кирмагунча, тўрт дема») мақолининг асосида *тўрт* рақами ётади. Бу мақолнинг ўзбекча муқобили — *санамай саккиз дема* мақоли асосида *саккиз* рақами ётади. Бу тасодифий ҳолми? Нима учун *саккиз* рақамининг ўрнига *етти* ёки *тўққиз*, ё бўлмаса бошқа бирон сон келмаган? «Санамай етти дема» ёки «санамай тўққиз дема» дейилмаслигининг сабаби нима?

Бунинг боиси шуки, мақолдаги *санамай* сўзига *етти* ёки *тўққиз* эмас, балки худди *саккиз* сўзи фонетик жиҳатдан уйғунлашиб келади. Чунки: 1) бу сўз *санамай* сўзидаги *с* ундоши билан *а* унлисининг «қотишмасига» эга (бу қотишманинги ўрни жиҳатидан ҳам улар мувофиқ келади); 2) *санамай* сўзидаги *учта а* унлисига ва *дема* феълидаги битта *а* унлисига *саккиз* сўзи яна бир унли товуш а ни қўшади; 3) *саккиз* сўзининг таркибидаги *к* ундошларининг ёнма-ён такрорланиб келиши ҳам айни муддаодир.

Шундай қилиб, «санамай... дема» қолипи *саккиз* рақамининг келишини талаб этади. Бошқача айтганда, *санамай саккиз дема* мақолидаги *саккиз* шу мақол учун тасодифий ҳол эмас, балки қонуний ҳодисадир.

Бу ҳодиса шакл томондан худди шунга ўхшаш *сигез сыер асраганчы сиез сыер асра* (ТХМ, 204) деган татарча мақолнинг таҳлилида янада ойдинлашади. Унинг маъноси: «саккиз-

³⁸ К. Павлов, Бум, бум, бум... (фельетон), «Лит. газ», 26 января 1952 года.

та сигир асрагунча, семиз сигир асра» демакдир. Бундан кўриниб турибдики, олти сўздан иборат битта мақолда иккитагина сўз—*сигез* (*саккиз*) ва *симез* (*семиз*) сўзлари такрорланмаган, холос. Қолган сўзлар (*сыер, сигир, асра*) эса икки мартадан такрорланган! Муҳими шундаки, такрорланмаган сўзлар (*сигез* ва *симез*) таркибидаги баъзи ундош ва унлилар ҳам, такрорланиб келган сўзлар таркибидаги ундош ва унлиларга фонетик жиҳатдан уйғунлашиб, такрорланиб келган. Бундан ташқари *сигез, симез* сўзлари бир-бирига қофиядош ҳам бўлиб келган.

Худди шунинг учун «тўғиз сыер асраганчы симез сыер асра» деб бўлмаганидек, мақол таркибидаги *саккиз* — *сигез* рақамини *етти* билан ҳам алмаштириб бўлмайди.

Демак, *саккиз* сўзи ўзининг с ундоши, а унлиси, уларнинг сўз бошида бирикиб келиши, к ундошининг ёнма-ён такрорланиши, мақол қолипига яхши туша олиши туфайли фақат ўзбек тилидагина эмас, балки бошқа бир қанча туркий тилларда ҳам объекти худди шу рақамдан иборат мақол ва идомалар анчагина учрайди.

«Узбекские пословицы» китобчасида *санамай саккиз дема* мақоли *не подсчитав не говори восемь* деб таржима қилинган. Ваҳоланки, буни мақол деб бўлмайди. Чунки *саккиз* рақамининг айнан *восемь* деб берилиши натижасида бу рақамнинг либоси шу мақол таркибидаги бошқа сўзлар фонетикасига мутлақо уйғунлашмай қолган. Бинобарин, *санамай саккиз дема* мақолидаги *саккиз* рақамининг ўрнини 1 дан 10 гача бўлган рақамлар сирасидаги биронта сон билан алмаштириб бўлмаса, унинг русча таржимасида бирикма таркибидаги *восемь* рақамининг ўрнига *девять* ёки *семь* ёхуд бошқа исталган бирон рақамни қўйиш мумкин — бу билан унинг маъноси бузилмайди. Хуллас, *саккиз* рақами ўзбекча мақолда ўзининг қонуний ўрнини олган бўлса, русча таржимада *восемь* бутунлай тасодифий ҳодиса бўлиб қолган.

Демак, мақоллар таркибидаги рақамлар тасодифий ҳодиса эмас. Улар муайян традиция асосида шундай ишлатиб келинган ёки маъно томондан ўша мақолдаги бошқа объектка алоқадор, ё бўлмаса, мақолдаги бошқа сўз ёки бошқа объектга фонетик жиҳатдан уйғунлашиб келган.

Туркий тилларнинг ўзида ҳам аynи бир маънодаги мақол ва маталлар таркибидаги рақамларнинг, объект хусусиятига қараб, бошқа-бошқа бўлиши эътиборга лойиқдир.

Ўзбек тилида

Элакка кирган хотиннинг эллик оғиз гапи бор.

Татар тилида

Утка килгән хатынның *утыз* авыз сузе бар.

Қозоқ тилида

Отқа барған хатынның *отыз* ауыз сөзі бар.

Ўзбекча маталда хотинлар «элакка» кириб, «эллик» оғиз гапирсалар, татарча ва қозоқча бирикмаларда хотинлар «ўтга» кириб, эллик оғиз эмас, «ўттиз» оғиздан гаплашадилар! Бунинг сабаби нима?

Ўзбекча бирикмада хотин *элакка* кирган экан, бизнинг тилимизда 10 дан 100 гача бўлган сонлар орасидаги ўнликларда бу сўзга фонетик жиҳатдан уйғунлашиб, қофиядош бўлиб келадигани *эллик* сўзидир (*элак — эллик*). Бунинг татарча ва қозоқча эквивалентларида эса хотин *элакка* эмас, *ўтга* кирар экан, 10 дан 100 гача бўлган сонлар орасидаги ўнликлардан *ўттиз — ўт* сўзига фонетик томондан уйғунлашиб келади (*ўт — ўттиз*).

Объекти рақамлардан ташкил топган фразеологизмларнинг хусусиятига етарли эътибор қилмаслик таржимада мантиқ ва услуб ғализлигига сабаб бўлиши мумкин.

И. С. Тургеневнинг «Овчининг мактублари» асаридан бир мисол:

Рус тилида

«...дедушка Трофимыч, который знал родословную всех дворовых в восходящей линии до *четвертого колена*».

Таржиманинг қўл ёзма сида

«...Ҳамма чўри ва хизматкорларнинг *тўрт пушт* ота—боболари қайси насл-насабданлигини билган Трофимич ота».

Таржиманинг охирги вариантида

«...Ҳамма чўри ва хизматкорларнинг насл-насабини *етти пуштигача* билган Трофимич бобо».

Бирикма таркибидаги рақамнинг арифметик миқдор аниқлигига интилиш туфайли юз берган мантиқий ноаниқлик таржиманинг сўнги вариантида тузатиш билан қўрилиб турибди.

Ўзбек тилидан русчага таржима қилиш практикасида ҳам бундай ҳоллар тез-тез кўзга ташланиб туради. Чунончи, ёзувчи Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи таржимасидаги қуйидаги парчани кўздан кечирайлик.

«— Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор, дегандай, лақиллаб ўтирганимни қара, айланай келин, қасқонингни бериб турсан деб чиқувдим...».

«— Заболталась я, милая сношенька, а ведь собралась к тебе за ситом. Покази-ка, где оно у тебя?»³⁹.

Кўринадики, таржимон ўзбекча маталнинг маъносига тушуниб етмаган ва унинг объекти (*элак*)ни тўғри маънода қабул қилиб, натижада манти қозонига чиққан хотинга... *элак*ни тўғри қилган.

Демак, кўпинча объекти рақамлар ва уларнинг таношибини акс эттирувчи мақол, матал ва идиомаларда уларнинг умумий структураси ва бошқа объектларининг шакл хусусиятлари билан рақамларнинг фонетик либоси ўртасида боғланиш бўлади. Ана шу хусусиятни таржимада тўғри акс эттириш ниҳоятда аҳамиятлидир. Башарти, бу қоидага риоя қилинмас экан, бир халқ тафаккурининг гавҳари бўлган мақол мантиқсиз ва бетаъсир сўз тизмасига айланиб қолади.

**Объекти тана
аъзоларининг
номларидан
тузилган
фразеологизм-
лар таржимаси**

Тана аъзоларининг номларидан тузилган мақол, матал ва идиомалар ҳар бир тилнинг фразеология бойлигида катта ўрин ишғол қилади.

Объекти тана аъзоларининг номларидан иборат фразеологизмларни ўрганиш, уларнинг эквивалент ва муқобил вариантларини аниқлаш, икки тил материаллари асосида кўчма маъно англатиш доираси ва нормаларини белгилаш фразеология, лексикография ва, хусусан, таржима назарияси учун катта аҳамиятга моликдир.

Доцент А. Я. Рожанский «Идиома ва уларни таржима қилиш»⁴⁰ номли мақоласида тана аъзоларининг номларидан иборат фразеологизмлар тўғрисида муҳим гапларни айтади. Чунончи, айрим сўзлар жуда кўп тилларда идиомаларнинг ясалиши учун объект бўлиб хизмат қилади. Масалан, *қўл* сўзи кўп тилларда идиомаларнинг объекти бўлиб келади. Автор рус тилида *рука* (*қўл*) сўзи асосида элликдан ортиқ идиомалар борлигини қайд этади.

Оёқ сўзи ҳам жуда кўп фразеологизмларнинг ясалиши учун хизмат қилади. Масалан, немис тилида: *auf die Bejne kommen* оёққа турмоқ; *sich die Bejne ablaufen* оёқдан қолмоқ, *йўлдан озмоқ*; *ejnen auf die Bejne bringen* оёққа турғизмоқ.

³⁹ Бу мисол Ю. Пўлатовнинг мақоласидан олинди (ВФ, 72).

⁴⁰ Журн. «Иностранные языки в школе», 1948, № 3.

Қўл, оёқ сўзларидан ташқари бош, жон, осмон, ер, сув сўзлари ҳам жуда кўп фразеологизмлар учун асос бўлиб келади.

Таржимашунос Е. Эткинд талантили таржимон М. Л. Лозинскийнинг ижодий лабораториясини чуқур ўрганиб, унинг архивидаги бой материаллар орасида апто сўзи асосида яратилган жуда кўп фразеологизмлар борлигини қайд этади. Авторнинг кўрсатишича, италянча апто (жон) сўзи кўпгина кўчма маъноли бирикмалар ва идиоматик иборалар учун объект бўлиб келади. Мавжуд луғатлардан эса бундай ибораларни таржима қилиш учун етарли маълумот олиб бўлмайди.

Е. Эткинднинг фикрича, ёзувчи ва олим, таржимон ва мутафаккир М. Л. Лозинский фақат ҳавас ва илҳом билангина ишламаган. Унинг илҳоми чуқур тадқиқот иши, бошқа халқларнинг тили ва урф-одатларини астойдил ўрганишдек зўр меҳнатга асосланган эди (МП, 1959, 400, 403).

Тана аъзоларининг номлари асосида тузилган мақол, матал ва идиомаларни ўрганиш чет тилни эгаллаш методикасида ҳам катта ўрин тутди. Чет тилдаги бирон иборани олиб, уни она тилидаги муқобил вариант билан таққослаш, айниқса, уларнинг объектларини бир-бирига қиёс қилиш ўқувчиларда она тили ва чет тили ибораларининг ўхшаш ва бир-биридан фарқ қилувчи томонларига асосланган муайян ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига ёрдам беради ва натижада ўқувчиларнинг бошқа тилдаги кўчма маъноли бирикмаларнинг маъносини тезроқ тушуниб олишларига катта имкон яратилади.

Рус тилида тана аъзоларининг номлари асосида ясалган мақол, матал ва идиомаларнинг маъноси, шакли ва объектлари мувофиқ келадиган эквивалентларни кўп тиллардан топиш мумкин. Қўйидаги маталларни бир-бирига таққосланг.

Рус тилида	Ўзбек тилида	Қozoқ тилида
Глаза страшат, а руки делают.	Кўз кўрқoқ, қўл бо-тир.	Көз қорқақ, қол батыр.

Кўрамизки, уч тилдан келтирилган бу маталларнинг асоси кўз ва қўл сўзларидан иборат. Гарчи русча бирикма билан қozoқча ва ўзбекча маталлар шаклан бир оз тафовут қилса ҳам, аммо уларнинг умумий маъноси бир-бирига айнан уйғун.

Турли тилларда айни бир хил маънони ифодаловчи фразеологизмларга бошқа-бошқа тана аъзоларининг номлари объект бўлиб келиши мумкин.

Рус тилида аччиқланиш ёки хафа бўлиш, аразлаш маъноларида *с сердцем* идиомаси ишлатилади. Одатда русча *сердце* (юрак) сўзи объект бўлиб келган ибораларнинг маъноси

бизнинг тилимизда *юрак, жон, дил, кўнгил, қалб* ва бошқа сўзлар объект бўлган бирикмалар маъносига мувофиқ келади. Аммо бу ўринда *сердце* сўзининг маъносини юқоридаги ўзбекча сўзларнинг биронтаси ҳам қоплай олмайди. Чунончи, ўзбек тилида «юрагим билан» деб бўлмайди. Бизда *жоним билан* идиомаси ҳам бор, аммо у *с сердцем* иборасининг маъносини қоплаш у ёқда турсин, аксинча, унга тамом зиддир. Яъни *с сердцем* — *жоним билан* дегани эмас, балки у *аччиқ-ланиб, ғазабланиб, жаҳли чиқиб* сўзларидан ташқари, *ўпкалаб* деган идиома билан таржима қилинади. Русча идиома учун объект бўлиб хизмат қилган *сердце* (юрак) сўзининг маъноси ўзбекча муқобил идиомада *ўпка* сўзига монанд келади.

Рус тилидаги *покорить сердце* идиомасини ҳам ўзбекча *юрак, жон, дил, кўнгил, қалб* сўзлари асос бўлиб келган биронта бирикма билан бериш қийин. Масалан, «юракни мафтун қилмоқ» деб бўлмайди. Бу ўринда эса русча ибора таркибидаги *сердце* сўзи ўзбекча *жигар* сўзига мувофиқ келади: *жигардан урмоқ!*

Шундай қилиб, бу иккита русча бирикма оддий сўзлардан ташқари, қуйидаги идиомалар билан берилади:

Рус тилида	Ўзбек тилида
С сердцем. Покорить сердце.	Ўпкалаб. Жигардан урмоқ.

Баъзан ҳар икки тилда объекти, шакли ва маъноси айнан мувофиқ келадиган, ҳатто эквивалент ҳам бўладиган ибораларнинг этимологияси бир-биридан жиддий тафовут қилади.

Рус тилидаги *остаться с носом* идиомаси ўз мақсадига эришолмаслик, катта умид билан қилинган ниятнинг кўкка совурилиб кетиши, кўнгилдаги муддаонинг амалга ошмай қолиши каби маъноларни англатади. Ўзбек тилида бу идиоманинг *икки қўлини бурнига тиқиб қолмоқ* деган ажойиб эквиваленти бор.

Ҳеч бир натижага эришолмай қуруқ қолишни ифодаловчи бу идиомаларга ҳар икки тилда *бурун* сўзининг асос бўлиб келадиганлиги қизиқ. Булар ўртасида қандай мантиқий яқинлик бор? Ҳар икки тилдаги бундай идиомаларга *бурун* сўзининг асос бўлишига сабаб нима?

Қадимги рус давлатида боярлар ва руҳонийлар ўртасида порахўрлик жуда кучайиб кетган. Бирон жиноят қилган ёки боярларга иши тушган одам агар уларга пора келтирмаса, мушқули ҳал бўлмас экан. Борди-ю, келган одамнинг пораси қабул қилинмаса, бу унинг иши ўнгарилмади, у ишни ют-

қазди деган маънони англаган. Бундай вақтларда руслар: «фалончи порасини қайтариб кетди», — деб айтганлар.

Рус тилида *принос* сўзи қадим вақтларда «пора» маъносида ишлатилган. Бу сўз *носить* феълидан олинган бўлиб, унинг негизи «нос»дир. Демак, пораси қабул қилинмай қайтиб кетган одам тўғрисида *ушёл с носом* — «порасини қайтариб олиб кетди», дейилган. Шундай қилиб, ҳозир ҳам иш чаппасидан келиб, кишининг дилидаги муддаоси рўёбга чиқмай алданиб қолса, *с носом, остаться с носом* деган иборалар ишлатилади⁴¹.

Демак, юқоридаги русча ва ўзбекча идиомаларнинг объекти гарчи бир-бирига айнан тўғри келса ҳам, аммо русча бирикманинг асосидаги ном тана аъзоси — *бурун* бўлмай, балки бутунлай бошқа маънодан келиб чиққан. Уларнинг бир-бирига ўхшашлиги бир хил маънодаги идиомаларда мувофиқ келишининг ўзигина тасодифий ҳолдир. Аммо бу икки бирикма объектларининг асл мазмуни бир-биридан узоқ.

Образли асослари айнан тўғри келмайдиган, лекин бир-бирига эквивалент ва муқобил бўла оладиган мақол ва идиомаларга назар ташлайлик:

Рус тилида

Ўзбек тилида

Куда глаза глядят (итти, бе-
жать),

Бежать, сломя голову,

Влезть в душу,

Око за око, зуб за зуб,

Быть вооруженным до зубов.

Бош оққан томонга кетмоқ,

Оёқни қўлга олиб чопмоқ,

Қўнглига қўл солмоқ,

Қонга-қон, жонга-жон,

Тиш-тирноғигача қуроллан-
моқ.

Энди рус ва ўзбек тилларида объектлари бир-бирига мос фразеологизмлар (сохта эквивалентлар) ҳақида.

Рус тилида *не в бровь, а в глаз* деган матал бор. Ўзбек тилида ҳам объектлари *қош* ва *кўз* сўзларидан иборат бўлган *қош қўяман деб кўз чиқармоқ* деган фразеологик бутунлик бор. Ҳар икки тилдаги маталнинг ҳам образли асоси бир-бирига жуда мосдир. Аммо маъно томондан улар бутунлай фарқ қилади.

Не в бровь, а в глаз деганда бирон нарсани айни мўлжалга, ҳеч қандай мурасасизлик билан, жойини топиб уриш тушунилса, *қош қўяман деб кўз чиқармоқ* матали эса, аксинча, бирон ишни тузатаман деб, унинг пачавасини чиқариб қўйиш-

⁴¹ А. А ль пер и н, Почему мы так говорим? Алтайское книжное издательство, 1955, стр. 57.

ни англатади. Шундай қилиб, гарчи бу икки идиоманинг объектлари бир-бирига айнан тўғри келса ҳам, аммо уларнинг нисбатидан келиб чиқаётган маъно бутунлай бошқачадир. Шунинг учун бу фразеологизмлар сохта эквивалентлардир.

Объекти *душа* ва *сердце* сўзларидан таркиб топган фразеологизмлар ҳамда уларнинг эквивалент ва муқобиллари

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам *душа* (жон) ва *сердце* [юррак (дил, қалб, кўнғил)] сўзларидан таркиб топган мақол, матал ва идиомалар жуда сероб.

Жон сўзининг ўзини ҳам, шу сўздан тузилган кўчма маъноли бирикмаларни ҳам киши организмни ҳаракатга келтирувчи, унга ҳаёт бағишловчи бир «аппарат» сифатида талқин қилувчи диний афсоналарнинг маҳсули деб қарамоқ керак. Ана шу афсоналарда талқин қилинишича, кишининг тани тупроқдан, унинг жони эса нурдан ясалган. Шундай қилиб, тан бошқаю, жон бошқа бўлиб, киши кўз юмганида жон унинг танасидан чиқиб кетади. Хуллас, жон — кишига худо томонидан омонат берилган бир нарса бўлиб, вақти келганда у «қайтариб олинади».

Диний афсоналарда жон тандан бўлак, ундан аъло бир нарса деб талқин қилингани туфайли, кўпчилик тилларда жон энг қимматли нарса, ҳаёт ва тирикчилик симболи сифатида намоён бўлади. Турли тилларда бу сўз асосида ташкил топган фразеологизмлар маъносининг мувофиқ келиши ва бир-бирига эквивалент бўлишининг боиси шу (бирок бу фикр *душа*—*жон* сўзидан таркиб топган фразеологизмлар диний маънони англатади деган гап эмас).

Табийёт фанининг тараққиёти натижасида кишилар аста-секин ҳаёт манбаи юрак эканлигини англай бошлаганларидан сўнг, унга ҳаёт омили сифатида қарайдиган бўлганлар. Шу сабабли *жон* ва *юррак* сўзлари асосида яратилган мақол, матал ва идиомалар ўртасида маъно томондан жуда яқинлик бор ва бирикмалар таркибида келган бу икки сўз баъзан бир-бирига синоним сифатида ишлатилади.

Аммо ҳамма вақт ва ҳамма ҳолларда, ҳамма бирикмаларда ҳам бу икки сўз бир маънода ишлатилади деб бўлмайди. Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам *жон* ва *юррак* сўзлари ўртасида яқинлик бўлиши билан бирга, улар ўртасида маъно томондан ўзига хослик ҳам бор, бинобарин, бирикмаларда уларнинг ўрнини ҳамма вақт ҳам эркин алмаштириб бўлмайди. Бу фикр, асосан, ҳар бир тилнинг ўз доирасигагина хос бўлиб, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жараёнида эса кўпинча бирикмаларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги табиийдир.

Рус тилида *душа* сўзи бирон нарса ёки ҳодисанинг моҳияти сифатида келади. Масалан, «Сказуемое — душа предложения» (А. Потебня, ТСРЯ, 1, 817). Буни ўзбек тилига ҳам худди шу маънода, гапнинг объектини айнан сақлаган ҳолда таржима қилиш тақозо этилади: «Кесим — гапнинг жони».

Душа сўзини *юрак* сўзи билан алмаштириб кўрайлик: «Кесим — гапнинг юрагидир». Аммо биз бундай «таржима» қилиш билан рус тилшуноси А. Потебнянинг гапини ўзгартириб юборган бўламиз. Чунончи, бунда «Сказуемое — сердце предложения» бўлиб қолади. Бу эса А. Потебнянинг фикрига бутунлай зиддир: *юрак* сўзи бирон нарсанинг моҳиятидан кўра, кўпроқ, унинг *маркази* деган маънони англатади [масалан, «Москва — сердце нашей Родины» («Москва — Ватанимизнинг юрагидир»)]. Ҳолбуки, рус тилшуноси таъриф қилган гапда *душа* сўзини *сердце* (*юрак*) сўзи билан алмаштириш қўпол хатога олиб келади. Чунки жуда кўп гапларда рус тилида ҳам кесим гапнинг марказида келмайди. Хусусан, ўзбек тилига нисбатан юқоридаги фикр сира ҳам тўғри бўлмайди. Негаки, одатда гапнинг бошида эга, ўртасида (яъни «юрагида») кесим эмас, балки иккинчи даражали бўлақлар, фақат охиридагина кесим келади!

Рус тилида *душа в пятки ушла* деган идиоматик ибора бор. Бу иборанинг ўзбек тилида объекти *жон* сўзидан иборат шундай эквивалентлари борки, уларда ҳам *жон* гўё «бир ерда турмайди»: *жоним чиқиб кетди; жоним ҳалқумимга тиқилди* ва ҳ. к. Ҳинд тилида эса қўрқув ва саросимага тушиш ҳолати «жоним оғзимга тиқилди» идиомаси билан ифодаланиши диққатга сазовор (ППНВ, 16).

Ўрнига қараб, *душа в пятки ушла* идиомасига ўзбек тилида объекти *юрак* сўзидан иборат кўчма маъноли бирикмалар ҳам мувофиқ келади. Масалан, *юрагим такка тортиб кетди, юрагим шув этиб кетди* ва ҳоказо. Бу ўринда *юрак* — *жон* сўзининг синоними сифатида кўринади. Таржимада бу ибораларнинг қайси бирини танлаш афзаллиги контекстга боғлиқ.

Агар буни шартли равишда тасвирланса, манā шундай бўлади:

Душа в пятки ушла	—→	Жоним чиқиб кетди.
	—→	Жоним ҳалқумимга тиқилди.
	—→	Юрагим такка тортиб кетди.
	—→	Юрагим шув этиб кетди.

Рус тилида *душа* сўзи ғайрат, шижоат маъноларини ҳам англатади. Масалан, «Работать с душой». Ўзбек тилида шу

маънода *жонини жабборга бериб ишламоқ*⁴² деган идиоматик бирикма қўлланилади. Луғавий маънолари тамомила зид бўлган бу икки бирикманинг идиоматик маънолари бир-бирига жуда монанд, шунинг учун улар бир-бирларига эквивалентдир.

Объекти *душа* сўзидан иборат русча кўчма маъноли бирикмаларга баъзан объекти *жон* сўзидан иборат ўзбекча иборалар эквивалент ёки муқобил бўлар экан, аммо улар ҳамма вақт ҳам маъно томондан ёки қўлланиш доираси жиҳатидан бир-бирини тўлиқ қамраб ололмайди.

Бадий таржималардан танланган қуйидаги мисоллар *душа* сўзидан таркиб топган фразеологизмларнинг нақадар кўп маъноларда келишини, уларнинг ўзбекча эквивалент ва муқобиллари эса турли-туман объектлар асосида яратилганлигини кўрсатади.

ДУША > БОШ; ЖОН

«Норма — четыре кубометра в день на *душу*, заметь, на такую *душу*, какая и без этого чуть-чуть, на одной ниточке в теле держалась. Тут и началось...» (СЧ, 23).

«Кундалик норма — киши бошига тўрт кубометр! Ўзимиз *жонимиз* қил устида осилиб, зўрга-зўрга юрибмиз-у, тагин буларнинг берган нормасини қара! Қисқаси, шўримиз мана шу ерда қурий бошлади...» (Инт, 41).

ДУША² > ДИЛ; ҚАЛБ

«... в глубине *души* она считала свое положение ложным, нечестным и всею *душой* желала изменить его» (АК, I, 331—332).

«...*дилида* ўз аҳволининг сохталигини, номуссизлигини сезиб, бутун *қалби* билан уни ўзгартиришни хоҳларди» (370).

ДУША > КЎНГИЛ; УПКА

«Иногда она в *душе* упрекала его за то, что он не умеет жить в городе» (АК, II, 274).

«Шаҳарда яшашни билмагани учун баъзан *кўнглида* унга *ўпка* ҳам қилиб қўярди» (296).

⁴² Агар бу идиомани ўзбек тилига «таржима» қилсак, «жонни худога бериб ишламоқ» бўлади. Чунки «Жаббор» — худонинг 1001 отидан биридир. Бирикмада идиоматик мазмун жуда кучли: зотан, афсонавий жонни афсонавий худога топширгандан сўнг ишлаб бўладими?! Ҳолбуки, бу ибора жуда ғайрат қилиб ишлаш маъносини англатади.

ДУША > ЖОН

«Здесь непокорную шею сгибали, непокорную *душу* вышибали вон» (Нпк, 457).

ДУША > ЮРАК²

«— Но, Костя, ты преувеличиваешь,— говорила Кити, в глубине *души* радуясь той силе любви к ней, которая выражалась теперь в его ревности» (АК, II, 163).

ДУША² > ЖОН; ЮРАК²

«— ... Но, *душенька*, мне просто жалко, жалко тебя всею *душой!*» (АК, I, 79).

ДУША > ЮРАК

«*Душа* его разгорелась: он уже не думал о болезни» (Н, 174).

ДУША > ДИЛ

«Дверь запереть можно, *душу* как запрешь?» (Нпк, 432).

ДУША > КҮНГИЛ

«Брат был самый близкий ему *по душе* человек» (АК, II, 85).

ДУША > ҚАЛБ

«Но в глубине своей *души*, чем старше он становился и чем ближе узнавал своего брата, тем чаще и чаще ему приходило в голову...» (АК, I, 276).

«Бунда эгилмаганларни эгар, итоатга келмаган *жонни* олар эдилар (Б, 1946, 35).

«Кити эрининг рашк қилишдан ўзининг жуда қаттиқ севинишини англади; шунинг учун *юрак-юрагидан* қувониб:

— Ҳай, Костя, ошириб юбораяпсан,— деди» (175).

«—...Лекин, *жонгинам*, сенга жуда раҳмим келади. *Юрак-юрагимдан* ачинаман!» (88).

«... *Юраги* жўш урди; у энди касали тўғрисида ўйламас эди» (А, 1955, 134).

«Эшикни қулфлаб бўлади, аммо *дилни* қулфлаб бўладими?» (Б, 1953, 10).

«Акаси *кўнглига* ёқадиган энг яқин кишиси эди» (91).

«Лекин ёши улғайган ва акасини яна ҳам чуқурроқ ўрганган сари *қалбининг* чуқур бир ерида...» (310).

ДУША > КРЕПОСТНОЙ ДЕҲҚОН

«Владелец восьмидесяти двух душ...» (Н, 45).

ДУША > ОДАМ

«Анна Андреевна. ...Экая досада! как нарочно, ни души, как будто бы вымерло всё» (Р, 48).

ДУША—ХОСИЯТ

«—Ты не поверишь, как мне опостытели эти комнаты,—сказала она, садясь подле него к своему кофею.—Ничего нет ужаснее этих chambers garnies (меблированных комнат—франц.). Нет выражения лица в них, нет души» (АК, II, 360).

ДУША > ИМОН

«Поп, как видно, испугался, часто так говорит: «что ты, что ты, раб божий Федор! Какие там могут быть лошади! Ты о спасении души думай!» (ПЦ, 384).

ДУША > РИЁҚОРЛИК

«Но человек может чувствовать себя неспособным иногда подняться на эту высоту,—сказал Степан Аркадьич, чувствуя, что он кривит душою...» (АК, II, 347).

«...саксон икки крепостной деҳқоннинг хўжаси ... (А, 1955, 45).

«Анна Андреевна. ... Мана энди нима бўлди. Аксига олиб, одам қораси кўринмайди-я!» (Р, 1952, 38).

«Анна унинг ёнига, қаҳва қўйилган стол олдига келиб ўтирди-да:— Бу уйлар шунчалик жонимга тегдики, айтсам ишонмайсан,—деди.— Бу chambers garnies (мусофирхона — франц.) лардан ҳам хунукроқ. Буларда на файз бор ва на хосият» (391).

«Поп, афтидан, қўрқиб кетди шекилли, «У нима деганинг, у нима деганинг, худонинг бандаси Федор! У ёқда от нима қилади! Сен имонингни ўйласанг-чи!» — бидиллади» («Шқ. юл.», 1962, 3-сон, 100).

«Лекин инсон бу юксакликка кўтарилиши учун баъзан ўзини қобилятсиз ҳис қилиши мумкин,—деди Степан Аркадьич; у диннинг юксаклигини эътироф қилиш билан риёқорлик қилаётганини сезиб турса ҳам» (376).

Сердце > юрак *Сердце* сўзидан тузилган бир қанча русча ма-қол, матал ва идиомалар борки, уларга ўзбек тилида *юрак* сўзи асосида таркиб топган фра-зеологизмлар мувофиқ келади.

Рус тилида қўрқув ва ёки ғам-ғусса натижасида ҳаяжон-ланиш ҳиссини *сердце падает* ёки *сердце упало* идиомалари ифодалайди. Буларни ўзбек тилига *юрагим такка тортиб кетди* идиомаси билан таржима қилиш мумкин:

Рус тилида

Ўзбек тилида

Сердце падает; сердце упало. *Юрагим такка тортиб кетди.*

Демак, ушбу русча ва ўзбекча идиомалар шакл ва объект-лари томонидангина бир-бирига мувофиқ келиб қолмай, шу билан бирга, уларнинг маъноси ҳам жуда яқиндир. Бунда ҳар икки тилдаги идиомаларнинг фақат объектларигина эмас, балки уларнинг кесимлари ҳам мос тушган.

Қуйидаги мисолда эса, аксинча, ҳар икки тилдаги иди-омалар ҳам объекти, ҳам маъноси томонидан монанд, аммо уларнинг кесимлари англаган маъно жиддий фарқ қилади.

Рус тилида

Ўзбек тилида

Отлегло от сердца *Юракнинг ғубори кўта-рилди (кўнгил очилди).*

Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида ҳоким тилида қизиқ идиоматик ибора учрайди.

«Городничий. Да говорите, ради бога, что такое? У меня *сердце не на месте*» (стр. 19). «Ҳоким. Айта қолинг энди, аз-баройи худо, нима гап ўзи? *Юрагим қинидан чиқай деб ту-рибди*» (15-бет).

Бу кичик парчадаги идиоманинг ўзбек тилига нақадар яхши таржима қилинганини аниқ тасаввур қилиш учун шу парчанинг озарбайжонча таржимасини ҳам кўриб қўяйлик.

«Бэләдийә рәиси.— Сән аллаһ данышын жәрәк нә вар. Мәни һәч урәйим ериндә дейил»⁴³.

Сердце не на месте идиомаси озарбайжон тилига айнан «юрагим жойида эмас» деб таржима қилинган. Бинобарин, уни ўзбек тилига ҳам шундай таржима қилса ёмон бўлмасди. Фақат *юрак* сўзининг ўрнига *кўнгил* сўзини олиш маъқул бўларди.

Аммо бу ибора кечаси билан тушига ҳар хил каламушлар кириб, безовталаниб, жонсарак бўлиб чиққан ҳокимнинг кай-

⁴³ Н. В. Гоголь, Мифәттиш, Баки, Ушагкәнчәшр, 1949, 17-бет.

фиятини, унинг кўнглидаги аллақандай ваҳима ва шубҳаларни тўлиқ ифодалай олмайди. Шунинг учун бадий сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор бу ўринда русча *сердце не на месте бирикмасини юрагим қинидан чиқай деб турибди* ибораси билан жуда муваффақиятли бера олган.

Сердце (юрак) сўзи турли бирикмаларда ўхшатиш ва сифатлашларнинг асоси бўлиб келиши билан бирга, уларнинг ўзига нисбатан ишлатиладиган ўхшатиш ва сифатлаш объектлари ҳам жуда характерлидир.

Юрак сўзи асосида ҳар бир тилнинг ўзига хос, турли-туман ўхшатиш ва сифатлашлари бўлади. Рус тилида баджаҳл, раҳмсиз одамлар тўғрисида «у него каменное сердце» деб айтадилар. Демак, бундай одамларнинг юраги тошга ўхшатилади. Ўзбек тилида ҳам худди шу маънода *тошюрак одам; бағри тош одам* иборалари ишлатилади. Демак, юракка нисбатан ишлатиладиган ўхшатиш объектининг бир хиллиги жиҳатидан русча ва ўзбекча фразеологик иборалардаги умумийлик уларнинг бир-бирига эквивалент бўлишига олиб келган.

Рус тилида *сердце* сўзи севги лаёқати, муҳаббат симболи сифатида қўлланади. Бундай вақтларда ўзбек тилида бу сўзнинг ўрнини одатда *қалб* сўзи эгаллайди. Масалан, рус тилининг изоҳли луғатида келтирилган қуйидаги мисолни олайлик. «Евсей прочно занимал место и за печкой и в *сердце* Аграфены» (Гончаров, ТСРЯ, IV, 156). Бу ўзбек тилига шундай таржима қилинади: «Евсей печь орқасидан ва, шу билан бирга, Аграфенанинг *қалбидан* мустаҳкам ўрин олди».

Бадий таржималардан олинган ушбу мисоллар *сердце* сўзидан таркиб топган фразеологизмларнинг ўзбекча эквивалент ва муқобиллари турли-туман лексик элементлар асосида тузилиши мумкинлигини кўрсатади.

СЕРДЦЕ > ЮРАК

«— Оҳ!— перебивала ее Анна Васильева:— не напоминал мне об этом. Как я вспомню, куда ты хочешь ехать, *сердце* у меня так и покатится...» (Н, 183—184).

«Елена то сидела на кровати, обняв колени руками и положив на них голову, то подходила к окну, прикладывалась

«— Оҳ!— дер эди Анна Васильевна унинг сўзини бўлиб,— бунга эсимга солма. Қаёққа кетмоқчи бўлганингни эслашим биланоқ *юрагим орқамга тортиб кетади*» (А, 1955, 141).

«Елена гоҳ кроватида тиззасини қучоқлаб бошини қўйиб ўтирар, гоҳ дераза олдида келиб, иссиқ пешона-

горячим лбом к холодному стеклу — и думала, думала, до изнурения думала всё одни и те же думы. *Сердце у ней не то окаменело, не то исчезло из груди* — она его не чувствовала, но в голове тяжко бились жилы и волосы ее жгли, и губы сохли» (Н, 111).

СЕРДЦЕ > КУНГИЛ

«Городничий. Я буду спокоен в сердце» (Р, 55).

«— Ты пришелся ей по сердцу» (Н, 31).

СЕРДЦЕ > ҚАЛЬ

«Уехал! Кончено!» — сказала себе Анна, стоя у окна; и в ответ на этот вопрос впечатления мрака при потухшей свече и страшного сна, сливаясь в одно, холодным ужасом наполнили ее сердце» (АК, II, 369).

СЕРДЦЕ > ДИЛ

«Ночь — слезами обливаются, День — как травка пристиляются»

Я потупленную голову,
Сердце гневное ношу».
(КНРЖХ, 168).

сини совуқ ойнага босиб турар, ҳадеб бир хил ўйни ўйлар, то ҳолдан кетгунча ўй сурар эди. *Юраги урмай қотиб қолдими, ё қинидач чиқиб кетдими*, хуллас, Елена юрак уришини сезмасди, аммо бош томирлари қаттиқ урар, бошидан ўт чиққандай бўлар, лаблари қовжираб қолган эди» (А, 1955, 85).

«Ҳоким. ... *кўнглим тинчийди*»⁴⁴ (Р, 1952, 44).

«— Сен унинг *кўнглига* ёқиб қолдинг» (Р, 1955, 24).

«Анна дераза ёнида туриб: «Кетди! Энди тамом!» — деди, бунга жавобан кечаси шам ўчганда уйни қоплаган қоронғилик ва кўрган ваҳимали туши қолдирган таассурот бир-бири билан қўшилиб, *қалбини* совуқ бир ваҳимага тўлдирди» (400).

«Тунда — йиғлайман ёлғиз,

Кундуз — кўкат сингари
Ястанаман йўлларга ...
Дардимнинг зўрлигидан
Бошим буқик, *дилим* қон...»
(Тан. ас., 325).

⁴⁴ 1934 йил таржимасида «Кўнглим тинчиб, жойига тушадим» (Тер., 39); озарбайжонча таржимада «мэним урəйим сакит олур» (М., 51); тожикчада эса «дилам ором мегардад» (Ас. мунт., 431) деб берилган.

СЕРДЦЕ > УПКА

«Когда о войне и наших вместе перенесенных трудностях мы ему говорили, у него иной раз промеж глаз сверкают слеза, но он не дает ей законного ходу, отвернется, *насталиг сердце* и говорит: «Что было, то былдем поросло!» (ПЦ, 33).

Сердце сўзи асосида тузилган фразеологизмларнинг контекст ичидаги хилма-хил маънолари, уларнинг ўзбекча эквивалент ва муқобиллари иловада келтирилган жадвалда акс эттирилган.

Душа (жон), *сердце* (юрак) сўзлари асосида тузилган русча ва ўзбекча фразеологизмларни бир-бирига қиёс қилганда уларнинг бир хусусияти кўзга ташланади. Чунончи, икки тилда бирикмаларнинг объектлари бир-бирига мувофиқ келгандай кўринади-ю, аммо уларнинг маъноси тамом бошқача бўлиб чиқади.

Русча *бессердечный* иборасини олиб кўрайлик.

Рус тилида

Без сердце

↙ ↘
сс-Бессердечный

Ўзбек тилида

Юраги йўқ.

Жони йўқ.

Рус тилида

1. Человек с сердцем.
2. Если у него есть сердце, он поймёт.
3. У него нет сердца.

Ўзбек тилида

1. Юраклик одам. Жони бор одам.
2. Агар унинг юраги бўлса, тушунади. Агар унинг жони бўлса, тушунади.

⁴⁵ 1938 йил таржимасида бу — «юрагини тош қилиб» (39-бет); уйгурча таржимасида ҳам «йуругини ташқа айлантуруп» деб берилган эди (қаранг: М. Шолохов, Эчилган бўз, Тошкент, 1935, 47-бет).

3. Унинг юраги йўқ (У юраксиз одам. У жонсиз одам).

Юқоридаги схемаларда *сердце* сўзининг инкор ва тасдиқ маъноларидаги олд кўмакчилар билан келган вариантлари солиштирилди. Ҳар иккала схемадаги ўзбекча мисоллар ҳам фақат шартли «таржима» қилинган (аслида улар нотўғри, шундай қилинмаслиги керак).

Бессердечный сўзининг без олд кўмакчиси ва *сердечный* сўздан бирикиб ҳосил бўлганлиги маълум. Шунинг учун *сердце* сўзини айнан *юрак* деб олсак — *юраги йўқ*; *жон* деб олсак — *жони йўқ* бўлади. Демак, формал жиҳатдан ҳамма иш жойида. Семантик томондан эса бутунлай нотўғридир. Чунки юқоридаги ҳолда русча *сердце* сўзининг ўзига хос кўчма маънолари борлиги, бинобарин, у тасдиқ ёки инкор маъноларини билдирувчи бошқа аффикслар билан қўшилганида, *юрак* сўзининг турли лексик вариантлари англатадиган маънодан бутунлай бошқача маъно бериши мумкинлигини назардан соқит қилинган.

Ҳақиқатда эса рус тилида *бессердечный* деганда ярамас, бағри тош одам тушунилади. Ўзбек тилида эса *юраги йўқ* ёки *жони йўқ* деганда тамоман бошқа маъно англашилади. Бугина эмас, ўзбек тилида ҳатто: *юраги йўқ* деганда — бошқа маъно, *жони йўқ* деганда — бутунлай бошқа маъно тушунилади. Чунончи, *юраги йўқ* ибораси ўта кетган қўрқоқ одамни билдирса, *жони йўқ* бирикмаси эса заиф, кучсиз, нимжон одамни англатади.

Энди *бессердечный* сўзининг тўғри таржимасига эътибор қилинг.

1. *Бессердечный* — бағри тош, тошюрак; баджаҳл; ярамас.

2. *Жони йўқ* — заиф; кучсиз; нимжон.

Русча *бессердечный* сўзининг луғавий маъноси «юраги йўқ» ёки «юраксиз» деган маънони берса, унинг ўзбекча ҳақиқий эквиваленти эса «юраксиз» деган маъно бериши у ёқда турсин, бунинг устига — *юраги тошдан* (!) деган маънони англатади. Чиндан ҳам, *бессердечный* деган сўз англатган маънодаги «юраксизлик» билан «тошюрак» маъноси бир-бирига тўғри келади: *тошюрак бўлиш* — *юраксиз (бессердечный маъносида) бўлиш*; *юраксиз (бессердечный маънода) бўлиш* — *тошюрак бўлиш* демакдир. Бу антонимик вариантга мисол бўла олади.

Бошқа бир тилдаги идиоманигина эмас, балки фақат бир тилдаги идиома талқинининг ўзидаёқ, тил фактлари асосида гўё бир-бирига «мувофиқ келмайдиган» ёки бир-бирига «зид» хулосалар келиб чиқади. Чунончи, *жони йўқ* деган иборанинг маъносини тушунтириш учун юқорида *нимжон* сўзи ишлатил-

ди. Демак, ўзбек тилида мулоҳаза этганда ишлатиладиган *жони йўқ* иборасининг тожик тилидан кирган синонимиди «ярим» жон бўлади (*ним* — тожикча «ярим» демак).

Шундай қилиб, объекти бир хил маънодаги сўздан таркиб топган бирикмалар турли тилларда турлича, ўзига хос маъно беради.

Энди тасдиқ маъноларидаги *сердце* сўзининг бирикмаларини кўриб чиқамиз. (Бунда ушбу сўзнинг бирон нарсани англаш, тушуниш, фаҳм-фаросат, виждонлилик, инсоф маъноларида келиши олинган). *Человек с сердце* деганда самимий, холис ниятли, яхши, жонон одам маъноларини тушунамиз. Аммо *юраклик одам* идиомаси бутунлай бошқа, яъни *қўрқмас, довюрак, мард одам* деган маъноларни англатади. Уни *жони бор одам* деб ҳам таржима қилиб бўлмайди, чунки *жон* сўзи инкор маънодаги сўзлар билан бирикиб, *жони йўқ* (яъни *заиф одам*) деб *ишлатилади-ю*, аммо, кўпинча, тўғри маъноли сўзлар билан бирикиб, юқоридаги мазмунда кўчма маъно ҳосил қилмайди.

Иккинчи мисол хусусида. Бунда ҳам *юраги бўлса* — қўрқмас деган маънога кўчиб, *жони бўлса* ҳам шунга яқин. Ҳолбуки, оригиналда бундай фикр йўқ. Хуллас, ўша гап қуйидагича таржима қилинади: «Агар унда инсоф бўлса тушунади».

Учинчи мисолни «У ноинсоф одам» деб таржима қилиш лозим.

Бинобарин, *бессердечный человек* — *юраксиз одам; бездушный человек* — *жони йўқ одам; есть ли у тебя душа?! — жонинг борми?* эмас! Бошқача айтганда, русча бирикмаларнинг объектлари ва шакл хусусиятлари ўзбекча бирикмаларни кига айнан монанд келса-да, аммо мазмуни бошқа-бошқа бўлгани учун улар эквивалент бўлолмайди. Ўзбек тилида *юраги йўқ* — *қўрқоқ; жони йўқ* — *нимжон; кўнгели йўқ* — *кўнгилсиз* деган маъноларни англатадики, шакл томондан худди шунга ўхшаш русча бирикмаларнинг маънолари бутунлай фарқ қилади.

Юқорида кўрганимиздай, бошқа тилни энди ўргана бошлаган кишиларни тилдаги фақат формал томондангина ўхшаган иборалар кўп алдайди. Натижада бошқа тилда ўша тилнинг ўз табиатида тушуниладиган маънода эмас, балки худди шундай бирикманинг ўз она тилисида англатган маъносида идрок қилган ўқувчи панд ейди; худди шундай тушуниб сўзлаётган нотик уялади. Шунинг учун мактабларда ва ўқув юртларида рус ва ўзбек тилларини ўқитишда бу нарсага алоҳида эътибор қилиш зарурдир.

Рус тилида объекти *душа* ва *сердце* сўзларидан ташкил топган мақол, матал ва идиомаларни ўзбек тилига таржима

қилиш хийла осон. Чунки русча иккита сўз билан тузилган фразеологизмни ўзбек тилидаги объекти *жон, кўнгил, дил, юрак, қалб* сўзларидан иборат мақол, матал ва идиомаларнинг маъносига мувофиқ келадиган оттенкасини топиш мумкин. Ўзбек тилида объекти шу бешта сўздан иборат мақол, матал ва, хусусан, идиомаларни бошқа тилларга ағдариш эса анчагина қийинчиликлар туғдиради.

Ўзбек тилида *онанинг кўнгели болада, боланинг кўнгели далада* деган матал бор. Агар унинг таркибидаги *кўнгил* сўзи ўрнига *юрак* сўзини қўйиб талаффуз қилсак: «Онанинг *юраги* болада, боланинг *юраги* далада» бўлади. Аммо бундаги сунъийлик ва фализлик дарҳол сезилади. Бир томони кулгили ҳам бўлади: ўзбек тилидаги бирикмаларда «юрак» доим ўз эгаси билан «юради». Масалан, қўшиқда айтилади. «Ўзим ҳар жойдаман, *кўнглим* сендадир». Аммо «Ўзим ҳар жойдаман, *юрагим* сендадир» деб бўлмайди! Гўё *юрак* — асос, *кўнгил* — ҳосила⁴⁶. Чунончи, *кўнгил шишадан нозик, синса, чегалаб бўлмайди!* Аммо, *юрак* эмас! Чунки *юрак* «сингандан» кейин уни чегалаб бўлмаслиги ҳаммага аён. Чунончи, «юрак шишадан нозик, синса, чегалаб бўлмайди» дейилса, бу гапнинг ҳеч қандай «ҳикмати» қолмайди! Бировга *кўнгил қўйиши* мумкин, аммо *юрак...* «қўйилмайди»; бировга *кўнгил бериши* мумкин, аммо *юрак...* «берилмайди!» Бировдан *кўнгил сўраши* мумкин, аммо *юрак...* «сўралмайди!» Бирон нарсага *кўнгил чопиши* мумкин, аммо *юрак...* «чопмайди». *Кўнгил очилиши* мумкин, аммо *юрак...* «очилмайди!»

Бироқ бундай идиомаларни рус тилига таржима қилганда ҳаммасининг ҳам маъноларини *душа ва сердце* сўзларига «юклашдан» бўлак чора йўқ. Чунончи, *онанинг кўнгели болада, боланинг кўнгели далада* матали «Ўзбекские пословицы» китобчасида шундай берилган: «Сердце матери — в сыне, сердце сына на поле» (Шарқ халқларининг мақол ва маталлар тўпламида бу матал «сердце матери — в ребёнке, сердце ребёнка — в степи» деб берилган).

Айрим фразеологизмлар *жон* ва *юрак* сўзларининг синонимларига асосланган бўладик, уларни таржима қилиш айниқса қийин. Масалан, қозоқча *қалған көңіл — шыққан жан*

⁴⁶ Проф. А. К. Боровков *кўнгил* сўзини «хиссиётларнинг жам бўлиб турадиган жойи («вместилище чувств»)» деб изоҳлаган эди (қаранг: О языке узбекской поэзии, журн. «Общественные науки в Узбекистане», 1961, № 10, стр. 43). Езувчи Пиримқул Қодиров *кўнгилни* юракдан тарқаладиган радио тўлқинларига ўхшатиши ҳам бежиз эмас: «Мен буни кўрмаётган бўлсам ҳам, кишининг қалбига қувват берадиган алланарсани ҳис қилар эдим. Кўнгли яқин кишилар узоқдан туриб ҳам бир-бирларига ўз юрак тўлқинларини радио тўлқинлари каби юбориб турадиларми дейман» («Қадрим» повести, 122-бет).

(ҚММ, 155) — қолган кўнгил — чиққан жон маталини рус тилига таржима қилганда унинг фақат умумий маъносинигина бериш мумкин, холос.

Ўз навбатида, рус тилида *душа, сердце* сўзларидан таркиб топган кўчма маъноли бирикмаларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари борки, таржимада уларнинг фақат форма белгиларига қараб иш тутилса, қўпол хатоларга йўл қўйилиши турган гап.

Айрим таржима асарларининг бир қанча нашрларини ва бир неча кишилар томонидан қилинган таржималарни муқояса қилиш шунни кўрсатадики, *душа* сўзи асосида тузилган фразеологизмларни таржима қилишдаги чалкашлик ва чатоқликлар хийла кўпдир.

Б. Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» повестидаги *душа за семью замками* идиоматик иборасини икки таржимон ўзбекчага икки хил вариантда ўгирган.

«Она молчала. Молчала по-прежнему: *душа за семью замками*» (Нпк, 456).

«Настянинг ўзи жим. Аввал қандай индамас бўлса, ҳали ҳам шундай индамас, унинг кўнгли қулфлик» (Б, 1946, 34). «Настя жим. Аввал қандай индамас бўлса, ҳозир ҳам шу: *юрагига қулф урилган*» (Б, 1953, 43—44).

Бу бирикмада *душа* сўзини *жон* билан бериб бўлмайди, чунки ўзбек тилида *жон* ва *қулф* сўзлари бирикмайди (*жонни «қулфлаб» бўлмайди*). Аммо юқоридаги икки таржима ҳам тўғри эмас, чунки *кўнгил* сўзи ҳам, *юрак* сўзи ҳам семантик жиҳатдан *қулфламоқ* феъли билан бирикмайди.

Ўзбек тилида «дил қутиси» деган жуда ажойиб ибора бор. Русча «душа за семью замками» бирикмасини «дил қутиси тилсимланган» деб бериш мумкин.

Таркибида *сердце* сўзи келган фразеологизмларни таржима қилишда ҳам кўпгина чалкашликлар учрайди. Буларнинг аксарияти бирикманинг объектини таржимага механик равишда кўчиришда ва уни ҳижжалаб ағдаришда кўринади.

Қуйидаги мисолни ва унинг таржимасини таққосланг:

«Первым ощущением Елены, когда она проснулась, был радостный испуг. «Неужели? Неужели?» спрашивала она себя — и *сердце ее замирало от счастья*. Воспоминания нахлынули на нее... она потонула в них» (Н, 128—129).

«Елена уйғониши биланоқ севинчли ваҳм босди. У ўз-ўзидан «Наҳотки? Наҳотки рост бўлса?» деб сўрарди, *бахтиёрлигидан юраги тўхтаб қолди*. Хотиралар босиб кела бошладди... у ана шу хотираларга фарқ бўлиб кетди» (А, 1955, 98).

Бу парчадаги *сердце... замирало от счастья* гапини «бахтиёрлигидан юраги тўхтаб қолди» деб ағдарган таржимон Еленанинг юрагини тўхтатиб қўйгандан кейин ҳеч қандай «бахтиёрлик» бўлиши мумкин эмаслигини унутган.

Тўғри, *замереть* феъли тўхтаб қолиш маъносини ҳам англатади. Худди шу асардан мисоллар келтирамиз. «Елена выпрямилась — а Берсенева так и замерла на месте...» (Н, 155) — «Елена қаддини ростлади, Берсенева турган жойида қотиб қолди (А, 1955, 119); «Мгновенье-и публика опять замерла» (199) — «Орадан бир зум ўтди, тамошабинлар яна жим-жит бўлиб қолдилар» (1955, 153).

Аммо бу феъл *сердце* сўзи билан бирикиб келганда бутунлай бошқа, кўчма маъно англатадики, «Арафа» повестининг бошқа бир жойида у шундай таржима қилинган:

«Он каждый день ее видел и украдкой передавал ей — иногда на словах, иногда в маленькой записочке — все подробности хода болезни. С каким *сердечным* *замиранием* она его ожидала, как она его выслушивала и спрашивала!» (157).

«Берсенева Еленани ҳар куни бориб кўрар ва унга яширин йўл билан — баъзан бир-икки оғиз сўз билан, баъзан эса кичик бир хат билан — касалнинг ҳолини муттасил билдириб турар эди. Елена уни *орзиқиб кутар*, сўзларини диққат билан эшитар, ундан қайта-қайта суриштирарди» (1955, 121).

Русча-ўзбекча луғатда ҳам «сердце замерло — юрагим шув этиб кетди»; «с замиранием сердца — юрагини чангаллаб; юрагини ҳовучлаб» вариантлари кўрсатилган (РУЛ, II, 55, 58).

«Арафа» повестининг дастлабки — 1951 йилги таржимасида худди ўша ўринда *сердце ее замирало* бирикмаси *юраги узила ёзди* (111) деб филжумла тўғрироқ берилган эди, аммо 1955 йил нашрида қош қўяман деб кўз чиқарилган.

Энди Н. В. Гоголнинг «Уйланиш» комедиясидан битта мисол келтирамиз.

«Кочкарев (становясь на колени). Ну, вот я и на коленах! Ну, видишь сам, прошу тебя. Век не позабуду твоей услуги, не упрямся, душенька!

Подколюсин. Ну, нельзя, брат, право, нельзя.

Кочкарев (тиз чўкади). Мана тиз ҳам чўкдим! Инсоф қил, сендан сўрадим. Бу хизматинг умрбод эсимдан чиқмайди, қайсарлик қилма, азизим!

Подколюсин. Тўғри келмайди-да, биродар, тўғри келмайди.

Қочкарев (вставая, в *серд-
цах*). Свинья!» (Ж, 40).

Қочкарев (туриб, *юрагидан
чиқариб*)⁴⁷. Чўчқа!» (У, 53).

Сердце сўзининг *аччиқлаб, жаҳли чиқиб, ўпкалаб* маънола-
ри ҳам борки, бу ўринда у ана шу маънода келган, ҳолбуки
таржимон уни бошқача тушуниб, айнан *юрак* сўзи билан
берган.

В. Даль ўзининг машҳур мақоллар тўпламида тана аъзо-
лари номларидан тузилган жуда кўп мақол, матал ва идио-
маларни беради. Масалан, улар орасида *рука* сўзидан тар-
киб топган қўйидаги фразеологизмларни учратамиз:

- «Қўли узун» маъносида — «у него руки долги»,
«қўл остида» — «быть у кого под рукою»,
«ўнг қўли» — «он у него правая рука»,
«қўли тегмайди; ишга қўли бормайди» — «руки не дошли,
не доходят до дела»,
«қўл қўлни ювар» — «рука руку моет»,
«қўлни-қўлга бериб» — «рука в руку»,
«қўл учида» — «он работает только по конец пальцев»,
«қўл билан олиб, оёқ билан бериш» — «он берет руками,
а отдает ногами»,
«қўлингга эрк берма» — «рукам воли не давай»,
«қўл кўтармоқ» — «и как у тебя на него рука поднялась?»
«қўл келмоқ» — «прийтись по руке» (ПРН, 313 — 314) ва
ҳоказо.

Бу мисоллардан кўринадики, рус тилида *рука* (қўл) сўзи-
дан тузилган кўпчилик фразеологизмлар рус ва ўзбек тилла-
рида бир-бирларига айнан мувофиқ келган.

Бадний таржимадан бир нечта мисол келтирамиз.

«Городничий. ... Я вас под арест

Почтмейстер. Кто? Вы?

Городничий. Да, я.

Почтмейстер. *Коротки руки*» (Р, 110).

«Ҳоким —... Мен сизни ҳозир
қаматтириб қўяман.

Почта мудирини — Қим? Сиз-
ми?

Ҳоким — Ҳа, мен!

Почта мудирини — *Қўлингиз
қисқалик қилади!*
(Тер., 1934, 76).

«Ҳоким. ... Мен ҳозир сиз-
ни қамоққа буюраман ...

Почта мудирини. Қим? Сиз-
ми?

Ҳоким. Ҳа, мен!

Почта мудирини. *Қўлингиз-
дан келмайди*» (Р, 1952, 88).

Бу парчанинг тожикча таржимаси:

«Ҳокимини шаҳр. ... Ман шуморо ба ҳабс ...

⁴⁷ Қўлэзмада ҳам шундай.

Мудири почта. Ки? Шумо?

Ҳокими шаҳр. Ҳа, ман.

Мудири почта. *Дастатон кўтоҳи мекунад!*

(Ас мунт., 482).

Коротки руки идиомаси асарнинг 1952 йил таржимасида қўлингиздан келмайди муқобил варианты билан берилган бўлса, 1934 йил ўзбекча, 1952 йил тожикча таржималарида қўли қисқалик қилмоқ (*дастатон кўтоҳи мекунад*) эквиваленти билан берилган.

СЛОЖИТЬ РУКИ > ҚЎЛ ҚОВУШТИРИБ УТИРМОҚ

«— А до осени будете сидеть сложа руки?» (ПЦ, 419).

«— Кузгача қўл қовуштириб ўтирасизларми?» («Шқ. юл.», 1962, 5-сон, 83).

ИХТИЕРИ ҚЎЛИДА > ВОЛЯ В СВОИХ РУКАХ

Анда Бойўғли айди: «Боламинг ихтиёри қўлидадир»⁴⁸.

«Воля моей дочери — в ее руках», — ответил Бай-оглы»⁴⁹.

ПРОТЯНУТЬ РУКУ > ҚЎЛ УЗАТМОҚ

«— Некому протянуть руку. Кто подходит ко мне, того не надобно; а кого бы хотела... тот идет мимо» (Н, 101).

«Бировга қўл узатай десам, ҳеч ким йўқ. Ўзим истамаган одамлар ёнимга келишади; истаган кишим эса... четлаб ўтади» (А, 1955, 78).

Лекин объектлари *рука* (қўл) сўзларидан ташкил топган ҳамма фразеологизмлар ҳам мувофиқ келавермайди. Баъзан ҳатто асосий лексик элементлари тўғри келган бирикмаларнинг ҳам структурасида ёки маъносидан даражада фарқ бўлади. Масалан, *на руку нечист* идиомасининг *қўли эгри* деган эквивалентини олиб кўрайлик. Агар бу ибораларни уларнинг луғавий маънолари билан: «рука кривая» ва «қўли тоза эмас» деб ағдариладиган бўлса, улар дарҳол ўз идиоматик маъноларидан маҳрум бўлиб қолади. Шунингдек, «ўғри» маъносидаги *у него руки длинны* идиоматик бирикмаси эркин бирикма сифатида «унинг қўли узун» деб таржима қилинса, русча иборанинг идиоматик маъносидан асар ҳам қолмай, ўзбек тилида тамомила бошқача идиоматик маъно англатади.

Булардан ташқари, рус тилида «ўз-ўзини ўлдириш» маъносидаги *наложить на себя руку*, «балога қарши бошқа би-

⁴⁸ Гульханий, Зарбулмасал ва ғазаллар, 36-бет.

⁴⁹ Гульханий, Избранные произведения, стр. 41.

ровни благогардон қилиш» маъносидаги *чужими руками жар загребать* (ПРН, 314), «ўртача» маъносидаги *средней руки* ва бошқа кўп мақол ва идиомаларни ўзга тиллардан қидириб топиш қийин, шунинг учун таржимада кўпинча уларнинг умумий маъносигина акс этирилади.

Рус ва ўзбек тилларида бошқа тана аъзоларининг номларидан таркиб топган фразеологизмларнинг маъноси ва шакли бир-бирига айнан мувофиқ келиши ёки бутунлай фарқ қилиши ҳам мумкин. Масалан, қуйидаги мақол, матал ва идиомалар бир-бирига монанд:

Протянуть ноги — оёқ узатмоқ («вафот қилиш» маъносида),

одной ногой в могиле — бир оёғи гўрда,
руки прочь (от кого-чего) — қўлингни торт (калька),
сухая ложка рот дерет — қуруқ қошиқ оғиз йиртар,
разинуть рот — оғизни очиб қолиш,
на чужой роток не накинешь платок — эл оғзига элик ту-

тиб бўлмайди,
разжевать и в рот положить — чайнаб оғзига солмоқ;
словно воды в рот набрал — оғзига толқон солгандай,
закрывать глаза — кўз юмуш («вафот қилиш» маъносида),
закрывать глаза — кўз юмуш (масалан, «камчиликлардан кўз юмуш»),

завеса спала с моих глаз — кўзим мошдай очилди.

Бир-бирига эквивалент ёки муқобил бўлган қуйидаги бирикмаларда эса бир тана аъзосининг номидан иборат объект бошқаси билан алмашиб келади:

идти, куда глаза глядят — бош оққан томонга кетмоқ,
как рукой сняло — кўзим очилди,
приложить руку — бош қўшмоқ,
хлопот полон рот — ташвиши бошидан ошиб ётибди,
авырткан башка тимер тарак (татарча) — оғримаган қулоққа олтин исирға.

Бадий таржимада мақол, матал ва идиомалар объектининг сақланиши ва ўзгариши масалалари юзасидан ушбу бобда баён этилган кузатиш ва текширишлардан қуйидаги умумий хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Рус тилида объекти тана аъзоларининг номларидан таркиб топган анчагина бирикмалар ҳам маъно, ҳам шакл, ҳам объект томондан ўзбек тилидаги шундай бирикмаларга айнан мувофиқ келади.

2. Бундай русча фразеологизмларнинг бир қисми гарчи шакл хусусиятлари ва объекtlари жиҳатидан ўзбек тилидаги бирикмаларга мувофиқ келмаса-да, аммо маъно жиҳатдан

уларга жуда яқин ёки мос бўлади, шунинг учун улар бир-бирига эквивалент ёхуд муқобил вариант бўла олади.

3. Айрим русча ва ўзбекча фразеологик иборалар ҳам маъно, ҳам шакл ва ҳам объектлари томонидан бир-бирига ниҳоятда яқин келади. Аммо бундай ибораларнинг этимологияси текширилса, уларнинг шаклий мувофиқлиги нисбий эканлиги аён бўлиб қолади (масалан, *остался с носом* — *икки қўлини бурнига тиқиб қолди*).

4. Рус ва ўзбек тилларидаги айрим фразеологизмлар баъзан айни бир хил тана аъзолари номлари асосида тузилган бўлсалар ҳам, аммо уларнинг маъноси мувофиқ келмайди. Шунинг учун улар бир-бирига эквивалент ёки муқобил вариант бўлмайди. Бундай бирикмаларда ҳам шакл, ҳам объект хусусиятларининг мувофиқ келиши таржимонни алдаши мумкин. Булар сохта эквивалентлардир.

5. Икки тилда баъзан идиоматик ибораларнинг луғавий мазмуни бир-бирига ҳатто бутунлай зид, яъни антонимик характерда бўлганида ҳам, уларнинг идиоматик маъноси мувофиқ бўлиши мумкин (масалан, *работать с душой* — *жонини жабборга бериб ишламоқ*).

Бундай фразеологизмларнинг луғавий маъноси бир-бирига нақадар зид бўлмасин, уларнинг идиоматик маъноси бир-бирига мувофиқдир. Булар антонимик муқобил фразеологизмлар ҳисобланади.

ИЗОҲЛИ ШАРҲЛАР, ҲАВОЛАЛАР,
ҚЎШИМЧА МАТЕРИАЛЛАР,
ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР ВА
КЎРСАТКИЧЛАР

(96-бетга*) Таржима қилинаётган асарда тасвирланган воқеаларни ўз юртига кўчириб талқин қилиш, уларга ўз халқининг миллий руҳини «юқтириш», миллий адабиётдаги уларга монанд тушунчалар билан қиёслаш, асарда тасвирланган номларни ўз миллий номлари билан алмаштириш, асар сарлавҳаларини ўзгартириш ва бошқа шу каби ҳодисаларни ўзга халқлар тилларига таржима қилиш тарихида кўп учратамиз. [Қаранг: академик Игнатий Юлианович Крачковский, Калила и Димна, Введение; Датский перевод «Тысяча и одной ночи»; Гомер и ал-Бируни. (Избранные произведения, Изд-во АН СССР, М.—Л., 1955, стр. 438, 446, 447, 484); Ризкаллах Хассун (1825 — 1880), переводчик басен Крылова на арабский язык; Горький и арабская литература; Басни Крылова в арабских переводах; Арабский перевод «Илиады». [(Избранные произведения, том III, 1956, стр. 162—163, 310, 322, 337). «Калила и Димна», ИВЛ, М., 1957. (Проф. Е. Э. Бертельс ёзган муқаддиманинг 9—11-бетлари)].

(146-бетга*) Бевосита қардош тиллардан таржима қилишнинг аҳамияти шундаки, у асл нусхага максимал даражада яқин бўлади. Аммо бундай таржиманинг машаққати катта. Сабаби шуки, жуда кўп сўзлар ва ибораларнинг «худди ўзи» ўзбек тилида топилса ҳам, аммо улар, кўпинча, бутунлай бошқа-бошқа маъноларни ифодалайди. Шунинг учун сўзларнинг ташқи либоси ўхшашлиги таржимонни «тузоққа илинтириб», доғда қолдириши мумкин. Бундан ташқари, қардош тилларнинг икки тилли луғатлари (масалан, қирғизча-ўзбекча, ўзбекча-қирғизча; озарбайжонча-ўзбекча, ўзбекча-озарбайжонча ва ш. к.) яратилмаган. Кўп таржимонлар қардош халқлар адабиётларини ҳам рус тилидан таржима қилишга «мойил» бўлишларининг боиси шу.

Бизнингча, ҳозирга қадар бундай луғатлар яратилмаган

экан, бадий асарларни бевосита қардош тилларнинг ўзларидан, асл нусхасидан таржима қилишда бу асарларнинг маъхум жойларини уларнинг русча таржималарига қараб аниқлаб олиш мумкин. Қардош халқлар тилларидан рус тилига қилинган таржималар бундай ҳолларда қўшимча, ёрдамчи восита бўлиши ва таржимоннинг ишини бир қадар енгиллатиши мумкин.

236-бетга*) Асл нусхадаги тиниш белгиларига эътибор қилмаслик қандай хатога олиб келса, аксинча, таржимада уларни жойига қараб ишлатмаслик ҳам маънони бузади.

«Матбуот ходимларига ёрдам» блокнотида тиниш белгиларини нотўғри ишлатиш ва имло қоидаларига риоя қилмаслик ҳақида В. Дробин ёзган «Грамматика» сарлавҳали эпиграмма ўзбек тилига шундай таржима қилинган:

Тил қоидасин билолмас, тузук
Шунинг учун ҳам жумласи бузуқ.
Кераксив ерда қўяди вергул,
Керакли жойда унутар нуқул.
Ҳар иборада қоқилар шўрлик
Токайгача у қиларди кўрлик.

Кўринадики, таржимон тиниш белгиларини нотўғри ишлатувчилар устидан кула туриб, ўзи ҳам худди шундай қурсурга йўл қўйган: «тил қоидасин билолмас» сўзларидан кейин вергул қўйиш билан унинг ўзи тил қоидасига риоя қилмаган. Оқибатда «тил қоидасини тузук билмаслик» қораланиш ўрнига маъқулланган!

Солиштиринг: 1. Тил қоидасин билолмас тузук; 2. Тил қоидасин билолмас, тузук.

(180-бетга*) Чет тиллардан кирган кўп сўзлар шу қадар ўзимизники бўлиб кетганки, кўпинча, уларнинг бир вақтлар бошқа «даргоҳ»дан келиб қолганлигини ҳам ажратиш қийин.

Оташкурак сўзининг ҳар иккала қисми ҳам тожикчадир: *оташ* (олов) + *гирак* (*гирифтан* — «олмоқ» феълидан). Демак, унинг иккинчи қисми ўзбекча *курак* эмас, балки *гирак*дир. Бошқача айтганда, бу рўзғор асбоби оловни курашга қараб эмас, балки олишга қараб номлангандир.

Шундай қилиб, «ўзимизнинг» *оташкурак* сўзимиз бутунча асли тожикчадан олиниб, сўнгра диетимология қилинган экан.

Фулғула солмоқ идиоматик бирикмасининг маъносини кўпчилик билади. *Фулғула* — *вахима* сўзининг синоними бўлиб қолган. Аммо унинг луғавий маъноси ҳамманинг ҳам хотирида бўлмаса керак.

غل *ғул* — форсча *жин* демакдир. «У орага *ғулғула* солди» гапани ўзбек тилига «таржима» қилсак: «У орага жин-ажиналарни солди» бўлади. Ёки «юрагимга *ғулғула* тушди» гапи — «юрагимга жин-ажиналар кириб олди» демакдир (غل сўзининг луғавий маъносини қаранг: ППП, 299).

Рус тилида *айиқ* — қўполлик, бесўнақайлик тимсоли бўлиб қолган. Бизда эса, кўпинча, ўзбекчасига *айиқдай* дейиш ўрнига, шу маънода *хирсдай* сўзи ишлатилади. Масалан, «хирсдай ит» деганда кўп кишилар «айиқдай ит» деяётганларини билмайдилар. Биз бу форсча *خرس хирс* (ППП, 281) сўзини шу қадар ўзимизники қилиб олганмизки, ҳатто ўз тилимизнинг қонунига мувофиқлаштириб, уни *хирс-мирсдай* деб ҳам ишлатамиз (ЎРЛ, 502).

